



К Р с е в о л о д
К о ч е т о в

АКА-УКА
ЕРШОВЛАР

Ўзадабийнашр

Ф2
К75

В (Е В О Л О Д
К О Ч Е Т О В

АКА-УКА ЕРШОВЛАР

роман

07

БИБЛИОТЕКА НГПИ
Инв. № 45081
1964 г.

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1960

ҲАМИДУЛЛА НУРИЛЛАЕВ

таржимаси

На узбекском языке

Кочетов Всеволод Анисимович

БРАТЯ ЕРШОВЫ

Роман

Гослитиздат УзССР—Ташкент—1960

**„Молодая гвардия“нинг 1959 йил
нашридан таржима қилинди**

Редактор **М. Исломов**
Рассом **А. Зыков**
Расмлар редактори **Г. Остапенко**
Техн. редактор **Л. Ильина**
Корректор **М. Юсупова**

* * *

Босмахонага берилди 5/IX 1960 й. Босишга рухсат этилди 5/XI 1960 й. Формати 60X92¹/₂,
Босма л. 30. Шартли босма л. 30. Нашр л. 30,69 Индекс 6/а Тиражи 5000.
УзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома 43—59

* * *

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистонги Сурх“ бирлашган
нашриётининг босмахонаси. Тошкент „Правда Востока“ кўчаси 26. Заказ 1519.
Баҳоси 10 с. 70 т. 1961 йил 1 январдан 1 с. 10 т.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Улар остонада қучоқлашиб кўришдилар.

— Салом, оппоғим! Салом, кўзичоғим!— Уй эгаси ҳаяжонланган, йўғон ва дўриллаган овози ўзгарган эди.— Қир, киравер, қўрқма,— дерди у қувонч билан меҳмоннинг елкасидан итариб.— Бу бемаъни ҳашаматга парво қилма!

Меҳмон ичкари кириб атрофга кўз ташлади. Хона каттагина бўлиб, тўрт девор, икки дераза, шип ва ҳали оҳори кетмаган топ-тоза полдан иборат эди. На стол бор, на стул, умуман бирорта мебель йўқ эди. Фақат деразалардан бирининг остида устига қордек оппоқ тўртта дастрўмол ёзиқ дўппайган эски чамадон ётарди. Чамадон устида бир шиша ароқ ва пушти ранг ярқироқ арзон баҳо қадаҳ, балиқ консерва ва шпрот каробкалари, ярим метрча колбаса, бир буханка нон, чорак бўлак голланд пишлоғи, катта-катта пиёз, помидор, бодринглар бор эди. Хонанинг бурчатида ўраб йиғилган йўл-йўл ва жунли шапарак тўшак ётарди; туя жунидан тўқилган яшил одеял унинг устига тахлаб йиғилган. Ранг-баранг гул қоғозлар ёпиштирилган деворларнинг у ер-бу ерига тоза дафтар варақлари тўғноғичлар билан қадаб қўйилган эди.

3

— Столга ўтавер, тўппа-тўғри столга, азизим Витенка. Ошпазим, курка ҳил-ҳил бўлиб кетди, тошбақа шўрва ҳам қайнайвериб ёғи доғ бўлиб кетди, деб жавраб турган эди. Бу тошбақа шўрванинг қанчалик сердахмазалигини биласанми?

Хонанинг эгаси — кекса драматик актёр Александр Гуляев билан меҳмон — яқинда ўттиз саккиз ёшга тўлганини нишонлаган рассом Виталий Қозаков чамадон ёнига полга рўбарў ўтиришди.

— Аввало бургунд шарбати тўлдирилган мана бу нодир венеция қадаҳларини кўтарайлик, сўнг бафуржа гаплашамиз.— Уй эгаси тўлдирган қадаҳлар уриштирилди, «уч-рашганимиз учун» деб ичишди-ю, башараларини буриштириб закускага қўл узатишди. Нонни ушатиб, колбасани тўғраб «Ҳар нечук қандай лаззатли бу Узоқ шарқ сардинаси» ёки «таомлар ичиди энг ажойиби — қовурма лангуст» деб балиқларни вилкаларга илардилар. Карс-карс бодринг чайнаб, уни гоҳ корнишон деб, яна аллақандай андива деб аташар, тинёз ҳидлашарди.

— Шундай қилиб маликангни олиб келмабсан-да,— деди Гуляев,— қадаҳни яна қўлига олиб.— Ўжарсан-да. Яширасан.

— Айтдим-ку, Александр Львович, у иккинчи сменада, кечқурун ишляпти. Соат ўн бирда бўшайди.

— Ундай бўлса ўн бирдан кейин келаверсин.

— Ишдан жуда чарчаб чиқади. Келолмайди.

— Афсус, дўстим, афсус. Бўлмаса, кел, унинг соғлиғи, муваффақиятлари учун, меҳнатининг равнақи учун кўтарайлик. Исмо нима эди?

— Искра.

— Нима, нима дединг? Жуда ажойиб-ку!

— Замонасига яраша, Александр Львович, йигирманчи йиллар...

— Замонасига яраша деганинг нимаси. Ажойиб исм, васалом! Искра учун!..

— Мана, сен йигирманчи йилларни эсладинг...— деди Гуляев қуритилган майда балиқ билан закуска қилиб.— Йигирманчи йилларда отанг билан мен навқирон забардаст йигитлар эдик. Ўзимизни руҳан паҳлавондек ҳис қилардик. Биз матрос ва комиссарларни, революционерларни, подшони ағдарувчилар ва янги турмуш қурувчилар ролини ўйнардик. Ҳозирчи, Витенька, мен шундай каллаварамлар, шундай йиғлоқилар ролини ўйнайманки... Туф! Ярим кечада мана шу маконимга келаману, башарам грими билан, анови бурчакдаги тўшакка ўзимни ташлайман. Биласанми, ҳасратлашгим, йиғлагим келади. Феъли айниб одамга қўшилмай-

диган бўлиб кетяпман. Кўчада сени учратмаганимда, бугун ҳам ёлғиз ўзим бурчакка тиқилиб ўтирардим. Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлса ҳам, сени бир кўришда таниб олдимми? Кўришмаганимизга ўн етти-ўн саккиз йил бўлгандир, дейман?.. Отанг ўлганда кўришган эдик-да? Қани, кел унинг хотираси учун ичайлик. Кўнгли ноёб одам эди.— Гуляев ўрнидан турди, ўроғлиқ тўшак ётган бурчакка бориб тугун орқасидан иккинчи шишани олди ва пўкагини уриб чиқараётиб,—Энзе,— деди.

— Кўплик қилмасмикин?— деди безовта бўлиб Козаков.— Ёки, ҳар қалай бироз дам олсакмикин?

— Шундоқ қилсак ҳам бўлади. Кел, дам олайлик. Бу орада коллекциямни кўздан кечирамиз. Бу ёққа кел-чи, ўрнингдан тур. Хўш, сенингча, бу нима?— Гуляев девордаги тоза варақлардан бирини бармоғи билан кўрсатди.

— Буми?—Козаков кўзини қисди, расмлар галереясига келган кишидек томоша қилиш учун қулай нуқтани танлаб, орқасига қайтди, бир қадам ёнига ташлади.— Бу, албатта шубҳасиз, «Тўққизинчи пўртана» расми. Кўчирилган нусхаси.

— Йўғ-э!— деди шовқинлаб Гуляев.— Менинг уйим ҳам, дам олиш уйи ҳам, аэровокзал ҳам эмаски, унда пўртаналарнинг, қайин ўрмонидаги айиқларнинг расмлари сақланса. Бу Ренуар, дўмбоғим, Ренуар. Огюст Ренуар. Асл нусхаси. Тикилиб боқ, гўзалнинг ажиб рухсори. Жоду кўзларини айтмайсанми, уларда қанча мазмун яширинган... Ё раббий, бу кўзлар нималар қилмайди дейсан одамни! Ҳали ўқиб юрган вақтингда импрессионистларга, французларга мойиллигинг борлиги эсимда бўлганидан атайлаб сен учун қидириб топдим. Ўзим бўлсам Витенька, рус кишисига хос соддадил бўлганимдан левитанлар, куинджилар, коровинлар билан қаноатланаман.— Гуляев қўли билан қоғоз илинган деворларни кўрсатди.— Репинни севаман, Суриковни севаман. Кўрдингми, қандай эътиқодлиман. Шулар учун ичайлик, бўл дам олиш етар. Ҳа, айтгандек — тўхта!.. Биз ҳали отангни эсламабмизку. Қани унинг хотираси учун. Эҳ, одаммисан одам эди-да!

Козаковнинг марҳум отаси учун ичишганларидан сўнг Гуляев:

— Наҳотки сен ўз Москвангни тамоман ташлаб келган бўлсанг! Бу ерга нима излаб келдинг?— деб сўради.— У кенг пиджагини полга ташлаб подтяжкаларини туширмай ўтирди, кўйлагининг крахмалланган ёқасини ечиб қўйди; унинг нўхатдай-нўхатдай доирали ҳаворанг «капалак» галстуги ён томонга сурилиб кетди: оқарган сийрак сочи тўзиб, кўпчиган қовоқлари остида кўкиш кўзлари сузилиб турса-да, лекин улар асло жилмаймасдилар.

Козаков унга қарар ва отаси ҳаёт вақтида ўз уйларига қарийб ҳар кун келиб турадиган бу одамни таниёлмай қолган эди. Бўлғуси рассом болалигида шу артист қатнашадиган спектакллари бориб кўрарди. Унга ҳаваси келар, унинг учун қайғурарди. У доим маузер ва юмалоқ гранаталар тақиб, френч, гимнастёрка ва чарм курткалар кийиб юрар, тенг бўлмаган жанглардагина курашар, тутилиб-тутилиб бўлса-да, лекин шундай оташин нутқлар сўзлардики, киши стулда ўтиролмай қоларди, жангга отилгиси, оқларни, интервентларни ва Антанта агентларини тор-мор келтиргуси келарди. Уша вақтда Александр Гуляевни Козаков «Шура амаки» дерди. Бу ёш Шура амаки қувноқ, серғайрат одам эди; у рўмолча, қарта, гугурт, чақа-тангалар билан қилинадиган юзлаб фокусларни биларди. Вақт — бераҳм. У, Шура амакини шунчалик ўзгартириб юборибди-я. Илгари Шура амаки ароқ ичмас, тушкунликка тушмасди. У даврда иродасиз кишилар ролини ўйнашга уни ҳеч ким мажбур ҳам қилолмас эди, албатта.

Гуляев, Москва тўғрисида, Виталийнинг у ердан қанча вақтга келгани тўғрисида сўрай бошлади. Виталий эса гўё саволни эшитмас, болалик, ёшлик йиллари хотирасига берилиб кетган эди...

У ўз ота-онаси билан биргаликда кам яшади. Кундуз кун илар уйда, у эса мактабда бўларди, Виталий уйга қайтиши билан илар театрға кетишарди. Шундай бўлса ҳам Виталий иларни севар, ота-онаси ининг учун дунёда энг покиза, энг ақлли, энг гўзал одамлар эди. Онаси примусдан ҳалок бўлди. Примус ёрилиб кўйлагини ўт олган ва аъзойи бадани куйиб кетган эди: сўнгра касалхонада уч ҳафтагача қаттиқ азоб чекиб, охири вафот этганди. Шура амаки Москвадан дарҳол жўнаб кетди. У Виталийнинг отасига ёзиб қолдирган хатида ўн йил фақат Наташани. Наталия Андреевнани севиб юрганига иқрор бўлди, бу бахтсизлик бўлмаганида Наталия Андреевнага ҳам, унга ҳам бу нарса ошкора бўлмаслигини, энди у ўзи учун барча қимматини йўқотган шароитдан кетишини билдирган эди.

Ота ўзининг иккита энг яхши дўстидан бирданига жудо бўлди. У ғариб қолиб, қаттиқ ичадиган бўлди ва қиш кунларидан бирида қор остида ухлаб қолиб, шундай қаттиқ зотилжам бўлдики, уни даволашнинг иложи бўлмади. Шура амаки кўмиш маросимига аллақандай узоқ жойдан, Волга бўйидан етиб келди. Ушанда Козаков ўз ота қадрдонини сўнгги марта кўрган эди. Бу — урушдан бир неча йил илгари эди.

— Нега батамом ташлаб келай?— деди ниҳоят Козаков, Гуляевнинг сўроғига жавобан.— Бир-икки йил ишлаб кўра-

ман. Турмушни кузатаман, таассурот орттираман... Ҳар бир ишнинг ҳам яхши томонлари бўлади. Гапнинг очиги, бошда бу сафарга қатъиян қарши эдим. Москвадан кетиш, квартирани қолдириш, одатланган ҳамма нарсани, таниш-билишларни, дўстларни ташлаб келиш... Тагин нима учун? Хотинимнинг корхонада ишлашни хоҳлаб қолганлиги, главкада ўтириш ва ўзгаларнинг ишини контроль қилиш жонига текканлиги, ўзининг чўян эритиши даркор бўлиб қолганлиги учун буни қаранг-а. Лекин мен ишни фожиали жанжалга тақаш керакми, йўқлигини ўйлаб кўрдим-да, бирор йил ўтиб, одатланиб қолган гавжум Москва ҳаётига ўзи интилиб қолади-ку, деб ўйладим. Нега деганингизда у ахир хотин киши. Ёки нотўғри гапирдимми?

Гуляев бўш шишани силкитди:

— Энзе адо бўлди. Лекин сен билан биз ҳали бу дунёнинг ишларини битириб бўлганимиз йўқ.— У ўрнидан турди-да, бироз гандираклагани ҳолда.— Сен бундай шеърларни биласанми?— деди:

Барча ишни қилди оламда
Энди жони қаро елканли
Нема узра борар бу дамда
Маҳкам ёпиқ эшик орқали.

Бу — зиндонда ўлаётган кекса корсар тўғрисида ёзилган.— Гуляев яна хиёл гандираклади.

Козаков Шура амакининг ғирт маст бўлиб қолганини кўрди.

— Бошқа керакмас, ортиқ ичолмайман,— деди у, ўзи ундан ҳам мастроқ эканлигини сезиб.

— Керак,— деди Гуляев ўжарлик қилиб.— Керак.— Шундай дедию, хонадан чиқди.

Козаков унинг полга ташланган пиджагини тагига тортиб ёнбошлади, кўзларини юмди, пол гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиб, катта-катта доира ясаб чайқала кетди. Қандай расвогарчилик бу, деб ўйларди у. Искра билан бу шаҳарда атиги уч ҳафтадан буён яшаётган бўлсалару, у шунчалик ичса, бунақаси кам бўлган эди, уларнинг олти йил бирга ўтказган умрларида бунақаси жуда кам бўлган эди. Уйга қандай етиб олади. Искранинг олдига қай алпозда боради, унга нима дейди?

Қайтиб келган Гуляев Козаковни полда, ўз пиджаги устида ухлаб ётганини кўрди.

— Буни қарал.— Гуляевнинг қўлида янги шиша бор эди, у Козаковни уйғотмоқчи бўлди. Яхши одамлар дард қолдирмайди. Девор орқасида ким туришини биласанми? Хотининг бошлиғи. Домна печларининг каттаси. У ҳам менга ўхшаш

сўққабош. Уруш вақтида хотинидан ажралган. Қани, энди сенинг саломатлигинг учун ичайлик.

Козаковдан жавоб бўлмади.

Гуляев хонадаги чироқни ўчириб, очиқ дераза ёнига борди, дераза тоқчасини қўллари билан қаттиқ тутиб, олисларга тикилди. Дераза ортида завод билан денгиз туташ кўринар эди. Домна печларининг бурқсиган, бесаранжом, ярқироқ алангаси бора-бора тунги сокин денгизни қоқ иккига ажратиб турган кенг ойдин йўлга туташиб кетарди. Ойдин йўлдан пароход сузиб бормоқда. У фонарчага ўхшайди. Пароход билан завод ўртасида елканли балиқчи баркасларнинг қораси кўринади.

Гуляев чамадон ёнига қайтиб келиб, чап қўлига қадаҳни, ўнг қўлига шишани олди. Ухлаб ётган Козаковнинг юзига ой нури тушиб турарди. Бу чеҳра юракни орзиқтирар даражада таниш эди.

Гуляев қадаҳни тўлдирди ва ёлғиз ўзигагина кўринган аллакимга юзланиб, шеър ўқий бошлади.

— Нималарни жаврашмас улар,
Не-не лоплар уришмас, ҳар бор.
Аммо менинг дардимни булар
Сенга очиб беролмас зинҳор.
Мири-сирим қўймайин ковлаб,
Мени ёвуз демишлар чунон.
Ачинмишлар кўнглингни овлаб,
Сен ишондинг бунга бегумон.

Ҳа, ана шундай...— У қадаҳни бўшатди.— Аммо менинг дардимни булар... Сенга очиб беролмас зинҳор.

Даҳлиздаги эшикнинг қўнғироғи жиринглади. Гуляев чироқни ёқиб, соатга қаради: икки ярим бўлибди. Бевақт келган ким бўлди экан? Қўшним у уйда, ухлаб ётибди. Ароқ қарз берган қўшинининг холаси хушфёъл бир кампир, қўлидан келганича ўз яқинининг корига ярамоққа тайёр. Яна ким бўлди экан?

Яна қўнғироқ жиринглади. Гуляев эшикни очгани чиқди.

2

Чўян гувиллаб ва билқиллаб, новлардан оқиб борар, оғир, қайноқ жилға бўлиб чўян ташиғичларнинг ковшларига тушарди. Новлар устида тутун билан аланга паға-паға бурқсиб. қуюв майдончасининг юпқа томи орқали ўтиб борар, қоронғи август осмонида шафақдек кўринар эди.

Искра Козакованинг сменаси тугай деб қолган эди. Бир неча минутдан сўнг чўян қуйиш тамом бўлиб, горновойлар

чўян лёткасини яна созлайдилар, новларни тозалашга ва углеродли қоришма билан мустаҳкамлашга киришадилар. Лекин энди бу ишларни бошқа мастер бошқаради, ҳозир у анови ерда, печь атрофида фурмларни кўздан кечириб юрибди, Искра унга сменани топширадию душга тушади, ювиниб домна қурумидан тозаланади, кейин уйга кетаверса бўлади.

У заводда ҳеч вақт домна печи ёнида иш билан кечган шу уч ҳафтадаги каби чарчамаган, шунингдек ўзини ҳеч маҳал бунчалик бахтиёр сезмаган эди. Искра институтни тамомлагандан сўнгги олти йилни жуда-жуда ножўя ўтказганини шу ерда тушунди. У йиллар гарчи тамомила зое кетмаган бўлса ҳам, лекин арзигудек фойда ҳам келтирмади. Тоғ инженерни дипломини олганидан сўнг роса бир ой, Кузнецкка келганидан сўнг эса бир неча кун ўтказиб, Искра эрга тегди. Қизиқ, унинг кўп дугоналари, москвалик бўлмаган ва ҳатто институтга узоқ ўлкалардан келган дугоналари ҳам институтни тамомлагач, албатта Москвада ишга ўрнашишга ёки, жуда бўлмаса, Москвага яқин жойда қолишга уринардилар. Улардан айримлари йўқ ердаги касалликларни ўйлаб чиқиб, справкалар топиб келсалар, бошқалари эътиборли танишбилишларникига қатнардилар, таниш-билишлар эса, ёш металлурглари Москва муассасаларига жойлаб қўярдилар, бошқа бирлари эса иш қилиб; тезроқ эрларининг паноҳида қолмоқ учун деярли дуч келган ҳар кимсага шошилиш суратда эрга тегиб олардилар.

Искра Кузнецкка иштиёқ билан жўнади. Келиб ишга ўрнашди. Бироқ...

Ана шу «бироқ» рассом Козаков бўлиб чиқди.

Рассом Козаков унга Магнитогорскда сўнгги ишлаб чиқариш тажрибаси ўтказилган вақтдан бошлаб бир йилга яқин мулозамат қилиб юрди. Козаков у ерда заводга қатнар, мартен цехида катта расм ишлар эди. Улар завод ошхонасида, бир стол олдида учрашиб танишдилар; Искра деган номни эшитиб, Козаков ҳайрон қолди. «Искра! Жуда ажойиб-ку бу,— дер эди у дам-бадам. Бу кимнинг хаёлига келди экан!»

Улар Москвада ҳам учрашиб турдилар. Искра Кузнецкка жўнайдиган бўлганида муносабат узилишига сал қолди. Козаков ялғиз-ёлғориб уни қолишга кўндирмоқчи бўлди. Искра кафтлари билан қулоқларини беркитди. «Мен билан бирга жўнайвер» деди у қайсарлик қилиб ва алоҳа жўнаб кетди. Искрани мартен цехида шихта тайёрлаш ишига қўйдилар, бу иш мароқсиз, бир зайлдаги хуноб иш экан. Унинг дугоналари йўқ, ҳали таниш ҳам орттирмаган эди. Ҳаётга мустақил қадам қўйишнинг барча аччиқ-чучуги ва қийинчиликларини ёлғиз ўзи тортди, зерикиб сиқилди, ётоқхонада кечалари йиғлади.

Ўша маҳалда рассом Козаков шу ерда яна пайдо бўлди. У Искрани деб келган. ўзининг бундан буёнги ҳаётини уоиз тасаввур қилолмас эди. Искра бўлмаса у ишлай олмасди. Мана олиб ҳам кетди. Унга уйланди-ю, олиб кетди. Юзлаб одамлар Москвада қолишни истарди, лекин бу ҳаммага ҳам насиб бўлавермасди. Искра эса Москвадан кетишга ошиқарди — лекин бунга эришолмади.

Искра Виталий Козаковни севармиди? Ҳа, севарди. Бўлмаса у Виталийга тегмас эди, албатта. Виталий ақлли ва чиройли йигит. Тўғри, бу ҳали уни севиш учун етарли эмасди. Виталий талантли эди. Бу ҳам етарли эмасди. Лекин ҳаммасидан ҳам у билан бирга бўлиш кўнгилли эди. Бу «кўнгилли эди» деган сўзнинг маъносини тушунтириб бериш қийин. Яхши, вассалом. Енгил, ҳеч қандай можаро, ҳеч қандай жанжал, тўполон ва бақирӣ-чақирӣ йўқ. Ҳатто мана, бошқармада олти йил ишлагандан сўнг, олти йил ҳозир-нозир бўлиб «лавозимга қатнагандан кейин штатларни қисқартириш бошланиб, Искра бирдан заводга киражагини, гарчи Виталий розилик бермаганда ҳам заводга, албатта жўнаб кетажагини маълум қилганда ҳам Виталий айтарли қаршилиқ қилмадики, бу Искрани ниҳоятда ҳайрон қолдирди. Виталий бир ҳафтача жуда босиқлиқ билан уни кўндиришга уриниб юрди, сўнгра ўзи ҳам у билан жўнашини, бундай сафар Искрага фойдали бўлиш-бўлмаслигини билмаса-да, лекин ўзи учун шубҳасиз фойдали бўлажагини айтди. «Ҳақиқий рассом учун нима керак?—дер эди у.—Холст, мўйқалам ва бўёқ керак. Бошқа ҳаммаси унинг ўз вужудида. Айрим кишилар бизни: кўп хонали уйларга, Павел ва Николай замонасидан қолган мебелларга, мўл-кўл гонорарга, автомабилу дачага одатланган, мияси қотиб қолган одамлар, деб ўйлайди. Ахир, бўлмаган гап бу! Сен билан бирор чердакда яшаймиз, мен бўлсам шундай ҳақиқий, нодир асарлар чизишга киришайки». Чиндан ҳам Виталий ҳозир роса ишляпти. Иккита ажойиб портрет чизди: бирида горновойнинг чўян олинаётган вақтидаги ҳолати тасвирланган; горновойнинг юзи ёруғлик акси билан шуълаланган, забардаст чехрасидан ҳаётда ҳукмрон эканлиги дарҳол билиниб турибди; иккинчисида балиқчининг балиқли саватлар ёнида дам олаётган вақтдаги ҳолати тасвирланган. Улар чердакда яшаётганлари йўқ, завод уларга яхшигина хона берди, кейин ҳатто бутун бир квартира беришни ваъда қилишяпти. Искранинг ўзи-чи? Унинг тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Кунига ёғилиб турадиган қоғозлар, арифмометрларнинг тақир-туқури ичида у хонадан бу хонага югургилаш билан ўтган Москвадаги муассаса ҳаёти бу ердаги ҳаётга арзирмикан? Мана, сенинг йўл-йўриғинг билан домнага руда, кокс, оҳок ортадилар, ортиш режимини тайинлайсан, бир

неча соат ўтиши биланоқ новларда чўян гувиллаб чайқалади. Уни ўз қўллари билан бунёд қилдинг, уни ҳозир новлар ёнида, ялғизда турган ҳамда эриган металлнинг вазмин оқими кузатаётган мана шу кишилар билан биргаликда вужудга келтирддинг. Уларга қардош, биродар эканлигини сезиб туриш нақадар ажойиб туйғудир.

Искра сменани топширди, ювинди, бошқа кийимларини кийди, домна цехидан катта завод йўлига бориладиган асфальт йўлкага чиқди. Денгиз тарафдан эсаётган илиқ ва нам ёз шабадаси уни уйи сари сурмоқда ва шоширмоқда эди. Чиқаверишда уни кимдир чақирди:

— Искра Васильевна!

Искра қараб таниди-ю, кўнгли ғаш бўлди. Бу ерда блюмингнинг старший оператори, Искранинг бошлиғи, домна мастери Платон Тимофеевич Ершовнинг укаси Дмитрий Ершов кечки сменадан сўнг яна кутиб турган эди. У Искраникки марта уйигача кузатиб қўйган, фақат гоҳо-гоҳо: «Мендан хафа бўлаётганингиз йўқми?» деб сўраб, унинг ёнида индамай борган эди. Искра, йўқ, деб жавоб қилар, аччиғи келмаётганини, лекин кузатиб қўйишнинг ҳеч бир ҳожати йўқлигини, у беҳуда овора бўлаётганини билдирарди. Дмитрий овора бўлмаётганини, унинг ҳам сменаси тугаганини ва барибир Искра яшайдиган Пароходная кўчасигача, Искранинг уйига қадар ўз йўли билан боришини айтарди.

— Бу нима қилганингиз, ўртоқ Ершов?— деди Искра, у яқин келганда, кўнгил ғашлигини зўрға яшириб.

— Нима қилибман, Искра Васильевна? Кузатиб қўяётганимни айтасизми? Бирор нохушлик содир бўлмасин дейман. Шаҳримиз шунақа, ҳар хил одам яшайди. Нуқул илгорлару рационализаторлар эмас. Умуман...

— Мана, асосий сабаб ана шу «умуман»да бўлса керак,— деди Искра,— чунки ҳеч бир «одам» мени ҳали койитганича йўқ. Мана автобустга ўтираману...

— Автобуснинг керағи йўқ, яёв юрган дуруст. Цехда газдан нафасингиз роса қайтгандир. Ўпкага дам бериш керак, тўғрими?

Искранинг автобуста тушиб кетгиси келиб турган эди, лекин Виталийнинг ёшлик чоғларида марҳум отаси билан дўстлашган Шура амаки деган аллақандай бир кекса актёрни кўргани кетганини эслаб, пиёда юришга рози бўлди.

Бу сафар Дмитрий Ершов жим қолмади.

— Сиз тақдирга ишонасизми?— деб сўради у.

— Тақдиргами? Бу тўғрида ўйлаб кўрмаган эканман.

— Афсус.

— Тақдирга ишониш ёки ишонмаслигимга нега қизиқиб қолдингиз?

— Кейин айтаман. Ҳозир эмас. Бугун кайфиятингиз унчалик эмас. Бугун бошқа нарсани сўраб олмоқчиман: сиз бу ерда узоқ вақт турасизми? Оз вақт турасизми ёки батамом кўчиб келдингизми?

— Сиз жавоб бериш қийин саволлар беряпсиз. Мен сизга: батамом, деб айтолмайман. Қочиб кетмоқчи ҳам эмасман, лекин бирдан бирон вазият рўй бериб қолиши ҳам мумкин...

— Тушунарли,— деди у гапни бўлиб.— Бир жойга ёпишиб олиш фақат биз меҳнаткашларга nasib бўлган. Интеллигенция эркин сайр этиб юра олади. Унга ҳар ерда стол ҳам, уй-жой ҳам тайёр.

— Сизнингча, интеллигенция — бу бедананинг уйи йўқ — қайга борса пит-пилдик экан-да?

— Шунақа жиҳати бор унинг, бор.— У тўхтади, гугуртни кафтлари орасига яшириб, папирос чекди.— Улардан немисларга хизмат қилганлари ҳам бўлди.

— Сизлардан ҳам бўлди,— деди қатъият билан Искра.— Бундай оғалар бўлган эди, улар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

— Нима?— деди Дмитрий тўхтаб.— Қандай оғалар? Қимларни айтяпсиз?

— Ўзингиз ҳам айтаётган одамларни,— немисларга хизмат қилганларни. Улар турли-турли тоифалардан эди, ўртоқ Ершов. Қайси тоифадан эканининг фарқи йўқ. Мен умуман тушунолмай қолдим, мени кузатиб қўймоқчи бўлдингизу, лекин мен мансуб бўлган интеллигенцияни роса таҳқирлаяпсиз. Бу фикрларингизнинг дўстона эканига унча ишониб бўлмайди.

— Демак, тушуна олмайсиз? Тушунмасангиз тушунмай қўя қолинг. Вақти келиб ҳаммасига тушуниб қоласиз. Ҳозирча хайр, мана уйингиз. Яхши туш кўринг.

Искра эшик олдида турар, тош кўчада этигининг тақиллаб бораётганини аниқ эшитарди. Дмитрий орқасидан қараб турганини пайқагандек қичқирди:

— Тақдир эса... Бу — бор гап! Ундан қочиб қутулиб бўлмайди.

Искра ўзи турадиган уйнинг иккинчи қаватига чиқиб, эшик тагидан калитни топди, эшикни очиб, чироқни ёқди. Деворлардан одатдагича горновой — домначи ва дам олаётган балиқчи қараб турибди, холстларда денгиз чайқалади, гавжум шаҳар бозорининг колхоз расталарида яшил сабзавот мавж уради, эрталабки қуёшнинг қия ва дудлик нурлари остида ишчилар завод эшиклари сари бормоқдалар. Бўёқ ҳиди келади. Подрамниклар картон варақлари, шаҳар ҳаётида тамомила ортиқча аллақандай ноаниқ буюмлар: иккита узун-қисқа балиқчилар эшкаги, арава филдираги, эски «чақ-

моқ» лампа, темирдан ясалган рицарь шлеми, шпорли бот-фортлар бурчак-бурчакда уйилиб ётибди... Виталий «натура» деб атайдиган бу буюмлар ўзи уйда эканида бунчалик жонсиз кўринмасди. Ҳозир Виталий уйда йўқ, хона кимсасиз, совуқ, бефайз эди. Вақт соат бирга яқинлашиб қолган эди.

Унинг ошхонага киргиси ҳам, газ плитаси ёнига боргиси ҳам келмади. Искра буфет хизматини ўтаётган тумбочкадан пишлоқ, колбаса, нон олди-да, графиндан сув ҳўплаб, ея бошлади. Студентлик чоғида, металлург бўлишга ҳозирланаётган даврда шундай қилар эди. Унинг курсидаги ҳамма қизлардан ўзи билан фақат учтаси, ниҳоят металлург бўлиб етишдилар. Қолганлари — ҳар ёқда, кўпчилиги уй бекаси бўлиб, уй-рўзгор ташвишида юришибди. Искранинг эсига Виталийнинг Москвадаги ўзлари олти йил яшаган квартираси тушди; у онасидан бир ҳафтадан буён хат келмаганини ўйлади. Онаси Москвага атайин келиб, Искра заводда ўрнашиб олиб, қизчаси Льюскани олиб кетгунча у ерда қолган эди.

Будильник тинмай чиқиллаб турибди, стрелкалар эса иккига яқинлашиб қолди... Бу бегона шаҳарда Виталий уни ҳали бирор марта ҳам бунчалик узоқ ёлғиз қолдирмаган эди. Ўз отаси тенгги келадиган, эҳтимол, қарашлари ҳам бутунлай бошқача бир киши билан шунча ўтириб бўладими? Улар нимани гаплашадилар.

Искра жуда чарчаган, тезроқ ётиб ухлагиси келарди. Лекин у Виталийни кутмай ухлайверишга ўрганмаганди. Искра оғиб бораётган бошини қўллари билан тутиб, бир неча минут стол ёнида ўтирди. Тоқати тугаб, заводдан кийиб келган жакети ўрнига пальтосини елкасига ташлаб, кўчага чиқди. Ҳали кундузи Виталий айтган адрес томон беихтиёр йўл тутди. Гуляев яшайдиган уйни топди. Ҳамма деразалар қоп-қоронғи эди. Искра бундан безовталанди. Зинадан кўтарилиб, қўнғироқни жиринглатди.

— Сизмидингиз?— деди Гуляев эшикни очиб.— Мен сизни, ҳатто портретларингизни ҳам кўрган эмасман, лекин айнан шундайдирсиз деб ўйлаган эдим.

Ёши анча ўтиб қолган бу одамнинг оғзидан ароқ ҳиди келарди. Искранинг жаҳли чиқиб, Қозаковлар оиласининг кекса қадрдонини шундақа экан-да! деб ўйлади.

— Виталий қани?— деб сўради у совуққина.

— Пардон,— деб жавоб берди Гуляев уялиб.— Биз сизнинг эрингиз билан ҳисобдан бироз адашдик. Киринг, кираверинг. Ана, бечора, полда ётибди.

— Витенька жонгинам!— Искра Виталийнинг ёнига бориб чўккалади.— Бу нима қилганинг? Кўзингни оч, уйғона қол энди. Ўтиниб сўрайман. Уйга борайлик.

Искра унинг бошини кўтарар, лекин боши худди жонсиз-

дек шилқ этиб тушар, қўллар ҳам жонсиз эди. Искра қалтироқ бармоқлари билан сезган безовта ва нотекис томир уришигина ҳаётдан дарак берарди.

— Улиб қолиши мумкин. Юраги ёмон,— деди Искра кўзига ёш олиб.— Нима қилиб қўйдингиз, уялинг-э!

— Нималарни жоврашмас улар..
Сен ишондинг бунга бегумон,—

деб декломация қилди Гуляев. Сўнгра у:— Менинг юрагим ҳам ёмон бўлса-чи, мен ҳам ўлиб қолсам-чи, унда ким кимга.. нима қилиб қўйдингиз, уялинг-э, дейди?— деди.

Искра унинг гапига қулоқ солмасди. У ҳамон Виталийни ҳушига келтиришга тиришарди.

— Фойдаси йўқ,— деди Гуляев.— У эрталабгача биз билан эмас, ўша аллақаёқда, бошқа жойларда бўлади. Кейин бир кун, эҳтимолки, икки кун боши қаттиқ оғриб юради. Ҳамма бало шундаки... Бу унинггина эмас, ҳаммамизнинг ҳам офатимиз: ичишни биламиз, яхши ичамизу, закуска қилишни билолмаганмиз. Ҳар қандай меҳмондорчиликда, ҳар қанақа ўтиришда столларда нималар қолишни сиз кўрган-дирсиз, албатта? Бўш шишалару, лиқ тўла тарелкалар қолади.

— Бас қилинг дейман, энди!— деди Искра ўзини босолмай,— Қандай бераҳм одамсиз!

— Мен бераҳм эмасман, бор гапни айтаман. Мен тиззангиз олдида ётган бу одамга сиздан кўра камроқ бахт тиламайман. У мен учун балки азизроқдир. У мени ўтмиш билан боғлаб турган яккаю ягона кишидир. Мен унинг отасини билардим, биз дўстлар, қадрдон дўстлар эдик. Мен унинг онасини билардим...

Хонада кезиниб турган Гуляев тўхтади ва кўзларини бир зум кафти билан беркитди. Сўнгра у бурчакдаги тўшакни ёзди-да, унга ётди ва тинчланди.

— Қандай даҳшат!— деди Искра паст товуш билан. Бу бегона бўм-бўш хона бўлмаганда, подтяжкалик ва ғижим шимли, галстук ўрнига бефаросатлик билан аллақандай читтак-читтак гулли «капалак» тақиб олган шу кекса одам бўлмаганда, эҳтимол у ҳам йиғлаб, нодон ва ношуд Витясининг юзини кўз ёши билан ювган бўлур эди. Лекин бу ерда йиғлаб ҳам, бирор бошқа нарсга ҳам қилиб бўлмасди. Иш ёмон, лекин бу одамнинг гапи тўғри эди: Виталийни эрталабгача турғазиб бўлмайди, эрта билан унинг кўнгли қаттиқ беҳузур бўлади, боши оғриб юради, буниси ундан ҳам ёмон. Олти йил ичида бир неча марта шундай бўлган эди. Бўлганда ҳам бегона одамнинг уйида эмас, ўз уйида бўлган эди.

Бунақа бевақт эмас, ё Янги йил, ёки Искранинг туғилган куни нишонланганда шундай бўлган эди.

Гуляев ёзиб юборган яшил одеялни Искра йиғиштириб полга ёзди, чироқни ўчириб Виталийнинг ёнига чўзилди, томири уришини тинмай кузатиб, унинг қўлини ўз қўлига олиб ётди. Уйқуси келмади. Искра бурчакдаги тўшак устида оғир-оғир нафас олиб ётган киши тўғрисида ўйлаб кетди. У тўғри гапни айтди — эркаклар закуска қилишни билишмайди. Меҳмонлар учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қиласан, нималарнидир ёпасан, алланарсалар ўйлаб чиқарасан, ҳаммаси шундоқ қолаверади, ароқнигина ичишади. Витька ҳам стол ёнида ўтириб бир нарса емайди. Бу ерда ҳам ҳеч нарса тотинмаган бўлса керак. Қизиқ, нима ейишди экан улар?

Уйдаги кечки овқат билан Искранинг нафси ором олмаганди, жуда ҳам овқат егиси келарди. У туриб чироқни ёқди, чамадон устидаги таомларни кўздан кечириб: «Бу Витяники бўлса керак» деб ўйлаб, вилкани олди ва шпрот ейишга киришди.

Икки бетидан ёш оқар, бурун остлари ва лаблари ҳўл бўлиб кетган эди. Искра тез-тез ва оғир нафас олар, лекин унинг яқингинадаги зиёфатдан қолган неъматлардан тотинишига халақит бермасди.

3

Димитрий Ершов хайрлаша туриб инженер Козаковага тақдир тўғрисида қичқириб гапиргач, шаҳар бўйлаб Овражная кўчаси сари узоқ йўл юрди. Унинг марҳум ота-онаси бундан ўттиз йилча бурун Юзовка яқинидан кўчиб келиб қурган кулбалари ўша тор кўчада эди. Бу тор кўча шаҳарнинг узоқ чеккасида бўлиб, ёмғир ювиб юборган жарлик ёқасида эди. Тор кўчада яшовчи кўп одамлар донбассликлар бўлганидан ҳар бир уй ёнида олчазор бор эди.

Онда-сонда учрайдиган кўча фонарларининг хира ёруғида уйга етиб олиш осон эмас: яқинда ёғиб ўтган ёмғир сертупроқ ерни ивитиб юборган, оёқ тояди, таг чарм ва пошналарга оғир-оғир лой ёпишиб, этик эмас, бир пуд келадиган қадоктош боғлагандек бўлади. Тўғри, бу сафар ой бир қадар кўмаклашиб, қатновдан эзилиб кетган ва ғилдирак изларини сув босган кўчани ёритмоқда эди. Бу ер шаҳарга эмас, балки ёмон бир қишлоққа ўхшарди. Шаҳар Совети бу чекка жой билан унчалик шуғулланмас, шаҳар денгиз бўйлаб, заводдан, домна ва мартен печларининг тутун ва қурумидан олисда бошқа томонга қаратиб қурилмоқда эди.

Дмитрийнинг оға-ини ва опа-сингиллари ўзлари туғилиб ўсган бу кулбани бирин-кетин ташлаб кетгандилар. Энг тўн-

ғич акаси, домна цехининг бош мастери Платон бундан икки йилгина илгари завод уйига кўчиб ўтган эди. Ҳозир бу уйда Дмитрий билан унинг жияни — урушда ҳалок бўлган оғаси Игнатининг ўғли Андрей иккови яшарди. Андрей завод ҳузуридаги кечки техникумни тамомлаган ва домна цехида участка мастери бўлиб ишларди. Йигит катта бўлиб қолган, ҳадемай уйлангудек эди, у ҳам кетиб қоладиган бўлса, эски уйда Дмитрий ёлғиз қоларди.

Дмитрий уйга етиб келиб, муздек ва кечки шудринг билан намланган эшик тутқичига қўл юборди.

— Дима,— бу пастгина таниш овоз унга тераклар остидан эшитилди. Уй ёнига ясалган скамейкачадан бир хотин туриб келди.— Жуда совқотдим.

— Нега уйга киравермадинг?

— Бир ўзим у ерда нима қиламан? Ёлғиз қўрқаман. Сичқон бор.

— Қани кир, овқатланамиз. Дмитрий совқотган хотинни белидан қучоқлаб, уйга олиб кирди.

Дмитрий хонанинг электр чироғини ёқиб, куртчасини ечиб ташлади, таранг қора свитерини бошидан ошириб ечди; илгари ошхона бўлиб, онаси юмуш қиладиган эшиксиз девор орқасига ўтиб, умивальникда ювина бошлади.

Озғингина ва лўлилардек қорачадан келган хотин ҳам жакетини ечди, калтагина енгил кўйлақда қолди. Хотин лой бўлиб кетган туфлисини ечиб ташлаб, хонада яланг оёқ юварди. У кўтариб келган сават сумкасидан ўроғлиқ нарсалар олди, улар таомлар эди.

— Бирор иссиқ овқат пишириб берайми, Дим?— деб сўради у.

— Нимамиз бор экан?

— Хоҳласанг қуймоқ қилиб бераман. Колбаса, помидор билан.

— Қовура қол. Керосинкани ёқиб берайми?

— Ёқиб бер.

Улар бир-бирларига узоқ умр қилган эр-хотиндек муомала қилишарди. Лекин улар эр-хотин эмасдилар. Дмитрий уни Леля деб атар, ёшлари ҳам деярли тенг бўлиб, балки хотин икки-уч ёш камроқ эди. Хотин бундан ўн икки километр наридаги Рибакское посёлкасидан уникига ҳар шанба кун икки келар ва якшанба кун икки кечқурун жўнаб кетарди. Ана шу бўш вақтларда унинг бу ерда қиладиган ишлари кўп бўларди: уйни йиғиштирар, Дмитрийнинг кийимларини, полни юварди; ҳатто майдончада турли сабзавот ҳам етиштирарди.

Улар уруш тамом бўлгандан икки йил кейин учрашдилар. Дмитрий ҳарбийдан бўшаб Германиядан қайтмоқда эди;

Леля ҳам Германиядан қайтмоқда эди, лекин тўппа-тўғри у ердан қайтиб келаётган бўлмай, аввал Белоруссиянинг аллақаерида бироз яшаган, бегона жойларда кезиб юрган эди; вагонда ўзини четга олиб юрар, кун бўйи одамларга орқа ўгириб, деразага қарагани-қараган эди. Дмитрий бунинг сабабини тушунди: унинг юзининг аживаси чиққан, куйган ва чандиқ босган эди. Кулимсираб: «Менга жуфт топилди» деб ўйлади-ю, унинг ёнига ўтирди. «Асирда бўлганмидинг?» деб сўради Дмитрий, унинг устидаги бировнинг эски кийимларини кўздан кечириб. «Асирда бўлган эдим» деди у. «Қаерликсан?» деб сўраса, Дмитрийнинг ўз шаҳрини айтди. Жуда хурсанд бўлиб, хотиннинг таниш-билишларини суриштириб кетди.

Хотиннинг пули йўқ эди, Дмитрий ҳамроҳига ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олди. Хотин шунчалик бедармон эдики, табиатан кучли Дмитрий унга безътибор қололмади. Дмитрийга айтишича, унинг қариндош-уруғлари қолмаган, ҳаммаси немислар қўлида ҳалок бўлган, шунинг учун ҳам кетаётган жойи номаълум эди. Дмитрий уни ана шу уйга олиб келди. Бир неча ҳафта турди, алланарсаларни ўйлаб нуқул боғдаги ўт-ўлан устида кўкка қараб ётди. Сўнгра ишга киришини билдирди. Дмитрий заводга киритиб қўймоқчи бўлган эди, кўнмади: йўқ, шаҳарда асло қолмайман деди. Балиқчилар артелига тўр ямагани кетди. Шу кунгача тўр ямаб юрибди. Ўша ерда, аллақайси ётоқда яшайди. Дмитрий унга аввал ачиниб юрди, кейин синглизидек кўрди: бошқа туйғу узоқ вақт пайдо бўлмади; Леля ўша кезларда ҳеч кимда бундай туйғуни уйғотмас, чеҳраси жуда хунук, пешонаси, даҳани чандиқ бўлиб, бир кўзи шишадан эди, уни Минскда қўйишган, лекин унчалик ўхшата олмаганлар, унинг ўз кўзи — қора бўлиб, шиша кўз эса сарғиш, қўй кўз эди.

Вақт ўтиб борарди, денгиз шабадаси чандиқларни текислаб кетдими ёки Дмитрий уларга ўрганиб қолдими, ниҳоят, у Лелянинг келишган қоматига кўзи тушди, унинг ажойиб, раҳмдил қалбини сизди, бир кун уни қучоқлаб, ҳароратини ҳис этди-ю, шундан кейин бошқача муносабат бошланиб кетди. Дмитрий шу муносабатга ўрганиб қолди. У шанба куни келмай қолса Дмитрий соғиниб, қидиргани чиқадиган бўлди.

Леля уни яхши кўриш-кўрмаслигини суриштириб ўтирмади. Ҳис-туйғулар тўғрисида сира гаплашмадилар, шундай яшайвердилар. Леля ўтмиш тўғрисида гапиришдан бош тортарди. Ўтмишни эсга ололмас, дарров йиғлаб юборар эди. Дмитрий бу тўғрида сўрамасди ҳам. Қуриб кетсин ўша ўтмиш. Бир неча йил илгари Леля ундан: «Сен нега уйланмайсан?» деб сўраган эди. «Кимга уйланай?» деб совуққина

сўради Дмитрий. «Қизлар озми, ахир? Ёш, чиройли, яхши хотинлар бор-ку, деди у. Леля ўзини унга қаллиқ бўлишга тавсия этмади. «Яхши, чиройли хотинларми?»— деб такрорлади Дмитрий.— Сени қаёққа қўяман?» Леля унга қувонч билан ажабланиб қаради, яқин келиб узоқ вақт сўзсизгина бағрига босиб турди...

Қуймоқ пишди, Леля Дмитриини чақирди, столда бир шиша ароқ ҳам туради.

— Бу нимаси?— деди Дмитрий ранжиб.— Мен ароқхўрманми?

— Ароқхўрларгина ичадими, ахир. Димочка? Шод-хуррам бўлганда, қайғу алам тортганда, чарчаганда, бирорта байрамни нишонлаганда ичишади... Нима бўлибди!

— Сен билан бизнинг қандай қайғумиз бор? Шодлик ҳам ошиб-тошиб ётгани йўқ. Шундай, Лелечка, байрам қилишга сабаб йўқ. Буни ёқтирмаслигимни ўзинг ҳам биласан.— Дмитрий шишани четга суриб қўйди, қуймоқ ейишга киришди.

— Нима десанг ҳам бир рюмка ичаман,— деди Леля.— Бугун менинг туғилган куним.

Шундай қилиб, Леля ўз туғилган кунини биринчи марта айтди. Дмитрий эса буни ҳеч қачон сўрамаганди. Бу ўтмишга оид эди. Ўтмишни эсламасликка эса сўзсизгина аҳдлашган эдилар.

— Ана холос, дарҳол айта қолсанг-ку бўларди?— деди Дмитрий, негадир Лелянинг гапига хурсанд бўлиб.— Табриклайман, Ольга Сергеевна, ҳамма тилакларингга ет.— Дмитрий аллазамонлардан қолган кичик рюмкаларга ўзи ва Леля учун қўйди. Уриштириб ичишди.

— Бирорта қўшиқ айтиб берайми?— деб сўради Леля.

Леля Андрейнинг ёнидаги хонасидан гитара олиб чиқди, торларини созлаб, бирин-кетин таъсирли севги қўшиқларини айта бошлади. У, балки унчалик яхши куйламасди, лекин Дмитрийга яхши куйланаётгандек ёқарди, у бошини қўли билан тутиб, эътибор билан тингларди.

Леля олдингиларидан бутунлай бошқа қўшиқни айта бошлаганда Дмитрийга алланарса санчилгандай бўлди. Дмитрий бу қўшиқни жуда яхши кўрарди. Қўшиқ уни ҳаяжонга солар, шунчалик ҳаяжонлантирар эдики, эшитар экан ўрнидан туриб кетгуси ва тунда аллақаёқларга боргуси, шамолга рўбарў бўлиб юрак ҳароратини босгуси, овунгуси келиб, куйлади Леля —

Душман ёқди она кулбани,
Оилани айлади яксон.
Солдат учун борар ер қани,
Кимга дардин этади баён.

Дмитрий ўрнидан турди, дераза ёнига бориб, қоронғиликка тикилди. Дмитрий қоронғиликда ўзгалар кўролмайдиган нарсаларни кўрарди.

Праськовья, мени койима,
Шу алпозда қошингга келдим.
Аза экан, иложим нима
Соғлигинг-чун ичмоқчи эдим.

Леля Дмитрийнинг бетоқат бўлаётганини кўриб турарди. Энди куйламаса ҳам бўларди. Лекин Леля қўшиқни бўлиб қўя олмасди. У ҳам кўз ўнгида бошқа ҳеч ким кўролмайдиган нарсаларни кўрарди.

Худди инженер Козакова ярим кечада бировнинг хонасида шпротларни еб, кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетган лабларини бировнинг оқ дастрўмолчалари билан артиб ўтирган чоқда Овражная кўчасидаги эски кулбадагилар ўринга ётдилар. Дмитрий ётиб, қоронғида осма соатнинг чиқиллаши остида, Леляга шу ҳафта ичи заводда, ўз цехида, блюмингда нималар бўлганини сўзларди. У мартен цехида блюмингга юбориладиган қуйилма вазнини оширишни тавсия қилганини гапириб берарди.

— Станнинг унумдорлигини кўтариш учун бундан бошқа йўлни ўйлаб топиш ҳам қийин. Бу техникадан ҳамма олинадигани олиб бўлинган, деб ўйлайман. Мен сеҳргар эмасман.

Леля секингина кулиб қўйди.

— Бунинг нимаси кулгили?— деб сўради Дмитрий ранжиб.

— Сен гапиряпсану, эсимга газетадаги бир мақола тушди, яқиндагина ўқиган эдим. Унда бир китоб танқид қилинади. Танқидчи эр билан хотин ўрнида ётиб завод ишларидан — болтлар ва гайкалардан... гаплашганларини ўз китобида тасвирлаган бир ёзувчи устидан кулади. Одамлар ўринда ётган, ахир, шу нарсани гаплашадими?— дейди. Шунга кулгим қистади: мен ҳам сен билан...

Леля жим бўлди. Дмитрий ҳам узоқ вақт жим қолди.

— Менга қара,— деди Дмитрий,— ўша танқидчи ёзувчи устидан нотўғри кулибди. Тўғри, эҳтимол, ёзувчи буни яхши ёзолмагандир. Лекин бу турмушда бор гап. Менга қара, мен ўринда ётиб ҳам сенга стан, қуйилма ва шунга ўхшаш нарсаларни нега сўзлаяпман? Айт-чи, нега! Чунки, бу менинг ҳаётдаги асосий ишим. У ҳам хотини билан ўрнида ётиб, қандай қойилмақом мақола ёзгани ва унинг учун қанча пул олажагини гапираётгандир. Ўша болтлардан ёки менинг қуйилмаларимдан у ёзган мақоланинг нимаси ортиқ? Эҳ-ҳа, бунақалардан бор ҳали, биз тер тўкиб ишлайверамиз, улар ҳамма-

ни мазақ қилишинигина биладилар ва шу билан ўзларига ризқ тўплайдилар. Интеллигенция...

— Бундай ранжиб гапиришинг беҳуда, Дима: интеллигенция эмиш. Агар билсанг, ўзинг ҳам интеллигентсан.

— Топган гапини кўр бунинг!

— Кўриб ўтирадиган жойи йўқ бунинг. Сен етти синфнигина битирган экансан, бунинг ҳечқиси йўқ. Ҳар хил малака ошириш курсларини неча марталаб ўтдинг! Қанча-қанча китоблар ўқидинг, лекциялар тингладинг! Мен ишчиман, бошқасини билмайман, деб ўйлайсан сен. Қандай ишчи эканлигинини ўйлаб қара. Ўзи салкам бутун бир заводга тенг келадиган машинада ишлаш, бу инженер қиладиган иш ахир, Дима. Сен заҳарханда қилиб, интеллигенция дейиш билан бошқа нарсани айтмоқчидирсан. Сен бутун илм-фанни, техникани юргизиб, турли кашфиётлар қилаётган билимдон, олим одамларни айтмоқчи эмасдирсан. Ўқиб, ўқиб ҳаммани танқид қилиб, ҳамма нарсани масхаралаб, ҳаммага пўнғиллаб, ўзлари эса ҳеч нарсани удалай олмайдиган чала мулла бефойда одамлар бор. Сен ўшаларни айтяпсан, албатта.

— Рост айтасан,— деди Дмитрий.— Жуда тушунарлик қилиб айтдинг-а. Ақлинг жойида. Рибаккоеда бекорга қолиб кетяпсан. Яна ўқисанг бўларди. Бу ерга, шаҳарга кела қолсангмикан-а? Наҳотки бир умр тўр ямаш билан ўтсанг?

— У ер денгиз, яхши, ҳеч ким қалбингга озор бермайди.

— Бу ерда ким озор беради?

— Бу гапни қўяйлик, Дима, кераги йўқ, мен истамайман.

Леля жим бўлди. Дмитрий уни қучоқлаб ўзига тортди, унинг кўз ўнгида сичқонлар кезаётган қоронғиликдан негадир бирдан инженер Козакова, Искра Васильевна пайдо бўлди. Искра! Бу исмдан қулишни истарди: бу ўзи исм ҳам бўлмай, итга берилган лақабга ўхшаб кетади. Лекин кулги келмади. Нега ўзи у тўғрида ўйламоқда? Нега? Бу фикр уни безовта қиларди. Кузатиб қўядиган бўлди, уялади ҳатто киши. Ўртоқ Козакованинг нимаси ортиқча? Бир ярим метрлик бўйи, қора серзардагина кўзлари бор, пучуққина бурни қўшилса—маймунга ўхшаб кетади. Лекин хотин боши билан ҳамма нарса тўғрисида инглиз қироличаси сингари гапиради. Нима учун унга тақдир тўғрисида алланима деди? Агар уни ўйлатиб қўйиш керак бўлса, бошқа бирон маънилироқ гапни айтса бўлмасмиди.

Дмитрий Искра билан биринчи учрашувини эслади. Ун кун илгари учинчи домнага, акаси Платон олдига чўян чиқараётган вақтда кирган эди. Томоша қилиш учун чўян қуйилмаси ёнида тўхтади. Металл қуйилаётганини томоша қилишни Дмитрий болалик чоғлариданоқ яхши кўрар эди. Берилиб томоша қиларди. «Ҳой ўртоқ!—деган товушни эшитди.—Бе-

гона одамнинг бу ерда туриши мумкин эмас». Қараса: пряжкалик комбинезон кийган ана шу маймунжон турибди, ўзи тўладан келган, бели арининг белидек ингичка. «Қайси бири-миз бу ерда бегонамиз?» деб жавоб берди Дмитрий кўп ҳам илтифот қилмай. «Менимча, бегона—сиз, ўртоқ. Нарн боришингизни сўрайман. Бу ер сайр қиладиган жой эмас». Дмитрий унга бу ер қандай иш қилинадиган жой эканини ундан яхшироқ билишини айтмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб қолди. Нарн ўтиб, домна цехида илгари ҳеч ким кўрмаган бу зотни узоқ кўздан кечирди. Бу зот печка олдида ишларни бошқарар, худди бош мастер Платон сингари сўзлар, ўшандай буйруқларни берарди. Дмитрий кейин, Платондан: «Практикантками?» деб сўради. Платон оддийгина қилиб: «Мастер» деб қўя қолди.

Дмитрий бу «зот»ни томоша қилгани яна бир марта борди. Яқинда Дмитрий сменадан сўнг чиқаверишда дабдурустдан унга яқин борди-да, ўзини танитди. Гаплашдилар. Тўғри, Искра унчалик илтифот қилмади, ҳар бир сўзида «нега суйкаласан, йўлингга кетавермайсанми?» дегандек бўларди. Лекин уни завод дарвозаси ёнида яна кўтиб тураверарди. Искранинг мустақиллиги унинг жаҳлини чиқарар, ўзини ундан ожиз билмаслиги, у билан ўзини барабар кўриш у ёқда турсин, балки ҳатто, ундан баландроқ қўйиши ғашига тегарди.

— Нега индамайсан, Лелька!—деди у қўполлик билан.— Бир нима дегин.

Леля гапириш ўрнига лабларини унинг лабларига босди...

Дмитрий эрта тонгда эшик ғижирлашидан уйғонди. Андрюшка кириб келиб, қоронғида столни тинмирскилар эди: очиққан бўлса керак.

Дмитрий ўрнидан турди, унинг олдида чиқиб чироқни ёқди:

— Қаерда санқиб юрибсан?

— Ўшатта,—деб мужмал жавоб қилди жияни.

— Ўшатта-я?..—деб мазақ қилди Дмитрий.—Кейин биз сен учун алимент тўлаб юрайликми?

Андрей елкасини қисиб қўйди.

— Қариндош-уруғларимнинг билгани алимент, холос. Яша амаким ҳам шундай деди.—У столда қолган таомларни емоқда эди. Унинг яноқ мушак ғўшлари ўйнар; йирик қўй кўзлари амакисиники сингари тик ва дадил боқарди.

— Хўш, цехингизда нима гап? Янги инженер хоним қандай, қисти-бастига олаётгани йўқми?—деб сўради Дмитрий.

— Козаковами? Мастерни айтасизми? Нега қисти-бастига олсин? Руда ҳозир кўнгилдагидек келиб турибди. Коксдан ҳам зорланадиган жойимиз йўқ.

— Хўш, умуман, ақли етадими ё йўқми?

— Нега етмасин? Институтни битирган. Дипломи бор.

Дмитрий эшитишни хоҳлаган жавоблар бу эмас,— у тинглашни истаган кенг. батафсил гаплар кокс тўғрисида ҳам, руда ҳақида ҳам эмас, анови «зот» тўғрисида эди... Дмитрий нима тўғрида эканлигини ўзи ҳам билмас, ишқилиб руда ва кокс тўғрисида бўлмаса бас.

— Жин урсин сени!— деди Дмитрий зарда билан оёқларини остона ёнидаги калошга суқар экан; у пахталигини елкасига ташлаб, уй орқасидаги боғчага чиқди.

Тонг ёришиб келмоқда, табиат сокин эди, даладан икки қайта ўриб олинган майсаларнинг ҳиди келиб турар, қўшни ҳовлидан қудуқ ўқининг ғижирлаши эшитилар, хўроз қичқиради.

Дмитрий аллақачон арралаб ташланган кекса қайин тўнкасига ўтириб, хаёлга чўмди.

4

Платон Тимофеевич хатни ўқиб бўлиб, уни конвертга солди, узоқ манзил номи кўрсатилган штемпелни кўздан кечирди. бу жой жуда олис бўлганидан хат у ердан салкам уч ҳафта деганда етиб келибди; у кўзойнагини олди-да, стол олдидан туриб очиқ дераза ёнига бориб ўтирди.

Дераза ортида эрталабга яқин мавж ура бошлаган кўкиш денгиз ястаниб ётарди. Қора мой билан балиқ ҳиди анқиётган эрталабки шабада Платон Тимофеевичнинг сийрак оқ сочларини ўхтин-ўхтин силаб ўтарди; бу илиқ шабада ором бермас, кўнгил ғаш эди. Кеча шанба бўлганидан бироз кўнгил очишган эди, Платон Тимофеевич яна бепарволик билан ортиқча ичиб қўйди. Ниятлари яхши эди: полизда ўтириб, ўчоқда картошка пиширмоқчи, у ёқ-бу ёқдан гаплашишмоқчи бўлган эдилар, лекин бошқача бўлиб кетди...

Денгиздан келаётган шамолга қарши ошхонадан қуймоқ ҳиди эсмоқда; у ерда сковородкада бир нарса вижиллар ва чарсилларди. Платоннинг кексайиб қолган аммаси, отасининг синглиси Устиновна тонг саҳардан турибоқ уриниб юарди.

Оқ фартуғ тутиб олган Устиновна қўлида пичоқ ушлагани ҳолда уй остонасида пайдо бўлди.

— Нима деб ёзибди?— деб сўради у, Платон Тимофеевич стол устида қолдирган хатга ишора қилиб.

— Нима бўларди!..— Платон Тимофеевич юзини буришгириб, мушти билан пешонасини артди.— Уйга келмоқчи бўлади. Қабул қилиш-қилмаслигимизни сўрайди. Қариндош, уруғсиз, бошпанасиз қолганман, дейди.

— Қабул қиламизми ё йўқми?— Устиновна ўзи сезмасдан фартуғини доғ қилиб, унинг учи билан пичоқнинг мойли тигини артар эди.— Ана, кўрдингми. Бошпанасиз... Нима деб жавоб қиласан?

— Тағин, нима деб жавоб қиласан эмиш! Мен унинг отаси эмасман. Ақл-ҳуши бошида. Қандай хоҳласа, ўшандай яшайверсин.

— У тиқилиб келаётгани йўқ. Қандай қилсам дуруст бўларкин, деб маслаҳат сўраяпти.

— Қандай қилсам дуруст бўларкин эмиш! Жағингни ёп!— деди Платон Тимофеевич стулдан туриб.— Наҳотки уйда гулобингдан қолмаган бўлса?— Платон Тимофеевич шкафни кўздан кечирди,— графинда ҳам, шишаларда ҳам бош оғриғига ҳеч нарса йўқ эди. У, квартиранинг узоқ вақт бўш ётган учинчи хонасига уч ой бурун кўчиб кирган қўшнисини артист Гуляев олдиға киришға жазм қилди. Гуляев уйда онда-сонда кўринадиган қўшнилари эди: нуқул театрда, концертларда, репетицияларда қолиб кетарди. Меҳнаткаш одам, ажабланадиган жойи йўқ. Лекин ароқ билан ошна тутинганлиги ҳам рост.

Платон Тимофеевич эшикни тақиллатганда хотин кишининг «киринг!» деган овозини эшитиб, жуда ажабланди.

Гуляевнинг хонаси ўртасида (артист ўз хонаси учун мебель олишни ҳали эсига келтирмаган эди) Платон Тимофеевичнинг цехида ишловчи янги мастер уйқусизликдан кўзлари кўпчиган инженер Козакова турарди; унинг оёқлари остида сочилиб ётган пишлоқ пўсти ва бодринг пўчоқлари орасида бир эркак ётар, бурчакда эса бошқа бири ётарди. Платон Тимофеевич мўйловини тутамлаб йўталди, кетмоқчи бўлди.

— Тўхтанг, ўртоқ Ершов— деб чақирди инженер Козакова қўлларини силтаб.— Кетмай туринг. Нима қилишимни билмаётибман. Ухлагани ухлаган, сира кўзини очмайди.

— Кечирасиз, кимни айтасиз?— деб мулойимлик билан сўради бош мастер.

— Эримни, Платон Тимофеевич. Эрим, бу ерга кеча келган эди, энди кетолмаяпти. Уни тезроқ уйга элтсам деган эдим.

— Тезроқ бўлмайди. Ўз вақтида уйига етиб олмабдими, сарсон бўлмай илож йўқ. Бутун воқияни бошидан кечириши керак.

— Марҳамат қилиб, ёрдам беринг. Сиз нима қилишни биласиз-ку.

Платон Тимофеевич юмшоқ кўнгил Устиновна худди кеча Гуляевга қарз берган ва эндигина очилиб чамадон устида турган шишани кўриб, бардам тортди.

— Кўрайлик-чи,— деди у.

Шу орада Гуляев уйғонди. Улар иккови Виталийни ўрнидан турғазиди. Платон Тимофеевичнинг уйига олиб киришди. стол ёнига ўтқазиб, унга зўрлаб бир қадаҳ ичиришди. Виталий ича солиб ваннахонага югурди, эшикни ёпиб олиб, ярим соатча жим бўлиб кетди. Ранги бўздек оқариб чиқди-ю, Искранинг кулоғига: «Иложини қил, Искринка. Улиб қоламан. Аҳволим оғир, жуда ёмон» деб пичирлади.

Платон Тимофеевич, ҳатто Гуляев ҳам Виталийга ҳурматсизлик билан қараганликлари жуда алам қиларди.

— Лочин!— деб кулди Платон Тимофеевич кушеткада чўзилиб ётган Виталийнинг юрагига ҳўл сочиқ босаётган Искранинг ҳаракатини кузатар экан.— Лочиннинг ўзи.

— Бас қилинг!— Искра ўрнидан турди.— Кулгани уялмайсизларми. Унинг аҳволи ёмон.

— Уялтирадиганингиз биз эмас,— деди Платон Тимофеевич осойишта ва ўзига муносиб бир оҳангда,— эрингиз бола эмас, қирқ яшар одам.— У телефон аппарати ёнига борди. Бу аппарат завод коммутаториники бўлганидан шаҳар билан улашни сўради ва такси чақирди.

Иигирма минутдан сўнг инженер Козакова эрини олиб кетди. Артист Гуляев ҳам чиқиб кетди. Платон Тимофеевич хонада узоқ вақт кездди. «Хотинчалиш эркаклар кўпайиб кетди» деб гўлдирадди у ўзича.

У, китоблар терилган этажерка ёнида тўхтади. Оила аъзоларининг рамкали ва рамкасиз суратлари этажерка устидаги девордан уч қатор ва унинг тагидан яна икки қатор бўлиб жой олган эди. Бир вақтлар аллакимнинг қўли бўш чоғда санаганига қараганда, бу ерда қирқ уч киши бўлиб улар орасида, албатта, Ершовлар катта оиласининг гитлерчилар қийнаб ўлдирган бошлиғи ҳам, оиланинг у ҳалок бўлгандан сўнг кўп яшамаган онаси ҳам, Платон Тимофеевичнинг уруш бошланган йили вафот этган хотини Маша — Мария Федоровна ҳам, ўзининг урушда ўлдирилган укаларидан бири Игнат ҳам, душман билан жангда жон берган дўнг пешона икки жияни ҳам, ўз уй-ичлари билан омон-эсон яшаётган куёвлари, келинлари ва эгачи-сингиллари ҳам бор эди. Бу ердаги Ершовлар насли орасидан ҳар кимни топиш мумкин. Булар орасида домначилар ҳам, пўлат қуювчилар ҳам, партия ходими ҳам, студентлар ҳам, артисткалар, ҳатто мана бу Гуляевга ўхшаш тиниб-тинчимаган арбоб, галстук ўрнига «капалак» тақиб олган — театр директори, укаси Яков ҳам бор.

Биттаси, қирқ тўртинчиси йўқ эди. Лекин у ушбу суратлар виставкасига тўла алоқадор бўлиб, ўртадан, авлод мураббийси ва мураббиясининг ўнг ёки сўл томонидан муносиб жой олиши мумкин эди.

Платон Тимофеевич этажерка олдида туриб, фикрга чўмди ва қўлларини ёзди. Қайсиси яхши! Нимаси дуруст бунинг! Ким билади дейсан?..

Устиновна ошхонани саранжомлаб келиб, жавоннинг устки яшикчасини тортди, қиёмдан бўшаган коробкани тими-мирскилаб, квартира ва чироқ учун ҳақ тўланган эски квитанциялар ичидан кимга, қачон, ким томонидан ва қандай касаллик давоси учун ёзиб берилганлиги номаълум сирли рецептлар ҳамда бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йилда ўз кучини йўқотган эски бир сўмлик ва уч сўмликлар орасидан ёш йигитнинг суратини топиб олиб, уни жавон устига, тустовуқ думига ўхшаш турли рангларга бўялган бир тутам ковулли вазага суяб қўйди.

Платон Тимофеевич яқинроқ келиб, суратга тикилиб қарарди. У ҳам ҳамма Ершовларга ўхшаш дўнг пешона, чуқур қора кўз, лаблари қалин, шалпанг қулоқ эди. Бошқа зот билан адаштириш қийин — буниси рост. Лекин бўлмағур иш қилиб қўйиб, бутун оилани ерга қаратди.

Устиновна сўрабми ё хаёл сурибми ҳар нечук:

— Неча ёшга борди экан?—деб жимликни бузди.

— Қирққа яқинлашгандир. Урушга кетаётганида комсомол эди... Эҳтиёт қилган гулобингдан қидириб кўрсанг бўларди. Ёки уйдан қўшниларникига чиқайми?— Платон Тимофеевичнинг бирдан зардаси қайнади.— Томоғим қақраб, ўлиб бўлдим-ку.

— Қўшниларникига барибир чиқасан,— деди Устиновна жиддий қиёфада.— Битта якшанбани ҳам одамга ўхшаб ўтказмайсан. Уйга қай маҳалда келдинг! Соат ўн иккидан ошган эди... Шундай қилиб, полизда эдим, дегин!

— Полизда эдим, амма, ростим! Текшириб кўрсанг бўлади — ҳамма буталарни боғлаб қўйганман. Помидорларни айтмайсанми...

— Буталарни боғлаган эмиш! Нималар деб алжирадинг, қай ҳасратда келдинг. Филипповнани: хотин эмас, қоврилган мода зағчасиз, деб ранжитдинг. Топган гапини қарагин! Клавдия Дмитриевнани хафа қилдинг. Қаёқдаги гапларни айтиб шунчалик алжирадингки...

Платон Тимофеевич бошини қуйи солиб тинглар эди. Ҳар шанба машмаша: албатта ортиқча отиб қўяди; юз грамм ичаману, тамом; нари борса — юз эллик грамм, деб ўз-ўзича қаттиқ аҳд қиладию, яна ортиқча ичиб қўйиб, тўполон чиқаради. Бунинг устига қўшни хотин ва онахонларнинг йўлиққани нимаси...

— Болалар қани?—деб сўради Платон Тимофеевич.

— Яхши одамлар аллақачон ўз иш-кучида! Ҳамма ҳам сендек боши оғриб пешингача каловлаб юргани йўқ.

Платон Тимофеевич қулоғи оғирроқ аммаси эшитмайдиган қилиб сўкинди. Қилган иши одамларникига ўхшамаганлигидан унинг ўзи ҳам хуноб эди. Бошқа одам бўлганда ҳозир бирорта рўзгор юмушига қатнашган, денгизга жўнатган бўларди, у бўлса бошқа ғамда: ана шу ранжитилган ҳамма хотинлар олдига бориши, кечирим сўраши керак. Лаънати хотинлар ҳали гердайншади ҳам, умрларида бундай гапларни сира эшитмаган авлиё хотинлардек лабларини чўччайтиришади. Равшанки, шундан кейиноқ, майли энди, нима бўлибди, ўз кишимиз экан, ёмон ният билан қилмаганлигини биламиз, ҳар кимда ҳам бўлади-да... дейишиб, илтифот қилишган бўлади. Лекин аввал роса танбеҳ беришади...

— Пиджакни олиб бер-чи, амма!

Устиновна гардеробдан илиб қўйилган кишилик қора пиджакни олди, унинг кўз илғамас чангини шеткалаб ташлади, вешалкадан олиб, узатди.

— Меҳмон қилишса... доғ қилиб қўйма.

— Нега меҳмон қилишар экан мени?

— Негаки, хотин киши оқ кўнгил бўлади. Сизлар одамга бир ёпишманг, то уни мажақламагунингизча хотиржам бўлмайсиз. Степанга нима жавоб қиласан?

— Степкагами?— Платон Тимофеевич Устиновна узатган пиджакнинг енгига қўлини суқди.— Шунга бошим қотиб турибди, амма. Менга қолса, келаверсин. Нима бўлганда ҳам ука-ку? Оила учун бунчалик муҳим ишни нега мен ўзимча ҳал қилайин. Ҳал қилганим билан ака-укаларим нима дейди, ҳали бу муаммо. Ҳар бирининг ўз мулоҳазаси бор.

— Жам бўлиб ўйлаб кўринглар, йўлингизни ҳеч ким тўсаётгани йўқ.

— Шунинг учун болалар қани, деб сўраяпман. Санъкани велосипедига миндириб жўнатиш керак эди. Дмитрий билан Яков олдига ғир этиб бориб келсин.

Платон Тимофеевич уйдан тўнғиллаб, сўкиниб, бошини ушлаган ҳолда жўнади.

Устиновна стол устида қолган хатни олди, бир марта уни бутунлай бошдан-оёқ шошилмасдан эътибор билан ўқиб чиқди, иккинчи марта ўзини кўпроқ безовта қилган жойларнигина ўқиди. Кўзига ёш олди. Пичоқнинг ёғи тегиб доғ бўлган фартуғи билан юзини артди. Дераза ёнига борди, кафтларини оғзига қилиб, заводдан чапда, қирғоқ бўйлаб қум устидами, тўлқин кўпиги устидами — жигарранг гавдалар кўзга чалинаётган денгиз томонга қараб, узоқ ва қаттиқ чинқирди:

— С-а-а-нья-а! Б-о-орья-а!

Устиновна ўз товуши болалар қулоғига қаерда бўлишмасин алоҳа этиб боришини биларди. Эркак ёки аёл қўшни-

сими, эркак ёки аёл ошнасими, ким бўлмасин, болаларга онангиз уйга чақиряпти, деб етказишарди. Кампир хонани йиғиштирар, полни супурар экан, хаёлга чўмди. Хат тўғрисида, хатни ёзган Степан тўғрисида ўйлаб кетди. Унинг ўзи-ку Степанни унчалик айбламас, уни ҳамон кичик бола тасаввур этарди. Оилада эса оға-инилар ўзгача фикр юритардилар. Эмизукли ва боғчага қатнайдиганлар билан бирга қўшиб ҳисоблаганда Ватан урушидаги қаҳрамонлиги ва мардлиги учун, тинч йиллардаги шавкатли меҳнати учун берилган йигирма саккизта орден ва юзга яқин медаль олган қирқ тўрт кишилик бир оиладан, ана шундай асли ишчи оиласидан, уруш тугаганига ярим йил бўлиши билан қўрқоқ ва хоин чиққанлиги маълум бўлиб ўтирса-я. Яна шу Степка, ака-ука Ёршовларнинг кенжасидан олдинги Степан эди. Унинг жатига кимнинг бошида ҳар хил кўнгилсиз гаплар бўлмади дейсиз! Яковни шундай қисти-бастига олдиларки, театрда аранг қолди. «Қадрли ўртоқлар!— дерди у ўз бошлиқларига.— Мен сотқин генерал Власов қўлида хизмат қилганим йўқ, ахир. Менга гитлерчиларнинг учта ўқи санчилган. Тушунсангиз-чи, ахир!» Ўша заҳоти бўлмаса ҳам, лекин кейин тушунишди. Тўғри, Платонни кўпда безовта қилишмади. Партия комитетида суҳбатлашилди, укангни шундай ёмон тарбия қилганмидинг, деган гапни қилишди. Бошқа ҳеч нарсаси бўлмади. Платоннинг ўзи узоқ вақт эзилиб юрди. Бошқаларни қўяверингу, лекин Платоннинг садоқатли аммаси Устиновна унинг кечалари ухламай, ўзи билан ўзи гаплашиб чиққанларини, одамлардан уялиб юрганларини билар эди. Бир куни у Устиновнани ошхонадан: «Бери кел-чи, кампир,— деб чақирди.— Бунга қандай тушунса бўлади?— Унинг олдидаги стол устида Степандан қолган ҳар хил қоғозлар ёйиб қўйилган эди.— Мана, тўрт синф учун мақтов қоғозлар. Бу осовиахим билети. Мана справкалар. Пионер бўлган, комсомол эди... Ворошиловчи мерган... Ишчи йигит... Бундай разиллик унда қаёқдан пайдо бўлди экан? Не сабабдан ўз кишиларига ўқ узишга рози бўлди экан?»— «У ўз кишиларига эҳтимол ўқ отмагандир ҳам, Платоша. Уларнинг аскарлари ичида анчайин, хўжакўрсинга юрган бўлса-чи. Омон қолиш учун. Ҳали бола, ахир»,— деди Устиновна. «Бўлган гап ҳам шудир, албатта,— деди ризолик билдириб Платон Тимофеевич.— Хўш, буниси дурустроқми, сенингча? Бизнинг отамиз, сенинг аканг ўлимдан шу тариқа омон қолмоқчи бўлмади-ку. Яхшики унга ҳаёт вақтида ўз ўғлини сотқинлар орасида кўришдек шармандали насиб бўлмади».

Йиллар ўтиб, оиланинг алами сўниб, совиб борди. Степаннинг портретини девордан олиб, жавонга яшириб қўйдилар. Уни кам эсга олардилар. У жуда олис аллақайси жойда

жазосини тортар, шу вақт ичида у ердан иккита ёки учта хат келди. Турли таъзим-тавоззулар, ҳамда тирикман, саломатман деган хабар ёзилган бўларди. Ҳеч нарса, ҳеч ким тўғрисида сўрамас, ўзи тўғрисида ҳеч нарса айтмасди. Мана энди — уйга борсаммикин деб сўраётганини қаранг! Икки йил илгари уни амнистия бўйича оққа чиқариб бўшатишган, у икки йилдан буён маҳбус эмас, аллақайси кема ремонт базасида эркин ишчи эди.

— Даҳлиздаги эшик тақиллади. Платон Тимофеевичнинг пишиқ, кенг елкали кичик ўғли Санька кириб келди, у ўн олти ёшга тўлиб, ҳунар мактабини тамомламоқда эди.

— Чақирганмидинг, буви? — деб сўради у, буфетдаги тарелкадан куйган нонни ола туриб.

— Қандай мазалик-а! Дадам учун шунақа яхшисини ёпиб берасан-да!

— Жинни бўлмай қол, — деб кулиб юборди Устиновна, ўзини тутолмай. — Даданг бунақа печеньелар учун мени сўкади, минғиллаб юради, мени эшитмайди деб ўйлайди. Сен, йигитча, шайтон араванга миниб, иккала амакинг олдига бор. Дадам кенгаш чақиряпти, жиддий ва зарур масала экан, дегин. — Устиновна ўйлаб олгач, қарор қилди: — Мана бу хатни ол, ўқишсин. Нима эканлигини ўзлари билиб олишади.

Платон Тимофеевич ранжитилган хотинларга тавба-тазарруқ қилиб айланиб чиққан вақтда Санька қайтган ва Дмитрий Тимофеевичдан ҳам, Яков Тимофеевичдан ҳам хабар келтирган эди.

— Тушки овқатдан сўнг, албатта борамиз, дейишди.

Ака-укалар тушдан кейин эмас, анча кеч келдилар. Келишганда қош қорайиб, денгиз соҳилидаги маякларнинг қизил чироқлари ёқилган эди. Биринчи бўлиб Яков, унинг кетидан Дмитрий кириб келди. Дмитрий Леляни пароходгача кузатиб, қўйган эди.

Деразалари очик хонада учовлари стол атрофига ўтирдилар. Устиновна чойга дастурхон тузиб, четга ўтди, қўллари-ни қорни устига олиб, фартуғи тагига яширган ҳолда эшик кесакисига суянди.

Узоқ жим қолишди, қўлларида Степаннинг хатини айлантирардилар. Яков Тимофеевич аллақайси серсоқол олимнинг сурати туширилган маркани кўчириб олди-да, пиджагининг кичик чўнтагига солиб: «Васька тўплайпти!» деб қўйди. Бу оға қирқ тўққиз ёшга қадам қўйган бўлиб, у ҳам катта акаси Платонга ўхшаб, меҳнаткашлик ҳаётини Юзовкадаги заводдан, мартен цехидан бошлади, лекин нима бўлди-ю, урушдан анча илгари, оила бу ерга эндигина кўчиб келган кезларда Яков оиланинг металлурглик йўлидан четга бурилди. Иш

унинг завод духовой оркестрида труба чалишдан бошланди. Сўнгра шу оркестрга раҳбарлик қилди, кейинчалик бутун завод ҳаваскорларига бош бўлди, клуб, маданият уйининг директори бўлди, урушдан кейин, фронтдан қайтгач эса, ма-на, шаҳар театрининг директори бўлиб ишламоқда. Яков Тимофеевич сира касал бўлмас, ҳеч нарсадан шикоят қилмас, одамни ёш қилиб кўрсатадиган спортча пиджак кийиб юрарди. Қорин солиб, иккинчи бағбақа ҳосил қилмоқда эди. У эрта турар, ана шу кўнгилсиз нарсаларга қарши курашган бўлиб, тўшаги ёнида икки-уч ўтириб турарди, кейин ўзини ойнага солиб кўриб: «Фойда бермаяпти» деб нонуштага ўтирарди.

Дмитрий ҳам дўнг пешона, чуқур кўз ва шалпанг қулоқ эди, шундай бўлса-да, ўз характери билан Яков Тимофеевичдан тамомила ажралиб турарди, албатта. У қотма, қаддибаста келишган эди, Яков Тимофеевич чақчақлашишни яхши кўрганда, Дмитрий Тимофеевич деярли ҳамма вақт жиддий қиёфада ўтирарди, кўп гапни сира ёқтирмасди. Шунинг учунми, ёки салкам бутун бетини тутиб — сўл чаккасидан лунжи бўйлаб устки лабигача чўзилган ўйиқ чандиқданми, — аниқроғи у ўз станига қўйма етказиб берувчиларни шошириб қўяр даражада ишлай олганлиги учун бўлса керак, Дмитрий Тимофеевични заводда анчайин ҳурмат қилибгина қолмай, ҳатто ундан ҳайиқишарди ҳам.

— Биздан бу ерга йиғилганлар ушбу ишни ҳал қилмоқ учун кифоя қилар дейман, — деди Платон Тимофеевич. — Эгачи-сингил, куёвлардан сўрамаймизми?

— Шундайки, Платон, — деб гап бошлади Яков Тимофеевич, — қонун бўйича Степан ўз қариндошларининг ҳеч қандай розилигига муҳтож эмас. У, биздан жавоб бўлмаган тақдирда ҳам бемалол келавериши мумкин. Гап бошқа ёқда. Агар у сен билан менинг розилигимни сўраган экан, демак, у ушбу розилик орқали унга қандай қарашимизни, оиламиз рўйхатидан уни ўчириб юборган-юбормаганимизни ёки ҳали у шу оилага қайтишни умид қилса бўладими, шуни билмоқчи. Унинг учун энг муҳими шу.

— Яковнинг гапи тўғри, — деди Дмитрий. — Степаннинг мулоҳазаси — биз унга қандай қарашимизни билиш, биз учун асосий нарса у келганда қандай муносабатда бўлишимизни аниқлаб олиш.

— Бундан чиқди, биз уни қучоғимизни кенг очиб қабул этиб, итбаччага шафқат қилишимиз керак экан-да. Шундайми? — Платон Тимофеевич қизариб кетди. — Хоинми у ёки хоин эмасми?

— Сизларнинг жигарингиз у, — деди эшик олдидан туриб Устинювна.

— Жуда ҳайронман.— деди Яков Тимофеевич, сигарета тутата туриб,— Степан билан мана шундай бир стол ёнида ўтириб қолгудек бўлсам, нима қилишимни кўз ўнгимга асло келтиролмайман. Жуда мушкул вазият.

— Эҳтимол, у ҳали айбдор ҳам эмасдир,— деб яна гап қўшди Устиновна.— Анови қайтиб келган техник-чи, газ-заводда шекилли... Фамилияси эсимдан кўтарилибди... Ундан уэр сўрашибди дейишади, энди санаторияга бепул путёв-ка беришибди. Комната ваъда қилишганмиш.

— Уэр сўрашган бўлса, демак айби йўқ экан, демак, у ҳақиқатан беҳуда жабрланган экан,— деди гапни бўлиб Дмитрий, чандигини ўйнатиб.— Степандан эса ҳеч ким уэр сўрамаган, бундай гап хатида ҳам йўқ. Жазосини тортган, амнистия чиқиб қолиб. гуноҳини кечиришган.

— Умуман,— деди Платон Тимофеевич,— бундай ишда эҳтиёткорлик керак? Ҳар хил одамлар турлича бўшаб чиқмоқда. Қаранг, амнистия деб қанча ўғри бўшаб чиқди. Айримларини эса шунчаки шафқат юзасидан майли, энди расвогарчилик қилма, деб бўшатмоқдалар. Совет ҳокимиятининг табиати олижаноб, қудратли бўлгани учун олижаноб. Ким ана шу олижаноблик туфайли бўшаб чиққану, ким чиндан ҳам бухуда жабр тортган, шунисини тушуниб олмоқ керак.

— Қисқаси, ўзимизни овутмайлик, йигитлар. Степан айбдор бўлмасайди,— у ўз айбини иқдор қилмасайди, бунга хатига ёзишни унутмасди. Кўрасизки, ёзмаган, ҳеч нарсга демаган. Хўш, шундай қарорга келайлик: авиапочта билан, яхшиси — телеграмма юбориб, келавер, жигаримиз, борини баҳам кўрамиз, деб айтамыз. Шундайми?

— Қаерда яшайди?— деб сўради Яков Тимофеевич.— Ётоқхонадами? Заводга ишга киришни хоҳламаса, унга ётоқхона қаёқда?

— Меникида яшайди,— деди Дмитрий.— Андрей иккимиз бўш уйда турибмиз. Жой берамиз.

— Лелька нима бўлади?— Яков Платон Тимофеевичга кўз қисиб қўйди.— Уялиб келмай қўйса...

Дмитрий бошини ўгирмай, акаси томонга ўқрайиб қаради. Бу қарашдан Яков Тимофеевич шошиб қолиб, гапга ўтди:

— Бўлди, бўлди қилдим. Митенька. Жин урсин сени, билдингми. Ҳазил деганни билмасанг. Дунёда шундай яшаб бўлармиди: нуқул жиддияту бамаънилик. Жинни бўлиб кетасан, киши.

— Ҳазил ҳар хил бўлади,— деди Дмитрий.— Бир ҳазил учун оғаси Қайн иниси Авелни ўлдирган экан.

— Сизнинг цехингизда шундай деб ўйлашади,— деди тилини тиёлмай Яков Тимофеевич.

— Тўғри, тўғри, Митя, сен муқаддас китобни пухта билмайсан,— деб кулиб қўйди, Платон Тимофеевич.

— Не чора, бориб инжилни ёд оламан,— деди. ўрнидан тураётиб Дмитрий.— Менга ҳамроҳ бўларсан, атоқли арбоб?— деди у Яков Тимофеевичга.— Майли энди, уйингга кузатиб қўяй. Қўрқма, Авель, мен Каин эмасман.

5

Шаҳар партия комитетининг секретари Горбачев ишга кетаётган эди. Қуёш чиққан, салқин эрта эди. Уйлар ортидан ўқтин-ўқтин кўриниб турган денгиз туман ичида, унинг устида оппоқ тўлқинлар сузмоқда. Гул ҳиди келарди. Шаҳар хиёбонларидаги гуллар кузга келиб ёмғирдан сўнг бирдан гуркураб очилган, хушбўй исга тўлган эди. Марказий кўчалардан юриш кишига ҳузур бағишлайдиган бўлиб қолган эди.

Баҳорда бу гуллар экилгунча озмунча меҳнат ва турли кенгашлар керак бўлмади. Шаҳарликлар бунини билишармиди? Шаҳар Советининг ижроия комитети серташвиш ишдан қутулиш учун нималарни ўйлаб чиқармади дейсиз: пул ҳам йўқ, ишлайдиган одам ҳам йўқ, уруғ ёки кўчат топиб бўлмаётир, деган гаплар кўп бўлди...

Горбачев оҳиста юриб бормоқда, унинг тоби йўқ эди. У серташвиш секретарлик ишларини ўйларди. Шаҳарда юз минглаб одам яшайди. Ҳамма яхши ва етарли ҳақ тўланадиган иш бўлишини, яхши уй-жой берилишини, еб-ичишни ва ўйнаб-кулишни — шу ажойиб мавжудот — инсонга муносиб ҳар томонлама, сермазмун ҳаёт кечиришни истайди. Горбачев шаҳар ҳаётининг ҳар бир участкаси учун партия олдида, яхши яшагиси, яхши тўргиси ва яхши ичиб-егиси келадиган одамлар олдида бевосита ёки билвосита жавоб беради.

Унинг иши осон эмас, бунинг устига саломатлиги ҳам ёмонлашиб бормоқда, ёши улғайиб қолганлиги билиниб, ёшлигини эслайдиган бўлиб қолди. Собиқ хотин-қизлар гимназиясининг яқинда тузатилган биноси олдидан ўтиб бораётиб, бир вақтлар шу ерда жойлашган губерна ЧКсини эслади, дастёр бола бўлганлиги, ваҳималик комиссарларни ва вакилларни, толмас чекист солдатларни, чончи комсомолларни, уйқусиз тунларни, оқгвардиячилар ва қулоқларнинг исёнларини тугатиш учун борганларини, облавалар ва таъқиб этишларни хотирлади. Бу бинога хотира тахтаси ўрнатиш кераклигини ўйлади. Шаҳарда революцион ишларни эслатадиган нарсалар жуда оз қолган. Бир вақтлар бу ерда, яъни ҳозир ўн йиллик мактаб бўлиб турган худди мана шу бинода камбағаллар қўмитаси, ЧК бўлганини, ревтрибуналлар, чонлар, озиқ-овқат отрядлари, қизил гвардиячилар ва хотин-қиз

вакиллар бўлганлигини... ёшлар аниқ ўқиб билсинлар. Бугун кўчалар бўйлаб хушбўй ҳид тарқатаётган гуллар жангларда қўлга киритилган. Гул экилмасдан илгари бу ер ўқ ва қилич тегиб тўкилган қонларнинг шоҳиди, казак отлари туёғи остида кўп марта қизишиб учқунланган чанг босган тақир тош йўл эди.

Горбачев пиджаги остида юрагини сийпалаган ҳолда шаҳар комитетининг зинасидан иккинчи қаватга кўтарилди. Юраги зирқирамоқда эди. Кўтиб ўтирган бир неча кишига бош иргатиб, қабулхонадан бардам ўтиб кетди.

— Салом, Симочка!— деди секретарга хушчақчақлик билан.— Якшанбани қалай ўтказдингиз?— Секретарнинг ўзигагина эшитиларли қилиб: бир минутгагина олдимга ҳеч кимни киргизмай туришингизни сўрайман,— деб қўйди.

Кабинетга кириб, сейфни очди, ясси шишага, томизғич ва чақмоқланган қанд солинган коробкани олди. Шишача устида «Волидол» деган ёзув бор эди. Бир чақмоқ қандга олти томчи томизиб, тили остига ташлади. Оғзи муздек бўлиб, ялпиз ҳидига тўлди. Оппоқ хушбўй пряниклар эсига тушиб кетди. Бундай пряникларни НЭП йилларида хусусий нонвой ёпар, шаҳар комитети яқинидати ҳовлида нонвойхона бўларди... У болаликни эслаш яхши нарса эмаслигини, ҳар нечук, бу айнан кексайганлик аломати эканини яна хаёлидан ўтказди. Эллик уч ёш — наҳотки бу чиндан ҳам кексалик бўлса?— деб яна ўйлади. — Қизиқ. Ёшлик, етуклик йиллари — булар ҳаммаси қачон бўлган эди? Улар қачон, ғир этиб ўтиб кетди экан?— деб кулимсираб қўйди-ю, ўзи ўзини алдаётганини сизди. Кўп яшагани ва кўпни кўргани, йиллар ғир этиб ўтмай, бирин-кетин ўтганини ҳамда партия солдати Иван Горбачев бу йилларнинг ҳар бирида, гарчи дафатан дарҳол сезилмайдиган бўлса-да, лекин бирорта жиддий зарур. муҳим иш қилганини яхши биларди, ахир.

Коробкани яна сейфга солиб қўйди-да, стол устидаги қўнғироқ тутмасини босди, кириб келган Симочкага:

— Қани. ким биринчи, кирсин?— деди.

Уст-боши шай ва батамом дазмолланган, ёшини дарҳол белгилаб бўлмайдиган, соч-соқоли деярли тамоман оқариб, юзи кўпчиган бир киши кириб келди; у шошилмай ҳам кўпда имилламай кабинетдан ўтиб, таклифни кутиб турди, кейин креслога ўтириб, боқиши маъноли ҳорғин кўзларини Горбачевга диққат билан тикди.

— Гапиринг, қулоғим сизда,— деди Горбачев.

— Сиз мени олдингизга бирор нарсдан ранжиб шикоят қилгани келган деб ўйламанг, ўртоқ Горбачев. Фамилиям Орлеанцев. Коммунистман. Мана партбилетим, кўринг. Кўриб турябсизки, партия стажим каттагина, институтдаёқ кирган

эдим. Урушдан илгари, албатта. Гап бундоқ, ўртоқ Горбачев... Кечирасиз, сизни безовта қилмасам ҳам бўларди, поездга ёки самолётга тушиб тўппа-тўғри Москвага, министр олдига, Николай Федорович олдига, ёки ҳатто Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарларидан бири олдига борсам ҳам бўларди... Лекин бу ўзи анчайин нарсаси, шуни деб катта одамларни безовта қилишнинг ҳожати бормикин. Гап бундоқ. Мен шахрингизга ўз хоҳишим билан келдим. Министрлигимизда штатлар қисқартирила бошлади. Қисқартиришнинг менга даҳли йўқлигига ишонсам ҳам, лекин ишни осонлатиш учун ўз ихтиёрим билан ариза берган эдим, сизнинг металлургия заводингизга йўлланма беришди. Маълумотим ҳам аппаратдаги раҳбарлик ишида орттирган тажрибамга кўра — металлургман. Бу ёғи нима бўлди десангиз, бу ердаги директор жуда ғалати одам экан. Марҳамат, келганингиздан жуда хурсандмиз, участка инженери бўлиб ишланг дейди-я.

— Сиз қандай ўринни хоҳлар эдингиз?

— Менда унақа инжиқлик қилиб ўтириш одати йўқ, ўртоқ Горбачев. Мен, масалан, заводнинг бош инженери ёки бош технологи бўлай, демайман. Мени бу ерда танишмайди. Майли, аввал ўртоқлар бир синаб кўришсин. Лекин цех бошлиғи қилиб, яъни мартен цехигами ёки домна цехига...

— У ерда одамлар бор-ку.

— Бундай ҳолларда нима қилинишини ўзингиз яхши биласиз. Директорнинг ҳуқуқи кенг, ўртоқ Горбачев. Лекин мен инжиқ одам эмасман, директорга баъзи бир таклифларни қилиб кўрдим. Бу ерга келганимга ҳам бир ҳафтача бўлиб қолди, ахир аҳволдан анча хабардор бўлдим. Домна цехидаги бош мастернинг на бирон ҳужжати-ю, на дипломи бор. фақат практик экан.

— Ҳа, Ершовми, Платон Тимофеевични айтяпсизми?— деб сўради Горбачев.

— Ҳа-да, сиз албатта, бу ердагиларнинг ҳаммасини исми-фамилияси билан танисангиз керак. Сиз шу ерликдирсиз-да, ўртоқ Горбачев?

— Ҳа, шу ерликман, ўртоқ Орлеанцев, шу ерлик. Пешонада...

— Нега зорланасиз? Агар Москвада мендан шу ерликмисиз, деб сўрашса, мен шу ерликман, деб жавоб қилурдим, пешонамдан нолимасдим.

— Москва, ўртоқ Орлеанцев. пойтахт шаҳар. Бизники провинция, чекка жой.

— Ҳа, айтгандек, гапингиз тўғри:— деди Орлеанцев ўз гапига қайтиб,— Ершов тажрибакор. Бир вақтлар биз бу кексаларни қадрлар эдик, албатта..

— Уша Ершовнинг ёши борган бўлса элликка борган, ундан ортиқ эмас.

— Барибир, бу домначи учун пенсия ёши. Айтгандек, бир вақтлар биз бу тажрибакорларни қадрлар эдик, деяётган эдим. Энди янги техника келяпти, бунга тажрибакорларнинг тиши ўтмайди. Ҳозир маълумот, диплом керак. Шундай эмасми?

— Сиз, Орлеанцев: энг аввал маълумот, диплом керак, дейсиз. Диплом билан маълумот иккови бир нарсам, ахир? Менимча, булар бошқа-бошқа нарса бўлса керак. Ершовнинг дипломи йўқ — бу гапингиз тўғри, лекин унинг маълумоти бор. У, етти йилдан буён старший мастер ёки домначиларнинг ҳозир ҳам айтишига кўра, бош мастер бўлиб ишламоқда. Горновойликдан тортиб бутун домна илмини ўқиган. Биласизми, биродари азиз, мен сизнинг гапингизни қувватламайман, завод директорининг айтганига қўшиламан: сиз олдин участкада ишлаб кўришингиз керак, директор тўғри айтган. Сиз институтни тугатганингиздан кейин ишлаб чиқаришда ишлаганмисиз?

— Мен катта раҳбарлик ишида ишлаганман.

— Раҳбарлик — раҳбарлигича турсин. Тўртта домна печи-я... Сиз шунчалик катта масъулиятни бирдан ўз зиммангизга олсангиз бўлармикан? Участкада ишлаб кўринг. Тажиба орттиринг, ўз кучингизни синаб кўринг...

— Менинг ёшим нечада эканини биласизми? Қирқ учда, яна қайтариб айтаман, катта раҳбарлик тажибам бор. Шогирд тушишимнинг вақти ўтган, бунинг кераги ҳам йўқ.

— Мана, инженер Козакова ҳам Москвадан, янглишмасам, у ҳам сизнинг министрлигингиздан келган...

— Нимани тенглаштиряпсиз, ўртоқ Горбачев! У ҳали ҳеч бир турмуш тажибаси йўқ қизалоқ-ку. Бу тарафга шунчаки кўнгил ёзиш учун келган, бунга ишончим комил. Бу ишни бошига урармиди? Эри — рассом, умуман уйда ўтиравериши мумкин эди. Мен уни танийман, главкада арифмометрларни айлантириб ўтирарди.

— Гап шу, ўртоқ Орлеанцев. Шахсан мен сизнинг гапингизга эмас, завод директорининг фикрига қўшилишаман. Сизга бундан ортиқ айтадиган гапим йўқ.

— Хўш, демак, Москвага, Николай Федоровичга муржаат қилаверар эканман-да? Сиз уни танийсизми?

— Йўқ, учрашмаганмиз, фақат фамилиясини эшитганман.

— Ана холос! Эҳтимол, Захар Петровичнинг ўзига муржаат этишга тўғри келар...

— Захар Петровичнинг ҳам фақат суратини кўрганман, — деди сўзини кесиб Горбачев. — Сиз Гаврила Алексевични танийсизми? — деб сўради у кутилмаганда.



— Кечирасиз, ким у?

— У... бу ердан шундай кўчага чиқиб, ўнг тарафга бурилсангиз, скверда турган бир кичик ҳайкални кўрасиз. У бизнинг губком секретаримиз эди, мени партиёга қабул қилган эди. Уни бир қулоқвачча қулоқ қилинган отасининг ўчини олиб, яширинча ўлдирган эди. Бориб ҳайкални кўринг. Гаврила Алексеевич яхши одам эди. Хайр, ўртоқ Орлеанцев!

— Хайр,— деб Орлеанцев ўрнидан турди.— Фақат, биласизми, ўртоқ Горбачев, юқоридан айрим маҳаллий ўртоқларни безовта қилгудек бўлсалар, мендан аччиғланиб юрманг?

У чиқиб кетди. Горбачев кабинетининг деразасидан уни кузатди. Орлеанцев горком биносидан чиқиб, ўнгга, сквер томонга эмас, сўлга бурилди.

Келган иккинчи киши ҳам инженер бўлиб, у ҳам Металлургия заводидан эди. У ёғимланган костюми, кир олган кўйлаги билан Орлеанцевдан ажралиб турар, соқол-мўйлови қирилмаган эди, креслога таклиф қилинмасданоқ ўтириб олди, ўзини унчалик дадил тутмас эди. Столдаги қаламларни олар, озғин ва сарғиш бармоқлари билан айлантирарди.

— Мен партиёсизман, ўртоқ горком секретари дерди у шошиб,— шаҳардаги юқори ҳокимият шу деб, сизнинг олдингизга келавердим. Сиздан ҳеч натижа бўлмаса, Кремлга боришга тўғри келади. Бор-йўғимни сотиб бўлса ҳам, бораман.

— Мен нега юқори ҳокимият бўлай?— деди Горбачев.— Мен горком ходимиман...

— Ҳа, ҳамма катта одамлар, камтарлик ёки олифталик қилиб шундай дейишади. Сиз ҳокимиятсиз, бошқа гапни қўйинг! Ёрдам қилинг. Сансалор қилишяпти.

— Нимани сансалор қилишяпти?

— Халқ хўжалигимиз учун фоят муҳим таклифни. Миллионлаб сўм тежашни. Мана менинг докладим...

Горбачев анчагина семиз папкани олиб очди.

— Буни ўқишга уч соатча вақт кетади, ўртоқ...

— Крутилич, фамилиям.

— Яхшиси аввал буни менга оғзаки айтиб беринг, ўртоқ Крутилич.

— Сиз техникани биласизми, ўртоқ секретарь? Домна ишлаб чиқаришини-я?

— Бир вақтлар металлургия заводида ишлаганман, лекин сизнинг домна цехингизда эмас, мартен цехини қурганман.

— Мен ҳам домна цехидан эмасман. Умуман цехдан эмасман, мен техникумда тажриба ишига раҳбарлик қиламан.

Шунинг учун домна цехида бўлиб тураман. Сизга айтиб бермоқчи бўлган гапим бундай. Домна печларининг кўп ускуналари планда белгиланган ремонт муддатини ўтказиб, бир ярим-икки йиллаб тўхтовсиз ишлатилаётган ҳамда ремонтлараро давр шу туфайли узайиб бораётган ҳозирги шароитда,— ремонт ишини уюштириш билан боғлиқ масалалар қандай қўйилиши керак? Бу масалалар аниқ, амалий, пухта қилиб қўйилиши керак. Мен домна печларидаги ҳамма ремонт ишларини ремонт-монтаж цехига, РМЦга беришни таклиф қиламан. Тўғрими?

— Мен шунга ўхшаш бир гапни эшитган эдим,— деди Горбачев.— Лекин эсимда йўқ... ёки шундай тажриба қилиб кўрилганмиди?.. Менимча, шу тарзда ишланган, сўнгра домначиларимиз негадир РМЦ хизматидан воз кечган эдилар.

— Зараркунандалар воз кечган. Биз марказлаштирилган ремонт системасини дарҳол тиклашимиз шарт. Марказлаштирилган система — социалистик системадир. Ҳозир нима қилаямиз? Ремонт ишида ишлаб чиқариш цехларининг ходимлари, ҳозир эса, домна цехининг ходимлари уринишиб юрибди. Ишлаб чиқариш цехининг ўзи бажарган ишларнинг сифати махсус ремонт сифатидан ҳамма вақт паст бўлади. Ахир, ишлаб чиқаришда ремонт ишига зарар келтирадиган, унга халақит берадиган, баъзан умуман барбод беришга сабаб бўладиган турли ҳолатлар бўлиши мумкин ва албатта бўлади. Улардан ишни ҳеч ким қабул қилиб олмайди — ўзидан ўзи қабул қилиб оладими, ахир! Контроль йўқ, демак. Уларнинг на наряди, на ремонт плани бор, билганларича улаб-ямайверадилар. Бу меҳнат унумдорлигининг паст бўлишига олиб келмоқда.

У гапга тушиб кетди. Ишонарли қилиб гапирди. Горбачев ундан доклад солинган папкани икки-уч кунга қолдириб кетишини сўради, уни ўқиб чиқишини, мутахассислардан консультация олишини, заводда маслаҳатлашиб кўришини билдирди. Ўзи завод ишидан кўп вақтдан буён ажралиб қолгани туфайли айрим ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳозирги уюштирилишдан орқада қолмаган бўлса, Крутиличнинг даъволарида ҳақиқат борлигига ишонганлигини билдирди. У масалани ўрганиб чиқишини, ўшанда улар яна учрашишлари мумкинлигини айтди.

Крутилич ташаккур билдирди, мадад бўлишига ишониб келганини, Горбачевни дарҳол ёқтириб қолганини, у чехрасидан ишчи одамга ўхшаганини, бюрократ ҳам, амалдор ҳам эмаслигини билдирди-ю, мамнун бўлиб чиқиб кетди.

Горбачев келган одамларни кетма-кет қабул қилар ва аҳвол ёмонлашиб бораётганини ҳис этарди. Тушки овқат вақтига келиб жуда ўлиб бўлди, иккинчи секретарнинг кабинетига

кириб, ўзининг уйга кетишини ва бугун қайтиб келмасдан ётишини, юраги нотекис ураётганини билдирди. Иккинчи секретарь ҳазил қилиб: клапанларни мойлаб, поршинларнинг болдоқларини янгилаш керак, деди.

Горбачев уйда ўзини боши оғриётганга солди-ю, кабинетдаги диванга чўзилиб, деворга ўгирилиб ётди. Анна Николаевна қўлида дорили шишачалар билан бирпас турди, лекин у кўзини очмаётганлигини кўриб, бироз тинчгина ётмоқчи, деб ўйлади-ю, уни ёлғиз қолдириб, кабинетдан аста чиқди. У узоқ ётди, шу дамгача бошидан кечирмаган номаълум бир маъюслик уни чулғаб олди. Наҳотки, ҳаммалари — хотини ҳам, кизи ҳам, ўғли ҳам кетиб қолишса, уни ёлғиз ташлаб кетишса. Балки у бирдан ўлиб қолар, тўсатдан юрагига ҳозир инфаркт зарб урар, келсаларки, у тамом бўлгану ҳеч маҳал қайта тирилмас. Ғалати одамлар. Беғам, тошбағир кишилар. Агар онаси тирик бўлганда шундай қўярмиди... У скарлатина билан оғриганда онаси унинг тўшаги ёнида қандай ўтирарди. Бўйнига иссиқ кул солинган пайпоқ боғлаган, аллақандай мазали нарсаси ичирган эди. Шўрва-чи!.. Онасининг унга қотирган балиқдан қайнатиб берган энг мазали шўрвасини яхши эсларди.

У кўзларини юмиб ётиб, лабларида шўртак таъмини сезди, димоғига ўткир ис ургандай бўлди. Кампир онасини, унинг малларанг қўлларини, болалари учун, Ванюша учун ташвиш тортган кўзларини кўрди.

— Ваня, Ванечка,— деган безовта товушни эшитди у. Унинг олдида яна Анна Николаевна турарди.— Кўзларингдан ёш оқяпти. Сенга нима бўлди?

— Бекор гап.— деб қўрсроқ жавоб берди у, ўз ҳолатини яширишга уриниб.— Қанақа кўз ёши? Яхшиси, менга ғамхўрлик қилиб турсанг бўларди.

— Вой, жоним билан, нодонлигингни қара-я. Шунинг учун яшайпман-ку.

— Жоним билан, жоним билан!— деб мазах қилди Горбачев.— Умрингда лоақал бир марта қуритилган балиқдан шўрва қайнатиб берсанг-чи. Осонгина нарсаси. Қоқ балиқ билан икки дона картошка бўлса бас.

— Хўп бўлади, Ванечка. Лекин бу расво нарсаси бўлса керак. Емайсан.

— Нега расво бўлади? Болалигимда кўп еганман, онам қайнатиб берарди. Емайсан, эмиш! Сен қаёқдан биласан, ейманми ё емайманми?

— Яхши, сенга шўрва қайнатиб берамиз. Агар биз ўшани тополсак.

— Онам топарди,— деди қайсарлик қилиб Горбачев.

Кечқурун унинг олдида тарелкада шўрва келтириб қўйиш-

ди. Анна Николаевна бутун шаҳар айланиб, не азобда, пристанъ ёнидаги пивохонадан Каспий сохилидан келтирилган бир неча шапарак қуруқ балиқ топди. Тарелкадан ўткир ҳид келиб турар, этик, эгар-жабдуқ дўкони, дуд ҳиди келарди.

Горбачев қошиқдан хўплаб кўрди: шўрва аччик, шўр, бе-маза эди. Лекин ичаверди. Терслик қилиб ичаверди. Бу унинг болаликда онаси пиширган шўрва эди.

6

Бу оппоққина сочларини калта қирқтирган кизни Андрей биринчи марта ёзги кинода кўрган эди. Андрей ишдан сўнг шаҳар боғи олдидан ўтаётиб ўпишаётган эр-хотиннинг сурати солинган афиша олдида тўхтади ва билет сотиб олди. Оппоқ қиз дугонаси билан унинг олдидаги қаторда ўзаро секин сўзлашиб ўтирарди; Андрей оппоқ қизга фильм ёқмаганини тушунди, у фильмни нуқул танқид қиларди.

Андрей кинодан сўнг хиёбонни бўйлаб боғдан чиқавериш жойингача улар орқасидан юриб борди. Оппоқ қизни кўздан кечирди. У осойишта, чиройли юрар, Андрейга унинг ҳар бир ҳаракати ёқарди. У, оппоқ қизнинг гапини эшитиб қолди: «Киночилар ёшларга ана шунақа бачкана муҳаббат тўғрисидаги картиналар ёқади, деб ўйлашади шекилли. Ишқ-муҳаббат тўғрисидаги нарсани тамоша қилиш ёқимли, албатта. Лекин ҳозир сен билан мен муҳаббатни кўрдикми, Аллочка? Ҳеч қандай хис-туйғусиз шинамгина оила қуриб олишдан бошқа гап йўқ. Бу манфаатпарастлик, мешчанлик-ку ахир».—«Сен ҳар доим шунақа қатъий фикр юритасан, Капа... Масалан, менга бу ёш келин-куёв ёқди. Уларнинг ҳамма хатти-ҳаракати ҳаётда қандай бўлса, шундай кўрсатилган: йигит қизни биринчи марта онаси ёнига олиб келгани, икковлари чақалоқни кўришгани, ваннача сотиб олишгани...»—«Бас!—деб гапни бўлди оппоқ қиз Капа.—Кўриш у ёқда турсин, кишининг эшитгиси ҳам келмайди. Қимга керак бу пасткашлик? Бўлажак боласи учун ваннача сотиб олаётган Ромео билан Жульеттани тасаввур қилиб кўр...»—«Хўп гапларни айтасан-да, Капочка! У замонлар бошқа эди!»—«Биз ҳаммасини замонга тақайверамиз: бир вақтлар — қанот боғлаб парвоз қилган эдилар, ҳозир ундоқ эмас, энди ерда ўрмалайверингиз. Мана энди, Горький айтганидек: бизни эртақ қилиб ҳам айтмайдилар, қўшиқ қилиб ҳам куйламайдилар».

Андрей улар орқасидан яна боравергиси, турмуш тўғрисида Капанинг гапларини яна эшитгиси келарди. Бироқ бу пайт дугоналар боғдан, оломон орасидан чиққан эдилар. Андрей улар орқасидан изма-из юришни эп кўрмади. У тўхтаб, дугоналар ортидан маъюс қараб қолди. Андрей айрим йигитлар

сингари қизлар билан эпчил танишиб олишни: яқин бориб бир минут ўтар-ўтмас қўлидан олишни, кинога боришни ёки қайиқ сайрига таклиф этишни билмасди. Қиз билан танишиш унинг учун ғоят мураккаб, нозик иш бўлиб, бу ишга албатта учинчи бир куч аралашуви, бирор ҳодиса кўмаклашуви керак эди.

Оппоқ қиз унинг кўзидан ғойиб бўлиб кетди. Бу бир ой илгари бўлган эди. Мана у яна Андрей ёнида турибди. Бу сафар дугонаси йўқ, ёлғиз ўзи Андрейнинг орқасида қайиқ кутиб навбатда турибди. Денгиз сокин, ойнадай тиниқ, илиқ кеч, сайр қилгиси келганлар кўп, ҳамма чидам билан навбат кутмоқда.

Андрей ўгирилиб қарамас, лекин унинг борлигини сезиб турарди. Оппоқ қиз аллақандай ашуланинг куйини ғинғиллар, туфлисининг учи билан пристань тахтасини секин-аста тақирлатиб турарди. Унинг ҳатто бир неча марта Андрейга тирсаги тегиб кетди. Бу тегиш бир лаҳзалик бўлса-да, лекин Андрей шу лаҳза ичида ҳам унинг ҳароратини сезган эди. Андрей навбати яқинлашганда, нима қилишини билмай гаранг бўлди. Икки йўл бор эди: бири—навбатни қизга бериш, иккинчиси — қизни ўз қайиғига таклиф қилиш. Қиз унисидан ҳам бунисидан ҳам бош тортиши мумкин, албатта. Агар қиз, нега энди ўзимга нотаниш бир одам билан сайр қилгани борар эканман, деб қолса, бу ёмон, жуда ёмон бўлади. Бунинг ёмонлигини бирор нарсага таққослаб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, Андрей иккинчи йўлни тутмоқчи бўлди. Эҳтимол, энди учинчи марта учрашув сира насиб бўлмас—шаҳар катта, унда одам похолга тушган бир нинадек гап.

Андрей юрагининг гурсиллаб ураётганини сезиб турар, лекин ўзини босолмасди. «Навбат сизники» дейилганини эшитиб, боғлоқли қайиқнинг шилдираган занжири қўлига тегиши билан у ўгирилиб қаради ва қизга деярли кўзи тушмасданоқ алланечук ўзгарган товуш билан:

— Хоҳласангиз, бирга тушайлик?— деди ва бирдан:

— Жоним билан,— деган кутилмаган жавобни эшитди,— лекин эшкакни мен эшаман. Бу ерга мен ҳар куни келаман, машқ қиляпман.

— Марҳамат, марҳамат!— деб қичқириб юбораёзди Андрей. Андрей унинг қайиққа сакрашига ёрдамлашмоқчи бўлган эди, лекин узун келишган оёқлари билан енгил, эпчил ва дадил сакраб қайиққа тушди. Андрей қайиқнинг қуйруғига, қиз эса эшкаклар ёнига ўтирди, пристандан сузиб жетишди. Қайиқ тез ва равон сузиб борарди. Капа жуда яхши эшкак эшарди, эшкак сувни шопиллатмас, обкашдек ҳавода чайқалмас, сувга деярли товушсиз кириб чиқар, сувнинг нақ устигинасида борарди.

— Ажойиб эшкак эшаркансиз!— деди ҳавас билан Андрей.

— Ростданми?— деди Капа шодланиб.— Сиз тасодифан денгизчи эмасмисиз?

— Мен домначинман.

— Ҳув анови ердами? Капа денгиз устидаги металлургия заводи равшан сариқ-қизғиш тутунлар орасидан кўриниб турган томонга ишора қилди.

— Уша ерда.

— Домна печлари ёнида ишлаш қийинми?

— Янги иш бошлаган горновойлик чоғимда ўрганмаганликдан бироз қийналиб юрдим. Ҳозир бўлса — ҳамма бошқа ишлардек. Лекин бошқа ишлардан қизиқроқ.

— Наҳотки қизиқроқ бўлса? Нимаси қизиқ?

— Қадимда, узоқ ўтмишда бундай иш тўғрисида эртақлар тўқишган, ердан темир ясайдиган бу иш сеҳрли бўлиб кўринган. Печни айтмайсизми! Сиз домна печини ҳеч кўрмаганмисиз?

— Фақат ҳозиргидай, узоқдан кўрганман. У жой домнанинг ёни иссиқ бўлса керак, ҳамма ёғи тутундир...

— Иссиқ ҳам бўлади. Жудаям... Лекин одам ўрганиб қолади. Биз ёқларга келиб, бир томоша қилинг.

— Таклиф қилинг. Биринчи сентябргача бўлса майли, каникулда бўламан. Бораман.

— Қаерда ўқийсиз?

— Медицина институтида, тўртинчи курсда.

— Бир йилдан кейин доктор бўларкансиз-да?

— Қаёқда бир йилдан кейин-а! Энди тўртинчи курсга ўтдим. Олти йил ўқиймиз. Яна уч йил партада ўтиришимни ўйласам — юрагим орқамга тортиб кетади! Шунчалик институтда уч йил ўтди, ўн уч йилми, жами ўн олти йил бўлади. Умрнинг чораги ёдлаш билан ўтади!

— Мен ўн бир йил ўқидим. Етти йил мактабда, тўрт йил техникумда, ўшанда ҳам кундузи ишлаб, кечки техникумда ўқидим.

Андрей тинмай гапиргиси, тинмай эшитгиси келарди. У ўзининг бутун шу йигирма тўрт йиллик ҳаётини унга айтиб беришни, унинг ҳам бутун ҳаётини гапириб беришини истарди. Бу суҳбат Андрейни мафтун этмоқда, у билган ҳамма суҳбатлардан кўра мароқли кўринмоқда эди. Улар жуда олдинлаб кетган энг довюрак қайиқчилардан ҳам аллақачон ўзиб кетганликларини, шаҳар ястаниб ётган тепаликлар кун ботиш олдидан қизғиш рангга жирган уфқ ортига яширинаётганини ҳам кўрмай, денгизда сузавердилар.

— Исмингиз нима?— деб сўради Капа.

— Андрей,— деди у уялиб.— Кечиринг, ўзимни танитмабман. Андрей Ершов. Сизнинг исмингизни билганимдан сиз ҳам менинг исмимни биласиз деб ўйлабман.

— Менинг исмимни биласизми?— деб ажабланиб сўради Капа.

— Тўла эмас; чала биламан. Сизни Капа дейишган эди.

— Тўла исмим — Капитолина. Мен авваллари, мактабда исмимдан кўп хижолат тортиб юардим. Энди ўрганиб қолдим, ҳатто ўзимга ёқиб ҳам қолди.

— Менга ҳам ёқади.

— Ҳар нечук, буни сиз кимдан эшитдингиз?

— Андрей кинода унинг орқасида ўтирганини, хиёбонда унинг орқасидан юрганини ва унинг ўз дугонаси билан қилган баҳсларини беихтиёр эшитиб қолганини гапириб берди.

— Хўш, мен ноҳақмидим?

— Ваннача сотиб олмоқчи бўлган Ромео ва Жульетта тўғрисидаги гапингиз жуда ажойиб бўлди.

— Ростданми? Фикримга қўшиласизми? Муҳаббатни шундай тасвир қиладиган бўлишганки, унинг ҳеч бир гўзал, юксак жойи қолмайди. Муҳаббат ўз маъносини йўқотади. Биласизми, ўз маъносини йўқотди. У оила ҳаёти олдида бўладиган қандайдир муқаддима бўлиб қолди, холос. Бўлганда ҳам анчайин бир муқаддима. Айрим авторлар тўғридан-тўғри ҳеч бир муқаддима ҳам қилиб ўтирмай, шу оила ҳаётининг пардасини кўтаришади-ю, унда бўлиб турадиган ҳар қандай хонаки ишларни муҳаббат деб аташади. Севгимиз уйланиш учунгина бўладиган заруратга айланиб қолди.

— Илгари ҳам шундай бўлиб келган эди шекилли?— деди жилмайиб Андрей.— Донм, азалдан.

— Аҳ!— Капа эшакларни қўйди.— Менинг гапимга одамлар тушунмайди. Мен одамни унинг эркак ва аёллигидан қатъи назар — қаҳрамонликка ундайдиган катта, гўзал севги тўғрисида гапиряпман. Севги одамга талант, ижод, олижаноб туйғулар бағишлайди. Бундай севги оқибатига эшик ортидан ётоқ уйга мўралатандек назар солинмайди. Қўпол қилиб айтётганлигим учун кечирасиз. Менинг бўлганим шу. Қаранг, — деди Капа бирдан сезиб қолиб, — қоронғи тушмоқда. Биз бўлсак қирғоқдан беш километрча узоқлашиб кетибмиз.

— Беш километргина эмасдир...— деди Андрей масофани чамалаб жўриб.— Кўпроқ бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳеч нарса қилмайди, қўрқманг, шамол йўқ, етиб оламиз. Эшакларни менга беринг-чи. Мапиқ қилганингиз етар.

— Мен қўрқаётганим йўқ,— деди хотиржамлик билан Капа эшакларни топшириб, қайиқнинг қуйруқ томонига ўтиб ўтирар экан.— Қайиқсиз мен қирғоққа сузиб етиб олишим мумкин.

— Шунақа яхши сузасизми?— деди Андрей қайиқнинг қуйруғини денгиз томон бура туриб.

— Отам саккиз ёшлигимдан сузишга ўргатган.

— Отангиз нима иш қилади?

— Партия ходими.

Эшкаклар айриси ғижирлай кетди, Андрей текис ва каттиқ эшкакларди. Қайиқда сайр қилишдан у ҳеч маҳал бунчалик ҳузур қилмаган эди. Қош қорайиб борарди. Андрей қайиқнинг қўруғида ўтирган Капанинг қорасинигина кўрар, унинг баҳслашувдан чимирилган қошларини, ажойиб катта қўй кўзларини, қисқа қирқилган оппоққина сочини ажратиб бўлмасди. Кулранг тус олиб, салгина ялтираб турган денгизда Капанинг орқага ташланган боши, нозик бўйни ва думалоқ елкасининг шарпаси сезилиб турарди.

— Уйланганмисиз?— деб сўради Капа.

— Йўғ-э!— деди Андрей.

— Нега — йўғ-э дейсиз? Йигирма тўртга кирибсиз, мутахассислигингиз бор, мустақил маош олгансиз... Қанча ойлик оласиз?

— Бир ярим минг. Баъзан кўпроқ ҳам оламан. План бажарилишига қарайди.

— Ана, оила қилиш учун бемалол етадиган маош олар экансиз, бунинг устига хотинингиз ҳам ишлайдиган бўлса, иш тамом.

— Қисқаси шуки, уйланган эмасман.

Капанинг гапи ва сўз оҳанги Андрейга ёқмади. Капанинг сўзлари қандайдир ранжитарли эди. У гўё Андрейни севишни билмайдиган ва севгини зарур оила ҳаёти учун анчайин бир муқаддима деб биладиган одамлар қаторига қўшиб қўяётган эди.

— Қаллиғингиз бордир? Еки бирор қиз билан юрарсиз?..

— Ҳеч кимим йўқ,— деди Андрей нохуш ва совуққина қилиб.

— Хафа бўлманг,— деди Капа, гўё қоронғида Андрейнинг хўмрайган юзини кўриб тургандек!— Мен сизни асло ранжитмоқчи эмасман. Шунчаки сўраяпман. Анавини қаранг!— деди Капа бирдан.

Андрей ўгирилиб қаради. Олис қирғоқда осмонга яшил ракета учқуни кўтарилмоқда эди.

— Бизга сигнал беришяпти,— деди Андрей эшкакларга кучининг борица ёпишиб. Қайиқ янада тезроқ суза кетди, унинг бортлари остида сув янада қаттиқроқ шалоплаб, чайқала бошлади.

Андрей қанчалик зўр бермасин, барибир, улар қирғоққа соат тўққизга, қайиқ станциясининг ёпиладиган вақтига етиб келолмадилар, улар соат бирдан ошгандагина етиб келдилар. Қайиқчи уларни кўп койиди, лекин улар қайиқчига қулоқ солиб ўтирмай, жўнаб қолишди.

Қирғоқда сайр қилувчилар жуда сийраклашган, фақат

ошиқ-маъшуқлар денгиз бўйидаги скамейкаларда ўтиришарди. Бўшаб қолган кўчалардаги трамвайлар қулоқни кар қилгудек жингилларди.

— Сизни кузатиб қўяман,— деди Андрей, улар тепаликка кўтарилиб, шаҳар марказига етганда.

— Йўқ, раҳмат, жераги йўқ. Мен ўзим. Мени қўрқоқ ва ожиза деб билишса ёмон жўраман.

— Мен унинг учун эмас...

— Ҳеч бир «учуни» йўқ.

— Бўлмаса...

—... Яна учрашамизми ё йўқми, демоқчимисиз?

— Ҳа.

— Сиз хоҳлайсизми?

— Нега сўрайсиз?

— Ундай бўлса телефонни ёзиб олинг. Яна қайиқда сайр қилгингиз келса — телефон қилинг. Уйда бўлсам келаман.

— Қоғоз ҳам, қалам ҳам йўқ,— деди Андрей чўнтақларини пайпаслаб кўриб, куйинган ҳолда.

— Ёдлаб олиш мумкин, осон номер. Икки-ю йигирма, яна икки нуль.

Капа айтган номер ҳақиқатан осон бўлса ҳам, лекин Андрей уйга кетаётиб йўл-йўлакай «икки-ю йигирма яна икки нуль» деб такрорлаб борди. Бу рақамларни тинмай такрорлайвериш аллақандай бир машинанинг ишлаётганига ўхшаб кетди: «Икки-ю йигирма яна икки нуль. Икки-ю йигирма яна икки нуль...»

Уйда у Капанинг телефонини дарҳол участка мастери дафтарчасига ёзиб қўйди.

— Нима қияпсан, ҳаражатларни ҳисоблаяпсанми?— деб сўради Дмитрий амакиси. У қўлида китоб тутган ҳолда ўрнида ётарди. Дмитрий ухлаш олдидан доим бир-бир ярим соатча бирор нарса, шу жумладан инглиз тилидан дарслик китобини ўқирди. Айниқса, эрталабки сменага бормайдиган вақтларида инглизча сўз ва жумлаларни роса бузиб, ярим кечагача дудуқланиб ётарди.

Андрей алланарсалар деб ғўнғиллади, амакиси ичган чойидан қолган илиқ сувдан хўплаб, нон билан колбаса ея бошлади. Улар амаки-жиян иккови бемаза ҳаёт кечиришарди. Фақат заводда нормал обед қилишиб, эрталаб ва кечқурун дуч келган овқатни наридан-бери еб кетаверишарди. Лея келадиган шанба ва якшанба кунларигина одамга ўхшаб, уйдагидек овқатланишарди.

Кечлик овқатни қилиб бўлгач, Андрей ҳам ўз ҳужрасида кўрпа тагига кириб ётди, қўлларини боши остига олиб, шипга тикилди. У хаёлида қайиқни ва кулранг тус олиб ялтираган сувда Капанинг салгина орқага ташланган боши, нозик

бўйни ва думалоқ елкасининг шарпасинигина кўрар, унинг овозининггина эшитарди.

— Андрюшик,— деди Дмитрий бирдан унинг хаёлини бўлиб.— Ман-ку, майли, мени гапирмай қўя қолайлик. Сен бўлсанг ёш, бақувват, барваста йигитсан, бу ит ётиб мирза туришга қандай кўниб юрганингга ҳайронман?

— Турмушимизга нима бўлибди, нима демоқчисан?— деди Андрей бўшашиб.

— Уйланиб, уй-жой сўраб олсанг бўларди. Хоҳласанг, ўзим бирор ёққа кўчиб кетиб, сенга кулбани бўшатиб берай. Буни эвнга олинса бинойидек уй бўлади. Девор, поли, шипи мустаҳкам. Томини тузатиб, сичқон, қурум, моғордан тозаланса бас. Эшитяпсанми?

— Бўлди қил бу гапни, ўзинг уйланиб, ўзинг моғорлардан тозалай қол. Мен чиқиб кета оламан.

— Вой нодон-эл! Мен сенга айтяпман-ку... Шу афт ангорим билан уйланиш осон гап эмас, деб. Менга хотин топилиши мумкин албатта. Лекин турмушимизда ҳар хил машмаша ва тўполон бўлиб туради-ку. Ана ўшанақа вақтда хотиним ўз тонфасининг қилиғини қилиб: жин чалган, ёки шунга ўхшаш бирор нарса деб юборса борми. Айтиб қўя қолай: бунга чидолмайман, бирор нарса қилиб қўяман.

— Борди-ю, сира шунақа демайдигани топилиб қолса-чи.

— Эҳтимол, айтмас ҳам, лекин доим айтишини пойлаб, ё бўлмаса ичида гапираётгандир ёки ўйлаётгандир, деб шубҳаланиб юраман.

— Лелька айтмайди-ку.

— Лелька!.. Лелька — бошқа гап. Унинг ўзи азоб тортган одам.

— У сени севади. Буни ҳамма ҳам билади.

Дмитрий жим қолди.

— Унга уйлана қолсанг бўларди,— деб давом этди Андрей.

— Бас қил! Сен муҳаббат бобида билагон чиқиб қолдинг-ку!— деб бирдан қизишди Дмитрий.— Ҳаётнинг бордикелдисини тушунтиряпти-я.— Ҳаёт қандайлигини кимга тушунтиряпсан? Мен ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам кўп кўрганлигимни яхши биласан-ку. Кўриб бўлганман! Унисининг ҳам, бунисининг ҳам мазасини роса тотиб тўйганман.

Ҳа, Андрей буни биларди. Унинг амакиси Дмитрий Ершов ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам роса кўрган: шаҳар ишғол қилинган дастлабки кунлардаёқ немислар уни заводнинг ўзида отиб ташлашди. Гитлерчилардан бири унинг юзига найза билан ҳам урган эди. Дмитрийнинг тирик қолганлиги уларнинг айби эмас.

— Мен сенга тушунтираётганим йўқ,— деди Андрей.— Мулоҳаза қиляпман.

Дмитрий чироқни ўчирди, уй қоронғилашди. Кўтарилган ойнинг нури Андрейнинг ҳужрасига ошхона деразаси орқалигина тушиб турарди. Ой қайиқда сайр қилаётганда чиқа қолса бўлмасмиди. Денгизда ой чиққанда сайр этиш жуда ажойиб бўларди!

Яна Капа тўғрисида ўйлаб кетди, хаёлида у билан сўзлашди, уни ёқимтой исмлар билан атади. У ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилаверди. Мудроқ босиб келаётган бўлса ҳам, лекин ухлолмади. Энди кўзи уйқуга кетганида, яна уйғониб кетарди.

Эрталабга яқин мудроқ ҳам тарқалди. Дераза ортида тонг ёришмоқда эди, яна ётаверишга сабр чидамади. Митя амакисини уйғотиб қўймаслик учун секингина кийинди, ювиниб ўтирмай, эшикка чиқди, энг олис йўлдан заводга қараб кетди. Ҳозир у бундан бир неча соат илгари Капа билан хайрлаша туриб, ўзининг қаттиқ кафтида унинг совқотган жажжи қўлини тутиб турган ер — шаҳар марказидан ўтди; ҳатто денгиз томонга, қайиқ станциясига ҳам бурилди.

Шаҳарда анчагача сандироқлаб юрган бўлса ҳам, лекин цехга ярим соат илгари етиб келди. Темир нарвонлардан юриб, ўз печи олдига чиқди. Мастер Козакованинг сменаси ишлаётган эди. Иссиқ ҳаво фурмалар орқали печь сари елиб, трубопроводларда гувилларди, қора ойнакни кўзга қўйиб, туйнук орқали қаралса, бир соатдан сўнг чўян бўлиб чиқадиган модда қайнаб ва эриб, печда қандай сапчиётганини ва биқирлаётганини кўриш мумкин эди. У ерда ғоят зўр, ибтидий процесслар содир бўлиб, улар бизнинг Еримиз ўтли қуюндан пайдо бўлганидан далолат берарди. Ҳали ҳеч ким домна печига чинакам назар солган эмас — бундай оташгоҳга қандай қараб бўлади? Ундаги кўп нарсаси ҳали ўрганилмаган ва инсонга маълум эмас. У металлурглр учун ҳали кўп кутилмаган ҳодисалар келтиради. Шундай тасодифлар ҳам бўладикки, унинг оқибатида киши қурбон бўлади. Печлар ёнида сира анқайиб бўлмайди.

— Мунча барвақт келдингиз, Андрей Игнатьевич?—деди Искра мулойимгина. Унинг чеҳрасида фақат тунда ишлаш натижасида содир бўладиган ҳорғинлик бўлиб, кўз остлари кўкарган, юзлари кўпчиган ва сарғайган эди. Лекин Искра ҳорғинликни енгиб, ўзини бардам тутишга тиришарди.

— Будильник алдади,—деди Андрей.—Хўш, печда нима ишлар бўлди? Айтиб беринг-чи.

Инженер Козакова печни Андрейга топширар экан, кечаси содир бўлган ҳамма нарсалар тўғрисида батафсил гапириб берди, лекин Андрейнинг қулоғига кираётган унинг овози эмас, сўзлар ҳам гўё чўян ва кокс тўғрисида эмасди...

Домна печидаги фурмани алмаштириш учун зўр чидам ва эпчиллик керак; бунда ҳамма нарса фақат минутларигача эмас, секундларигача ҳисобга олинган. Махсус туйнукдан печь ичига ўтказилган пўлат труба — сопло орқали босим остида иссиқ ҳаво келиб туради. Домна ишлаганда сопло қип-қизил бўлиб кетади. Совутиш учун сопло конуссимон втулкадан иборат махсус мослама билан ўралган бўлиб, бу втулка мисдан, ораси бўш қолдириб ясалган, ундан сув ўтиб туради. Бу втулкалар фурма деб аталади. Гоҳо-гоҳо уларнинг девори куяди, шундай вақтда фурмани алмаштириш керак бўлади. Ана ўшанда кўринг. Сопло печь ичидан олиниб, ундан куйган фурма ажратилади, янгиси ўрнатилади ва сопло яна печь ичига киритилади. Печда ўн бешта фурма бўлиб, улар печни белидан қуршаб олган. Улар тез-тез куйиб туради, шунинг учун ҳам цехда ҳар куни бирор фурма алмаштириб турилади.

Платон Тимофеевич бир четда туриб, кузатмоқда эди. У, жанговар йигитлари болтларни бир зумда бўшатиб, чўғдек труба — соплони оташгоҳдан дарҳол чиқариб олганларини, куйган фурмани ажратганларини кўриб туради. Печнинг очиқ туйнуғи ярақлаб ловилламоқда, олов чўзилиб ва шитоб билан ташқарига сапчимоқда эди. Шу туйнукнинг нариги ёғда инсон кам билган чўян-кокс оташгоҳи қайнардди. Мана шу бутун жаҳаннамга бир неча эркак ва кичкина, тўладан келган бир хотин қарши турар эди. Улар югуриб ишлашар, асбобларни ушлаб эмас, юлиб олишарди. Эски фурма бир онда улоқтирилар, аланга ловиллаб турган туйнукка янгиси бир онда ўрнатиладди; сопло киритиларди; болтлар маҳкамланарди.

Инженер Козакова иссиқдан гажак бўлган қўнғир соч тутамини пешонасидан билаги билан четга суриб қўйди-да, илиқ сувли шланга олдиға ўтиб, қўлларини юва бошлади, улардан қоп-қора сув жилдирарди. Печь яна гувиллаб кетди: фурмалар алмаштирилган бир лаҳза ичида тўхтатиб турилган ҳаво яна берилди.

— Васильевна! — деб қичқирди Платон Тимофеевич Искранинг ёнига келиб: чунки печнинг гувиллашидан ҳеч нарса эшитиб бўлмасди. — Қўлларингни қара — қанақа бўлиб кетибди. Эрингга ёқмас дейман? Хафа бўлса керак?

— Асти қўяверасиз, — деди жавобан Искра қайғуриб. — Эрим-ку индамайди-я. Ўзим хижолат тортаман. Қўл эмас бу, ғудур эгов.. Ҳаммаси ҳам майли-ку, фақат мана шуниси жуда ёмон. Мен шунча ўйлаб кўрдим, лекин ҳеч нарса ўйлаб тополмадим. Тополмасам керак.

— Тимофеич, Тимофеич! Салом!— Завод директори. Чибисов желоблардан хатлаб, тўппа-тўғри қуюв майдонидан иш жойига қараб келмоқда эди.— У, Платон Тимофеевичга, Искрага, металл чиқариш учун тешик ҳозирлаш олдидан дам олаётган горновойларга қўл бериб кўришди-да, бош мастерни четга тортди.— Менга қара, сен Крутилич деган нухани танийсанми?— деб сўради.

— Крутилич?— Платон Тимофеевич мўйловини тутамлади.— Ким экан ўзи?

— Биласанми, горком секретари Горбачев телефон қилиб: домна цехидаги маркашлаштирилган ремонтларинг нима бўлди, дейди. Нима бўлган эди. Тимофеевич, ўша маркашлаштирилган ремонтимиз?

— Нима бўлганини ўзинг ҳам биласан-ку, Антон Егорович. Икки йил аввал тажриба қилиб, усиз ишлаб кўришга аҳд қилганмиз. Тажриба тарзида министрлик ҳам шунга рози бўлган. Натижаси яхши бўлиб чиқди. Крутиличнинг бунга нима алоқаси бор?

— Мен шундоқ тушундимки, Крутилич Горбачевнинг олдига кирган, маркашлаштирилган ремонтни, ҳамма ремонт ишларини олиб борадиган ремонт-монтаж цехини боплаб таърифлаган, хойнаҳой, улар менинг таклифимни бўғишяпти, деб айтган. Сен бўғмовдингми?

— Ҳа, эсимга тушди,— деди Платон Тимофеевич.— Ростдан ҳам, бу ерга бир ёки икки марта студентлар билан бир инженер келган эди... Ўзи техникумданми?

— Техникумдан.

— Биз бу ерда алланарсани ремонт қилаётган эдик. У бўлса: «Ўзингизнинг бевосита ишингиздан чалғияпсизлар, ремонт — сизлар учун ортиқча юк» деди. Мен, ҳечқиси йўқ, улгурияпмиз дедим. Кейин олдимга гўё ўзи ихтиро қилган РМЦга қайтиш проектини кўтариб келди. Мен унга ҳаммасини тушунтириб бердим. У цех бошлиғи олдига бориб келди. У ердан ҳам қуруқ қайтганга ўхшарди.

— Унинг олдимга келгани ҳам эсимга тушди. Аниқ эсимда йўқ, лекин мен ҳам ундан бош тортган бўлсам керак.

— Одамларга даво йўқ! Сўзингга тушунишни ҳам истамайди, масалани ҳам пухта қилиб олмайди, фақат расмиятчиликкагина ёпишиб олишган, холос.

— Ҳар кимнинг ҳам ўз нуқтаи назари, ўз мақсади бор.

— Горбачев бунинг тагига етади. Тўғри, у металлург эмас, бинокор, уни яхши биламан. У мартен цехини қурган, прораб эди. Яна, қачон, дегин? Бир минг тўққиз юз ўттинчи йилда, бунга роса чорак аср бўлди. Ертўлаларда яшаган эдик. Прокат цехи ўрнида у вақтда қамиш шовиллаб ётарди. Ўрдаклар учиб бораётиб, қўниб ўтарди.

— Хўш, нима қиламиз?— деб сўради Чибисов.— Уша Крутилицга аҳамият бермай қўя қоламизми?

— Пухта бўлсин десанг, Антон Егорич, архивни бир қара. Унда биз марказлаштирилган ремонтдан нега воз кечганимизнинг тўла далили бор. Сенга иш беради.

— Яхши, қараб кўраман. Сигара чекасанми?— Чибисов пиджаги чўнтагидан қора тамаки япроқларидан буралган иккита узун малла чиллакни олди.— Маркасини қара! «Веб Нортэк табак фабрикаси. Нон плюс ультра». Бундан аълоси бўлмайди. Бу учини тишла, туфлаб ташла, энди бу учидан оғзингга ол. Мана гугурт... Торт, қаттиқроқ торт! Нима? Аччиқ эканми? Бу, оғайни, чинакам домначилар тамакиси!

Чибисов мамнун эди, аччиқ сигара тутунини ичига тортар ва Платон Тимофеевич ўрганмагани учун қийналаётганига раҳми келарди.

— Менга қара,— деди у,— яқинда инженер Воробейний амнистиядан фойдаланиб қайтиб келди, кеча олдимга кирган эди. Ўзи домначи. Уни ўзингга олсангчи?

— Воробейний-а? Қайтиб келибдими? Ўзинг уни танийсанми ё танайманми. Антон Егорич?

— Мен уни қаёқдан билай? Қоғозлардангина таниш. Мен сизлардан узоқда, Запорожьёда ишлаганман. Урушдан аввалги кадрларингизни билмайман.

— Лекин биз биламиз. Биз чекинган вақтда Воробейний немислар томонида қолган эди. Майли, буни ҳам қўя турайлик. Чунки немислар томонида қолган ёлғиз у эмасди. Менинг отам, укам — Димка ҳам қолишган эди. Яна йўқми-ди дейсан қолганлар! Лекин бу Воробейний анчайин қолмай, немисга хизмат қилди. Гарчи бунга ҳам бир нарса дейиш қийин, албатта. Чунки заводга ҳайдаб олиб борилган бошқа кишилар ҳам ишлади. Лекин Воробейний — бошқа гап. Бу малъун немисларга печларни ўз хоҳиши билан тузатиб берган эди.

— Мен сенга айтсам, Тимофеевич, ўтган ишга саловат, унутилди кетди. Киши жазосини тортди, ўла-ўлгунча жазоми энди унга. Биз инженер Воробейнийни иш билан таъминлашимиз керак, вассалом. Олдингга юборсам-чи?

— Менда жой йўқ!— деб қатъий жавоб қилди Платон Тимофеевич.— Юборма. Бутун штат тўла. Олмайман. Юборгудек бўлсанг, мени бўшатиб қўя қол!

— Қизишяпсан шекилли? Босиғида ўйлаб кўрайлик.

— Босиғида эмиш! Отамни шу ердаги катта скипа чуқурида қийнаб ўлдиришган. Одамлар, таниб бўлмас эди, дейишади. Шу вақтда инженер Воробейний немис столидан ризқини олаётган эди.

Чибисов Платон Тимофеевични тирсагидан ушламоқчи бўлган эди, у қўлини тортиб, ўзини нари олди.

— Менга тегма, тақилма!

У иш жойидан нари кетди, қаёққа кетаётганини ҳам билмас эди.

Чибисов бошини чайқади-ю унга қараганича туриб қолди, сўнгра мураккаб домна хўжалигини айланиб кўрмоқ учун жўнади. У скипа аравачаларида домна идишларига шихта солиб узатиладиган чуқурга ҳам тушди. У ердаги торози-вагонда озғин кекса бир машинист руда, кокс, оҳакни ўлчаб ва аравачаларга ортиб бераётган эди. Чибисов уни танимасди.

— Салом,— деди у, машинистга қўл узатар экан.

— Салом,— деб жавоб берди у.

— Ишлар қалай? Нима халақит беряпти? Нима етишмайди?

— Ўзингиз ҳам сезиб тургандирсиз бу жазирамани.

— Сезиб турибман азизим, терлаб кетдим. Тезроқ қутулиб чиқиб кета қолсам, деб турибман.

— Мен бўлсам, шу ерда куни билан куйиб-пишаман.

Торози-вагон бункердан бункерга жангиллаб бориб-келар, улардан маълум ўлчовда материаллар олиб, скипанинг аравачасига тўкарди.

— Иссиққа қарши кураш тадбирларини ўйлаб кўрсангиз бўларди, ўртоқ директор,— деди бу ишни бошқараётган машинист.— Агломерат тўғрисида ўйлаб кўриш керак. У қизиб ётибди, ҳамма иссиқ ўшандан чиқибди. Бундай каталакда ишлашнинг ўзи тирик азоб, яна бу иссиқ дастидан биздек юраги нобоб одамлар тобутга тушади-қўяди.

— Ўйлаб кўрамиз,— деб жавоб берди Чибисов.— Вентилатор ўрнатсакмикан?

— Ўрнатиб кўришди. Сира фойдаси бўлмади.

— Уриниб кўрамиз, яна ҳаракат қилиб кўрамиз. Инженерлар билан конструкторлар бир бош қотириб кўришсин. Сизга ваъдам бу. Энди менга айтингчи: Сиз бу ерда кўпдан буён ишлайсизми?

— Уч йилдан буён.

— Афсус. Мен кекса Ершовни сўраб билмоқчи эдим. У, бу ерда урушгача машинист бўлган. Чамаси немислар келган вақтда ҳам...

— Чамаси эмас, аниқ бу. Мендан бунини сўрайверсангиз бўлади. Мен яхши биламан бунини, ўртоқ директор. Заводга маълум бўлган воқиа бу. Ершов ва яна бир кекса киши немисларга печни боплаб беришган, шундай боплаб беришганки, у тамомила тўхтаб қолиб, бизникилар келгунча ётаверди. Қандай бўлган эди? Бу ерда немислар пайдо бўлади.

Бизникилар, маълумки, уларга ишлаб турган печларни қолдирмай, бироз чатоғини чиқаришган, айниқса газ хўжалигини ишдан чиқаришган эди. Янги чиққан эгалари тиклашга киришдилар. Бу ишда бизнинг одамлардан айримлари уларга ёрдамлашди. Тикланди. Лекин иш асти юришавермади. Муздек чўяндан бошқа гап бўлмади! Билмадим, қанча металл олди экан бизнинг заводимиздан Герман Геринг?.. Бир пуллик нарсаси олгандир. Гестапочилар зир югуриб қидиришар, ҳеч нарсани топа олмасдилар. Топа олмаган ҳам бўлардилар. Яна бизникилардан аллаким, аллақайси бир инженер айтиб берди.

— Воробейний эмасми?

— Қим биледи дейсиз. Бундай одамни эшитмаганман. Балки, ўшадир. Ишқилиб, айтиб беришди. Маълум бўлишича, кексалардан бош мастеримизнинг отаси Ершов, яна бир кекса колошникка ярамас шихта солиб беришаверган экан. Бошқа составдан, бошқа ўлчовда. Биласизки, оҳакдан бироз ортиқроқ солинса — печь совиб тураверади. Шунда уларнинг икковини қаердадир ўлдириб ташлашибди. Ваҳшийларча ўлдиришган дейишади.

Чибисов Ершовнинг отаси заводда ҳалок бўлганини эшитган эди, албатта, лекин бу тафсилотларни билмас эди. У машинист билан хайрлашди, скипа чуқуридаги иссиққа қарши кураш тўғрисида ўйлаб кўришга яна ваъда берди, шошилмай юқорига, ёруққа чиқди, цехларни денгиз томондан айланиб ўтиб, харобазорлар орқали завод бўйлаб юрди. У ўзи уч йилдан кўпроқ ишлаётган бу заводни яхши кўрарди. Заводнинг кўп одамларини билар эди. Мана, масалан, блюминг цехининг бошлиғи инженер Матюшин прокат цехидан чиқиб, мартенчилар олдига кетяпти, қуйилмалар учун жанжаллашса керак. Яқинда унинг етти йил бирга яшаган хотини кетиб қолди. Чибисов бундан хабардор бўлиб, нега кетиб қолди, деб сўраганда: «Рангли фотография туфайли» дейишди унга. — «Вой нодон, эҳтиёт бўлмабди-да!» деди Чибисов. — Бирорта ёшгина жувонни суратга олган эканми?» — «Қўйсангизчи, гап бунда эмас! Аксинча, хотинининг айтишича, хотинини ҳам унутиб қўйибди. Кечалари билан ваннахонада ўтириб сурат чиқарармиш. Бу фотография хўжалигига роса пул кетди. Фотографияни қўй, эсингни йиғ, мени ўйлагин, деб ёлворибди хотини. Фойда бўлмабди. Чидолмай, кетиб қолибди». «У-чи?» — «Сураткашлигини қилиб ётибди» — «Хотиничи?» — «Парткомга шикоят қилибди. Ҳайрон бўлишармиш. Уни нима қилиб бўларди? Аппаратингни синдириб ташла, дейилсинми?» Ҳам ўласан, ҳам куласан киши. Ўзи машҳур инженер. Забардаст бошлиқ.

Заводдаги қайси бир одамни олиб кўрманг, ҳар бирининг

ҳаётида дарҳол кўзга ташланмайдиган, алоҳида бир жиҳат бор. Шу йил ёзда завод директори ишчилар посёлкасини айланиб кўришга аҳд қилди. У кун бўйи биргина кўчани ҳам айланиб чиқолмади, албатта. Шу биргина кўчада кўрганлари ҳам уни ҳайрон қолдирди, кўп фикр уйғотди. Мастер-бригадир мартенчи Лучко каптарбоз экан. Каптарларнинг ажойиблигини айтмайсизми! Чибисов унинг каптархонасини роса бир соат томоша қилди. Лучко каптарларнинг одатларини айтиб бериб, уларни намоёиш қилди. Механика цехининг инженери Антонов гулчиликни — георгин, флокс ва гладиолус гулларини яхши кўрар экан. Унинг алоҳида уйи бор, ўзи қуриб олган, унинг тевараги участкагина эмас, бутун бошли гулхона: юрадиган, ўтирадиган жой қолмабди, ҳамма ёқ гул. Бошқалар қуён боқишар, кўплари мотоцикл, «Москвич» ва «Победа» машиналари сотиб олишибди. Бир мастер ёғочдан ҳайвонларнинг суратини ясар экан, яроқли ёғоч топилмаса, лойдан ясар экан.

Чибисовнинг қўлидан ёзиш келганда, ўз умрида кўрган одамлар тўғрисида, уларнинг бошидан кечиб турадиган ажойиб воқеалар ҳақида, албатта китоб ёзган бўларди. Не чора—унинг қўлидан ёзиш келмаяпти. Бундан етти йилча илгари ҳозирги турмушдан олиб бир ҳикоя ёзиб кўрган эди. Столга ўтириб, тез-тез бир неча гап ёзди. Ёзган гаплари эсида қолган, улар қуйидагича эди: «Йилнинг куз фасли бошланди. Цех планини бир юз йигирма процент қилиб бажарди. Жамоат ва ишлаб чиқариш ишларини нуқул шахсий ишлар билан анча қулай даражада боғлаб олиб бориш мумкин эди. Пўлат қуювчи Герасимов бундай деди...» Ёзганларини қайта ўқиб, Чибисов пўлат қуювчи Герасимовга сўз бермайдиган бўлди-ю, қоғозни ёғимлаб, корзинкага ташлади. Уйлаб кўриб, қоғозни корзинкадан олди, ёғимларини текислади-да, майдалаб йиртиб ташлади. Сира ўхшамасди, сира! Ачинди, жуда ачинди. Ёзишни билганларга ҳаваси келди. Заводга онда-сонда бўлса ҳам марказий газеталарнинг мухбирлари келиб турарди. Чибисов улар билан цехларда юришни, суҳбатлашишни яхши кўрарди. Бир сафар москвалик ёзувчи ҳам келган эди. Чибисов уни кун бўйи ўз кабинетида олиб ўтирди, кечқурун уйига олиб бориб, хотини, болалари билан таништирди, роса меҳмон қилди, ётиб қолишга ундаган эди, ёзувчи кўнмади. Ухлашдан олдин бирпас ишлайман, қоғозлар солинган папкам меҳмонхонада қолган эди, деди. Чибисов ухлашга ётар экан, хаёлида ёзувчининг меҳмонхона номерида столда ўтирганини, унинг пероси қоғоз устида тез-тез югураётганини, перо остидан сўзлар равон оқиб бораётганини кўрарди. Бу сўзлар ўқилганда шундай оддийгина бўлиб кўринадики, худди бундан бошқача

бўлмайди, деб ўйлайсан ҳам, лекин қўлингга перо олишинг билан улар аллақачонларга ғойиб бўлади-қўяди.

Чибисов ёзувчининг фамилиясини илгари эшитмаганига, бирорта китобни ўқимаганига қарамай уни иззат-ҳурмат қилиб, ёзувчини хоҳлаган цехига киритишни, ҳамма саволларига жавоб қайтаришни буюрди. Москвага жўнаб кетаётиб, ёзувчи унга ташаккур билдирди, ёзган китобига имзо қўйиб тақдим этишни ваъда қилди. Чибисов бир неча ой чидам билан кутди—китоб келмади. Нима ҳам қилсин, ҳамма ўз иши билан-да. Москва ҳаёти қайноқ, авторни чулғаб олгану, ёдидан кўтарилган кетган.

Олисдан келадиган кишиларни завод осмонида адашиб юрган сайёралар, дейиш мумкин. Чибисов кўпинча шаҳар газетасининг редактори Бусирин билан муносабатда бўларди. Бу сирни урушдан аввалги беш йилликлар даврида Совет Иттифоқи бўйлаб кўп кезган тажрибали журналист бўлиб, ўша вақтда кўп редакцияларда ишлаб юрди, урушдан сўнг шу ерда ўрнашиб қолди. Бусирин билан овда дўстлашдилар, гоҳо бир-бирлариникида меҳмон бўлишар, асосан заводдаги бирор камчилик тўғрисида редакцияга шикоят тушганда телефонда тез-тез гаплашиб туришарди. «Шуни билиб қўйки, Антон Егорич,— дерди Бусирин,—бу ишни ўзинг тўғрилаб юбормасанг, биз аралашамиз». Чибисов редакторнинг худди шундай қилишини, яъни аралашшини биларди. Бир вақт иккита рационализаторлик таклифини жорий қилишни галга солганлигини газетада уриб чиқиб, шарманда ҳам қилган эди. Анчайин таклиф бўлса ҳам, газета бутун областга жар солди. Кейин буни сўнгги почтадан, деб «Правда»да ҳам босиб чиқаришди.

Бусирин Чибисовнинг ёзувчиликка ҳаваси борлигини биларди. «Антон Егорович, редакция қошидаги адабиёт тўғрагимизга қатнаб юрсангчи. Фойдаси тегар дейман?— деб қолди у бир кун.—Бизда анча дуруст одамлар йиғилишади. Сенинг инженерларингдан ҳам бор. Ишчиларни-ку қўяверасан. Улардан кўп, ўн бешга яқин бор. Бир врач хотин, район партия комитетидан бир ўртоқ—бўлим мудири, бир неча ўқитувчи бор. Журналистларимиз ҳам шу ерда. Умуман, улфатлар чакки эмас, изза бўлмайсан».—«Йўқ, бормайман». Қуруқдан-қуруқ бориб бўлмас. У ерда ким нима ёзганлигини таҳлил қилишадигандир? Менинг таҳлил қиладиган нарсам йўқ. Мен нуқул ният қилиб юрман. Йўқ, бўлмайди. Бу дунёда ҳар ким худо насиб этган ишни қилаверсин.

Заводни айланиб чиққач, Чибисов завод бошқармасига, ўз кабинетига қайтиб келди. Газета редактори Бусирин қай-

нанази севган бир одам эди. Чибисов креслога ўтириши биланоқ редакциядан телефон қилиб қолди.

— Салом, Антон Егорович!— деди Бусирин.— Устингдан шикоят қилишяпти, азизим.

— Устимдан ҳар куни шикоят қилишади, Федор Федорович. Ўрганиб қолдим. Иммуниетет ҳосил қила бошладим.

— Шунақа жанговар кайфиятда бўлганинг яхши. Лекин огоҳлантириб ўтай, иш жиддий. Бир инженер сенинг тўғрингда мана бундай деб ёзибди: «Менинг таклифим ғоят қимматли бўлиб, миллионлаб сўм тежаб беришини бир ёққа қўя турганимизда ҳам, лекин Чибисовнинг одамларга қандай муомала қилишига тоқат қилиб бўлмайди. Мен унга ўз таклифимни гапирар, ҳаяжонланар эдим, юрагимни очиб сўзлардим, у бўлса ўзининг директорлик кабинетида миқ этмай ўтириб олиб ўтакетган тўранинг нурсиз қўрғошин кўзлари билан менга қарарди».

— Тўхта, худди шундай деб ёзилганми? Ўтакетган дейилганми? Тўра? Ёки мени ўйнатяпсанми?

— Сени нега ўйнатай. Биринчи апрель эмас-ку. Қулоқ сол, яна ўқияпман: «Хайриятки, ҳамма одамларимиз ҳам шундай эмас. Бошқача услуб билан ишлайдиган одамлар ҳам бор. Яқинда мени шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Горбачев қабул қилди...»

— Буни Крутилич ёзган!— деб гапни бўлди Чибисов.— Домна печларидаги марказлаштирилган ремонт тўғрисида.

— Худди ўзи. Демак, айбдор эканингни сезасан-да?

— Сезаман. Чабдаст йигитча экан. Горбачевнинг услуби тўғрисида нима деб ёзибди?

— У бундай дейди: «Ўртоқ Горбачев юрагини ушлаб ўтирганини кўрдим, касал бўлса керак, лекин менинг гапларимни зўр эътибор билан эшитди, менинг тамомила ҳақ эканимни айтиб, заводдаги бюрократларга қарши мени қўллаб-қувватлашини билдирди. Тушунтириш хатини ва менинг ҳамма материалларимни келгуси учрашувимизга қадар олиб қолди. Бу чинакам раҳбар, оммани тарбияловчи, большевик, камтар ва сезгир одам».

— Горкомда уни қўллаб-қувватлашга ваъда қилинган бўлса, у редакциядан нима истайди?

— Унинг мақоласини босиб чиқаришимизни истайди. Мен сенга ҳозир ўқиб берганим фақат қўшиб юборган хати. Ҳали марказлаштирилган ремонт тўғрисида мақоласи ҳам бор. Мақола анча пухта кўринади. Хуллас, шу ремонт масаласини нима қилияпсизлар, Антон Егорович?

— Биз уни икки йил илгари тажриба тариқасида, домначиларнинг илтимоси билан тарқатиб юборган эдик. Натижаси чакки бўлмади.— Чибисов бу воқеани батафсил гапириб

бера бошлади.— Шундай қилсак,— деб тугатди у,— мен буюраман, архивдан менга келтириб беришади, хоҳласанг бирга кўриб чиқамиз.

— Маъқул. Телефон қил, бораман.

Трубкани қўйгач, Чибисов қўнғироқ тугмасини босди.

— Зоя Петровна,— деди у, секретарь киргач.— Айтинг-чи... лекин ростингизни айтинг: менинг кўзларим қўрғошинга ўхшайдими?

— Нима деяпсиз, Антон Егорович! Тобингиз йўқми?

— Мен ўтакетган тўраманми?

— Ҳеч нарса тушунолмайд қолдим!— Зоя Петровна ажабланганидан елкасини қисиб, қўлларини ёзган ҳолда кабинетнинг ўртасида турарди.

— Билмаганга оляпсан. Бошлиқни ранжитгингиз келмайди. Майли, худо ёрлақасин сизни. Менга бирор кишини чақириб беринг... Бизда архивларни ким бошқаради?

Зоя Петровна елкасини қисган ва қўлларини ёзган ҳолда чиқиб кетди.

8

Константин Орлеанцев Москвага, Николай Федорович билан Захар Петрович олдига бормади. У, цехда участка инженерлигига ҳам кирмай, ҳозирча бош технолог бўлимида инженер бўлиб ишлашга рози бўлди. У ишдаги янги ўртоқларига камтарлик билан ва айни вақтда виқор билан муомала қилди. У кўп нарса билар ва билмаган иши йўқ эди. Орлеанцев бўлимда пайдо бўлган биринчи куниеқ жуда муҳим бир ҳужжатни шундай туздики, бош инженер уни ҳамма инженерларга битта-битта чақириб кўрсатди. «Мана буни ақл деса бўлади, азизим» дерди у.— Мияси тўла ақл. Министрлик таълимини олган-да!».

Орлеанцев эртаси кун икки инженерни ресторанга таклиф қилди. Ресторан ёпилгунча мазза қилиб ўтиришди, харажатни у тўлади, бошқаларнинг ўз ҳиссаларини тўлашига сира унамади. Тўртинчи кун яна икки кишини таклиф қилди. Ярим кечага яқин бориб ўтириш авжига чиққанда, Орлеанцев қаердандир моторлик катер топиб келди-да, қоронғида сувни кўпиклатиб ва сачратиб сайр қилишди. Буларнинг ҳаммаси жуда ажойиб, қарийб эртақдагидек таассурот қолдирди. Ёш инженерлар янги хизматчи ошнала-ридан жуда мамнун эдилар. Орлеанцев уларнинг ўз министрлиги ҳаётидан, министрлар ва бошқа раҳбар ходимлар ҳаётидан ҳеч маҳал эшитишмаган воқиа ва тафсилотларни айтиб берарди. Москвада у кўп кишилар билан, министрлик ходимлари ёки металлург олимлар билангина эмас, ҳатто

артистлар, рассомлар, ёзувчилар билан ҳам таниш эди. «Бу ёқларга тасодифан келиб қолган ўртамиёна бир ёзувчи сизнинг директорингизни мафтун қилган эмиш, шундайми?— деб куларди у.— Тўхтаб туринглар, ҳозир эмас, у бироздан сўнг, қиш охирлаб баҳор келганда меникига кимлар меҳмон бўлиб келишини биласизларми?» Орлеанцев шундай ёзувчиларнинг исмларини айтдики, тингловчиларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ростдан-а? Булар салкам классиклар-ку. Уларни ер юзида яшаб турган ҳолда тасаввур этиш ҳам қийин.

Навбатдаги якшанбада Орлеанцев яна катер топиб келиб, сайр уюштирди. Соҳил бўйлаб сузиб кетдилар, ёввойи олма ва нок дарахтлари қумли қоялардан бошланиб, деярли қирғоққа туташган сокин бир кўрфазга тушдилар. Моторист ёнида индамай ўтирган семиз киши мотористнинг ёрдамчиси бўлмай, балки меҳмонхона ресторанининг ошпази эканини шу ерда билдилар. Унинг корзинкаларида кабоб пишириш учун ҳамма нарса: сирка ва нордон винода тутилган қўй гўшти, пиёз, сих, мангал, ҳатто қуруқ қайин палёнлари ҳам бор эди. Ошпаз ресторандан келтирилган янги дастурхонларни сукно одеяллар устига ёзиб юборди, дастурхонларда турли хил шишалар тизилиб, закускалар солинган қулоқлик товоқлар турарди. Орлеанцев қадаҳларни тўлдиришга ундади-да, қисқагина нутқ сўзлади. У бундай деди:

— Азиз дўстлар! Сизларни шундай деб аташимга рухсат берингиз, чунки мен шу бир неча кун мобайнида сизларнинг жуда кўп меҳнат қиладиган яхши, софдил, ёқимли одамлар эканингизни кўрдим. Шундай, азиз дўстлар! Очиғини айтсам, биз мароқсиз яшамоқдамиз. Хурсандчилик қилишни билмай-миз.

— Тўғри!— деб қичқиришди бирдан икки киши.

— Биз нуқул иш тўғрисидагина гапирамиз ва ўйлай-миз...— деб давом қилди Орлеанцев.

— Бу ҳам тўғри!

— Мана, мен сизларни хизмат тўғрисидаги бу гапларни, иш тўғрисидаги бу хаёлларни бир ёққа қўйишга чақирмоқчиман. Ўз ҳолимизча бўлайлик. Дўстликни мустаҳкамлайлик, чунки дўстлик — инсоннинг энг муътабар хислатидир. Дўстлик учун кўтарайлик, дўстлар!

— Дўстлик учун!— деб қичқирди ҳамма қадаҳларни жанглатиб.

Тез орада кабоблар ҳам пайдо бўлди, улар иштаҳани келтирадиган ва мазали эди. Сайр қатнашчиларидан баъзиларни бундай таомни биринчи марта еяётган эди. Ҳаммага барчаси ёқар, ҳамма мақтарди. Шовқинлашарди. Москвадагиларнинг роса яхши яшашлари тўғрисида ўйлардилар. Оҳ Москва! У ерда шундай одамлар бор, ҳаёт шундай ажойибки!

Орлеанцев осойишталик билан одамга далда бераётганга ёки бирор айби учун унга оталарча танбеҳ бераётганга ўхшаш бироз кинояли жилмайиш билан меҳмондорчиликни бошқарарди. У бошқалардан кўпроқ ичса ҳам, лекин ўзини яхши тутарди — ичишни билар, бемалол ичарди, бунда ҳам иш кўрганлиги сезилиб турарди.

Эртасига бош технолог бўлимидаги кўп одамларнинг боши одатланмаган виноларни ичишдан зирқирар, лекин ўша кун тўғрисида жуда завқланиб сўзлашарди.

— Константин Романович, афв этинг,— деб мурожаат қилди инженерлардан бири Орлеанцевга,— кўпол савол қилганим учун кечиринг. Бу... сайримиз... пул билан бўлгандир.

— Пулни қаердан олишимни билмоқчимисиз?— деб Орлеанцев кулди ва коридор бўйлаб ёнма-ён юриб, инженерни елкасидан дўстона қучоқлади.— Сентябрь сони ҳозиргина чиқди...— У бир адабий-бадий ва ижтимоий-сиёсий журналнинг номини айтди.— Унда катта мақолам бор. Мақола эмас, тўғрироғи — «Инженернинг мактублари» деган очерклар серияси. Мен саноатга раҳбарликни қайта қуриш йўллариини ўйлаб юрибман. Тажрибамиздан олинган мисоллар билан гап аппаратларни қисқартишда эмаслигини, қисқартириш ҳам, қисқартирмаслик ҳам мумкинлигини, лекин бундан катта натижа чиқмаслигини исбот қилганман. Раҳбар органларни — министрликларни ҳам, уларнинг главкаларини ҳам, янада торроқ ихтисослаш йўлидан бормоқ керак. Раҳбарлик аниқ ва малакали бўлмоғи керак. Сизнинг фикрингиз қалай?

— Албатта шундай!

— Ана пул,— деб кутилмаганда гапни тугатди Орлеанцев,— бир неча минг сўм гонорар олдим. Мен хасис одам эмасман, ўртоқларим билан ҳордиқ чиқаришни яхши кўраман. Мен, билсангиз, Маяковский ёзгандек, сатрлардан бир сўм ҳам орттирмаганман. Бўзчи белбоққа ёлчимас экан...

Орлеанцев шаҳар газетаси редакциясига бориб, Бусирин билан танишди, техника янгиликлари тўғрисида, Москва тўғрисида суҳбатлашди. Орлеанцев редакция ундан автор сифатида у қадар кўп мақола беришига умид боғламаслиги кераклигини айтди-да, шундан кейин машҳур ёзувчилар унингга меҳмон бўлиб келишини ҳам билдирди. «Ажойиб иш бўларди-ку бу!— деди шодланиб Бусирин.— Шундай сўз санъаткорлари билан учрашув — бизнинг адабиёт тўгарагимиз учун худди бурилиш даври бўларди-да. Менга қаранг, шу ишни қилиб берсангиз — мен сизнинг қулингиз бўлай». Орлеанцев, Бусириннинг шубҳа қилмаса ҳам бўлаверишини қишда келишмаганда ҳам, баҳорда меҳмонлар албатта келишини билдирди. У газетанинг саноат бўлимида анча вақт

Ўтирди, мудир ва икки ходим билан гаплашди, завод ва унинг директори Чибисов ҳақида, айрим етакчи инженерлар тўғрисида шаҳарнинг раҳбар ташкилотлари қандай фикрда эканига қизиқди. Унга батафсил сўзлаб беришди. Орлеанцев подшивкаларни варақлар, блокнотига ёзиб оларди.

Орлеанцев директор секретари Зоя Петровнани завод ҳовлисида учратиб, ёнига борди-да, яхши қадрдон танишдек сўрашди. Зоя Петровна ёши ўттиздан ўтинқираган, баланд бўйли, малла соч аёл эди. Орлеанцев директор олдида бир мартагина келганига қарамай, Зоя Петровна унинг маъноли ҳорғин кўзларини, барвақт оқарган соч-соқолини, осойишта, пухта қоматини дарҳол таниб эслади, гўё бу одам: ҳаётда ҳамма иш мен айтгандек бўлади, бошқача бўлмайди, деб тургандек эди.

— Бугун биз театрға борамиз,— деди Орлеанцев, унинг қўлини қисиб.

— Мен бугун боролмайман,— деб жавоб берди эсанкираб Зоя Петровна.

— Демак, эртага борасиз.

— Эртага ҳам боролмайман.

— Бўлмаса қачон?

— Ҳайронман...— Зоя Петровна ҳақиқатан жуда ғалати аҳволда қолган эди. Гап дарҳол шундай тус олдики, энди шартта бош тортиш ҳам қийин, бундай таклифдан ажабланиш ҳамда бу одам ўзига ҳали бегона эканлигини бир сўз билан аниқлаш ҳам мушкул эди. Энди гап муддатгагина — бугун ёки эртагагина қараб қолибди.— Жуда ҳайронман,— деб такрорлади Зоя Петровна.— Иш кўп.

— Майли,— деди Орлеанцев, унинг қўлини яна нозикки-на қисиб.— Ҳамма ташвишни ўз устимга оламан. Хайр.

Бир неча кундан кейин Зоя Петровна ўз столи устида битта театр билети солинган конвертни кўрди. У, бунинг нима эканини биларди. Бу, иккинчи билет Орлеанцевда эканини ва улар театрда учрашишлари кераклигини билдирар эди. Билет Зоя Петровна кечқурун тамомла бўш бўладиган кунига — шанба кунига олинган бўлиб, ҳеч бир баҳона топиб бўлмасди.

«Бу қандай бало бўлди» деб ўйлади Зоя Петровна. У нима қиларини билмасди. Нега энди у танимаган одам билан учрашиш учун театрға борсин? Лекин, яна бормай ўтирса нодон қишлоқига ўхшаб кулги бўлмасмикин: ойимча, мени бирор ерда гап қилиб юришмасин тағин, деб кўнмади, демасмикин.

Иккиланиш ва шубҳалардан боши қотган, эсига келган қанчадан-қанча баҳоналарнинг ҳаммасини рад этган ҳолда Зоя Петровна, ниҳоят театрға жўнади. Орлеанцев уни кира-

веришда кутиб турарди. У атайлаб наридан-бери кийинган, ундан Зоя Петровнага таниш ҳеч бир атирга ўхшамайдиган атир ҳиди келиб турарди. У хурсанд, зийрак эди.

Ҳайтовур, театрда танишлардан ҳеч ким учрамади. Зоя Петровнанинг кайфи чоғ бўлди.

Улар талантсиз, лекин эпчил бир драматургнинг янги пьесасини томоша қилишди. У драматург томошабинларнинг асабини қитиқларди. Спектакль давомида бошдан-оёқ ҳамма кўринишларда бир яхши одамни ранжитишарди. Уни партия ташкилоти ҳам, касаба союзи ҳам, муассаса раҳбарлари ҳам, айрим ярамас одамлар ҳам ранжитарди; у эса, томошабинларнинг раҳмини келтириб, залда ўтирган айрим хотин-қизларнинг ҳатто хўрлигини келтиргани ҳолда ҳаёт денгизида толпинарди.

— Айтмоқчи, бош қаҳрамонни ўйнаган Гуляев ажойиб актёр экан,— деди Орлеанцев учинчи кўриниш тамом бўлгач,— сиз у билан таниш эмасмисиз?

— Бу нима деганингиз!— Зоя Петровна ҳатто қизаринқиради, бутун шаҳарга машҳур бу актёрнинг ўзига таниш бўлишини у асло тасаввур қилолмас эди.

— Бўлмаса спектакль тамом бўлиши биланоқ саҳна орқасига ўтиб, уни табриклаймиз.

— Сиз уни танийсизми?

— Биринчи марта кўришим. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Азизим Зоя Петровна.

Спектакль яхши одамнинг ҳамма адолатсизликларга бардош берганлигини кўрсатиш билан тугади, саҳна олдида хотини билан қизи уни шодлик билан қучоқлар, у бўлса осмон гумбази сингари гўё унинг порлоқ келажакини ифодалайдиган галеркага қарагани ҳолда бошини мағрур тутиб турарди.

Улар саҳна орқасидаги ҳужрага кирганларида Гуляев юзидаги гримни артмоқда эди.

— Афв этинг, Александр Львович,— деди Орлеанцев, унга иккала қўлини узатиб.— Кечирасиз, лекин олдингизга кирмай ўтолмадик. Бизга ҳузур бағишлаганингиз учун катта раҳмат. Ажойиб ўйнадингиз!

— Ҳоят хурсандман, жуда хурсандман,— деб жавоб қилди Гуляев унча эътибор бермай.— Ўтиринглар.

— Биз бир зумгина сўрашиб чиқайлик деб кирган эдик. Биз билан кечки овқат қилишдан бош тортмасиз деган умиддамиз.

— Овқат қилсак дейсизми? Қаерда?

— Қаерни хоҳласангиз. «Спартак»га десангиз ҳам, «Чайка»га десангиз ҳам, «Поплавок»га борамиз десангиз ҳам майли.

— Овқатлари ёмон, дўстларим.

— Бу сафар дурустроқ бўлади.

Гуляев ўйланиб қолди. Шу маҳал Зоя Петровна бироз саросима ичида Орлеанцевни кўздан кечирарди. Унинг артистга бемалол муомала қилаётгани, овқатланишга осонгина таклиф қилгани Зоя Петровнани ҳайратда қолдирди, ўзидан розилик сўрамаганидан ташвишга тушиб қолди; сўраганда албатта рад этган бўларди. Энди рад этиш ғоят қийин эди. Гуляев ҳозир рози бўладиган бўлиб турганда Зоя Петровна бирдан: сизлар билан бормайман, дермиди. Ноқулай ва хунук бўлади. Ҳатто ёмон гап бўлади. Агар у икки эркак билан ресторанга борса, қандай таҳликада қолади? Аввало Орлеанцевнинг ҳам, Гуляевнинг ҳам уни ким деб билишлари номаълум, соат ўн икки бўляпти, ундан кейин, буни заводда билиб қолсалар, айниқса Антон Егорович билса, киши қандай ўятга қолади. Гуляев билан Орлеанцев унинг эски ошнолари ёки лоақал яхши танишлари бўлса ҳам майли эди. Наинки биринчи учрашгандаёқ — ресторанга кириб ўтирса!

— Хўп, кетдик.— Гуляев унинг ўйлаб олишига ва ўзича бир қарорга келишига имкон бермади.

Кундузи ёки ойдин кечада шаҳар ҳам, денгиз ҳам кўриниб турадиган тепаликда жойлашган «Чайка»га таксига тушиб жўнадилар. Лекин бу кеча денгиз тим қоронғи бўлиб, қаттиқ гувилларди. Шаҳар устида эзиб ёғадиган майда ёмғир бошланмоқда эди.

Ресторанда халойиқ кўп эди. Лекин администраторни дарҳол топиб олган Орлеанцев учун қўшимча стол қўйиб беришди. Тез орада официант пайдо бўлди. Ҳатто бош ошпаз ҳам залга чиқиб, Орлеанцев билан эски ҳурматли мижоз билан сўрашгандек саломлашди. Орлеанцев таомлар рўйхатига қарамасдан закускаларни, виоларни, овқатларни айта бошлади. Бош ошпаз фаҳмлаб: «Бўлади. Ҳаракат қиламиз» деб бошини қимирлатар, официант ёзиб оларди. Гуляевга жон кирмоқда эди. «Анави, осетринни қўзиқорин солиб монастирчасига тайёрлай олмайсизми?» деб сўради у. «Нега тайёрлай олмас эканмиз, осетринни қўзиқорин билан. Лекин бир оз кутасизлар».

— Бир вақтлар, бир вақтлар,— дерди Гуляев буюртма қабул қилингандан сўнг, гўё узр сўраётгандек,— бир вақтлар мен мазаликкина овқатланишни яхши кўрардим. Бу осетринни монастирчасига тайёрлашни йигирма йилча илгари Ленинграддаги «Астория»да, Москва «Гранд-отел»ида яхши билишарди...

Закуска билан винони тез олиб келишди. Бир рюмкадан ичишди, Зоя Петровна ҳам ичди. Суҳбат жонлана борди.

— Ажойиб шахрингиз бор экан,— деди Орлеанцев.— Мен Москвадан бу ерга келганимга сира ачинмайман.

— Москвадан келганмисиз?— деб қайта сўради Гуляев.— Не сабаб билан бу ёққа? Узоқ турадиган бўлибми? Қандай ишлар бажо этгали?

— Кўп турсам керак, деб ўйлайман. Мен заводга инженер бўлиб келганман.— Орлеанцев металл эритишнинг технологик процессига янгилик киритиб, бу процессдаги айрим жиҳатларни ўзгартирмоқчи эканини гапирди. Давлат арбобидай қўлларини кенг ёзиб гапирар эди.

Яна бир рюмкадан ичилди, кейин учинчи қайта ичишди. Зоя Петровна учинчи рюмкадан бош тортган эди, уни қистаб ўтиришмади. Гап санъат устида, театр тўғрисида бормоқда эди.

— Сиз шундай яхши ўйнайсизки!— деди баланд овоз билан Зоя Петровна Гуляевга.— Мен ҳатто кўзимга ёш олдим.

Гуляев маъюслик билан бош чайқади.

— Сиз мақтайсизу, лекин мен ҳам, азизим, ўйнаётган ролимга кўз ёши қилишга тайёрман. Бу мен ўйнайдиган роль эмас, бутун пьеса ҳам менга тўғри келадиган эмас. Менинг овозим йўғон, басдир, азиз дўстларим, йўғон! Лекин мен ингичка тенорни ўйнаяпман. Илгарилари... ҳа, илгарилари...

У эслаб кетди. Зоя Петровна ҳаммасини жуда мароқ билан тинглар. Гуляевдан кўзини олмасди. Ҳатто Орлеанцев қулай вақтни топиб, унинг қулоғига: «Билиб қўйинг, рашким келяпти» деб шивирлади. Зоя Петровна жилмайгани ҳолда гўё рашкни қўйинг дегандек қилиб, унинг қўлига қўлини тегизди. Зоя Петровна бундай ўрганилмаган, кутилмаган, ҳатто ақл бовар этмайдиган тўдага тушиб қолса-да, ўнғайсизлик сезмаётганига, бу ерда сира қийналмаётганига ҳайрон қоларди. Бунга сабаб у билан ресторанча бемаъни муомалада бўлмаганликлари эди. «Жазман» ёки «улфат» бунақа аллақандай совуқ ва қалбаки ҳолатга ресторан остонасидан хатлаб кириши биланоқ мубтало бўлади. Бу нарса яқин келган официант қўлидан таомлар рўйхатини олиб, уни аёл қўлига «хонимга» деб топширишдан бошланарди. Аёл ёзувларга кўз югуртирарди-ю, лекин нима буюришини билмасди. Иш барибир эркак кишининг заказ қилиши билан тугарди. «Улфат» рюмка ёки қадаҳга вино ёки сувни шундоқ қуйиб бера қолмай, олдин шишадан ўзига жиндек қуяди. У ҳисобкитобни кўрсатмайди, майдаси керак эмаслигини билдиргандек шошилиш ва ярашмайдиган ҳаракат қилиб, официант қўлига тезгина пул қистиради. Официант таъзим қилиб: «Раҳмат» дейди ва исми шарифини атагандек мингиллаб қўяди. Зоя Петровна ресторанларга кўп бормаса ҳам, лекин ҳар доим ўнлаб стол ёнида такрорланадиган худди шу нарсани кўрарди.

Гуляев билан Орлеанцев олдида ҳаммаси ўзгача бўлди.

Улар ўзларини уйда ўтиргандек тутиб, бу бемаъни қоидаларнинг бирортасига риоя қилмади. Бу ерда Зоя Петровна «мулозимат» қилинадиган одам бўлмай, улар сингари инсон эди. У ўз ичида, стол ёнида икки ярим киши эмас, уч киши ўтирибди, дерди.

— Сиз ичишингизга қараганда кўпни кўрган одамга ўхшайсиз,— деди Гуляев Орлеанцевга,— қадимгидек, қилиқ қилмай ичяпсиз.

Орлеанцев бу гапни камтарлик билан эшитмаган бўлди.

— Сиз бас ва тенор тўғрисида тўғри айтдингиз,— деди у.— Истеъдодингиз ҳаётий воқиалар учун эмас, фожиа бопдир. Сиз ранжитилганларни эмас, йўлбошчиларни ўйнашингиз керак. Бу демак, сиз тарих темасида ёзилган пьесаларда,— узоқ ёки яқин тарих, ишқилиб тарих темасидаги пьесалардагина ўйнашингиз мумкин. Сизнинг талантингизга муносиб келадиган йўлбошчилар ҳозир қаёқда? Йўлбошчилар кескин тарихий бурилиш чоқларида халқлар ва давлатлар бошига буюк синовлар тушган йилларда пайдо бўладилар. Ҳамма ишларимиз планлашган, ҳозир бизнинг йўлбошчимиз — план. Ўзимиз роса улғайиб олганмиз; план яхшилаб, пухта ўйлаб тузилган бўлса бас,— йўлбошчиларга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Бинобарин, сиз, Александр Львович, ё ўтмиш одамлари ролини ўйнашингиз, ёки замонанинг мана шу оддий, ўртача захматкашлари ролини ижро этишингиз, уларнинг барча қайғу ва шодликлари, бутун маиший ва кундалик ишларини тасвирлашингиз керак. Вақт шунақа! Ҳаммамиз бир-биримизни тарбиялаётган бизнинг жамиятимиз одамни текислаяпти,— буни инкор қилиб бўлмайди.

— Менга қаранг! Сиз ўзингизни текисланган ҳис қиласизми?— деди ажабланиб Гуляев.— Сиз ҳатто анови бурчакдаги стол ёнида официантни ҳақорат қилиб, ўшқираётган малла ношуддан ҳам ҳеч фарқ қилмайман, дейдигандирсиз?

— Нега бунчалик бачканалаштирасиз, Александр Львович!— Орлеанцев жилмайиб рюмкаларни тўлдирди.— Мен процесс, тенденция тўғрисида сўзладим, лекин бу процесс машъум бўлиб битганлиги ва бирор тарзда сиз билан бизга таъсир этаётганлиги ҳақида сўзламадим. Бизнинг асримиз учун шахсият етарлиқдир. Олис келажакка назар солиб ўтириш арзимаيد.

— Шишага тез-тез назар солиб турган дурустми?

— Биз бир-биримизни бироз юмдалаяпмиз. Танишлик шундай бошланади-да,— деди Орлеанцев.— Танишлигимиз шу кеча билан тугамас, деб умид қиламан. Чинакам ошначилик бошланишда ҳамма вақт қийин бўлади.— У рюмкаларга тинмай қуяр, лекин Гуляев ўз рюмкасидагини тўла ичмасди, ресторан ёпилишига яқин қолганда фақат Орлеанцевнинг ўзи маст эди.

— Ҳамма нарсa тўғрисида енгил-елпи ўйлайсан, демак ёшсан ҳали, лекин ақлинг жойида,— деди Гуляев, Орлеанцев пулни тўлаб бўлгач.— Лекин бу ақл сени қай кўчага олиб кириши, албатта, бошқа гап, тамомила бошқа гап...

Ярим йўлгача таксида боришди, сўнгра тўзондек майда ёмғир остида пиёда юриб, яна санъат, театр, сураткашлик тўғрисида сўзлашди. Гуляев Орлеанцевни бир ёқимтой рас-сом йиғит билан таништиришга ваъда қилди. У, Орлеанцевдан, Москвада Виталька Қозаковни танимасмидинг, деб сўради.

— Бўлмасачи, эшитганман! Ўрта миёна, лекин серғайрат йиғит. Фаросати дуруст.

— Санъаткор, нафосат ижодкори учун фаросат нима деган гап?— деди Гуляев, тўхтаб.— Диди, демоқчи бўлсанг керак?

— Фаросати, Александр Львович, фаросати. Бу замон билан барабар қадам ташламоқ демакдир. Орқада қола кўрма, калтак ейсан.

— Маст бўбсан, ошна, мастсан. Ёки биздек санъат ижодкорларини билмайсан. Сен инженерсан, азизим. Металлни биласан, ижодиётни эса, билмайсан. Искович итнинг ҳид билиши қадр қилинади, сен айтган фаросат санъаткорни, ким билсин, қай кўйга солади. Бўлмағурсан, ошна. Виталькага туҳмат қилма, уни танимаслигингни, исминигина билишингни тўғри айтиб қўя қол, бўлмаган гапни қўй. Виталька менинг азизим, билдингми? У билан таништириб қўйганимда қандай эканини ўзинг кўриб биласан!

Гуляев хайрлашиб ўз йўлига кетди. Орлеанцев совқотган Зоя Петровнани қўлтиғидан олди. Зоя Петровна безовта бўлди, кўпдан буён ёлғиз яшаётган ёш жувонлик тажрибаси унга ҳозир бир зайлдаги хунобижон муқаррар бетамиз хиралик бошланишини баён қиларди ҳамда у, Орлеанцевнинг таклифини қабул қилганидан шу кеч биринчи марта қаттиқ ўқинарди. Театрга борганлиги-ку майли-я, ресторанга бориб нима қиларди?..

Лекин Орлеанцев унга хиралик қилмади. У ўзининг Хитой ва Чехословакияга қилган сафари тўғрисида сўзларди. Афтидан, унинг кайфи тарқала бошлаб, кўзлари кўча чироқлари ёруғида аввалгидек ҳорғин ва маъноли кўринарди. Йўқ, чамаси сўнги йилларда Зоя Петровна учратган одамлар бунга ўхшамас, бу улардан дурустроқ, ажиброқ, дилкашроқ эди. У жуда кўп нарсадан хабардор!

— Менга қаранг,— деди Орлеанцев,— наҳотки сизни шу секретаршалик вазифаси қаноатлантирса?

— Секретарша эмас, секретарь.

— Бу барибир-ку.

— Барибир эмас, Мен Антон Егоровичнинг ёрдамчисиман. Мени келган одамлардан директорни қўриқлаш учунгина ўтиради, деб ўйламанг тагин. Менинг ишим жуда кўп. Лекин ҳаммаси ҳам мароқсиз эмас. Бу гапингиз беҳуда, Константин Романович.

— Янглишган бўлсам, кечиринг. Сизнинг бошлигингиз, ўша Чибисов роса бюрократ одамми?

— У жуда яхши одам, Константин Романович! Яқинда бирдан мендан: менинг кўзларим ростдан ҳам қўрғошинга ўхшайдими, деб сўрайди. Ростдан ҳам ўтакетган тўраманми, дейди. Мен шундоққина полга ўтириб қолишимга сал қолди: касалмикан, иситма тутяптими, деб ўйлабман. Жуда хомуш кўринарди. Кейин билсам, уни бир инженер шундай деб атаб, редакцияга шикоят қилган экан.

— Ўша инженер нимадан, нима сабабдан шикоят қилган экан?

— Нима сабабдан дейсизми? Ўшани деб биз архивларни титкиладик. Аслида эскириб қолган бир ремонт методини янгидан таклиф этган экан у, унга ҳеч ким қизиқиб қарамабди. Машмаша шундан бошланиб директор бюрократ, тўра дебди.

— Қаерда экан ўша инженер?

— Техникумдан. Крутилич.

— Худо билади уни,— деди Орлеанцев сўнгра Олатоғда қоплон овлаганини гапириб берди.

Зоя Петровнанинг уйига етиб келишганини сезмай қолишди. Орлеанцев Зоя Петровнани қаттиқ иймантириб қўлидан ўпди, шошмайдиган одамлардек секин жўнаб кетди.

9

Домна цехида эндигина партия мажлиси тугади. Бошқа масалалар қаторида горновой Ефимушкиннинг феъли атвори ҳам муҳокама қилинди. Уни кўчада маст ҳолида суяб олишган, тунни эса ҳушёрхонада ўтказган эди.

— Онамни кўмдим, ўртоқлар,— дерди Ефимушкин.— Ўзим мозордан келаётган эдим, ичимга чироқ ёқса ҳам ёримасди... Она қайтиб дунёга келмайди... Шундоқ магазинга кирдим, ярим литр сотиб олдим. Ярмини кейин ичмоқчи бўлган эдим. Лекин чидолмадим, қайғу ўртаб, ҳаммасини ичиб қўйдим. Шундан кейин, дармоним қуриб, юролмай қолдим.

Горновойга раҳмлари келган бўлса ҳам, лекин ҳар қалай айби кўрсатилиб ўтилсин ва буни бошқа такрорламаслиги тўғрисида огоҳлантирилсин, деб қарор чиқаришди. «Коллективимизга иснод келтирма» деди кексалардан бири.

Хамма ташқарига чиқди. Салқин сентябрь оқшоми эди. Домна печлари қоронғида тим-қора, сув устида саф тортган паҳлавонлардек шиддат билан гувилларди. Улар устида го-ҳо қизғиш шуъла порлар: чўян ташиғичларга чўян оқиб тушмоқда эди.

Искра Козакова ишчилар билан хайрлашиб, жўнаб кетди, лекин унинг хаёлидан Ефимушкин воқiasi ҳамон кўтарилмасди. Бу унга Гуляев Виталийни ичириб қаттиқ маст қилиб қўйгандаги воқiani эслатди.

Кўп ғалати нарса-да, бу ароқ. У одамни не куйларга солмайди, дейсиз. Яхши, ақлли ва ўзини тутган одам ҳам бу фалокатни роса ичиб олгач, тамомила бошқача бўлиб кетади, аллақандай нарсаларни валдирайди, нима деганини кейин ўзи ҳам эслаёлмайди; шундай аҳмоқликлар қилади-ки, кайфи тарқагач, уялиб ўлиб бўлади. Наҳотки шу заҳар-заққумсиз туриб бўлмаса? Наҳотки уни тайёрлашни, сотишни тўхтатиб бўлмаса? Наҳотки уни унутиб юбориб бўлмаса?

Искра завод дарвозасидан чиқди-да, кўприкдан ўтиб, автобус остановкасига бурилди.

— Искра Васильевна!— У ўзига таниш бўлган бардам овозни эшитди. Ҳа, бу, албатта, ўша. Унинг орқасида Дмитрий Ершов турар эди.

— Ростини айтсам,— деди у,— бугунгиси тасодифан. Мен ҳам автобус кутяпман. Ўн тонналик қуйилмаларни юргизиб кўрай, деб кечикиб қолдим.

— Хўш иш уняптими? Мен қуйилмаларни айтаман.

— Унади.

— Табриклайман ундай бўлса.

— Раҳмат. Кутмай қўя қоламизми? Пиёда кетавермай-мизми?— деб таклиф қилди Дмитрий.— Айтишларича, нуқул бино ичида ўтиравериб, одамлар кислород етишмаслигидан қийналишаётганмиш...

Искра автобусни кутмасликка рози бўлди, бунинг сабабини ўзи ҳам аниқ билмасди, балки куз шабадасида туриш жу-да совуқ бўлгани учундир. Пиёда жўнаб кетишди. Ўн тонна-лик қуйилмалар ҳақида, ишнинг муваффақиятини таъмин-лайдиган шарт-шаронтлар тўғрисида гаплашдилар. Искра домна ишинигина эмас, шунингдек барча металлургия ишлаб чиқаришини, қора металл қуйиш ва ишлашнинг бутун процессини ҳам биларди. Улар ўртасида касбга доир суҳбат давом этди. Сўнгра Дмитрий биринчи марта стан ёнига кел-ганини, бу баҳайбат машинани эгаллаб олиши — унга ўр-ганиб, сирини билиб олиши нечоғлиқ қийин бўлганини ай-тиб берди.

— Айтинг-чи, Дмитрий Тимофеевич,— деб сўради Искра,— лекин саволимдан ранжимайсиз: сиз ҳам ичасизми?

— Яна ким ичар экан?

— Йўқ, мен шунчаки, ичасизми, ичмайсизми? деб сўрамоқчи эдим.

— Мен, Искра Васильевна, баъзан ичиб тураман,— деб дарсдагидек дона-дона қилиб жавоб берди у.— Лекин мен буни ёқтирмайман. Ароқдан ҳузур қилинишини билмайман.

— Сиз ҳеч вақт шунақа бир маст бўлганмисизки.. Нима десам экан сизга?..

— Ушанақа маст бўлганман. Ҳа, бир неча бор бўлганман. Биринчи марта, башарамнинг қаңдай бўлиб қолганини кўрганимда, ичиб маст бўлганман. Бу воқиа партизанлар отрядида бўлган эди. Мени икки кунгача ўрнимдан турғизишолмаган. Иккинчи марта — армияда. Бу гал ҳам ўша сабаб билан. Уйга қайтиб келгандан сўнг — яна икки марта шундай бўлганман. Сабаби, Искра Васильевна, яна ўша.

Искра унинг бутун юзини қоплаган баҳайбат чандиққа фонарлар ёруғида кўз қирини ташлар экан, жим қолди.

— Ҳозир-чи?— деб сўради Искра.

— Ҳозир деганингиз нимаси?

— Ҳозир ичасизми?

— Гоҳо. Агар ичгудек бўлсам, яна ўша сабаб билан. Одамлар бесабаб, шунчаки, хурсандчилик учунгина ичишмайди.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Менинг ишончим шундай. Сабабсиз ҳам ичиш мумкин. Лекин ичкиликбозликнинг сабаби бор.

— Лекин айтайлик... Йўқ, йўқ, мен буни шунчаки.— Искра Дмитрий Ершовнинг тўғри айтаётганини ўйлаб борарди. Артист Гуляев ҳам ичади. Не сабабдан? Ишдан қониқмаётганини, унга муносиб роллар бермаётганларини, ажойиб характерларни соғинганини Виталийга ўзи айтиб берибди-ку, ахир. Бундан бошқа яна ўзи унинг яхши кўрган аёли — Виталийнинг онаси ҳалок бўлган-ку, энг асосий сабаб шун бўлса ҳам ажаб эмас. Ёки — Дмитрийнинг акаси, Платон Тимофеевични олайлик... Хотинсиз яшайди, хотинидан уруш вақтида жудо бўлган. Ҳозир ёши ўтиб қолган, бундай ёшда яна уйланиш осон гап эмас. Қўмсайди.

— Лекин, фараз қилайлик,— деди яна Искра.— Уйда яхши, осойишта, бемалол яшаши учун ҳамма нарса муҳайё бўлиб, яхшигина хотини ҳам бўлган одам ичиб юрса бунга нима деб бўлади?

— Демак, ўша яхши хотинидан яшириб юрган бир дарди бор. У хотин ҳам жуда ўзига маҳлиё бўлганча яхши хотин эмасдир.

— Йўқ, йўқ, бу ҳаммаси бўлмаган гап!— деди қатъий Искра.— Бу бебошликдан бошқа нарса эмас. Сизнинг назарингизга биноан, ичкиликбозлик йўқолмайдиган бўлиб чиқади. Ҳар бир одамнинг ҳаётида бирор кўнгилсизлик ва ҳатто мушкуллик бўлиб қолади-ку. Ҳаётда нималар бўлмайди. Одамларни ўзини тута билишга ўргатмоқ керак. Афъюн билан намага йўл қўймаганмиз-ку. Агар одам боласи ҳаётнинг машаққат ва изтиробларини унутмоқчи бўлса, бу нарсалар ароқдан анча зўрроқ таъсир кўрсатади, дейишади.

Дмитрий жим қолди.

— Сиз гапимни эшитмаяпсиз шекилли?— деб сўради Искра.

— Йўқ, эшитяпман.

— Гапим жонингизга текканга ўхшайди? Лекин кўп ичишганда жуда безовта бўламан. Ҳаёт ароқсиз ҳам шунчалик яхши, шунчалик серзавқки, фақат у яхшилик ва қувончларни кўра билиш, улардан баҳра ола билиш керак. Кечирасиз, юзингиздаги бу чандиқ шод яшашингизга кўп халақит берадими?

— Бир вақтлар мен юзимга найза билан урган ўша ёвуз-ни топаману, бир ҳафтами, бир ойми аямай, хотинлар манийюр учун ишлатадиган мўйчинак билан унинг гўштини майда-майда қилиб узаман, деб ўйлаб юрардим. Бу томонга бизларни ўлдиргани ва майиб қилгани келган ўша лаънатиларни жуда ёмон кўраман.— Дмитрий бироз жим қолиб, яна сўзлай бошлади:— лекин, гапнинг очиғи, Искра Васильевна, мен ҳеч кимни мўйчинак билан гўштини майда-майда қилиб узолмас эдим. Мен ундай тарбия олмаганлигим, ундай одам эмаслигим билан мақтана оламан. Партизанлар орасида эканлигимда кунлардан бир кун шундай ҳодиса содир бўлди: жангда етти ўртоғимизни йўқотдик, уч киши ўлган, тўрттаси ярадор бўлган эди. Олиб кетолмадик, улар душман қўлига тушди. Уларни даҳшатли қийноқларга солдилар, албатта. Симга ўраб дарахтлар оралиғига осдилар, тагидан гулхан ёқдилар. Биз уларни топдик... Куйиб кўмир бўлиб қолган эдилар. Дунёда мисли кўрилмаган энг даҳшатли ўч оламиз деб қасамёд қилдик. Ҳа... Яна бир жангда ишимизнинг барори келиб — ўн бир гитлерчини қўлга туширдик, сўроқ қилдик. Ўртоқларимизни қийнаб ўлдиришда айбдор эканликларини маълум бўлди. Отряд командири, донбасслик шахтёр: «Йигитлар, группа-группага бўлиниб, бу ёвузлардан битта-битта юлингиз-да, инсон зотининг бу душманларини қандай хоҳласангиз шундай жазолангиз» деди. Нима бўлди дейсизми, Искра Васильевна? Биз одатдагича суд қилдик ва совет халқи номидан уларнинг ҳаммасини отиб ўлдиришга ҳукм чиқардик. Бор-йўқ жаҳаннам азоби шу бўлди. Биз, совет киши-

лари, йиртқич эмасмиз, жондорга ҳеч бир азоб бера олмаймиз.

Искра эътибор билан Дмитрийнинг юзига тикилиб:

— Сизни мен ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам деб билган эдим,— деди.

— Бу тамоман бошқа гап,— деди Дмитрий.— Мақсадга эришиш, бўш келмаслик, саботли бўлиш — бошқа гап. Мана улар йиртқичлик қилдилару, ҳеч нарсага эриша олмадилар. Биз эса инсонпарварлик қилиб, гитлерчилар давлатини гўрга тикдик.

— Дмитрий Тимофеевич, агар эслашдан озор чекмасангиз, сизни найза билан ким урганини айтиб берсангиз?.. Қачон, қандай қилиб урган?

— Анчайин бир вазиятда бўлган бу. Улар биз томонга, мана шу шаҳарга қирқ биринчи йилнинг кузида кириб келди. Бизнинг заводдагилардан баъзилари жўнаб кетган, баъзилари қолган эди. Бир хиллари улгурмаган, бошқалари яна аллақандай сабаблар билан қолган эди. Мен отамнинг ёнида кечикиб қолдим, уни жўнаб кетишга кўндираман, деб ўйлаган эдим. У бўлса нуқул: ўз ватаним тупроғидан қуён бўлиб қочадиган ёшда эмасман, дерди. Отамни кўндира олмаганлигим устига ўзим ҳам ўралишиб қолдим. Шу орада фурсат ҳам қўлдан кетган эди. Ота-онам билан уйда ўтириб: шаҳарда подпольечилар бордир, улар билан қандай алоқа тутса бўларкин, деб ўйлардим. Хуллас, гитлерчилар бир кун келиб, топиб олишди. Прокатчи экансан-да? Қани заводга юр, арбайтатъ,¹ буюк армия учун металл чиқариш керак, дейишди. Биз отам билан бордик. «Биз уларга роса арбайтатъ қилиб берамиз,— дерди отам,— шундай арбайтатъ қилиб берайликки, биздан ўла-ўлгунча миннатдор бўлишсин». Заводга яқинлаб бордик. Қарасак, дарвоза тепасига: «Шталь верке. Герман Геринг и ко» деган вивеска илиб қўйилибди. Отамни ўзи ишлаб келган домна печлари ёнига юборишди, мени ҳам аввалги блюминг цехидаги жойимга станни узатишга жўнатишди. Ушанда цехда бир ҳодиса бўлди. Ёқасига яшин аломати қадалган аллақандай икки нусха, яъни эсэсчилар пайдо бўлиб қолди. Мастликданми ёки ўтакетган сурбетликданми — худди рўпарада одам йўқ, бўм-бўш жойдек, устимга тикка бостириб келишаверди. Мен туравердим, худди отамга ўхшаб — қуён эмасманки ўз ватаним тупроғида ҳар ким олдида қалтирайверсам, деб ўйлардим. Баайни қоққан қоziқдек туравердим. Биттаси мени кўкрагимдан туртиб юборса борми. Қутилмаган бу зарбдан йиқилиб тушдим. Ерда ётар эканман, қўлимга бир парча чўян тушиб қолди. Сапчиб турдим ва айлантириб шундай туширдимки!.. Бўлган ҳодиса шу!..

¹ Ишлаш.

— Ким, ахир, ким сизни урган?

— Шу вақт ҳуштак овозига немислар югуриб келди. Мен — гуноҳкорни боғлаб қўлларимни қайиришди. Котлованга олиб боришди. Қочиб кетмоқчи бўлиб, югуриб қолган эдим, қўлларим орқага қайириб боғлангани учун чополмадим. Солдатлар етиб олишди. Шунда биттаси мени найза билан... Майли, Искра Васильевна! — Дмитрий қўлини силтади. — Энди бун қўяйлик. Отиш бўлса отиб ташлашди, лекин мана, тирикман, асло ўлмоқчи ҳам эмасман, узоқ яшайман.

Улар Искранинг уйи ёнида анчадан буён турганларини сезмасдилар. Виталий келиб қолмаганда улар, эҳтимол, шунда, совуқда тураверармидилар. Виталий қаёқдандир қайтиб келаётган эди.

— Искруха! — деди у, Искрани орқасидан қучоқлаб. — Ёр уйга. Нима гап, заводдан энди келаётганингми? Мажлис шунча кеч тамом бўлдимми? Мажлисбозлик бу! Сен билан турган ким. Таништирсангчи. — У жуда хурсанд, жилмайиб турарди.

Искра унга Дмитрийнинг исмини айтди, Дмитрийга эса Виталийн «эрим» деб таништирди.

— Юринг бизникига, ўртоқ, — деб таклиф қилди очиқ чеҳра билан Виталий. — Боримизни қўямиз. Тўғрими, Искруха.

— Мен шошиб турибман, — деди қатъий бош тортиб Дмитрий. — Уйда мени кутишяпти. — У хайрлашди ва катта-катта қадам ташлаб жўнаб кетди.

Уни уйда ҳеч ким кутаётгани йўқ эди, албатта. Кутувчи уни фақат шанба кунлари кутар, бугун эса пайшанба эди. У инженер Козаковнинг эрини кўргиси келмасди. Унинг эри балки, жуда ажойиб одамдир, ундан яхшиси дунёда топилмайдигандир, лекин барибир Дмитрий у билан танишишни ҳам, уникида меҳмон бўлишни ҳам сира истамас эди. Тушуниб бўлмайдиган ва сабабсиз бир алам юракка ботарди. Бу озор қаёқдан, кимдан етади экан? У ҳамма вақт ғурур билан: менга озор етказган одамнинг умри қисқа бўлади, деб юрарди.

10

Виталий Козаковнинг ишлари нолигудек эмасди. Москвадан атайлаб харид комиссиясининг вакили келиб Искрага жуда маъқул бўлган пўлат қуювчининг портретини ундан сотиб олишди. «Балиқчи»ни эса виставка учун олишди. Хона деворларида яна бир неча янги портретлар ва манзаралар пайдо бўлди. Пул ҳам, ишлаш ҳаваси ҳам бор эди. Яна нима етишмайди?

Москвада, айниқса сўнгги йилларда Виталий ҳеч қандай ҳавассиз, қувончсиз, шунчаки тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлганлигидангина ишларди. Тема ва сюжетлар ўйлаб топиш қийин бўларди. Июнь кечаларидан бирида у Союзлар уйи олдидан ўтиб бораётган эди. Уй деразаларидан қандил чироқларнинг порлаб турганини кўрди. У ердан духовой музика садоси эшитилди, аёлларнинг оппоқ кўйлаклари кўзга ташланди. Кираверишда бу ерда нима бўлаётганини сўради. Мактабни медаль билан тамомлаганларнинг умумшаҳар йиғилиши бўляпти, дейишди. Шунда у дераза тагида туриб, ўз мактабини эслади, Юқорига чиқмоқчи бўлган эди, қўйишмади. Лекин бу июнь кечаси хотирадан кўтарилмади. Кунлар ўтган сари секин-аста сурат вужудга келаверди: Унинг кўзига катта бўлмаган аллақандай бир пиллапоя; бинонинг аллақайси олис жойида ярим очик эшикдан ёруғ залда жуфт-жуфт бўлиб рақс тушаётганлар кўриниб турибди. Олдинги пландаги пиллапояли дераза ёнида жигарранг форма кўйлак кийган бир қиз қўлларидаги дастрўмолини ёғжимлаб ўтирибди. Унинг олдида ерга қараган ҳолда бир йигитча турибди. Мактаб ҳаётининг сўнгги дақиқаларидаги изҳори ҳол бўлмоқда эди.

Виталий расмни ишлади, бўёқларни ҳафсала билан аниқ, ифодали қилиб берди. Виставкада унинг расми олдида тўхтаб қолишар, завқланишар: «Худди ўзи-я! Тирикка ўхшайди!» деб қойил бўлишар, Виталий эса фахрланарди. Сўнг унга Сибирдан, Омскдан бўлса керак, бир минг тўққиз юз ўн биринчи йилда чиққан бир эски журнални юборишди. Журналдаги — эй воҳ! — деярли, Виталий Козаков ишлаган расм йирик қилиб бўёқда акс эттирилгандек эди. Олдинги планда ярим қоронғи пиллапоя, ярим очик эшик орқасида — чароғон зал ва рақс тушаётганлар кўринади. Бу расмда ҳам гарчи дераза ёнида бўлмай, шунчаки девор ёнида бўлса-да, жигарранг кўйлакли бир қиз турар, унинг олдида гимназист камзули кийган бир йигитча турган бўлиб: изҳор ҳол қилишмоқда эди.

Виталий бу журнални яшириб қўйди. Журнални ҳатто Искрага ҳам айтмади, уялди. Расм тагида рассомнинг номи бўлмаганлиги унга айниқса алам қилди. Демак, аллаким пул ишлаш учун редакция топшириғи билан ўтириб, Виталий бир неча ой яратган расмнинг худди ўзини ярим кунда ёки бир кунда ишлаган қўйган.

Бошқа бир кун, ёзнинг жазирама туш пайтида Виталий тор Арбат кўчаларининг биридан ўтиб борарди. Юқагина кўйлак кийган бир қиз эски уйнинг деразасида, оёқларини дераза тоқчасига қўйиб ўтириб, китоб ўқирди. Қиз ажойиб, ёқимтой бўлганидан уни кўриб Виталийнинг меҳри товлан-

ди. Сўнгра қизга хона ичидан, уни туш пайтидаги ёрқин қуёш нурига рўпара қўйиб қаралганда деразадаги бу китоб мутолааси қандай кўринишини тасаввур қилди. Уйга келиб Искрани шундай ўтқазиб кўрган эди, ажойиб чиқди: худди имперсионистлардагидек, кўп оқ-қораликлар, ёрқин доғлар мавж уриб кетди. Буни расмга олди-ю, ёшгина натурачи аёлни таклиф қилиб, ишга киришди. Полотнодаги расм ҳам яққол ва равшан чиқди.

Лекин расмни виставка залига осиб қўйилганда, Виталий унинг ёнида туриб, узоқ вақт тушунолмаётган аллақандай ҳодиса содир бўлди. Қизлар расм ёнига келиб, қарашди-ю, қиқирлашди ва тезда нари кетишди; йигитлар тирсаклари билан бир-бирларини туртишди, кўз қисиб, илжайишди. Кампирлар елкаларини қисар, чоллар «Ўҳў!» деб қўйишарди. Виталий аламон ўртасида очиқ айтилган сўзларни эшитгандагина нима бўлганини тушунди: «Бунда расм томоша қилинмайди,— дерди катта ёшлик бир киши хотинига,— балки у қизнинг кўйлаги остига қаралади, рассом уни шундай ўтқазган ва атайин шундай юқа кўйлак кийдирган».— «Сен ўзинг бузуқлигингдан шундай қарайсан» дерди хотини.— «Халойиққа қара, халойиқнинг фикрига қулоқ солсанг-чи» дерди эри.

Виталий ҳам кузатди. Ҳа, бу танқидчи қургур тўғри айтарди: кўйлак остига қарашарди. Виталий ҳафа бўлди-ю, лекин бу кўпга чўзилмади, чунки расмнинг бозори чаққон бўлиб кетди. Уни суратли журналларда, газеталарда босиб чиқаришди, шу расм туширилган почта откриткалар чиқаришди. Бу сафар ҳам аллаким революциядан аввалги эски бир журналдан Виталийнинг расмига яна жуда ўхшаш расмни юборганида у қайғуриб ўтирмади. Ҳатто расмнинг номи ҳам худди шундай: «Туш пайти» деб айтилар эди.

Виталий қайғурмаса-да, лекин ҳар қалай нега шундай бўлаётганини, нега эски нарсаларни такрорлаётганини ўйлаб кетди. Бу янгиликни кўролмаслигидан ёки эскиликни кўриш ва қабул этиш осон ва одат этилганлигиданмикан. Эски журналларда ишлаганлар ҳам, бизлар ҳам — ҳаммамиз мактаб ва институтларда бир хил китоблардан билим олганмиз, бир хил классик модель ва намуналар билан тарбияланганмиз, тор бир доирада ўралишиб юрганмиз ва ўралишиб юрмоқдамиз...

У Москва яқинига, натурага чиқиб кўрди. Картонга ёки матога туширилган сокин ариқлар, кекса қарағайлар ва яшин урган қайинлар, омонат кўприкчалар, жавдарзорларнинг ҳисоби ортиб борди... «Нурсиз, тузсиз чиқяпти,— деб бўғиларди Виталий.— Натурализм бу».

Виталий Искрани аччиғини чиқариб, ярим йилча аёл



баданининг расмини олди, аёл баданидан янгилик қидирди, ўзига қадар ҳеч ким кўрмаган, ўзи топган, бошқаларникига ўхшамайдиган аллақандай жиҳатни қидирди. Бир неча на-
турачи аёлни алмаштирди. Ниҳоят кўзга жуда ёқимли, син-
чиклаб ишланган, яхши қоматли катта аёл расми тайёр
бўлди, у қўлларини олтин сочлари тўзиган боши орқасига
қилиб, қора айиқ териси устида ётарди. Ошнолари Виталий-
нинг ишхонасига кириб, аёл расмини узоқ кўздан кечиришар
ва аския қилишарди. Искра бу яланғоч холани ўлгундек
ёмон кўрарди. Бир кекса рассом истеҳзо билан: «Аъло сифат
тановор бўлибди, уни ҳар нарсага яратса бўлади. Буни Юпи-
терни кутаётган Даная деб ҳам аташ мумкин. Лекин аёлни
теридан бирор муносиброқ нарсага кўчириш ва орқадаги
драпировкага қирмизи ранг бермоқ керак. Буни, дам олаёт-
ган Венера деса ҳам бўлади. Олимпия манзараси акс этти-
рилган уфқ билан тепаликларни киритиш керак. Офарин,
Қозаков, офарин!» дерди.

Яна югуриб-елиш бошланди, Виталий ўзини доғ, нур, қуёш
излашга урди. Расмлар таъсирли чиқар. Қия, қийшиқ бўлса
ҳам, ёрқин бўларди. Танқидчилар Виталийни дадиллиги учун
ҳатто мақтадилар. Лекин виставкаларда томошабинлар
унинг расмлари олдидан бепарво ўтиб кетардилар. Аллақан-
дай қотма ва япалоқдан келган қизларгина туриб қолиб:
«Биласизми, бунда бир гап бор. Бу фазилатдан...» дейишарди.

Лекин ҳар қандай, уни мақташдан кўра кўпроқ танқид
қилишди. Виталийни кўп нарсалар учун — унинг расмларида
чинакам ҳаёт йўқлиги, сюжетнинг схематик бўлиши, томоша-
бинларга у ҳеч қандай идея тарғиб этмаслиги учун танқид
қилишди.

Виталий бу танқидлардан рози эмасди. Унинг фикрича:
ҳар ердан, ҳамма нарсадан идеялар қидириш, рассом бир
жуфт юқори вольтли сим мачтасини қўшиб қўймаган бирор
ўрмон ёки дала манзарасини албатта идеясиз дейиш бемаъ-
нилик ва нодонлик бўларди. Виталий бундай фикр ва талаб-
лардан аччиғланиб юрди. У, ҳар бир асарда албатта идея
бўлмоғи керак деган даъво қўшилмайдиган рассомлар гуру-
ҳини излади. Унинг ёш ошналаридан бири ичиб олиб, Вита-
лийнинг ишхонасида: «Мен Витка Қозаковга ўхшаб ялан-
ғоч хотинлар расмини, уларнинг елкаларини, тиззаларини
чизишни истайман! Мен баданнинг имконияти борица ҳамма
жиҳатларини кўришни истайман. Бунда менга ким халақит
бера олади?» деб бақирарди. «Хўш,— деди Виталийнинг
«Яланғоч аёл»и устидан истеҳзо қилган чол.— Чизаверинг.
Масалан, Рубенсга халақит берилмаганидек, сизга ҳам хала-
қит берилмайди. Лекин, шундай қилмоқчи экансиз, марҳа-
мат қилиб, буни Рубенсдан яхшироқ қилинг. Тақлидий расм-

лар сонини кўпайтирманг. Агар яхши қилолмас экансиз ўз йўлингизни, Рубенсга насиб бўлмаган янгиликни изланг, бу кўлингиздан келади. Инсон танасининг имкониятлари, дейсизми? Марҳамат, бу соҳада Роден нималар қилганини кўринг, ўзингиздан кўшинг. Лекин ўзингиздан, албатта, ўзингиздан кўшинг! Масалан венгер Штробль худди аллақерда Роденга ёндошиб кетади. Лекин у инсон танасининг бу ажойиб манзарасига Роден замонидан ўзгача даврнинг руҳини, янги ижтимоий ҳодисалар, янги идеялар руҳини киритди». — «Вой бу, яна идеялар-а!..»

Искра билан Москвадан кетганлари Виталий учун жуда самарали бўлди. У бунни сира кутмаган эди. Ғайрат, шодлик билан кўп-кўп расм ишламоқда. Полотнога Москва деразаларидан кўринадиган манзаралардан ўзгача манзара тушаётганлигидан ташқари, портрет чизишга ҳам янги бир иштиёқ туғилди.

Виталий Дмитрий Ершов билан эшик олдида учрашган кечанинг эртасига унинг юз қиёфасини эслаб кетди. Дмитрийни ғира-шира қоронғида яхши кўролмаган бўлса ҳам, лекин кўрганининг ўзи ҳам таассурот қолдирган эди. «Бу одамнинг характери ҳам ажойиб бўлса керак» деб ўйларди у. Виталий Искрадан ўша танишингни уйимизга таклиф қилсак бўлмасмикин, деб сўради. Искра: «у жуда жоҳил ва ўжар одам, яна жанжаллашиб қолманглар. Йўқ, хоҳламайман ва таклиф қилмайман» деб қатъий рад этди. Лекин Виталийни ҳамма вақт бирор қизиқарли иш олдидан бўладиган бадий иштиёқ чулғаб олган эди. Унинг хаёли Дмитрий Ершовда бўлиб қолди. Виталий заводга борди, пропуск олиб, блюминг цехига йўл олди.

У аввал четда туриб, ниҳоятда йирик қисм ва деталлардан ишланган бу ғоят катта иншоот блюмингнинг ишлашини узоқ вақт томоша қилди. Виталий кўтаргич кран квадрат шакли чуқурлардан — қопқоқланган қиздирувчи печлар ёки қудуқлардан ловиллаб турган пўлат қуйилмаларни қандай олаётганини, автоматик равишда ҳаракат қилаётган вагончага уларни қандай юклаётганини, вагонча излардан юриб, рольганларга қуйилмани қандай элтаётганини, уни рольганларга ағдариб яна навбатдаги қуйилмани олиш учун қайтаётганини, аввалги қуйилма эса рольганлардан блюминг валклари сари кетаётганини, унинг остида пачоқланиб, шаклини ўзгартираётганини, бўйи чўзилаётганини, кучли, қаттиқ бармоқлар уни мумдан ясалгандек, жўнгина тўсинга айлантираётганини кўриб турди.

Кейин пиллапоядан станнинг старший оператори Дмитрий Ершов айланма креслода ўтириб олиб, олдидаги бошқарув пультаининг рычаг ва тугмаларини босиб, ишлаётган кабинага чиқди.

Старший оператор гўё орган чалувчи клавиатура олдида ўтиргандек ричаг ва тугмаларни хотиржамлик билан аниқ, осонгина босар эди. Блюминг валкалари унинг рўпарасидаги пастликда, кенг кабинанинг катта ва қалин ойнаклари ортида эди. Дмитрийнинг ҳар бир қўл ҳаракати валкаларда акс этарди.

Валкаларда содир бўлаётган манзарани бирор киши гулхандан олинган картошкани у кафтидан бу кафтига ўтказётганлигига ўхшатса бўларди. Қуйилма қирраланар, гоҳ у ёғи, гоҳ бу ёғи билан туриб қолар, бу қатордаги валкалардан наригисига ўтар, кўзга кўринмас бир куч тортиб олгандек валкалар остига кириб кетар, отилиб қайтиб чиқар, ўз шакл ва кўринишини Дмитрий Ершов истагандек ўзгартирарди.

— Бу оташ буюм қанча келади?— деб сўради Виталий.

— Етти тонна,— деб жавоб берди Дмитрий.— Тўрт юз йигирма пуд. Буни олти юз пудга етказмоқчимиз.

Дмитрий ўзи бир марта чала кўрган Виталийни танимади, газета мухбири бўлса керак деб ўйлаб, унга рақамлар тўғрисида, янада оғирроқ қуйилмаларга ўтилганда қандай иқтисодий фойда келиши ҳақида сўзлаб берди.

Виталий тикилиб қараб, қулоқ соларди. У, Дмитрийнинг енгил ва аниқ ҳаракати мақомидан унинг гўзал меҳнати оҳангини сезиб турарди. Қуйилманинг валкаларга дастлабки урилиши айниқса таъсирли эди — учқун оқими худди заррачалардек, жилғалар сингари ёйилиб, кабина ойнакларига отилар, қаттиқ тақиллаб уриларди.

Кўриш билан олинган таассуротлар Дмитрийнинг ҳикояси билан тўлиб борар эди. Дмитрий сўзлаб бермаганда, эҳтимол, Виталий инсонни машинанинг кучли, моҳир ҳукмдори деб, фақат шу машинанинг ҳукмдоригина деб биларди. Виталий Дмитрийнинг гапларини эшитар экан, одам машинага ҳукмрон бўлиш учунгина ҳукмини ўтказмаслигини тушунди, бу қонуний бир ҳол эди ўзи. Йўқ, Дмитрий бу оловли қуйилмаларни ўзга бир нарса учун цехдан ташқарида, халқ орасида бўлган нарса учун ишлаётган эди. У янги ҳаётни англаган ҳолда уни ўжарлик ва шитоб билан қураётган эди.

Санъаткорнинг кўзи буни кўриб турарди. Виталий альбомни очди. Кўрганларини чизишга киришди. У, Дмитрийнинг иродаси акс этиб турган кескин белгили йирик юзини штрихлар билан чиза бошлади. Чандиқ бу белгиларни кўришга халақит бермаса ҳам, нега, қачон ва ким қилган буни? деган саволларни туғдирарди. Виталий буни сўраб ўтиришдан чўчиди: бундай чехрали одамлар билан муомала қилиш оғир бўлади, портретини ишлашларига қўймайди, ана ўшанда киши нима қиларини билмай қолади.

Дмитрий аввалига Виталийнинг нима қилаётганига эъти-

бор бермади, у ҳам бошқа барча мухбирларга ўхшаб блок-нотига ёзиб олаётгандир, деб ўйлади. Кейин безовта бўлиб сўради:

— Сиз нима қияпсиз?.. Расм соляпсиз шекилли?

— Шунчаки, наброска қияпман. Штрихлар.

— Сиз буни қўйинг. Беҳуда уринманг.— Дмитрий буни шундай қатъият ва жиддият билан айтдики, Виталий альбомни ёпиб, қаламларини яширди. Виталий бу одамни кўндириб ҳам, ишонтириб ҳам бўлмаслигини тушунди. Нима бўлса-да, унинг портретини ана шу оловли учқунлар фонида ишлаш учун бошқача йўл тутиш керак эди.

У, Дмитрий билан хайрлашиб, жўнаб кетди. Виталий Искра билан яна Дмитриини ўз уйларига таклиф қилиш кераклигини сўзлашди, агар Искра таклиф этмаса, ўзи таклиф этишини, Дмитрий билан цехда танишиб олганини билдирди.

Искра қатъиян рад этиб туриб олган эди, шунда Виталий ҳазиллашиб:

— Қизиқ, икковингиз ҳам менга шубҳали кўринасиз. Уртангизда бирор ишқ савдоси бўлмасин тағин, азизларим?— деди.

Бир якшанба куни у Искрага:

— Искруха, биз меҳмондорчиликка борамиз, гишғиша қилмай отлан, жонгинам,— деди.

— Қанақа меҳмондорчиликка, қаерга? Сира боргим йўқ.

— Яхши меҳмондорчилик. Отлан, тезроқ бўл!

— Гуляевникига бўлмасин тағин.

— Йўқ, Гуляевникига эмас. Бундан хотиржам бўлавер. Қолганини ўзинг кўриб биласан.

Виталий бундай ишда Искра ёрдам бермаслигига ишонч ҳосил қилгач, дадил туриб, Дмитрий Ершовнинг ўзи таклиф этишига эришди. Унинг ёнидаги блюмингга ўтириб олиб, Дмитрийдан қандай ва қаерда яшаши, уйи қанақа эканини узоқ суриштирди. Шунчалик суриштирдик, ниҳоят Дмитрий унга қараб: «Келинг, меҳмон бўласиз, қандай ва қаерда яшашимни кўрасиз. Лекин, барибир менинг портретимни ишлашингизга қўймайман. Уйламай қўя қолинг» деб юборди. «Хотиним билан бораман» деди Козаков. «Ким билан келсангиз ҳам, мен ишда бўлмаган куни келинг. Адресни ёзиб олсангиз ҳам бўлади».

Козаков мухбир эмас, рассом, Искранинг эри эканини Дмитрий ҳамон билмас эди. Бу Дмитрийга маълум бўлганда, ҳамма иш бошқача бўлиб чиқарди, албатта. Меҳмондорчилик тўғрисида гап ҳам бўлмас эди. Бироқ Дмитрий буни билмас, Козаковнинг келишига унчалик ишонмас, бўлиб ўтган гапга ҳам ҳеч бир аҳамият бермас эди.

Якшанба куни Дмитрий яланғоч олчазор кўриниб турган дераза ёнида ўтириб, Чеховнинг ҳикоясини овоз чиқариб ўқирди. Леля овқат пишираркан, ҳикояга қулоқ солиб, завқланиб куларди.

Биров эшик ҳалқасини тақиллатди. Дмитрий ўрнидан туриб, қарагани чиқди. Эшик орқасида ўзи, мухбир бўлса керак, деб ўйлаб юрган киши билан бежиримгина ясанган Искра Васильевна турарди.

Дмитрийнинг боши ғувиллаб, юраги ҳам уришдан тўхтагандек бўлди, ҳозир ерга йиқилиб тушиб, тамом бўладигандек туюлди.

Лекин Дмитрий Ершовнинг юраги уришдан тўхтамади ҳам, ўлиб қолмади ҳам, балки ҳамма гапга тушуниб олди. «Марҳамат, ўртоқлар, киринглар. Вақтида келдинглар. Ҳозир овқат пишади» деди у. Дмитрий ҳатто Искра Васильевнанинг юзига қарашга ҳам, унинг юзида содир бўлган ўзгаришни пайқашга ҳам қурби етди.

Искра Дмитрийни кўриши билан, эри уни қаерга олиб келганини англади, бир оз ранги ўчди, кейин юзлари яллиғланиб кетди. У қочмоқчи бўлгандай бир ҳаракат қилди. Лекин қочиш вақти ўтган эди. Искра Дмитрийнинг ўзига қараб турганини сезган ҳолда Виталий билан бирга уйга кирди. Бундай кераксиз учрашувни ташкил қилган Виталийга қарши Искранинг қалби ғазабга тўлган эди.

Дмитрий: «Леля» деб меҳмонларни Леля билан таништирди.

Йўлда Искрани қистаб гастрономга кириб чиққан Виталий плашчининг чўнтакларидан шишаларни олиб, стол устига қўя бошлади. Дмитрий бунга гўё кўрмасди. У Искрани кўриб турганидан хурсанд бўлса ҳам, лекин бу шодлик ёнига аллақандай бир алам яна келиб қўшилди; бунга Дмитрий Искранинг уйи олдидан жўнаб кета туриб, Виталийни биринчи марта кўрганида, уни таништира туриб: «эрим» деганда ҳис этган эди. Бунинг устига Леля ҳам бугун уйда бўлиб, Искра Леля билан учрашганлиги туфайли пайдо бўлган яна бир ноқулай ҳолат қўшилган эди. Леля Дмитрийгагина тегишли бўлган, ҳеч кимнинг кўрмоғи учун тайин этилмаган, ўзгалар назаридан бегона бир кимса эди.

Дмитрий кутилмаган меҳмонларнинг кўнглини олишга уринди. Уларга ўз китобларини кўрсатди. Лекин меҳмонларни ажаблантирадиган китоблари йўқ эди. Яхшигина ов милтигини кўрсатди. Лекин ўзи ҳам, Виталий ҳам овчи эмасдилар. Фақат Искра куроғини чиқиллатиб кўрди. Дмитрий музыка қўйиб бермоқчи эканини айтиб, приёмник бузилиб қолганидан афсусланди. Дмитрий меҳмонларни боғчага таклиф қилиб, ўз вақтида отаси экиб-ўстирган дарахтларни бир-

бир кўрсатди. Виталий унинг отасини суриштирди, Дмитрий отасининг бутун ҳалокати тарихини айтиб берди. Виталий Дмитрийнинг юзига, унинг қадди-қомати, ҳар бир ҳаракатига эътибор билан тикилишини қўймас эди. У, Дмитрий цехда ўзини уйдагидан кўра эркинроқ ва дадилроқ тутишини сезган эди. «Мен бу ерда ҳеч бир қўшимча нарса ололмайман,— деб ўйларди у.— Кузатишни цехда давом эттириш ва билдирмай, вақт-вақти билан ишлайвериш керак».

Тез орада Леля меҳмонларни овқатга таклиф қилди. У меҳмон келганидан жуда хурсанд эди. У ҳамма нарсани яхшироқ қилишга тиришар ҳамда ўзи истагандек қилиб дастурхон тузиш имкониятини бермаган Дмитрий рўзғорининг фақирлигига биринчи марта ачинарди. Дмитрий Виталий олиб келган шишаларни очди, лекин ўзи: йўқ, бўлмайди, буни мен ёқтирмайман, бу менга ғоят малол келади, деб ичишдан бош тортиди.

— Танишганимиз учун,— деди ҳатто Леля, чидаб туролмай.

— Ола қолгин энди, Дима?

— Бўлмайди.

Леля аллақандай кўнгилсизликни пайқади. «Эҳтимол, бу меҳмонлар Дмитрийга ёқмайдигандир?» деган хаёлга борди. Вазиятни бир оз бўлса-да юмшатиш учун ўзи Виталий билан барабар ичиб, кетма-кет рюмкани бўшатиб турди.

— Мен балиқчиман,— дерди у кулиб,— ўрганиб қолганман.

Искра безовта эди. У Виталийнинг маст бўлиб қолишидан таҳликада эди. Бундан ташқари у Лелядан жуда-жуда ийманарди. Искра Лелянинг хунук қилиб юборилган юзига бунчалик қарай бериш яхши эмаслигини, бу одобсизлик эканлигини биларди. Лекин ҳар қанча қарамай дегани билан кўзи тушаверса, нима қилсин киши. Искра кўзларини жовдиратар, лекин бу сунъий, қалбаки, ёмон бўлиб чиқар, Леля эса унинг барча қалбаки уринишларини кўриб тургандек эди.

Стол атрофида ўтирган тўрт кишидан ёлғиз Виталий ўзини жуда яхши ҳис этарди. У гапга тушиб кетиб, умуман ҳеч ким кулмаётганини ҳам сезмай, латифа айтарди. Лелянинг стол атрофидаги қовушмасликдан туғилган туйғуси орта борди. Бундай бўлмаслиги учун у ҳар нарса қилишга тайёр эди. У гитарани олиб қўшиқ айта бошлади. Бу ҳамманинг эътиборини тортиб, диққатбозлик бироз ёзилди.

Леля эшик яна тақиллаганини эшитиб, Дмитрийга имо қилдию ашуласини айтаверди. Дмитрий Андрейни ва баланд бўйли оппоққина бир қизни уйга бошлаб кирди. Андрей бу қизни «Капа» деб таништирди.

Йиғилганлар Қапага маъқул бўлгани кўриниб турарди, у ортиқ илтифотсиз овқатдан тотинди. Қапа Лелянинг ашулаларини ҳузур қилиб эшитди-да:

— Овозингиз жудаям яхши экан,— деди.

Қапа ўзини эркин тутар. Лекин Андрей бундай эмасди. У ийманарди. Андрей уйда шунча одам устидан чиқиб қолишини ўйламаган эди. У ўз қариндошларидан лоақал биттасини кўрсатиши ҳақидаги Капанинг илтимосига кўнган эди. Дмитрийнинг олдига олиб келаман, бу ерда бироз айланишиб, боғчага кирамизу, кейин қайтамиз — кинога ёки бошқа бирор жойга жўнаймиз, деб ўйлаган эди. Бу ерда шунча одам... Энди кетиб ҳам бўлмайди.

— Менга қаранг,— деди Қапа, Леля гитарани бир ёққа қўйгач. Мен ҳам айтсам майлими? Лекин гитара чалишни билмайман.

— Марҳамат, мен чалиб жўр бўламан,— деб таклиф қилди Леля.

Қапа ҳам яхши куйлар эди, у куйлар экан, гитара чалаётган Леля ёнида турарди. Искра бунга сира қарай олмади. У ҳатто кўзларини юмди. Ёнма-ён турган бу гўзаллик билан бедаволикни кўриш жуда оғир эди. Искра икковининг юзида ҳам бундай ваҳимали аломат бўлган. Дмитрий билан Леля қандай қилиб бир даргоҳда топишганларига тушунолмас эди. Бу аломатлар Дмитрийни бузмайди, албатта. У эркак киши. Лекин Леляни, Леляни-чи...

Тез орада Андрей билан Қапа жўнаб кетди. Искра Виталийни ўрнидан зўрға турғизди. Дмитрий билан Леля уларни кўчагача кузатиб чиқди.

Искра Виталийни қўлтиқлаб борар экан, ўйлар эди. Маст Виталий унинг жиғига тега бошлаган эди. «Витька,— дерди Искра ўз-ўзича, Витенька! Ичишнинг чегарасини билмас экансан, ўзингни қўлга олиб, бу баттолдан воз кечиб қўя қолсанг-чи. Ҳамма вақт стол ёнида эри билан ўтирадиган, дамбадам эрининг енгидан тортиб: ичма, дейишнигина биладиган хотин бўлиб қололмайман-ку, ахир. Сен ичмаслигинг керак. Агар сен ичадиган бўлсанг, менга сендан кўра бошқалар кўпроқ ёқадиغان бўлиб қолиши мумкин. Унда ёмон бўлади, жуда-жуда ёмон бўлади».

11

Андрейнинг сменаси вақтида учинчи печда фурма ёрилиб кетиб авария бўлди. Ловиллаб турган газ ва кокс фонтан бўлиб ташқарига отилди. Бир неча секунд ичида печь ёнидаги майдончани чўғ ғарами босиб кетди. Газ чувилларди. Қутурган аланга тили билан трубопроводларни яларди, оташ

гирдобн одамларни тўзғитмоқда эди. Ёниб турган кокс уюми ўсиб бормоқда.

Андрейнинг эс-ҳуши печни дарҳол тўхтатишда эди. У ўт орасидан ўзини отсекка, авария штурвалига урди ва ҳавони бержитди. Кокс фонтани тинди. Лекин отилиб чиққан кокс уюмлари оппоқ алангаланиб шопириларди. Гўё цехдаги ҳаво ҳам ёнар эди.

Олов устидан сакраб, Платон Тимофеевич югуриб келди-ю, йўл-йўриқ бера бошлади. Юзини ҳўл қўлқоп билан яширарди.

Андрейнинг ёш домначилари иссиқда, оташгоҳда, мутлақо чидаб бўлмайдигандек кўринган бир шароитда юзларини қўллари билан яширган ҳолда печь ёнидаги коксни суриб ташлаб, янги фурма қўйишар, соплони ўрнатишар, больтларни мустаҳкамлашарди...

Қарийб бир соатлик муддат бир дақиқадек ўтиб кетди. Шунча фурсат ўтиб, домнага яна ҳаво берилгач, кўп мураккаб бўлмаса-да, лекин анча қизғин иш — печь ёнидаги майдонни ёниб турган коксдан тозалаш бошланди. Талафот маълум бўла бошлади. Икки горновойнинг куйганликдан ишлай олмаслиги аниқланди. Бошқалари ҳам димиққан ва ўпкаларига газ тўлганлигидан зўрға юришарди. Андрейнинг боши айланар, аъзойи-бадани ниҳоятда дармонсизланганидан худди турган жойида ётиб қолгудек эди. Лекин у бўш келмас, ўртоқларига далда берар, алланималар дер, нима деяётганини ўзи ҳам билмас эди.

Медицина ёрдами чақирилди. Куйганларни шаҳар касалхонасига олиб кетишди; енгилроқ куйган ва яллиғ олганларга шу ернинг ўзида ёрдам кўрсатишар — мой суртар, бинт боғлардилар. Аллаким: «Худди фронтдагига ўхшайди... Атрофда ҳамширалару санитарлар» деди.

Учинчи печь участкасига завод директори Чибисов етиб келди, цех ва завод партия комитетларидан, жасаба союзидан, ҳар ёқдан одамлар келди. Чибисов экспертиза ўтказишни, авария сабабларини аниқлашни буюрди. Сабабини топиш сира қийин бўлмаганидан мутахассислар уни дарҳол топишди. Ҳар ким яқин бориб, сопло тирсагини фурма тешигига зичлаб турадиган боғичнинг узилиб кетганини кўриши мумкин эди. Боғич деталларнинг бирида қуюв ишига тегишли брак — эскирган ички дарз бор эди.

— Ким айбдор? — деб сўради цех бошлиғи.

— Ким эмиш... Қидириш керак, — деб жавоб берди Чибисов.

Андрейни машинада уйга олиб кетишди. Врач ҳар қанча қистаса ҳам у касалхонага боришга жўнмади. «Арзимаган нарса! — деди у врачга ўзини тутиб. — Шунини деб касалхонада

чўзилиб ётайми? Қўйсангиз-чи, доктор!» Қисқаси, у медицинани чалғитди-ю, бундан жуда хурсанд бўлди. Уйда совқотди ва одеял ёпиб ётди. Лекин одеял баданга тегиб оғритди. Одеялни олиб ташлаган эди — совқотди. Ёпса — яна оғриди. Жаҳлига чидолмай ағнайверди, қулай вазиятни сира тополмади.

Кечқурун Капа билан учрашиши жераклиги уни янада безовта қиларди. Улар кузги паркларда сайр қилишмоқчи эди. Капа барглар устидан юришни яхши кўришини, улар оёқ остида ёқимли ва оромбахш шитирлашини айтган эди. Мана энди Капа уни кутади, у боролмаса қандоқ бўлди...

Йўқ, Андрейнинг бормаслиги мумкин эмас, асло мумкин эмас. Вақт белгиланган соатга яқинлашганда у ўрнидан туриб, жийинди...

Унинг аҳволига Капанинг дарҳол кўзи тушди.

— Сиз ақлдан озибсиз, Андрей!— деди у. — Сиз қаттиқ касалсиз. Дарҳол уйга боринг!

Андрей жилмайди ва йиқилай деб турганини сезиб, Капанинг қўлига маҳкам ёпишди. Капа уни ушлаб қолди.

— Қандай нодон одамсиз!— деди у. — Наҳотки йигирма тўртга кириб ҳам болаликни қўймасангиз? Мен сизни нима қилдим энди?

— Билмайман, — деди Андрей ўзини зўрға тик тутиб. У кўзлари ярим юмуқ ҳолда оқилмаярди. — Ҳеч нарса билмайман. Билганингизни қилинг. Мен сизни севаман.

Капанинг уни тутиб турган қўллари титраб кетди.

— Шу ерда бироз тўхтаб туринг, — деди у. Андрейни боғ панжараси ёнига элтар экан. — Панжарани ушланг. Мен ҳозир желаман. Йиқилиб тушманг тагин.

Капа таксида қайтиб келди. Андрей панжара олдидаги ерда, бошини тиззасига солинтириб ўтирарди. Капа уни турғиза бошлади.

Ўз шоферлик фаолиятида кўпни кўрган шофер ҳеч қачон ва ҳеч нарса билан иши бўлмасди. Лекин бу сафар у қараб туролмади. Андрейни машинага ўтқазишга ёрдамлашди. Капа шофер нимани ўйлаётганини билиб турарди. «Ёшгина. ёқимтойгина экану, лекин ҳозирданоқ ичкиликбоз одам билан саргардон бўлиб қолибди» деб ўйларди у, албатта. Лекин Капа бундан сира ташвишланмас ва хижолат бўлмасди. Нима деса, деяверсин, деб ўйларди ўзича Капа.

Андрей яна ўринга ётқизилди ва устига одеял ёпилди. Унинг ҳамма ёғи оғир, лекин индамасди. Капа унга ажабланиб боқар ва ҳаяжонланарди. Ахир, Андрей уни севишини айтди-ку, ўз оғзи билан айтди-ку, демак севади. Бу довдираш эмас. Андрей гарчи ўзини жуда ёмон ҳис қилса ҳам, лекин у беҳуш эмас, эси ўзида.

— Сиз ёта туринг, Андрей, мен дарров келаман, — деди Қапа кийина туриб ва дорихонага югуриб кетди. Қапа оғриқ босадиган, куйганни тузатадиган, уйқу келтирадиган ҳар хил дорилар харид қилди, уларнинг жўплигидан пальтосининг чўнтаклари дўппайиб кетди. Дорихонадан чиқа туриб автомат телефонга кўзи тушди-ю биров уйлаб туриб, уйига хабар беришга қарор қилди.

— Ойижон, — деди у, — мен кеч қоладиган бўлсам, ташвишланиб ўтирма. Кейин, кейин ҳаммасини айтиб бераман. Шу ҳолда айтиб беролмайман, ахир... Автоматдан гапиряпман... Хуллас, безовта бўлма. Ҳа, ҳа, ҳаммасига тушунаман.

Бўлажак врач, ҳозир сочлари калта қирқилган юппоққина қизалоқ, ўз умрида биринчи марта беморни мустақил даволамоқда эди. Бу унинг биринчи, дастлабки бемори эди.

Андрей ювош, инжиқлик қилмайдиган яхши бемор эди. У Қапа айтган дориларни ичар, унинг ҳамма кўрсатмаларини бажарарди. Андрей ўзининг ўша сўзларини яна айтишини Қапа жуда хоҳлар эди. Лекин Андрей кўзлари юмуқ ҳолда:

— Сиз менга бирор жавоб айтмадингиз-ку, — деди.

— Сиз мендан ҳеч нарса сўраганингиз йўқ-ку.

Дмитрий келди, у учинчи цехдаги авариядан хабардор эди: бу тўғрида бутун заводда гап-сўз юрарди. Лекин Андрейнинг аҳволи бунчалик ёмон эканини Дмитрий билмасди, чунки унга, Андрей цехдан ўзи юриб чиқиб кетди, биров димиққан экан, дейишган эди.

— Ҳечқиси йўқ, Андрюшка, — деди у. — Тўйгача тузалиб қолади. Врачнинг жуда ажойиб экан!

— Дмитрий Тимофеевич, — деди Қапа. — Энди сиз ҳам врач бўласиз. Беморни қўлингизга топшираман. Кечаси уйғотиб, мана бу порошокни ичирасиз. Эрталаб — мана бу мойни суртасиз. Эртага эса ўзим... Мен албатта келаман. Хўпми? Сизга ҳалақит бермайманми?

Қапа кетиш олдида Дмитрийга билдирмай Андрейнинг юзини силади. Андрей Қапанинг сезилар-сезилмас қўл теккизишидан данг қотиб қолди.

— Тахминан бўлса ҳам айтсанг, бу қиз ким ўзи, Андрей Игнатьевич? — деб сўради Дмитрий, Қапа ортидан эшик ёпилгач. — Уйнашиб-кулишиб юрибсану, лекин қариндошларингга айтмайсан.

— Медицина институтида ўқийди.

— Келгусида ўлимга мардикор экан-да. Отаси, онаси кимлар унинг?

— Партия ходими.

— Бу отасидир. Онаси-чи, онаси ким?

— Билмадим. Уйда ўтирса керак.

— Бу нима деганинг, уларнинг уйида бўлмаганмисан?

— Йўқ.

— Нега энди? Таклиф этишмайдими? Сендан, дўстим темир ҳиди келадигандир? Нодонсан-да, Андрюшка! Шундай кап-катта бўлсанг ҳам, ҳамон гўдак болага ўхшайсан. У билан ошиқ-маъшуқ бўлишинг, у-бу қилишинг мумкин, албатта, бунга иштиёқ бўлса агар. Лекин ўзинг бўш келма. Сўлагингни оқизма.

— Амаки!— деб қичқирди Андрей, ўрнидан туриб ўтирар экан. — Бу гапингни қўй, амаки! Бундай дея кўрма.

— Ёт дейман, ёт. — Дмитрий унинг елкасидан тутди, бироқ Андрей уни итариб юборди, инграб ўзини ёстиққа ташлади.

Капа онаси билан узоқ суҳбатда бўлди.

— Менга ҳаммасини айтиб берасан, — деди Анна Николаевна, Капа уйга қайтиб келганда. — Мен ошиқиб юришингни кўпданоқ сезиб юрибман. Мендан яшираётган сиринг бор.

— Мен сенга ҳаммасини айтиб бераман. Отам мени ҳамма вақт тўғри ва дадил бўлишга ўргатган. Менимча, у айтганига эришди. Ҳа, мен сенга айтиб бераман. Марҳамат. Ойи, мен ҳозир бир жуда яхши йигитнинг уйида бўлдим, исми Андрей.

— Вой худо!— деб қичқирди Анна Николаевна. — Капочка!

— Шовқин солма, ойи. У касал ётибди. Бугун домна печида бўлган қаттиқ аварияда у қуйган. Ўзи домна мастери.

— Капочка!..

— Нима бўпти, нима — Капочка?

— Ҳали сизларнинг?..

— Нима — ҳали сизларнинг? Ойи, сенингча, бизларда нима бўлиши керак эди. Агар ҳеч қанақа *бизлар* бўлмай, у ҳам ўзича, мен ҳам ўзимча бўлсам-чи.

— У сени...

— Билмадим, — деди тапни бўлиб Капа. — Эҳтимол.

— Сен-чи?..

— Мен ҳам билмайман. Эҳтимол, ҳа.

— Капочка!— деб қизгин гапира кетди Анна Николаевна. — Сен ҳали шундоққина боласан-ку. Бу бўлмаган гап. Отанг ҳам сени уйдан ҳеч қаерга юбормайди. Эр қилишингга вақт эрта.

— Эр қилиш эмиш?— деб ажабланди Капа. — Ким шундай деяпти? Менми?

— Нима, бўлмаса?..

— Ойи, сен менинг фикримни биласан-ку. Агар мен севиб қолгудек бўлсам, ишқимга ана шу никоҳ бўйинтуруғини илмайман. Ўзинг биласан. Бунга сенга неча марта айтганман.

— Гапиришга келганда ҳар нарсани ҳам гапиравериш мумкин. Лекин амалий ишга келганда...

— Қўйсанг-чи, ойн, ҳеч қанақа иш йўқ. Мен ўзимга нима бўлаётганини сира билмайман. Бўлди энди, бўлди... Мен сенга ҳаммасини айтиб бердим. Тўғри ва одил туриб айтдим. Бундан отам хурсанд бўлаверсин.

— Мен нимадан хурсанд бўлишим керак экан? — деб сўради Горбачев, кириб келаётиб. — Бугун ўлгудек чарчадим. Заводга бордим. У ерда авария бўпти. Печь ишламай туриб қолибди. Қам металл беришди.

— Ҳаммасидан ҳам одамлар шикаст топганини айтмайсанми, дада.

— Сен қаёқдан биласан, қўзичоқ?

— Ах, Ваничка... — дея олди Анна Николаевна.

— Сен йиғлаяпсанми, Нюра? Нима гап ўзи бу ерда?

— Дада, мен ҳозир ойимга домна цехининг мастери, ўша авариядан шикастланган бемор Андрей Ершовнинг тўшаги ёнида бугун бир неча соат бўлганимни айтиб бердим, — деди катъият билан Қапа дона-дона қилиб.

— Мана кўрдингми, одамларни даволай ҳам бошлабсан. Баракалла!

— Сен тушунмадинг. Қапанинг у билан муносабати...

— Муносабати деганинг нимаси? — Горбачевнинг юзидан жилмайиш ариди. — Нималар деяпсиз?

— Шуки... Улар ўйнаб юришибди... Бунини шундай дейди-ми ёки йўқми?

— Бу ростми, Капитолина?

— Ҳа, дада, рост.

Горбачев стулга ўтирди, бармоқлари билан столни тикирлатди.

— Нима бўлади энди? — деб сўради Горбачев.

— Мен билмайман.

— Қўпдан шундайми?

— Икки ойча бўлди.

— Сен унинг уйида бўлиб турасанми?

— Бугун иккинчи марта бўлишим.

Горбачев қошларини чимириб, полга қараб бармоқлари билан столни яна узоқ тикирлатди.

— Нега бизникига бир марта ҳам олиб келмадинг?

— Дада, бу саволга жавоб бермасам майлими? Жавоб бермасликка рухсат эт. Чунки қистайверсанг, мен жавоб бераман, албатта, лекин жавобим сенга ёқмайди.

— Ундай экан, албатта, жавоб беришинг керак. Жавоб бермаганингга қўймайман.

— Хўп яхши, — деди Қапа отасининг юзига дадил боқиб. — Милиционер туфайли.

— Тушунолмаётирман.

— Милиционер туфайли, дейман. Уйимиз олдида турган. Горбачев портсигарини олди.

— Сен кечаси чекмасдинг-ку, Ваня,— деб норозилик билдирди Анна Николаевна.

У қулоқ солмай, папирос олди-да, уни бармоқлари билан эзиб, чекди.

— Хўш, мен нима қилиб берай?

— Мен сендан ҳеч нарса истамайман, дада. Уйимизга Андрейни бошлаб келгани уяламан, чунки у бир кулда яшайди, уларнинг уйида ҳамма муносабатлар одамшаванда, илиқ-иссиқ ва дўстона, ўзлари ажойиб ёқимтой одамлар. Бизнинг уйимизда Андрейга милиционер ўқрайиб қарайди.

— Хўш, мени ҳозир бориб ўша милиционерни бўғизлаб ташлайди, деб ўйлабмидинг? Уни нима қилай? Уни бу ерга қўйган мен эмас-ку.

— Нима қилиш кераклигини билмайман, дада, лекин Андрей бизнинг уйимизга келмайди. У ҳатто қаерда яшашини ҳам билмайди. Мени Морская кўчасигача кузатиб қўяди.

— Сенинг отанг кимлигини ҳам билмайдигандир,— деб сўради Горбачев.

— Кечир мени, дада, ҳақиқатан яхши билмайди. Мен фақат; отам партия ходими деган эдим.

— Ана холос!— Горбачев ўрнидан туриб кетди, у елкасини учирар, хона бўйлаб кезинар ва жилмайиб: «Нечоглик нодонсан-а, қизгинам» дерди у.

Капа қулоқ солиб бўлгач, бундай деди:

— Сен мени мана бундоқлигимдан,— у қўли билан полдан ярим метр баландликни кўрсатди,— большевикка камтарлик ярашади, инсон учун энг муҳими ҳамма вақт содда бўлишдир, деб ўргатгансан. Мен шундай бўлиб улғайманми? Мен сендан бошқа қизларга ўхшаб серҳашам жийимлар, чет эл нейлонлари, бриллиант кўзли узуклар талаб қиляпманми? Соппа-соғ бўла туриб, курортларга юборишингни сўраяпманми?

— Йўқ, Капитолина, йўқ. Эътироф қиламан. Бунинг учун сенга қойилман.

— Мана энди, гап қўзғалгандан кейин ҳаммасини айтиш керак, деди. Мен сендан кўп нарсани ўргандим, ўрганяпман ва ўрганаман. Лекин айрим нарсаларни эмас,— улар менга керак эмас. Хафа бўлма.

— Улар нима экан, билса бўладими?

— Капитолина!— деди Анна Николаевна.— Отангни ҳажонга солма. Бўлмагур гап қилиб, беҳуда жанжал чиқарма.

— Йўқ, йўқ, гапирсин,— деди гапни бўлиб Горбачев.— Буниси жуда ҳам қизиқ.

— Гапиравераман. Масалан, сен физкультура билан тамоман шуғулланмай қўйдинг.

— Бу тўғри!— деб кулди Горбачев.

— Йўқ, нотўғри. Юрак бўшашиб қолиб, жисмоний таъзиқни кўтаролмайдиган бўлиб қолади. Сен ҳатто пиёда ҳам онда-сондагина юрадиган бўлиб қолдинг. Шаҳар боғига ақалли бир марта бордингми? Йўқ! Пляжга-чи? Борганинг йўқ! Шунчаки бозорга-чи? Яна йўқ! Ҳамма нарса тўғрисида протоколларга, ахборотларга қараб фикр қиласан...

— Мана бугун заводда бўлдим-ку.

— Фалокат юз берибди, бўлибсан. Шунда ҳам атрофингда бир тўда мулозимлар бўлгандир. Бир ўзинг, ўзинггина бўлсанг эдинг... Тушундингми, бир ўзинг? Мен кўчаларда, қирғоқ бўйида сайр қилгим келади, кечқурун у ерда қумлардан юриш жуда яхши. Қани энди илгаригидек қўл ушлашиб юрсак. Бу аллақайси савдогарнинг уйида яшамай, квартирада, зинапояларда сен билан эрталаб саломалик қилишадиган, об-ҳавонинг яхши-ёмонлигини гаплашадиган қўшниларибг бўлган яхшигина, оддийгина квартирада яшагиси келади одамнинг. Наҳотки сен буни хоҳласанг?

Горбачев бўйинини силарди. Қизалоқ кўп ҳақ гапларни айтаётган эди. Унчалик яхши яшаётгани йўқ эди, албатта. Лекин ҳаммасининг ҳам сабаби бор. Азобда қолган одам у, ўзи тўғрисида ўйлашга вақти жуда, жуда кам. Нима учун у ҳамма ерда машинада елиб-югуради? Улгуриш, кечикмаслик учун, беш-ўн минутни тежаб қолиш учун. Нега пляжга сайр этгани бормайди? Чунки уйга ҳориб қайтади, ётгиси келади. Нега кечқурун одамлар билан бирга бўлгиси келмайди? Чунки куни билан улардан шундоқ ҳам толиқади: уззу кун одам, одам, одам... Ҳаммага бирор нарса керак; ҳар ким бирор нарсани талаб қилади. Урушдан илгари у бироз рояль ҳам чаларди, энди ташлаб юборди. Бутун уйдагиларни унутди.

— Гапиравер яна,— деди у, Капанинг жим бўлиб қолганини кўриб.— Савалайвер мени, аяма.

— Бўлди,— деди Капа.— Бир сўз ҳам айтмайман. Ҳаммасини ўзинг яхши биласан.

Улар ўз хоналарига кириб кетишди. Анча вақт бўлиб қолган эди. Капа ўрнида ётиб, отаси ва Андрей тўғрисида ўйларди. Бир вақтлар отаси ҳам мана шундай, Андрейга ўхшаган бўлган, Капа отаси ва онасининг ҳикояларида ўз отасини худди шундай деб тасаввур қиларди. Лекин отаси кўпроқ жамоат ишлари, революцион ишлар билан шуғул-

ланган. Андрей ҳам ўз домна ишларини худди шундай иштиёқ билан қилади. Ўша довжуррак, азамат шўрлик йигитнинг аҳволи не кечди экан? Дмитрий амакиси унинг топшириқларини бажараётганмикин? Тезроқ тонг ота қолсайди: дарсдан сўнг у дарҳол Андрей ёнига югурарди...

Дмитрий Капанинг топшириқларини яхши бажарарди. У кечаси соат иккида Андрейга Капа буюрган порошокларни ичирди. Бу вақтда Андрей ҳам, Дмитрий ҳам ухламаган эди. Андрюшкани кўргани Платон Тимофеевич келди. У роса койинарди.

— Дмитрий, буни қара, ахир,— дерди у бўғилиб.— Мен печлар ёнига қарийб беланчакдан тушибоқ борганман. Уларни мен билмай, ким билсин! Уларнинг гапларини қара: «Ўртоқ Ершов, бош мастер.— практик одам, роса ўрганиб, тажриба ҳам орттирди, бунинг учун унга шарафлар бўлсин. Лекин йўл маълумотли, дипломли кишиларга бериләди. Йўқса бугунгидақа авариядан кўп бўлади» эмиш. Аблахларнинг топган гапини қара: Практик, эмиш. Мамлакатга ўттиз саккиз йилдан буён металл етказиб бераман, қанча бўлишини биров ҳисоблаб кўрса эди. Тоғ-тоғ бўлади! Улар — практиксан, дейишади.

— Нега энди ҳаммасини сенга тўнкашади. Платон амаки?— деб сўради Андрей.— Ўз участкамда, ўз сменада — мен жавобгарман. Дипломим бор. Мен практик эмасман.

— Сени ҳисобга қўшишмайди. Сен жўжасан.

Платон Тимофеевич уйига кетмай, ота кулбасида ётиб қолди. Андрей уйқуга кетган амакиларининг пишиллашини эшитиб ётарди. Улар унчалик ширин сўз бўлмай, дағалроқ, лекин одил одамлар эди. Амакилари уни ота-онасиз катта қилишди, ўқитишди, ҳамма вақт уларнинг ўз ўғлидек бўлди, йўлга солишди, мутахассис қилишди, яхши ва ажойиб касб эгаси қилишди. У яна Капани, унга домна цехини кўрсатиш кераклигини, Андрейнинг иши унга маъқул бўлишини ўйлади, у ойим қизлардан эмас, отасининг партия ходими бўлиши бежиз эмас. Андрей Капанинг кафти теккан юзини ишқалаб қўйди. Унга шундай туюлдими, ёки ҳақиқатан шундайми, ҳар нечук унинг димоғига Капанинг атир ҳиди ҳамон келиб турарди. Андрей оғзидан чиқиб кетган, севги тўғрисидаги сўзларни Капа эшитмай қолди шекилли, деб хафа эди. Ёки нима тўғрида гапирганини Капа тушунмаганмикан.

У, Капанинг ҳамма вақт ўзи билан бирга бўлишини хоҳларди. Агар шундай бўла қолса эди, у шундай яшар, ўқир, ишлар ва шундай киши бўлур эдики, Капа уни тан-

лаганидан сира нолимас, ўз Андрейи билан фахрланиб юрарди. Вақти келиб у Платон амакиси сингари бош мас-тер бўлади, унинг тўғрисида ҳам газета ва журналларда ёзиб чиқишади. Қапа одамларни даволай бошлайди, завод касалхонасига ишга кирса ҳам ажаб эмас...

Андрей истиқболда ажойиб ҳаётни кўрар. Истиқбол ҳам бундай ажойиб ҳаёт билан тўла эди.

12

Константин Орлеанцев ўзининг кузги кулранг пальтоси ёқасини юқори кўтарган ва қўлларини кенг чўнтакларига тикқани ҳолда, оқшом оралаган шаҳар боғидаги нам скамейкада ўтирар эди. У ўзини скамейканинг қайрилма сунъичиғига ташлаб, таг чарми қалин, пишиқ ботинкалик оёқларини ликиллатарди. Унинг ёнида сочи бироз тўкилган, қирқ беш ёшлардаги бир одам ҳаво ранг ва қадди-бастига мос келмайдиган калта макинтошида ғужанак бўлиб қисилиб ўтирар эди. Орлеанцев уни техникумдан топиб олиб, кўпдан бери у билан гаплашмоқчи эканини айтиб кўчага олиб чиққанича икки соатдан буён совуқда олиб юрибди.

— Мен сизга айтганимдек, Крутилич,— Орлеанцев ўз ботинкасини кўздан кечирарди,— мен буни бошқаларга ҳам кўп марта айтганман, сизнинг проектингиз шахсан менга маълум ва жуда қимматли кўринади. Ҳар ҳолда — жиддий эътибор беришга арзийди.

— Ана кўрдингизми! Улар бўлса йўққа чиқаришди!— деди Крутилич туриб кетадигандек ўтирган жойида бир сапчиб қўйди.

Орлеанцев унинг пиджак устига чиқарилган кўйлагининг кир ёқасига, макинтош елкасига тўкилган қазғоқларга, очиқ бўйнининг совуқ ғуддачалар босган кўк терисига назар солди. Орлеанцевнинг юзида одатдагидек, лоқайд истеҳзо билан илжайиш мавжуд эди.

— Улар деганингиз кимлар?— деб сўради Орлеанцев.

— Домна цехининг бош мастери Ершовдан бошлаб ҳаммаси. У, менинг таклифимни биринчи бўлиб рад этди. Кейин — директор, Чибисов. Мен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Горбачев олдига ҳам бордим. Қабул қилиб, жуда яхши гаплашди. Оқибат нима бўлди денг? Ҳеч нарса бўлмади. Редакцияга бордим. Яна ҳеч гап бўлмади. Бизда ҳақиқат йўқ, Константин Романович.

— Сиз жаҳл устида бундай деяпсиз.

— Нега жаҳл қилай? Бир умр сарсон-саргардонман. Турли кашфиётлар, такомиллашлар, тузатишлар учун олган ўн олтита патентим бор. Биттасини ҳам ўтказолмадим,

ишлаб чиқаришга жорий қилолмадим. Чет элда миллионер бўлиб кетардим. Ўзлари семириб ётишибди... Бундай гапим учун кечирасиз. Лекин мен доим ёчман. Мен чақа билан, техникумдан оладиган яримта маош билан кун кўраман.

— Нега бундай? Нега бошқа жойга бормайсиз?— деб қизиқсинди Орлеанцев.

— Бошқа жой дейсизми? Мени ёқтиришмайди, Константин Романович. Мен тўғри одамман. Мен бир умр ҳақиқат йўлида курашаман. Кўриб турибсизки...

— Нима кўриб турибман?

— Бўшатиб юборишади. Мен ёқимсиз одамман, тўраларга тинчлик бермайман. Мендан қутулиш йўлини албатта ўйлаб топишади.

— Менга қаранг,— деди Орлеанцев.— Юринг, овқатланайлик. Мен ҳам эрталабдан буён овқатланганим йўқ. Меникига, меҳмонхонадаги номерга, нима дейсиз? Мен ҳали ҳам меҳмонхонада яшайман. Ўлгидек қиммат. Заводнинг уйи фақат янги йилга яқин битади, дейишади.

— Билмадим. Бу уйда менга тегмайди. Мен каламуш инида яшайман. Чол-кампирдан бир кичкина хонани ижарага олганман.

Орлеанцев томонидан номерга чақирилган официантка овқатлар карточкасини ола келган эди. Орлеанцев Крутиличга:

— Марҳамат, танланг,— деди.

У ҳамма овқатлар номини сидирғасига ўқир, очлигидан сўлагини ютарди. Унинг юпқа тери билан қопланган дўнг яноқли юзи ёмон тарашланган бўлиб, сариқми, кўкми эканини билиб бўлмасди. У чўчқа гўшти, карам, картошкани кўп бўлган овқатларни буюраверди. Кейин Орлеанцев ҳам паст товуш билан алланима деди.

— Лекин тезроқ келтиринг, азизим, йўқса очкиб ўламиз,— деди у официанткага.

Тез орада ароқли графин пайдо бўлди, столга закускалар қўйилди. Орлеанцев рюмкаларни тўлдирди, Крутилич таклифининг муваффақият билан амалга оширилиши учун қадаҳ кўтарди. Ичиб бўлгач:

— Бу сизга нақд юз минг сўм келтириши мумкин,— деб қўшиб қўйди.

— Юз минг дейсизми?— деди Крутилич унга кўзларини жовдиратиб.

— Хўш, оиз нима деб ўйлаган эдингиз? Албатта. Лекин бунинг учун, шу юз минг учун курашиш керак бўлади. Кўп тўсиқлар учрайди. Улар орасидан ўтиб кета билиш керак.

— Мен шундай қилолмайман.— Крутилич закускаларни

ютар. унинг жиғилдонида ўтаётган ҳар бир луқма билан бирга ёғиллаган овоз эшитиларди. Таклиф этишни кутиб турмай, унинг ўзи рюмкасига қуйиб, ичди.— Мени эзиб ташлашади.

— Бўш келмаслик керак. Кучлироқ бўлинг. Сиз юз минг сўмнинг қадрини биласизми? Бу, биринчидан, сиз яхши кийинасиз, деган гап. Иккинчидан, закускага ейдиганингиз бунақа арзимас қишлоқи «салатлар»у «селедкачалар» бўлмайди. Сиз Москвага жўнаб кетишингиз мумкин, у ерда ҳамма нарса «Арагва»нинг кабинетлари... сизнинг хизматингизда бўлади. «Гранд-отель»нинг официантлари махсус гардеробда пўстинингизни ўзлари олишади. Сиз дўстларингизни таклиф этасиз... Москвада қандай нозанинлар борлигини биласизми, дўстим!

Крутиличга жон кирди, унинг юзидан телбалардек диққатпазлик ифодаси йўқолиб, у ҳатто кула бошлади.

— Ростми? Ҳазил қилаётганингиз йўқми?— деб такрор, такрор сўради у Орлеанцевдан. У тинмай еб, ичарди. Қайфи тез оша борди.— Қандай, қандай курашмоқ керак?— деб қисталанг қиларди.— Улардан қандай қилиб кучлироқ бўлиш мумкин? Қарс икки қўлдан чиқади. Улар бир-бирини ҳимоя қилади. Ҳатто редакция ҳам менинг мақоламни босиб чиқармади. Нега дейсизми? Чунки директор Чибисов редактор Бусирин билан ошна. Ошна ўз ошнасига қўл кўтарармиди.

— Кўриб турибманки, сиз, Крутилич, ҳақиқатан ҳам кўп жабрлангансиз. Сиз ҳамма нарса ҳақида кескин фикр айтасиз.

— Бундай турмушга чидолмай, хотиним мени ташлаб кетди. Хотин киши билан танишсам, уни меҳмон қилолмайман, гул сотиб олиб беролмайман. Ўзим ўн сўмини юлиб қолишга тайёрман. Бу нима деган гап? Бу қандай тушкунлик! Тағин, ҳамма йўллар очиқ, ижодиётга кенг майдон берилган,— дейишади. Ўсинг, ўз талантларингизни ривожлантиринг, эмиш. Нуқул қуруқ гап.

— Нега энди? Масалан, мен ўз тақдиримдан нолимайман,— деди яна ўшандай лоқайд, истеҳзо билан жилмайиб Орлеанцев.— Мен аёллардан ўн сўмликлар юлиб олмайман.

— Сизнинг омадингиз келган. Бошингизга бахт қуши қўнган. Уларнинг бирортаси ҳам сизнинг йўлингизга ҳали тўсиқ бўлмаган. Лекин бир нарса деб бўлмайди... Сиз нима қилиб бу ёққа келиб қолдингиз, мақтаган Москвангизни нега ташлаб келдингиз? Ана, индамайсиз-а? Йўқ, азизим Константин Романович, сиз уларни ҳимоя қилманг!

Крутилич шовқинлар, стол суриб қўйилган меҳмонхона диванидан туриб кетмоқчи бўларди. Эҳтимол, у, қорни тў-

йиб, баданига иссиқ югургач, номерда кезингиси келгандир. Бироқ, у ўрнидан туролмасди. Бўшашиб қолган эди. Орлеанцев яна бироздан сўнг ўз меҳмони тамоман ҳолдан кетиб, номерда қолишини кўриб турар, унда оворагарчилик ортишини биларди.

— Биз бироз сайр этишимиз керак, деб ўйлайман,— деди у.— Бироз совуб, яна давом эттирамиз. Бутун кеча ўз ихтиёримизда.

Крутиличнинг кетгиси келмасди, лекин Орлеанцев бўш келмади.

— Тоза ҳаво керак, кислород керак,— дерди у, меҳмонга макинтошини, уриниб, унниқиб тусини билиб бўлмайдиган ҳолга келган шляпасини тутқазиб. У Крутиличнинг адресини сўради, гўё сайр қилиб кетаётгандек, уни уйига бошлаб кетди. Крутилич ўша адрес олиб келган ҳовлилардан бири ичкарасидаги эски уй олдида тўхтади ва тантана билан эълон қилди:

— Сизнинг итоаткор қулингиз истиқомат этаётган дангиллама уй мана шу. Кириб мунаввар этишингизни сўрайман.

Орлеанцев бир нав манзарани кўраман деб ўйлаган эди, лекин Крутиличнинг хонасида кўрганлари унинг ўйлаганидан ҳам ошиб тушди. Бу ер дим, ифлос, зах хона бўлиб, бадбўй ҳид келиб турарди. Пастак шипдаги пашша ўтириб ташлаган абажурсиз лампочка сири занглаб кетган тор каравотни, қўнғиз кемириб ташлаганидан теварагидаги полни сариқ чанг уюмларига тўлдирган қора шкафни, бўялмаган квадрат столни, оёғи синиқ бир неча стулни ва занглаган ясси темир билан ўралган сандиқни ёритиб турарди. Бу хонадаги бор-йўқ нарсаси шу эди.

Крутилич сандиқни очди, ўз кашфиётлари ва такомиллаштирилган нарсалари учун олган патентларини биринкетин столга олиб ташлай бошлади.

— Мен техниканинг бирорта тор соҳасида қолиб кетган эмасман, фикрим кенг. Бу ёмонми, ахир? Мен бунга айбдорманми?— дерди у.— Мана, масалан, янги занжир тугма... Шундай, эсимга ўзи ҳазил-ҳазил билан келиб қолди. Принципи, эҳтимол, янги эмасдир. Лекин бунинг айрим жиҳати ўзимники. Уни ҳеч ким ва ҳеч қаерда олишни истамасди. Нима кераги бор? дейишди. Бунинг қандай афзаллиги бор? Сизникича қилса ҳам, аввалгича қилса ҳам бўлаверади. Бу билан ҳеч бир ўзгариш бўлмайди, дейишди. Мен бир машинанинг конструкциясини ишлаб чиқдим. Парниклардан редискани йиғиб оладиган комбайн деса бўлади. Уни ҳам олишмади. Мана, гул солиш учун мосланган тикув машинаси.

— Уни ҳам олишмадими? .

— Ҳа, олишмади! Чет элдаги намуналари яхши, дейишди. Бунни шунчаки чалғитиш учун айтишади. Айни вақтда ўзлариникини суқишади. Мен сизга айтдим-ку: қарс икки қўлдан чиқади, деб.

Орлеанцев олдида кўпгина омадсиз кашфиётчилар авлодининг типик вакили турар эди. Улар бир замонлар, бир неча асрлар аввал, олтин яшаш учун зарур тош излаган эдилар: кейинчалик доимий двигатель ихтиро этдилар; ундан кейинроқ эса, ҳамма нарсани — занжир тугмадан тортиб аллақандай редиска йиғиш комбайнларигача кашф қилдилар. Орлеанцев главкада ишлаганда унинг олдида Крутиличнинг оға-инилари тез-тез келиб турар, уни бюрократизмда, уларнинг ихтироларини ўзлаштириб олишда, ҳатто зараркунандаликда айблар, ундан шикоят қилишарди. Улардан айримлари бўлмағур ва арзимас механик асбобларни жорий этиш юзасидан эпчиллик билан битим тузиб олиб, яшнаб кетарди; маҳорати озроқлари аранг учма-уч келтириб юрсалар, қолганлари хароб эдилар. Бугун кечқурун ўзи билан бирга бўлган бунақанги бедавони эса, Орлеанцев ҳеч кўрмаган эди.

— Сизга яна айтаманки, — дерди Крутилич, — чет элда миллионер бўла олардим. Бўлардим ҳам, ҳа! У ерда ҳар хил шахсларни илоҳийлаштирмайдилар. Бизда-чи? Мияси суюлган академикнинг сўзини худонинг ўзи гапираётгандек тинглашади, лекин номи чиқмаган ишчан одам ўз гапини уқдириши амримаҳол!

Крутилич сўкинар, заҳрини сочар, ҳаммага ҳасади келарди. У ҳамма вақт бадавлат гўзал турмушни орзу қилар, бироқ унга сира эришолмасди. У ҳам халқаро вагонларда жанубга — Кавказга ва Қора денгизга борадиган одамларники сингари чиройли костюмлар кийгиси, гўзал хотинлар орасида бўлгиси, кенг ва жуда яхши жиҳозланган квартирада яшагиси келарди. Ўзига буларнинг ҳаммаси лотарея ютуғи сингари, бирдан, бутунича, тўла-тўқис равишда келишини истарди. Наҳотки Орлеанцев тўғри айтган бўлса, наҳотки унинг қўлига юз минг сўм келиб тушса. Юз минга! Ушанда ҳамма, ҳаммаси муҳайё бўлади, бу даҳшатли қашшоқлик тугайди. Йўқ, улар, Крутилич ўзини ичкилик-бозликка уради-ю пулни исроф қилади, деб ўйлайди. Улар янглишади. Улар, Крутилич ижодиёт шавқини билмайди, тамаътир одам деб ўйлайди. Йўқ, ҳаммаси бошқача бўлади. У гарчи бадавлат ҳаёт кечирса-да, лекин яна кўпроқ ғайрат билан ишлайверади, мамлакатга, халққа юзлаб қиммат баҳо кашфиётлар қилиб беради. У ватанпарвар, бунини бошқалар билиб қўйсин.

— Константин Романович!— деб юборди у руҳи кўтарилиб.— Ишлашайлик, бирга курашайлик. Мен сизга ишонман, сиз меникини ўғирламайсиз.

— Нима деяпсиз, Крутилич! Раҳмат сизга. Жуда миннатдорман,— деб жавоб берди истехзоли кулиб Орлеанцев.— Лекин мен кашфиётчи эмасман. Менинг миям бундай эмас. Сизники ўзингизга. Лекин бўш келманг. Сизга халақит бераётган кучларни билиб олишингиз керак. Улар Домна цехидаги мағрур бош мастер Ершов халақит беряптими, ёки демократ директор Чибисовми, йўқса горком секретари Горбачев ёки редактор Бусириндир, улар якка-якками ёки ҳаммаси биргалашиб олиб халақит беряптими, мен билмайман, сизнинг даъволарингизнигина эшитиб турибман, ким халақит бераётганини билиб олиб, уни йўқотиш керак. Тушундингизми? Халқ манфаатлари шуни талаб этади — янги, соғлом, илғор нарсаларга йўлни очиб бермоқ керак, Крутилич. Бизда ёмон маънодаги интеллигентлик кўлайиб кетди. Бу рус интеллигенцияси ўртасида ҳамма вақт бўлиб келган. Кўп тапирамыз, муҳокама қиламиз, ишга келганда?.. Бизнинг ўрнимизга ишни бошқалар қилишади. Оқибати бизга қарши бўлиб чиқади. Биз камчилик ва нуқсонларга нисбатан мурасасиз бўлишимиз керак. Агар сиз нуқсонни кўриб қолсангиз, уни текшириб, нуқсон эканини билсангиз, сиз ўша нуқсон фош этилиб, жазосини тортмагунча хотиржам бўлишга ҳақли эмассиз. Балки, мен нотўғри айтаётгандирман?

— Сиз тўғри гапиряпсиз, тўғри! Сиз ҳақиқий, кучли одамсиз, Константин Романович.

— Менда қандай куч бўлсин! Одамнинг кучи унинг қилган ишида бўлади. Агар мен шунча нарсалар кашф этиб, шунчайин сиздек ижодий фикрлай олсам эдим, Крутилич, эҳтимол мен кучли бўлур эдим. Куч сизда! Сиз кучли! Сиз ҳали ўз кучингизга баҳо беролмай ётибсиз. Агар сиз уни сезсангиз, ўз кучингизга баҳо бера олсангиз, олдингизда ҳамма эшиклар очилади. Шуни билиб қўйингки, бизнинг асримиз техника, фан асри... Табиат олдида тиз чўкилган замонлар бўлган эди. Бизнинг ота-боболаримиз худоларга топинишар, уларнинг ибтидоий фикрига кўра, фақат ўшалар табиатнинг даҳшатли кучларига қарши тура олар экан. Кейин ташкил топган идеализм асрлари етиб келди: патер, пастор, ксендз, попни худонинг ердаги вакили этиб эълон қилдилар. Шафқат қилганлар ҳам, жазолаганлар ҳам, кўмаклашганлар ҳам, халақит берганлар ҳам ўшалар бўлди. Хоҳлаганларини қилишди. Ижтимоий идеялар гуркираб ривожланган асрлар яқинлашиб келди. Инсоният жамиятни қайта қуриш зарурлигини сизди. Жаҳонга энг жози-

бадор, мароқли идеяни берган одам ҳукмрон бўлиб қолди. Сиз менинг гапларимга тушуняпсизми?

— Ҳа, ҳа, албатта, Константин Романович. Бўлмаса-чи!

— Шундай қилиб, идеялар дунёни остин-устин қилиб юборди. Инсоният ижтимоий тараққиётининг янги йўллари топилди. Ҳозир ким етакчи, раҳбар куч бўлмоғи керак?

— Пролетариат.

— Бу тўғри, бу шунчаки ёд бўлиб кетган гап. Мактаб-боп гап. Бу шубҳасиз. Гарчи биз учун унчалик аниқ бўлмаса ҳам: бизнинг мамлакатимизда пролетариат эмас, ишчилар синфи бор. Хўп майли, лекин бу кучни ким уюштириши, уни ҳаракатга келтириши керак?

— Партиями?

— Бу ҳам тўғри, жуда тўғри, сиёсий саводингиз дуруст экан, Крутилич. Рост айтяпман, лекин, сизга айтсам, бу бироз бирёқламаликдир. Ҳамма нарсадан диалектикани излаш керак, Бизнинг асримиз, такрор айтаманки, техника ва фан асри. Демак техника ва фан бўйсунган одамларгина етакчи, раҳбар куч бўлмоғи керак. Инженерлар, азишим, инженерлар! Яъни сиз билан биз, биз.

— Тўғри, жуда тўғри! Сиз ажойиб фикр юритасиз, Константин Романович. Биз!

— Менинг фикрим шундан иборатки, агар сиздек бир кашфиётчи инженер одам ўзингизга ҳалақит бераётган бюрократларга қарши ҳужумга ўтсангиз, улар сизга дош беролмайди. Сафарбар бўлинг. Сизники ўзингизники бўлиши керак. Ҳа шундай! Ҳозирча хайр. Сиз билан танишганимдан ва кечани мароқли ўтказганимдан хурсандман. Крутилич, ихтирочи Крутилич, дейишади. Қим бўлди экан?— деб ўйладим. Бир бориб танишиб қўяй, дедим. Яна бир марта хайр. Хайрли кеч.

Крутилич Орлеанцевни ҳовлидан дарвозагача кузатиб қўйиб, хонасига қайтиб келди ва сандиғига тиқилиб ётган қоғозларини узоқ титкилади. Уларнинг ҳар бири ўз вақтида иш берган бўлиб, энди ҳаммаси эскириб қолган, янгиларини топмоқ керак эди. Бу, Орлеанцев тушмагур Крутилични лапашанг одам деб билиб, уни дарёга бемалол қуруқ олиб бориб, қуруқ олиб келиш мумкин, деб ўйлади шекилли. Йўқ, Константин Романович, янглишасиз. Крутилич жанг қилишни билади. Ўз вақтида, унинг кўпгина рақиблари иссиққина ўринларидан учиб кетган. Айримлари умуман. парча-парча бўлиб, космик чанг сингари олам бўшлиғида тўзғиб кетди. Ишлаш керак, ишлайди ҳам. Янги ҳужжатлар топилади, янги жанговар ишлар бўлади...

Крутилич сандиқдан қизил чарм эски портфелча олиб, ундан кулиб турган бир ёш хотиннинг суратини олди.

«Соня, сен янглишдинг, деди,—у фотосуратга қараб. Ҳа, янглишдинг. Мен қаерда эканлигингни билмайман, лекин мени қийин пайтда ташлаб кетганингдан бир кун ўкинасан».

Крутилич бу кечанинг тазйиқидан, ўрганиш қилмаган таомлардан, ароқдан, ўзи кўпдан буён эшитмаган дўстона, маъноли гаплардан толиққан эди. Унинг боши столга, Сонянинг кулиб туриб тушган фотосуратига энгашди. Соня унинг ёнига келди-да, елкасига қўлини ташлади, бўйнини силади, қулоқларининг орқасини қитиқлади. Крутиличга хуш ёқиб йиғлаб юборди.

Соня кўп нарсани билмасди, у Крутилични аллақачонлар ташлаб кетган. Улар институтда эканларидаёқ уйланиб, инженер бўлганларидан сўнг, мамлакат бўйлаб кўп кездилар. Соня унинг содиқ дўсти, ростгўй, очиқ кўнгилли аёл бўлиб, Крутилични турли директорлар ва бошлиқлар билан курашда қўллаб-қувватлар эди. Ўғил кўришгач, Соня ярим йил бўлар-бўлмас у ердан бу ерга кўчиб юришни истамаслигини, Крутиличнинг чиқишолмайдиган характери борлигини айтди. Уришиб қолишди. Кейин тез-тез жанжаллашадиган бўлишди. Ўўқ, шу садоқатли дўст Соня ҳам унга тушунолмасди. Ниҳоят у Крутиличникидан қочиб кетди. Шундай аллақаяёққа жўнади-ю. бутунлай йўқ бўлиб кетди. У Крутилич билан бирга экан, кўп қийинчиликлар кўргани рост. Сени бирдан ишдан бўшатишса-да, бир неча ой ишсиз юриб, сўнгги кийим-кечагини пулласанг, Сонянинг бўйинга ичдан осиладиган олтин крести ёки узуги сингари унинг ота-онасидан қолган сўнгги қақир-қуқурларини пулласанг, бу осон гапми. Ҳа, Соня у билан кўп жабр тортди, буни Крутилич инкор этмайди. Лекин Соня қочиб кетгандан сўнг нима бўлганини билса эди, кўрса эди! Кун бўйи қиладиган овқати — иккита картошка билан бир чимдим тузгина бўлиб қолган кунлар бўлди.

У бошини столдан зўрға кўтарди-да, олисдаги қоронғи бурчакка қараб:

— Ўкинасан ҳали. Юз минг-а! Сен юз мингнинг нималигини биласанми? Қайтиб келасан, тиз чўкасан. Сени қабул қилиш-қилмаслигимни ўйлаб кўраман, ҳали,— деди. Яна ўзича: «Унда сенинг менга нима керагинг бор? Москвада қандай нозанинлар борлигини сен биласанми?» деди-ю, Орлеанцевнинг номерида хизмат қилиб юрган официантка эсига тушди. Жажжигина хотин экан, лўппидан келган, ҳамма ёғи жойида... Крутилич илжайиб, стол ёнидан турди. Сонянинг сурати полга тушганини ҳам сезмай, унга оёқ босди-да, макинтошини кийгани кетди.

Кўча жуда совуқ бўлса ҳам, у олди очиқ кетаверди: ота-онаси болалигида барвақт унинг glandларини олдириб

ташлаган бўлиб, у ҳеч қачон шамолламас, томоқ оғриғи ҳам бўлмасди.

У марказий кўчага чиқди. Бу ерда сийраклашиб қолган йигит-қизлар ҳамон сайр этиб юрарди. Утиб бораётиб, у ҳар бир хотинга разм солиб қарарди. Беқарор хаёл билан борарди. Шу тарзда меҳмонхонага етиб борди. Ресторан ёпилиб қолган экан, ичкарига киритишларини сўраб, у бир официантка билан жўришиши кераклитини, унинг исмини билмаслигини, ўзи шундоққина дум-думалоқ, ёқимтой аёл эканини айтди.

— Уйингизга борсангиз-чи, гражданин,— деди унга меҳмонхонанинг тўнгроқ бир ходими.— Шу қадар ичибсиз-ки, зўрға турибсиз.

— Ишингиз бўлмасин!— деди Крутилич мағрурланиб.— Мен инженер бўламан, менга танбеҳ бермасангиз ҳам бўлади. Қаёққа бориш-бормаслигимни ўзим биламан.

Орлеанцевнинг қаерда туриши эсида бўлганидан у пиллапоядан меҳмонхонанинг иккинчи қаватига кўтарилди, қават навбатчиси бўлган аёл коридорга қўймаган эди, уни четга сурди-да, эшикма-эшик юриб, тақиллатди, калит солинадиган тешикларга қаради:

— Романич, Романич, менман,— дерди.

Эшиклар орқасидан овоз келар, очишмас эди, биров очгудек бўлса ҳам, наҳ шундай гаплар қилардики, асти қўяверинг. Лекин Крутилич ҳаммасига ҳам хушҳол илжайиб:

— Сенга нима бўлди, нега мунча авж қилмасанг! Нега бунчалик қўрс одамлар яшаркан бу ерда,— дерди.

Уни зўрға кўчага чиқариб юборишди. Яна йўлкаларда каловлаб юрди, йўловчиларга гап қотди.

— Гражданин.— деган овозни эшитди у. Милиционер яқин келмоқда эди.— Гражданин. Бўлар энди. Ўйнаб бўлгандирсиз. Ҳушёрхонада тунаб, йигирма беш сўм штраф тўлашни хоҳламасангиз, уйингизга жўнанг.

У милиционерлардан қўрқарди. Шунинг учун ҳам ширингина кайфи учиб, жунжиб, совқотганини сезди-ю каловлаганича, деворларни ушлаб, уйга жўнади. Орқамдан милиционер келяптимикан, деб аланглаб қарарди.

13

Степандан авиапочта орқали хат келди. У ўз хатида йўлга отланаётганини, икки ҳафтача йўл юришини, уни октябрнинг ўрталарида кутиш кераклигини ёзганди. Хатининг охирида у: «Сизларга кўпдан-кўп салом, азиз оғаларим. Меҳрибонлигингизни асло унутмайман. Степан» деб ёзган эди.

Ака-укалар яна тўпланиб, жиддий масалани қайта муҳокама қилишди. Бу сафар якшанба куни ота-оналари уйда, Дмитрийникида йиғилишди. Платон Тимофеевич икки та яримталик олиб келган бўлса ҳам, лекин ҳеч кимнинг ичкиси келмади. Дмитрийнинг одати — шундоқ ҳам маълум эди. Яков Тимофеевич эса, юраги сиқилиб, таъби хира бўлиб юрганини, пьесалар бўлмай, театр ҳозирча синмаган бўлса ҳам, лекин синай деб турганини сўзлади.

— Театрингга одамнинг боргиси келмайди,— деди Платон Тимофеевич.— Йиғлоқиликни авж олдирыпсиз. Саҳнада ҳам йиғи, залда ҳам шилқ-шилқ йиғи.

— Буни сен қайдан биласан, жонгинам?— деб ажабланди Яков Тимофеевич.— Мана бунинг танқидчи чиқиб қолганини қаранг, азизларим! Ўзи уч йилда икки марта театрға борибди-ку, яна.

Платон Тимофеевич ўз стаканига қуйди-да, дераза ёнида Дмитрийнинг кийимларини ямаб ўтирган Леляга қаради:

— Леля, сен менга шерик бўлмайсанми?— деди.

— Майли, Платон Тимофеевич.

Платон шкафдан рюмка олиб унга қуяр экан, хўмрайиб турган Дмитрий, рюмка Леляга узатилаётганда:

— Бу нимаси, Леля?— деди. Леля бўлса:

— Жунжиб юрибман, Дима. Неча кундан бери исимайман,— деди-ю, бир хўплаб ичиб юборди.

— Мен ҳам жунжиб юрибман.— деди Платон, бироз жим қолиб.— Ишлагани қўйишмайди. Нуқул аллақандай комиссиялар кезиб, искаб юрибди. Авариядан кейин хотиржам бўлишолмаяпти. Чибисовга: «Қачонгача шундай бўлади, Антон Егорич?» дейман. У бўлса: «Дунёда ғийбатчилар ҳали оз дейсанми, жонгинам. Сен билан бизга шунақа гапларни тўнкашадики, билсанг, йўлбарс бўлиб бўкирардинг» дейди.—«Нимани тўнкашади, дейман?»—«Кўп гап бор» дейди. Ана, шундан кейин ишлаб кўр-чи.

— Яковнинг театридагига ўхшаб, сен ҳам йиғлаяпсан,— деб кулиб қўйди Дмитрий.

— Йиғлаётганим йўқ. Алам қилади одамга:

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, ғийбатчиларнинг уруғини ўйнатиб қўярдим.

Эшик тақиллади. Леля очгани кетди. У, бир вақтлар Ершовнинг отаси билан дўстлашган етмиш беш ёшлардаги қўшни чол Мокеични бошлаб кирди.

— Уйда Диманинг ўзидир, дебман. Қира қолай, гугурт сўрайин, деган эдим, хотиним гугурт олиб келишни унутибди. Елғиздир, девдим. Бутун бир рота бўлиб ўтирган экансизлар. Омонмисизлар, болалар! Сизларни кўп бўлди

кўрмаганимга. Турмушларинг қалай? Ароқ ичасизларми? Чага қўйиб берсаларинг-чи, суяклар ором олсин.

Платон Тимофеевич ҳамроҳ топилганига хурсанд бўлиб. Мохеичга бир рюмка қўйиб берди. Леля ҳам рюмкасини келтириб қўйди.

— Леля, бас энди!— деди яна Дмитрий.

Леля бошқаларга қўшилиб яна ичди.

Мохеич қўшнисининг маслаҳати билан шаҳарга яқин бир қишлоқда турадиган доктор ёнига боддан даволаниш учун борганини сўзлаб берди.

— Шошмасдан, тартиби билан унга ҳаммасини тушунтирдим. Шимимни тушириб юбориб турганимча суякларимни кўрсатдим. У бўлса менга: «Менга қара, бобо,— дейди.— эгар сен, масалан, ахта от ё сибирий мушуги бўлсанг, ёки бирор бия бўлсанг эди, сен билан ростакасига гаплашардик. Ҳозир эса иккимиз ҳарчанд уринганимиз билан шимилдириқ ҳам чиқмайди». Шунақа илмий қилиб гапирди. «Афв сўрайман, дедим, нега энди чиқмас экан? Мен қуруқ келган эмасман. тегишли ҳақини бераман. Нега энди одамга бунча безътиборлик?»—«Худди сенинг одам эканлигинг учун шундай дейди, мен бўлсам, ветеринар врачман. Ҳайвонларни даволайман». Демак қўшним менга ҳазил қилган экан.

Кулишдилар. Эшик яна тақиллади.

— Меҳмон тўдалашиб келяпти,— деди Яков. Бу сафар Леля бирдан икки кишини—Виталий Козаков билан артист Гуляевни бошлаб кирди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди.

— Ўртоқлар,— деди Виталий. Козаков,— халақит берган бўлсак, кечиринглар. Яқин орадан ўтиб бораётиб кириб ўтишга аҳд қилдик. Дмитрий Тимофеевич, бу уйнинг эшигини меҳмонлар учун ҳар маҳал очиқ, деган эди.

— Хўш, ўтиринглар, меҳмон бўлинглар,— деди Платон Тимофеевич.— Қаерда эдинглар ёки қаерга бораётибсизлар?

— Шундай, шаҳар айланиб, сурат олиб юрган эдим,— деди Козаков.— Сира тиниб-тинчимайдиган Александр Львович зерикмаслигим учун менга ҳамроҳ бўлди.

— Нимани суратга олдингиз?— деб қизиқсинди Платон Тимофеевич.

Виталий этюдини очиб, хомаки расмларни кўрсата бошлади.

У ҳийла қилган эди. Улар Гуляев билан кулбага тасодифан йўллари тушгани учун кирмаган. Виталий ўз мақсадидан қайтмай, шу кунларда Дмитриининг портрети устида зўр бериб ишламоқда эди. Янги штрихлар, яна кузатишлар керак бўлиб қолди. Дмитрий уни хира одам экан деб айб-

ласа, унчалик очик чеҳра билан қарши олмаса ҳам майли, у барибир ўз ишини охирига етказиши керак. Гуляевни эса суҳбатлашиши, ўзи камроқ сўзлаб, кўпроқ кузатиб ўтириш учун таклиф қилган эди. Ҳар хил бўлмағур расмлар, чет эл журналларидан қирқиб олинган суратлар, сюрреалист ва абстракционистлар расмларининг фото нусхалари билан тўлган эски этюд дафтарини чалғитиш учун олиб келган эди. Тўғри, этюд дафтариди Виталий олган расмлар ҳам бўлиб, лекин улар ҳам эски, Москвада сандироқлаб юрган даврига оид: нуқул пейзажлар эди. Уларни томоша қилишар, маъқул бўлар эди.

— Яхши жойлар экан,— деб мақтади Платон Тимофеевич.— Россия! Ажойиб мамлакат!

Навбат қирқиб олинган суратларга етди.

— Қўйинглар-э!— деди Виталий ва этюд дафтарини олиб қўймоқчи бўлди.

— Қўйинглар эмиш!— деди қаршилиқ қилиб Платон Тимофеевич.— Қизиқ бўлса керак.

Суратлар қўлдан-қўлга ўтди.

— Қизиқ,— деди Яков Тимофеевич.— Лекин, ҳеч бало тушуниб бўлмайди. Қлизма найчалари, кублар ва тешиклар холос.

— Бу нима — расмларми?— деб сўради Платон Тимофеевич сира ишонмай.

— Умуман, шундай, расмлар.— деб жавоб берди Виталий.

— Буларни нима қилишади? Деворга осишадими? Ёки, ҳеч ким кўрмай қўя қолсин, деб альбомларга солинадими?

— Осиб қўядилар. Виставкалар ташкил қиладилар. Музейларда сақлайдилар. Мен ўтган йили кузда Парижда ана шундай бир виставкани кўрган эдим. Томоша қилишади.

— Витя,— деб гапга аралашди Гуляев,— яхшиларнинг бошини қотирма. Ўртоқлар, бунинг ҳаммаси — алаҳлаш. Бу санъат эмас. Санъат ғоят зўр, фидокорона меҳнатни талаб этади. Унинг яратилиши учун узоқ вақт, такрор айтаман, узоқ вақт керак. Санъатда ҳеч бир асл нарсани наридан бери юзага келмайди. Санъат одамни тамомила чулғаб олади. унинг бутун фикру ёдини, унинг ҳамма куч-қувватини олади. Мен чинакам санъатни айтаман, албатта. Бир нўноқ сураткаш,— Гуляев расвойи жаҳон суратлардан бирини бармоғи билан чертиб кўрсатди,— кап-катта расмни бир ярим соатда ишлаб ташлаганини ўз кўзим билан кўрганман. У, матога бўёқларни тўппа-тўғри ғилофидан худди рангли ичакдек ситиб чиқариб, бутунлай бетайин бир манзара ҳосил қилди-да, яна мағрурланиб: «Бу ижодиёт гимни. Эркин тафаккур меваси» деди.

— Мен Александр Львовичнинг айтганига қўшиламан,— деди Қозаков.— Бир француз билан қаттиқ баҳслашиб қолдим. У тахминан бундай демоқчи бўлди: совет тасвирий санъатингиз бўлмагур, натуралистик санъат. Сиз янгиликларини қидирмасдан, эскирган йўлдан бормоқдасиз. Ваҳоланки, воқеликни акс эттиришнинг икки йўли бор. Бири натурализмга, фотографияга олиб борадиган йўл бўлиб воқеликка ёндашишдир. Иккинчиси эса—воқеликдан узоқлашиш йўли—бу йўлнинг имкониятлари чексиз. Бунда рас-сомнинг йўлини ҳеч нарса тўсмай, у ғоят даражада эркин бўлади.

— Мана, воқеликдан узоқлашиш йўлида шунақа ажойиботлар вужудга келади,— деди Гуляев.

— Бу ҳақда баҳслашганларида,— деб қизиқсинди Дмитрий,— халқ нимани хоҳлашини, унга нима маъқул бўлишини, нимани қабул қилишини, нимани қабул этмаслигини суриштиришадими?

— Ҳа, шундай қилишади,— деди Қозаков,— маълум даражада суриштиришади, албатта. Масалан, виставкаларга келувчиларнинг фикри эътиборга олинади...

— Шундайин, келиб халқ билан гаплашилса, ўз режалари, қийинчиликлари тўғрисида сўзлаб берилса. Бирор одам шундай қиладими?

— Айрим рассомлар қилади.

— Бундайлар кам бўлса керак?

— Ҳаммаси эмас, албатта.

— Гап бундай,— деди Яков Тимофеевич,— ҳар бир рас-сомни ҳам, ёки, масалан, ҳар бир ёзувчини ҳам ҳаёт вақтида англаб олавермайдилар, деган бир назария бор. Бир хили ўз асридан анча илгарида боряпти, у новатор, гений унга келгуси авлодлар тушунади, дейишади. Бу бир гап. Бундай гап, хонаси келганда айтиб қўяй, театримиздаги айрим режиссёрлар ўртасида ҳам юради. Бошқача фикр ҳам бор. Санъат масалаларида оммага, оломонга эргашиб бориш ярамайди, дейишади. Унинг нимани маъқуллаши ва нимани маъқулламаслигига қараб ўтирадими. Унга ўз мақсадинини қатъият билан исбот этишинг ва унинг акс тазий-қини енгилсинг, ўзингга эргаштириб боришинг керак, дейдилар.

Буни ярим литр ичмай тушуниб олиш қийин экан,— де-ди Платон Тимофеевич, стопка ва рюмкаларга қуйиш учун шишани қўлига олиб.

— Нимасини тушуниш қийин! — деди Дмитрий,— ҳаммаси равшан. Агар у одам учун омма ҳам, оломан ҳам — бир хил нарса экан, ундан яхшилик кутмай қўя қол. У халқ-

ни ҳам шундай деб билади. У, оломон эканлигини, лекин омма эса... омманинг ўз тушунчаси бор.

— Унинг ҳам идеаллари бор,— деб секингина қўшиб қўйди Леля.

— Тўғри айтасан! — деди қувватлаб Дмитрий.— Мана, гражданин рассом ва гражданин ёзувчи, марҳамат қилиб, ана шу тушунча ва идеалларга муносиб келгин. Сен ҳавосиз бўшлиқда яшаётганинг йўқ, сен ҳам омманинг ичидасан. Шундай эмасми?

— Шундай, бу тўғри гап,— деб қўшилди Виталий.

— Ҳа, мос келгин, дейман. Шундай қила олсанг, омма, халқ сени қабул қилади, ўлганингагина эмас, тириклигингда ҳам севади. Бундай қилмай, одамларни миясиз оломон ҳисоблаб, оёқ учида кўрсатаверадиган бўлсанг, уларга ўзингникини зўрлаб уқтираверадиган бўлсанг—торт араванг-ни, оппоққинам, йўлингдан қолма!.. Инингга кириб олиб, ўлганимдан сўнг авлодлар қадримга етади, деб ўзингни юпатавер.

Леля Дмитрийнинг орқасида турар ва ҳеч кимга билдирмай Дмитрийнинг ўзигина сезадиган қилиб, унинг елкасини секингина силар эди. Дмитрий эса бундан: демак, маъқуллапти, демак, тўғри гапираётган эканман, деб хурсанд бўларди.

Яна узоқ баҳслашдилар. Виталийнинг кайфи ошиб, қулочкашлар, шовқинлар эди. Гуляев унга маъюсланиб қарар ва ичида: нима ҳам қилиб бўларди сени, сен ичишни билмайсан, ичмаганинг дуруст сенинг, деб ўйларди. Искра Васильевнанинг эри маст бўла борган сари Дмитрий ўзида бад-хоҳликка ўхшаш бир туйғу сезарди.

— Хотинингиз қаерда?— деб сўради бирдан Дмитрий ўзи ҳам кутмаган ҳолда. Виталийнинг ёнига ўтирар экан.

— Искрами? Ишда, домнаси ёнида. Қаерда бўларди?

— Сиз, ўртоқ рассом, ўшанинг расмини солсангиз бўларди. Домна печи ёнида турганида жуда ажойиб расм чиқар эди. Аввало аёлни домна печи ёнида киши камдан кам кўради. Бу тағин қанақа аёл денг!..

Леля бу гапга эътибор билан қулоқ солди.

— Биласизми,— деди Виталий, Дмитрийни кўйлак тугмасини ушлаб.— Ушанда сал бўлмаса рашким келаёзган эди... уйимиз олдида турган вақтингиз эсингиздадир. Мана, хотиним энди йигит топиб олибди, деб ўйлабман.

У куларди, Леля эса лабини тишлаб, бирдан бошланган ёмғир билан ювилаётган дераза орқали кўчага, кўпикланаётган ҳалқоб сувларга қарарди. Леля Дмитрийнинг адашишларини, паришонлигини ва сержаҳллигини ўйлаб, ташвишга тушарди. Уларнинг ҳаётига учинчи бир шарпа секин билдирмай

яшириниб кириб келмоқда, жойлашиб бормоқда эди. Бу шарпа бу ерга бир кун рассом Қозаков билан келган унинг хотини, белини тортиб боғлаган ўша тўлагина жувон эди.

— Платон Тимофеевич! Нега ичмаётирсиз!— Леля стол ёнига желди.— Ҳаммага қуйинг. Менга ҳам қуйинг.

— Нега сен бугун бундай ўйноқисан?

— Яхши одамлар йиғилганини кўриб, хурсанд бўлганимдан.

Кеч кириши билан меҳмонлар бирин-кетин хайрлашиб, уйдан чиқиб кетишди.

— Леля бугун сенга нима бўлди?— деб сўради Дмитрий, ҳар вақтдагидек уни пристангача кузатиб қўйишга отланар экан.— Ароқни роса ичдинг. Сени бу тарзда сира кўрмагандим.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ,— деб жавоб берди Леля секингина. Бироз жим қолгач:— Яна бир аканг келадими?— деб сўради.

— Ҳа, яна бир акам келади.

— Қаёқда эди у? Нега сен уни ҳеч гапирмасдинг?

— Нимасини гапирди? Унинг тарихи унча қизиқ эмас.— Дмитрий Леляга Степан тўғрисида бир неча оғиз сўзлади.

— Степан Ершов...— деди Леля.— Урушдан илгари Степан Ершов деган танишим бор эди. Унинг сурати йўқми сенда?

— Танишингни суратими?

— Акангнинг суратини айтаман.

— Қаердадир бор эди, Платоннинг уйида бўлса керак. Сен мени кўравер... Биз бир-биримизга ўхшаймиз.

Леля елкасини қисди.

— Ҳа, айтгандек,— деди Дмитрий.— Сурат бутун эмас-да? Менинг суратимни ўчириб ташлашган!

— Дима!— деди, Леля унга яқин бориб,— Тошбағир одам эмассан-ку. Кўнглинг бошқача сенинг, нега ундай дейсан энди?

Кўчада бораётганларида, Леля:

— Сенинг аканг қим эди? Қаерда ишларди?— деб сўради.

— Заводда ишларди, легковойда шофер эди.

— У бўлса денгизчи эди,— деди Леля.— Оқ кители, денгизчи фуражками бўларди.

— Акам ҳам денгизчига ўхшаб яسانيшни яхши кўрарди.

Яна бироз юришди.

— Севармидинг уни?— деб сўради Дмитрий, аввалги сўзсиз аҳдни бузиб.

— Бу нимаси, Дима?— деди ўксиниб Леля.— Бу гапни қўяйлик. Илтимос қиламан.

— Марҳамат.

Пристанга етгунча жим боришди. Леля кўнгилсиз ўтмиш-

ни эслар, кўз ёши шашқатор оқарди.— Леля немислар шаҳарга яқинлашиб келаётган, кўчаларда уларнинг снарядлари портлаётган пайтда унга севгисини изҳор қилган ўша ёш денгизчи Степан Ершовни ҳам эслади. Бу Дмитрийнинг акасидан бошқа Степан Ершов эди. Денгизчи унинг пароходи бир соатдан сўнг жўнаб кетаётганини, Лелянинг кузатиб қўйиши хавфли эканини айтди. Леля эса уни портдаги кемалар тўхтайдиган жойгача, кемалар яқинигача кузатиб қўйишни яхши кўрарди, у ердаги яшик ва бочкалар орасида улар яна узоқ туриб қолишар, алланарсаларни сўзлашар эди. Йўқ, охирги куни Леля уни кузатиб қўймади, йигит деярли югуриб кетди. Унинг қасам ичиб айтган: «Нима бўлмасин, қаерда бўлмайин, абадий...» деган сўзлари Лелянинг қулоқларида ҳамон жарангларди. Бу «абадий» сўзи у Леляни ҳар доим севажигини билдирарди. Леля у маҳалда энди ўн саккизга тўлиб, ўн тўққизга қадам қўйган, ўн йилликни баҳорда тамомлаган эди. Эндигина педагогика институтига кириб, институтнинг биринчи курсига биринчи марта борадиган вақт эди. Лекин немислар бостириб келаётганидан машғулотлар ҳамон кечиктириларди. Шундай қилиб бу машғулотлар бошланмади...

Ўша Степа қаерда экан? Унга нима бўлди экан? Тирикми-кан? Ёки соҳилдаги шаҳарларнинг эвакуацияси вақтида бомбардимон тагида қолиб ҳалок бўлганмикан? Ўша вақтда қанчадан-қанча кемалар, қанчадан-қанча денгизчилар чўкмади ва совуқ денгиз қаърига кирмади, дейсиз.

— Бас, бўлди қиламан— деб юборди беихтиёр Леля, хотиралардан толиқиб.

— Тўғри қиласан,— деди Дмитрий, унинг гапини ўзича тушуниб.— Ичишинг яхши эмас. Бу сенга ярашмайди.

Соҳил бўйлаб қатнайдиған кичкина пароход анчадан буён йўловчиларни кутиб турар, унинг каюталари ва ёпиқ палубалари одамга тўлган эди. Дмитрий билан Леля қулоқларни зирқиратадиган гудокни кутиб, трап ёнида бироз турдилар. Узоқ чалинган гудокка яна иккита қисқаси қўшилди. Шунда улар бир-бирларининг қўлларини қисиб, бир-бирларига яна алланарсалар дейишди, нима эканини — тушуниб ҳам эслаб ҳам бўлмасди. Матрослар трапни пристанга элтиб қўйиш учун унинг тутқичларига ёпишишди. Леля пароходга чиқиши билан орқасидан трап гупиллаб тушди. Кейин пароход юриб кетди. Леля ёни билан юқори палубадаги белгиланган жойда пайдо бўлди, қўлини силкиди. Дмитрий ҳам шундай қилди.

Пароход олислаб борарди. Леля унинг бирор жойида эканини тасаввур этишгина мумкин эди. Ёритилган иллюминаторларгина кўриниб, бошқа ҳамма нарсалар денгиз қоронғилигида йўқолиб борарди.

Агар Дмитрий Леляни кўра олганда, унинг чаккаларида-

ги кўз ёшини кўрарди. Леля хотиралардан қутула олмас эди. Бугунги аччиқ, нохуш туйғу ҳам улар ёнига келиб қўшилган эди. Рассом Козаковнинг хотини уларнинг ҳаётида қаяқдан, нега, нима учун пайдо бўлиб қолди экан? Леля бу хотин тўғрисида шубҳага тушиш учун бирорта тайинлик нарсани билмасди. Леля фақат сезаётган, олдиндан ҳис этаётган ва таҳмин қилаётган бўлса-да, лекин янглишмаётганга ўхшарди. Ушанда, Дмитрий ўша хотиннинг орқасидан кетиб қолганда нима бўлади? Бундай фалокатни Леля қандай ҳам бартараф этсин? Дмитрийга унинг ҳеч бир ҳақи йўқ. Улар ўзаро, сира сира боғлиқ бўлмаган, икки ёлғиз одамдирлар. Сира... нахотки шундай бўлса? Бу қандай даҳшат.

14

Сўнгги парда олдидан Яков Тимофеевич ложадаги Горбачев олдига кирди. У ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирдилар. Яков Тимофеевич спектакль маъқул бўляптими, деб сўради.

— Яхши ўйнашяпти,—деди Горбачев.—Лекин умуман киши маъюс бўлади. Санъатимизга бир иллат текканга ўхшайди. Гап яхши, чинакам муҳаббат устида бориши биланоқ, уни албатта кекса одам билан ёшгина аёлга олиб бориб боғлашди. Киши ёшларга ачинади, ўртоқ Ершов. Сиз нима дейсиз?

— Шундай,—деди Яков Тимофеевич.—Лекин спектакль халққа маъқул тушяпти. Ҳар куни аншлаб.

— Таъсирли бўлгани учун-да! Пьесанинг бошидан охиригача шу иккови бири бирининг атрофида айланиб қолган. То мошабин—бир гап бўладими?—деб ҳаяжонда.

— Гуляев ажойиб ўйнапти,—деди Анна Николаевна.

— Ҳеч бир ажойиб жойи йўқ!—деб гапга аралашди Капа.—Тўнканинг ўзи. Тўнка бўлганда ҳам бачкиси. Элликка борган одам. Юриш-туриши, хўрсинишидан кичик боланинг ўзи, боладек сувга тош ташлайди, турли-туман қилиқлар қилади.

— Демак, пьесанинг ўзи шундай Капочка,—деб эътироз билдирди Анна Николаевна.

— Пьеса шундай-ку, лекин у ўзидан ҳам қўшяпти, ойи. Қиз ўзидан катта ёшлик одамни яхши кўриб қолиши мумкин албатта. Дадам бу ўринда ноҳақ. Пушкин ҳам Мария билан Мазепа тўғрисида ёзган. Лекин Мария уни бутунлай бошқа нарсалар учун севиб қолади, болалардай сувга тош ташлаб юриши, бачкана илжайишлари, девордан сакраб юриши учун эмас. Эллик ёшида сакраб юргани нимаси, тагин юраги ёрилиб, тўйга етолмай қолмасин.

— Капа! Тилнинг қурмасин!—деди Анна Николаевна.—Эндиги болалар-да, ўртоқ Ершов.

— Гапни бўлма, ойи. Фикримни айтиб бўлай. Ёшгина қиз

Ўзидан катта кишини нима учун яхши кўриб қолади? Ўз тенгдошларида бўлмаган нарса учун — гўзал ҳаёти ва етук ақли учун яхши кўриб қолади, қиз унинг ишларига кўмаклашгиси, унинг кўмакдоши бўлгиси келиб қолади. Сувга тош ташлаб юришларни, гимнастик кучанишларни қизнинг тенгдошлари жуда боплайди. Шунинг учун мен — артист ёмон ўйнаётир, деяпман. У ақлли, катта одам ролини ўйнаши керак, бу одамни ана ўшанда ёшига қарамай яхши кўриб қолиш мумкин. Гапим нотўғрими, дада?

Горбачев қизига жавоб бермаётганини кўриб, Яков Тимофеевич:— Гапингизнинг ноҳақ жойи Сиз артист Гуляевга бундай қатъий баҳо беришингизда,— деди.

— У билан гаплашишни истардим,— деди Капа.

— Марҳамат,— деди Яков Тимофеевич.— Саҳна орқасига ўтинг.

— Мен унга ҳаммасини тўппа-тўғри айтардим...

— Энди шуниси қолувди!— деди безовта бўлиб Анна Николаевна.— Сен отанг билан менинг жиғимга роса тегяпсан. Энди бировларга ёпишмоқчимисан. Ваня, рухсат берма.

Спектакль уятли манзара билан тугади. Бироз етилиб ўтган йигирма беш ёшларидаги аёл қаҳрамон ёниб бораётган тайга фониди лабларини ўз кекса қаҳрамонининг лаблари сари чўзади; бу киши тўрт парда давомида мулозамат қилавериш унинг иситмасини чиқараёзган эди. Бу ишни қилган эркекнинг ўзи энди нима қилади денг? У тайганинг ёнаётганидан ва қаёққадир қочиш кераклигидан гўё хурсанд бўлади-ю, ўзи сари бўйнини чўзиб келаётган қиздан орқага ташланади ва аллақандай сўзларни ҳаяжон билан айтиб, қочиб кетади.

— Ойи, дада,— деди Капа,— мен бориб, бу артист билан гаплашишим керак.

Енгилгина баҳс бўлиб, саҳна орқасига учовлари— Капа ҳам, унинг ота-онаси ҳам ўтадиган бўлди.

— Ярамак махлуқсан-да, Капитолина,— дерди Горбачев, ўз оиласини театрнинг эгри-бугри ўтиш жойларидан бошлаб борар экан; у ҳар хил шаҳар йиғилишлари ва конференциялари президиумларига шу жойлардан ўтиб борарди.— Сенга эр бўладиган одамнинг уйи куюди.

Гуляевнинг хонасида Горбачевлар нотаниш бир эркек билан аёлни жўришди. Гуляев шаҳар комитети секретари-ни таниди, диванга ўтиришни таклиф қилди. Чанг босган диванга ҳеч ким ўтирмади, албатта.

— Менинг дўстларим — рассом Виталий Қозаков ва унинг хотини, инженер Қозакова,— деб таништирди Гуляев.

«Инженер Қозакова» дейилганда Горбачев пешонасини силаб:

— Тўхтанг, тўхтанг! Москвадан яқинда металлургия заводида, домна цехига келган сиз эмасмисиз?— деб сўради.

«Домна цехига» дейилганда Қапа дарҳол Искрага қараб, бир онда уни кўздан кечирди: Қапа у билан Андрейнинг уйида учрашган эди.

— Мен,— деб жавоб берди Искра.

— Оббо азамат-э!— деди Горбачев унинг қўлини қисар экан.— Хотини киши — домна цехида ишласа-я! Аллақачон бориб сизни кўрмоқчи эдим. Бизнинг секретарлик ҳаётимизни биласиз-ку.. Амалдор. Бюрократ, тўралармиз. Биз учун айрим қаламкаш ўртоқлар бисотида ана шу отамалар ва ана шу образлар қолган, холос. Бу пьесада ҳам шунақа ношуд — партия раҳбари тасвир этилган.

У шодланиб, ҳазиллашиб, кулиб гапирарди, лекин Искра унинг сўзларидан ҳасрат оҳангини эшитди.

Анна Николаевнага суҳбат ёқимсиз туйилди.

— Сиз ажойиб ўйнадингиз!— деди у Гуляевга,— Роса ҳузур қилдик. Роса.

— Мен бошқача фикрдаман,— деди Қапа.

— Капитолина!..— деди жиддий оҳангда Горбачев. Лекин Қапа такрор:

— Тамомила бошқача фикрдаман,— деди.

— Шундайми?— деди Гуляев Қапага яқинроқ келиб.— Агар сен инженер, катта қурилиш бошлиғи бўлган эллик яшар одам ролини ўйнашга киришган экансан, уни болаларча қилиқ қилишга мажбур қилмаслигинг керак, деб ҳисоблайсиз-да? Агар сени қиз севган экан, охиригача мард бўл, ҳамма қилиб қўйган ишларингга жавоб бер, муҳаббат олдида чўчиб турма, дейсиз-да? Ландавур нотавон, йиғлоқ ойимча бўлма, демоқчисиз-да. Шундайми?

Қапа унинг сўзларини таажжубланиб тинглади. Бу артист унга ўз роли ва ўз ижроси тўғрисида Қапа унга айтмоқчи бўлган гапларни айтмоқда эди.

— Сиз бунга қадар биласиз?— деб сўради Қапа.

— Менга тахминан шундай гапларни ҳозиргина шу дўмбоқчина ёш жувон айтди,— деди-да, Гуляев Искрани кўрсатди.— Икки ой илгари, биз пьесани репетиция қилишга киришганимизда, мен содиқ қулингиз, буларнинг ҳаммасини ўз-ўзимга айтган эдим.

— Бўлмаса, нега энди сиз бундай ўйнадингиз?— деб сўради Қапа.

— Энди бу гапни бизнинг ҳаммамиздан сўрайсиз.— Гуляев қўлини атрофга ёзиб кўрсатди. Горбачевлар ва Козаковлар орқасида яна кўп одам йиғилган экан.— Спектаклга биз ҳаммамиз жавоб берамиз. Театрларда актёрлардан бошқа яна режиссёрлар ҳам бор.

Гуляевнинг хонасида турган Яков Тимофеевич Горбачевга режиссёрларни, уларнинг ёрдамчиларини, артистларни таништирарди. Узоқ суҳбат бошланди. Капа Искра ёнига бориб, ундан:

— Сиз, Андрей Ершов билан бир цехда ишлар экансиз-да?—деб секингина сўради.

— Ҳа, домна цехида. Андрей ҳам мастер.

— Сиз мастермисиз? Сиз инженерсиз-ку.

— Маълумотим юзасидан инженерман. Ишда эса, мастерман.

— Ершов-чи, у инженер эмасми?

— Йўқ, у техникумни тугатган. Лекин кўриб турибсизки, биз ишлаб чиқаришда у билан тенгмиз. Сиз уни кўп вақтдан буён танийсизми?

— Жуда ҳам кўп вақтдан буён эмас.

Искра гапни спектакль устига кўчирди:

— Эрим икковимиз ҳам бу пьесадан норози бўлганимизни билдиргани келган эдик. Қандай пасткашлик! Айниқса Александр Львовичга киши ачинади. У эримнинг дўсти, ахир, тўғрироғи — марҳум отасининг дўсти. Улар очиқ гаплашади. Александр Львович ҳам бизга ҳамма гапни гапириб беради. У ажойиб, улкан актёр. Гоҳо, кайфияти яхши вақтда, ғайрати жўш уриб, Шекспирдан бирор нарсга ўқиб кетади. Наҳ кишининг бадаллари жимирлаб кетади! Ёки Маяковскийдан... Ҳеч ким Маяковскийни унингдек билмайди. Александр Львович баҳайбат одам. Бироқ уни чурвақа одамлар ролини ўйнашга мажбур қилишяпти. У бир кун бизнинг ўйимизда йиғлаганини кўрганман. Худди мана шу — қониқмаганликдан, кучи, характери, талантига қараб роль олиш имкони бўлмаганидан йиғлаган эди.

— Мен бўлсам ҳаммасини шундоқ юзига солибман!— деди Капа уялиб ва кўнгли ғаш бўлиб.

— Бунинг ҳечқиси йўқ. Унинг ўзи ростгўй одам.

Яков Тимофеевич жези келганидан фойдаланиб, Горбачевга театр биносини кўрсатгани йўл бошлади. Бино кўпдан буён ремонт талаб бўлиб, Яков Тимофеевич шаҳар комитети биринчи секретаридан қўллаб-қувватлашга ваъда беришини умид қиларди. Анна Николаевна билан Виталий Козаков ҳам шу тўда билан кетиб, Капа билан Искра ёлғиз қолди. Улар чироқларнинг ярми ўчириб қўйилган фойэга ўтиб, бўш турган буфет столи ёнига ўтиришди-да, узоқ суҳбатлашишди. Капа яқин келажакда ўз бошига ҳам тушадиган ёш жувоннинг турмуши билан қизиқсинар, бу турмуш тўғрисида эҳтиёткорлик билан сўрар, Искра эса, сирли бўлиб жўринган партия раҳбарининг оила ҳаётига назар ташлагиси келарди. У, Кападан янада кўпроқ эҳтиёткорлик билан сўрарди. Капа тўғрисида

Искра ҳали муайян бир фикр ҳосил қилмай, Горбачев сингарин оталарнинг қизлари тўғрисида юрадиган гап-сўзларга қараб фикр қилар, уни эркатои, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган, лекин келажаги таъмин этилган дадасининг арзандаси деб биларди. Искра эса Қапага ёқиб қолган эди. Унинг ташқи қиёфаси бир оз маймунсифат бўлса ҳам, узоқни илғамайдиган кўзлари ғалати пир-пираса ҳам, пастки лаби чўччайган бўлса ҳам, лекин у шундай жажжи, истараси иссиққи, кишининг ушлаб кўргиси келади. Маймунжон, маймунжону, лекин мастер бўлганлиги ажойиб! Бу ҳазилакам гап эмас! Мастер бўлганда ҳам хавфли, ваҳимали домна цехида мастер. Андрейнинг куйган жойлари ҳали ҳам тамомила тузалиб кетгани йўқ. Қанча уринишга тўғри келди.

— Сиз билан дурустроқ танишиб олганимдан жуда ҳурсандман,— деди Қапа.— Қарши бўлмасангиз, Искра Васильевна, бундан буён борди-келди қилиб юрсак жуда яхши бўларди.

— Албатта, албатта. Бизникига келинг, Капочка. Бизникида расмлар, турли альбомлар жуда кўп. Томоша қиласиз. Сиз тасвирий санъатни яхши кўрасизми?

— Жуда яхши кўраман.

— Келинг бўлмаса.

— Мени домна цехига олиб боришни ваъда қилишган.

— Хўп бўлади, марҳамат қилиб, цехга ҳам келинг. Ҳаммасини юрсатиб, айтиб берамиз. Шундай қилиб, ўзингизга касб танлаб олсангиз ҳам ажаб эмас.

— Танлаганман. Медицина институтида ўқийман.

— Жуда яхши касб. Менинг отам врач, қишлоқ врач эди. Уни дафн этгани барча атроф қишлоқлардан икки минг одам келган эди. Қиши, Капочка, чинакам врач бўлса-ю, бу касбни қобилиятига муносиб, инсонни севганидан танлаган бўлса ўзини сира ўйламайди, халқни ўйлайди.

— Сиз дадам билан гаплашадигансиз, Искра Васильевна. Сизлар бир-бирингизга маъқул бўлардингиз.

— Нима деяпсиз, Капочка.— Искра ҳатто қўлларини силталади.— Дадангизга халақит бериб бўлармиди! Айниқса мендай одам. Мен шундай сергапманки, агар тўхтатилмаса... Умуман, дадангизга халақит бериш ярамайди: у жуда банд одам.

— Ана холос!— деди Қапа.— Ҳамма яхши одамлар худди шундай: Горбачев банд, унга халақит бермайлик, дейишади. Унинг олдига келишмайди. Бир хил одамлар-чи, билсангиз... Нуқул ўз ҳузурини кўзлайдиган, бирор нарса ундиришни мўлжаллайдиган одамларни айтаман... Улар уялишмайди ҳам, тинмай келишаверади. Натижада дадамнинг атрофида яхши, ажойиб одамлардан кўра ўшалар кўпроқ бўлади. Мен буни унга юз марта айтганман. Унга ҳамма нарсани, ҳатто ойим

айтишга ҳайиқадиған гапларни ҳам айтаман. Сизнинг эрин-гиз атоқли рассомми?— деди Қапа бошқа гапга ўтиб.— Коза ков, а? Мен негадир эшитмаған эканман.

— Москва рассомлари орасида гарчи сўнгги ўринда бўл-маса ҳам, унчалик отоқли эмас, Капочка яхшиси, бизникига келинг, унинг асарларини томоша қилинг.

Кўп ўтмай Искра билан Виталий кўчага яёв, Горбачевлар оиласи машинада уйга қайтмоқда эди.

— Менга қара, Капитолина,— деди Горбачев кечаси чой ичиб ўтиришганда.— Сен ўз мастерингни олдимизга олиб кел-масанг, ўзим унинг олдига бораман. Бу эшитилмаған гап-ку! Қизи тушмагур аллақаерларда аллаким билан сайр қилар-миш, балки маъшукан беқарор бўлармиш-да, ота-онаси куёв-нинг рухсорини ҳам кўрмасмиш. У биз саҳнада бугун рухсори-ни кўрган эски гўрсўхтадан бири бўлса ҳам ажаб эмас.

— Бориб кўравер,— деди Қапа.— Мен уни уйимга бошлаб келмайман. Ҳамма гапни айтдим-ку сенга.

Бир неча кундан сўнг шаҳар партия комитетининг секре-тари заводга келди. Чибилов олдида бироз ўтириб, план, руда, кадрлар тўғрисида гаплашди. Партия комитетида бўлиб, оммавий ишлар, ўқиш, илғор ишчиларни партия сафига қабул қилиш тўғрисида гаплашди. Бир вақтлар ўзи қурган мартен цехидан ўтиб бора туриб, пўлат қуювчилар билан саломлаш-ди. Прокат цехидан ўтди, блюминг бошқарув кабинасига чи-қиб, Дмитрий Ершовнинг ишини кўздан кечирди. Ниҳоят, домна цехига ҳам борди.

Темир чивиклардан ясалган шотилардан кўтарилар, чўян ташийдиган вагончалар состави олов пуркаб ўтиб бораётган ер ости йўллари устидаги кўприкчалардан ўтар экан, юраги тез-тез ура бошлаганини сизди. Ё пиримай, деб қўйди ўзича. У гўё Буёк Британия бош министри билан бўладиган масъул учрашувга борарди: у ғалати, ноаниқ бир ҳис-туйғу сезарди. Катта ўғли уйланганда Горбачевда бундай ҳолат бўлмаған эди. Йигит қизни уйга бошлаб келиб кўрсатган, қиз маъқул бўлган қўйган эди. Келди, турди, ҳеч нарса бўлмаған эди. Ҳо-зир эса нима бўлиши номаълум. Бу ёш гражданин Капитоли-нани боши оққан томонга олиб кетиши, қизнинг ота-онаси ўзи-га ёқмаса, Капани улардан воз кечишга мажбур қилиши,— истаганини қилиши мумкин. У ота билан онадан кўра ҳам ан-ча зўрроқдир. Бор қизингдан ажраласан қоласан. Ҳаммаси шу ўғлон айтганича бўлади.

Горбачев учрашувни кутиб ҳаяжонланди. Андрей Ершов печь ёнида йўқлигини, у кечаси ишлаганидан энди ишга фа-қат эртага чиқишини билдирганларида, у хурсанд бўлди. Де-мак, учрашув кечиктирилади. Кечиктирилгани жуда яхши. Қиши ташвишдан холи.

Горбачев цехдан чиқиб бора туриб кўрсаткичлар тахтасидаги илғорларнинг фамилиялари орасидан Андрейнинг фамилиясини ҳузур қилиб ўқиди.

Хуллас учрашувнинг кечиктирилгани унга тасалли бермади. Асабийлашиб, тоқат қилолмади, бирор нарсага аҳд қилганидан кейин, галга солиш одати йўқлигидан эртани кутиб турмади. Секретари Симочкадан адресни милиция орқали аниқлашни илтимос қилиб, кечқурун ўша Андрей Ершов яшайдиган уйни қидириб топгани йўлга чиқди. Каттакон «ЗИМ» кузги ёмғир суви тошган камқатнов, чекка кўчанинг арава изи ва ўнқир-чўнқирларидан зўрға юриб борарди. Горбачев бу кўчадан илгари ҳеч ўтмаган эди. Кўчанинг ҳатто йўлкалари ҳам йўқ эди. Уй ва деворлар бўйлаб онда-сонда тахталар ташланган бўлиб, у ер-бу ерда лойга ботиб кетган ёштлар ингичка бўлиб чизилиб ётар, кўп жойда бу ҳам йўқ эди: кўзингни чирт юмиб тусмоллаб ҳатлайвер, барибир оёғинг ҳўл бўлади.

— Семенич,— деди Горбачев шоферга,— шунақа расвойи жаҳон кўчамиз ҳам бор эканми?

— Бор экан, шаҳар Советидан-да, Иван Яковлевич. Шунингдек ўзингиз ҳам кечирасиз. Нуқул катта кўчаларга зўр бериб желасизлар, ундаги фасадларни ҳар йили бўйасизлар, гуллар экасизлар. Бу ерлар Дақёнус замонидан бўён қўриқ бўлиб ётибди.

Ершовларнинг кулбасига зўрға етиб олишди. Горбачев машинадан чиқиши билан лойга оёқ қўйди-ю, эшикни тақиллатди. Кенг яғринли бир йигит чиқди. Қуралай кўзлари дўнг пешонаси остидан боқарди. Йигит, Ершов уйда йўқлигини, заводда кечикиб қолганини айтди; партия мажлислари бўлса керак, деди.

— У, партиялик экан-да, демак?

— Партиялик.

— Сиз ҳам Ершовмисиз?

— Ҳа, Ершовман.

— Сиз қаерда ишлайсиз?

— Домна цехида.

— Сиз Андрей эмасмисиз?

— Андрейман.

— Худди сизни қидириб юрибман мен.

— Мен, Дмитрий амаким олдида келганмисиз деб ўйлабман.

— Уйга таклиф қилинг, ўртоқ Андрей Ершов.

Горбачев таклиф этилишини кутиб турмай, уйга кирди. Даҳлиздан ўтиб, хонанинг остонасидан ҳатлади-ю, ҳайрат ичида тухтади: унинг ўз қизи Капа стол ёнида ўтирарди. Қиз унчалик уялмади ҳам.

— Салом, дада,— деди у, ўрнидан турар экан,— Демак, алоҳа келибсан-да?

— Ҳа шундай келган эдим,— деди Горбачев қизидан кўра кўпроқ хижолат тортганини, ундан кўра кўпроқ ҳаяжонга тушганини сезиб.

— Кел, ўтир. Пальтонгни еч. Уй иссиқ. Андрей печкага ўт ёқди. Андрюша, дадамга чой қўйиб берайлик. Гугуртни бер.— Капа тўсиқ орқасига ўтиб, чойнакними, кастрюльканими шақиллатди. Капа керосинкани ёқаётган бўлса керак, керосин ҳиди келиб кетди. Бу ерда Капа уйда ҳеч маҳал қилмаган юмушларни қиларди.

— Қани, сиз ҳам ўтиринг, Андрей,— деди Горбачев, пальтосини ечиб, стулга ўтирар экан.

Андрей столнинг нариёғига ўтирди.

Горбачев атрофга кўз югуртирди-ю, отасининг Харьков шаҳри чеккасидаги кулбасини эслади. Темир йўлга қарашли кўмир составлари тормоз кондукторининг уйи ҳам шундай фақирона ва кўримсиз эди. Отаси уйда эканлигида унинг доим эшикдан кираверишда ўнг томондаги полда ётадиган пачоқ, қора тунука қутисини доғ-дуғ ва паровоз тутуни сингиб қотиб кетган қалпоқли брезент ёмғирбоп кийимни эслади...

— Сизни «сиз» сирайми ёки «сан» сирайми?— деб сўради, гапнинг маромини тополмай Горбачев.

— Ўзингиз биласиз,— деди Андрей.

Горбачев унинг бошқача жавоб қилишини: «сан» сирайверинг, албатта, нима бўларди, дейишини кутган эди. Лекин жавоб уни шошириб қўйди.

— Мен Капитолинанинг отаси эканимни фаҳмлагандир-сиз?

Андрей бош ирғатди.

— У сизга мен тўғримда гапирганмиди?— деб суриштирди Горбачев.

— Гапирган эди.

— Наҳотки сиз унинг ота-онасини кўргингиз келмади?

— Андрейнинг шундай нияти бор эди, дада!— деди хонага кириб келган Капа.— Шундай бўлишига мен айбдорман. Буни ўзинг ҳам жуда яхши биласан.

— Гапни чувалаштирмайлик,— деди Горбачев.— Чойингиз тез тайёр бўладими?

Дастурхонсиз эски яшил клеёнка ёпилган столда тарелкасиз стаканлардан чой ичишга ўтиришди. Чойга тешик-кулчалар қўйилди, улар ҳам клеёнка устида ётарди. Горбачев қизини ўз Капитолинасига сира ўхшатолмасди. Агар уйда шундай бўлса-чи? Капа шундай столга ўтирармиди?

Горбачев қанддан бир чақмоқ олиб, учидан тишлади-да,

қайноқ ва жуда қуюқ чойдан хўплади. Муғомбир Капа унинг дидига муносиб дамлаган эди. Онаси бўлганда уйда бундай аччиқ чой ичишга йўл қўймасди. Тешиккулчадан ушатиб, стаканга ботирди.

— Аччиқ чой ҳордиқни чиқаради,— деди Горбачев.

— Бугун жуда чарчаганмисан?— деб сўради Капа.

— Бутун заводнингизни айланиб чиқдим,— деди у Андрейга.— Домна цехида ҳам бўлдим.— У ўзини босиб одатдаги гап маромига кириб бормоқда эди.— Ҳурмат тахтасида номингни кўрдим. Қандай ишлаётганингни сўзлаб бер-чи.

Горбачев жўнаб кетаётганида келган вақтидагидек хи-жолатда эмасди. Ким билади, ишлар унчалик чакки эмас, шекилли; Андрей дегани ҳам унчалик зўравон кўринмайди, оилани бузиб, уни ўзича бичиб-тикадиганга ўхшамайди.

— Юр, оббориб қўяман,— деди Горбачев Капага, пальтосини кияр экан.

— Йўқ, дада, ўзим бораман. Тезда бораман. Ташвишланма.

Отаси жўнаб кетгач у Андрейдан:

— Отам сенга маъқул бўлдимми?— деб сўради.

— Дуруст. Биноийдек. Уларнинг ҳаммаси шунақа бўлади шекилли. Ингитларни ёқтиришмайди.

Капа кулиб юборди.

— У қаерда ишлайди?— деб сўради Андрей.

— Горкомда.

— Катта ходимми?

— Шунчаки, ўртача ходим.

Эртасига инженер Козакова печни топшира туриб, Андрейга:

— Кеча бу ерда сизни ким сўроқлаб юрганини биласизми, Андрей Игнатьевич? У цехда бўлди, сизнинг ишингиз билан қизиқди.

— Ким экан у?

— Горбачев. Горкомнинг биринчи секретари.

Андрей жавоб бермади, унинг юзида эсанкираш аломати акс этарди. У Искрадан нари кетди, афтидан нима қилишини билмай қолган одамга ўхшарди.

15

Зоя Петровна боши берк кўчада қолгандек яшарди. Унинг осойишта, покиза турмуши бузилди. Ҳамма вақт алланимани ва аллакимни кутар, аллақаерга шошиларди. Паришонхотир ва нохуш бўлиб қолди. Телефонда жаҳл билан бир зайлда жавоб қилар, келган одамлар унинг жиғига тегарди.

— Сиздан шикоят қилишяпти,— деди унга Чибисов.— Сиз одатдаги стандарт секретарларнинг қилиғини чиқаряпсиз, сизни шу одатингиз йўқлиги учун қадрлардим. Сизга нима бўлди, Зоя Петровна?

Зоя Петровна бошини қуйи солиб, индамади. У Антон Егоричга нима ҳам дея оларди? Орлеанцев қопқонга тушириб олиб, маҳкам тутиб ётибди... Буни айтиб бўлармиди? Зоя Петровна юраксизлик қилиб, театрға қилинган таклифдан ўзи бош тортолмаган дақиқани қарғар эди. Москвалик инженер уни қуролсизлантирди. Агар у ўшанда ўз ҳужумини бошлай қолганда, Зоя Петровна унинг адабтини бериб қўя оларди. Лекин у бошқача йўл тутди — Зоя Петровнанинг ҳаётига секин, жуда секин кириб олди. У, Зоя Петровнанинг ўн ёшлик қизига ва онасига ёқиб олишга тиришди. Орлеанцев уларни шундоққина мафтун қилди қўйди. Уйдаги гаплар ҳам нуқул Константин Романович тўғрисидагина бўлиб қолди.

Йўқ, айрим хотинлар: эрсиз ҳам кун кўраман, мен эркак кишига илова эмасман, ўзим ҳам бинойидек яшай оламан, мен пул топяпман... деб беҳуда мардлик қилади. Ҳа, сен ишлаб топяпсан, ўз оилангни тўйдирияпсан, кийинтирияпсан ҳам. Бу рост. Лекин ёлғиз яшашнинг ҳам унчалик қувонадиган ери йўқ. Сенга хиралик қилишади, таклиф этишади, қулоғингга шивирлашади. Ўзингни олиб қочиб ҳимоя этиб яшайсан. Доим мудофаа қилмоқ учун ожизлик қиласан. Ҳаммадан ҳам бундай абадий мудофаа учун қатъият етишмайди. Ҳаёт сени қанча алдамасин, кўнгилчанлигинг учун қанча жабрламасин, лекин: балки, бу сафар ундай бўлмас, яхши бўлиб чиқса ажаб эмас... бир тилак яна ҳар сафар ҳаёлингни банд этади, бу тилак ҳаёлингдагина эмас, қалб-бингда яшайди.

Орлеанцевнинг жуда қисташига ва унинг мешчанлик ҳаёлларидан кулишига қарамай, Зоя Петровна меҳмонхонага — унинг олдига бормади. Шундан сўнг Орлеанцев иккита билет олиб келди ва Зоя Петровнанинг қизчаси билан онасини театрнинг кундузги якшанбалик спектаклига жўнатди. У, афтидан, ўзига монйлик қилишларини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак, жўнатиб юборди қўйди. Фалокат босиб, унинг билан бўлиш мароқли бўлар, у гўзал, ҳаяжонли шеърлар ёзган Блок, Есенин ва Зоя Петровнага номаълум аллақандай шоирларнинг асарларини ажойиб қилиб ўқирди. У кўп саргузаштларни билар, чет эл тўғрисида тинмай сўзлай оларди. Шунингдек у ишчан одам эди. Бир йил илгари партия аъзолигига кандидат этиб қабул қилинган Зоя Петровна унинг завод бошқармасидаги пар-

тия мажлисларида чиқиб сўзлаганини икки марта эшитди. Орлеанцев яхши, маъноли сўзлар, ўринли тузатишлар ва резолюциялар киритарди. Унга қулоқ солишар, кўплар қойил бўлишарди. Зоя Петровна дўст тутинган айрим хизматчи аёллар унга: бахтинг очилиб, сени шундай бир одам эътиборга олган экан, у билан ўз муносабатингни расмийлаштириб ололмасанг, лақиллаб қоласан дейишарди.

У лақиллаб қолса қола қолсин, лекин бу муносабатларни «расмийлаштириш» учун ҳеч бир ҳаракат қила кўрмайди. Бу қандай муносабатлар эканлиги ҳали номаълум. Орлеанцев севгидан гапирмайди. Гапирган тақдирда ҳам Зоя Петровна ўзи ҳам уни севганлигини айтиб ёлғон гапирармиди. Зоя Петровнанинг қўлидан қаттиқ туролмай, таслим бўлишдан ўзга чора келмади. Шодликдан кўра кўпроқ дилсиёҳлик келтирадиган, одамни безовта қиладиган, озор етказадиган, уятга қўядиган муносабат вужудга келиб, ҳамма вақт Орлеанцевнинг истагича иш тутиш керак бўлиб қолди. Антон Егоровични алдаш, гоҳ онаси касаллигини, гоҳ аллақандай рўзгор ишларини баҳона қилиб, ишдан вақтلىроқ жавоб сўраш; кўнгил тортмайдиган одамлар билан ўтириши керак эди. Оилада ҳам ёлғон гапириши, турли баҳоналар топиб, гоҳ кундузи, гоҳ кечаси ўз туғишганларини бир-икки соатга уйдан чиқариб юбориши ёки ярим кечада кириб келишни онасига бирор тарзда англатиши керак эди.

«Костя, сен уйланганмидинг?» деб сўради бир кун ундан Зоя Петровна. «Мен ҳозир ҳам хотинликман,— деб жавоб берди у, одатдагидек оёғини ликиллашиб.— Бунинг нима аҳамияти бор?»— «Хотиннинг борми?»— деди Зоя Петровна саросима бўлиб.— Наҳотки бунинг аҳамияти бўлмаса?»— «Ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки мен у билан яшамайман, шунинг учун, кўриб турибсанки, Москвадан жўнаганман». «У нима... У сен билан жўнашни хоҳламадимми?»— «У эмас мен уни олиб келишни хоҳламадим. Мен ундан зерикдим. Чарчадим. Билдингми?»— «Йўқ»,— «Йўқса, қўяйлик бу гапни. Сен мен билан бўлсанг ёмонми? Нега индамайсан? Ёмонми ёки яхшими? Айтсанг-чи?»— «Яхши»— деди мажбуран эшитилар-эшитилмас Зоя Петровна. «Шундай бўлса бўлди-да. Қолгани бир пул, Зоенька! Хаёт шунчалар мушкул, шунчалар мураккабки, биз унинг гоҳо бахш этадиган жиндаккина завқу халоватидан ҳам тийиниб ўтирсак бўлмас. Жамиятнинг олдинги сафларида турган одамларнинг жамиятига қўшадигани ундан оладиган ҳиссасидан кўра кўпроқдир. Шундай эмасми? Шундай, ўзимиздан унчалик қаттиқ гина қилмайлик».

Зоя Петровна октябрь кунларидан бирида кечқурун ўз

уйига Орлеанцевнинг аллақандай ошналари билан келишини кутарди. «Зоевка келадиганлар, турли тоифадаги одамлар. Уларни номеримда ҳеч ким кўрмагани дуруст. Сеникига бошлаб келаман. Мана бу ердан бир неча юзталикни ол, қовуштир». Қовуштир эмиш! Бунинг маънисини дастурхон тузишга киришгина эмас, ишдан ҳам вақтлироқ жавоб сўра, қизчанг билан онангнинг қаерга жўнатишини ҳам ўйлаб кўр, ярим кечагача бироз шовқин бўладиган бўлса унча хафа бўлмасликлари учун қўшнилари ҳам огоҳлантириб қўй, дегани эди.

Меҳмонлар соат саккизларда иккита таксида келишди. Орлеанцев ҳаммани Зоя Петровнага таништирди. Улар орасида — завод директори олдида бир неча марта келган инженер, техникум ўқитувчиси ихтирочи Крутилов Зоя Петровна завод бошқармасида кўриб юрадиган инженер, ўзи яқинда қамоқдан бўшаб чиққан, Воробейний бор эди. Воробейний фалон цехга (қайси цехлигини Зоя Петровна унутибди) тайинлансин, дейилган буйруқни машинкада ўзи кўчирган эди. Заводга кириш учун пропуск керак бўлганда Зоя Петровнага телефон қиладиган рассом Козаков ва артист Гуляев ҳам келган эди. Орлеанцев театр режиссёри, деб таништирган Томашук ва ниҳоят Орлеанцевнинг ўзи ҳам шу ерда эди.

— Азиз дўстлар! — деб рюмкасини кўтарди Орлеанцев, стол ёнига ўтиришганда. — Одам учун энг қимматли нарсаси — дўстликдир. Дўстлик учун!

— Рухсат этинг, — деб эътироз билдирди Гуляев. — Бу ажойиб қадаҳ. Лекин бироз вақти бор. Орамизда уй эгаси, аёл бор. Севикли Зоя Петровна учун!

Навбатдаги қадаҳ ҳар нечук дўстлик учун бўлди. Орлеанцев уни такрорлади. Зоя Петровна бу қадаҳ Орлеанцевнинг энг севимли, балки бирдан-бир қадаҳи эканини кўпдан буён биларди. У ҳар доим дўстлик учунгина ичарди. Бироқ бу сафар Орлеанцев инженер Воробейний учун яна бир қадаҳ таклиф этди. Орлеанцев бундай деди:

— Биз бундай одамларга ғамхўр бўлишимиз, уларга меҳрибон бўлишимиз керак. Токи алам, ҳақорат ва адолатсизликнинг аччиқ сарқити Борис Калистратовичнинг кўнглидан иложи борица тезроқ ювилиб кетсин. Мен бир партия аъзоси, ўз партия билан биргаликда мамлакат тақдири учун — ютуқларимиз учунгина эмас, шунингдек хатоларимиз учун ҳам жавоб берувчи киши сифатида ўзимни ўртоқ Воробейний олдида айбдор ҳис этаман, бу айбни бўйнимга оламан ҳамда дўстлик белгиси сифатида унга қўлимни

узатаман. Саломат бўлинг, азиз дўстим! Яна ҳаётга янгилик барпо этувчилар сафига дадил қадам қўйинг!

Ичишиб олганларидан сўнг Воробейний шимолнинг аллақайси ерида кечирган ҳаётидан ҳикоя қилди. У ваҳимали қилиб сўзлар, ҳикоялари эса Зоя Петровнадан муздек тер чиқарарди.

Зиёфат авжига чиққан сари Зоя Петровна кўпроқ ноқулайлик сезарди. У негадир хонада сиқилиб борарди; бу, балки, меҳмонлар тобора кўпроқ ёзилишиб, эркинроқ ўтирганларидандир. Папирос тутуни стол устидаги ҳавода пағпаға бўлиб ёстанган, дим ва иссиқ одамни лоҳас қиларди. Булар устига Зоя Петровна оёқларини режиссёр Томашукнинг оёғи остида тинмай излаётганини сизди. Шундай қилаётган Томашукнинг кўзи бошқаларда, лекин Зоя Петровна оёқларини тортар, стул остига яширарди, Томашук уларни бу ердан ҳам излаб топарди.

Кашфиётчи Крутилич кайфи ошмагунча стол ёнида ҳўмрайиб ўтираверди. Маст бўлгач, узиб-узиб:

— Қийинчиликларни фақат улар, шундай одамлар тортган деб ўйланмасин,— деб бармоғи билан Воробейнийни кўрсатарди.— Менинг қамоққа тушмаганим ҳеч нима эмас. Бу бир тасодиф. Менинг бундай ростгўйлигим ва муросасизлигим учун бу ҳол ҳар дақиқада бўлиши мумкин эди. Лекин мен қамоқсиз ҳам заҳар-заққум ютдим...

— Яна ютинг,— деди Гуляев Крутиличнинг рюмкасини тўлдирар экан.

— Киноя қиялпсизми?— деди жеркиб Крутилич.— Мен сизни ёқтирмайман, Гуляев.

— Мен ҳам сезни ёқтирмайман,— деди Гуляев.

— Александр Львович!— деди ўрнидан туриб Орлеанцев.— Ўртоқ Крутиличга шафқат қилинг. Ҳақиқатан унинг ҳам турмуши оғир, алам-изтироб билан тўла. Ўртоқ Крутилич— саботли, бақувват одам. Бу тиниб-тинчимаган изловчи ўз мақсадига эришади. Мен ўртоқ Крутилич учун, унинг серташвиш кашфиётчилиги учун ичишни таклиф қиламан!

Гуляев ўзининг рюмкасига тегмади.

— Витенька,— деди у Виталийга шивирлаб.— Мен сени бу ерга беҳудага бошлаб келганга ўхшайман. Мен, кекса аҳмоқни, кечир.

Баджаҳл, ранжитилган, бақироқ улфатлар Виталийга ҳам ёқмай турган эди. Шундоқ гапириб қўя қолмай, нуқул ачитиб-нуқатиб гапиришади.

— Жўнаб қоламизми?— деб шивирлаб жавоб қилди Гуляевга Виталий ҳам.

— Сездирмай биттадан чиқамиз,— деб таклиф қилди Гуляев:

Томашукнинг стол остида оёқ излашидан тинкаси қуриган Зоя Петровна боши оғриб кетганини айтиб, айвончага чиқди-ю, мушқули осон бўлди. Гуляев унинг орқасидан чиқди.

— Азизим Зоя Петровна.— деб сўради у,— бу ерда бошқа эшигингиз борми, хонадан ўтиб юрмайлик?

— Бор, мана шу эшикдан боғчага тушилади, нарироқда эшик бор.

— Жуда соз. Мен дўстим билан қочиб қолмоқчиман. Ҳордиқ чиқардик, етар. Сизга ғоят улуғ раҳмат. Кечани яхши ўтказдик.

— Нега ёлгон гапирасиз. Александр Львович?— деди маъюсланиб Зоя Петровна.— Сизга кеча ҳам, одамлар ҳам ёқмаганини ва бу ердан жон-жон деб тезроқ қочишга тайёр турганингизни кўриб турибман.

Гуляев индамай унинг қўлини ўпиб:

— Буниси сизга доир эмас,— деди Гуляев.— Сиз-ку, ажойибсиз.

Айвончага Виталий ҳам чиқди.

— Қани, азиз дўстим,— деди унга Гуляев,— уйни нариги ёқдан айланиб ўтиб, даҳлизга кир, пальто ва шапкаларимизни ол. Зоя Петровнани ўз шахсимиздан халос этайлик. Хона бироз бўшасин.

— Нега бундай дейсиз, Александр Львович?— деди Зоя Петровна.— Виталий Михайлович!— деб шовқинлади у, айвонча зинасидан югургилаб кетаётган Қозақовнинг орқасидан.— Бзовта бўлманг, кийимларингизни келтириб бераман. Кечиринг, Александр Львович, даҳлизга ўзим бориб келаман. Йўқса қоронғида адашиб юради.

— Бошқа шапкаларни олиб келадими? Масалан, Крутиличнинг шапкасини. Бу нусхангиз қаердан? У менинг кўзимга нопок, қўполлигим учун кечиринг, битлиқи одамга ўхшаб кўринади.

— Константин Романович нуқул... Константин Романович ишқилиб биров ранжитган ҳар бир одамга кўмаклашишга тайёр. Мана қаердандир топиб...

Зоя Петровна бориб, тез орада Виталий билан қайтиб келди. Виталий кийиниб олиб, Гуляевнинг пальтосини кўтариб келаётган эди. Гуляев Зоя Петровнанинг қўлида ўз шапкасини кўрди.

— Мен адашмабманми?— деди ҳазиллашиб Зоя Петровна.— Крутиличники эмасми, а?

Зоя Петровна ўзига ёққан бу иккала одамга ҳавас билан қараб қолди. қоронғида уларнинг овози босилгунча айвончада турди. Кейин елкасидан совуқ ўтиб, хонага қайтиб келди.

— Партия биз партияли ва партиясизларни принципат бўлишга ўргатади,— деди Орлеанцев.— Агар сиз, инженер Воробейний, илгари эгаллаган вазифамга тенг бўлмаган вазифа бериб, мени хафа қилишди деб ҳисобласангиз, сиз бунни тегишли жойда айтишингиз, тақдирга тан бериб ўтиравермаслигингиз керак.

— Гап бундай, Константин Романович,— деди эътироз билдириб Воробейний.— Мен суд йўли билан оқланган бўлсам ҳам, лекин партия сафига қайта олишмади-да, шу жиҳати мушкул. Шунини айтишинг билан, ҳамма, биласиз-ку...

— Шундай қилинганки, партия сафига ҳам қайта олишингиз! Нима бўлибди?— деди жаҳли чиқиб Орлеанцев.— Сизни қаерда қайтаришди? Яна юқорироққа, Марказий Комитетгача бориш керак! Эшитдингизми?

Воробейний жим эди.

— Бундай жим қолиш ярамайди. Бу принципсизликдир,— деб гапини тугатди Орлеанцев.— Зоенька, меҳмонларимиз қани? Қетиб қолишдимиз? Хайрлашмай, инглизчасига-я. Айтгандек, ажойиб одамлар бу санъат аҳли.

— Гуляевнинг ҳам,— ажойиб одам дейиш қийин,— деди Томашук. Сиз уни қаердан илаштирдингиз, Константин Романович?

— Сизни илаштириб олган жойдан. Театрдан. Зоя Петровна билан кириб, танишган эдик.

— У бўрсиқ,— деди Томашук.— Кекса сурбет. У билан мен жуда хунук бир жанжаллашиб қолдик. Халойиқ олди-да менга бўлмағур гаплар гапирди. У билан ошначилик сизга катта ҳузур бағишламас, деб ўйлайман.

Зоя Петровна Томашукнинг оёқлари дастидан ўзини қаёққа қўйишини яна билолмай қолди. Меҳмонлар кетганда Зоя Петровна бунини Орлеанцевга айтди.

— Вой аблаҳ!— деди Орлеанцев ўз илжайишини қилиб. Бундан унинг жиддий айтаётгани ёки ҳазиллашаётганини билиш қийин эди.— Унинг тумшугига тушириш керак эди.

Зоя Петровна столни йиғиштиришга ва хонани тартибга солишга киришди. Гарчи онаси билан қизи яхши бир таниш хотинникида ётиб қолиб, бу кеча келишмаса ҳам, лекин эрта билан туриб йиғиштиришга вақт бўлмайди, ишга барвақт туриш керак. Зоя Петровна пичоқ ва вилкаларни тозалар, идиш-товоқни юварди. Орлеанцев диванда ўтириб олиб, дунёда ҳақиқатан ёмон одамлар яхши одамлардан кўра анча кам эканини гапирар эди. Ҳатто бу Томашук ҳам ажойиб одам бўлиб чиқиши мумкин, унинг оёғига парво қилмаслик керак.

— Инсон, Зоенька, шундай яратилган. Беками-кўст

одам йўқ. Бизнинг ҳар биримиз бир жиҳатдан яхши, бир жиҳатдан албатта ёмонмиз. Танқидчилар қаҳрамонларни сип-силлиқ, беками-кўст қилиб тасвирлаган, идеал деб аталган қаҳрамонлар яратган ёзувчиларни бежиз савалашмайди. Идеал одамлар — ҳақиқат эмас, ахир. Ноҳақ бўлгани учун савалашади.

— Бўлмаган гап,— деди бироз ўйлаб, Зоя Петровна.— Ҳамманинг икки ёқлама эканлиги бўлмаган гап.

— Ҳа, Зоенька, шундай, ҳамма икки, уч, беш ва ундан ҳам кўпроқ ёқламадир. Бу жиҳатлар қанча кўп бўлса, шахс ҳам шунчалик сермазмун, мароқли бўлади. Йўқса ҳамма бир қолипдан чиққан, бир дазмол билан дазмолланган сингари бўларди. Унда ёруғ дунёда ўлгидек диққатбозлик ҳоким бўлиб оларди. Маяковский нима дегани эсингдами: зерикиб ўлгандан кўра, ароқдан ўлган яхши деган. Масалан, мана сен, ўзингни яхши одам деб ҳисоблайсанми?

— Билмадим,— деди Зоя Петровна саросималик билан ўйлаб.— Бошқалардан ёмон эмасдирман, дейман.

— Кўрдингми, баҳо беришда қандай эҳтиёткорсан! Нега? Чунки кам-кўстсиз эмассан. Йўқ, беғубор эмассан. Сенинг ҳам унчалик ёруғ бўлмаган жиҳатларинг бор.

— Хўш, нима бўпти! — деди Зоя Петровна гурур билан бошини ирғатиб.— Бунинг маъноси нима экан?

— Ҳеч нарсa. Бошқалардан ҳам ўзингда йўқ нарсани — яъни ялпи фаришта сифатликни талаб этишининг кераги йўқ. Маъноси шу.

— Мен ўзимни айтаётганим йўқ, гап менда эмас,— деди ҳаяжонланиб Зоя Петровна,— мен кичик, увоқ одамман. Ҳар бир яхши, улуғ одамни айти вақтда пасткаш ва ҳатто аблаҳ одам деб ўйланилса, унда нима бўлади. Костя! Биз ўрнак оладиган одам қолмайди-ку.

— Сен албатта бировдан ўрнак олишинг керакми? Бу нарсa пионерлик чоғингдаги: «Ўннга текислан!» деган гаплардан қолган бўлса керак. Ўша ўнг томонда бўйидан бошқа ҳосияти йўқ бир сўлоқмон турган бўлса ҳам.

— Костя...— деди Зоя Петровна ожизона. Унинг учун сўз, эътироз, исбот этишмасди, лекин Зоя Петровна ўзи ҳақ эканини, Орлеанцев ноҳақ, у янглишаётганини сезиб турарди.

— Сен ўзингни раҳмдилман дейсан.— Агар ҳамма одамларни шундай деб билар экансан, ёвузсан!— деб қичқирди Зоя Петровна.

— Сенга айтсам, бўтагинам...— деб бошлаган эди Орлеанцев, лекин Зоя Петровна:

— Мен бўтагина эмасман! — деб қичқирди; у Орлеан-

цевнинг такаббуруна сўз оҳангидан ранжиган эди.— Мен бунақа сўзларни ёқтирмайман.

— Бўтагиннам бўлмасанг, мушуккинам бўла қол, кабутаргиннам, жўжагиннам, товуққинам...

Зоя Петровна кафти билан қулоқларини беркитиб, Орлеанцевнинг лаблари тингач очди.

— Гап бунда эмас,— дерди Орлеанцев.— Гап мен ўзимни ҳам яхши одамман, деб даъво қилмаётганимда. Ўзимни биламан. Менда ёмон жиҳатлар истаганча топилади. Мени яхши деб тасвирлаш — мени ҳам, бошқаларни ҳам чалғитиш бўлади.

— Яхши одамларни ёмонлаб тасвирлаш ҳам — чалғитишдир.

— Яхши одамлар йўқ, бўлмаган ва бўлмайди!

— Ленин-чи?! — Зоя Петровнанинг ўзини ҳимоя қилиб айта олган охириги сўзи шу бўлди.

Орлеанцев узоқ жим қолди, узун папиросни тутатиб, уни ярмигача чекиб бўлгунча индамади.

— Сен билан баҳслашиб бўлмайди,— деди у ниҳоят.— Сен манъ этилган усулларни, қўллайсан. Бу спортбоп усул эмас. Яхшиси ухлайлик. Мен сеникида қоламан. Кўча расво, совуқ.

— Сенга ўрин солиб бераман,— деди Зоя Петровна,— ўзим онам бугун тунаб қолган жойга кетаман.

— Нодонсан,— деди Орлеанцев. Уни қўлидан ушлаб олиб, диванга ўз ёнига ўтқазди, пешонасидан, кўзларидан ўпа бошлади, елкасини силади.— Нодонгина,— дерди пичирлаб.— Дарҳол хафа ҳам бўла қолдинг, ўшшайиб ҳам олдинг. Бу машмашанинг ҳаммаси бир пулга арзийдими? Ўйлаб чиқарган бу идеал қаҳрамонлар сенинг олдингдан ўтаверсин олтингинам, гўзалим, нозиккинам, овунчоғим.

Зоя Петровна тутиб олган сичқони устида ўз мушуги Рижик шундай минғирлашини эслаб, хўрлиги келди. Минғирлаётган одамнинг кўкрагига ёпишиб, қалтираган иссиқ қўллари билан унинг бўйнини қучоқлаб, йиғлаб юборди...

Эрталаб Антон Егорович Зоя Петровнанинг нурсиз юзига қараб:

— Сизни отпусकाга юборай, азизим.— деди.— Мен туфайли ўн уч ойдан буён қийноқдасиз. Мен отпускаи олмаяпман, бу эса, сиз ҳам менинг олдимда ўтиришингиз керак, деган гап эмас. Мен номенклатурани арбобман, сиз — меҳнаткаш оммасиз. Ариза беринг. Бирор ёққа путёвка тўғрилаймиз.

— Отпусकाга чиқишни хоҳламайман, Антон Егорович. Яхшиси менга ҳақини бериша қолсин.

— Нега бундай? Пул танқисроқми? Ёлғиз онла тебратиш оғирроқ бўляптими? Турмуш шу-да, қурғур!..— Чиби-сов кабинетда кезди.— Эрга чиқсангиз-чи, а? Айтгандек, анови москвалик Орлеанцев нечук атрофингизда ўралишиб юрибди?

Зоя Петровна Антон Егоровичнинг бундай савол беришини кўпдан кутар ва бу саволдан қўрқар эди. Зоя Петровна, сўнгги вақтларда доим қизаргани каби бирдан қизариб, жим бўлиб қолди.

— Сиз келгиндиларга эҳтиёт бўлинг,— деди давом этиб Антон Егорович.— У қурғурлар, қандай ният билан, қай муддатга келганларини билиб бўлмайди. Қулоғингизга ширин-ширин гапириб, кейин дарҳол чемоданчасини кўтариб йўлга равона бўлиб қолади. Ўзи-ку,билағон, мияли ходим кўринади. Кўриниши ҳам чакки эмас... Ҳа бўпти, бўпти, ловиллатиб юбордим сизни ҳам. Тамом қилдим. Эҳтиёт бўлинг лекин. Кейинчалик нолиб юрманг.

16

Степан Ершов тўрт кундан буён ўз жонажон шаҳрида яшамоқда эди. Унга марҳум ота-онасининг қадрдон олчазорлар ўртасидаги эски кулбасидан жой беришди. Боғчалар яп-яланғоч турарди, ноябрь тугаб бормоқда, кузак ёмири серлой ерни аёвсиз ювмоқда эди.

Степан уйдан онда-сондагина чиқар, ғира-шира қоронғиликда катта кўчадан ўтарди. Юзини кепкасининг соябони билан яширар, танишлар йўлиқишидан чўчир эди. Бироқ танишлари йўлиқмасди. Шаҳарда урушдан аввалгига қараганда одам анча кўп эди. Нуқул ёшлар — йигитлар, қизлар. Улар қаёқдан келиб қолди экан? Ёки Степан урушдан илгари эътибор ҳам қилмаган ўша кичкинтойлардан ўсиб кўпайганмикан. Уруш вайрон қилган уйлар ўрнига қурилган янги бинолар бир қанча бор ортган. Марказий кўчалар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Фақат чекка боғчалар ўртасидаги мана шу жойларгина ташқи кўринишидан урушдан аввалги вақтдагига ўхшар, худди бу ерларда тўп овозлар гумбурламагандек, бу кўп захматлар чеккан тупроқни гитлерчи дивизияларнинг этиги босиб янчмагандек эди.

Степан денгизга, портга тушди. Ун тўртинчи номерли қўшқават ғиштин иморатни узоқ излади. Жарликдаги сўқмоқдан ана шу ўн тўртинчи номерли уйга у уч-тўрт ой қатнаган бўлса-да, лекин жуда кўп ҳис-туйғулар, орзу-умидлар шу уй билан боғлиқ эди. Ун тўртинчи номерли уй йўқ бўлиб

кетиб, унинг ўрнида ёмғирда ивиб қолган қора тошқўмир уюлиб ётарди; кран уни ковши билан бир четдан йиғиштириб темир ковшга олар ҳамда узун, серсуяк қўлларини чўзиб, соҳил яқинида турган кемага узатарди.

Бу уйнинг бўлмаганлиги ҳам яхшидир, балки. Степан бу уйга киришга, таниш эшикни тақиллатишга журъат этишни амримаҳол эди. Нарироқдан атрофидан бироз кезарди-ю, жўнаб кетаверарди. Унинг чўнтагидаги сийқаланиб, оқ ас-тари кўриниб қолган жармони ичида целлофонга ўроғлик бир фотосурат сақланарди; суратнинг четлари уваланиб кетиб, қиз боланинг юзи қолган қисмигина сақланган бўлиб, бу юз тузилишини энди Степангина таний оларди. Лекин таниганда ҳам жуда яхши танирди. Степан бунга асирликда ҳам. кейин совет тўпроғининг узоқ четида бўлганида ҳам унутиб юборолмади. Бу суратни барча синовлардан олиб ўтди. Урушдан бир неча қун илгари ўзига шу суратни топширган қизни учратишни Степан сира умид қилмас эди. Унинг қалбида яширин бир алам қолган эди, холос. Ана шу алам туфайли у майин юзли, мулойим қуралай кўзли қувноқ Олечка Величкина бир вақтлар яшаган мана шу жойга келган эди. Степан уни энди ҳеч маҳал ва ҳеч қаердан изла-маслигини биларди. Унинг топилиши тўғрисидаги фикр Степанни таҳликага соларди... Гарчи кўнгил жуда тусаса ҳам, лекин Степан бирдан унинг кўзларини кўриб қолишдан. овозини эшитишдан чўчир эди.

Степан бозор майдонига ҳам борди; бу ердаги тепалик-дан домна цехидан тортиб тайёр маҳсулот склади-ю, олис-даги учинчи дарвозагача бутун завод яққол кўринарди. Қора бронга бурканиб, паҳлавонлар темир дубулғасини кийиб, қад кўтариб турган тўртта домна яшил ҳовза сувида равшан акс этар, денгиз ортидан руда жёлтирган кемалар шу ҳовзага кириб борарди.

Степан заводга бормади. Ака-укалари билан бўладиган қатъий суҳбатни кутар, лекин бу суҳбат ҳамон бўла қолмас-ди. Степан келган кунга ўз бошлиқларида жавоб олган бўлса керак, учовлари уни вокзалда кутиб олишди, қўл қи-сишиб кўришишди-ю, қалай келдинг деб, йўл тўғрисида, ро-са ёмғир ёғди-да. деб об-ҳаво тўғрисида арзимас гаплардан гаплашишди. Вокзалдан Платоннинг квартирасига олиб келишди, у отасининг уйидан кўчиб кетган экан. Йўл босиб келгандан сўнг ювиниб олишни буюришди. Устиновна тоза сочиқ ушлагани ҳолда ёнида йиғлаб турарди. Чой ичгани ўтқа-зишди. Аллақандай ноқулайлик юзага келган бўлиб, стол ёнида ёлғиз ўзи стаканда қошиқчани айлантитарди. Йиғил-ганларнинг айримлари атрофда оғир сукутда турар, хонада

нари-бери юраётганлари ҳам Степанга бирор сўз демасди. Квартирага кўп одам тиқилган эди. Устиновна буларнинг ҳаммаси қариндошлар эканини айтди, лекин кўпини Степан танимас эди. Бири эрга теккан бўлса, бири уйлангандир, бошқалари туғилиб шунча қариндош-уруғ урушдан кейин, унинг йўқлигида вужудга келгандир.

Сўнгра унинг турар жойини тайин қилиш учун отамизнинг эски уйида туришга қарши эмасмисан деб сўрашди. Нега қарши бўлади? Худди урушгача йигирма уч йил шу уйда яшаган-ку. Кечга яқин телефон қилиб, такси чақирди-ю, шу олчазор боғчаларига элтиб қўйишди. Дмитрий урушда ўлган Игнатнинг ўғли Андрей билан бу ерда бирга туришини айтди. Ершовлар оиласининг бир қисми Уралга кўчирилганда Андрейнинг онаси аллақайси бир майор билан Узоқ Шарққа қочиб кетиб, ўшандан буён дом-дараксиз экан. Андрей ён ҳужрада яшар, Дмитрий эса деразалари ҳам кўчага, ҳам боғчага қараган хонани эгаллаган эди. Степан эса, учинчи хонани бутунлай ўзиники қилиб олса бўлади.

Ҳақиқатда эса бутун уй унга қолди. Дмитрий ўша куни кечқурун акалари билан бирга кетганича қайтиб келмади. Кеча Андрей ҳам ғойиб бўлди. Степан озғингина бола чоқларини билган бу жияни бақувват, шалпанг қулоқ бўлса-да, елкалари кенг, барваста, чиройли йигит бўлиб қолган эди. Гапига қараганда, йигирма беш ёшга қадам қўйибди. Техникумни тамомлаб, домна цехида мастер бўлиб ишлар экан.

Степан ҳар нечук Андрей билан гаплашиб олди. Бу ўтган куни бўлиб ўтди. Андрей сменадан бўшаб келди-да, майкаси билан чиқиб, ошхонадаги умивальникда ювинди, ёпишқоқ домна қурумани тоғорага ювиб туширди. Степан эшик ёнига келиб турди. Андрей ўз ёши ва қаерда ким бўлиб ишлаши тўғрисида Степаннинг саволларига қўполроқ қилиб истар-истамас жавоб берад экан, Дмитрий амакисига ўхшаб кетарди. «Аълочи, илғордирсан?— деди сўроқ оҳангида Степан.— Мукофотлар, орденлар борми?»— «Қанақа орденлар бўлсин?»— деди Андрей, бўйинини сочиқ билан артар экан.— Авария бўлиб, фурма ёрилиб кетди. Энди орқада қоляпмиз. Участкамиз қолоқ. Ҳар кимдан дакки эшит-япмиз. Уч марта газетага ёзиб чиқишди». Степан ҳайрон эди. У кўпданоқ: бошимга тушган нарсадан ҳоли қолган ҳар бир одам ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб, тер тўкмай яшайверади, деган тушунча билан яшарди, эркинликда — ҳамма одамлар илғор, зарбдор, орденлик, лауреат, депутат ва делегат... Дунё саранжом-саришта, ҳамма

шоду кўррач. ҳамма фароғатда. бахтиёр яшайди, деб ўйларди. У бўшаб чиққанидан бери эркинликда ҳам содир бўлиб турадиган одамларнинг кўнгил сиёҳликлари тўғрисида ўй эшитарди. лекин унга бу ҳақда рост айтадиларми ёки ҳазиллашяптиларми — бунга ҳамон одатланолмас ва тушуна қолмасди. «Нега энди? — деб сўради Степан. — Нега энди аверияга йўл қўйиб бердинглар?» — «Емон кўз-қулоқ бўлганимиз» деб жавоб қилиб қўя қолди Андрей.

Кейин Андрейнинг ўзи: «Сиз немислар билан қаерларда. қайси фронтларда бўлдингиз?» деб сўради. Степан аввал бу маънумотларнинг унга нима жераги борлигига тушунолмаётган эди. Андрей яна: «Тасодифан, Белгород яқинида бўлганми?» деб қўйди. Степан саволнинг маъносига энди тушунган эди. Игнатнинг ўғли Андрей Курск дўғасида ҳалок бўлган ўз акасига ўз укаси ўқ отган-отмаганини билмаётган эди. Андрей кўйлагининг тугмаларини қадар экан, кўзи бошқа ёқда бўлса-да, лекин йигит Степан қандай жавоб беришини диққат билан кутаётганини кўриб турарди. «Йўқ, — деди Степан, — бўлганим йўқ. У жойларда бўлган эмасман».

Степан Андрей билан бўлган гап-сўздан кейин бутун оилани ташвишга солаётган нарсаси — унинг душманга қилган хизмати қайси даражага етганлиги; қисқаси, Власовнинг сотқини кўшинларида у ўз кишиларининг қонини тўккан-тўкмаганлиги масаласи эканига тушунди. У ҳам ҳар куни ана шундай саволларнинг жавобига тайёрланарди. Бироқ бу саволларни Андрейдан бошқа ҳеч ким бермасди. Шу кунларда эски уйда ака-укаларнинг гоҳ биринчиси, гоҳ иккинчиси, гоҳ учинчиси ўн-ўн беш минут пайдо бўлиб, нима кераклигини сўрашарди-ю, яна ғойиб бўлишарди. Кеча, шанба кўзи кечқурун Дмитрий келди-да, эшик олдида аллақандай бир хотиннинг келишини кутиб турди, улар кўчада алланарсалар тўғрисида ярим соатча гаплашиб туришгач, Дмитрий хотинни бошлаб кетганича қайтиб келмади. Степан учрашувга халақит бердим шекилли, деб ўзини айбдор сезди.

У тушки овқатни товар станциясидаги темир йўл ошхонасида ерди. Эрталаб ва кечқурун ўзи чой қайнатиб, нон ва колбаса билан тамадди қиларди. Унинг орзиқиб кутгани икки оғиз илиқ-иссиқ гап эди, албатта, ёлғизликдан қутулиб, қариндошларининг ўз ёнига чорлашига муҳтож эди. Ўзи, дастлаб уларнинг ёнига боролмас, бундай қилишга ўзини ҳақли деб билмасди. Степан уларнинг чақирлишини кутарди.

Уша якшанба куни кечқурун Степаннинг кутгани келди. Қоронғида деразалар ортидан эркак киши оёқларининг тапир-тутури эшитилиб, эшик тақиллади. Уч ака-ука кириб келишиб,

иккита яримталикини столга қўйишди, ўроғлиқ селёдкаларни, ветчинани, тузланган помидорларни, бодрингларни ёзиб қўйишди. Дмитрий буфет шкафидан тарелкалар билан стаканларни олди.

— Хўш, Стёпа! Столга ўтиб, ичишайлик!— деди Платон Тимофеевич, стулни суриб.— Оғаларинг билан анчадан буён ўтиришганинг йўқ.

Қирралик стаканларга ароқ қуйилди, ҳаммалари уриштиришди: «Саломат бўлайлик» дейишди-ю, лекин бири оғзинга, бири бурнига яқин тутган бўлса-да, лекин ака-укаларнинг бирортаси ҳам ичмади, стаканлар шундоққина столга қайтиб қўйилди. Буни кўриб турган Степан ўз стаканидан озгина ичди-ю, бодрингни закуска қилди.

— Степан,— деди бирдан Дмитрий, Степанга болалигиданоқ маълум бўлган қатъият билан.— Биз ҳам, сен ҳам дипломатлар эмасмиз. Ҳаммасини рўй-рост айтиб қўя қол. Қандай қилиб бу кўйга тушдинг?

— Ўзинг тушунсанг керак, Стёпа,— деб қўшимча қилди Яков Тимофеевич.— Айтгандек, сен бошқа ёқда бўлганингда ўзингга ўзинг ҳўжайин эдинг, ўзи учун ўзи жавобгар ва ҳеч ким бирор нарсага мажбур этмайдиган шахс эдинг. Энди сен ўзинг ўсиб-унган жойларга қайтиб келдинг, турмуш шундоқки, сен қанчалик тарки дунё қилиб яшама, халқдан қанчалик четлаб юрма, барибир, сен халқ назарида оиламиз аъзоси-сан, укамизсан, бу тизгинчани ҳеч бир куч узиб ташлай олмайди. Қисқаси, биз ҳаммамиз одамлар олдида сенинг учун жавоб бериб келдик, бермоқдамиз ва жавоб берамиз. Энди биз билмоқчимизки...

Ака-укалар Степан билан бўлаётган суҳбатдан қандай натижа истаганликларини аниқ ифода қиладиган сўз қидириб Яков Тимофеевич бармоқларини шиқиллатди. Платон Тимофеевич розилик билдириб бош силкиди. Дмитрий катта, кучли қўллари тирсагини столга қўйиб, қимир этмай ўтирарди.

Эсанкиратадиган бир совуқлик Степаннинг вужудига — кўкраги ва оёқларига секин-аста югурмоқда эди. Степан бу гапни кўпдан кутган бўлса-да, лекин ўз ака-укаларига яқкама-яқка рўпара келиши бунчали даҳшатли бўлишини тасаввур қилмаган эди. Степан бу ердан олисдаги ўша жойларда, юз-кўзи, юриш-туриши ўзиники сингари бўлган бу уч одамдан олисда, урушдан сўнг терговчилар, амалдор кишилар қаттиқ суд қилган судьялар олдида кўп бўлди — ўтган йилларда кўп нарсаларни бошидан кечирди у. Лекин у ҳали ҳеч маҳал шу кунгидек қўрқувга тушмаган эди. У судьялар олдида туриб, уларнинг саволларига жавоб бе-

пар экан, ҳукм ҳар қанча қаттиқ бўлса ҳам, лекин абадий бўлмаслигини, жазонинг бирор чегараси бўлишини биларди. Ака-укаларнинг ҳукми эса абадий бўлиб, муддат ва даража билан ўлчанмас, ўла-ўлгунча кетарди. У Яковнинг:

— Гапир, Стёпа,— деган овозини эшитди.— Нимани гапирини лозим деб билсанг, ўшани сўзлаб беравер.

Нимани лозим билсанг эмиш... Суд олдида бўлгани қанчалик осон эди-я. Суд нимани гапириб бериш кераклигини ўзи белгилар, ўзи саволлар берар, Степан уларга жавоб қайтарарди. Бу ерда-чи... Бу ерда кўнгилдагининг ҳаммасини тўкиб солиш керак эди. Агар у оғаларига ўз дардини англатиш чорасини қила олса-ку, эҳтимол, суд унинг фойдасига бўлар, тушунмасалар — ҳаммаси абадий тамом бўлади. Иккинчи бор бундай суҳбатни кутиб бўлмайди.

Нимани сўзлаш, нимадан бошлаш керак? Степаннинг хотирасига чарақлаб турган кузак кунни тушди. Уни партия сафига киришни сўраб ариза берган комсомол сифатида завод партия комитетига чақиритди. Камарига тўппонча қани таққан комитет секретари хонада юриб турарди. «Ершов,— деди у,— инженер Воробейний билан сен партком аъзоси мастер Василенко ҳузурига командировка қилингансизлар. Домна цехида ишловчи ўша кишини танийсанми? Сизларга масъулиятли операция топширилади. Сенинг учун бу дастлабки партия топшириғи. Сен қайси машинада ишлайсан? Эмкадами? Бориб, енгил «ЗИС»ни ол. Бошлайверинглар!»

Ўзининг катта, узун бурнини яширишга уриниб, ярим йилдан буён мўйлов қўйиб юрган ўттиз беш ёшлардаги домначи инженер Воробейний шу ерда эди. Улар Василенко бошчилигида уч киши домна цехи конторасига жўнаб кетишди. У ерда Степан совет қўшинлари шаҳарни қолдириб кетган тақдирда печларни портлатишни кўзда тутган операцияни ишлаб чиқиш устида ҳозир бўлди. Кўпгина завод ишчилари ускуналарни эшелонларга ортиб, аллақачон Шарққа бориладиган йўлда эдилар. Платон акаси ҳам ўша ёққа кетди. Яков ва Игнат акаларини эса армияга олишди. Кўп одамлар ўрганиш бўлиб қолганидан ва бошқа ёққа бориб бўлмаганидан ҳамон заводга қатнардди. Степаннинг отаси ва Дмитрий укаси ҳам шундай қатнаб юришди. Прокат цехи ётиб қолган, бир неча мартен печи ўчган эди.

Немис тўпларининг снарядлари завод территориясига түшиб ёрила бошлаган, одамлар, автомашиналар, от қўшилган аравалар оқими денгиз бўйлаб шарқ томонга, чўлга ёпирилганда кун чарақлаб турган эди.

Василенко, Воробейний ва Степан топшириқни бажариш-

ди. Улар домна печларини ҳаво билан таъминлайдиган бутун бир мураккаб ҳўжаликни ишдан чиқаришди. Улар бунинемис танклари завод олдидаги кўприкка яқинлашиб қолган дақиқаларда қилган эдилар. Дарҳол жўнаб кетиш керак эди. Лекин Воробейний аллақаёққа ғойиб бўлган эди. У ёқбў ёққа югургилашди, лекин у ҳеч қаерда кўринмасди. Вассиленко бир қарорга келиб: «кутиб ўтирмаймиз. Айб ўзида. Машина олдига кетдик» деди. Степан руль ёнига ўтириб, стартерни босган эди, мотор ишламади. У капотни очди. Кимдир ўтолгич шамчаларни чиқариб олган бўлиб, юргизиш мумкин эмасди. «Инженер шеригингиз уриниб ётувди,— деди вахтер чол,— ҳозиргина югуриб келдию, ўзини шу моторга тикка урди. Қандай иш қилаётганингизни мен билмасам. Шундай қилиш керакдир-да, дебман».

Автомобилга бензин сепиб ёндиришди ва шарққа жўнаётган оломонга қўшилиб, денгиз бўйлаб яёв кетишди. Уларни бомбардимончи самолётлар бомбардимон қилар, штурмовиклар пулемёт ва тўплардан ўққа тутар, танкларда таъқиб этардилар...

Ўўқ, буларни ака-укаларига айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар Степандан унинг Совет Армияси сафида экан Ростов яқинида, Кубанда, Минеральные води яқинида, Шимоллий Кавказ дараларида қандай жанг қилганлиги тўғрисидаги ҳикоясини ҳам кутишмаса керак.

— Хўш, шундай сўк шимиб ўтираверамизми?— деди Дмитрий, тирсакларини столдан олмай.

— Қўрқоқлик қилдим,— деди Степан, аъзойи баданига совуқ югуриб. Степан судда бор гапнинг ҳаммасини рўй-рост—ўз роталарини қандай қилиб қуршаб олишганини, яширинадиган жой бўлмаганини, ўқлар тугаб қоганини айтиб берган эди. Лекин унда Степандан ўша чоқда нимани ва қандай ҳис қилганини, нималар ўйлаганини сўрашмаган эди. Степан бу ерда ўша: «қўрқоқлик қилдим» деган сўзни биринчи марта овоз чиқариб айтди.

— Қўлларингни ҳам осмонга кўтаргандирсан?— деди Дмитрий, стулда ўтирар экан қаддини ростлаб.

— Осмонга кўтардим.

— Сен Ершов эмассан. Қим эканлигингни биласанми, сен...

— Сабр қил Дмитрий,— деб тўхтатди Платон Тимофеевич.— Ярадор бўлгандирсан?— деб сўради Степандан.

— Йўқ, соғ эдим.

Яков Тимофеевич бир пачка сигаретни столга қўйди, Платон Тимофеевич билан Дмитрий олиб, чекди.

— Хўш, яна нима бўлди?— деди Платон Тимофеевич.— Қўлинггни кўтардинг, сени олиб кетишдию, гитлерчилар ши-

нелини кийгизишдимми? Ўз кишиларингга қарши ўт очишга ҳайдашдимми? Уша пайтда отанг душманнинг печларимиздан металл олишга йўл қўймаётган эди. У қўлини кўтармай, қўлидан келганча охиригача олишди.

— Дмитрийни қандай абжағ қилишганини кўр,— деди Яков Тимофеевич.— Ҳали ўспирин бола эди. Болагинани отиб ташлашди-ку...

— Игнат ҳалок бўлди. Лелька, Валеркалар ҳам...— деб қўшиб қўйди Дмитрий.

Степан Дмитриининг шикастланган юзига кўз қирини ташлади.

Степан тобора кўпроқ жунжиб борар, жағлари тинмай қалтираб, тиши тишига тегиб такилларди. Кўп нарсаларни, ҳамма гапларни айтмоқчи бўлиб юрган одам уч оғизгина сўзни ҳам эплаб айтолмай, жим қолиб, ёлдиради.

Бундай тазйиққа бардош беролмади. Кимнингдир ароқ тўла стаканини шартта олдию, полга, шимларига тўкиб, оғзига олиб борди-да, ароқни худди сув ичгандек ичиб юборди.

— Ҳа, мен розиман,— деди у шошилиб.— Бетимга тупуринг, артмайман, ҳаммасига чидайман. Лекин бир нарсага: ўзимизникиларга қаратиб отмаганимга ишонинг. Немислар қўлида биздан ҳеч иш чиқмади, биз қўшин эмас, чиқинди ахлат эдик. Бизни фронт орқасида сандироқлатдилар, халоналарни тозалаб юрдик, жангга яроқсиз бўлганимиз учун тарқатиб ҳам юборишди. Мен, майли аблаҳман, аблаҳ. Лекин ўз кишиларимизнинг қони тутмайди, тутмайди, дейман, тутмайди, билдингизми? Мен ўз-ўзимни маҳкум қилаётган даҳшатли азобни ҳеч ким ҳам ўйлаб чиқаролмайди. Менга ҳеч қаерда, ҳатто уйқумда ҳам ҳаловат йўқ.

Оғалар унинг ҳайқириқларини эшитар, сигаретларини бир-бирларидан тутатган ҳолда бурқситиб чекишарди.

— Мен билганларимни ҳеч бирингиз билмайсиз. Сизлар ўз кишиларингиз ёнингизда бўлиши нақадар ноёб нарса эканини тўла қадрлайсизларми? Сизлар учун бу оддий гап. Ўз кишиларинг, қардошларинг билан ёнма-ён эмас, қарама-қарши бир-бирига кўкрак кериб туришдан кўра даҳшатлироқ нарса бўлмайди. Мен ҳам сизларга ўхшаб ҳозир... оғанилардай ёнма-ён турсам эди... ерни ўпардим.

— Нега бизни тўла қадрламайди, деб ўйлайсан?— деб сўради Дмитрий.— Она ватанга, қондош оилага содиқликни ҳар маҳал тўла қадр қилганлигимиз учун ҳам ўз кишиларимизга қарши кўкрак кериб бормадик. Сен бизга лекция ўқима. Сенинг илмингни биз ўқиган эмасмиз ва ўқимаймиз ҳам. Сен чумчуқнинг ўзисан. Бу тўғрида бир китобда ўқиганман, чумчуқ космополит бўлар экан. Дон топилган, ўзи

учун бир нарсани юлқиб олса бўладиган ҳамма жой унинг уйи бўлаверар экан.

— Ёлғон,— деди Степан.— Ёлғон!

— Ёлғон бўлса,— деди Дмитрий,— нега энди сен ҳам бошқаларга ўхшаб ўзимизникилар томонга ўтмадинг? Тирноқларинг билан тирнаб-юлқисанг, тишларинг билан тишлаб узсанг бўларди. Бундоқлар озмунча бўлдимиз? Гитлерчилар лагерларида махфий ташкилотлар тузишди, электр симларни узишди, партизанларга қўшилишди. У ерда ҳам большевикларча қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бунинг асирда бўлганинг учун айтаётганимиз йўқ, биз сени бунинг учун суд қилармидик? Қўрқибсан, майли, ҳар кимнинг довиорақлиги ўзига,—йўқ, бошқа нарсани, власовчиларга қўшилганингни айтаямиз, бунинг учун бурнингни ерга ишқаш керак.

— Степан, Степан,— деди Яков ҳам.— Сен бизга айтчи, қўрқоқлик қилдим, деганинг нимаси? Нега қўрқар экансан, нимадан, кимдан қўрқдинг?

— Автоматларнинг қора огизлари жонимга тикилиб турганини кўрганимда...

— ...қўлингни кўтариб қўяқолдинг, шундайми?— деб ғазаб билан қўшиб қўйди Дмитрий.— Сен ўша дақиқада нима ни ўйладинг?

— Тирик қолишни! Шуни ўйладим!— деб қичқирди Степан.— Яшашни! Турган жойимда отиб ташлашмаса, кейин бир илож қилиб қутулиб кетаман; деб ўйладим. Тамом бўлгани йўқ, пайти келар дедим.

— Стёпа,— деди Платон Тимофеевич, яниш билан бош чайқаб.— Ҳар қандай курашнинг ҳам амал қиладиган бир қонуни бор. Ўз ҳаётингни ёки осойишталигингни кўзлаб, ўз кишилариңгга, хиёнат қилар экансан, сенинг яшашинг, ҳаётдан баҳра олишинг ўз кишилариңгга қарши курашиш билангина бўлиши мумкин. Бунақа ишда ора йўл бўлмайди. Бардош қилар экансан, ўлган-тирилганиңгга қарамай охиригача бардош қилишинг керак. Путуринг кетар экан, бутунлай тамом бўлсанг. Эсингдами, Яков,— деб Яков Тимофеевичга мурожаат қилди,— йигирма бешинчи ёки йигирма олтинчи йил бўлса керак — биз у маҳалда ўспирин, комсомоллар эдик — бизнинг Юзовкада комсомол ячейкасининг секретари Лёшка Краснобаев деган бўларди, билармидинг?

— Негадир ёдимдан кўтарилибди,— деди Яков Тимофеевич.

— Уша Лёшка... ўзимиздан чиққан ишчи йигит эди. Троцкийчилар уни ҳар нечук тағларига босиб олдилар. Қўрқиб кетди. Нимадан қўрқди, дегин? Бир тўда бақироқлар чиқиб қолганидан. Биз, большевикларни шундай танқид қилиб ке-

тишди, мажлисларда шундай савалашдики, асти қўяверасан. Шунда у: бундай қаттиқ бақришларидан ютиб чиқадиғанга ўхшайдилар, улар зўр экан-да, деган хомхаёл билан ўшаларга ён боса кетди. Борган сари кўпроқ ён босаверди. Шунчалик ён босиб кетдики, ҳатто ўша муттаҳамлардан кўра ҳам активроқ ҳаракат қила бошлади. Ўшанда бизга обкомдан, яъни ўша вақтдаги губкомдан... мана энди хотиримдан кўтарила бошлади, Яша, аниқ қандай бўлгани... Шундай бир забардаст йигит келдики, унинг ҳам исми Алексей экани ёдимда, фамилияси, вазифасини, кечирасизлар, унутибман. Бақироқлар ўшанда пусиб қолишди-ку. Бу Алексей уларни шиббалай бошлади. Шунда бизнинг Лёшкамиз: хўжайинлик қилишингга йўл қўймайман, бу ерда мен раҳбарман, деб қолди-ку. Келган йигит бўлса: Сен, деди, қанақа раҳбар бўлиб қолганингни биласанми? Сен, қутурган итваччаларнинг олдига тушиб олиб оёқ учида югуриб кетяпсан, яна улар истагандек югурияпманми деб орқангга ҳам қараб қўясан, уларга хушомадгўйлик қиляпсан, уларнинг олқишлашини кутяпсан, деди. Сен, аҳмоқ уларнинг мақтовидан қувоняпсан, деди. Бизнинг Лёшкамиз ҳеч нарсани фаҳмламай ҳаддидан бадтарроқ ошди, иш шунгача бориб етдики, унинг орқага қайтишига имкон қолмади... Ёнимизга қайтиб келай, деса энди унга ишончимиз қолганмиди? Йўқ, жонгинам, бўлмайди!.. Кейин биз бу ахлатларни супуриб ташладик, тегишли одамларни босиб, тинчитиб қўйдик. Янги орттирган ўртоқлари Лёшкани ташлаб кетиб, у халойиқ олдида шўппайиб қолди. Сиёсатда хато қилгани учун бармоғини тишлаб қолгандир, деб ўйлайман. Суғур сингари ёлғиз ўзи инида ўтириб, бармоқларини тишлаган бўлса керак.

Платон Тимофеевич столдаги ароқли стаканни айлантирд-да, кейин жойида қолдириб, тузланган помидорга қўл узатди.

— Қаерда ишламоқчисан?— деб сўради у.

Степан бу оддийгина саволдан жуда хафа бўлиб кетди. У нима жавоб қилишини билмасди.

— Буни сўрайдиган ва ўйлаб ўтирадиган жойи йўқ,— деди Дмитрий.— Заводга бориши керак. Яна қаёққа борарди?

— Ака-укалар кечаси соат учларда жўнаб кетишди. Степан уларни эшиккача кузатиб қўйиб, зимзиё куз қоронғиси оғушида тиниб бораётган оёқ товушларини эшитиб турди. Уйга қайтиб кириб, тегилмаган стаканларга назар ташлади, кейин чироқни ўчириб ечинмай ётди-да, қўлларини боши орқасига олди. Эски девор соат чиқиллар, шамол деразалар орқасидаги яланғоч олча дарахтларига урилиб, гувилларди.

Отаси Тимофей Игнатьевич эсига тушди. Урушдан бир ёки

икки ой илгари газетанинг биринчи саҳифасида отасининг су-
рати чиққанини эслади, кекса домначи ўша кезде Ленин ор-
дени билан мукофотланган эди. Степанга хонанинг қоронғи-
сидан отасининг домна яллиғи ўзгартмаган денгиз кўпи-
дек оппоқ мўйловли, сержун юзи чиқиб келаётганга ва унинг
қора кўзлари қалбига тикка қараётганга ўхшарди, бу ни-
гоҳдан ҳеч қаерга қочиб ҳам, яшириниб ҳам бўлмасди...

17

— Ўртоқлар! Биз истасак-истамасак, бу масалага яна қай-
тишга тўғри келяпти.— Чибисов шундай деди-ю, ўз кабине-
тига йиғилганларни бир сидра кўздан кечирди. Узун стол
атрофида ва деразалар бўйлаб қўйилган стулларда цех бош-
лиқлари, мастерлар, бош инженер, бош металлург, бош техно-
лог, бош механик, цех партия ташкилотларининг секретарла-
ри, касаба союз ходимлари ўтиришарди.— Масала шундай-
ки,— деб давом этди у,— ҳатто министрликдан ҳам телефон
қилишяпти. Мулоҳаза қилиб кўриш керак. Биз, ўртоқлар,
ўз вақтида эҳтимол янглишган бўлсак. Айтайлик, қисқартиш
ва қайта ташкил қилишга берилиб кетиб, ремонт ишларини
цехларга беҳуда берган эканмизми? Техникумлик ўртоқ инже-
нер Крутилич балки ҳақдир. Тинчгина, ортиқча борди-келди
қилмай, бу ишни яна бир кўриб чиқайликчи. Мен ўзо-
ғи йилги ҳужжатларни, протоколларни олдирдим... Ушанда
деярли ҳаммамиз ремонт ишларини марказлаштирмасликни
ёқлаб чиққан эдик. Лекин вақт ўтмоқда, ўзгартишлар кир-
моқда. Вақтнинг синови энг нуқсоисиз синовдир. Бизнинг ме-
тодимиз шу синовдан ўтдими? Балки яна эски методга қай-
тиш керакдир? Биз кўпинча эски, текшириб кўрилган, синал-
ган яхши нарсани етарли асос бўлмагани ҳолда четга чиқа-
риб ташлаймиз-да, ана шу чиқариб ташлашнинг ўзи ҳам бир
янгиликдир, деб юрамиз.

— Кўпинча бунинг акси бўлиб туради, Антон Егорович,—
деди бош инженер.— Эскиликка ёпишиб оламиз-да, янгисига
йўл бермаймиз.

— Жуда тўғри, эътирозим йўқ. Лекин, мен айтиб ўтган-
дек: асоссиз қайта қуришларга ҳам берилиб кетамиз. Қим
сўзга чиқади?

— Менга сўз бер, Антон Егорович!— Платон Тимофеевич
ўрнидан турди, директор столнинг ёнига борди-да, мўйловла-
рини тутамлаб, бир йўталиб қўйди.— Шундайки, ўртоқлар,
биринчи сўзни бошқа одам эмас, мен айтишим керак. Нега
десангиз домна цехимизнинг ремонт-монтаж цехи хизматидан
воз кечишини биринчи марта мен таклиф этганман. Ушанда

мени цех бошлиғи ҳам, қолаверса, бутун коллектив қувватлаб чиққанини ҳаммангиз биласиз. Биз қандай далиллар кўрсатган эдик? Ким унутган бўлса, эсига солиб ўтаман. Биз мулоҳаза юритган вақтимизда домна печлари аввалги вақтдагига қараганда мураккаброқ бўлиб қолганини, ҳар бир соат вақт қадрли бўлиб турган ҳозирги шароитда ремонтлар тезкорлик билан битказилиши кераклигини, печларнинг юқори унумдорлигидан, имкони борича камроқ тўхташ ва кўпроқ металл олишдан манфаатдор бўлган кишиларгина ремонтни шу тарзда амалга ошириши мумкинлигини назарда тутган эдик. Ана шундай манфаатдор одам ким? Уша домначининг ўзи. Турмуш ҳам, ўртоқлар, биз ҳақ эканимизни кўрсатди. РМЦ хизматидан воз кечдик, ҳамма жорий ремонтларни ўзиниз тезкорлик билан печлар ишлаб турган чоқдагина амалга оширмоқдамиз. Буни энг мураккаб шароитда уддаламоқдамиз. Нега? Чунки домначи ўз печини ёддан билади, РМЦ ремонтчиси-чи? У, печни шунчалик била оладими? Йўқ, билолмайди. Хуллас, ҳамма ишни бошқача тарзда олиб бордик. Масалан, эгасизлик... Тамоман тугатилди. Илгари қандай бўларди? Бирор ишкал чиқиб қолса — домначилар бекар қолиб, ремонтчиларни кутишарди. Механизмларни такомиллаштиришга келганда эса, улар бунинг ишимиз эмас, деб ўйлаб ҳам кўришмасди. Ҳозирчи? Ҳозир йилига юзлаб рационализаторлик таклифлари тушмоқда. Бу ерга ҳамма раҳбар ўртоқлар йиғилишган, шунингдек ўзларингиз бу таклифлардан қанчасини ишлаб чиқаришга жорий қилганингизни ва улар қанчалик иқтисодий манфаат келтираётганини биласизлар. РМЦ бор вақтда шундаймиди? Масалан, ҳар хил қорғозбозлик авж олиб кетгани эсимда. Ҳар қандай ишга ҳам ведомость тўлдириш керак эди. Нимасини ҳам айтай! Мен шахсан, марказлашга яна қайтмоқ учун ҳеч бир асосимиз йўқ, деб ҳисоблайман. Беҳуда гап. Крутилич ўзи инженер бўлса ҳам, лекин амалиётчи эмас, қуруқ назарийетчига ўхшайди. РМЦ, марказлаш, сифатли ремонт, масъулият, ихтисослаш деган гапларнинг ҳаммаси назарияда жуда яхшига ўхшаб туради. Амалда эса бюрократизмнинг ўзгинаси.

Платон Тимофеевич ўз жойига қайтиб келди-да, муштини лабига тутиб йўталиб қўйди.

— Ершов тўғри айтди, — деди бош инженер. — Бир вақтлар, ўттизинчи йилларда бўлса керак, ҳали металлургиямиз ёш вақтида ускуналардан фойдаланишни чинакам ташкил этишни билмас эдик. Уша вақтда бутун эътиборимиз янги қурилишга қаратилган эди. Ускуналаримиз ишлаб эскирарди. Ана ўшанда ремонт ишларини марказлаш зарур бўлган эди. Уни «бирлашма системаси» деб аташарди. Ҳа, «бирлашмалар» ўз вақтида прогрессив ҳодиса эди. «Бирлашма система-

си» вақтида навбатдаги ремонтларни уюштириш учун зарур шароит вужудга келтирилар, чунки бундай ремонт ишлари бош механик цехларидаги иш графиги билан мажбуран жорий этиларди. Кейин-чи? Кейинчалик кадрларимиз ўсиб етишди, тажрибамиз ҳам ортди, домначиларимиз ҳам ўз ишининг ажойиб усталари бўлиб қолдилар. Улар ижодиётга, ижодий меҳнатга интила бошладилар. Ана шундан кейин «бирлашмалар» халақит бериб, тўсиқ бўлиб қолган эди. Ершовнинг айтгани жуда тўғри: «бирлашмалар»нинг энг хатарли жиҳатларидан бири шуки, уларга яна амал қилинадиган бўлса асосий яратувчан кучимиз бўлган ишчилар синфи механизмлар ва ускуналарни такомиллашдан иборат ижодий ишдан четга чиқариб қўйилади. Бу ҳодиса ишлаб чиқариш цехларидагина эмас, шунингдек, мантиққа тўғри келмаса-да, «бирлашма» да ҳам содир бўлади. Иш ҳақи системасининг ўзи ҳам «бирлашма» ишчиларини нимага рағбатлантиришини биласизларми? Ёмон ремонт қилишга рағбатлантиради, чунки бирор механизм қанчалик тез синиб турса, уни ремонт қилиш билан шунчалик кўп пул ишлаш мумкин. Бундан фойда келади. Ростлашни ва тузатишни ҳам талаб этадиган ҳар қандай янги ишлар эса, фойда келтирмайди.

Бош инженер домна цехидаги ремонт ишларини марказлаштирмасликни ёқлаб, қўл келиб турган тажрибадан қайтишга асос йўқлиги, ҳозирча шундай ишлайвериш кераклиги устида узоқ ва ишонарли қилиб гапирди.

— Балки бизнинг РМЦимизгина ёмон ишлаб, марказлаштириш принципи аслида тўғри принцип бўлса-чи?— деди Чибисов ўйланиб.

— Бўлса бўлаверади,—деб жавоб берди бош инженер.— Лекин тажрибани айтмайсизми, тажриба ижобий-ку.— Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Кейин цех бошлиқлари, мастерлар чиқиб сўзлади. Улар ҳам ишлаб чиқариш цехларининг ўз кучи билан ўтказиладиган янги тартибдаги ремонт ишларининг афзаллигини тасдиқладилар.

Кенгаш охирлаб қолиб, Чибисов: «Масала ойдин бўлди» деган ҳам эди, бош технолог бўлимининг янги инженери сўз беришни сўраб қолди. Кўпчилик уни танимаганлигидан, Чибисов уни: «Инженер Орлеанцев» деб танитди.

Орлеанцев ўрнидан турди, ўтирганларга маънодор, ҳорғин қараб, кумушдай сочларини қўли билан бармоқлари орасидан ўтказиб, силаб, сўзлашга киришди:

— Менингча, ўртоқлар, инженер Крутилич гарчи айрим тафсилотларда хато қилаётган бўлса ҳам, лекин асосан у сўзсиз ҳақли. У, балки бирорта тафсилотда адашаётгандир. Лекин асосан у сўзсиз ҳақли. Бизнинг планли хўжалигимиз

шаронтида, пухта ва аниқ планлашга таянадиган социалистик ҳўжалик шаронтида ҳар қандай кустарчилик ва эскичилик хатарликигина эмас, ҳатто кулгили ҳамдир. Бу ўзбошимчалик аломати, олға бориш эмас, орқага қайтиш бўлади. Ремонт ишини биз эмас, балки хусусий кишилар, капиталистлар—корхона эгалари шундай ташкил қилиши мумкин. Ҳа, қоғозбозлик оз деймиз. Эҳтимолки, ҳатто бирорта қоғозбозлик бўлмас. Ҳа, ишчилар ремонт ишида ижодий қатнашади. Улар ремонт муддатини камайтиришдан манфаатдор эканлиги ҳам рост. Лекин бу нарса, ўртоқлар, газмол магазинларининг ўзингиз тикиб олинг, деган шиор остида савдо қилишига ўхшайди. Бичиб берилади-ю, харидор аёл уйига бориб ўзи билганича тикиб олиши керак бўлади. У шундай тикиб оладик, қарасанг наҳ кишининг кўнгли айнийди. Мутахассис тикувчи аёл буни ўринлатарди-ку. Шундай эмасми? Ўзингиз тикинг, ўзингиз ремонт қилинг — бу нима деган гап? Ҳаваскорликдан бошқа нарса эмас. Яқинда учинчи цехда содир бўлган авария нимани билдиради? Худди шуни билдиради. Бу авария—шунақа ҳаваскорлик оқибати, чинакам, ўткир, тажрибали инженер кўз-қулоқ бўлмагани натижаси.

— У ерда металлнинг эски дарзи бор экан! Қуйма брак,— деди Платон Тимофеевич.

— Эҳтимол,— деб жавоб берди, унга юз ўгирмасдан Орлеанцев.— Эҳтимол. Бўлиши мумкин. Агар печь ками-кўсти учун, унинг механизмлари ва ускунасининг ремонт учун масъулият заводдаги ремонт ишини бирлаштирувчи бирор масъул органнинг мутахассислари зиммасида бўлса эди, улар ҳамма ускуналарни текшириб кўриш йўлини аллақачонлар топган ва бу дарзни аниқлаган бўлардилар. Улар тегишли аппаратларга эга бўлардилар. Уларнинг фикри шундай излашлар билан банд бўлар эди. Бизнинг техника асримизда ҳар бир ишнинг муваффақиятини ихтисослаштириш ҳал этади. Бош инженер — илҳомкор санъат тўғрисида гапирди. Лекин лирика шеър учун яхшидир. Ишлаб чиқаришни лирика асосида эмас, аниқ ҳисобот ва уюшқоқлик асосида ташкил қилинади. Бизда аппаратни қисқартириш, бошқаришни қайта қуриш тўғрисида кўп гапирдилар. Мен энг кўп даражада ихтисослаштиришни таъминлайдиган қайта қуриш тарафдориман. Такрор айтаманки: инженер Крутиличнинг ҳақ эканига қатъий ишонаман. Заводдаги ишни тартибга солиш вақти келди. Учинчи печда содир бўлган авария бизни бу нарса устида жиддий ўйлашга мажбур қилади.

Орлеанцевнинг гапи кўпларни ўйлатиб қўйди. Унинг мулоҳаза ва далиллари ишонарли эди.

— Афсуски, таклиф автори бу ерга чақирилмабди,— деди у ўтирар экан.— Бу унчалик одобдан эмас.

Чибисов стол устидаги ойнани қалам билан тиқиллатгани ҳолда ўйлар эди. Орлеанцевнинг ремонтни марказлаштиришни ёқлаб келтирган далиллари уни ажаблантирмади. Лекин учинчи печдаги аварияни эслатиб ўтгани кўнгилсиз нарсаси эди. Шу авария туфайли Чибисов горкомдан ҳам, обкомдан ҳам, министрликдан ҳам кўп гап эшитди. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам авария муносабати билан яна марказлашган ремонтга қайтиш керак эмасди. Инженер Орлеанцев янглишяпти. Идора хизматчиси, ишлаб чиқаришни билмайди...

— Чиқиб сўзлаганлардан,— деди у,— ўртоқ Орлеанцевгина Крутиличнинг таклифини ёқлаб гапирди, шунинг учун ўртоқлар, биз ўз тажрибамизни ҳозирча давом эттиришга аҳд қилармиз дейман: Розимисизлар?

— Розимиз,— деди бош инженер.

Кенгашдан бир ҳафта ўтгач, заводда область газетасининг мухбири пайдо бўлди. Пиджагига университет значоги қадалган бу йигит домна цехига қатнаб, мастерлар, ишчилар билан, Платон Тимофеевич билан суҳбатлашар, учинчи печдаги авария сабабларини суриштирарди. Платон Тимофеевич унга тутқичларнинг синиқларини, металлдаги равшан кўриниб турган дарзни кўрсатар, мухбир тушунгандек бош иргатиб қўярди.

Мухбир Чибисовнинг ёнига ҳам борди, ундан Крутилич тўғрисида, унинг таклифи ҳақида суриштирди. Директор кабинетидан чиқиб келаётганда мухбирни Орлеанцев қарши олди. У Зоя Петровнадан кабинетда суҳбат тамом бўлиши билан ўзига хабар беришини илтимос қилган эди. Орлеанцев мухбирни узун коридорга бошлади, коридорнинг у бошидан бу бошига бир неча марта бориб келишди.

— Бу ерда сўзлаш ноқулай,— деди Орлеанцев.— Яхшиси менинг номеримга кела қолинг. Мен меҳмонхонада тураман.

— Менинг уйим худди меҳмонхонанинг рўпарасида,— деди мухбир.

— Жуда соз. Кечқурун келинг.

Кечқурун Орлеанцев мухбирга заводдан олган таассуротларини сўзлаб берди.

— Биласизми,— деди у,— Москва олдида, унинг кенглиги ва кўлами олдида бу ердаги қолоқлик шундоққина кўзга ташланиб турибди. Одатлари патриархалларча. Ҳаммалари ўзаро қардош ёки ошна-оғайни. Ўзаро боғланганлар. Бир-бирларини ранжитишдан ҳайиқадилар. Танқид, ўз-ўзини танқидга йўл бўлсин! Қолоқлик туфайли энг масъулиятли инженерлик ўринларида чаласавод тажрибакорларни, худди

Брюсов айтгандек: «сиру асрор ва садоқат ҳомийлари»ни тутиб келишади. Айрим инженерлар эса... масалан Куртилич...

— Сиз уни танийсизми?— деб сўради мухбир, Орлеанцев бундан газета ходими Крутиличнинг хати юзасидан келганини фаҳмлади. «Азамат,— деб ўйлади Орлеанцев кашфиётчи тўғрисида.— Ишга киришибди-да, ғайрати жойида».

— Крутиличнинг ўзидан кўра, унинг таклифни кўпроқ биламан,— деб қўшиб қўйди у.— Яқинда мен бу таклифни ёқлаб директор олдида бўлган кенгашда роса олишдим. Биласизми, уларнинг фронтини ёриб ўтиш қийин. Москвага, министрликка боришга, Москвада принципиал гаплашишга тўғри келади, деб ўйлайман.

Орлеанцев ўзининг саноатни бошқаришни ўзгартириш планларини таърифлай кетди.

Мухбир ўз олдида ақлли, кучли, довиорақ одам, билимдон, ҳар нарсани мушоҳада қила оладиган, кенг муҳокама юритадиган киши ўтирганини кўрарди, албатта, у мухбирни қойил қолдирди.

— Биз учун бир мақола ёзиб берсангиз-чи,— деди мухбир.— Сиз қийналсангиз, биз силлиқлаймиз.

— Сиз айтган силлиқлашни ўзим ҳам қила оламан,— деди кулимсираб Орлеанцев.— Мен газеталарга ҳам, журналларга ҳам ёзиб тураман. Китоб учун баъзи нарсалар ёзиб юрибман. Яна «Инженернинг мактублари»га ўхшаш нарса учун. Мен кўпгина кузатишларни, турли қизиқ-қизиқ учрашувларни ва ибратли ҳодисаларни ёзиб қўйганман. Бадиий деб билмайман, лекин факт ва фикрлар ўқувчи эътиборини жалб этса керак. Ҳар бир асарнинг муҳим жиҳати нимада? Ўз вақтида бўлгани, актуаллигида. Агар отадиган бўлсанг, нишонга тегиз, тўғрими?

— Бизга китобингиздан парча берарсиз?

— Ҳали эрта. Ёзиб бўлай, ўшанда гаплашамиз. Бир кўтарайлик, а, ўртоқ мухбир? Сизнинг касбингиз учун, масалан! Ҳамма вақт ҳақиқат ва адолат соқчиси бўлиб туриш— ажойиб, олижаноб касб.

— Йўқ, йўқ, нима деяпсиз!— Ёш газетачи ҳатто чўчиб тушди.— Мен ичмайман. Нима деяпсиз!

— Бунингиз дуруст, дуруст. Жуда яхши. Майли бўлмаса, ишингиз муваффақиятли бўлсин!

Орлеанцевга тамомила мафтун бўлган мухбир жўнаб кетгач, у дераза олдида узоқ вақт турди. Портнинг чироқлари ёниб турган ўша аллақайси ёқда денгиз бўлиб, у тарафдан текис ва муттасил шувиллаш эшитиларди. Денгиз тўлқинланар, шамол дераза ойналарига қаттиқ уриларди. Орлеанцев кўз илғамас қоронғиликка қарар, лекин унинг бағрида умидвор этувчи бир ёруғликни кўрарди. Сўнгги бир-икки йил

ачида шодликдан кўра кўпроқ хафагарчилик тортди. Муттасил муваффақиятлар билан кечган кўп йиллардан сўнг у эсанкираб, ташвишланиб юрди...

Орлеанцев хотиралар оғушига берилиб муваффақиятлари институтда, ҳатто мактабдаёқ бошланганини ўйлади. У ҳар доим аъло ўқирди. Мактабда ҳам, институтда ҳам уни бизнинг фахримиз, дейишарди. Бу унга жуда ёқимли эшитиларди. Буни эшитишга у ўрганиб қолган ҳамда ўртача ўқувчи ҳолатига тушиб қолишга рози бўлолмасди. Ҳар доим биринчи бўлмоқ учун тунларни китобдан, дарсликлардан бош кўтармай ўтказишга, бутун йигирма тўрт соат мижджа қоқмасликка тайёр эди, ишқилиб дарсда ёки имтиҳонда боплаб жавоб бериб, ўз ўртоқларини ҳам, ўқитувчини ҳам ҳайрон қолдирса бўлгани эди. Институтни битиргач уни халқ комиссариатига олишди, бу ишга институт раҳбарлари бош қўшдилар. Тўғри, у халқ комиссариатида кўп ишламади, ўзини яхшигина танитишга улгурмади: уруш бошланиб қолиб, фронтга сафарбар бўлиб кетди. Бир неча ой курсларда ўқиди, лейтенант унвони беришди, қисмга — полк тўплари батареясига взвод командири этиб юборишди. Бу ерда ҳам ҳамма жойда биринчи бўлишга, ҳамма қўрқув, ҳорғинлик, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, фақат биринчи бўлишга интилдди. Ҳужум қилаётган пиёда аскарлар ортидан тўпларни судраб борадиган тўпчилар бошига бундай қийинчиликлар озмунча тушмас эди. Икки марта яраланди. Ҳар сафар ўз полкига қайтиб келди. Бир жангда батарея душмanning иккита танкини уриб пачақлади. Бир тўпни Орлеанцевнинг ўзи отар, рўпарадан стволни танкка тўғрилаб, ўқ узар эди. Сўнгра унинг тўғрисида газеталарда ёзиб чиқишди. Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, старший лейтенант унвонини олди, батарея командири бўлди.

Қизил Армия Совет Иттифоқининг уруш ўчириб юборган ва яна қўлга киритилган давлат чегараси чизигини босиб ўтган, бегона тупроқда жанг бошлаб юборган чоқда Константин Орлеанцев фронт штабининг артиллерия бошқармасида бўлиб, кўкраги орденларга тўлган, подполковник эди.

Урушдан сўнг у министрлик деб аталган халқ комиссариатига қайтиб келди. Унинг гимнастёркасига тўрт қатор орден ленталари қадалган эди. Орлеанцев бу ерда жуда тез ўсди. Унинг олдида катта истиқбол очилди. Бош бошқармалардан бирининг бошлиғи бўлишига салгина қолган, у ёғида эса министр кабинетига етишга ҳам кўп қолмаган эди, яна... Қелгуси имкониятларни эслаб, ҳатто кўз тиниб кетарди.

Ҳаммасига бир аҳмоқ, бемаъни хотин халал берди. Урушдан илгариги биринчи хотини эмас, йўқ, унис мўмин, одамшаванда, камсуқим хотин бўлиб, алимент олиб туради,

Орлеанцевнинг икки қизини тарбиялапти, иккиси ҳам студент. Иккинчиси билан Орлеанцев фронтда учрашиб қолиб, севги азобини тортди, чунки унинг эри генерал бўлиб, ўзи Орлеанцевни севиб қолган бўлса ҳам, эрини ташлаб кетишга рози эмас эди. Орлеанцев, ниҳоят, генералдан қолиб келиб, бу инжиқ гўзални ўз ертўласига олиб келгунча озмунча машаққат тортмади.

Мана шу хотини, ҳеч бир кутмаган жойда ишнинг пачава-сини чиқарди... Министрликда ғалати мовий кўз ёшгина секретарь пайдо бўлди. Унинг қайрилма қошлари чаккасига тушган бўлиб, ҳамма унинг: Галина деган асли исмини айтмай, Газюня деб атарди. У икки йил илгари Орлеанцевдан бир ўғил кўрди. Бу иккинчи хотинига маълум бўлди, албатта. Ҳаммаси ана шундан бошланди. Жанговар хотини партия контроль комиссиясига бориб, у ерда ёшлигини эслагани ҳолда кўз ёши қилиб, маълум таассурот қолдирди ва қайтиб келгач: «Мен сени, Костенька, партиядан ўчиртираман, бунга шубҳа қилмай қўя қол,— деди.— Сен айтган хотин мен эмас, жонгинам. Ўз Федямдан сен мени мазақ қиларсан деб чиқмаган эдим. Мени яхши танимас экансан, дўстгинам!»

Орлеанцев гоҳ бу ташкилотга, гоҳ бошқа ташкилотга борди. У билан суҳбатлашишди, ҳар жиҳатдан ниҳоятда пок кишиларгина эгаллашн керак бўлган постда ишлаётганини унга эслатишиб, алоҳа қатъий виговор беришди. «Буниси кам,— деди хотини.— Костенька, сени аллаким ҳимоя қиляпти. Виговор билан қутулмайсан. Партиядан, партиядан ўчиртираман». Хотини эри Газюня билан бутун муносабатини узишга партбюрода сўз берган бўлса ҳам, лекин ўзи билан яшаётгани ҳолда, аввалгидек Газюня ёнига ҳам қатнаб юрганини тегишли жойда исботлади. Тўғри, икки марта шундай бўлган эди: Орлеанцев ўғилчасини кўргани борган эди. Ҳар ҳолда у бу йигитчанинг отаси, ахир, ҳар қандай бўлганда ҳам унинг шундай қилишга ҳақи бор эди-ку, ёки йўқмикан? Лекин бор-йўқлигини ким суриштириб ўтирарди, бу ҳаддан ошган хотинга гап уқдириб бўладими. Орлеанцевнинг ўзи «генерал хоними» деб атай бошлаган хотини катта жанжал чиқарди. Иш министрлик коллегиясигача етиб бориб, роса гап-сўз бўлди, чигаллашди. Орлеанцев қуйи лавозимга туширилди. Ушанда унинг турмуши таҳлика астида эди. Хотини эса тинчимас, парткомиссияга қатнаб, ёзгани-ёзган эди.

Худди ит қувлаган мушукдек бўлиб ҳолдан тойган Орлеанцев Москвадан жўнаб кетадиган бўлганига ҳатто қувонди. Ошналари унга далда беришди: «Жўна, Костя, жўнайвер, азизим. Бу лаънати хотин сени еб қўяди. У орқангдан судралиб юрмайди, ундай хотинлардан эмас, ҳамма нарсани — квартирани ҳам, молларни ҳам қолдир унга. Юпаниб

қолади. Жўнайвер, дўстим, йўқса яна партиядан ўчириб юбормасинлар.

Орлеанцев орзулари рўёбга чиқмаганидан маъюсланиб жўнаб кетди. Заводда министрликда ишлаган, давлат мартабасини кўрган етук ходим сифатида қабул қиладилар, ўзимга муносиб лавозим берадилар деган андиша билангина юпанарди. У ёғини ўзи боплайди. Ном чиқаришни, ўзини танитишни билади. Чекка жойдаги ходимлар ўртасида шундай қилиш унчалик қийин ҳам эмас, ҳар нечук Москвадагидан кўра осонроқ-ку.

Янги хизматлар кўрсатгач, ошна-оғайнилар ёнига, шуҳрат қучоғига, янгича асосда қайтиб борса ҳам бўлади. Хотин кишининг ғийбатини унутиб юборишади.

Орлеанцев шундай деб ўйлар, шундай деб режа қиларди. Бу ерда бўлса, жин уриб, аллақандай Платон Тимофеевичларга ёпишиб олишган, бирор одамни ўрнашиб олган жойидан қўзғатишга ҳайиқишади. Домна цехидаги бош мастер ўрнини эгаллаб олса чакки бўлмасди. Металлургияда фахрли ўрин ҳисобланган бу лавозимда иш кўрсатиш мумкин, фақат бироз чинакам меҳнат сарф қилинса — печларда намунали тартиб ўрнатилса, домна ишининг барча янгиликлари бирга йиғилса, печларнинг иш унумдорлиги орттирилса бўлгани. У меҳнат қилиб кўришни, цехнинг мамлакатдаги энг яхши цехлардан бирига айланишига, одамлар бутун Иттифокдан бош мастер Орлеанцев олдига тажриба ўргангани келишига эришишни биларди. У завод бошқармасида ўтирмай, худди бош мастер бўлиши керак. Завод шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш лавозимининг келажаги ҳамма вақт идора ишидан кўра яхшироқдир. Масалан, бош инженерни олиб қаранг. Масъулият зўр, лекин меҳнатини пайқамасликлари мумкин. Завод ишида ютуқ бўлса негадир унга алоқаси йўқдай, бирор муваффақиятсизлик юз берса — у айбдор, ҳар бир арзимас нарсаси уни қийнашаверади. Бош мастер бўлса... Йўқ, бу иш бошқа. Жиддий иш. Бу ерда ишни ёзув-чизув, план ва ведомостлар ҳал қилмайди, балки чўян, металл, индустрия асосларининг асоси ҳал қилади. Ишинг кўзга кўрина қолади, металл берсанг бас, ютуқ сеники.

Ҳа, Орлеанцев олдида уфқ ёришмоқда эди. Яхшиликча бўлмаса, бошқачасига бўлади. Бу тентакларнинг тоғни талқон қилишга тайёр турган яхши, чинакам ходимларни оёқ ости қилишларига ҳеч ким йўл қўймайди. Тағин умумхалқ иши йўлида тоғни талқон қилишга тайёр турган ходимларни-я! Домна печлари унинг раҳбарлигида бўлса, улар ҳозир чаласавод Ершов қўлида бўлганидан кўра кўпроқ металл бериши равшан-ку, ахир.

Орлеанцев бу шаҳарда ўзини эътиборсизлик билан рас-

мангина, қарши олган кишиларнинг ҳаммасини — директор Чибисовни ҳам, ўзи шикоят қилиб берган парткомдаги аллақандай одамларни ҳам, участка инженерни бўлиб боришни маслаҳат берган горком секретари Горбачевни ҳам хотиридан совуққина кечирди. Ғалати одамлар! Улар ҳар мақомга йўрғалайверадилар: участкага бор, ҳаёт ичига кириб бор, қуйи-дан бошла, биз ишни деҳқон ва ишчи бўлиб бошлаганмиз, сўқа ва дастгоҳдан бошлаганмиз, дейишади-я. Нодонлар-э! Колхоз чўпони ва ҳар бир цехдаги ҳар бир шогирднинг ўрта маълумотли бўлишига эришган эканмиз, энди сўқа билан дастгоҳни эслаб ўтиришнинг нима кераги бор. Замон ўзгарди, халқ ўсди, юксалди. Ҳар бир ишни фанга қараб ва фан ёрдамида қилиш керак. Ўша Платон Тимофеевич бир ҳафта ёки бир ой уриниб юриб қиладиган ишни Орлеанцев бир кунда, ҳатто, бир соатда, бир минутда ҳам тушуниши, билиб олиши ва қила олиши мумкин. Одамлар эса буни тушунишмайди, ёшини яшаб бўлган ҳар бир кексага, индустриянинг ўша «олтин фонди»га ёпишиб олишгани олишган. «Олтин фонд» деган гапларнинг чиройидан бошқа маъноси йўқ.

Орлеанцев дераза ёнидан нари кетди-да, репродукторни қўйди... Музика хириллаб, бузилиб эшитиларди. Оқшомни ёлғиз ўтказишга ўрганмаганидан одамлар ёниса боргиси келди. Кийиниб, кўчага чиқди. Қаерга борсин? Танишлар кўпайиб қолган, адреслар истаганча бор эди. Нима бўлса ҳам Зоя Петровнаникига боришга аҳд қилди. «Ажойиб жувон,— деб ўйлади унинг ҳақида.— Ақлли, ҳаёли, садоқатли ва тўғригина жувон. Бундайлар ҳаётнинг ҳусни». Орлеанцев Зоя Петровнани, кўз ўнгида ҳамон: «партиядан, партиядан ўчиб кетасан, жонгинам»— деб захрини сочиб кулаётган хотини билан таққослаб кўрди. Сўнгра уни Газюня билан ёнма-ён қўйиб кўрди. Газюня туғишдан кўра дурустроқ нарса эсига келмаган нодон, лекин ёқимтой нодон эди.

18

Театрда пьеса ўқилмоқда эди. Уни маҳаллий газета редакцияси қошидаги шаҳар адабиёт бирлашмасидан бўлган ёш драматург ёзган эди. Пьесанинг мазмунига қараганда, аллақайси бир муассасанинг бошлиғи бўлган, эллик ёшли инженер ёшгина бир инженер жувонни севиб қолади. Жувон ҳам уни севиб қолган. Эркак хотини билан қизини ташлаб кетади. Хотини ёлғиз қолади, бу эса кексайиб қолган бир чокда жуда ҳам кўнгилли эмас. Лекин унинг руҳи тушиб, хансираб қолмайди. Унинг меҳр қўйган иши бор,— лекин қанақа иш эканлиги номаълум,— у совет аёли, халққа фойда келтиради. Ёлғиз қолган аёл пьеса финалида, жўшқин музи-

ка садоси остида, галеркага мағрур назар ташлаши, галерка эса унинг порлоқ истиқболини ифода этиши керак экан.

Автор ёш бўлиб, келишга уялганидан, пьесани режиссёр Томашук ўқиди.

Томашук ўқиб бўлгач, Гуляев сўради:

— Хўп, мен бунда кимни ўйнайман? Шу кекса йигитни-ми? Тағин-а?

— Шубҳасиз, Александр Львович. Сизнинг тажрибангиз бор.

— Ахир бу мен ҳозир ўйнаётган ўша Узоқ Шарқ қурилиши бошлиғининг варианты-ку. Фарқи шуки, аввалгиси аёлдан тайгага ўт кетганини баҳона қилиб қочади, холос. Бунда эса у билан Гименей сингари аҳдлашиб топишади. Бу бўлмаган гап. Расвогарчилик бу!

— Ҳеч бир расво жойи йўқ. Бухгалтерияга бориб қаранг, театрнинг молиявий ишлари сўнгги ярим йил ичида қанчалик соз бўлиб қолганини кўрасиз. Билетлар батамом сотилиб кетмоқда. Касса ёнида билет талашиб муштлашиш ҳам бўлиб турибди. Молиявий ишларни қўя турайлик. Ишнинг бошқа, асосий жиҳатига ҳам назар солинг: томошабин бизни севиб қолди, ўзимизнинг, такрор айтаман, ўзимизнинг томошабинимиз пайдо бўлди. Кексайиб қолган романтизмнингиз сизга азоб бермоқда, Александр Львович. Сиз реал ҳаётдан алланечук олисдасиз. Сиз ўтмишдасиз. Аллақачон янги одамлар ўсиб етишганини, улар мойланган этик киймасликларини ва елкадан ошириб портупея тақмасликларини, улар университетларни тамомлаб чиққан бўлиб, баъзи одамлардек университетни тамомламаганликлари билан мақтанмасликларини сезмадингиз, уларнинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари анча кенг, сермаъно, уларнинг ҳаваси ўзгача, диди бошқача. Сизга шону шараф бўлсинки, Александр Львович, сиз улар учун бахтиёр эркин ҳаёт ҳуқуқини қўлга киритдингиз, лекин бахт ва эркинлик қанақалигини аниқлашни энди уларнинг ўзига қўйиб беринг. Уларни ўлчовга солманг, уларнинг навқирон, бақувват оёқларига боғланган тош бўлманг.

— Сиз ҳам ахир, мен каби қарайиб бир авлоддансиз-ку, Юрий Федорович,— деди Гуляев.

— Лекин мен ҳаётдан, ёшлардан ажралиб қолган эмасман, сиздан тафовут қиладиган жиҳатим шунда.

— Менимча,— деб бу даҳанаки жангга аралашди Яков Тимофеевич,— менимча, Александр Львович ҳақ. Биз бундай репертуар билан яшай олмаймиз. Спектаклларимиз қанақа ўзи, ўртоқлар? Бирида хотини ўз эрини эски бюрократ, деб ташлаб кетади. Бошқасида эр ўз хотинини у қариб қолган, деб ташлаб кетади. Учинчисида эса бир-бирини ташлаб кет-

маса ҳам, лекин ҳаммаси қўрқоқ, ҳаммаси ташлаб кетгиси келган, қўрқоқликлари туфайлигина яширинча айш қилишадиган одамлар. Тўртинчисида бинойидек бир содда одамни ҳамма ранжитади.

— Ким айбдор?— деб қичқирди кексароқ бир актриса.— Биз айбдорми? Бу пьесаларни биз ёзғанимизми, ахир? Уларни сахнага биз қабул қилганимизми? Кечирасиз, Яков Тимофеевич, бундай гапларингиз билан ўзингиз ўша содда одамни эслатяпсиз.

— Менимча,— деб қичқирди бировларнинг эрларини тортиб оладиган ёш аёл қаҳрамон ролларини ўйновчи бошқа бир актриса,— пьеса яхши, бизнинг ҳамма спектаклларимиз ҳам яхши. Ҳар қалай ўйнашга арзигудек нарсаси бор. Сахнага чиққанда киши ўзини илгари бўлганидек аллақандай ходим эмас, инсон, аёл деб сезади. Инсон, аёл!— Мана бу билан ғурурланса бўлади. Ходим-чи? Ходим! Бу тўғрида ҳатто баҳслашиб ўтириш ҳам кулгили.

— Тамомила тўғри,— деб уни қувватлади биринчи ўйнашлар ролини жон деб ижро этадиган актёр.— Характерлар анча мазмундор бўлиб, инсон чиндан ҳам инсонга ўхшаб қолди. Инсон айрим заифликлардан холи эмас. Масалан, илгари сахнада салбий қаҳрамонгина ичишга ҳақли бўлиб, ўз хотинига ўтакетган ёвуз одамгина хиёнат қила оларди, биз бўлсак сафарбар бўлиш, жипсланиш, режалар тузишдан, ҳар хил «ура» ва «ҳа бўл» дейишдан бошқани билмасдик.

— Дўстларим,— деди Гуляев,— бу ерда бўлаётган гапларни тинглашга уялганман. Уят, ўртоқлар! Бизнинг совет санъатимиз ҳамма вақт катта характерлар, зўр ғоялар санъати бўлиб юксалди. Бу билан у жаҳонни мафтун этди. Бу ҳақда буюк драматургнинг тили билан: «Мен Шиллер бўлиб гапираман» дейиш мумкин. Мен ҳозирги пьесаларга: «Сен мушук боладек миёвлайсан!» дейман. Мен яна мушук бола бўлишни истамайман, Яков Тимофеевич! Агар шу пьесани қабул қиладиган бўлсангиз, мен унда ўйнашдан бош тортман. Мен унга тамомила қаршиман!

Театрнинг бадий раҳбари, одатда худрук деб аташадиган — соч-соқолига оқ оралаб, қорин солган, басовлат, ёши ўтиб қолган бўлса ҳам, лекин ҳали бақувват актёр бутун жанжал давомида ғиқ этмай ўтирди. У кўкрагига текис тушиб турган соқоли остида қўлларини қовуштириб, креслода ўтирар, бош бармоқларини бири иккинчиси атрофида гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа айлантитарди.

— Ҳа,— деди у Гуляевнинг қатъий эътирозидан сўнг,— вазият оғир, дўстларим. Маслаҳатларингиз, рўй-рост мулоҳазаларингиз учун раҳмат. Ўйлашиб, мулоҳаза қилиб кўраимиз.



Ранжиган, жаҳли чиққан ҳолда Гуляев Козаковнинг уйига келди. У Дмитрий Ершовнинг портретини ишламоқда эди. Бўёқлардан доғ-дуғ бўлган катакли блузка кийган Виталий хонанинг ўртасида турар ва чандиқ кесиб ўтган юзга тикилиб қарарди. Бу чандиқ юзга қарийб асабийлик ифодасини бериб турар, бу тарздаги кишилар эътиқоддан қайтмай ўзларининг оловга ташланишларига рози бўлганлар, ҳақиқат ва адолат йўлида тегибсиз жангга отилганлар, муқаддас ҳаққоният йўлида оғриққа бардош бериб, қўлларини ёниб турган шамга тутиб тура олганлар.

Гуляевнинг саломига Виталий дарҳол жавоб қилмади. Рассом ниҳоят хаёлини тўплаб олгунча бир дам аланглаб турди.

— Ҳой, айтгандек, бироз ўхшаб келяпти,— деди Гуляев, портретни кўздан кечирар экан.— Азбаройи шифо, бу одам шердай кучли!

Виталий Дмитрий тўғрисида сўзлаб берди. У, Дмитрий биографиясини майда тафсилотларигача билиб олган эди. Дмитрийнинг отаси Ершов бобо немисларга зимдан қарши курашганини ва бунинг учун жонидан жудо бўлганини сўзлаб берди.

— Мен унинг ҳам портретини чизар эдим-ку, лекин сира натурасиз ишлай олмайман-да, Александр Львович. Хаёлим-да бу ишчини арслондай кўриб турибман.

— Қани яна айтиб бер-чи,— деб илтимос қилди Гуляев,— у ўша ўрада нима қилган экан? Скипа ўраси дейилар эканми? Демак, шихта? Гапир, гапирсанг-чи.

Гуляев энгагини муштираб, кўзи Дмитрий Ершовнинг портретида бўлгани билан хаёли бошқа ёқда тинглаб ўтирарди.

— Витька!— деди у.— Бунинг шу қадар соддалик, шу қадар барқарорлигини, шу қадар инсоний қудрат, шу қадар маънавий улуғворлигини айтмайсанми! Хайр, мен кетдим. Сен менга бир идеяни, ажойиб бир идеяни бағишладинг.

Гуляев бутун оқшомни ўз қўшниси Платон Тимофеевичнинг уйида ўтказди. Бирга чой ичишди. Бирорта бошқа нарса ичишга сира иштиёқ бўлмади. Домна бош мастеридан унинг отаси Тимофей Игнатьевич тўғрисида суриштирди. Платон Тимофеевич отаси тўғрисидагина эмас, барча Ершовлар тўғрисида ҳам иштиёқ билан сўзлаб берди. Фото суратларни кўрсатди. Суратларда Тимофей Игнатьевич асло арслонга ўхшамасди. Кичик, қотма чолнинг кўринишида инсоний қудрат ҳам, маънавий улуғворлик ҳам сезилмасди. Гуляев суратларни нари суриб қўйди, унга бу фотографик тафсилотлар керак эмасди. У бошқача Тимофей Игнатьевични кўз олдига келтирар ва унинг портретидан энди ажролмас эди.

Гуляев заводга кириш учун пропуск ёздириб олиб куни бўйи домни цехида бўлди. Искра уни скипа ўрасига, тарози-вагон ёнига, скипа аравачалари олдига олиб борди. Гуляев Искра билан гувиллаётган домни ёнида турди, ярқираб ловиллаётган чўянинг лёткадан оқиб чиқаётганини кўрди. Гитлерчилар икки жасур чолни қийнаб ўлдирган жой устида Гуляев шляпасини олиб, бошини қуйи солди; бошқа ишчилар қаторида бу иккала ажралмас дўстлар ётган ўртоқлар мазорига бориб келди.

Искра унинг юзларида кўз ёшини кўрди. Гуляев бу ёшдан уялмас ва уни яширмасди.

Гуляев цехга яна бир неча марта келди. Ҳеч нарсани сўрамас, печлар ёнида узоқ вақт қолар, унинг атрофида нима ишлар қилинаётганини кўздан кечирар, қараш тешикларида кўк ойнак тақиб печь ичига қарарди; бир вақт темир чивик сўраб олиб, ариқчалардан оқиб бораётган чўянинг бошқариб кўрди; ҳатто шлак лёткасини ҳам очиб кўрди. Ишчилар унга кўникиб қолишди, у ҳеч кимга халақит бермаганидек унга ҳам ҳеч ким халақит бермасди.

Уша кунлардан бирида Устиновна Платон Тимофеевичга:

— Артистга нима бўлган ўзи, заводга кирган бўлмасин яна?— деб қолди.— Хонасида ишчи куртка ва кепка кийиб юради.

— Улар ажойиб одам,— деди Платон Тимофеевич.— Уларнинг ижодий лабораторияси бўлади. Ақлинг етдими?

— Унчалик етмади.

Гуляев шаҳар газетасининг редакциясига ҳам борди — ташлаб кетилган хотин тўғрисидаги пьесасини театрда олиб борган ёш драматург Алексахин қаерда туришини сўради. Адресини беришди. Гуляев Алексахинни уйда учратди, драматург тўр ямаётган эди.

— Шанба куни балиқ овига кетяпман,— деди у.— Театрингиз роса жиғимга тегди, билсангиз. Драматургияга суқилмаганимда бинойидек яшардим. Мен техник-радиотехник, денгиз радио станциясида ишлайман. Бир сутка навбатчилик қиламану, икки сутка бўшман. Шундай бўш вақтимда ёзаман.

— Демак, буниси биринчи пьесангиз эмас экан-да?

— Саккизинчиси!— Алексахин этажеркадан папкаларни олиб ташлайверди. Мана, биттаси... Бу юқори мартабали ота-онанинг ўғилчаси ўз онасини сўйиб қўйгани тўғрисида. Мол-дунёсини ўғирлаган ва ўлдирган. Ўғилча ўғрилар шайкасига қўшилган экан. Бу ҳақда комсомол газетасида фельетон чиққан эди. Мана шу институтни ташлаб кетган бир студентка ҳақида. Ўқишни орзу қилиб, олий ўқув юртига киради, лекин ташлаб кетади. Ёнгил ҳаёт кечиргиси келиб, бадавлат одамга эрга тегади. Қари одамга, албатта. Буниси

қўриқ ерликлар тўғрисидаги пьеса. Қўриқ ерга борган яхши йигит-қизлар шубҳали одамлар билан ошна тутинишадн...

— Сиз сюжетларни қаердан оласиз?— деб сўради Гуляев.— Биринчисини, майли, комсомол газетасидан олган бўлинг...

— Бошқаларини ҳам — ё газеталардан ёки айтилган гаплардан олганман. Қўриқ ерликлар тўғрисида бир ўртоғим сўзлаб берган, у қўриқда деярли бир ой бўлган экан.

— Нуқул оилавий мавзулардан экан... Бошқа бирорта, йирикроқ, ижтимоий мавзуларга уриниб кўрмадингизми?— деб сўради Гуляев.

— Бўлмасам-чи? Уриниб кўрганман! Худди шундай бошлаганман. Мана!— У бир уюм папкалар орасидан бир кичик папкани олди.— Бу пьесани область театрида қўйишган. «Уруш кунларида» деб аталади.

— Хўш, хўш!..— деди Гуляев қизиқсиниб.— Уша сизнинг пьесангизмиди? Спектакль ёмон эмасди. Рост, дуруст эди. Сиз унда бир ажойиб завод директорини бергансиз, шундай жонажон, ёқимли чиққан эди.

— Ўз тоғам эди у. Бу ўшанинг тарихи. У кема ремонтни заводининг директори эди. Ҳозир ўлган. Хотини ўша пьесада фронтга жўнаб кетган аёл, врач-чи, ёдингиздами? У ҳозир ҳам ҳаёт. Менинг холам у. Поликлинакада ишлайди. Ҳозир мен турган жой уларнинг квартираси.

— Эҳ, ажойиб пьеса эди! Яна шунақа пьесалар ёзаверсангиз бўлмайдими азизим? Хўш, ким сизга халақит беради?

— Ҳозир бунақасини олишмайди, Александр Львович. Ҳозир ё ўткир танқидий, фош этувчан, қисқаси бўяб кўрсатилмайдиган бўлиши, ёки мана шунақа қўйди-чиқди, қари эр ва ёш хотинлар тўғрисида бўлиши керак эмиш.

— Сизга қаерда шундай дейишди, ўртоқ Алексахин?— деб сўради Гуляев.

— Буни театрнингизда айтишган бўлса нима дейсиз, Александр Львович. Масалан, Томашук. Мен унга яна битта пьеса олиб борган эдим. Балиқчилар ҳақида. Уларнинг ҳаёти, меҳнати, муҳаббати ҳақида. Менимча чакки эмасди. Ҳаммасидан ҳам бу одамларни яхши билишимни айтмайсизми. Нима бўлди, денг? «Бунинг, дейди, кимга кераги бор?» Сизнинг меҳнат, ишлаб чиқариш мавзуларингиз эскириб қолди,— дейди.— Халойиққа уларнинг кераги йўқ. Халойиқ улардан толиқди.

— Худрук: «Ақлли одамлар бир нарса деганда қулоқ солинг, йигитча. Эшитганларингизни мулоҳаза қилиб кўринг» деди. Ўзи пьесани ўқимаган эди. Мен бунинг дарҳол тушундим: у пьесадаги битта ҳам сўзни билмасди.

— Совет театри тарихидан хабарингиз бордир, албатта?— деб сўради Гуляев.

— Муфассал эмас. Театрни яхши кўраман. Жуда яхши кўраман.

— Сиз мана бундай пьесаларни кўрганмисиз, ёки ўқиганмисиз?..— Гуляев бир вақтлар ўзи ўйнаган ва жуда яхши кўрадиган қаҳрамонлик тўғрисидаги революцион пьесаларни санай бошлади.

— Буларнинг деярли ҳаммасини биламан,— деди Алексахин.

— Уларни қандай деб биласиз?

— Ажойиб пьесалар!

— Нимаси ажойиб!

— Ҳаяжонга солади, Александр Львович. Ҳаяжонлантирганда ҳам шундай ҳаяжонлантирадики, ҳаракатга тушиб кетгинг, енг шимариб, бирор нарса йўлида жанг қилгинг келади. Фикр уйғотади.

— Мана бу пьесангиз-чи,— деди Гуляев,— ташлаб кетилган хотин тўғрисидаги пьесангиз,— у қандай фикрлар уйғотади, ундан сўнг кишининг қандай нарса йўлида жанг қилгиси келади? Бу, худди... айрим чолларнинг... кўзларига дурбин тутиб, бировнинг квартирасига мўралашларидек бир гап. Бегона кўз асло тушмаслиги керак бўлган бирор нарса-ни кўриб олсалар, ҳа, кўриб олдим-ку, деб қувонадилар, қўлларини ишқалаб, сўлақларини оқизадилар.

— Менинг пьесамда бошқача-ку, бунда проблема бор!— деди ранжиб Алексахин.

— Қандай проблема бўлсин, дўмбоғим, қандай ахир? Буларнинг ҳаммаси бир пуллик гап, азизим.

Гуляев тўрни ушлаб кўрди, бармоғига фильдекоса ипини ўрай бошлади.

— Билсангиз, Алексахин,— деди у,— театримизда пьесангизни ўқишган вақтда мен сизнинг ёза олишингизга тушундим. Сиз одамларни табиий, яхши рус тилида гапиртирасиз, киши китобий нутқни эмас, одам нутқини эшитади. Менга қаранг, сизга чинакам, катта ва ажойиб бир ишни таклиф қилай. Буни сиз учун эмас, ўзим учун қиляпман, агар бу иш ўринласа, ютуққа мендан кўра ўзингиз кўпроқ эга бўласиз. Кекса Ершов тўғрисида пьеса ёзсангиз-чи. Сиз бу кекса тўғрисида эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Сизга бошлаб мазмунини айтиб берай, керак бўлса қолганини ўзингиз қидириб кўринг.

Гуляев Ершовлар оиласининг бошлиғи кекса домначи, Тимофей Игнатьевичнинг тарихини тўла, батафсил сўзлаб берди, Гуляев буни мароқ билан сўзлар, у шунчаки ҳикоя қилиб қўя қолмай, ижро ҳам этарди.

— Буларнинг ҳаммасини, эҳтимол, шу тарзда ёзмаслик

керакдир,— деди Гуляев юзига чиққан терини дастрўмол билан артиб.— Бошқача қилиб ёзиш керак бўлар. Лекин саҳнадан нақадар улкан ҳаётни кўрсатишимизни сезаяписизми? Ё йўқми?

Алексахин жим ўтирар, Гуляев унинг олдига катта мавзу билан келганини сезиб турарди. Алексахин буни билса ҳам, лекин бундай мавзуни ҳал этиш учун чоғи келмай қолишидан, кўп вақт сарф қилгани билан ҳеч бир натижа чиқмай қолишидан, театрнинг бизга тўғри келмайди, деб пьесани қабул қилмай ўтиришдан хавотирда эди.

— Чўчияпман,— деди у тўғриси айтиб.— Бошлашдан чўчияпман. Сиз мендан хафа бўлманг, Александр Львович.

Уйга қайтиб келгач, Гуляев ўзининг ёзув столи ҳам, сиёҳдони ҳам, дурустгина қоғози ҳам йўқлигига биринчи марта ачинди. У бурчакдаги матрацга чўзилди ҳамда варақлари бетартиб йиртиб олинган дафтарчага айрим ибораларни, айрим манзараларни ёза бошлади. Ўхшовлик сўзлар тополмас, ёзганлари ёмон, бўш бўлиб чиқарди. Бироқ шаҳтидан қайтмади. Матрацдан турар, овозини чиқариб сўзлар, ижро этарди. Дурустроқ бўла борди. Ёнида стенографистка бўлмаганига ачинди. Ижро этганларини ёза берди.

Шу тариқа бир неча кун ўтди. Магазинда бошқаси бўлмаганидан яна иккита қийшиқ чизикли дафтар сотиб олди. Унга ёзиш ноқулай бўлиб, ҳарфлар ўз-ўзидан йириклашиб кетар ҳамда ўқувчи болаларники сингари ҳафсала қилиб ёзилган бўлиб чиқарди.

Барибир ҳеч қандай натижа чиқаролмаслигини дарҳол фаҳхламаган эди.

Гуляев Виталий олдига борган эди, у уйда бўлмай, Искра бор экан.

— Буни қаранг,— деди Искра,— Люськадан хат олдим!

Гуляев унинг қўлидан хатни олиб, ундаги ажи-бужу расм солинган ва уларнинг тагида тахминан ўзи қийшиқ чизик дафтарларга ёзгани каби ҳарфлар билан: «Бу бувим. Бу мен» деб ёзилган сўзларни кўздан кечирди.

— Ёзишини қаранг, ўзи ёзибди!— дерди шодланиб Искра!— Катта қиз бўлиб қолган.

— Уни соғиндингизми?

— Бўлмаса-чи! Албатта! У бирам ғалатики...

Искра қизи чизган расмларни яна кўздан кечирди, унинг чеҳрасида жилмайиш, кўзларида нур ўйнади. Гуляев унга қарар ва инсоннинг тақдири тўғрисида ўйларди.

— Искра Васильевна,— деб сўради у,— сиз ҳеч маҳал пьеса ёзганмисиз?

— Мен шеър ёзганман. Мактабда ўқиб юрган вақтимда ёзардим. Гоҳо ҳозир ҳам тўқийман. Виталий уни мазақ қилади.

— Шеър дейсизми?— деб ажабланди Гуляев.— Сиз-а! Металлург жуван-а? Чўян аёл бўла туриб? Яна шеър! Лоақал биттасини ўқиб беринг!

— Йўқ, йўқ. Мен уни ҳеч кимга сира кўрсатмайман. Фақат Виталий титкилаб қолиб — топиб оладию, роса масхара қилади. Сенинг касбингдаги одамлар шеър ёзишга киришса — бу жиннихона сари қўйилган бир қадам бўлади, деб юради.

Гуляев ўқиб беришини илтимос қилаверди. Искра ниҳоят: — Майли,— деди.— Агар куладиган бўлсангиз, ишончимдан бутунлай маҳрум бўласиз. Мана...

Хайрлашиб деди у: «Ғойиб бўлманг зулматда,
Шундайин ҳам билсангиз, кўнглим нотинч, беором.
Чироқни ёқиб юринг, кўриб турай албатта».
Шундан бери нур сари интилмоқ одат мудом.
Бермасада ёр садо
Чорлаб, йўқлашмаса ҳам,
Ўша одат бор ҳардам!

Сўнгги сатрларни ўқиб тугатар экан, Искра қизариб кетди, унинг бармоқлари титрарди.

— Нега бунчалик ҳаяжонга тушасиз?— деганича Гуляев унинг қўлини олди ва ўша титраётган бармоқлардан ўпди. Унинг димоғига домна печининг ҳиди урилгандек бўлди. Бу аёлда оналик туйғуси ҳам, чўян қуйиш касби ҳам, ҳақиқатан жуда аломат, аёлларга хос шеърят ҳам ажойиб тарзда уйғунлашган эди.— Жуда маъқул,— деди Гуляев.— Қани, марҳамат қилинг яна.

Искра бир минутгина ўйланиб туриб:

— Яна эшитинг,— деди:

Бизлар чиндан севишиб, ўртанмадик эҳтимол,
Шул сабабдан кўзёшсиз ажралишдек бемалол.
Кимки гар жондан севса, ҳасрат чекиб ёнади,
Шунчаки, эрмак бўлса, соядек йўқолади.
Аммо иссиқ кунларда жўш урса меҳнат, илҳом
Ёдда тутингки, ҳатто кичик соя ҳам ором.

Гуляев чапак чалиб юборганида Искра жуда хижолат тортди.

— Сиз шунақамисиз ҳали? Оббо шўхтой-э. Сира ўйламаган эдим, сира.

Аммо иссиқ кунларда жўш урса меҳнат, илҳом.

Ёдда тутингки, ҳатто кичик соя ҳам ором.

— Лекин, барака топинг, Виталийга айта кўрманг,— деб илтимос қилди Искра.— Утиниб сўрайман.

Гуляев сир сақлашга сўз берди ва:

— Афсуски, пьеса ёзмас экансиз. Йўқса биргалашиб ишлардик,— деди Гуляев. У ўз режаси, мушкуллари тўғрисида сўзлаб бергиси келдию, лекин бу фикридан қайтди: ҳар кимнинг ўз ташвиши, ҳар кимнинг ўз мушули бор. Ўзининг кичик қўлларини ўша домна печларига уриб уринтиришдан қўрқмаган, кийим-боши, сочлари, терисига ёпишаётган, домна ҳиди ўз эри учун дунёда энг яхши ҳид бўлмаслигидан қўрқмаган бу ёқимтой жувоннинг ҳам ўз ташвишлари, мушкуллари бор деб ўйлади.

Ўша оқшомда Гуляев ёмғир остида лой кечиб, шаҳарда узоқ кезиб юрди. Унинг кўз ўнгидан бутун оғир ҳаёти бирмабир ўтиб турди. Ҳаётида яхши нарсалар ҳам кам бўлмаган эди. Барча яхши нарсалар эса, саҳна билан, саҳнада ижро қилган роллари билан боғлиқ эди. У ҳамма вақт ўз қаҳрамонлари ҳаёти билан яшарди. Харакатерлар йирик-йирик бўлиб, саҳнада ҳам ғурурли сўзлар жаранглаб эшитиладиган ва улкан ғоялар баён қилинганда турмушдаги ҳамма нарсалар ҳам сермазмун, йирик ва ғурурли бўларди. Саҳнадаги характерлар бачканалашуви билан турмушга ҳам бачканабозлик кириб келаверди. У ҳозир ёлғиз, тажанг ҳолда нима қилиб берсин? Қимга керак у? Унинг ўз қобилиятига муносиб ролларни ижро қилаётганини, тўғри ижро этмай, ҳовлиқиб, чучмал ўйнаётганини, ҳатто қиз болалар ҳам парда орқасига келиб айтмоқдалар. Ҳаддан ортиқ талаблар бу! Қалбаки нарсани ҳақиқий қилиб кўрсатиш унинг қўлидан келмайдик-ку, ахир. Санъатда ёлғон нарсани ҳақиқат қилиб кўрсатиб, бунга томошабинларни ишонтирса бўлади. Лекин қалбаки нарсани чинакам нарсага, айниқса, бачканаликни улуғворликка асло айлантириб бўлмайди.

19

Платон Тимофеевич пирометрия хонасидаги баланд курсида ўтирарди. Печнинг қандай ишлаётганини кўрсатувчи ўнлаб асбоблардаги узун стрелкалар гоҳ ёнар, гоҳ ўчар, самопислардаги миллиметрли қоғоз ғалтаклари секин айланар эди. Платон Тимофеевич ўзи Бутуниттифоқ кенгашида учрашган кузнецлик бир домначи ёзган брошюрани варақларди. Боплаб ёзибди, мияси жойида экан йигитнинг, дерди ўзича. Платон Тимофеевич ҳам брошюралар ёзиши мумкин эди. Лекин бунга вақт қани? Йилдан-йилга нуқул ўралашгани ўралашган. Кундалик ишларни айтмайсизми.

— Нима ўқияпсиз?— деган овоз эшитилдию, орқадан инженер Козакова яқин келди.

— Мана, ўз тажрибасини ёзибди.— Платон Тимофеевич Искрага брошюранинг муқовасини кўрсатди,— маънили фикрлар.

— Эҳ, Платон Тимофеевич, биласизми, биз ҳам қанчадан-қанча маъинли фикрлар айтишимиз мумкин! Буни сизга ҳозиргача айтмай юрган эдим, лекин ҳамма вақт цехнинг ишини кузатиб, назар солиб, ёзиб, ўйлаб юрибман. Камчиликларимиз ва фойдаланилмаётган имкониятларимиз шунчалик кўпки, асти қўяверинг. Чора кўриш, қатъий чора кўриш, ҳар хил — техника, технология, ташкилий чоралар кўриш керак. Қўлимдагиларнинг ҳаммаси ҳали тугалланмаган, хулоса ва таклифларимни цех бошлиғига кўрсатиб бўлмайди, албатта. Истасангиз, сизга кўрсатишим мумкин... Сизнинг маслаҳатингиз, сизнинг консультациянгиз, сизнинг фотиҳангиз зарур.

— Қани, қани, айта қолинг. Нега энди бунчалик узун муқаддима қилмасангиз?

— Электропушкадан бошлайлик. Бизнинг электропушкамиз жуда ожиз, ўзингиз ҳам биласиз.

— Пушкачамиз ожизроқ, бунга шак йўқ. Искра Васильевна.

Нима учун биз пушкаларимизга кучлироқ моторлар қўйиб беришларини талаб қилолмаймиз? Буни қилиб бўлмай-дими? Менимча, мумкин, мумкингина эмас, ҳатто зарур. Яна... Лётка массамизнинг сифати паст, углеродли набойка ҳам шундай. Демак?.. Демак тупроқэзгичга шарли тегирмон ўрнатиш керак,— биринчидан, шихта майинроқ тортилади, суви қочирилган масса оламиз. Иккинчидан, тупроқэзгични кўпроқ механизациялаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ҳамма процессларни механизациялаштириш керак. Вентиляция ўрнатиш керак.

— Тушунарли, тушунарли,— деб рози бўлди ноҳушлик билан Платон Тимофеевич. Тупроқэзгични реконструкция қилиш пайти келганини унинг ўзи ҳам биларди, лекин кундалик ишлардан қўл бўшамасди.— Яна нима?

— Менда кўп ҳали. Мана бу дафтарчада ҳаммаси ёзилган. Истасангиз, кўриб чиқинг. Мен баъзиларини айтмоқчиман. Мен конторадагилардан сўраган эдим, сўнгги икки йил мобайнида горновойлар ўртасида қўнимсизлик катта эканини ҳисоблаб кўрсатишди. Ўзоқ йили улардан қирқ тўрт проценти, ўтган йили ҳам ўттиз беш проценти ўзгарган. Нега бундай? Чунки, меҳнат шароити оғир... Домначиларнинг иш шароитини ҳамма билади-ку, ахир! Бу станокда чархлаш ёки йўниш эмас. Демак горновойлар меҳнатига тўланадиган ҳақни кўпайтириш, разрядларни орттириш тўғрисидаги масалани кўтариб чиқиш керак. Биринчи горновой энг баланд—ўн иккинчи разряд олиши керак, қолганлари — тегишинча, саккизинчидан кам бўлмаган разрядлар оладиган бўлсин.

— Сиз бу масалада ҳам ҳақсиз, Искра Васильевна. Биргалашиб маъмуриятга бир тазйиқ қилайлик. Ишнинг яхши

бўлишини хоҳлар эканлар, бунинг учун яхши ҳақ ҳам тўлашсин. Сизда яна нималар бор?

— Янами? Марҳамат. Ҳамма печларимиз ҳозирги замон контроль ўлчов асбоблари билан ускуналанган. Мана улар!— Искра пирометрия хонасида деворларидаги жуда кўп градуслар кўрсатилган шкала ва циферблатларни кўрсатди.— Лекин... бу асбобларнинг кўпи ёмон ишламоқда. Мен уларга унчалик ишонмайман ҳам, Платон Тимофеевич. Ановилари бўлса... шихтанинг устки қисмидаги ҳароратни кўрсатадиганлари мутлақо ишламайди. Демак, мастер газ оқимини чинакам бошқара олмайди.

— Сизнингча, ким айбдор?

Ҳаммамизда ҳам бир оздан айб бор, Платон Тимофеевич. Бундай ишда айбдор битта бўлмайди. Биров кўрмай қолади ва ақли етмайди, биров, бу иш бошқармадагиларга мендан кўра кўпроқ зарур деб муросасозлик қилади ва қўл силтаб қўя қолади... Шунақа бўлиб келяпти. Бу ўринда технологларнинг ҳам бепарво бўлаётганини айтиш мумкин. Бу аппаратнинг қадрига етишмайди.— Искра комбинезони чўнтагидан кўзойнак солинган филофини олди-ю, лекин яна дарҳол яширди.— Мен асбоблар тўғрисида гап очган эканман.— деб давом этди Искра,— пирометрия хонамиз иши билан ҳам жуда жиддий шуғулланиш кераклигини айтиб ўтаман. Масалан, бизга юкловчи ускуналар ишини контроль қилиб туриш имкониятини берадиган светофор ўрнатиш керак. Яна... Буниси пирометрия хонасига тааллуқли эмас,— цехда селектор алоқасини йўлга қўймоқ керак. Бизнинг телефонларимиз билан иш битириб бўлмайди: жуда суст ва бўш ишлайди.

Буларнинг ҳаммасини ўзи сўзламаётганлиги, ўзи тавсия қилмай, ёш инженер жувон тавсия қилаётганлиги Платон Тимофеевичга бироз алам қиларди. Бу жувон эътибор қилган нарсаларнинг кўпини у ҳам сезиб юрарди, албатта. Чўян лёткасини беркитиш учун электропушкаларнинг қувватини ошириш кераклиги тўғрисида цех бошлиғига ҳам, завод директори ҳам бундан бир йил аввал айтилган. Рози бўлиб ваъда қилишди-да, унутиб юборишди. Платон Тимофеевич тупроқэзгични ҳам, шарли тегирмонни ҳам, вентиляцияни ҳам айтган. Айтиб қўя қолмай ёзган ҳам. Лекин пирометрия хонаси, асбобларнинг ёмон ишлаётганлиги тўғрисида, селектор алоқаси ҳақида биринчи марта инженер Козакова айтётган эди. Козакованинг дафтарчасига Платон Тимофеевич кўз қирини ташлади-ю, иссиқ пуркаш шиберларининг заиф ўриатилганлиги тўғрисида яна бир муҳим таклиф ёзилганини кўрди. Инженер Козакова шиберларнинг ғилдирагини совутиш учун сувни икки ёқлама келтиришни йўлга қўйиш кераклигини айтди. У яна, ўтказиш клапанларининг диа-

метри қисқа бўлганлигидан кауперларни ўтказиш вақти жуда чўзилиб кетаётганини кўрсатади. Ўтказиш клапанларининг диаметрини узайтиришни тавсия қилади.

Бошқа одам бўлганда Платон Тимофеевич, эҳтимол, ўжарлик қилиб бирорта ҳам таклифини қабул қилмаган, эътироз билдирган, бошқаларнинг ишга суқилма, сен бўлмасанг ҳам қилаверишади, деган бўларди. Лекин у инженер Козакованинг суқилишига қарши эътироз билдирмади. Платон Тимофеевич гоҳо унинг печдаги ишларни бошқараётганини кузатиб, бу жувоннинг одатдан ташқари ҳаёти тўғрисида ўйлаб кетарди. Ҳатто кўп инженерларнинг хотинлари бирорта муаллималик, врачлик, музикачилик... сингари бутунлай «озода» ва бежавотир касбларга эга бўлсалар ҳам, лекин уйда қолишни ва ишламасликни ўйлайдилар. Бу эса, рассомнинг хотини бўла туриб, яна аёл кишига келишмайдиган домна мастери қасбини орттирган! Унинг уйда ўтираверишни, эрининг ҳаётини бежайвериши керак эди. Нима бўлганда ҳам, хотинлар — жуда чатоқ халқ. Шундай бебошларни бўладик, — худди мушукнинг ўзи: кўзнинг тушмай қолса, бўлди, туйнукдан уриб жўнайди, кейин қидир уни... Бошқаси жонини аямайди. Мастерлардан инженер Козокова сингари ишлаётган жияни Андрей бўлса керак, у зеҳни, ғамхўрлиги, ташаббускорлиги жиҳатдан Козакова даражасида туради. Бошқалари тажрибаси ортиқроқ бўлса ҳам, лекин зеҳни пастроқ эди. Ишлаб чиқаршида ёш бўлганлиги учун инженер Козакова турли камчиликларга кўп йўл қўйиб туради. Лекин Платон Тимофеевич бу камчиликларни унинг юзига солмай, мулойим муомала билан кўрсатади, беҳуда ранжитмайди: ранжитса — хотин киши совуқ урган гулдек бўлиб қолади. Цех бошлиғи эса, хотин кишими, бошқаман деб ўтирмайди, чўян бўлса бас, бошқаси билан иши йўқ. Бир кун у инженер Козаковага бақириб берди; бу зайилдаги муомалаларга кўникмаганидан Искра конторадан кўзи ёшланиб қайтиб келди. Ҳатто оғзи жуда бузуқ горновойлар ҳам унга анча мулойим муносабатда бўлишади. Платон Тимофеевич цех бошлиғи ёнига бориб келди, у билан гаплашиб, бундай қилиш ярамайди, хотин киши, ахир, деди.

— Эрининг бағрида ўтираверсин! — деб шовқинлади ёш бўлганидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали унчалик тотиб кўрмаган цех бошлиғи. — Ёки музика чалишни ўргансин.

Искра цехда кечирган кўп қийинчиликларни Платон Тимофеевич биларди. Лекин у яна кўп қийинчиликларни билмас, баъзи қийинчиликларнинг борлигини эса хаёлига ҳам келтирмасди. Айрим инженерлар ва ишчиларнинг қўполлиги Искрани жуда гангитар ва ранжитарди, заводга яқинда қабул қилиниб, афтидан ҳали чинакам меҳнат мактабини ўт-

маган, ўз жон-тани билан ишчилар синфига тамоман қўшилиб кетмаган йигитларнинг болохонадор қилиб сўқинишлари уни чўчитарди. Искрапинг заводда нималарни эшитиши, нималарни кечиришини москвалик ҳамкасб дугоналари билгудек бўлсалар, балки, ваҳимага тушардилар. Лекин буни ҳатто Виталий ҳам билмайди. У ўз хотини қандай шароитда ишлаётганини тахминан билади. У ана шу шароит билан сиртдангина танишди: цехга келиб, печларни кўрди-ю, чўян иссиғини дамига тортди. Виталий Искрани фурмалар алмаштирилаётган чоқда кўрибди дейсизми? Ёки у ўз хотинини чўяни чиқариш олдидан лёткани созлаётганида ва айниқса лётка унчалик яхши созланмаган вақтда, лётка массаси қуририлмаганидан эриб турган металл намга тегиб, лёткадан огнемет сингари ўт сочилган вақтда, газ, учқун ва зарралар бутун қуюв майдонига отилиб турган ва печь ёни жаҳаннамга айланиб, қочиб қолишдан бошқа илож қолмаган вақтда кўрса эди. Лекин қочиб қолиш у ёқда турсин, лёткани қуришиш, бу ўтти олишмани йўқотиш керак эди. Кичик жувон ўзининг қурум босган олабўжи горновойлари билан биргаликда бу ишни ўжарлик ва чидам билан бажарарди. Олти йилни бир бинода, бир коридорларда бирга ўтказиб, касса туйнукчасидан ойда икки марта биргаликда маош олиб юрган ўша министрликдаги оймчалар буни билиб қўйсалар, бир кўрсалар, ўз хизмат вазифаларини виждонан адо этардилар — мамлакат металлургиясини бошқарувчи ғоят катта машинанинг нормал ишлаши учун зарур бўлган ҳамма нарсани бажарардилар. Лекин иш кунни тугаб, министрлик биносидан чиқиб кетишгач, улар министрликда қолган ўша хизмат, ўша вазифалар билан яшармиди у оймчалар? Улар ўз хизмат вазифаларини уйларига олиб бормасдилар. Буни Искра ўз тажрибасидан биларди.

Домна печи бўлса... Кета туриб, ун, столга ёки сейфга беркитиб бўладими? Печь кўп йиллар давомида ўчмай, доим ишлаб турарди; у ҳар кун, ҳар соатда инжиқлик қилиб қолиши мумкин, бу эса доим хаёлни банд этарди. Печь сенга сингиб кетар, сени тутиб турар; цехда қолмай, биргалашиб ўйинга борар, ҳаётнингнинг бир қисми бўлиб кетар эди. Дмитрий Ершов Искрага Платон Тимофеевич тўғрисида гапириб берди. Платон Тимофеевич отасининг кулбасида яшган вақтда, бирорта печнинг ишлашидаги, овозидаги ўзгариш қулоғига кириб уйғониб кетар экан. Печларда нима содир бўлганини кўриш учун ҳатто томга ҳам чиқиб юрар экан: бу печлар шаҳарнинг ҳамма ёғидан кўриниб турарди.

Искра ҳақ эди: Виталий унинг аҳволига тушунмасди, албатта. Искра унинг сўзларини эшитмай, фурмаларнинг алмаштирилишини осонлаштириш учун соплаларни осиб қўйиш,

ёки уларни Магнитогорск комбинатидаги сингари термо изоляциялаш кераклиги тўғрисида ўйлаётганда Виталий ундан хафа бўлар эди. Искра шу туфайли эрининг назарида ўз қадри камайиб бораётганини кўрмай иложи йўқ эди. Ўзининг ҳамма вақт домна печлари билан банд экани Виталийнинг гашини келтираётганини кўриб турарди. Шунинг учун ҳам Виталий бу ерда Москвада бўлганидан кўра кўпроқ ичадиган бўлиб қолгандир? Тўғри, сўнгги кунларда Виталий бир қултум ҳам оғзига олмади: фикри-ёди Дмитрий Ершовнинг портретида эди.

Искра холстни ёпиб турган матони кўтариб қўйиб, бу портретга кўз ташлаб турар, портрет унга маъқул бўларди. Лекин холстда секин-аста пайдо бўлиб келаётган одамнинг юзида нимадир етишмасди, нима эканини — Искранинг ўзи ҳам билмас эди. У Виталийга бу ҳақда гапирмади. Афтидан, бу ишдаги аллақандай ноаниқлик Виталийни ҳам қийнардди. Виталий бу ишни гоҳ ташлаб қўяди, гоҳ роса киришиб кетади. Гоҳо қарийб ҳаммасини ювиб ва сидириб ташлайдида, кейин яна шошиб-пишиб холстга кетма-кет бўёқ ураверади.

Дмитрий Ершов ўз портретини рассом Козаков ишлаётганини яхши ҳамки билмайди. Билиб қолгудек бўлса, албатта келарди-ю, холстни йиртиб, қирқиб ташларди. Буни Искра жуда яхши биларди. Виталий портретни битказиб, уни бирор жойда кўрсатиш учун олиб борганда қандай жанжал бўлиши аниқ эди.

Искра уйга кетаётиб йўлда ўз ёнида гоҳо Дмитрийнинг бирга боришига кўникиб қолаёзди. Дмитрий илгаригидек ортиқ даражада қўполлик қилмас, тақдир тўғрисидаги сирли сўзларни айтмасди. Ростини айтганда, у билан бирга бўлиш мароқли бўлиб қолди. Дмитрий унчалик ўшшайган ва камгап эмас экан. Камгап эканлиги — рост, лекин кам гапириб ҳам кўп нарсанглата олади. У партизан отрядидаги ҳаёти, немисларнинг ваҳшийликлари, босиб олинган ерларда қолган одамларнинг азоб-уқубати тўғрисида гоҳат аниқ ва таъсирли қилиб гапириб беради. У кўп китоблар ўқиган, ўз диди бор, қаҳрамонлик, романтик, илҳомбахш асарларни яхши кўради. Яхши шеър ва қўшиқларни севади, музикани яхши кўради.

Ҳар вақтдагидек яқинда у сменадан сўнг Искрани кутиб туриб, денгиз соҳилида сайир этишни таклиф қилди. Нам қум совуқдан бетон плитадек қотган эди. Унинг остида яқиндагина бўлиб ўтган шамол ва тўлқинлар суриб ташлаган яшил муз уйилиб ётарди. Оҳиста қор ёғмоқда. Борлиқ сокин, гўё оқшом хаёлот ичида эди.

Пляж яқинига бориб, қумга ўрнатилган кичик скамейкага ўтиришди, тим-қора денгизга қарашди. Қўлқопларини

уйда унутиб қолдирган Искранинг қўллари совқотди; у қўллари бағрига босиб, пальтоси енгларига яширарди. Буни сезган Дмитрий унинг иккала қўлини ўз кафтларига олди.

— Музнинг ўзи-я,— деди у.

Унинг кафтлари иссиқ эди. Дмитриининг катта кафтлари қаттиқ ва серқодоқ бўлганидан Искранинг қўллари иккита эгов орасига тушиб қолгандек эди. Искра секингина жилмайди.

— Сиз қўлларимдан куляпсиз шекилли?— деди Дмитрий. У ўрнидан туриб, қум устидан денгиз тўлқини чиқариб ташлаган балиқчи эшкагининг бир метр келадиган синигини олди-да, тиззасига кўндаланг қўйиб кафтлари билан четларидан босди. Йўғон эшкак қарсиллаб, синиб кетди. Синиқларини четга улоқтирди.—Айиққа ўхшарканманми?— деди бироз жим ўтиргач:—Сиз мени нега нари бор демайсиз?— деб сўради.

— Тушунолмадим...—Искра ҳақиқатан унинг сўроғига тушунмаган эди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир? Мен суйкалиб сизнинг орқангиздан юрибман, сиз бўлсангиз ҳаммасига тоқат қиляпсиз. Тоқат қилиб нима қиласиз? Тўппа-тўғри нари бор дея қолмайсизми...

Дмитрий хавфли ва кераксиз гапни айтаётган эди.

— Мен тўғри сўз одамман, Дмитрий Тимофеевич,— деди Искра.— Очiq сўзлаётганим учун кечиринг. Бошида сизнинг бу.. нима десам бўларкин?.. Кечиринг, сизнинг хиралингиз бошида мени жуда ранжитган эди. Кечқурунлари чиқавериш жойида бирдан мени чақирганингизда юрагим орқага тортиб кетарди. Ёмон аҳволда қолардим. Лекин сиз алоҳа мени ўзингизга ўргатиб олдингиз...

— Демак: йўлдаги тўнка, қозиқ ёки телеграф ёғочи сингари кўзга ташланиб турганману, ҳар куни ёнидан ўтиб ўрганиб қолгансиз-да?

— Нега энди менинг сўзимга бундай маъно берасиз? Асло бундай эмас?

— Хўш, қандай бўлмаса, қандай?

— Шубҳаланиб ўтирмай, оддийгина маъно берса ҳам бўлади-ку. Мен сизни таниш, ҳатто яхши таниш деб билишимни нима учун тасаввур этолмайсиз. Мана, сиз билан сайр этиб чиқдим... Тўнка, қозиқ ёки симёғоч билан киши бирга юрмайди-ку, шундай эмасми?

— Юради!— деди у аввалича қатъият билан, унинг чандиғи оқарди. Искра сайр қилишга рози бўлганига пушаймон бўлди. Бунақа одам билан ҳазиллашиб бўлмайди, у ҳазилга ҳеч бир йўл қўймайди. У билан фақат жиддий муомала қилиш мумкин.

Дмитрий уни уйнгача кузатиб қўйди, бутун йўл бўйи жим қолиб, қовоғини солиб борди. Искра нимадан гап очмасин — у жавоб бермасди.

Искра эртасига Платон Тимофеевичдан Дмитрий тўғрисида сикингина сўради.

— Бизнинг Дмитрий темир одам,— деди Платон Тимофеевич.— У комсомоллик вақтидаёқ... балки пионерлик чоғидадир, эсимдан кўтарилибди, мен жаҳон коммунизмини кўрганмдан кейинггина кўмасизлар, деган эди. Уни немислар отиб ташлаб ҳам кўмолмаган. Бизнинг боболаримиз уни чуқурдан тортиб олишган — ўн соатча ётган бўлса ҳам тирик экан. Ҳамон яшаяпти, шунча чандиқлари билан жаҳон коммунизмини қуряпти.

Домна цехи ишини қандай қилиб яхшилаш кераклиги тўғрисида Платон Тимофеевичга сўзлаб берар экан, Искра Дмитрийнинг жаҳон коммунизми тўғрисидаги бу сўзларини эслади. Унинг ўзи ҳам бироз шунақароқ бўлган эди, ахир. Бир вақтлар уни институтда ҳатто ортодокс ҳам деб аташарди. У Виталий билан тез-тез тортишиб қоларди. Виталий баҳслашув сабабларига арзимаган нарса деб қараса, бу сабаблар Искра учун жуда жиддий нарсалар эди. Москвада Виталийнинг олдига ҳар хил одамлар келиб турарди. Гоҳо бирдан расво латифалар айтиб совет воқилигини обивателча масхаралайдиган одамлар ҳам санқиб келиб қоларди. Искра гапни шартта кесиб: «Кечирасиз,— дерди шу ондаёқ.— Лекин мен бунақа гапларни ёқтирмайман». Виталий кейин шовқин кўтариб, бўғилиб: «Уялсанг бўлмайдими, бироз жим турсанг бўларди. Ана холос! Индамай қўя қолсанг нима бўпти?» дерди.

Бир кун Виталийнинг олдида бир ёш рассом ўтирарди. Ҳамма нарса тўғрисида валдирар, одобсизлик, манманлик билан баҳо берарди, совет сураткашлигини койиб: натурализм, фотография, янги изланишлар керак, импрессионистлар ҳақли дерди. У бир умр қашшоқликдан чиқмаган, лекин ўз ижодини сотмайдиган аллақайси бир эътироф этилмаган улуғ рассом тўғрисида сўзларди. У қўриқ ерликлар ва пўлат қуювчилар ҳаётидан олинган тетик расмлар солмас эмиш, оқсоқ, эси паст хотинининг портретларини ҳамда турли эски толларни ва Москва тор кўчаларини расмга олар ва булар ажойиб асарлар эмиш. Уни, албатта, чиқиштиришмас, виставкаларга қўйишмас эмиш ва ҳоказо. Бу беъмани гапнинг ўзиёқ Искрага ёқмай турган эди. Лекин рассом алланарса муносабати билан ўз ота-онаси тўғрисида гапириб: «Улар бачкана коммунизм тарафдорларидир», деганда Искра янада кўпроқ аччиғланиб: «Бачкана коммунизм деганингиз нима ўзи?» деб қатъий сўради. «Буми? Бу уларнинг ўз онгларида

комсомол бўлган чоқларидан буён сақлаб желаётган нарсанинг ўзи. Улар учун ҳамма нарсдан ғоявийлик бўлиши керак. Ғоявий софлик! Қиёқаси пражданлар уруши ва дастлабки беш йиллик замонидаги қарашлар. Улар «ҳаёт» деган нарсани билмайди, улар биргина: «кўраш» деган нарсани билишадди» деди — «Ажойиб ота-онангиз бор экан! Афсуски, сиз уларга ўхшамабсиз!» деди зарда билан Искра. Виталий қараса жанжал бўладиган, бу йигитни олиб чиқиб кетди, шундан сўнг у уйларига келмай кетди.

Дмитрий Ершовнинг жаҳон коммунизми тўғрисидаги орзуси Искрага ёқди, жуда ёқди. Катта орзусиз яшаш қийин. Искра бу одам билан албатта дўст тутингиси, Виталий билан бирга уникида тез-тез меҳмон бўлгиси келарди. Лекин сўнгги учрашув вақтида Дмитрий билан бўлган суҳбатдан сўнг буларнинг ҳаммаси амалга ошмайдиган бўлиб қолмоқда эди...

Платон Тимофеевич Искранинг дафтарчасини найча қилиб ўраб, курткасининг чўнтагига солиб қўйди-да, эътибор билан ўқиб чиқишни, мулоҳаза қилиб кўришни, шундан сўнг улар биргаликда ҳаммасини муҳокама қилишларини ва цех бошлиғи ёнига боришларини, цех бошлиғи билан битмаса, завод директорининг олдига ҳам боришларини айтди.

Уша куни кечқурун Искра Дмитрийнинг портретини яна кўздан кечирди. Блюминг старший операторини Виталий беҳуда бундай натурал ҳолида тасвирлабди, деб ўйлади. Унинг юзидаги ваҳимали чандиқ кўзга жуда ташланиб турарди. Бу чандиқ полотнода аслидагига қараганда бўртиброқ турарди. Искра буни Виталийга айтган эди, Виталийнинг жаҳли чиқди.

— Ҳўш, мен — ёлғончилик қилайми? Бўяб кўрсатайми?— деди.

— Ҳеч ундаймас,— деб эътироз билдирди Искра.— Сен Ершовга қараганингда, у билан сўзлашиб, суҳбатга берилиб кетганингда бу чандиқ кўзингга шунчалик бўртиб кўришиб турадими? Наҳотки чандиқ сен ишлаган расмдагидек бошқа ҳамма фазилатларни — одамнинг қалби, фикри, орзуларини тўсиб қўйган бўлса?

Виталийнинг янада кўпроқ аччиғи келди. Дарҳол қирғични олиб, портретга ташланди. Искра Виталийнинг қўлидан тутиб, холст олдига туриб олди.

— Жинни бўлдингми! Тажанг бўлмай қол. Шунақа ҳам бўладими? Жиндак танқидни ҳам кўтаролмайсан. Ҳозир тўхтат!

Искра уни бир илож қилиб кўндирди. Виталий жаҳлидан титраб кетиб, ўрнига ётиб одеялга бурканиб олди. Искра

уни ўрнидан тургазишга ҳаракат қилиб буйдалади, ёлборди, бўлмади. Искра бир хўрсинди-ю, кийиниб кўчага чиқди. Қаттиқ совуқ эди, қор ёғирлаб, ой нурида йилтирарди. Искра кўчадан секин юриб кетди.

— Салом!— деган овозни эшитди у. Баланд бўйли бир хушқомат қиз унинг ёнига келди.— Сизни учратганимдан жуда хурсандман.

— Капа!— деди уни таниб Искра.— Салом, Капа! Уйнаб юрибсизми?

— Уйга кетяпман. Инглиз тили машғулотида. Институтда бизга тилни шундай ёмон ўқитишадики, асти қўяверинг, шунинг учун ўзимиз группа ташкил қилишга қарор қилдик. Ҳар хил мажбурий машғулотлардан ташқари ўзимиз ўқиймиз, ёзамиз, гаплашамиз. Иш чакки эмас. Ютуқларимиз ҳам бор.— У бир неча инглизча ибораларни айтди. Бегона тилда сўзлай олиш унга ёқарди. Искра ҳам унга инглизча жавоб қайтарди. Икковлари ҳам бир-бирларининг гапларига тушунганларидан ғоят қувонишди.

— Бирров бизникига кирайлик,— деб таклиф қилди Искра.— Уйимиз яқин ерда. Жуда яқин. Чой ичамиз.

Капа иккиланиб тўхтаб қолди.

— Билмадим...— деб ўйлаб қолди у.— Ойим хавотир олар.

— Ҳали жуда вақтли-ку! Энди саккиздан чорак ўтибди.

Искранинг таклиф этишдан мақсади бор эди. Виталий бундай ёқимтой қизни кўриб, ёзилмаслиги мумкин эмасди. Унинг олдида ўзига оро бериб, тажанглиги ёзилади қолади.

Худди шундай бўлди. Виталий дарҳол одеял тагидан чиқиб, стол ёнида роса сайради, турли ҳодисаларни айтиб берди, Капа билан Ершовлар уйда учрашганларини эслади. Ўз расмларини кўрсатди. Искра уни Дмитрийнинг портретини ҳам кўрсатишга кўндирди.

— Жуда ажойиб-ку!— деб қичқирди Капа,— тўхтанг!— Ким ўзи бу, биласизми? Бу Дмитрий Тимофеевич! Сиз уни шундай яхши тасвирлагансизки!

Меҳмонни кузатиб қўйишгандан сўнг, у:

— Хўш, энди нима дейсан?— деди.— Виталий мамнун эди.— Мана энг оддий, синалмаган томошабин қандай деяпти? «Ажойиб! Яхши!» деяпти. Сен-чи? Сен мени бирор илож топиб ерга ургинг, жигимга теккинг, ранжитгинг келади.

— Нақадар нодонсан-а, Витя.

— Хотинлар — ижодий ходимлар бошига, санъат ходимлари бошига битган бало. Ҳеч ким хотинингдек таъбингни тирриқ қилолмайди, ижодий иштиёқ ва илҳомингни унингдек боплаб сўндиролмайди. Ўзини санъатга бағишлаган одам онла ҳаётидан, бу ширин уй-рўзғордан воз кечмоғи керак.

Виталий бундай гапларни кўп такрорлар, бу унинг эски гапи бўлиб, Искра бунга кўникиб қолган эди.

— Нодонсан, нодон,— деди яна у столни йиғиштирар экан.

20

Степан Ершов юк машинасида ишламоқда эди. Завод гаражида унга ҳеч ким унинг ўтмишидан гапирмас, бу ўтмишни унинг юзига солмасди. Турли мажлислар, кенгашлар, машмашаларга тўлган меҳнат ҳаёти давом этарди. Степан гараждаги баъзи шоферлар, механиклар ва ишчиларга ўхшамай, мажлисларни ёқтирар, улар ярим кечагача давом этса ҳам иштиёқ билан ўтираверарди. Степан уруш йилларини ва ундан сўнгги йилларни ўтказган жойларда ҳеч қандай мажлислар бўлмаганидан соғиниб қолган эди. Докладчиларнинг нутқларини, нотиқларнинг сўзларини эътибор билан тингларди. Бироқ ўзи чиқиб сўзламас, қулоқ солмайдилар, деб қўрқарди. Яхши, авариясиз қатнар, ёқилғи ва мойлаш материалларини тежар, машинани жуда яхши тутарди. Ҳузур қилиб шодлик билан ишларди — яна ўзи туғилиб ўсган жойларда юрганидан, давлатгина эмас, шунингдек ўртоқлари ҳам унинг ҳамма айбини кечиб юборганидан хурсанд эди. Бошқа ҳеч ким уни ака-укалари сингари тергов қилмади; ҳатто айримлар унга ҳамдард бўлишар, улфатчиликларга чақиришар, бирорта пивохонада ўтиришни, бир кружкагина ичиш ва баянистнинг машқларидан эшитишни таклиф этишарди. У ерда эса, кружкани қўйиб олиб, қаттиқ ботадиган гап қилмай, оддийгина қилиб, асир тушганлиги, немислар қўлида хизмат қилганлиги, қамоқда бўлганлиги: тўғрисида суриштиришарди. Шоферлар ва ремонтчилар ўртасида асирликда бўлганлар ҳам бор бўлиб, лекин Власов қўлида Степандан бошқа ҳеч ким хизмат қилмаганди. Бундай хизматни ҳеч ким маъқулламаса ҳам, лекин Степаннинг унга яхшилиқча, ўзи хоҳлаб кирмаганига ҳамма астойдил ишонарди. «Ҳар куни терингни шилиб олишади,— дейишарди айримлар,— тоқатинг тоқ бўлади. Одам боласи — шундай жониворки, яшагиси келади».

Ака-укалари ҳам ортиқ сиқиштирмади. Дмиртий билан Андрей қадрдон уйга қайтиб келди. Степан уларсиз бир ойгина яшади. Улар мен ўзимни қандай тутишимни синаб кўрмоқ учун кетган бўлсалар керак, деб ўйларди Степан. Лекин гап бунда эмасди, аслида Степан уларнинг кетиш сабабини билмас эди.

Дмитрий ҳам, Андрей ҳам, уйдан чиқиб кетганда ўз турмушларини бошқача қилиб, мустақил равишда қуришни ўй-

лаган эди. Дмитрий Платон Тимофеевичникига, Андрей эса Яков Тимофеевичникига бориб турди. Лекин бу тўнғич оғаларнинг маромини топган ўз турмуши бор эди. Улар қардошликка қардошқу, лекин нуқул уларга халақит беряпман, уларнинг рўзғорига кераксиз юк бўляпман, деб ўйларди Степан. Уларнинг ўз турмушлари ҳам танг бўлиб қолган эди. Леля завод уйига боришдан уялар, Капа эса Яков Тимофеевичнинг уйига келишдан тортинарди. Ҳамма иш мушкуллашиб, аввалгидек бўлмай қолди. Икковлари завод уйидан жой олмоқчи бўлди — бундан ҳеч бир иш чиқмади... Бирор кимсадан хусусий тарзда бир хонани ижарага олишмоқчи бўлди, бу ҳам бўлмади: одамлар ўзлари сиқилиб яшаётганлигидан ижарага жой беришмади, ижарага қўядиган одам топилганда ҳам, у шунчалик кўп ҳақ талаб қиладики, бунга наҳ ишлаб топганинг ҳам етмайди.

Амаки-жиян бир кун ҳасратлашиб қолишди.

— Биз бошпанасизмиз, Андрюшка,— деди Дмитрий амакиси.— Боқимсизлармиз. Уйга қайтайлик. Иккимизнинг ҳам тақдиримиз шундай. Сен тақдирга ишонасанми?

— Идеализм бу,— деди Андрей нохушлик билан. Унинг уйга қайтгиси келарди. Аллақачоноқ қайтиб борарди-ю, лекин бегона Степан яшаётган жойга қайтиш ўнғайсиз деб билар, нимадандир тортинар эди.

Степан буларнинг ҳаммасидан беҳабар эди. Қардошларининг қайтиб келганини яхши ишонч нишонаси, деб қабул қилди. Степан укасининг ҳам, жиянининг ҳам дардини биларди. Тўғри, у Леляни ҳали кўрмаган, Дмитрий унинг денгизда шамоллаб қолганини, касал эканини айтди. Лекин Степанни чалғитишди, у бунда ҳам бор гапни билолмади. Леля соғ эди ва унинг Овражная кўчасида кўринмаётганига сабаб денгизда шамоллаб қолгани бўлмай, аллақачонлардан буён ўз уйидай бўлиб қолган уйга келишиб, бу ерда бирдан ўзига бегона бир одамни, гитлерчилар қўлида хизмат қилган ва ҳатто ўз ака-укалари ҳам ишонмайдиган одамни кўришни хоҳламаслиги эди. Бошқалар-ку, майли-я, лекин Леля гитлерчилар ва унинг малайлари ким эканини яхши биларди. Леля Степанни кўрганда, бошидан кечирганларни эслашдан чўчирди, бу бошдан кечирганлари шунчалик юракни сиқардики, ёруғ жаҳон кўзига қоронғи бўлиб, ўлимига рози бўлиб кетарди. Ўша лаънати кечмиш оғушида онаси ҳам, отаси ҳам ўзининг болалар тикилиб қоладиган қуралай кўзлари ҳам, рўёбга чиқмас бўлиб қолган бутун бахтли истиқболи ҳам қолиб, куйиб кетди. Унинг чинакам бахти йўқ, бўлмайди ҳам. Дмитрийга бўлган муҳаббати унга нима бахш этади? Озгина шодлигу, кўп, ғоят кўп ғам. Агар Дмитрий: «Ўлгин Леля, шундай бўлсин» деса ўйламай-нетмай суриштириб турмай

ўлаверарди. Леля шундай эди. Дмитрий-чи? Дмитрий унга шунчаки одатланиб қолган. Леля буни кўриб, сезиб турарди. Лекин ғам-ғусса ҳар қанча кўп бўлса ҳам, барибир, жиндак-кина шодлик бор экан, шундай бўлаверсин, ишқилиб буниси ҳам чиппакка чиқмаса бўлгани. Ҳаётда ҳеч қандай янги мушкулотлар бўлмаслиги учун Леля Овражная кўчасидаги уйга боради, бораверади, у ўз журъатсизлигини босади, ўша Степанни ҳам, ўз хотираларини ҳам писанд қилмайди, ишқилиб Дмитрий шоширмай, Леля ўзини дурустроқ тутиб олса бас.

Степан Леляни бир марта ҳам кўрмаган, Леля ҳали, сира келмаган эди. Лекин кулбага Андрей билан юрган Капа деган қиз бир неча марта келди. Капа келганда Степан халақит бергиси келмай ўз хонасига кириб кетарди. Лекин Капага халақит бериш ҳам қийин, у бунақалардан эмас,— қатъий, ўзини тутган қизлардан бўлиб, уни уялтириб бўлмасди.

Бир кун кечқурун Степан ўз хонасида чироқни ёқмай, тинчгина ўринда ётарди. Чунки ўн икки соат ухлаб, эндигина уйғонган ва аъзойи баданида ҳорғинлик сезмоқда эди. У бундан олдин уч суткани уйқусиз ўтказди, жуда ёмон йўлдан тўрт юз километр жойга қатнади ва чарчаб, ҳоли-жони қолмади. Степан маза қилиб муроббо билан чой, ёки қайноққина шўрва ичишни ўйлаб ётарди. У тул қоғоз ёпиштирилган юпка тахта девор орқасида гаплашаётган овозларни эшитарди.

— Капа,— деди Андрей,— мен ҳозир сенга жуда, жуда муҳим бир нарса айтаман. Мен буни бир марта айтган эдим, лекин сен тушунмаган бўлсанг керак.

Капа индамасди.

— Хўш, айтайми ёки айтмайми?— деб сўради Андрей.

— Ўзинг биласан,— деди Капа.

— Сенга барибирми ҳали?

— Нима демоқчи эканингни билмасам.

— Биласан, биласан.

— Йўқ билмайман.

— Йўқ биласан.

— Билмайман.

Бу қизга Андрей нима демоқчи бўлаётганини ҳатто Степан ҳам билиб турарди. Ажабо, нега ўзини мунча гўлликка солмаса.

— Капочка... жонгинам...— Андрейнинг овози титради.

Степан бу барваста, бақувват йигитни кўз олдига келтирди,— ҳозир у девор орқасида қандай ҳолатда экан? «Эй шўрлик» деб ўйлади уни. Степан қиз ўзини гўлликка солаётганини ёқтирмади. Степан ҳам Оленька Величкинага мана шу

тарзда ўз ҳис-туйғуларини дадил изҳор қилганда, қиз ўзини бутунлай бошқача тутган эди. Степан ҳам ҳаяжонланиб, сўз тополмаган эди. «Мен сенга айтардим-ку, Оленька, лекин сира...» деб ғўлдирадди у. «Айтмай қўя қол, керакмас!— дерди пичирлаб Оленька.— Керакмас. Мен шундоқ ҳам ҳаммасини биламан». Оленька юзини унинг кўкрагига босган, ҳаммаси оппа-ойдин бўлган қўйган эди. Бу ерда-чи?

— Капочка, жонгинам...— деди яна Андрей ва бирдан:— мен сени севаман!— деб қаттиқ бақириб юборди-ю, девор орқасидан алланарса тарақлаб кетди— табуреткани йиқитиб юборган бўлса керак.

Тарақлашдан сўнг жимлик чўкди. Степан Капанинг пичирлаган овозини зўрға эшитди:

— Андрюшка, жонгинам, азизим. Мен ҳам сени севаман. Жуда, жуда севаман, наҳотки сен буни илгари билмаган бўлсанг?

— Капочка,— деди негадир Андрей ҳам пичирлаб,— Капочка, мен сен билан бўлишни... ҳамма вақт доим сен билан бирга бўлишни истайман...

— Биз бирга бўламиз, Андрюшенька, бирга бўламиз.

— Ҳар доим-а?

— Ҳар доим, ҳамма вақт, ҳар доим...

Улар шундай пичирлашар, бу пичирлашдан эса уйда шундай бир электр қуввати ҳосил бўлардики, Степан боши тагидаги ёстиқни олиб, уни қулоғига босди. Буларнинг ҳаммасини эшитиб бўлмасди. Ҳа, эшитмаслик ҳам керак эди.

Якшанба куни кечқурун Степан уйда ёлғиз ўтирарди. Завод янги маркали самосваллар олган бўлиб, у нотаниш машинанинг тасвирини ва уни бошқариш тўғрисидаги қўлланмани ўқиётган эди. Саккиз тонна юк кўтара оладиган бу анча мураккаб машинанинг электр хўжалигини зўрға билиб олди. Қўчадан келаётган оёқ товушига қулоқ солди. Дмитрий кеча уйга кундузи бир одам келишини, агар Степан уйдан чиқмоқчи бўлмаса, ўша одамни тегишли равишда кутиб олишини айтган эди. Степан Леляни кутмоқда эди. Унинг яхши, ажойиб эканлиги ва Дмитрийни жуда севиши тўғрисида Андрейдан бир неча марта эшитган эди. Лекин Леля ҳамон келмасди. Дмитрий ҳам кўринмасди. У якшанба бўлса ҳам эрта билан цехга кетган эди. Станга янги валкалар ўрнатишадиган бўлиб, Дмитрий бунинг тепасида албатта бўлиши керак эди.

Степан эшик орқасидан келаётган товушни эшитганда девор соати ўнга яқинлашаётган эди. Эшик тақиллашини кутиб турди. Лекин тақилламади. Гап-сўз ҳамон давом этарди. Даҳлизга чиқди, эшикни очиб, Мокеичнинг овозини эшитди.

— Кир уйга, кир, роса совқотибсан-ку,— дерди Мокеич.— Қўрқма, у ерда Степан бор. Еб қўймайди сени. Қандай қўрқоқ хотинсан, ахир. Кела туриб: Ершовлар уйи яқинида ким ёмирлаб юрибди, деб ўйлайман. Ўғри-пўғридир, деб ўйлайман. Қарасам сен экансан. Кир, қўрқма. Хоҳласанг, мен ҳам сен билан кирай?

— Керак эмас, бобо, мен Дмитрий Тимофеевичнинг келишини кутаман, қўяверинг,— деган аёл кишининг жавоби эшитилди.

Степан эшикка яқин бориб, уни очди.

— Менга қаранг,— деди у бироз ҳаяжон ичида.— Нега бундай қиласиз? Мен сизни уйда кутиб ўтирибман. Менга Дмитрий сизни кутиб олишни топширган эди. Юринг.— Степан унинг енгидан ушлади, даҳлизга, хоналарга бошлади. Леля этик, пахталик кийган бўлиб, одми жул рўмол билан кўкрагини ўраб, орқасига тугунча қилиб боғлаган эди. Қор унинг елкасини оқартирган, қош ва киприкларига шудринг бўлиб ёпишган эди.

Леля қанча ёшда эканини Степан билолмади. Лелянинг сира ўзи тасаввур қилгандек бўлиб чиқмаганидан бироз кўнгил ғашлик сизди. Степан унинг чандиқли башарасига ҳар турли кўзларига паришон боқарди.

— Ечининг,— деди у ниҳоят.— Рўмол, фуфайкангизни ечинг...

Леля хонага кириши билан негадир тошдек қотиб қолганига Степан тушуна олмади. У ҳам Степан олдида турар ва ҳар турли кўзларини катта-катта очиб, унга паришон боқарди.

— Вой ўлай!— деб қичқириб юборди Леля, гўё биров унга қаттиқ озор етказгандек кўкрагини чангаллаб.— Вой ўлай!— деб яна қаттиқроқ қичқирди у. Эшик томонга ўгирилди-ю, ўзини даҳлизга урди.

Эшик тақиллаб ёпилди.

Степан кетма-кет кўчага югуриб чиқди. Қор босган йўллардан Лелянинг этиклари дукиллаб борар, ўзи эса қоронғида деярли кўринмас эди.

Ташқарида бироз турди, совқотди, нима ўйлашини, нима қилишини билмай, уйга қайтиб кирди. Ўзимда бу хотинни чўчитадиغان бирор нарса йўқмикан, деб ойнага қаради. «Эҳтимол, ақлдан озган, тутқаноғи бордир?— деб ўйлади.— Дмитрийнинг топган дугонасини қаранг. Пешонада ёзилгани бўлади, деб тўғри айтилган-да».

Дмитрий заводда стаи учун эмас, заводдан келаётганида Искра Қозаковани учратгани учун кечикди, чунки — цехдаги иш аллақачон тугаган эди. Искрани автобус остановкасида кўриб қолиб, ўзини тиёлмади, юриб кетаётган автобусдан тушиб, унга етиб олди.

Искра аллақаердан уйига қайтаётган эди, уни тўхтатди, кўчада бироз сайр этишга кўндирди, станни реконструкция қилиш, ёки планлар тўғрисида сўзлаб берди, кейин бирдан:

— Искра Васильевна, агар Дмитрий Ершов бирдан ўлиб қолса, сиз унга ачинармидингиз, ёки бу сиз учун барн-бирми?

— Сиз нуқул шунақа ваҳимали саволлар берасиз, Дмитрий Тимофеевич.

— Нега ваҳимали бўлсин, Искра Васильевна? Одам яшаб-яшаб, ўлиб ҳам кетади. Табиий бу. Табиатда ҳаммаси шундай қурилган. Бу менинг айтган-айтмаганимга қарамайди. Ҳар кимнинг умри — муайян, ўлчоғлик. Камлик қилса, шикоят қилиб борадиган жой йўқ.

— Бир вақт келиб нима бўлишини ўйлаб ўтиришни ёқтирмайман. Сиз айтган нарса... келсинчи, ўшанда ўйлашиб кўрамиз.

— Демак, ўз ҳаётингиздан тамомила мамнунсиз. Сиздай бўлишни ҳавас қилиш керак.

— Сиз ўз ҳаётингиздан мамнун эмасмисиз, Дмитрий Тимофеевич?

— Менми? Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб туради.

— Менга қаранг, сизнинг хафагарчилигингиз жаҳон коммунизмига муносиб келмайди-ку?

— Сиз нима деяпсиз, Искра Васильевна?— деб ўйлаб қолди Дмитрий.

— Менга Платон Тимофеевич бир кун сиз пионерлик чоғингизда, мени жаҳон коммунизмини кўрганимдагина кўмишади, деганингизни сўзлаб берган эди.

— Нима бўлибди — роса кулгандирсиз?

— Йўқ, кулмадим. Аскинча, мен ўшанда сиз тўғрингизда яхши фикрда бўлдим. Менинг отам шундай, маслагини сизга ўхшаш одам эди. Мен ҳам бироз шунақаман.

— Оҳ, Искра Васильевна, Искра Васильевна,— деди бунга жавобан ноаниқ қилиб Дмитрий. Кейин тўхтади-да, бироз жим қолиб, қўл силтаганича, хайрлашмай жўнаб кетди.

Уйга бурилишдан олдин кўчаларда узоқ кезиб юрди; юрак бесаранжом бўлиб, бўғиларди. Томоғи қақраб борарди. Уюлиб ётган қордан шундоқ чангалда олиб ерди. Уйга совуқдан кўкариб қайтди.

— Ароқдан ичсанг бўларди,— деди Степан полдан шапкани ола туриб.— Дмитрий уни девордаги михга илмасдан тушириб юборган эди.— Исин.

— У қани?— деб сўради Дмитрий стулга ўтирар экан.

— Шкафда, тўла бир шиша.

— Леля қани, деяпман! Нима, келмадимми?

— Лелями? Леляга... бир нарса бўлди шекилли...— Степан бўлиб ўтган воқияни сўзлаб берди.

Дмитрий эшитиб турди-да, бирдан ўрнидан туриб:

— Унга бирор қўпол гап қилгандирсан!— деб қичқирди.— Оғзингни бўш қўйгансан.

— Ие, ие,— деди бирдан жаҳли чиқиб Степан, ўзини сира айбдор деб билмаган ҳолда.— Ўзинг оғзингни бўш қўйяпсан.

— Бас қил... Ёки...— Дмитрий гапини тамомламади. Шамол бўлмаганда тушган елкандек жаҳлидан дарров тушди. Яна стол ёнига ўтирди, бошини қўллари орасига олди.

Андрей қувноқ қўшиқ айтиб уйга кириб келди.

— Андрюшка,— деди Дмитрий, бошини кўтармай.— Леля... қочиб кетибди-ку.

Степан Леля нима қилганини яна айтиб берди.

— Митя амаки, мен ўша ёққа борсам-чи?— деди Андрей.— У Рибакда яшайди, а? Сен унинг адресини аниқ биласанми?

— Адрес қаёқда дейсан! Ётоқхона, вассалом. Лекин сен бу хаёлингни қўй. Ёз кезларда пароходда сайр этгандек боришлар эди. Ҳозир йўловчи машиналарда, кузовда-я. Музлаб қоласан, ўзим бораман.

Дмитрий кийиниб, уйдан чиқди.

Ҳовлида бўрон бошланиб, боғчалардаги яхлаган яланғоч олчалар гувиллар, эгилар ва синарди.

— Гаражга бориб, машина олсакмикан?— деди Степан.

— Энг яхшиси шу. Ола оласизми?— деди Андрей, у Степанни бошқа амакилари каби сансирмай, сизлар эди.— Путевкасиз беришармикин?

— Навбатчига тушунтирамиз. Нима, у одам эмасми?

— Бўлмаса мен ҳам сизлар билан бораман.

Ўзларига машина нечоғлик зарур эканини гараж наватчисига дарҳол тушунтира олмадилар. Навбатчига шу соатда бўронда аллақерда, муздек шамолда, қорли тунда кўмилиб кетган йўлдан бораётган одамнинг ҳаёти балки ҳатто икки кишининг ҳаёти шу машинага боғлиқ эканини айтдилар. Леля ҳам яёв кетган бўлиши мумкин, ахир, бундай вақтда йўловчи машиналар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Тунда соат учларда йўлга чиқишди. Уларнинг иккаласи ҳам йўлни тузуккина билмай, сўрайдиган одам ҳам йўқ, ҳамма уйқуда эди; тусмоллаб боравердилар.

Дмитрийга етиб олишганда у ярим йўлга етиб қолган эди. Ботинкалари билан қорни шу қадар шиддат ва ғазаб билан эзиб борардики, ҳатто йўл бергиси ҳам келмасди, ўгирилмай, фарлар ёруғида юриб кетаверарди, ҳатто олиб кетинглар, деб қўлини ҳам кўтармади. Акасини ва жиянини кўриб, ажабланмади, фақат: «А! Сизмисизлар, йигитлар» деб

қўя қолди. Уни ҳам кабинага ўтқазишиб сиқилишиб ўтиришди.

— Оёқларинг ҳўлми?— деб сўради Андрей.— Менинг ботинкамни кийиб ола қол, Митя амаки?

Дмитрий: керак эмас, дегандек бош чайқади.

Денгиз шамоли катта йўлга кўндаланг қилиб йиғиб кетган қня қор уюмларидан бота-бота ўтиб, яна йўлда давом этишди. Тўхтаб қолишар, ерга тушишиб, ғилдираклар остидаги қорни ер очилгунча кураб ташлашар, елкалари билан юк машинасининг кузовидан нтаришарди.

Рибацкка жуда яқин қолганда Леляга ҳам етиб олишди. Лелянинг юриши Дмитрийникига ўхшамас, зўрға борарди. Фарларнинг ёруғи ўзига тушиши биланоқ у орқасига ўғирилди-да, икки қўлини кўтарди ва юк машинаси деярли худди ёнига етиб келгунча кутиб турди.

Дмитрий машинадан сакраб тушди-ю, Леля билан шамолга орқа ўгириб, атрофларида учқунланаётган қорда узоқ туришди. Фарлар уларнинг кўзини қамаштириб, унга орқа ўгириб олардилар. Дмитрий, афтидан, Леляни машинага чорлар, қўлини силтар, Леляни енгидан тортарди. Леля яёв кетаверишга интиларди. Гап чўзилди. Степан аккумуляторни бўшатмаслик учун чироқни ўчирди. Одамларнинг қораси базўр кўринадиган бўлиб қолди.

Ниҳоят улар машинага яқин келишди. Андрей эшикни ланг очиб, қорга сакраб тушди. Дмитрий Леляни кабинкага ўтқазиб, ўзи ёнига ўтирди. Андрей кузовга чиқиб кетди.

Тез орада посёлкага кириб боришди. Леля у ерда узун пастак бараклардан бири олдида тушди ва торгина тахта эшик ортида кўздан ғойиб бўлди.

— Хўш,— деб сўради яна кабинкага кириб ўтирган Андрей,— нима дейди у? Унга нима бўлибди?

Дмитрий жавоб бермади ва бутун йўл бўйи индамади. Уйга етиб келганларида учовлари ҳам ишга отланадиган вақт бўлган эди. Андрей репродукторни гапиртириб қўйди, керосинкани ёқиб, устига чойнакни қўйди-да, плёлаларни столга келтириб қўйиб, энди нон ва колбаса тўғраётганда, диктор газетадан Донбасс шахтёрлари партия йигирманчи съездини кутиб олиш учун меҳнат совғалари тайёрлаётгани, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш учун таклифлар киритаётгани тўғрисидаги мақолани ўқимоқда эди.

— Бизда ҳам яқинда область партия конференцияси бўлади,— деди Андрей.— Съездга делегатлар сайланади. Москвага борадиганларга ҳавасим келади! Жуда ажойиб бўлса керак, дейман. Бизнинг техникумимизга бир кун ўн саккизинчи съезд делегати келиб, у ерда қандай гаплар бўлганини сўзлаб берганда роса маза қилиб эшитган эдик.

— Менинг ҳамма бор-йўғим кўкка совурилди,—деди Степан.— Қомсомолдан ҳам чиқиб қолдим... ёшим ўтиб кетган. Партияга ҳам киролмадим. Мен худди уруш олдидан ариза берган эдим, кўрилиши керак эди. Энди... йўл бўлсин.

У бунни шу қадар маъюслик, шу қадар алам билан айтдики, ҳатто Андрей у келган вақтдан буён биринчи марта Степан амакисига сергаклик билан эмас, раҳми келиб қаради. Ахир, бу амакиси ҳам, ҳақиқатда, гитлерчилар дастидан, балки ўлимдан ҳам қаттиқроқ жабр чеккандир.

— Бориш керак,—деди Степан девор соатга қараб.— Илдамроқ бормасак кечикамиз ҳам.

Кийинишиб, ташқарига чиқишди. Шарқ оч пушти ранг тусга кирган эди. Печлардан томлар оша кўтарилган тутун осмонга марварид тусини берган эди. Тунги бўрондан сўнг табиат сокин, дарахтлар қор тагида қимир этмай турарди. Йўл изларида сакрашиб юрган чумчуқлар чирқиллашиб тинчликни бузарди.

Марказий кўчаларга буриладиган жойда завод манзараси кўринади. Бу улкан заводнинг манзараси ҳамма вақт ором берарди. Унинг олдида, домна печлари, мартен цехи трубалари, прокатканинг баланд трубасти остида қайнаб турган катта ҳаёт олдида уй-рўзғор ишлари майда-чуйда, бунчалик бош оғритиб ўтиришга арзимайдиган бўлиб кўринарди. Завод уларнинг учалови учун оталари кулбасидаги ҳаётдан беқиёс даражада катта, юксак, муҳим бир нарса эди. Завод манфати талаб қилиб қолса улар бу кулбани ўйлаб-нетиб ўтирмаёқ ўз қўллари билан бузиб ташлардилар. Айни вақтда ота уйи ота уйлигича қолмоқда, улар шу уйдаги ҳаётдан ҳеч қаёққа жўнаб кетолмасдилар.

Заводга яқин бориб, кўприкдан ўтганларидан кейин Степан иккинчи дарвоза сари гараж йўлига буриладиган бўлганда Дмитрий Леля билан қорли йўлда тургандан буён энди биринчи марта оғиз очиб:

— Степан, сен Леля Величкинани танирмидинг?— деб сўради.

Степан Дмитрийга гўё яқингина жойда снаряд ёрилгандек жуда тез ўгирилиб қаради.

— Величкинаними? Оляними?— деб сўради овози ўзгарган ҳолда Степан.— Уни сен ҳам танийсанми?

— Бугун кечаси,— деди Дмитрий,— у сенинг ёнингда, грузовикда ўтирган эди.

21

Анна Николаевна кечки чойдан сўнг пиёлаларни ювар, Капа уларни сочиқ билан артиб, буфетга олиб қўярди.

— Ойи,— деди Капа.— Андрей менга кўнгил билдириб таклиф қилди. Сен бунга нима дейсан, ойи?

— Вой ўлмасам!— Анна Николаевна пиёлани қўлидан тушириб юбораёзди.— Ўзинг нима деяётганингни тушуняпсанми? Яна уч йил ўқишинг керак бўлиб турганда таклиф нима? Ўқувчи қиз эрга тегармиш! Бундай гап қаёқдан чиқди?

— Аввало, эрга тегмоқчи эканлигим тўғрисида бирор сўз айтганим йўқ.

— Нима қилмоқчисан?..

— Сабр қил, айтиб бўлай. Иккинчидан, ўқиётганлар учун бу ман қилинганми? Институтни тугатсаму яна апсирантурага кириб, уч йил кандидатлик диссертацияси устида ишласам, сўнгра яна бир неча йил докторлик диссертациясига уринсам, унда нима бўлади? Хўш, нима қил дейсан? Эрга ўттиз ёшда тегайми? Мен ахир ўша вақтдагина ўқувчиликдан чиқаман-ку. Лекин расмона қари қиз бўлиб етишган бўламан. Раҳмат, ойижон. Ўзинг дадамга ўн етти ёшингда текканингни яхши биламан.

— Ўн саккизга қадам қўйган эдим.

Икковлари ҳаяжон ичида жим бўлишди.

— Ахир, ўзинг,— деди Анна Николаевна,— ҳеч маҳал эрга тегмаслигингни, ўз муқаддас ҳис-туйғуларингни Гимнейнинг пастарин занжирига боғламаслигингни айтардинг-ку.

— Аввало,— мен бунга ҳеч маҳал айтган эмасман. Мен муҳаббат албатта никоҳ билан тугаши сира шарт эмас, дердим. Муҳаббат ўз ҳолича, мустақил яшашга ҳақли. Иккинчидан, ойи... Иккинчидан, Андрей шунчалик ғарибки, унинг отаси фронтда ҳалок бўлган, онаси ёмон хотин бўлганидан ўғлини ташлаб, аллақайси ёққа қочиб кетган. У жуда оғир ҳаётда яшайди, ойи.

— Сен ҳали розилик ҳам берганмисан?— деб сўради Анна Николаевна тамомила шаҳдидан тушиб.

— Ҳа шундай, ойи. Марҳамат қилиб, кечир мени.

— Вой худо, отанг нима дейди? Бу уни ҳароб қилади. Кейинги вақтларда унинг юраги жуда ёмон. Нималар деяпсан. Капитолина, нималар деяпсан! Бизга қандай озор етказяпсан. Меҳримизни қўйган, жонимизни фидо қилган фарзандимизсан-а! Отанг ўз фарзандларидан бирортасини ҳам сенчалик суймаган эди. Сени қўлига кўтариб юриш унга зўр қувонч эди. Ўша кема ремонтни заводининг партия комитетинда ишлаган чоқларида уйга югуриб келарди-ю, сени кўтариб олиб, ўйнатгани ўйнатган...— Анна Николаевна йиғлаб юборгудек эди.

— Бас қил, ойи бунақа қилма! Ўзингни ҳам, мени ҳам қийнаяпсан. Ҳали дадамга ҳам қилиқ кўрсатсанг керак. Мен бўлиб қолаётганим, бир умрга Антрактидага кетаётганим йўқ.

ку. Азалдан қолган оддий гапларни чувалаштиришнинг нима кераги бор?

— Сен бемеҳр одамсан, Капитолина, бераҳмсан. Сен сезмайсан, нуқул мулоҳаза юритасан.

— Айрим кишилар менинг тўғримда бошқача ўйлайди.

Анна Николаевна унинг гапини эшитмади.

— Нуқул фикр ва мулоҳаза қилавериш ярамайди,— деди у.— Инсофсиз одамсан.

— Бемеҳрлик ва инсофсизлик бу — ҳар хил нарса, ойи.

— Йўқ, ҳар хил эмас! Бемеҳр одамлар ҳамма вақт инсофсиз бўлади, инсофсиз одамлар — бемеҳр бўлади. Инсоф одам меҳрини совутмайди.

— Энди сафсата бошладинг, ойи.

— Сен беодоблик қиялпсан. Ўзингни жуда доно деб ўйлама!—деб бақириб берди Анна Николаевна.—Мен институтда ўқимаган бўлсам ҳам, лекин отанг билан ўттиз беш йил умр қилдим. Бу умр менинг учун институт ҳам, академия ҳам бўлди. Ҳа, мен отангдан кўп нарса ўргандим. Сенга ҳам илоҳим умрингда шунақа устозни йўлиқтирсин.

— Мени ўз эрига ўқувчи бўлмоқчи деб беҳуда ўйлабсан. Мен яна ўқув юртига кираётганим йўқ. Тафовут борлигини билиш керак, ойи. Беодоблик қияётган бўлсам, кечир, бироқ мен билан ўзинг нотўғри гаплашяпсан. Гапингдан гўё менга фотиҳа бермасликка аҳд қилганга ўхшайсан. Мен бўлсам фотиҳа эмас, маслаҳат сўраяпман.

— Мен ўша йигитингни бирор марта ҳам кўрмаган бўлсам, мендан қанақа маслаҳат кутасан. Сенга нима дейман?

— Дадам кўрди. Менимча, дадамга анча маъқул тушди.

— Бўлмаса отанг 'енига бор, у билан гаплашавер.

— Бирга борамиз.

— Мен унинг аҳволини била туриб сен билан бирга борайми? Капитолина.

— Хўп, бир ўзим бораман.

Лекин Анна Николаевна ҳар ҳолда Капа кетидан борди. У Капани отаси билан гаплашишидан чўчир эди. Отаси чиндан ҳам ҳар куни бетоб бўлиб, юраги санчиб нотекис тегишидан нолиб юарди.

Горбачев уйдаги кабинетининг яшил чироғини ёқиб, стол ёнида ўтирар, область партия конференциясида сўзлайдиган нутқини тайёрлар эди.

— Ёнингга кирсак майлими?—деган овозни эшитди у. Қоғозлардан кўзини олди, ўгирилиб ўз креслоси орқасида хотини билан қизи турганини кўрди.

— Ҳа, —деди паришон ҳолда, ўз хаёлини бўлиб.—Нима гап эди?

— Капитолина эрга тегмоқчи — деди Анна Николаевна муқаддима қилиб ўтирмай, у отаси буни бирдан била қолсин, деган қарорга келган эди.

У, стулдан ҳам сакраб турмади, безовта ҳам бўлмади, бақирмади ҳам, Анна Николаевна шунисидан хавотирда эди.

— Хўш, нима бўбди? — деди у осойиштагина. — Мен нима қилиб берай?

— Бу нима деганинг, Ваня? Бу сенга барибирми? Қизимизнинг умри барбод бўлади, сен бўлсанг: «Хўш, нима бўбди?» дейсан. Ваня!..

— Мен сенга уйланганимда, сен менга текканингда, Нюра, ҳеч қий-чув, шовқин-сурон бўлмаган эди. Бир кун келганингда мен сенинг икки юбка ва битта кофточка солинган ярми бўш сандиқчангни уйга олиб кирган эдим...

— Сен ҳаммасини унутгансан! Бутунлай аксинча: битта юбка ва иккита кофточка солинган.

— Шунисини айтгин-а, Нюра. Демак, янада бечораҳолроқ экансан. Яшай бошладик. Яшаяпмиз. Бошқача турмушни истамаймиз ҳам. Эҳтимол, сен бошқача турмушни истарсан? — У Анна Николаевнага савол назари билан қаради.

— Қаёқдаги гапларни айтаётганингни ўзинг ҳам билмайсан, — деди Анна Николаевна.

— Мени қизиқтираётган нарса бу эмас... — деб давом этди Горбачев. — Суратдай, маъюс турмай ўтирсангиз-чи. Мени қизиқтираётган нарса шуки... Ҳар қандай ялиниб-ёлвориш ва гап-сўзнинг ҳозир фойдаси йўқлигини мен жуда яхши билман, улар Андрей билан олдинми кейинми худди шундай қилишларини, Капанинг эркин, тутқин бўлмайдиган туйғулар тўғрисидаги хаёллари — худди хаёллар эканини билардим. Мен уларнинг муҳаббатига, уларнинг яхши оила қуришларига ишонаман...

— Ростданми, дада? — Капа унинг бўйнидан маҳкам қучоқлади. — Сен шундай деб ўйлайсанми?

У Капани секингина ўзидан четлатди.

— Ҳа, шундай деб ўйлайман ва бунга ишонаман. Унга яхши йигит йўлиқибди. Ёмон йигит йўлиқиши ҳам мумкин эди. Мени қизиқтирган нарса куёв-қаллиқ қаерда яшайсизлар? — У Капага ўйчанлик билан назар ташлади.

— Билмадим, — деди Капа, бироз жим қолиб.

— Билмадимми нимаси — деди шовқинлаб Анна Николаевна. — Бунинг даргумон жойи бор эканми? Наҳотки сен, Ваня, Капанинг уйдан чиқиб кетиши мумкин деб ўйласанг?

— Ўйламаганимда бу саволни бермасдим, — деди Горбачев. — Кўрдингми, у билмадим деяпти. Бу нима демак, сенингча? Демак, у чиқиб кетишни мўлжаллаб қўйган. Шундайми, Капитолина?

— Наҳотки сенга ота-онангникида туриш ёмон бўлса, Капочка?— деди маъюслик билан Анна Николаевна.

— Ойижон, дадажон, бунақа яхшими-ёмонми деган сўроқлар билан мени қийнаманглар. Ҳеч маҳал ёмон бўлган эмас, ҳамма вақт нуқул яхши, жуда яхши бўлган. Мана ҳозир ўзларингиз айтиб ўтдиларингиз-ку: битта юбка билан иккита кофточка солинган бўш сандиқчани олиб келдим, яшай бошладик, деб. Нега энди мен ўз турмушимни бошқача қилиб бошлашим керак экан? Нега энди мен шундай бошлашга ҳақим йўқ экан? Нега?

— Билиб қўй,—деди Горбачев,—квартира у ёқда турсин, комната ҳам олиб бермайман.

— Агар хоҳласанг, дада сенга нима қилмоқчи эканимизни айтиб берай.

— Айт, албатта, айт.

— Биз сен борган ўша уйга кўчиб кирамиз. Биз уни эпақага келтирамиз...

— Тиззадан лой кечиб юрасизлар...

— Бунга Андрей билан биз эмас, шаҳар совети айбдор, дада. Гап шу —тартибга келтирамиз, ўз турмушимизни тузатаверамиз. Ўзим ҳам келиб-кешиб тураман, сиз ҳам ойим билан бизникига меҳмон бўлиб борасизлар. У ерда қўшниларимиз бўлади...

Горбачев қизариб кетган қизига қарар, унинг ҳаяжонланиб айтган сўзларини тинглаб: бўлар иш бўлди, энди у уйдан кетди, ўша ёқда, келажак орзу-умидлари билан яшамокда, бу йўлдан уни ҳеч бир қайтариб бўлмайди, орқага қайтмайди, деб ўйларди.

У хомуш бўлди. Анна Николаевна Капага отасининг севишли фарзанди эканлиги ҳақида тўғри гапирган эди. Горбачев қизини жуда яхши кўрарди. Шаҳар комитетида оғир кечган узоқ иш соатларидан сўнг қизини кўриш, у билан суҳбатлашиш, уни эркалатиш Горбачевнинг кундалик қувончи эди. Ўзим ҳам, келиб-кешиб тураман, сиз ҳам бориб турасизлар, дейди-я. Ўзини ҳам, уларни ҳам алдаяпти, қизалоқ. Турмуш бу режаларни бузиб юборади, ҳатто ўзинг кутмаган, хаёлингга ҳам келмаган бутунлай ўзгача йўриқ мажбур этади.

— Лекин ўша айтаётган кулбанг қоронғи, зах, ярамас жой-ку,—деди Горбачев.

— Тузатамиз—яхши бўлади, мана кўрасан. Мен чамалаб кўрдим. Андрейнинг омонат кассада беш мингча пули бор.

— Пул ахир, уники-ку!—деди Анна Николаевна.

— Вой, гапингни қара-я ойи!.. Шундай, дада, беш минг. Андрей дурустгина мояна олади, ҳаммасини харжламайди. Шундай қилиб йиғибди. Ёлғиз ўзи-да.

— У лоақал пияниста эмаси?— деб суради Анна Николаевна.

— Йўқ, хотиржам бўл, ойи. Шундай, беш минг сўм ўйдаги ҳамма нарсани яхшилашимизга ёрдам беради. Бизга зийнатнинг кераги йўқ, бу қатъий гап. Биринчи галда—соддагиналик. Ўзи чет элдан келтирилиб, ҳамма кўкрак боғичлар кўриниб турадиган аллақандай юпқа нейлонга, илгари вақтларда нуқул черков либослари тикиладиган зарварақларга, маза-матрасиз нарсаларга чўлганиб оладиган хотинларни роса мазақ қилишимни биласан-ку.

— Начора,— деди Горбачев сўз оҳангини ўзгартириб. У ўрнидан туриб қизи ёнига борди-да, уни бағрига босди.— Бахтли бўл, лекин онанг билан бизга, марҳамат қил, бераҳм бўлма: бизни унутма.

Унинг бу гапларидан она ва бола кўзларига ёш олди. Горбачев ҳам, кабинетда кезинар экан, бармоғи билан қаншарини силаб қўярди.

— Кўрсат, кўрсат менга уни, ўша Андрейнингни,— деди Анна Николаевна Қапага.— Эртагаёқ бу ерга келсин! Эшитдингми? Йўқса одамлар: ким экан, қанақа экан, деб суриштиради, онанг бўлса, жавоб қилолмай бўзрайганича туради.

Капа бекорга хавотир олган экан, милиционер Андрейни хижолатга қўймади. Андрей уни ҳатто кўрмади ҳам. Унинг учун дунёда мана шу кўрикдан кўра ваҳималироқ нарса йўқ эди. У стол ёнида сиқилиб ўтирди. Шаҳар партия комитетининг секретарининг уйида экан, у бу ерда энг яхши таассурот қолдиргиси, нуқул мароқли, маъноли гаплар гапиргиси, ўзини муносиб ва эркин тутгиси келарди. Лекин ҳаммаси бошқача, тамомила бошқача бўлиб чиқди. Гапирадиган нарса ҳам бўлмай, сўзлар ҳам бўғизда тутилиб қолмоқда, ёки ташқарига чиққани ҳам бири-бирига сира қовушмас, шунчаки—нуқул сўзлару, лекин бирор маъни бўлмасди. Қўлларини қаёққа қўярини билмас, ҳар бир ҳаракатида туртиниб-суртинарди. Нонга қўл узатган эди, бокалга тегиб кетиб йиқитди-да, ундаги нарзан суви дастурхонга тўкилди; банкадаги шпрот балиқдан олмоқчи бўлиб, вилкага санчиб олган эди, уни ҳам тушириб юборди, дастурхонга ҳамманинг кўз олдида яна бир катта доғ туширди.

— Роса булғатдим-ку, бу ерни,— деди Андрей қайғули жилмайиб.—Туя ҳаммомни орзилабди, деган гапга мана энди тушундим.

— Э!— деди Горбачев унга далда бериб.—Ҳечқиси йўқ. Шунақа ҳам бўлади.

Ота ва қиз стол ёнида ҳазиллашишга ҳаракат қилишар, аския қилишарди. Андрей бундай қилишга уриниб ҳам кўрмасди. Анна Николаевна эса меҳмондан кўзини узмай, уни синчиклаб кўздан кечирар ва энди у меҳмон ҳам эмас деб ўйларди. Мана, сира кутилмаган, ўйламаганда оилага кириб келди, энди ундан қочиб қутулолмайсан, киши. Дуруст чиқиб Капитолина унинг билан бахтиёр бўлса-ку, яхши-я. Қандай барваста, бақувват, бесўнақай экан. У хотинини уриб ўлдириб ҳам қўя олади. Хотин эмиш!— Бу сўз ўз қизи, ўз қизчасига нисбатан сира ёпишиб тушмайди. Нодонгина — гўзал эркин туйғулар деб чиранганини, керилганини айтмайсизми? Мана сенга эркинлик...

Анна Николаевнага Андрейни ёқмади, деб бўлмасди. Қовушмаганлигининг ҳечқиси йўқ, ўрганмаганликдан бу, Анна Николаевна бунга тўла тушунарди. У ўрганиб қолгач, билинмай кетади. Ҳаммадан ҳам у ҳарқалай кўримлик, бўйдор, елкалари кенг эди. Бирга шаҳарда бўлсанг, театрға борсанг арзигудаккина экан.

Тушки овқатдан сўнг, папиросини чекиб бўлгач, Горбачев яна шаҳар комитетига жўнаб кетди. Хайрлаша туриб у Анна Николаевнанинг қулоғига унинг ҳам болаларга кўп халақит бермаслигини айтди. Анна Николаевна хафа бўлди: халақит бериш ёки бермаслик нима деган гап? У онами ёки йўқми? Лекин ҳар нечук, ошхонада яна ярим соатча ивирсиб, жўнаб кетди.

Капа рояль ёнига ўтириб, бироз чалди.

— Андрей,— деди у, ўгирилиб,— ўтган куни сизникида нима содир бўлганини менга айтиб бермоқчи эдинг.

— Уй ҳувиллаб қолди,— деди Андрей. У Лелянинг келганини ва Степанни кўриб, қичқириб қочиб кетганини, ўзлари кечаси қандай қилиб Рибакк посёлкасига боришганини ва ниҳоят, Леля урушдан илгари Степан севиб қолган ўша Оля Величкина эканини айтиб берди.

— У Леляни танимаптимиз?— Капа бу ҳикояда ҳаяжонга тушган эди.— Нега энди, нега?

— Уни таниб олиш қийин. Степанда сурати бор, унда Леля бутунлай бошқа одам.

— Қандай даҳшат,— деди Капа.— Энди нима бўлади?

— Ким билади. Кеча кечқурун иккови уйдан чиқиб кетишди. Степанга завод ётоқхонасидан жой беришибди. Дмитрий яна Платон амакиникига кетибди.

Улар орзу-умид, шод-хуррамлик иштиёқи билан тўлиб-тошган, лекин ўзгалар ҳаётида содир бўлган воқиалардан хижолат тортган ҳолда диванга ёнма-ён ўтиришди. Бизнинг ҳаётимизда бунақа гаплар сира бўлмайди, биз бошқача яшаймиз... деб ўйлардилар улар.

Хафагазак декабрь кунларидан бирида область газетасида металлургия заводида инженер Крутиличнинг қимматли таклифини юзага чиқармаганликлари ҳақида мақола босилиб чиқди. Мақола каттагина бўлиб, иккинчи саҳифадаги деярли уч устун жойни эгаллаган эди. Мақола автори бўлган газета мухбири мақолани Совет Иттифоқида фан ва техника тараққиёти тўғрисида қандай ғамхўрлик қилиниши, олимлар, конструкторлар, кашфиётчилар учун қандай шароит яратилганини, ишчилар ўртасидаги ихтирочилик ва рационализаторлик қандай қўллаб-қувватланаётганлигидан бошлаган эди; у ихтирочилик ва рационализаторлик йилига миллионларча сўм иқтисод қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имкониятини бераётган заводларни мисол қилиб келтирган эди. Металлургия заводи тўғрисида ҳам яхши гаплар айтилган бўлиб, лекин ҳамма яхши нарсалар ўтган замонга олиб айтилган эди. «Янги директор келиши билан,—деб ўқиди Чибисов,—кўп нарса ўзгарди. Йирик корхона қонуниятларини чуқур ўрганилмай қилинадиган юзаки раҳбарлик услуби сингиб борди».

Мухбир «донмо изловчи, ҳамма вақт нотинч, шунинг учун ҳам тинчгина яшашни бошқа ҳамма нарсадан юқори қўювчи одамлар учун ноқулай бўлган» инженер Крутиличнинг сарсонгарчиликларини ҳафсала билан батафсил баён қиларди. Ихтирочининг директор ёнига, домна цехининг бош мастери ёнига, шаҳар газетасининг редакциясига, «Крутилични оғиздагина қўллаб-қувватлаб, аслида қимматли таклифни амалга ошириш учун афсуски, ҳеч нарса қилмаган» шаҳар партия комитетининг секретари олдида қатнагани шу қадар батафсил ва ишонарли қилиб тасвирланган эдики, бу бюрократлар ва бўғувчиларга қарши ўқувчиларнинг ғазабини қўзғатмай қолмасди. Мақолада нотинч инженерни фақат ишчилару (Чибисовга номаълум аллақандай фамилиялар кўрсатилган эди) завод инженери К. Р. Орлеанцев қўллаб-қувватлагани айтилган эди. Мухбир Орлеанцев тўғрисида бундай деб ёзган эди: «Кенг қарашга ва зўр техник маълумотга эга бўлган К. Р. Орлеанцев ўртоқ Чибисов расм қилаётган эскиликка чидолмай, кенг раҳбарлик состави кенгашида талантли кашфиётчини, чинакам совет ватанпарварини очиқ чиқиб ҳимоя қилди. Ўртоқ Орлеанцев Чибисовнинг қолоқ қарашларига зарба берди. Ўртоқ Орлеанцевни кўп киши қўллаб-қувватлаши мумкин эди. Бироқ Чибисов масалани нари-вери ҳал қилиб қўя қолди. У корчаллонлик қилиб, «Масала равшан» дедию, кенгаш ёпилди, ўртоқ Крутиличнинг таклифи эса, бюрократ сукноси остига бостирилди».

Мақола кескин, ишонарли ва серфакт бўлиб, ҳар бир факт ёлғиз олиб қаралса,— мақолани мутлақо рад этиб бўлмасди. Чибисов жуда хафа бўлиб кетди. Бу мақолада у бефаросат этиб тасвирланган, бефаросат бўлганда ҳам барча янгилик, ёш, илғор нарсаларни эзиб, янчиб ташлашга тайёр турган ёвуз бефаросат сифатида таъриф этилган эди. Учинчи печда содир бўлган авария ҳам эслатиб ўтилган эди, албатта. Авария тўғрисида мақоланинг домна цехида ремонт иши ёмон йўлга қўйилганлиги, бу иш амалда ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилганлиги, инженер Крутилич бунга қарши ҳақли эътироз билдираётганлиги даъво қилинган эди. Домна цехидаги техника сиёсати, афсуски, П. Т. Ершовга ўхшаш чаласавод кишилар қўлидадир, бунга эса ҳозирги замон техникаси шароитида асло йўл қўйиб бўлмайди. Чибисов бу аҳвол билан мурасасозлик қилади, бу унга ёқади: корчаллон директорга маълумоти, билими ва тажрибаси жиҳатидан ўзидан юқори бўлмай, паст бўлган ходим маъқул келади. Ақлли одамлар ўз атрофига унчалик ройиш бўлмаса ҳам, ақллироқ одамларни тортади, калтафаҳм раҳбарлар эса ўз вазифа даражасидан бўлак қобилиятга эга бўлмасалар ҳам, лекин ёнларида ўзларини юқори олишга имкон берадиган одамларни тутишни яхши кўрадилар.

Мақола заводда шов-шувга сабаб бўлди. Кўпчилик ундан ранжиган эди.

— Қандай бемазагарчилик!— деб шовқинларди цехда Искра Козакова.—Дурустгина текшириб кўргилари келмай, ёзишганини қаранг. Энг муҳим жиҳатини тушуниб олишганда, Крутиличнинг таклифи таклиф эмас, шунчаки бир иғво эканлиги равшан бўларди қўярди.

Бош механик бўлимида инженер Воробейний бошқача мулоҳаза киритарди.

— Крутиличнинг таклифини ноҳақ деб ҳам фараз қилайлик,— дерди у хизматчиларга.—Лекин гап бунда эмас. Гап таклиф қандай қарши олинганида, таклифга ҳам, Крутиличнинг ўзига ҳам қандай муносабатда бўлинганида. Бу одам оч юрганлигини биласизларми? Бу бир чақасиз фидон одам. Унинг намунаси системамизда ҳамма нарса ҳам, сип-силлиқ ҳамма нарса ҳам бенуқсон эмаслигини кўрсатади. Шундай таклифни бўғишга қурблари етган экан, минг марта қимматлироқ, бутун давлат учун аҳамиятли бошқа таклифни ҳам бўғиб қўядилар. Ўзаро битишганлик, гуруҳбозлик бу!..

Партия комитети йиғилиш ўтказиб, унга активлар, мақолада кўрсатиб ўтилган ҳамма кишилар ҳам таклиф этилган эди. Мақолани моддама-модда муҳокама қилишди. Чибисов марказлашмаган янги ремонт ишлари тартибини иқтисодий

ва ишлаб чиқариш жиҳатидан тўла таҳлил қилиб, Крутиличнинг таклифини ҳужжатлар билан батафсил рад этди.

— Бу фикрдан мени ҳеч бир нарса тойдиrolмайди,— деди у,— ҳар қандай мақола ҳам чўчитолмайди. Бунда мен давлат манфаатларини охиригача қўриқлайман. Менинг бурчим бу. Мен шунинг учун яшаяпман. Лекин, ўртоқлар...— у қўлларини ёзди.— Мен бир оз ўзимга танқид кўзи билан қарайдиган одамман... Эҳтимол, мен Крутилич хусусида бирор нарсага эътиборсиз қараган бўлсам, унга тегишинча қарамаган бўлсам, тан олишга тайёрман, ўртоқлар, ҳисобга оламан.

Чиқиб активлик билан сўзлашди. Крутиличнинг таклифини деярли ҳеч ким ҳимоя қилмас, бошқа нарса устида— заводда оммавий ихтирочиликка ҳалақит берадиган ҳамма нарса ни тугатиш тўғрисида сўзлардилар. Тўғри, ўртоқ Чибисов аччиқ тажрибани ҳисобга олиши, бу воқиядан тегишли хулоса чиқариши керак, ёмоннинг ҳам яхши жиҳати бўлади, мақола ҳам завод бошқармасидаги, цехлардаги завод раҳбарларига туртки бўлади, дейишарди.

Орлеанцев сўз сўради, мақолада номи тилга олиб ўтилгани учун партия комитети мажлисига уни ҳам таклиф этган эди.

— Менимча,— деди Орлеанцев, кўз қабоқларини вазминлик билан кўтариб,— айрим ўртоқлар жуда ҳам бамайлихотир кўринадилар. Чамаси ҳали ҳамма ҳам англамаётган бу жуда кескин масалани жуда хонаки ҳал этмоқчи бўлишади. Лекин масала жиддий. Жуда жиддий. Ўйлаб кўринглар, ўртоқлар. Бизда партиянинг кўрсатмаларига зид келадиган аллақандай бир система, номатлуб бир одам ҳақиқатни излаб тополмайдиган система вужудга келмаяптими экан?

Шов-шув кўтарилди: «Ошириб юборди», «Ўйлаб гапириш керак!» деб қичқиришди.

Партком секретари ҳаяжонга тушган одамларни тинчлантиргунча Орлеанцев кутиб турди.

— Сиз беҳуда бундай асабийлашапсизлар,— деб давом этди у.— Бирор даъвога нисбатан бирор хил муносабатда бўлмоқ учун аввало уни тушуниб олмоқ керак-ку. Масалан, ўтган куни инженер Крутилични техникумдан бўшатиб юборишгани, у касал ётгани, оғир шароитда, қашшоқликда қолгани сизларга маълумми? Бизнинг давримизда, Совет мамлакатада — қашшоқ! Қим тагин! Талантли одам, инженер, кашфиётчи. Буни нима деса бўлади? Бу тасодикий бир гапми?

Ҳамма лол бўлиб, жим қолди.

— Агар ростдан ҳам шундай бўлса, бемазагарчилик бу!— деди Чибисов.— Бунинг учун айбдорларни судга бермоқ керак. Бўладиган гап эмас бу!

— Текшириб кўринг,— деди хотиржамлик билан Орлеанцев.

— Текшириб кўраман ҳам!— деди Чибисов телефон трубкасини олиб, у станциядан завод ҳузуридаги кечки техникум директорини чақириб беришни сўради.— Менга айтинг-чи, дарҳол айтинг-чи,— деди у деярли бақириб, директорни топиб келишганда,— сиз Крутилични нима қиляпсиз? Бу ахир... бу ахир!..— Чибисов роса дарғазаб бўлганидан сўз ҳам тополмасди.

Нариги ёқда унга алланарсаларни тушунтириб беришар экан, у стулдан туриб кетар, ўтирар, трубкани у қулоғидан бу қулоғига олар, аллақандай хитоб қилар эди, ниҳоят трубкани столга улоқтирди-да, роса ҳолдан тойиб, ўзини стул суянчигига ташлади.

— Роса тентаклик бўлибди!— деди у.

Партия комитетининг секретари трубкани аппаратга илиб қўйди.

Чибисов ўзини зўрға босиб олиб, рўмолчаси билан юзини артди.

— Ўртоқ Орлеанцев гапи рост,— деди Чибисов.— Уша... мана шу... валламат!— У телефон аппаратини кўрсатди.— Ростдан ҳам Крутилични бўшатиб юборибди. Дангаса, дейди. Студентларнинг практикасига раҳбарлик қилиш ўрнига, бўлмағур нарсаларни кашф қилиб, ғийбатлар ёзади, дейди. Йўқ, ўртоқлар, дарҳол чора кўриш керак. Крутилич ёнига бориш керак. Врач юборилсин. Совет ҳокимиятимизми биз ёки совет ҳокимияти эмасмизми? Биргина ихтирочини боқолмай, оч қўйсак, тузуккина уй-жой беролмасак.

Завод партия комитетида мақолани муҳокама қилиш билан иш тугамади. Чибисовни ва газета редактори Бусиринни Горбачев горкомга чақиртирди. Горбачев креслоларга ўтиришга таклиф этиб, ўзи улар олдида кабинетда кезинарди.

— Сизлар партияда йўл қўйиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган бюрократлик кўрсатгансизлар,— деди Горбачев жиддий ва нохушлик билан.— Сен ҳам, Чибисов, сен ҳам, Бусирин. Бутун бу воқиа шаҳримиз партия ташкилоти учун уят. Газеталарни олиб қаранг-а—Уралдан, Кузбассдан, Узоқ Шарқдан — ҳамма ёқдан ёзишмоқда, яна нима тўғрисида ёзишяпти денг? Янги кашфиётлар, ихтиролар, омманинг ташаббускорлиги тўғрисида ёзишяпти. Мана энди Совет мамлакатада новаторлар бўғилаётган бир шаҳарча чиқиб қолибди. Бу нима деган гап?

— Иван Яковлевич!— деди Чибисов.— Кеча парткомда кўриб чиқдик. Тадбирлар белгиладик. Мен ўз хатоимни очиқ бўйнимга олдим...

— Демак арзигудек таклиф экан-да? Уни босиб ўтирганингиз бадтарроқ уят!

— Бу таклиф ҳам эмас, Иван Яковлевич. У заводнинг тажрибасини инкор қилди. Тажриба эса ижобий. Бу баҳслиш, биз ҳақлимиз, деб ўйлаймиз. Унга муносиб равишда муомалада бўлмаганлигим ҳақида сўзлаётирман. У жуда ёмон шаронгта яшайди, дейишади...

— Уят, ўртоқлар, уят! Сизларда нима гап ўзи, деб менга обкомдан телефон қилишяпти. Ҳали қараб тур, «Правда»да босиб чиқаришса ёки бош мақолада кўрсатиб ўтишса ҳам ажаб эмас. Жуда хунук гап. Умуман икковларингиз тўғрингизда обкомда сигнал бор. Ишларни ошна-оғайнигарчилик қилиб ҳал этасизлар. Бу сирни, Крутиличнинг мақоласини редакциянг олганмиди?

— Олган эди, Иван Яковлевич.

— Нега босиб чиқармадинг?

— Нега эканлиги очиқ-ойдин. Биз Антон Егорович билан биргаликда бу ишни кўриб чиқдик. Мен атайлаб буларнинг заводига бордим, ҳужжатларни кўздан кечирдим. Домна цехидаги одамлар билан сўзлашдим. Ўз айтганларида туришиб олган.

— Сен авторга нима жавоб қилдинг?

— Шундай, деб жавоб қилдим. Редакция сизнинг таклифингизга қўшилмайди, редакция ижобий натижалар берадиган марказлашган ремонт усулини асло инкор қилмаса ҳам, лекин завод домначиларининг тажрибасини қўллайди, дедим.

— У ахир нима тўғрисида ёзган? Унинг ёзгани шунинг ўзигина эмас-ку, у оммавий ихтирочиликни ривожланишига ҳалақит бераётган барча сабаблар тўғрисида ёзган. Ёлғиз ихтирочи ўз идеяларини амалга ошириши жуда қийин эканлиги, унга моддий база яратиб берилмаса, уларни амалга ошириш жуда қийин эканлиги тўғрисида ёзган эди. Шунинг ёзганмиди у?

— Ёзган эди, Иван Яковлевич.

— Хўш, яна такрорлайман, нега уни босиб чиқармадингиз

— Мен яна айтаманми, автор асосий масалада ноҳақ бўлгач, нима аҳамияти...

— Аҳамияти шуки!..— деди гапни шартта бўлиб Горбачев.— Сени пайшанба куни чақириб, горком бюросининг аъзоси бўлсанг ҳамки, сенга виговор берамиз. Тушундингми?

— Ихтиёр сизда.

— Ихтиёр менда эмас, бюрода, коллективда.— Горбачев яна кабинет бўйлаб кезинди.— Чибисов, сенга ҳам, чора кўрамыз. Билиб қўясан.

Чибисов чўнтагидан «нон плюс ультра» сигарасини олди ҳамда Горбачевнинг креслоси орқасидаги деворда: «Бу ерда



чекилмайди» деб ёзиб қўйилган плакатга кўзи тушиб, гугурт чўпни синдирди.

— Овга чиқиб турасизларми?—деб сўради Горбачев икковига мурожаат қилиб.—Бир-бирингизникига меҳмондорчиликка қатнайсизми? Эҳтимол, яна преферанс ҳам ўйнарсиз?

— Овга, Иван Николаевич, биз баҳордан буён борганимиз йўқ,—деди жавобан Бусирин.—Антон Егоровичникига мен олтинчи ноябрда бордим.

— Мен бўлсам уникига еттинчида бордим, намоёншдан сўнг,—деб қўшиб қўйди Чибисов.

— Хўш,—бу мумкин эмасми?—деб сўради Бусирин баланд келиб.

— Мумкин эмасми деганинг нимаси!—деди Горбачев унга қандай жавоб беришини билмай.—Мумкин эмасми, мумкин эмасми!—деб жавраб қолдинг.Нега—мумкин бўлмасин! Ҳаммаси мумкин. Фақат мулоҳаза қилиб кўрмоқ керак. Ошна-оғайнигарчиликка зўр бермаслик лозим...

— Негадир, Иван Яковлевич, сенинг гапингга тушунишим қийин бўляпти,—деб гап бошлади Чибисов. Унинг овозида алам ва гина оҳанги сезиларди.—Сен бизга виговор беришинг мумкин, албатта. Бусирин буни: ихтиёр сизда, деб тўғри айтяпти. Менга ёққан, ўзим ишонган, ҳамфикр бир одам билан дўст тутинишни, Иван Яковлевич, бюро ҳам тақиқлай олмайди. Бусирин — ким, шубҳали шахсми? Номаслум унсурми? Нэпманми?—Чибисовнинг юзи оқариб кетди, қўллари титрарди, сигара бармоқларидан тиламга тушиб кетди. Уни олиб, чангини пуфлади.—У отасини ўлдириб, бувисининг уйини урган эканми?.. Мен у билан партизанлар отрядида ёки олдинги сафда бўлиб қолсак борми, биргаликда разведкага қўрқув билмай борардим. Лекин ҳар ким билан ҳам боравермасдим.

— Ҳай, сен менга бақирма,—деди Горбачев сейфга яқин бориб, у сейфни очди-да, орқасини ўгирган ҳолда икки минутча турди, кейин оғир эшикни яна беркитиб қўйди. Шу пайтда унинг юзида худди у бирор нарса ютиб юборгандек ҳолат акс этарди.

— Валидол шимяпсан шекилли,—деди бир оз тинчланиб Чибисов.—У билан мен нима қилайлик? У Бусиринга ишора қилди.—Биз ҳам болалар эмасмиз, клапанлари бўшашиб қоляпти.

Учовлари бир оз жим ўтиришди.

— Қисқаси, бюрога қўямиз,—деди Горбачев лоқайдлик билан, ўрнидан турар экан.—Пайшанбагача. Сен инженер Крутилични яхшилаб жойлаштиришинг керак, Чибисов. Бу сенинг партиявий виждонингга тааллуқли иш.

Лекин, пайшанба куни Чибисов ҳам, Бусирин ҳам горком бюросига чақирилмади. Пайшанбада заводга бир ўртоқ келди. У ўзини Чибисовга танита туриб: «Адабиётчиман, мана менинг Ёзувчилар союзига аъзолик билетим» деди. Адабиётчи заҳар ва совуқ бўлиб, ўзи ҳазил қилмас ва Чибисовнинг ҳазилларига ҳам эътибор бермас, ўз китобини юборишни ваъда қилган ва Чибисов ҳузур қилиб эслайдиган анави ёқимтой ёзувчига сира ўхшамасди. Бу бошқача эди. «Бизда, афсуски, шундай одатлар сингиб бормоқдаки, уларни қўпориб ташламоқ керак. Сиз менинг «Керакли фикрлар» деган очеркларимни ўқигандирсиз, албатта?» деди у.

Чибисов нима биландир овора бўлиб, «Керакли фикрлар» ни ўқимаганини айтди.

— Ўқиб кўрилса зарар қилмайди,—деди адабиётчи хўмрайиб.

Чибисов уни цехларга олиб бормоқчи бўлди.

— Бунинг зарурати йўқ,—деди адабиётчи.—Мен пўлат қуювчи эмасман. Тушуниш бўлса—ҳеч нарсa тушунмайман. Шунчаки экскурсант бўлиб юришми? Кераги йўқ. Мен бунинг учун келган эмасман. Мени пўлатдан кўра услуб кўпроқ қизиқтиради.

Бу Орлеанцевнинг эски ошналаридан бири эди. У Орлеанцевнинг меҳмонхонадаги номерига қўшни бўлган номерга ўрнашди. Орлеанцев уни Зоя Петровна билан таништирди. Лекин бу одам Зоя Петровнага ёқмади. Зоя Петровна у билан бошқа учрашмаслиги учун бирор чора кўришни Орлеанцевдан илтимос қилди. «Тентаккина,—деди Орлеанцев.—Ўз ихтиёринг, албатта. Лекин афсус, жуда афсус. Фойдали одам-а. Ўткир ёзади. Наҳотки ҳеч нарсасини ўқимаган бўлсанг?» Ҳа, Зоя Петровна бу адабиётчининг асарларини ўқимаган эди. Қизиқсиниб, унинг очерклари босилган китобни олиб кўрган эди. Ўқилиши қийин бўлди. У серфикр, маънодор қилиб, лекин ниҳоятда зерикарли ва мароқсиз ёзарди. Китобни кутубхонага қайтариб берди.

Орлеанцев хўмрайган адабиётчини Виталий Козаков олди-га ҳам бошлаб келди. Адабиётчи Виталийнинг асарларини нохушлик билан кўздан кечирди-да:

— Нуқул ўша бир зайлдаги нарсалар. Бир ерда депсиниб турибмиз. Юрмаётирмиз. Сураткашлик бу. Лекин техникани эгаллабсиз. Манави бюмингчингиз эса,—у Дмитрийнинг портретига кўз қирини ташлади,—сураткашлигимизнинг ўтмишидир. Мадҳиябозлик. Ҳозир шундай ёзмоқ керакки, токи санъатларнинг ҳар қандайи адабиёт ҳам, санъат ҳам услубни тузатсин.

— Тушунолмадим,—деди ранжиган Виталий. Адабиётчи афтидан, уни ғирт қишлоқи деб ўйларди.

— Бир кун тушуниб қоласиз,—деб жавоб берди у Вита-лийга.—Москва ҳам дарҳол қурилган эмас.

Орлеанцев ўз меҳмонини Бусириннинг редакцияси ҳузури-даги адабиёт тўғарагидаги ёш шоирлар, прозаиклар ва дра-матурглар ёнига ҳам бошлаб борган эди, меҳмон улар олди-да анчагина аниқ фикр баён қилди:

— Санъат ходими ҳар доим, аввало, жамоат арбоби бў-либ келган. У ҳаёт қучоғига кириб бориши керак. Ҳозир ҳаётдаги асосий нарса нима? Асосий нарса—ҳамма соҳада, қуйидан юқоригача раҳбарлик услубидаги бузилишларга қарши курашишдир. Мана сизларга кўп йиллар учун олдин-дан тема. Агар ҳар ким асалари сингари бу ерга ўз улуши-ни келтирса, бинойидек асал йиғилади.

Унинг нутқи унчалик қовушимлик бўлмади, нуқул ўзининг, «Керакли фикрлар»ини тилга олаверди, унинг айтишича, бу очеркларда келажак адабиётининг уруғи мавжуд экан.

— Унчалик равшан бўлмади,—деб шубҳа билдирди одат-дагича адабиёт группасининг йиғилишида ўтирган Бусирин,—адабиётимизнинг асосий темалари — меҳнат темалари нима бўлишига унча тушунолмадим. Ишчилар, колхозчилар, партия ходимларининг образлари нима бўлади? Қисқаси, янги ҳаёт қурувчи коммунизм барпо қилувчининг образи нима бўлади?

— Бу образларни қўя турамиз. Улар ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. Бундан ташқари, уларни ҳам бошқача қилиб ёзмоқ, бўямаслик керак. Қалбнинг, айтилик, барча товланишларини ҳаққонийроқ тасвирламоқ керак. Бироқ бу таклифлар айтаманки, ҳозир мутлақо асосий нарса эмас. Асосий нарса: очиб ташламоқ, фош этмоқ, тугатмоқдир.

Меҳмон жўнаб кетди. Лекин у Чибисов учун сўнгги кўн-гилсизлик бўлмади. Яна бир катта кўнгилсизлик содир бўл-ди. Министрнинг кадрлар билан ишлаш бўйича ўринбосари телефон қилиб учинчи печдаги Фурма аварияси домна цехи-даги раҳбар кадрларнинг ожизлигидан дарак беришини, ми-нистрликнинг фикрича, бош мастер Ершовни пенсияга чиқа-риш пайти келганини айтди. Чибисов жавоб бериб, Ершов жуда яхши ходим ва у бўшатиладек бўлса, бу завод учун катта йўқотиш бўлади, деди. Ершов хизмат кўрсатган домна-чи эканлиги учун ҳам,—дейишди унга,—юмшоқроқ ёндошмоқ, унинг кетишига тегишинча тус бермоқ керак, умуман унга бошлаб танбеҳ берилса чакки бўлмасди.

Қисқаси, улар келиша олмади. Трубка бўлиб ўтган гапни министрға маълум қилишини ва бундан сўнг министр ҳал қи-лишини Чибисовга совуққина қилиб айтди.

Чибисов ўша куниеқ министрликка расмий хат ёзиб юборди, унда Ершовни бўшатиб юбориб бўлмаслигини яна

бир марта исботлаган эди. Лекин бунинг фойдаси бўлмади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас министрнинг буйруғи келди. Чибисов уни сейфга яшриб қўйди ва ҳеч кимга кўрсатмади. У министрликнинг буйруғини Платон Тимофеевичга етказишга журъат этмай, Горбачев ёнига борди.

Горбачев тутақди:

— Биздан сўрамасдан ҳал қилишади! Бизнинг сира аҳамиятимиз йўқдек. Министрлар Советига ёзиш керак, Чибисов, Марказий Комитетига!

Сўнгра улар бош мастерни пенсияга чиқариш ёки чиқармаслик кераклиги сингари масалалар билан мамлакат Министрлар Советини ҳамда партия Марказий Комитетини безовта қилиш сира ақл бовор қилмайдиган нарсa эканлигини сўзлашди. Министрлик маҳаллий ташкилотларнинг фикри билан ҳисоблашмайди. Ҳар бир майда иш марказлаштирилган. Бундай ҳолда ишлаб бўлмайди.

— Хўш, энди Ершовни нима қилсак экан?— деди Чибисов.— Итоат этиб, қўл қовуштириб тураверамизми?

— Министрга яна бир марта ёз.

Чибисов яна ёзган эди, лекин бу кутилмаган натижа берди: танбеҳ олди ҳамда министрнинг буйруқларини, бажаришда яна шундай ўтакетган сусткашликка йўл қўйса янада каттиқроқ чора кўрилажаги тўғрисида огоҳлантирилди. Платон Тимофеевичга буйруқни эълон этишдан бошқа илож қолмаган эди. Шундай бўлса ҳам Чибисов яна чўзаверди. Нимага умид қилаётганини ўзи билмасди. Шунчаки чўзаверди. Бунинг учун Чибисов министрликдан: уларнинг фикрича, Платон Тимофеевичнинг ўрнига кимни қўйиш кераклигини, улар кимни тасдиқлашлари, кимни тасдиқламасликларини сўради.

Илгари Чибисов домна цехига ҳар кuni кириб турар эди, энди бормай қўйди. Ўзига ишонмасди, ўзи ёмон актёр эканлигини ҳамда Платон Тимофеевич шундоқ кўринишиданоқ кўнгилсиз нарсани муқаррар сезиб олишини биларди, ўшанда у бош мастерга нималар деб тушунтиради? Ершов билан Козакова қабулхонада ўтиришганини ва улар жиддий масала билан келишганини Зоя Петровна унга айтганда у ҳатто, тушиб кетиб бўлмасмикан, деб ўз кабинетининг деразасидан тарновга қараб қўйди. У Зоя Петровнадан бирор нарсани айтиб: кетиб қолди, жўнаб кетди, банд, оғриб қолди, деб ёлғонлашини илтимос қилмоқчи бўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси бўмағур гап бўлиб, ҳеч нарсa ўнг келмасди.

— Кириша қолсин,— деди Чибисов, дармони қуриб креслога ўзини ташлади.— Майли.

Искра билан Платон Тимофеевич домна цехининг ишини яхшилаш тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қила бошлаганларида у янада кўпроқ азобланди.

— Буларнинг ҳаммаси Искра Васильевнадан чиқди,— деди бош мастер.

— Бу нима деганингиз, Платон Тимофеевич!— деди эътироз билдириб Искра.— Ахир, сиз бўлмаганингизда...

— Ўзи, ўзи. Мен эса, буларнинг ҳаммасини қувватлайман. Цех бошлиғи ҳам рози, у ҳам, Антон Егорович яқин кунларда олдингга келади, деб ўйлайман.

Чибисов бошда Ершов билан Қозакова унинг олдига таклиф этиб келтирган ишнинг моҳиятига унчалик эътибор қилмай қулоқ соларди. У аста-секин уларнинг гапига қизиқиб кетди. Қайта-қайта сўрай бошлади. Сўнгра учовлари ҳисоблаб кўришга схемалар чизишга киришди.

— Ажойиб,— деди ниҳоят Чибисов.— Жуда ажойиб. Ҳозир бош инженерни чақирамиз. Биргаликда бош қотиришамиз,— деди-ю, қўнғироқнинг тугмасини босди.

23

— Келган адабиётнинг сафсатабоз, сафсатабознинг ўзи!— дерди Гуляев, Дмитрий Ершовнинг портрети олдида туриб.— Мадҳиябозлик нима экан?— Хўш, мадҳиябозликни нуқсон деб ўйлайсанми? Барча замон рассомлари гўзалликни мадҳ этган. Барча замон расосмлари ўз даврини, ўз жамиятини мадҳ этган. Ниҳоят, ўз синфини мадҳ этган! Сен билан бизга ўз синфимизни мадҳ этишни ким ман этади! Витя, қалбим билан ишчилар синфиникиман, мен пролетарийман. Сен-чи?

— Мен, Александр Львович, бу тўғрида ўйламаган эканман.

— Чакки бўлибди, Витя, ўйлаш керак. Бу ҳамма нарсани — позициянгни ҳам, ғояларинг доирасини ҳам белгилайди. Ким эканлигингни, ким билан бирга эканлигингни ҳамда кимга тарафдор эканлигингни аниқ ва тўппа-тўғри белгилаб олсанг, душманинг ким эканлиги ҳам, нима учун ишлаётганинг ҳам сенга маълум бўлади. Нима учун мен сўнгги икки-уч йил ичида ўйнаётган ролларимнинг аҳамиятсизлигидан тажанг бўламан? Буни саҳнадан барала гапира олмаганим учун деб ўйлайсанми? Йўқ, Витенька, гарчи бунинг ўз аҳамияти бўлса ҳам, лекин фақат шунинг учун эмас. Асосий гап нимада? Асосий гап шундаки, мен ўйнаётган одамчалар кимнинг тарафдори ва кимга қарши эканлигини асло тушунолмаيمان. Ҳеч кимга тарафдор ҳам эмас ва ҳеч кимга қарши ҳам эмас. Мужмал одамлар. Мен бўлсам, жангчиман Витя, баррикаданинг бирор томонида бўлишим керак.

— Бунинг учун баррикаданинг ўзи бўлиши керак, ахир.

— Сен уни йўқ деб ўйлайсанми? Витяжон! Мен айтаёт-

ган баррикада капитализм бутун куррада ағдарилган соат-дагина қулайди.

— Бу ҳаммага маълум, Александр Львович.

— Агар бу ҳаммага маълум гап эканини билсанг, нега сен унутасан? Бизнинг давримизда икки дунёнинг кураш кескинлиги сўниб қолган ва ундан четда бўлиш мумкин, деб ўйлаяпсанми?... Йўқ, азизим. Ҳаёт сени яна баррикадага келтириб қўяди. Унинг у ёки бу томонига қўйиб қўяди ҳам. Бетарафликда кун кўролмайсан. Бу қонун. Мана ҳатто:

Қирдам юрдим, ўрдан юрдим,
Социализмга кўприк қурдим
Тугатолмай, чарчаб қолдим,
Кўприк узра ўтириб олдим,

деганлар ҳам курашдан четда қололмайди, ҳаёт уларни курашга жалб этади. Москвалик одамнинг мадҳиябозлик тўғрисидаги фикрининг ўзиёқ — кураш элементи. Бу принципал фикр. Ишонарли, жозибадор бўлиб кўринади, билсанг: гражданин объектив чин ҳақиқат учун курашаётган кўринади. Ҳақиқатда эса-чи? Бундай назарияга амалиётдан нима чиқади? Оқибат бундан чиқадигани ўз азиз нарсангни оёқ ости қил, булғат, вассалом. Мантиқ мантиқлигича қолаверади. Биридан кетсанг, бошқасига борасан. Халқни, халқнинг мардлигини мадҳ этавер. Сен янгилишмайсан. Сенга айтсам, бу портрет устида қийналаётганингга ҳамда унинг сенга тўла қувонч бағишламаётганига сабаб шуки, сен уни бир оз кўтаришдан қўрққансан, қўшиқдан қўрқиб, наср билан сўзлаяпсан. Сен куйла! Сен шундай қилгинки, чандиқ кўзга бўртиб кўринмасин, у одам қалбини яшириб қўйяпти. Чандиқ муаллақ қолмай, биографияга бир чизиқ бўлиб кирсин. Ёноқларни пухтароқ ишла, улар куч-қудратни, зўр характери ифода этмоқда. Кўзларни айтмайсанми. Ҳозир улар деярли кўринмаётир ҳам, мана бу чўян ҳарилар ҳаддан ташқари кўп учқун сочяпти.

— Булар пўлат қуйилмалар. Блюмслар.

— Пўлат прокати техникасини билмаганим учун гуноҳимни кечир, жонгинам. Қўллар, қўлларни қара!.. Ниманинг кетидан югурдинг? Доғ-дуғ, нур кетидан югургансан. Доғлар бор, нур бор — яхши. Лекин сенинг бўёқларинг мени одамнинг кучли, чечан қўлларини кўришдан маҳрум қилиб қўйган.

У гоҳ подрамникка, гоҳ стол бурчагига, гоҳ стулга туртишиб, хона бўйлаб юрарди.

— Жойларинг шунчалик торки. Сизларга квартира беришадими, ваъда қилишяптими? — деб сўради.

— Ваъда қилишяпти. Мана, съездга уйга одам қўйишади. Икки хоналик квартирани биз учун мўлжаллашяпти. Биз Ис-

кра билан бориб кўрдик. Дурустгина уй. Деразалари кенг, ёппа-ёруғ.

— Ховли тўйи қиламиз.

— Бу турган гап.

Виталий Дмитрий Ершовнинг юзига тикилиб қарар экан, Гуляев ҳамон хонада кезинарди:

— Қисқаси, сен ўз ишчинга қўллар бер,— деб такрорлади, Гуляев.— Инсониятнинг истиқболини яратаётган ҳақиқий, жонли қўллар бер. Сенинг расмингда мен ана шуни кўришни истайман.

У портрет олдида яна бир оз тургач:

— Бу менга ўргатыпти, деб ўйламагин тагин. Мен шунчаки ўз фикримни гапиряпман. Ўз мулоҳазаларимни муҳокама қиляпман, қўрқаман Витя, бир фикрдан қўрқаман. Сен ўзинг Дмитрий Ершовнинг отаси заводда ҳалок бўлганини менга айтиб берган эдинг. Немислар ўлдирган экан. Саҳнага ўшандай қудратли кекса бўлиб чиқиш хаёли ўша кундан буён мени тинч қўймапти. Оқибат фактлар ҳақиқатига мос тарзда ўлмоқ, лекин шундай ўлмоқ керакки, токи одамларнинг яна ҳам кўпроқ яшагиси келсин, улар ҳаётни янада кўпроқ қадрласин ва севсин, гўзал яшасин. Гўзал! Сен гапимга тушуняпсанми? Ана шундай — ўзим буни ёзолмайман, ҳеч ким ёрдам беришни истамайди. Азобдаман, Витяжон... Мен кетсам ҳам бўлар,— деб гапини тугатди у кутилмаганда.

— Ўтира туринг, Искра тезда келиб қолади.

— Йўқ, йўқ, кета қолай. Кўряпсан-ку, бутун хаёлга чўмганман. Бу ҳолда улфатчиликка ярамайман. Саломат бўл, жонгинам!

Виталий Гуляевни кузатиб қўйгач, портрет олдида узоқ вақт туриб қолди, сўнгра унга ён томондан, пастдан кўз югуртирди, стол устига чиқди, эшик ёнига тисарилди... Чуқур тин олиб, қирғичга тутинди.

Гуляев шу вақтда театрга етиб борган эди. У бир ярим соатдан сўнг яна саҳнага чиқиши, дарёга тош отиши, боғдаги скамейка устидан сакраши ва қари қиз қаҳрамонга аҳмоқона муқомлар қилиши керак эди.

— Азоб!— деди у, Яков Тимофеевичнинг кабинетига кириб борар экан.— Заводга борганим яхши, чўян эритаман: кўнглим ҳам тинчроқ бўлади, кўпроқ иш ҳақи топаман ҳам.

— Салом, Александр Львович!—деб шодлик билан уни қутлади директор олдида ўтирган бир йигит. Бу драматург Алексахин эди.— Менга қаранг, сиз ўшанда кетиб қолдингиз... Мен бу тема устида ишлашдан бош тортган эдим, эсингиздами? Лекин сиз домначи чолни шундай ажойиб тасвир қилиб бердингизки, мен ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим: у менинг олдимда тургани турган. Ухласам—тушимга киради.

Ишга бораман, пульт олдида ўтираман у, яна уни кўраман. Мана икки пардасини ёзган эдим. Ўқиб кўрсангиз яхши бўларди. Эшитсангиз яхшироқ бўларди.— У қўлида кўк муқовалик қалин дафтарни ушлаб турарди.

— Беринг-чи!— Гуляев саҳифаларни варақлай бошлади, репликаларни, ремаркаларни кўрди. Бир неча сўзга кўз югуртирдию, шоднён ҳаяжон ичида:

— Яков Тимофеевич! Отахонлик қилинг,— деди шошган ҳолда.— Бугун ўрнимга бошқани топишсин. Рухсат берасизми, а? Ўтинаман.

Ўрнига одам топишолмади. Гуляевга алоҳа ўйнашга тўғри келди. Лекин у Алексахинни кетказмади, ложага олиб кириб, ўтқазди ва қочиб кетмасин, деб ҳамма вақт саҳнадан кузатиб турди.

Гуляев бу кеча жуда ёмон ўйнади, репликаларни адаштирар, кечикиб чиқар, бир кўринишда эса умуман жанжал бўлди. Аёл қаҳрамон унга алланарса деса, у бирдан унга: «Сафсатаангизни нари бориб қилинг...» деб юборди. Халойиқ буни сезмади. Лекин Томашук директор кабинетидан худрук ёнига, унинг олдидан партбюро секретари ёнига, саҳна орқасида зир югурди: «Ўлгидек маст. Оёқ устида туролмайди. Дарҳол чора кўриш керак» дерди у.

Гуляев гримни артиб бўлар-бўлмас, ҳеч кимнинг насиҳати-га қулоқ солишни ҳам истамай, Алексахиннинг ёнига борди-ю, уни уйига олиб кетди. Унинг хонасида стол ва тўртта стул бўлиб, меҳмонни Виталийни ўтқазгандек полга эмас, стулга ўтқазди:

— Ўқинг!— деди Гуляев.

Ишчи оиласининг оддий, кундалик ҳаёти секин-аста намоён бўла борди, Окуневларнинг ўзига хос характерлари очила борди.

— Мен уларни Окуневлар деб аташга жазм қилдим,— деди Алексахин.— Ўзича — Ершовлар деб аташ ноқулай-да. Тўғрими?

— Тўғри. Бунинг аҳамияти йўқ,— деди бетоқат бўлиб Гуляев.

Пьесада Окуневлар авлоди: чол ва унинг катта-кичик ўғиллари бор эди. Улар оилада ўз ахлоқини ўрнатиб, ўз идеалларни билан яшарди. Бу ерда жамоатники, давлатникига зид келадиган шахсий нарсаси йўқ эди. «Хўш, қандай қилиб бундан бошқача бўлсин!— деб ажабланарди кекса Окунев.— Совет ҳокимиятини ким қўлга киритган? Биз, Окуневлар, қўлга киритганмиз. Давлатни ким қўрган? Уни биз, Окуневлар қўрганмиз. Бизнинг ўзимиз давлатмиз. Хўш, сен айтмоқчи, биз ўз-ўзимизга зид бўлармидик?»

Алексахин кечаси соат учларда дафтарни ёпди.

— Ҳозирча бори шу. Икки парда.

— Ургилай сендан — Гуляев ўзининг кучли қўлларини кенг ёзиб, драматургни қучоқлади. — На қадар яхши ёзасан-а. Тезроқ тугат!

У қўлёзмани олиб, айрим кўринишларни қайтадан ўқиди, улар спектаклда қандай бўлишини овоз чиқариб мулоҳаза қилди, ҳамма иштирок этувчилар ролини бирдан ўйнади. Алексахин хурсанд эди. Умрида ҳали ҳеч ким унинг адабий ишларини бунчалик ҳарорат ва самимият изҳор этиб маъқулламаган эди.

— Қачон тугатасан?— деб сўради Гуляев.

— Билмайман, Александр Львович. Энг қийини энди келади. Эҳтимол ҳеч нарса чиқмас.

— Чиқади, чиқади. Съездгача тугатасанми? Бир ярим ой ичида, а?

— Ҳаракат қиламан.

— Лекин сен заводга қайтишинг, одамлар билан сўзлашининг керак. Ҳарорат, жонлилик ортади.

Эртасига Гуляев Яков Тимофеевичнинг олдига келиб:

— Яков Тимофеевич, шу йигит билан шартнома тузиш керак,— деди.— Бу йигитни қувватлаш, руҳлантириш керак. Йўқса ё қўлёзмани битиролмайди, ёки бировларга бериб юборади. Олиб қўйишади,— деди.

— Қизиқ, ким олиб қўяр экан?— деб кулиб сўради суҳбат устида бўлган Томашук.— Домна печлари тўғрисидаги ишлаб чиқариш пьесачани! Худди қўл-пўли билан юлиб олишади! У ҳар турли ҳисоботлар учун яхши албатта: репертуар, айтгандек, пухта бўлади. Лекин кассага ҳам эмас, томошабинга ҳам.

— Беҳудага баҳслашаётирмиз,— деди Яков Тимофеевич.— Каптар ҳали осмонда. Бу икки пардани машинкада қайта кўчириш керак, деб ўйлайман.

— Шахсан мен бунга қўшилмайман,— деди Томашук.

Яков Тимофеевич худрукни таклиф қилди. У, одатдагидек, соқолини силаб, қўлларини қорни устида чалкаштириб ўтирар ҳамда бош бармоқларини бир-бири атрофидан гоҳ олдинга, гоҳ орқага айлантитарди.

— Ўқиб кўрамиз, ўқиб кўрамиз, майли!— деди у кўп ўйлаб кўргандан сўнг.— Ҳар доим аввал ўқиб кўрмоқ керак.

— Мен бунинг ҳаммасини кеча эшитганман! Ўзим ўқиганман!...— деб қизишди Гуляев.

— Менимча, Александр Львович, сиз унчалик юксак малага билан тингламагансиз,— деди Томашук.— Сиз муҳтарам, кеча ўйнай олмадингиз ҳам. Сиз тўғрингизда умуман масала қўйиш керак. Ешларимизга сиз қандай ўрнак бўляпсиз? Ахир кун йўқки, сиз...

— Яков Тимофеевич,— деб унинг гапини бўлди Гуляев.— Мен ўртоқ Томашукка у сўзлаётган оҳангда жавоб беришни истамасдим. Шунинг учун, кечирим сўрайман, мен кетдим.

— Қаёққа бориш керак?— деб ўйлади у, кўчага чиққач.— Кимга бориб, кимдан ёрдам сўраш керак? Албатта бир ёққа бориш ва ҳозироқ ёрдамга чақириш керакмикан? Ҳозирча бирор муҳим нарсa содир бўлгани йўқ. Алексахин ишляпти, аванс сўраётгани йўқ, пьесани бировларга бермоқчи эмас.

Гуляев ўзига таскин берар, ўзини юпатишга уринарди,— лекин у таскин топмасди. Ҳеч бир муҳим нарсa содир бўлмабди эмиш? Йўқ, содир бўлди. Содир бўлгани шуки, Томашук ҳозирданоқ пьесагагина эмас, ундаги идеянинг ўзига ҳам қарши фикрда. У худрукни тобга олади, худрук учун — чор атроф мақтовларга тўлса, унинг номи иззат-икром ила тилга олинса бўлгани, бошқаси билан иши йўқ, бу пьеса қўйиладими, бошқасими, унинг учун фарқсиз. Барибир, энди театрда яхшилик кутиб бўлмас эмиш, театр гуллаб-яшнаган вақтлар ўтиб кетган эмиш, у вақтлар худрукнинг ёшлик чоғлари экан. Ҳозир, ишқилиб, бирорта ортиқча нарсa қилиб қўймаслик керак. Унинг ҳали қурби етади! Ўз марҳум устозининг таълимини — халойиқни ажаблантиришни, у кутган нарсадан ўзгача қилишни, бошқалар қилгандан кўра ўзгача қилишни билади. Оёқни осмонга қилиб юриб ҳам ажаблантирарди. У ажаблантирарди, агар... Агар хато кетмаслигини билса эди киши. Йўқ, кексайиб қолганда ўз биографияси устида синов ясаб ўтириш бўлмайди.

Томашук ўз ҳомийсини жуда яхши биларди. У театрда пайдо бўлганда Томашук чинакам намоёнлар уюштирарди, фақат фаришталар наът-само айтмасди холос, соғ-саломат яшаб турган одамни улуғлайдиган ва кўкларга кўтарадиган жуда кучли машина батамом ишга солиб юбориларди. Яков Тимофеевичнинг ўзи улуғвор офат деб атаган бу аҳволга қарши бирор чора кўролмасди. Унинг худрукни койитишига рухсат этишмасди. Санъатни бошқарувчи турли шаҳар, область ва республика бошқармаларида Яков Тимофеевичга: «Мумкин эмас, mumкин эмас, азизим. Шундай харсангки! Сенга нима бўлди?» дейишарди. «Ана шу харсанг бўлганлиги чатоқ,— дерди Яков Тимофеевич.— Йўлда ётибди. Одамларга йўл бермаяпти. Фақат рўй-рост, ошкора танқидгина бу харсангни қўзғата олади».

Гуляев буларнинг ҳаммасини яхши билганидан Томашук пьесани барбод қилади, деб ташвишланарди.

Кейинги кунларда Гуляев Окуневлар тўғрисидаги пьесани кутиш билан яшади. Бўшгина ўйнар, Томашук билан баҳслашган вақтдагина жонланиб қўярди. Баҳслашиш, баҳслашганда ҳам жуда қаттиқ баҳслашиш керак эди. Томашук Алек-

сахиннинг олдинги пьесасини қўйишга тайёрланаётган эди. Унда ёши қайтган бошлиқ ёшгина аёл инженерни севиб қолиб, кекса хотинини ташлаб кетади, кекса хотин эса, жамият учун меҳнат қилиб юпанади. Гуляев юзаки, обивателча пьесага тамомила қарши бўлганлигидан ташқари бу пьесанинг қўйилиши драматургни Окуневлар ҳақидаги пьеса устида ишлашдан чалғитишини ҳам биларди. Гуляев бу ишга Яков Тимофеевичнинг аралашувини талаб қилди. Яков Тимофеевич ҳам Алексахиннинг Томашук яхши кўриб қолган пьесасига қарши эди. Лекин, афсуски, бу пьесага ёпишиб олган фақат Томашукнинг ўзи эмасди. У бир неча актриса ва актёрларни, ҳатто худрукни ҳам ўз тарафига оғдириб олган эди. Худрук тегишли жойда бўлиб, ўзининг совлатли соқолини силкитиб қўйган эди. Яков Тимофеевични чақиришди, унга санъатда маъмуриятчилик қилиш ярамаслигини шама қилишди, пьеса танлашда яқингинада клуб мудир ва завод оркестрида карнайчи бўлган одамларга эмас, худрук сингари одамларга кўпроқ ишонч билдирилишига, бундан ранжиб юрмасликка ишора қилишди. Яков Тимофеевич шаҳар комитетининг пропаганда ишлари билан шуғулланувчи секретари олдида борди, ўзини театрдан бир нима қилиб бошқа ёққа юборишни илтимос қилди, бу хўрликларга чидашдан кўра ўз карнайчилигини қилаверишга ҳам рози эканлигини айтди. «Чидаш керак, чидаш,— деди шаҳар комитетининг пропаганда ишлари билан шуғулланувчи секретари.— Биз сенинг худрукинга ўхшаган одамларни бирдан эмас, аста-секин чидам билан тарбиялашимиз керак.—Шундай тарбиялайвериб, тарбиялайвериб, ўлиб кетасан. У бўлса, чала тарбияланганича яшаб-яшнайверади».

Гуляев театр директори ҳам ёрдам беролмаслигини кўриб Алексахиннинг олдида борди.

— Пьесани қайтариб олинг,— деб илтимос қилди.— Бир сўм йўқотиб, минг сўмлик бўласиз. Ахир сиз ҳозир чинакам, йирик нарсаязасиз-ку. Арзимас нарсаларга уринманг. Очингиздан ўлмайсиз-ку. Пул зарур бўлса, қўлимдан келганича ҳаммасини йиғаман... ўз маошимни бераман.

Алексахин гап пулда эмаслигини, асарини сахнада кўриш ёқимли эканини, қўйишса бўлганини, театрда бепул беришга тайёр эканини айтди. У бу пьесани сахнага қўйиш Окуневлар тўғрисидаги янги пьеса устида ишлашга ҳалал бермаслигини ҳатто, аксинча, унга куч ва ишонч бағишлашини гапирди. Йўқса, иш пачава ҳам бўлиши мумкин? Биттасини ўзи қайтариб олса-ю, бошқаси ёзилмай қолса, ёки ёзилганда ҳам қабул қилишмаса, унда нима бўлади? Йўқ, у таваккалчилик қилмоқчи эмасди, афтидан, Томашук у билан роса отамлашган эди.

Нима қилиш керак эди? Гуляевнинг ўзи Алексахин ёзган икки пардани машинисткага берди, ўзи бир печа нусхасини чинакам ролларни ўзи сингари жуда соғиниб юрган актриса ва актёрларга улашди. Қизиқиб ўқишди, маъқуллашди. Кекса хотинларнинг кекса эрларини ўғирловчи урғочи йўлбарслар ролида ўйновчи актрисагина: бу сунъий ишқ-муҳаббат можароси шарбати қўшиб бериладиган темир ва чўянга ҳар хил узун-кўндаланг рандалаш-эговлаш станларига ва болтларга қайтишдир, деди ва бундай пьесага қарши эканлигини айтди. Бошқа бир актриса эса: «Зерикарли. Ўлгидек зерикарли» деб қўйди.

Томашук актёрлар танлаб олган пьесадан бошқа яна алланарсани ўқиётганларини билиб, жуда ғазабланди ва ишга худди қонунга хилоф нарса бўлгандай тус бермоқчи бўлди.

— Сиз, ҳурматли Александр Львович, яширин адабиёт тарқатяпсиз-ку,— деди у маънодор қилиб.— Бу қандай варақалар, ким ёзган, ким рухсат берган, ким маъқуллаган? Зиммангизга олаётганингиз кўплик қилмасмикан?

— Маълумот тўқинг,— деб жавоб берди Гуляев.

— Бу нима деганингиз, ҳақорат қилиямизми?— деб қишиди Томашук.

— Йўқ, бу дўстона маслаҳат,— деди Гуляев.

Коллектив Гуляев билан Томашук ўртасида жанжал бўлиб туришини, театрда аллақандай ички кураш бораётганини биларди. Ҳар вақтдагидек, айримлар Гуляевни ёқтирса, бошқалар худрук ҳам Томашукка ихлос қўйган эди. Вазият кескинлашиб борарди. Сиртдан ҳамма нарса яхши, мулойим бўлиб кўрингани билан, лекин ҳар ким жиддиятни ичдан ҳис этарди. Яшаб, турмуш тажрибаси орттирган одамлар, албатта портлаш бўлишини сезишарди. Бу портлаш қандай бўлиб, кимнинг учиб кетиши маълум эмасди. Лекин портлаш бўлиши аниқ кўриниб турарди.

24

Ота-онаси эрга тегишга шошилмай, олдин институтни тугатиб олишини Қапага маслаҳат беришса ҳам, ўз сўзида туриб олди, у ҳеч қандай тўй бўлмасин, деб ҳам туриб олди. «Бу беҳаё ва ваҳшиёна одат. Бу шахсий ҳаётга қўпол аралашувдир. «Бўса» деб бақаришади, ҳиринглашади... аллақандай шама-ишоралар қилишади. Йўқ, биз бундай мешчанларча шармандагарчиликка йўл қўёлмаймиз» дерди у.

Ершовларнинг уйида ремонт бошланди. Андрей билан Қапа асосий ишчилар эди. Дурадгорни полларни янгилаш, эшик-деразаларни маҳкамлаш учунгина чақирдишди. Девор-

ларга гулҷоғозлар ёпиштиришди, шипларни оҳак билан оқлашди, кечқурунлари ва якшанба кунлари полларни ўзлари бўяшди. «Ёрдам керак эмасми?—деб сўради Горбачев.—Материаллар керакдир, балки бирон нима керакдир?»—«Йўқ, ҳеч нарса керак эмас,—деб жавоб берди Капа.—Ҳамма нарсамиз бор».

Анна Николаевна улар олдига деярли ҳар куни келиб, ёрдамлашишга уринарди, лекин унинг ёрдамига ҳам унчалик эҳтиёж бўлмай, у уйга хафа бўлиб қайтарди.

Эритмалар, бўёқлар билан алаҳсиб юриш Капага жуда ёқарди. У Ершовларнинг синглиси Серафиманинг мактабда ўқиб юрган чоқларидан қолган кўк калта халатни кийиб олар, бошини қизил рўмолча билан танғир, қувноқ куйлаб, шипга чўткани суртарди; унинг устига бўёқ томар, у эса моҳир бўёқчига ўхшарди. «Хўжайин,—дерди у Андрейга йўғон овоз билан гапиришга ҳаракат қилиб,—сизга қанақаси керак, алифмойнинг ўзиданми ёки шундайгина? Ўзидан бўлса қимматроқ бўлади. Озгина аванс берсангиз бўларди. Чоракталиги учун. Чарчоқни босиш-чуи».

Андрей ҳам эритма ва бўёқлардан доғ-дуғ бўлиб кетган эди. Шундай бўлса ҳам улар дам бадам қучоқлашар ва ўпишарди. Ремонт сушт борди. «Сен машғулотларни ҳам ташлаб қўйдинг, Капитолина,—дерди унга Анна Николаевна,—Капа ярим кечада уйга келганда.—Бунчалик жиннилик ярамайди».—«Ҳечқиси йўқ, ойи, кейин бир ғайрат қилиб етиб оламан. Марҳамат қилиб, безовта бўлма» дерди Капа.

Ҳамма нарсанинг ниҳояти бор. Ремонт ҳам ниҳоятига етди. Андрей ва Капитолина Горбачева эрталабдан ЗАГСга боришган ҳамда икковлари Горбачевлар уйига Ершовлар бўлиб қайтиб келган кун ҳам келди. Капа Анна Николаевнага ЗАГС гувоҳномасини кўрсатди. «Табриклайман» деди Анна Николаевна, лекин лаблари ҳозир йиғлаб юборадигандек бурилиб борарди.

Кейин Горбачев келди. У виноли шишани очди, овқатлашиш учун ўтиришди. Бу сафар стол ёнида Капанинг оғаси—Георгий ҳам бор эди. У куёв-қайлиқлар тўғрисида ҳар хил воқиаларни сўзлар, ҳаммалари кулишарди.

—Бекорга, бекорга,—деди бирдан Анна Николаевна, Андрейга мурожаат қилиб,—сиз бизникида яшашни бекорга истамаяпсиз. Жуда қулай бўларди...

—Ойи, бу гапнинг нима кераги бор?—деди Капа.—Бунга Андрей сабаб эмас.

—Рост гап, ойи,—деб синглисини қувватлади Георгий, мустақил турмуш, нормал одам учун тамомила хос бир нарсаси. Менга табиатни жуда яхши кўрадиган институтдаги бир ўртоғим, масалан, лайлаклар бирданига иккита уя қуришини

айтиб берган эди: биттасида ўзлари яшашаркан, иккинчисида эса бола очишаркан, сўнгра уларни мустақил яшаш учун қолдириб кетишаркан. Ҳамма вақт ўз қанотлари остида туриб турмас эканлар.

— Улар лайлак,— деди Анна Николаевна маъюсланиб.— Бизлар эса, одамлармиз.

Овқатдан сўнг Капа ўз буюмларини иккита чамадонга йиғди; машина чақиришди. Анна Николаевна ёшларни кузатиб борди. Лекин, Ершовлар уйида бир оз тургач, ўзининг кетиши кераклигини тушунди. Бу англаб бўлмайдиган, аламли, кўнгилсиз бир ҳол эди: она бўла туриб, ортиқча бўлса-я! Уйга жўнаб кетди ва кечаси билан йиғлаб чиқди. Горбачев уни юпатар, Андрей тўғрисида, бутун Ершовлар оиласи тўғрисида яхши гаплар айтарди.

— Сен бу оилани қаёқдан биласан?— деди Анна Николаевна.— Ҳозир шундай бўлиб кетганки, ҳатто хотинининг ота-онаси эрининг ота-онаси билан танишмайди, бегона бўлиб яшайди.

Гапдан гап чиқиб, Ершовларнинг кексаси — Платон Тимофеевич олдига бориб келишга жазм қилишди-ю, кечқурун жўнаб кетишди.

— Сиз оиланинг каттасисиз,— деди Горбачев Устиновна тузган стол ёнида ўтирган ҳолда.— Андрей учун отадек бир одамсиз.

— Унчали эмас,— деб жавоб берди Платон Тимофеевич.— Ота ўрнида бошқалар ҳам бўлган. Андрейни менгина эмас, ҳаммамиз, Яков ҳам, Дмитрий ҳам тарбиялаган.

— Биз Овражнаяда яшаганимизда мен унга онаси ўрнига она бўлган эдим,— деб қўшиб қўйди Устиновна.

Оддий, дўстона суҳбат давом этди. Анна Николаевна нуқул ўз Капаси тўғрисида сўзлар ва Андрей тўғрисида суриштирарди, Горбачев билан Платон Тимофеевич эса аллақачон завод ишлари тўғрисидаги гапга ўтиб кетганди. Платон Тимофеевич ўзини министрнинг буйруғини билмагандай, ўз печлари ёнидан пенсияга чиқиб кетмоқчимасдай тутарди. Чибисов ўз сўзида қатъий туриб олгандир, деб ўйлади Горбачев. Лекин суриштириб ўтирмади — Чибисовнинг қандай режалари борлигини ким билади у ўша буйруқни Ершовга кўрсатишдан ҳам қўрқилини айтган эди-ку.

Горбачевлар кийиниб даҳлизда туришганда, Платон Тимофеевич:

— Тўй қилиб ўтказилса бўлармиди. а?— деди.— Шундоқ ўйин-кулгисиз, қадаҳсиз қандай бўларкин? Ёки сизнинг мавқеингиз бунга йўл қўймаймиди?

— Нега йўл қўймасин?— деб кулди Горбачев.— Бу гапингиз чакки, Платон Тимофеевич.

— Бўлмаса нега тўй қилинмади?

— Кўрмайсизми — қизимиз шунақа. Ужар,— деди Анна Николаевна.

— Ужарлик ҳам эвида бўлсин,— деб гапга қўшилди Устиновна.— Ҳаш-паш дегунча, тўй бўлади қўяди.

Худди шу кўпни кўрган Устиновнанинг айтган режасига кўра, Андрей билан Капанинг қариндошлари келгуси шанба куни кечқурун эски кулбага гўё тасодифан тўпланишадиган, ҳамда ёшларнинг биргаликда турмуш бошлашлари-ни байрам қиладиган бўлишди.

— Ахир, тўйнинг ўзигина эмас-да,— деди Устиновна,— бунинг устига икки оила уруғ-аймоқ бўлди. Энди, нима бўлганда ҳам, сиз биз учун, биз сиз учун жавобгармиз. Уруғ-аймоқ. Азалдан шунақа.

Шанба куни эрталаб Горбачев шаҳар советининг раисига телефон қилиб: «Ҳай, Бобров. Сен Овражная деган кўчани биласанми?» деб сўради. «Раис бўлганимдан кейин биламан. Нима бўпти у ерга?» «Қаровсиз қолган кўча, Бобров. Ҳатто қор тозаланмайди».—«Бизда қор тозаланмайдиган кўчалар кўп, Иван Яковлевич. Қор тозалайдиган машина етишмайди. Аҳолига ўз ўйи олдини тозалашни топширганмиз».—«Майли, ҳарқалай. Балки, ўша ёқда, ўшандай дазмол сифат, учбурчак машиналаринг юргандир?» «Юрибди. Долевоя кўчасида».—«Йўлдан бурилиб бир оз кураб ташлашсин. Гап бор. Кейин айтиб бераман. Бир тадбир ўтказаямиз. Марҳамат қилиб, шундай қилгин, қонунга хилоф келмас».

Андрей заводдан келаётган эди, қор курайдиган машина ўз кўчасини яхшилаб тозалаётганини кўриб жуда ҳайрон бўлди. Одатда бу ердаги қор белкураклар билан уюм-уюм қилиб қўйилар ва баҳоргача эриб ётар. Бундан Овражнаядаги зах ва лой қарийб июнгача қуримас эди.

— Буни қара, биз томонга ҳам маданият келибди,— деди Андрей Капага.

— Бундан шубҳам бор,— деди Капа.— Агар бунга отам бош қўшган бўлса, шундай жанжал қилайки, қараб тур!

Қош қорайганда бирин-кетин меҳмонлар кела бошлагач Капанинг шубҳаси янада ортди. Биринчи бўлиб хотини — Валентина Ивановна билан бирга Яков Тимофеевич келди, вино, торт, аллақандай консервалар олиб келишди.

— Келин-куёвни кўргани келдик,— деди Яков Тимофеевич шодлик билан.— Қандай жойлашганларини кўрмоқчи бўлдик. Сизнинг оиламизга дадиллик билан қўшилганингиздан жуда ҳурсандман, ўртоқ Капа. Айтгандек, полкимизда одам кўпайди.

Ершовларнинг синглиси — шаҳар поликлиникасининг фельдшери Серафима заводга руда ташувчи кема капитани — эри билан таксида келди.

Платон Тимофеевич, Устиновна ва Дмитрий ҳам келди. Дмитрий уйдаги ўзгаришларга разм солиб: «Тоза бўлиб қопти» деди-ю, бурчакка бориб ўтирди. Дмитрий бу тозаликдан хурсанд бўлмади. Бу уники ҳам эмас, тозалик ҳам унинг учун эмасди.

Яна бир кенжатой сингиллари, Варя ҳам пайдо бўлди, у Дмитрийдан уч йил кейин туғилган бўлиб, Яков Тимофеевич билан бирга театрда ишлар, кичик ролларни ижро этарди. Трамвай паркида техник бўлиб ишловчи унинг эри яхши тенор овози билан неаполетан қўшиқларини куйлар эди. У бир маҳал Варя билан шаҳар ҳаваскорлар тўғарагида қатнашар эди.

Меҳмонлар ҳамон келмоқда эди. Сурати Платон Тимофеевичнинг квартираси деворидан жой олганларнинг роса ярми кулда тўпланган эди. Аллақанча шишалару закускалар келтиришди, совға-саломлар олиб келишди, бу нарсаларга ўрин тўлиб кетди. Ҳаммалари кириб кела туриб Капа билан Андрейни қучоқлашар ва: «Мана сизга ҳовли тўйи учун» дейишарди.

Серафима, Варя, Валентина Ивановна Устиновнанинг раҳбарлигида стол тузашга киришдилар. Улар олиб келган сумка ва корзинкаларда, ҳатто идиш-товоқлар ҳам бор эди.

Капа кўп асрлардан бери давом этиб келган ваҳшийлик одати ўздан кучлироқ бўлиб чиққанига тушунди. Андрей Капанинг хафа бўлишидан, ранжишидан хавотирланар, чўчирди. «Майли, Андрюша,— деди Капа пайт топиб, унга секингина,— чидаймиз. Хафа бўлма. Хурсанд бўлгандек ўтираверамиз. Ҳамма синовлардан ўтамиз».

Горбачев билан Анна Николаевна энг кейин келишди.

— Салом, дада! — деди пичирлаб унга Капа:— Биз сени эрталабдан буён кутяпмиз. Андрей билан кун бўйи кўчада қор кураб, роса чарчадик!

Горбачев кулиб қўйиб:

— Сени алдаб ҳам бўлмайди! — деди.

У айланиб, қўл бериб кўришиб, Ершовлар билан танишди.

— Мана энди уруғ-аймоқ бўлиб қолдик,— деди у ўтира-ётиб ва портсигарини олар экан.— Кўряпсанми. Анна Николаевна! Биз бўлсак амма-холаларимиз ҳам, ака-укаларимиз ҳам, опа-сингилларимиз ҳам йўқ деб, хафа бўлардик. Атрофимизда энди кучли-қувватли шунча қариндош-уруғлар бор!

— Ҳазиллашяпсанми, ё пушаймон қияпсанми Иван Яковлевич,— деди Платон Тимофеевич ҳушёрлик билан Горбачевга қараб.

— Қўй-э, Платон Тимофеевич! Хурсандман. Чиндан хурсандман.

— Шундай бўлсин! Бирор нарса бўлиб қолса, биласанми, сенга мадад бу.

— Шубҳам йўқ.

Горбачев Дмитрийдан ўн тонналик қуйилмалар қандай чиқарилаётганини сўради.

— Чиқяпти,— деди Дмитрий.— Блюминг мартенчиларни шошириб қўйиб, ҳатто кутиб ҳам қоляпман.

— Бу жуда соз, ажойиб! Нега шошиб қолишяпти?

— Қуйилманинг ҳаммасини ҳам ўн тонналик қолипларга қуйишмаяпти-да. Ҳали ҳам эскиликка ёпишиб олишган, ўртоқ Горбачев.

— Фамилияни айтиб, яна «ўртоқ» ҳам дейдилар! — деди Горбачев қўлларини ёзиб.— Бунақа бўлмасин ўртоқ Ершов. Келинг, қариндошларча гаплашайлик.

— Бўлади,— деди Платон Тимофеевич.— Столга ўтириб, бир қадаҳдан кўтарсак — қариндошчасига бўлиб қолади.

Стол ёнида сиқилиб ўтиришди, қўшниларикидан олиб келинган стуллар ҳам етишмади. Табуреткалар устига тахта қўйиб ўтиришди. Лекин торлик ҳеч кимга халал бермас, бунга ҳеч ким эътибор қилмасди, ҳеч қандай ортиқча талаб ва қаноатланмаганлик изҳор этилмади. Мезбонлик вазифасини опа-сингил Серафима билан Варя ўз зиммаларига олдилар. Капа ҳадеб ўрнидан туравермаса ҳам бўларди. У жимгина ўтиришга ва ўзини сездирмасликка ҳаракат қиларди, ҳеч ким тўйлар тўғрисида бемаъни латифалар сўзламаётганидан хурсанд бўлиб, «бўса» деб қолмасалар яхши эди деб ўтирарди. Лекин «бўса» деб қолишди. Бунинг Серафиманинг эри — руда ташувчи кеманинг капитани бошлаб берди. Кейин авж олиб кетди... Андрей билан ҳамманинг кўз олдида ўпишиш у қадар даҳшатли бўлмади. Тўғри, дадаси кўриб турганлиги бир оз ноқулай бўлди. Ойису-ку ҳеч гап эмас, лекин отасидан уялди.

Ёшлар тўғрисида гап бошланди, ёшлар ҳозир ота-онасининг бағрида иложи борица узоқроқ яшашни яхши кўради, дейишди. Лекин Капа бошқача йўл тутиб, мустақил турмуш қилишдан чўчиб ўтирмади, азамат.

— Гапнинг рости шу,— деди капитан,— болалар оталарнинг паноҳида яшашни яхши кўради-ю, лекин бунинг қадрига етишмайди. Бир механигимиз мактаб ҳаётидан олинган воқеани гапириб берган эди. Ҳайвонларни ўқишаётган

экан... Уқитувчи дарсда: «Қани, йигитча, айтчи, сенга қандай ҳайвон ботинка беради?» деб сўрабди. Йигитча бўлса: «Дадам» деб жавоб қайтарибди.

— Завод аҳли орасида бунақанги нозикойимлар йўқ,— деди Платон Тимофеевич.— Одамларимиз — меҳнаткаш. Меҳнаткашнинг миясида аҳмоқчиликка ўрин қолмайди. Мана бизнинг, Чўртанлар¹ оиламизни олиб қарайлик... Халқ бизни нима деб аташини биласанми сен, Иван Яковлевич? Чўртанлар, дейишади.

— Чўртанларнинг худди ўзи,— деди икки-уч рюмкани ичиб олган Устиновна.— Салгина гап чиқиб, иш чўртанлар ўйлагандек бўлмай қолса борми, ҳамма биқинларидан чўгир тиканларини тикка чиқариб оладилар.

— Бўлти, бўпти, ўз-ўзини танқидни авж олдирма, амма. Нима демоқчи эдим. Иван Яковлевич? Демоқчиманки, бизнинг оиламизни олиб кўрилса...— деб давом этди Платон Тимофеевич.— Қаттиққўллик билан яшаганмиз, отамиз — бизни шундай қаттиқ тутар эдики. Эркатоилик йўқ эди. Мана ўсиб-улғайдик — бинойи одамлар бўлиб етишдик! Бизда бунақанги ҳар хил...— у сўзини тугатмай жим бўлиб қолди, стол ёнида ўтирганларни кўздан кечирди. Чехраси ўзгариб:— Бўпти энди,— деди қошини чимириб,— келинг ичайлик яхшиси. Турмушларини ўзлари қурган шу болалар соғлиғи учун.

Сўнгра, бошқа қадаҳ кўтарилгач, у синглиси Серафима-ни имлаб чақирди:

— Степан қани? Сен унга айтганмидинг?— деб сўради.

— Бўлмаса-чи! Ётоқхонага борсам — йўқ, гаражга борган эдим, қарасам, машина тегида иккита оёқ чиқиб ётибди. Биттасини тортсам, Степаннинг оёғи экан. Моторни кавлаштираётган экан. Унга ҳаммасини тушунтирдим, бўлти, синглим таклиф қилганинг ва келганинг учун раҳмат деди.

— Қани у энди?

— Билмадим, Платоша. Келса, иззатини бажо келтирган бўлади...

Зиёфат тонг отгунча давом этди. Қўшиқлар айтиб, гурпанглашиб, ўйинга тушишди. Серафима билан Горбачев русча ўйинга тушди.

— Ваня,— деди Анна Николаевна, у қизарган, ҳарсиллаган ҳолда жойинга ўтиргач.— Билиб қўй, биз валидол олиб келмаганмиз.

Бу кеча ҳатто Дмитрий ҳам маст бўлди. Шовқин-сурон

¹ Чўртан — балиқнинг бир тури. Русча — ершь деб аталади. Ершоваар фамилияси шу балиқ номидан олинган. (Таржимон изоҳи.)

рақс пайтида у бирдан гитара билан ёнбош хонадан чиқиб,
хонани тўлдирган одамлар устидан қараб, куйлай бошлади:

Душман ёқди она кулбани,
Оилани айлади яксон...

Ҳамма жим бўлиб қолди. Дмитрийнинг ранги ўчган
юзига, унинг кўзларига қарашарди. Бу кўзлар уйда тўплан-
ганларнинг елкалари оша бошқалар кўра олмайдиган нар-
сани кўрарди.

Проськовья, мени койима,
Шу алпозда қошингга келдим.
Аза экан, иложим нима,
Соғлиғинг-чун ичмоқчи эдим.

Дмитрий торларни бирдан юлқиб чалди:

Топишади дўстлар, ёронлар.
Аммо бизлар топишолмасмиз...

— Унчалик қувноқ қўшиқ эмас экан,— деди аллаким,
у тугатгач. Тўйбоп қўшиққа ўхшамади.

— Ҳамманикида ҳам тўй эмас-да,— деди секингина
Платон Тимофеевич.

Қариндошлар унинг гапига тушунди, чунки ҳаммаси
Дмитрий, Леля ва Степаннинг тарихини биларди.

Дмитрий қўшиғининг оғир таассуротини тарқатиб юбо-
риш учун Серафима билан Варя лапар айта бошладилар.
Улар ўтган ёзда шаҳарда гостроль концерт берган опа-син-
гил эстрадачиларга тақлид этиб, эпчиллик билан қийқири-
шиб куйлардилар.

Эрталаб кўчага чиқиб, тоза ҳавода нафас олишди. Кўча
совуқ ва ойдин эди. Деразаларда чироқ кўринар, дастлабки
пиёдалар ўтмоқда эди.

Бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, кулишиб, ҳазилла-
шиб, кўйлашиб боришди. Муйилишда тарқалишди. Горба-
чев Капани, Андрейни қучоқлаб:

— Гердайиб кетманглар, бизни унутманглар,— деди.

Анна Николаевна ҳам Капани қучоқлаб, ўпди, қизини
бағридан ҳеч қўйиб юбормади.

Андрей билан Капа уйга қайтиб келганда алғов-далғов
бўлиб кетган стол ёнида Дмитрий ўтирганини кўришди. У
бошқалар билан кўчага чиқмаганини ҳеч ким сезмаган эди.

— Болалар,— деди у,— мени уйингизга киритинг. Хов
у ёққа, ёнбош хонага. Вабо теккандай яшаяпман, ўзимни
қаерга қўйишимни билмайман.

— Марҳамат, Дмитрий Тимофеевич, марҳамат! — деди
Капа.— Хурсанд бўламиз. Тўғрими Андрей! Сизнинг кетиб

қолганлигингизга ҳайрон бўлиб юрган эдим. Наҳотки шундай қилсангиз!

Дмитрий нима деб жавоб қилсин? Дунёда ҳамма нарса ҳам заруратдан, ақлдан бўлавермайди. Ҳеч бир заруратсиз, туйғулар туфайли ҳам бўлади.

Дмитрийга ёнбош хонага жой қилиб беришди, у ўша ерга кириб, беркиниб олди-да, чироқни ўчирди. Лекин ухламай, ётиб хаёлга чўмди. У кўп нарса тўғрисида, жуда кўп нарса тўғрисида, ҳамма нарса тўғрисида бир йўла ўйлаганидан ҳеч нарсани дурустроқ мулоҳаза қилолмасди. Кеча уни цех бошлиғи чақирган ва заводда прокат станлари операторларининг икки ҳафталик мактаби ўтказилмоқчи эканини, бутун Иттифоқдан одамлар йиғилишини, Дмитрий Ершов бу мактабнинг раҳбари бўлишини айтган эди. Дмитрий бундай ишга ярамаслигини, ҳеч вақт ҳеч бир нарсага раҳбарлик қилмаганини, раҳбарлик қилишни билмаслигини исбот қилишга киришди. «Станни биласан.— деди бошлиқ,— асосий гап шунда. Уларга нутқ эмас, тажриба керак. Тажрибанг етарли. Бор, ўйлаб кўр, душанба куни яна гаплашамиз». Бунинг нимасини ўйлайди? Ўйласа, ўйламаса, ҳеч нарса ўйлаб тополмайди. Леля йўқ-да, ўша билан маслаҳат қилса эди.

Ҳа, Леля йўқ эди. Ўша тунги бўронда энди сира келмаслигини, икки оғанин ўртасида бўла олмаслигини айтган эди...

Дмитрий ўзига нима бўлганини, унга Леля нега бунчалик кераклигини, унинг йўқлиги нега сезилаётганини билолмасди.

Дмитрий тўлғанар ва ағдариларди, унинг бақувват гавдаси тагида темир каравот ғижирларди. Ухлай олмай, яна чироқни ёқди, ёнбош хонада кезинди, бурчакка йиғиб қўйилган китобларини топиб олди, қўлига инглиз тили дарслиғи тушди. Хурсанд бўлиб, яна ётди, китобни дуч келган жойидан очди-ю, биринчи жумлани: «Ай гоу тускул эври монинг» деб ўқиди, сўнгра: «Мен ҳар куни эрталаб мактабга бораман» деб таржима қилди. Мактаб эсига тушди. Мактабга қатнаш, пионер бўлиш шунчалик яхши эдики... Платон Искра Васильевнага тўғри айтган эди.— Ўша маҳалда бир куни Дмитрий пионерлар соборида, албатта, тўла коммунизмга қадар яшашим керак деб айтганди. У ўзининг бу орзусидан асло қайтмаган эди, у коммунизмни интизор бўлиб кўргиси келади. Мазақ қиладиганлар ҳам бор, улар: бу жаннат ҳаётига ўхшаган озодагина, шинамгина бўлиб, одамларнинг қанотчалари бўлади, дейишади. Роса диққатпазлик бўлармиш. Ҳозиргидек яшайверган яхши, ичадиган

нарса ҳам бор, закуска ҳам бор, қовоқхонага ҳам кириб туриш мумкин. Қовоқхоналар йўқ бўлиб кетиб, нуқул лекторийлар пайдо бўлса, нима бўлади. Айрим кишилар келажакдаги одамларга ҳаваслари келиб: омади келганлар маза қилиб яшайди, дейишади. Истаган магазинингга кириб, нимани ва қанча хоҳласанг теппа-текин олаверасан.

Шундай бўладими, бошқача бўладими — ким билади. Лекин бундай бўлмас. Ўша вақтда ҳам бахтли ва бахтсиз одамлар бўлади, ўша вақтда ҳам одамнинг ҳаётида ҳар хил воқеалар бўлиши мумкин. Лекин бир нарса равшан: нон топиш бу қадар улуғ захмат билан бўлмайди. Табиат кўпроқ итоаткор, ройишроқ бўлиб қолади. Умуман, коммунизмни ҳаёлда тасаввур қилиш қийин. Киши ўшангача яшагиси, яшаб, ўз кўзи билан кўргиси келади! Ўшани деб кўп, жуда кўп уқубат тортса бўлади. Бир хил одамлар тушунолмай, буниси қандоқ бўлди, дейишади, бунга ақли етмайдиган одамлар ҳам бор — бугун одам бирор нарсадан ўзини маҳрум қиляпти, онгли равишда жудоликлар кўряпти, нима учун? Балки унинг ўзи етишолмайдиган эртанги кун учун. Демак, ўзи тўғрисида ҳам ўйламай, ўзидан кейин яшайдиган одамлар тўғрисида ўйлаяпти. Кулгили! «Мендан кейин тўпон босмайдими» дейдиганлар ҳам бор. Келажак одамларини, авлодларимни бошимга урамани. Бугун мумкин бўлган ҳамма нарсадан ўзим фойдаланиб қолишни, роса ҳаралла-таралла қилишни истайман. Мендан кейин қуриб, йўқ бўлиб кетсин дейдиганлар ҳам топилади.

«Бу тўғри, бу рост,— деб ўйларди Дмитрий,— инсонга яхши турмуш зарур, инсон тўқ, маданий, шод-хуррам яшамоғи керак. Бироқ ўша ҳаётга «мендан кейин тўпон босмайдими, қуриб, йўқ бўлиб кетсин» деган йўл билан эмас, бошқа йўл билан борилади. Бошқа йўлдан бораётганлар тўғрисида ҳар нарса дейишаверсин, уларни жоҳиллар, телбалар деб, истаганларича айтаверишсин,— барибир улар ўз ишларидан қолмайдилар, чекинмай олға бораверадилар. Дмитрий ўзи ана шундай одамлар сафида эканлигидан мағрур эди.

Дмитрий партияга қабул қилинган кунни хотирлади. У қасамёд этиб сўзламади, партия мажлисида гап одатдагидек меҳнатдаги ютуқлар ҳақида, унинг уставни билиш-билмаслиги устида борди. Лекин Дмитрий кўнглида шундай қасамёд қилганди. У сўз билан ифода этилмаган бўлса-да, ундан кўнгли таскин топиб, оёғи енгил кўчиб, бақувват тортган эди, ундан турмушидаги ҳар хил майда кўнгилсизликлар ҳаёт завқини хиралаштира олмайдиган бўлиб қолган эди.

Степаннинг тўйга келмаганининг сабаби бор эди. Уни ўша куни оталиққа олинган колхозга қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонт учун запас қисмлар ва материаллар олиб бориш учун жўнатишган эди. Колхоз бир юз йиғирма километрча жойда эди. Эзилган, тайғаноқ йўлдан у ерга етиб бориб, юкни топширгач дам олиб, овқатлангунча кўп вақт ўтган, қайтаётганда эса, қош қорайиб қолган эди. Аллақайси йўл айрилишида, фарларнинг ёруғида: «П. Рибакский 7 км» деб ёзиб қўйилган стрелкани кўрди. У ўша ёзувнинг маъносига дарҳол етмаган эди; икки ёки уч километр ўтгач ўзи Лея яшайдиган посёлка йўлидан ўтганини билиб қолди.

Уни кечаю кундуз қийнаётган, яшашига, ишлашига халақит бераётган изтироб, ўткир ва аламли барча мураккаб ҳис-туйғулар тўлқини қалбида яна янгидан қўзғолди. Дмитрийнинг ўша куни эрталаб: «Бугун кечаси у сенинг ёнингда, машинангга ўтирган эди» деганидан буён Степаннинг эси оғиб, ўзини қаерга қўйишини билмай юрарди. Бир гал — рўпарадан келаётган юк машинасига урилиб кетай деди; светофорларни сезмай қўйди, самосвал пачақлаб ташлашига ва ўлиб кетишига сал қолди. Ўзига нима бўлаётганини, кўнгил нима тусаётганини ва нимадан азоб чекаётганини билолмасди. Оля Величкина!.. Ўз шахрига қайтиб келиб, Степан уни қидирмади. У тирик бўлиб, ҳатто Степанни ҳамон унутмаган бўлса ҳам, бунинг аҳамияти йўқ эди. Ҳа, кўп йиллик жудоликдан сўнг у Олянинг ёнига боролмасди, борганда ҳам нима деб... У Оля ёнига нима деб боради? Хоин Власов қўшинларида хизмат қилгани-ю, дунёнинг бир чеккасида кечирган оғир ҳаётини сўзлаб бергани борадими? Келажакдаги ботирлик ва қаҳрамонликлар тўғрисидаги барча хаёллар, барча ғурурли сўзлардан кейин-а. У бунақа гапларни Оля Величкинага кўп гапирган эди-ку! Степан у билан танишиб юрган ойларда Оля уни шофер эмас, денгизчи деб биларди. У заводда ҳам ҳар доим тоҳ кўк, гоҳ оқ денгизчи кителени кийиб юриб, Оля ёнида кийиб юриш учун эса денгизчиларнинг оқ ғилофли ажойиб фураж-касини сотиб олган эди. Оля билан хайрлашар экан, албатта, порт томон кетарди. Оля уни кузатиб қўядиган бўлса, дарвозадан кемалар сари кенг одимлаб кетар, шундан кейингина чекка йўллардан юриб, шаҳарга, уйга кириб келарди. Ўзини қаҳрамонликка олар, Олянинг назарида қўрқмас денгизчи бўлиб кўрингиси келарди. Уруш арафаси, таҳликали вақт бўлиб, ўша маҳалда қўшиқларда куйлангандек, ҳаводан довул иси келарди. Шунинг учун ҳам у ўзини флот

хизматига, сув ости кемасига олишларини, бирор нарса бўлиб қолса, океанларнинг бағрида душманни тор-мор қилишини сўзларди. Биров ўша кезде Степанга унинг ҳаёти бундай бўлмаслигини айтса борми, наҳ балога қоларди... У ўшанда...

Ҳа, бардош беролмай букилган Степан ўз шахрига қайтиб келганда, Оля Величкина билан учрашишни хаёлга ҳам келтира олмасди. Оля унинг наздида олис — порлоқ ва қайтиб келмас ўтмишда яшар, хотирагина бўлиб қолган, уйқусиз кечалардаги ғамгинликдагина кўз ўнгига келар эди.

Оля бирдан яна пайдо бўлиб, яна дуч келишди, бунинг устига ўз инисига ҳам дуч келгани маълум бўлди. Бунинг ўйлаганда одамнинг юраги зирқираб жетади. Оляни ўша кунинг кечқурун кўрганидек, аввалги Оля Величкинага бутунлай ўхшамаганини кўриш бус-бутун азоб эди. Юзида бирор таниш белгиси бўлмай, бегона ва хунук, гўё у узоқ йиллар сақлаб юрган сурат бу хотинники бўлмай, тамомила бошқа бир одамнинг сурати эди.

Степан ҳеч кимга бирор айб қўймас, ҳеч кимдан хафа эмасди. Лекин унинг иши ҳам, турмуши ҳам ўша кечадан буён тобора мушкулроқ эди.

Бирор нарса қилмоқ керак эди. Эҳтимол, Дмитрийнинг олдида бориш ва тапни очти қилиш керакдир. Бироқ энг яхшиси Дмитрийнинг олдида бормаслиқдир — бу орада Дмитрий нима қилиб юрибди? У нимани билади? Тўппа-тўғри Оля ёнига бориш керак, бўладигани бўлиб ҳамма иш тамом бўлган, унинг қандай қаҳрамон бўлиб чиққани Оляга маълум, албатта.

Шундай қилиб, Оля ёнига бориш, воситачилар, учинчи шахслар билан эмас, Оля билан гаплашиш керак эди; бундай ишларда бегона одам ҳамма вақт ортиқчадир. Шундай қилиш учун эса Степанда куч ҳам, қатъият ҳам ҳамон етишмасди.

Агар «П. Рибакский — 7 км.» деган ёзувли устунча бўлганда, балки, шу зайлда яна чўзиб юраверар эди.

Степан машинани тўхтатиб, қишки тор йўлда уни орқага бураётганида устунча орқада қолиб кетганига анча вақт бўлган, олисдан шаҳар чироқлари кўринаётган эди. Қайтишда айрилишгача унчалик шошилмасдан бўлажак оғир учрашувни мулоҳаза қилиб борди. Учрашувнинг оғир бўлишига у шубҳа қилмасди.

Степан узун баракани ҳамда ўша кечаси Оля, ёки ҳозирги, Лея кириб кетган тор эшикни топди, уни ючиб, ғира-шира йўлакда аллақандай бир семиз аёлга туртиниб кетди. Величкинанинг квартираси қаерда эканини сўради. Семиз аёл уни яна бир эшик олдида бошлаб борди, тақиллатмай, ланг оч-

ди-ю: «Величина! Сени йўқлаб келишибди. Кавалер» деб қичқирди. Степан хира ёритилган хонанинг остонасидан ҳатлади ва унда олтига солдат каравотини кўрди. Ҳамма каравотларда одамлар ётишибди — биров ухлар, биров китоб саҳифасини шипдаги лампочкага солиб ўқирди. Каравотларнинг биридан рўмолга ўралиб олган озғин бир хотин турди, яқин келиб, орқага ташланди-ю, лекин ўтган сафаргидек қичқириб юбормади.

— Салом,— деди Степан.

— Салом,— деди бўғиқ овоз билан Леля.

— Сиз билан гаплашадиган жуда зарур гапим бор.

Леля тагланган валенкасини, балиқ ҳиди келиб турган эски пахталигини кийди. Кўчага чиқиб, юк машинасининг кабинкасига кириб олишди.

— Мен мотorni юргизиб қўяман,— деди Степан.— Секин юриб турсин. Йўқса совқотамиз.

Мотор юриб кетди, унинг шовқини деярли эшитилмасди, кабинка бир оз титрарди, холос.

— Оля...— деди Степан жуда узоқ жимликдан сўнг.— Бу нима бўлди, Оля?

Степан бу сўзларни айтишга кабинка қоронғи бўлганлиги учунгина журъат этди.

— Нимани айтяпсиз?— деб сўради Леля.

— Ҳаммасини.

— Степан,— деди Леля.— Нима бўлса бўлиб ўтди. Лекин бўлганича бўлди. Мени гестапода қийноққа солишганда нима тўғрида ўйлаганимни билсизми? Сизнинг суратингизни омон сақлашни ўйлаган эдим. Сиз уни менга тақдим қилган эдингиз. Ўша охириги кунда. Эсингиздан чиқдими?

— Ҳеч нарса эсимдан чиққани йўқ,— деди Степан кабинканинг чироғини ёқиб, у куртканинг чўнтагига қўл солди.

— Билмадим, сиз уни сақлаганмисиз, ё йўқми...— деб давом қилди Леля, Степан эса шу вақтда ўзининг сийқаланган кармонини олди ҳамда Лелянинг кутувчи нигоҳи остида целлафондаги суратни эҳтиётлик билан чиқарди.

Леля ўзининг суратига назар ташлаб, бир дақиқа кўзларини юмди-да, сўнгра уни Степанга қайтариб берди. Степан уни жойига солиб қўйди, кармонни куртканинг чўнтагига солди ва чироқни ўчирди.

— Шундай,— деди Леля, кабина яна қоронғилашгач,— мен бўлсам сизникини сақламадим.— Унинг овози ўзгарди.— Уруш мендан ҳаммасини, ҳатто шу картончани ҳам юлиб олди. Ҳаммасини! Сиз бунга хафа бўлманг...

— Нега хафа бўлай?

— Сизни кутмаганим учун. Лекин мен шу аҳволда сизга керак ҳам эмасман, Степан. Мен шу аҳволда ҳеч кимга керак эмасман. Сизнинг укангиз мени севмаслигини биламан. У раҳмдил бўлганидан шунчаки ачинади.

— Бу ёлғон!

— Рост. Мана агар сиз менга нисбатан ўзингизда ҳамон қандайдир туйғулар бор эканини айтсангиз ҳақиқатан ёлғон бўлади. Сурат ҳеч нарсани исбот қилмайди. Ундаги мен эмас, менинг ўтмишим. Сиз мени ўтмиш туфайли қидиргансиз. Тўғрими ахир? Мана кўрдингизми, сиз сўз ҳам тополмай қолдингиз, бунинг кераги ҳам йўқ. Ўша оқшомда мен учун ҳамма нарса сўзсиз айтилган эди. Сиз мени танимадингиз, қиёфам сизни чўчитди. Тўғри эмасми? Қўлингизни силтаманг. Мен одамлардаги бу чўчишни жуда яхши сезадиган бўлиб қолганман. Қиёфамдан деярли ҳамма чўчийди, баъзи бирлари буни яширишни билишади, бошқалари билишмайди. Сиз — билмайсиз, яшира олмадингиз.

— Оля...

— Ҳа?

— Сизнинг қаҳрингиз қаттиқ.

— Мени-я? Йўқ, менинг қаҳрим қаттиқ эмас, ҳаётнинг қаҳри қаттиқ.

Хўш, сизга нима бўлди? Нега бундай бўлиб қолдингиз?

— Нега дейсизми? Шунинг учунки, мени подпольечи деб ўйлашди. Мен бўлсам подпольечи эмас эдим. Савалашди ва иқрор бўл, деб талаб қилишди. Мен нимага иқрор бўлай? Гестапода бизнинг бир собиқ совет кишимиз бор эди. У, шерикларимни айтиб беришимга, шаҳар комсомол комитетининг секретари — Шумилов қаерда яшириниб ётганини маълум қилишимга эришмоқчи бўларди. Мен ҳақиқатан Шумиловни бир марта тасодифан кўрган эдим. У қош қорайганда бизнинг боғимиз орқали ўз уйига, онаси олдига ўтиб бораётган эди. Бизлар ёнма-ён яшардик-да. Ёдингиздами? Бизнинг уйимиз қирғоқ яқинида, ўн тўртинчи номер, боғнинг орқасидаги — уларнинг уйи, ўн иккинчи номер эди. Шундай, мен Шумиловни айтиб беришим мумкин эди — немислар бирорта қимматли маълумот беришим биланоқ мени қийнашни тўхтатишни ваъда қилдилар. Лекин мен айтмадим. Кейин, бир оз вақт ўтгач, улар бошқача қарорга келди. Улар мени жосус қилмоқчи бўлди. Фронт линиясидан ўтишим, қочоқ одам сингари қўшинларимизни кезиб юришим ҳамда қайси қисм қаерда тургани, қанча тўп, қанча солдат борлиги тўғрисида маълумот тўплашим керак экан. Ростини айтсам, розилик бермаганимга ачинаман. Рози бўлиш, фронтдан ўтиш, ўз одамларимиз олдига келиш ва ҳаммасини айтиб бериш керак эди. Лекин мен-

га бундай қилиш уят бўлиб кўринди. Мен: йўқ, совет ки-
шилари ватанга хиёнат қилмайдилар дедим.

Агар Оля шу дақиқада Степаннинг юзини кўрса эди...
Оля уни кўрмас эди, у давом этди:

— Бизнинг оталаримиз ҳам хиёнат қилмаган, дедим
уларга,— биз ҳам хиёнат қилмаймиз. Болаларимизни ҳам
шундай содиқликка ўргатамиз. «Болаларингизими?— де-
йишди менга кулиб,— масалан, сенинг болаларинг бўл-
майди...»

Олянинг товуши тинди. У узоқ вақт жим қолди. Степан
жим турмай:

— Хўш, нима? Кейин нима бўлди?— деб сўради.

— Нима бўлди?— Леля уйғониб кетгандек бўлди.—
Мана менинг болаларим йўқ. Бўлмайди ҳам.

— Нега?

— Шундай... У ерда одамларни майиб қилишни била-
дилар.

Степан эзилиб ўтирарди. У Леля билан сўзлашгани, ўзи
учун бирорта жуда муҳим нарсани аниқлаб олгани келган,
бутун ҳақиқатни билиб олмоқчи эди. Бу бутун ҳақиқатнинг
шунчалик оғир бўлиб чиқишини ким олдиндан билибди,
дейсиз? Бу ҳақиқат туфайли Леля олдида ниҳоятда уятли
бўлди. Леля ҳеч маҳал ўз довураклиги, мардлиги ва қаҳ-
рамонлигини кўрсатишга ошиқиб мақтанмасди. Степан бў-
лажак жангларга, денгиздаги артиллерия жанглари ва тор-
педа зарбаларига ишора қилганда, Оля, бу жуда қўрқинч-
ли бўлса керак, бунақасига бардош беролмасам керак дер,
ўзини қўрқоқ деб биларди. Мардлик ва қаҳрамонликлар
тўғрисида ҳадеб Степан гапирар эди. Лекин нима бўлди?

— Негадир мен ўлмай қолдим,— деди Оля, худди овоз
чиқариб ўйлаётгандек.— Мени ҳеч ким унчалик даволама-
ган ҳам эди. Ўрнимдан тургач, шунақа қўрқиничли эканли-
гимдан, ҳатто қувондим,— ҳар қалай, фоҳишахонага юбо-
ришмайди, деб ўйладим. Мен сиз тўғрингизда, Степан, ай-
ниқса, бизникилар Германияда ҳужум қилаётган маҳалда
кўп ўйладим. Мен бир кичкина фабрикада ишчи эдим,
сиз тўсиқ орқасида яшардим. Сиз пайдо бўласизу, симлар-
ни узиб ташлайсиз, деб кутардим... Сиз бўласиз...

Степан эзилган ҳолда жим ўтирарди.

— Лекин мен сизни айбламайман,— деди Леля.— У ер-
да бардош бериш қийин эди. Тушунаман.

Степан ҳеч қандай сўз тополмасдан:

— Энди Дмитрий нима бўлади?— дея олди ниҳоят.

— Нима тўғрисида сўрайсиз?

— Мен сизларга халақит бергандирман, кутилмаганда турмушингизга суқилгандирман.

— Билмадим,— деди Леля.— Мен қаёқдан билай. У раҳмдил бўлганидан мени бағрига олди дедим-ку. Эҳтимол, кўнглида энди ҳеч нарса ҳам қолмагандир. Ачиниш — муҳаббат эмас. У тез ўтиб кетади. Хайр,— деб гапни тугатди у кутилмаганда, кабинка эшигини очар экан.— Мен кетай.

— Хайр,— деди Степан Олянинг қор устидан барак эшиги томон секин бораётганини кузатиб турар экан.

У эшик ортида кўздан яширингач, газни босди, машина юриб кетди.

Йўлдан ғизиллаб борар, йўл тасмадек машина ғилдираклари остига оқиб кирарди. Бу бир зайлдаги манзарани кузатиб борар экан, кўз ўнгида Лелянинг ҳаёти намоён бўлди. Бу ҳаёт Степанга сабоқ эди. Леля бардош бергани ва таслим бўлмагани сингари, у ҳам дош бериши ва таслим бўлмаслиги мумкин эди. Эҳтимол, Лелянинг бу қатъияти жуда қимматга тушгандир? Йўқ, баҳо нима қилсин! Энди Степан мулла бўлган, баҳо туфайли одамнинг қадр-қиммати, садоқати ва номуси сақланган бўлса, ҳар қандай баҳо меёрдан ортиқ бўлмаслигини билади.

Ой қиш йўлини оппоқ ёритиб турар, йўл эса оппоқ текисликлар бағрида ғизиллаб оқиб бораётган ёрқин дарёга ўхшаб кўринарди. Йўлнинг бурилиш жойларидан бирида бир аёл турарди, у қўлини кўтариб, элтиб қўйишни илтимос қилди. Степан машинани тўхтатиб аёлни кабинага олди.

— Баракалла, жонгинам, баракалла. Иккитаси ўтти-кетди, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

— Бунча кеч қаердан қаёққа кетяпсиз?— деди қизиқсиниб Степан.

— Шаҳарга кетяпман, йўловчи машина йўлиқиб қолар, деб ўйлаган эдим, мана бу икки балохўр туширмади, бошқалари ҳамон келавермади. Станцияга бориб, поездга ўтираман. Куткига бориб, эримни кўриб келаман. Мереесов тральщиклари билан ўша ердаги ремонт заводида ишлайди. Икки ойдан буён уйга келгани йўқ.

— Демак, Рибакда турар экансизлар-а? Шу ерликмисизлар?

— Шу ерликмиз. Ота-онамиз ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам ўша ерда яшашган...

— Величкинани танийсизми?

— Лельканими? Уни ким танимайди? Ҳамма танийди. Танишингизмиди?

— Ҳа, унинг ҳаёти жуда оғир, дейишган эди. Сизларнинг олдингизга балиқ олиб келгани қатнайдиган шоферлар айтган эди.

— Бу рост гап, гражданин. У хотиннинг ҳаёти огир. Бу ҳақда турли гап-сўз юради. Айтишларича, у урушдан кейин қайтиб келибди-ю... Урушдан аввал унинг қайлиғи бир кўркам, интеллигентнамо йигити бўлган экан. Тўрт йилдан сўнг, демак, қайтиб келибди-ю: салом менинг тойчоғим, деб ўшанинг олдига бора қолибди. Тойчоқ бўлса, унинг рухсори-ни кўриш биланоқ, саломат бўлинг, сиздан ҳеч бир даъвом йўқ, дебди. Аёл шўрликнинг бошпанаси йўқ, уйини немислар ёндириб ташлаган, ота-онаси эса ўлдирилган. Қип-қизил етим. У бизнинг посёлкамизга келиб, ётоқхонада яшаяпти. Қанча йилдан буён шундай яшаяпти. У ерда бошқа хотин-қизлар алмашилиб туради, келган мавсумчилар балиқ заводида ишлашади. У бўлса алмашинмайди, шу ерда яшагани яшаган. Ҳеч бир кўч-кўрони, бирор нарсаси йўқ. Бор-йўғи уст-бошининг ўзи. Лелька ана шунақа. Шаҳарда яшагиси келмайди. Уялади. Шуниси ҳам борки, қайси бир хотин шу алпозда одамларнинг кўзига кўрингиси келсин. Хотин киши, жонгинам, ишқилиб эркаклар олдида ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бир хили — роса бадбашара бўлса ҳам, лекин гажаклар қўяди, лабини бўяйди, сумкача кўтариб олади-ю кўзи у ён-бу ён олма-кесак таради. Бу, Величкинага... Гажак билан бўёқлар ёрдам бермайди.

Хотин бир оз жим қолгач:

— Унинг қайлиғини айблаш қийин, уни айблаб бўлмайди,— деб қўйди.

— Нега энди?

— Қандай қилиб нега бўлсин, жонгинам? Нега-пегаси йўқ бунинг. Нима учун уйланади одам ахир? Хушвақт умр қилиш учун. Уки кўриш азоб, қараб бўлмайди. Йўқ, бундай бадбашара бўлиб қолиш пешонангда бор экан, бардош бер, бунга ҳеч ким айбдор эмас. Агар қайлиқ бўлмай, масалан, эр бўлганда эди. У эри ёнига шундай ҳолда қайтиб келсаю, лекин эр думини жилпанглатиб, ундан қочиб қолса, бунақада эри афв этилмайди. Эр бўлиб ҳаётда суянчиқ бўлганинг шуми ҳали? Ҳаммасидан ҳам ёмони нима? Энг ёмони шуки, гитлерчилар уни бефарзанд қилиб қўйишган, бутун ички аъзосини эзиб ташлашган-да: сен ўз рус итваччаларингни ҳеч маҳал эмизолмагин, деб кўкрагини кесишган.

Хотин Леля тўғрисида ва умуман ҳаёт тўғрисида — унинг мушкулликлари, ажойиботлари ва кўнгилсизликлари ҳақида яна узоқ вақт гапирди. Лекин Степан эшитмас эди. Кўнгли ачишар, чўлдаги аччиқ эрмам ўт сургандан бадтарроқ ачишарди.

Степан гапдон ҳамроҳини вокзал олдида туширди, аёл унга ўн сўмлик узатган эди: «Нима қиялсан,— деди Сте-

пан ажабланиб,— мен сенга афициантманмики, чой чақа берасан».— Ҳамма шоферлар олади, яна ўн сўмгина эмас— эсли одамлар бўлса кечаси бўлгани учун йигирма бешталикни юлишарди».— «Боравер, шунақа эсли одамни топганда, пулинг чўнтагингда чиқиб кетаётган бўлса ўшанга бер» деди Степан.

Степан машинани гаражга киритиб қўйди. Эрталабки соат бешлар эди. Шу пайтда тўйга бориш қаёқда. Ғаш кўнгилга тўй сиғармиди? Леля ҳамма вақт унинг кўз ўнгиде турар, унинг аёл йўловчи айтиб берган даҳшатли жароҳатларини кўрарди. Қоракўз, нозик, мулоим юзли Лелянинг гестаподчилар азобига қандай бардош бера олганига тушуна олмасди...

26

Энди дуруст чиқаётган эди. Дуруст чиқаётганлиги сира шубҳасиз. Чандиқ полотнода бўртиб турмас, кўзга ортиқ ташланмасди, у биографияга бир лавҳа бўлиб, солдатнинг жанг қилганидан, унинг уруш ўти ичидан ўтганидан сўзларди.

Виталий ишчининг қўлларини синчиклаб чизди. Бу ижодкорнинг қўллари, ҳамма нарсани уддалай оладиган қўллар, табиатни чекинтирадиган бақувват ва кўркем қўллар эди. Виталий имконият бор ўринлардан ортиқча учқунларни ва машина деталларини олиб ташлади, иккинчи план бўёқларини, фоннинг бўёқларини озайтирди, одамни панада қолдирадиган ҳамма нарсадан воз кечди. Одам йириклашиб, тўла тортди, у холстда — ғайрат, ёрқин ички ҳарорат билан яшарди. Бир гениал ҳайкалтарошдан, сиз ўз асарларингизнинг бунчалик баркамол бўлишига қандай қилиб эришасиз, деб сўрашганда, унинг жавобан: «Бир бўлак мрамрни оламану ортиқчасини ушатиб ташлайвераман» деб айтган сўзлари Виталийнинг эсига келди. Ортиқча нарсаларни чиқариб ташламоқ учун шу туйғуга — зарурат туйғусига эга бўлмоқ санъатда, чинакам юксак санъатда ғоят муҳимдир. Санъатдаги бу зарурат нимадан иборат? Ҳаётнинг миллионлаб ҳодиса ва тафсилотлари ичидан уни ажратиб олиш нега шунчалик қийин?

Искра Виталийни ҳеч маҳал бундай илҳомланган ва ҳаяжонланган ҳолда кўрмаган эди. Искра ундан хурсанд эди.

— Сен нима дейсан, Искра,— деб сўради у бир вақт,— уни,— Виталий портретга ишора қилди,— съездга атаб кўрсатса арзийдими?

— Менимча,— арзийди,— деди Искра жавобан, Виталий партия съезди арафасида эчиладиган область нафис санъат

виставкасини назарда тутганини билиб.— Шубҳасиз, арзийди. Бу сенинг энг яхши асаринг, Виталий. Балки сен бошқа-ча фикрдадирсан?

— Йўқ, менимча ҳам шундай. Лекин нимадан чўчиб турганимни биласанми? Бирдан ўша Ершов келсаю, ўзини таниб жанжал кўтарса-я. У мураккаб одам. Ҳаётни кузатишни билмайдиган бўштоб ўртоқларга у оддий бўлмаганда ҳам, ҳар нечук бир тарзи бўлиб кўринади.

— Гапинг тўғри, у оддий эмас,— деб қўшилди Искра, портретга тикилиб.— Лекин жанжал чиқмайди, қўрқма. Нодон одамлар жанжал қилишади, Дмитрий Ершов ундай эмас, у нодон одам эмас.

Искра ўз уйларида Дмитриининг портрети бўлганидан хурсанд бўлар, лекин бунинг сабабини ўйлаб кўрмасди. Виталий уни виставкага, албатта бериши керак, бу чиндан ҳам Виталийнинг энг яхши асаридир. Иш ривож топган сари, Виталий ҳам бақувват тортар, бардамроқ бўла борар, ўзига ишончи ортарди. Портрет муваффақият қозонса Виталийнинг ижодий биографиясида бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Одамлар полотно олдига қандай йиғилишини, ўз туйғуларини қайси сўзлар билан изҳор этишини Искра аниқ тасаввур этарди. Бунинг ўйлаганда қувонар, лекин вақти келиб уйда «Дмитрий» бўлмаса бир оз ғамгинлик ҳам бўлар деб ўйларди. Уйғониб, бу кўзларни ҳам, бу қўлларни ҳам кўрмайсан киши. Эҳтимол уларни абадий кўриб бўлмас: портретни Виталийдан сотиб олишлари, шубҳасиз сотиб олишлари, портретни номаълум томонга олиб кетилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ур-нига фақат пул, ҳатто жуда кўп пул қолади.

Булардан киши ҳам қуванади, ҳам қайғуради. Ҳар ҳолда Искранинг ҳаётида шодлик кўпроқ эди. Люскани яқин орада Москвадан олиб келиш мумкин бўлади, чунки уларга тез орада, худди эрта-индин янги квартира беришади. Гарчи Москвадаги каби уч хонали бўлмаса ҳам икки хонали квартира беришади. Лекин барибир яхши. Искра бу иккита хонани қандай жиҳозлашни ўйларди. Уйлари жуда шинам бўлади. Уларникига хурсандлик билан меҳмон бўлиб келишади— Москвада тўдалашиб келишарди. Москвадан яна айрим буюмларни олиб келиш мумкин. Лекин Виталийнинг Москвадаги мастерскойини обод қилиб ётган ўша яланғоч хотинни Искра зинҳор олиб келмайди, Виталийнинг ҳам олиб келишига йўл қўймайди. Виталийнинг бунга қандай журъат этганига ақл бовар этмайди... Тамомила нотанишга аёлни бошлаб келиб, уни ечинишга, бутунлай ечинишга мажбур қилган— йиртқич ҳайвоннинг терисига ётқизган... Ҳали унинг ҳар хил ҳолатларда туришини талаб ҳам қилгандир, яқин боргандир, қўл тегизиб тузатгандир. Ўша хотин билан якка қолиб, кунига икки соат-

дан икки ҳафта суринкасига шундай қилса-я. Нақадар даҳшат бу! Йўқ, бу яланғоч расвойи жаҳон ўша ерда қолади. Виталий уни бирор одамга тақдим эта қолсин.

Искра янги квартирага мебелни қандай қўйишни қоғозга чизар, бу режаларни тузишда Виталийнинг ҳам иштирок этишини талаб қиларди. Бироқ Виталий билан сира маслаҳатлашиб бўлмасди, у бўштоблик билан Искранинг ҳамма таклифларига рози бўлаверар, нуқул портрет билан банд бўлиб, бошқа ҳеч бир нарса миясига кирмасди. У оғзига бир қултум ҳам вино олмасди. Уларникига тез-тез келиб турадиган Гуляевнинг ҳам деярли ичмаётганлиги ажабланарли, у ўзи учун ёш драматург Алексахин ёзиб тугатаётган пьесани роса кутмоқда. Виталий билан Гуляев нуқул Дмитрий Ершовнинг портрети-ю, Алексахининг пьесаси тўғрисида гаплашадиган бўлиб қолишди.

Гуляев Алексахинни ҳам бошлаб келиб юрди. Анча ёқимтой йигит эди у. Лекин аллақандай жуда уятчан экан. Бунни Искра Гуляевга айтди. Жуда сурбет ва орсиз бўлгандан кўра,—деди Гуляев,—уятчан бўлган дуруст. Сурбет одамдан бир нарса чиқмайди, сурбет бўлиб қолаверади, уятчан одамдан эса ажойиб одам етишиб чиқиши мумкин. Ўз кучини сезиб олса бас. Алексахин ҳозирча ўз кучини сезмайди. Томашук унинг арзимас бир пьесасини қўяётганлигини бугун энг юксак ижодий ютуқ деб билмоқда. Янги пьеса тайёр бўлиб саҳнага чиққач, ўша Томашукнинг гапига кирганлигига ачинади, жуда ачинади. Уятдан ўлиб бўлади.

Алексахин пьесани партия йигирманчи съездига қадар ёзиб тугатиши керак эди. Бу кунга оз вақт қолган эди. Ҳамма жойларда съезд шарафига кўп ой илгари бошланган умумхалқ мусобақасига якунлар ясалмоқда. Ҳар бир область, шаҳар, корхона ва ҳар бир киши бирорта меҳнат совғаси тайёрламоқда эди. Гуляев Алексахинни роса қистарди. Томашук билан театр коллективи бу вақтга қадар Алексахиннинг аввалги пьесаси асосидаги спектаклни қўйишга шошиларди. Дмитрий Ершов ўн тонналик қуйилмаларни прокатка қилишни тўла эгаллаб олди. Чибисов завод коллективига совға тайёрлар, янги катта уй фойдаланишга топширилмоқда эди. Директор уйни яқинда бориб кўрди, қарийб ҳамма квартираларни айланиб чиқди — сув келишини, ўчиргичларнинг яхши ишлашини, деворларнинг қанчалик овоз ўтказиш-ўтказмаслигини текширди.

У кўчиб кириш учун ордер оладиганларнинг узил-кесил рўйхатини ҳозиргина имзолаган эди. Зоя Петровна қоғозларни олиб кетди, директор нарзан сувли шишани олиб, тиканакдек ботадиган вижирлаб турган сувни ичади.

— Трубкани олинг Антон Егорович,—деди Зоя Петровна, эшикни яна қия очиб.— Обкомдан.

Телефон қилган саноат бўлимининг мудирини бўлиб, у Чибисов журнални олган ё олмаганлигини сўради...У журналнинг номини айтди.

— Йўқ, олганим йўқ. Биз унга ёзилмаган бўлсак керак.

— Топ. У ерда сени танқид қилган. Қаттиқ танқид қилган.

Эндигина трубкани қўйган эди, телефон яна жиринглади. Горкомдан Горбачев сўзларди.

— Мен сени огоҳлантиргандим, Антон Егорович, огоҳлантиргандим!—деди Горбачев.— Мен беҳуда мурасасозлик қилиб, сени бюрога чақирмадим. Виговор худди совуқ сувдек эс-ҳушингни жойига келтириб қўярди. Энди ўқиб, хурсанд бўлавер.

Чибисов Зоя Петровнадан журнални топишни сўради... У ҳали заводга келмаган экан. Бусиринга телефон қилди. Бусириннинг редакциясида журнал бор эди, лекин Бусирин мақолани ҳали ўқимабди, кечқурун ўқимоқчи экан.

— Кимнинг мақоласи?—деб сўради Чибисов.

— Бир адабиётчи «Керакли фикрлар» китобининг атори келган эди, эсингдами? Ўшаники. Каттагина асар, мана варақлаялман — журналда ўттиз бетча. «Пўлат ва услуб» деб аталган.

Редакцияга курьерни юбориб, журнални олдириб келишди. Чибисов «Пўлат ва услуб» деб ёзилган саҳифани очди. У ўқир, юраги эса қисилиб борарди. Бутун мақола унга бағишланган. «Керакли фикрлар»нинг атори айтиб ёзишни биларди. Чибисов мақола саҳифаларида: ҳушимга келганини қиламан, дегувчи янгилик душмани, ўзбошимча сифатида тасвирланган эди, уни партия интизомини ҳам, давлат интизомини ҳам назар-писанд қилмайдиган тўра, деб аташган эди. Автор Крутиличнинг сарсонгарчиликлари тўғрисида об-ласть газетасида ёзиб чиққан мухбирни қувватларди, ўша мақолада кўтариб чиқилган ҳамма масалалар заводда ҳамда шаҳарда хаспўшлаб ўтилди, шаҳар комитети Чибисовга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмади, самарали меҳнат қилиши учун ихтирочига шароит яратиб беришни завод директори ваъда қилган бўлса ҳам, лекин Крутилич шу кунгача муҳтожликдан чиққан эмас, деб даъво қиларди.

«Бизнинг адабиётимизда,—деб ўқирди Чибисов,—қобилиятсиз, халқдан ажралиб қолган, оммадан ҳайиқадиган ҳозирги замон бюрократининг типи яратилган. У ўз кабинетидан чиқмайди, идораси зинапоясидан тўғри ўз машинасининг гиламига ҳатлайди-да, бориб уйининг остонасидан чиқади. У кўпдан ҳақиқий ҳаётдан ажралиб қолган.

«Ҳа, шундай бюрократ типи бор. Лекин Чибисов шундай-

ми,а?— деб сўрайди мақола автори.— Йўқ, у бундай эмас. Содда кишилар адашадилар. Чибисов эса бошқачароқ. У цехларни айланиб юради. У йўл-йўлакай кирган ҳар бир кишини экскурсиялар қилдиришга ва ҳаддан зиёд сийлашга тайёр. У ишчиларнинг квартираларига, яъни «халқ орасига» ҳам кириб туради. Тунда у мартен ёки домна цехига келиши, мастерлар ва ишчилар билан чойхўрлик қилиши, ўзини улар уйидан келтирган ноз-неъматлар билан сийлаб ҳам қўяди. У муғомбир одам, кўзбўямачиликка уста. У танқидни рад этмайди, деворий газетани кўчириб ҳам ташламайди, мақолага раддия ҳам ёзмайди. У мулоим жилмайиб туриб: «Биз бюрократларни шунақа бошлаш керак» дейди. У ҳатто матбуот сигналларига чора ҳам кўради, бировга танбеҳ беради, бировнинг пўстагини қоқди, бирор иш топширади. У танқидни оғизда эътироф этади, қутлайдию амалда бирорта тайинли чора кўрмайди — у танқидга қарши ана шундай кураш тажрибаси орттирган».

Мақолада Крутилич билан Орлеанцев ҳақида, уларнинг таланти, иш билишлари тўғрисида кўп гапирилган, ихтирочилик масалалари кўтарилган эди. Мақола бундай тугаган эди:

«Ўйлаймизки, партия съезди бундай раҳбарларга барҳам беради ва чибисовларнигина эмас, шунингдек ҳаётимиздаги шармандали ҳодиса — чибисовчилик озикланиб келган заминни ҳам қўпариб ташлайди».

Чибисовни кўп марта танқид қилишган. У ҳар ерда, матбуотда ҳам, мажлисларда ҳам, кўпгина аччиқ сўзлар эшитган. Яқинда область газетасида чиққан танқидий мақоладан ҳам анчагина ранжиб юрди. Лекин «Пўлат ва услуб» деган мақоладаги каби гапларни у ҳалигача эшитмаган эди. Бу гаплар ўзи тўғрисида эканига ишоналмас, ўзини мақолада кўрсатилгандек эси паст деб билмас эди. Йўқ, мақолада айтилган одам у эмасди. Фактлар-чи, фактлар?.. Ўша мақоладагидек, ҳаммаси ўшанақа, чиндан ҳам содир бўлган фактлар. Жуда тўғри, Крутиличга уй беришмади, янги бинодан беришмоқчи эди, бироқ негадир рўйхатларда унинг фамилияси йўқ. Афтидан, Чибисовнинг ўзи кўз-қулоқ бўлмаган, у ёқда эса, рўйхатларни тузишда қатнашганларнинг ҳар бири, афтидан, ўзлари қадрлаган ходимларни киритишга ҳаракат қилган. Бу кашфиётчини техникумда қайта ишга олишган-олишмагани ҳам номаълум. Эҳтимол, олишмагандир. Жин урсин уни, шунчалик маломатга қўйди, нима ихтиро қила қолибди у? Ахир аризигудек ҳеч нарса ихтиро қилмаган. Чибисов бу мутафаккир кашфиётчини чақириб вагон-торозулар кабинасидаги ҳароратни пасайтириш устида ўйлаб кўришини сўради-ку. Мутафаккир эса ҳеч нарсани тавсия қилмади.

Чибисов ўз умрида биринчи марта қандай йўл тутишини, нима қилишини, қўлини қаерга уришини билмай қолган эди. У эсанкираб қолган эмасди, албатта. Урушнинг бошида, Чибисов танк бригадасининг комиссари эканлигида, Чапаевнинг ҳам бошига тушган ҳодиса сингари бир ҳодиса юз берди— штаб, қисмлардан ажралиб қолиб, ўрмондаги землянкаларда турар ва ўзини қўриқлаш учун автоматчилар взводигагина эга эди. Немислар штабни топиб олиб, уни эгаллашга аҳд қилдилар. Улар ўрмонни қуршаб олдилар. Штаб землянкаларини миномётлардан ўққа тутиб, қуршовни торайтириб келавердилар. Иш қўлдан кетадигандек эди. Айрим офицерлар, ҳатто эсанкираб қолди. Лекин бригада комиссари душманга қарши қатъий зарба берилишини таъминлади. Ҳамма—солдатлар ҳам, офицерлар ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган окопчаларда доира шаклида мудофаага турдилар. Штабдаги барча қуроллардан ўт очилди. Шу маҳал радио орқали танклар чақирилди. «Ҳамма гап вазмин туриб, аҳиллик билан ҳаракат қилишимизда,— дерди ўшанда Чибисов,—қолган ишлар жойида бўлади». Мана бу ерда ҳам уни ҳамма ёқдан қуршаб, ўртага олишяпти. У қадар қўрқинчли эмас, дерди у ўз-ўзига, лекин киши қаттиқ ранжийди. Бир неча кундан сўнг журнал обуначилар қўлига тегади, заводдагиларнинг ҳаммаси ўз директорлари қандай ярамас одам эканини билади. Уни кўпдан танийдиганлар бунга ишонмайдилар, лекин журналдаги мақолани чин деб билувчилар ҳам топилади-да. Безбетнинг қиёфаси роса таъсирли қилиб тасвирланган. Ўқиб туриб, нега энди давлат бундай одамларни раҳбарлик вазифаларга қўяди деб ўйлайди киши.

Чибисов кўп нарсалар устида ўйлаб қўрмоғи керак эди. Аввало бу мақоладаги ҳақ-ноҳақ гапни ажратиб, сўнгра ишга киришмоқ керак эди. Бу сафар норозилик билдирмоқ, қатъиян норозилик билдирмоқ керак эди, албатта. Жим туриш ярамасди. Биров устингдан мағзава сочиб юборса-ю, сен индамай ўтираверасанми? Йўқ, индамай ўтириб бўлмасди.

Кечқурун Бусиринни таклиф қилди, у мақолани ўқиб чиққан эди. Дастурхон устида маслаҳатлашиб ўтиришди.

— Бир нарса бу гапларни ишқал қилиб турибди,— деди Бусирин.— Яқинда съезд очилади, у камида бир ҳафта давом этади. Одатдагидек съезддан сўнг одамлар катта ватанпарварлик ишлари билан банд бўлади. Сен норозилик билдириб, раддиялар ёзиб юрсанг қандай бўларкин, Антон Егорович.

— Демак, отангни ўлдирганга онангни бер, экан-да?

— Сен гапимга тушунмадинг. Бундай шароитда ўзингни ҳимоя қилиш жуда қийин бўлади, деяпман холос. Вақт ноқулай, билдингми?

— Эй, Антон, Антон,— деди Чибисовнинг хотини,— ўз вақтида сенга кўп айтилган, рози бўлма, директор бўлма, инженерлигингча қолавер, деб. Ишонсангиз,— деб мурожаат қилди у Бусиринга,— инженерлик вақтида мақташгани мақташган эди. Унинг тўғрисида газеталарда, журналларда ёзиб чиқаришарди. Бошқача ёзишарди, бу ердаги каби эмас, албатта.

— Ноинсофсан,— деди Чибисов.— Кўнглим шундоқ ҳам вайрон бўлиб турибди, сен бўлсанг яна... Директорликка қандай ўтганимни ўзинг биласан-ку. Биласан, ахир. Нега индамайсан, айтиб берсанг-чи Федор Федоровичга. Урушдан кейин мени чақиришганини ва қаерга чақиришганини айтиб бер? Гапирсанг-чи? Марказий Комитетга чақиришди... «Сизга топшириқ бор, ўртоқ Чибисов» дейишди.

— Сен—йўқ деб туриб олмайсанми. Сен бўлсанг...

— Ундай бўлса, партияга ҳам кирмаслигим керак эди!— деди жаҳли чиқиб Чибисов.

— Ҳадеб отнинг қашқаси бўлавермайдиган партиялилар оз эмас,— деди бўш келмай Чибисовнинг хотини.— Одамлар яшайпти, чакки яшайтгани йўқ. Сен бўлсанг ёшлигингдан жанжалкаш эдинг. Уни доим жин чалиб юради...

— Жин чалгани яхши бўлибди,— деди Чибисов кулиб.— Отнинг қашқаси бўлмаслик, қўлимдан келмайди. Атакага ҳам биринчи бўлиб борардим. Ҳечқиси йўқ, тирик қайтиб келдим.

— Сафсата бу,— деди Бусирин ҳам.— Панада бўл, ўзингни ўтга урма, югуриб етган жойга юриб етса ҳам бўлади, ўзим бўлсам бўлгани, ўз уйим-ўлан тўшагим, пешонангга ёзилгани бўлади ва ҳоказо. Жин мени ҳам ярим асрдан ортиқроқ мамлакат бўйлаб чалиб юрибди. Уй-жой ҳам, сигир-бузоқ ҳам, қўй-эчки ҳам орттирганим йўқ. Ҳаётни янгидан бошлаш эби бўлиб қолгудек бўлса — уни яна шундай, иккинчи марта уй-жойсиз ва сигир-бузоқсиз яшаб ўтказардим.

— Гапларингиз ғалати-я,— деди Чибисовнинг хотини.— Сизларга ҳеч нарса керак эмас, ейиш ҳам, ичиш ҳам, уст-бош ҳам, устингизда бошпана эмас, беғубор осмон бўлса бас. Шундайми? Нима учун революция бўлган? Нима учун беш йилликлар тузилган? Нима учун узоқ йиллар ризқимизни қийиб келдик? Наҳотки тўқ, яхши, беозор яшайдиган кунга етмоқ учун бўлмаса?

— Ҳа, тўғри, тўғри! Шундай бўлса нима бўпти?— деди Чибисов.

— Бўлар гап шуки, инсон тўқ, яхши яшагуси келса-ю, ўшанга интилса, бунинг учун уни қораламаслик керак.

— Бунинг учун инсонни ким қорлайтган экан, хотинжон? Мен ҳам оч ўтиргим ёки беиштон юргим келади, дея олмай-

ман. Менинг бунақа одатим йўқлигини биласан ўзинг. Лекин сенинг тинчгина яшаш деганингга, кечирасан мени... Мен партияга тинчимни кўзлаб кирган эмасман. Мен тинчгина яшагиси келганларни қораламайман. Хоҳлаган одам марҳамат қилиб, тинчгина яшайверсин. Лекин, марҳамат қилиб, партияга кирмасин, бошқаларнинг бетинимлигига халақит бермасин, масалан, асаларичилик артелига борсин.

— Бетинимликни яхши кўрар экансан, безовта бўлавер, олавер уни!— деди хотини стол устида очик ётган журнални кўрсатиб.— Нолима ҳам.

Чибисов чуқур тин олди, сийқа бошини кафти билан сийпалаб, совиб қолган чойни ичиб тугатди.

— Жиғибийрон бўляпман, Федор Федорович,— деди у нохушлик билан,— ичимга чироғ ёқса ёримайди.

Бусирин жўнаб кетиши билан, Чибисов дарҳол ўринга ётди, тезроқ ухламоқчи эди. Лекин ухломмади. Заводда қилган ҳамма ишларини ўйлаб кетди, ҳар бир ҳаракатига баҳо берди, бирон ишни бажарганда бюрократча бўлган-бўлмаганини мулоҳаза қилди. Кўпгина бюрократлик ҳам қилган эди. Келиб турадиган айрим одамлардан гоҳо қутулиб қолишга уринган, айрим ваъдаларини бажармаган эди, кўпгина одамларга квартира бермай қайтариб, чакки қилгандир, балки, қайтарган одамларига уй-жой бериб, бошқаларини қайтаргани маъқул эди. Ҳаммасига қўли етавермади, ҳаммасига ҳозир жавоб бўлавермади. Унинг бутун фикру ёди ҳамма вақт ишлаб чиқаришу планда бўлди, асосий эътиборини шунга қаратди, чунки тинмай тобора кўпроқ чўян ва пўлат бермоқ керак эди, кўп нарсаси, жуда кўп нарсалар — мамлакатнинг келажакига эмас, умуман бутун ер куррасида коммунизм қуриш иши ҳам шунга боғлиқ эди. Чибисов бундан икки йилча илгари ўқиган бир китобчада ёзувчи завод директорини пўлат қуйиш цехларини қуриб, лекин ишчилар учун квартиралар тўғрисида ғамхўрлик қилмагани, улар баракларда яшашгани учун роса таъна қилган эди; ўша директорни худо уриб бирдан бўрон бўлиб қолибди-ю, ҳамма бараклар босиб қолиб, уни шартта ишдан олиб ташлашибди, бунинг устига, сен бўлмағур одам экансан, деб хотини ҳам кетиб қолибди.

Чибисов эса, ўша директорнинг ҳолига тушунади. Вақт ўшандай бўлгач нима қилсин роса зўр бериб; пўлат қуйиш цехлари қуриш, мамлакатга пўлат бериш керак эди, ишчилар ҳам бунга тушунар, пўлат етказиб бериш учун ҳар нарсага тайёр эдилар. Шундай қилиб партия танлаб олган йўлнинг тўғрилиги аниқ эди. Уруш бунга кўрсатиб берди. Энди уй-жойга ҳам зўр берса бўлади. Мана заводда ҳам ажойиб уй фойдаланишга топшириляпти. Дарвоқе, ўша ёзувчи ўзи масҳара қилган директорга таъзим қилиши керак эди: ўша ди-

ректор пўлат қуйиш цехлари қуришга бунчалик зўр бермаганида бу ёзувчининг ҳозир қаерда бўлишини ким биларди дейсиз, бирорта чуқурда қуртларга ем бўлиб ётган бўлармиди.

27

Область нафис санъат виставкасининг очилишига Горбачев келди. Обком секретари ҳам келмоқчи эди-ю, Москвага, партия съездига учиб кетди.

Горбачев Дмитрий Ершовнинг портрети олдида узоқ туриб қолди-да:

— Таниш ўртоқ,— деди жилмайиб.— Қариндош,— деб қўшиб қўйди.

Айланиб чиққач, яна портрет ёнига келди-да, туриб қолди.

— Мана коммунизм қураётган одам,— деди у.— Содда ва шу билан бирга ибратли. Бундай одамнинг янги, социалистик тузум шароитидагина етишиб чиқиши мумкинлигини ибратли деса бўлади. Бу асарнинг автори шу ерда эмасми, тасодифан?—деб сўради.

Унга Виталий Қозаковни таништиришди.

— Биз сиз билан қаердадир учрашганмидик?— деди Горбачев, эслаб туриб.

— Театрда учрашганмиз. Эсингизда бўлса, сахна орқасида, артист Гуляевнинг олдида.

— Сиз билан яқиндан танишганим учун хурсандман, ўртоқ Қозаков. Сиз чуқур инсоний ва чуқур ғоявий асар яратибсиз. Сўнгги вақтда бизда бундай асарлар кам учрайди. Ё дабдабали катта расмлар ишлашга, ёки майда расмлар, рождество байрами откриткалари учун бачкана сюжетли расмлар ишлашга муккаларидан кетган эдилар. Чинакам, катта ғоялар полотноларингиздан йўқолиб кетди, рассом ўртоқлар.

Улар атрофида секин-аста одамлар йиғила бошлади—виставканинг очилишига йиғилган рассомлар, танқидчилар, журналистлар тўпланишди. Ҳамма шаҳар комитети секретарининг сўзларини эшитишга қизиқарди. Ҳар ким ҳар хил сабабларга кўра қизиқсинарди. «Ҳозир директивлар бера бошлайди. Ўзи рассомчиликдан хабардормикан? Бу ҳам баҳо берармиш! Санъат-молия плани билан шуғулланаверса бўлмайди-ми?» деб ўйлайдиганлар ҳам бор эди.

— Сизнингча бу портретда ғоя борми?— деб сўраб қолди ёш рассомлардан бири.

— Бўлмасачи!— деди тез жавоб бериб Горбачев.— Мен бу тўғрида ўз фикримни айтдим ҳам. Бу ердаги ғоя шуки, бу бизнинг ишчимиз, социалистик мамлакат ишчиси. Капиталистларда йўқ бундай ишчи. Уни бизнинг тузумимиз, революция яратган. Бу жамиятимизнинг асоси, муваффақиятла-

римизнинг ижодкори ва шу билан бирга Октябрь ютуқларининг қўриқчиси.

— Бундан чиқди,— деб яна савол берди ёш рассом,— мўй-қаламнинг ҳар бир бўёғи албатта ғоявий бўлиши керак экан-да? Сизнингча, бусиз бадиний асар бўлмас экан-да?

— Сиз қандай ўйлайсиз?— деб қизиқсинди Горбачев.

— Менми? Мен бошқача ўйлайман. Санъат кўнгилга ором берадиган, ҳордиқ чиқарадиган ҳам бўлсин, доим бирор нарсани уқдиравермасин ва нўхталайвермасин, дейман.

Горбачев ўйланиб қолди.

— Менга қаранг,— деди у.— Масалан, сиз уддабурро солдат Швейкнинг саргузаштларини ўқиганингизда дам оласизми?

— Албатта.

— Бу асарда ғоя борми ё йўқми?

— Ғоями? Бор бўлса керак, албатта... Урушга қарши, Австрия-Венгрия империясидаги тартибларга қарши ғоя, халқ ғояси, миллий озодлик ғояси бор. Лекин ғоя китобда муаллақ бўлиб турмайди.

— Хўш!..— деди Горбачев.— Демак, ғоя бору, лекин гап унинг муаллақ бўлиб турмаслигида экан. Ғоя бор, лекин шунга қарамай, китобни ўқиганда киши кўнгли ҳам баҳра олади, ҳам ҳордиқ чиқаради. Демак, кўнгил баҳра олмайдиган нарсаси ғояли эмас, нўноқлик билан кўз ўнгида ғояни яланғоч, ваҳимали скелет тарзида кўрсатишдир. Тўғрими?

— Тўғри,— деди бир неча овоз.

— Эски Россиянинг кўпгина рассомлари чизган пейзажлар ёдингиздадир, албатта,— деб давом этди Горбачев. Уларда ғоя борми ёки йўқми?

— Йўқ, уларда ғоя бор!— деди бир неча овоз.

— Мен ҳам бор деб уйлайман,— деб тасдиқлади Горбачев. —Рассом Москва атрофи манзарасининг сокин гўзаллигини кўрсатиш, рус табиатини куйлаш билан бизда ватанпарварлик туйғуларини, улуғ қудратли, ажойиб ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотади. Ватанни севингиз! деб қичқириб мумкин. Бу ватанни шундай кўрсатиш мумкинки, қичқирмаса ҳам уни киши севиб қолади. Наҳотки, бу ғоя бўлмаса, юксак ғоя бўлмаса? Мана бунга қаранглар,— Горбачев катта полотнолардан бирини кўрсатди,— бунда етти қаватли уй қурпилиши тасвирланган. Кранлар, ғиштлар, ҳовоза ҳамда комбинезон кийган ва рўмолча танғиб олган қизлар. Балангликни ҳис этиш бор. Шамол. Ҳаммаси жойида. Серқуёш. Ёрқин. Бу сизнингча, ғоявий расмми? Жим бўлиб қолдиларингиз-а. Менимча, бу ғоясиз расм. Кечирасизлар мени, балки автор шу ердадир, чунки унда умуман ҳеч қандай ғоя ҳам йўқ. Бунда яхши ниятдан бошқа — нима бор? Бўёқ берилган фото сурат-

дан бошқа ҳеч гап йўқ. Лекин мана бу прокатчининг портретига қараганимда эса ўзим мансуб бўлган партия шундай одамларни етиштирганидан ғурурланаман, шулар орасида яшаётганимдан мағрур ва бахтиёрман, бундай одамлар коммунизм қуришига ишончим комил. Буни кўриб, яшашга иштиёқим ортади, шундай бўлишини истайман. Бу — ғоя эмасми?

Нафис санъат виставкаси ҳар вақтдагидек металлургия заводи маданият уйининг спорт залида, — деярли шаҳарнинг марказида ташкил қилинган эди, гарчи кўчаларда ёпиштирилган афишалар шаҳарликларни ҳар куни кундуз соат тўртдан кеч соат ўнгача виставкани келиб кўришга таклиф этса ҳам, очилиш куни ва ундан сўнгги бир неча кун давомида залда одам кам бўлди.

— Бунга сира ажабланмаса ҳам бўлади, — деди Гуляев Виталийга. — Ғоясиз бачкана расмлар халқнинг жонига тегди, буни Горбачев тўғри айтди. Хўш нима деб ўйлаган эдингиз? Модомики, ҳамма сердабдаба иконаларни ёқтирмас экан, демак, бунинг тамомила аксини қилиб томошабинни иконалардан ётоқхонага, маишат манзараларига, бачкана расмларга бошлаш керак, деб ўйлайсизлар. Яъни, сизлар ижодкорни эмас, бинокорни эмас, обивателни, юқтобни мўлжаллайсизлар. Бизнинг театрда ҳам шундоқ, жонгинам. Миқёсдан адашиб, озчиликни кўпчилик, деб ўйлаймиз. Озчиликка ёқа бошлаймиз. Волга ва Сибирдаги гидростанцияларнинг каскадларини қураётган, қўриқ ерларни ўзлаштираётган, кўмир қазиб чиқаётган, металл эритаётганларни, шимол қишловларида ўтирган, самолёт ва автомобиллар қураётган, ер ҳайдаётган ва биз билан сенга бодринглар етиштириб бераётганларни унутиб қўя бошляпмиз. Улар учун кучга куч қўшадиган, юксалтирадиган, етакчи бўладиган, катта, гўзал ишларда кўмаклашадиган нарсалар керак. Мана энди, Витя-жон, виставкангизга одам кирмаётир. Аттанг...

Лекин улар узоқ афсуланишмади. Кундан кунга виставкага одам кўпроқ кела бошлади. Металлургия, кемасозлик, кема ремонт заводларидан, портдан одамлар келишар эди. Виставкада кўпгина яхши, қизиқарли асарлар бор, деган миш-миш тобора кўпроқ тарқаларди. Ҳозирги замон темасидаги асарлар эътиборни жалб этарди. Старший оператор Дмитрий Ершовнинг портрети тўғрисида ҳам сўзлашарди. Бу портрет тўғрисида шаҳар газетасида ёзилгач айниқса кўп гапирилди. Портрет ё ёқарди, ёки ёқмасди — ўртача фикр йўқ эди. У ҳар кимнинг эътиборини жалб этади. Бировлари рассомни койинса, бошқалари ажойиб рассом, дейишарди. Портрет олдида баҳслашншар, очиқ фикр билдиришарди. Дмитрийни танийдиганлардан айримлари: жуда ўхшайди, дейишарди; бошқалари унчалик ўхшамайди, дейишса, баъзилари эса бу асло у

эмас, шунчаки ўйлаб чиқарилган бир шахс, бунинг устига блюмингни ҳам билиб бўлмайди — бу блюмингни ёки бошқа бир нарсани, умуман блюминга ҳам ўхшамайди, дейишарди.

Бу шов-шув Дмитрийнинг ҳам қулоғига етди. Одамларга кўринишни истамаганидан Виставкага кундуз кун, очилишдан олдин келди-да, дирекцияни кўндириб, одамлардан ҳоли залга кирди. Хом сурплар тортилган фанер лавҳалар орасида айланиб юриб, портретни излаб топди-ю, унинг олдида қотиб қолди. Наҳотки у шундай бўлса, наҳотки у одамларга шундай кўринса? Уни кузатиб турган уборшчицага кўзи тушиб, портрет ёнидан нари кетди, лавҳалар орасида кезиниб юриди-да, яна қайтиб келиб, хаёл суриб туриб қолди.

— Худди сенинг ўзинг, ўғлим,— деди яқинлашиб келган уборшчица, бу сўзларни ушунчалик тўсатдан айтдики, Дмитрий чўчиб кетди.— Туриш-турмуши шундоққина сен. Бу ерга киришинг билан сени дарҳол портретдан танидим. Мен ҳам расмга тушганман. Юр, кўрсатаман,— у Дмитрийни залнинг бошқа томонига бошлаб борди. Дмитрий у ерда бу кекса хотиннинг кичикроқ нафис портретини кўрди.— Буни ўзимизнинг Маданият уйидаги рассомимиз ишлаган. Кел, Егоровна, дейди, бирпас ўтир-чи. Мени етти кун ўтқазиб қўйса бўладими. Бирпас эмиш! Сени ундан ҳам кўп тутгандир?

Йўқ, рассом Козаков Дмитрийни сира ўтқазиб қўйгани, йўқ, лекин портрет энди Дмитрийнинг ўзини ҳам ҳаяжонга соляпти. Гўё у ўзини эмас, ўздан яхшироқ, покроқ, мукамалроқ бирор бошқа одамни кўрар эди. Худди шундай бўлгнинг келади. Кампирнинг расми-чи?.. Чакки эмас, ўхшайди; ҳаммаси аслидек — нўхат гулли кофта ҳам, даҳани тагидан иккита учи чиқиб турган рўмолча ҳам, ажинлар ҳам жой-жойида...

— Сизнинг портретдаги одамингиз... келган эди. Томоша қилди,— деди кечқурун уборшчица Виталийга.

— Нима деди?

— Ҳеч нима дегани йўқ. Нима ҳам дерди? Расмини олганингизда роса томоша қилиб бўлгандир.

Шундай қилиб, Виталий портрет Дмитрийда қандай таассурот қолдирганини била олмади. Олиб ташлашни талаб қилмаганлигининг ўзи ҳам яхши гап. Виталий буни Искрага айтиб берди.

— Мен заводда ундан сўрайман, хўпми?— деди Искра.

— Албатта топиб сўра.

Искра блюмингга борди. Дмитрий уни кўриб, станни бошқа операторга топширди-да, кабинадан торгина темир майдончага чиқишди. Бу ерга темир учқунлари учиб келар ва оёқ остидаги темир устига тушарди.

— Сиз виставкада бўлдингизми?— деб сўради Искра.— Ўз портретингизни кўрдингизми? Сизга маъқул бўлди-ми? Ха-фа эмасмисиз?

— У мен эканманми?— Искранинг барча саволларига Дмитрийнинг берган жавоби шу бўлди.— Наҳотки мен шундай бўлсам?

— Шундайсиз,— деди Искра.— Шундайсиз. Портрет менга жуда ёқади!

Ўз юзидаги лаънати чандиқнинг бир соатгина бўлмаслиги учун, ўша найза зарбига қадар ўзининг қандай бўлганини Искра Васильевна бир кўриши учун Дмитрий шу онда ҳар нарсага тайёр эди... Степан туфайли Леля билан муносабати бузилгандан буён Дмитрий бу жажжигина Искра Васильевнага яна кўпроқ маҳлиё бўлди. Уни қўлига кўтариб олгуси ва олиб кетгуси келар, ҳеч маҳал ерга қўймасам дерди. Гоҳо ўзини Леля олдида айбдордек сезарди: Леляни ёлғиз қолдириш қабиҳликдир, мен ҳамдард бўлмасам унга оғир бўлади, деб ўйларди-да, Рибакка бориб келмоқчи бўларди-ю, негадир боролмай қоларди.

— Искра Васильевна!..— У яна денгиз соҳилида бўлгани сингари Искранинг қўлини ўз кафтлари орасига олди..

— Мен борай,— деди Искра, ўз қўлини бу исканжа орасидан қатъият билан секингина бўшатиб олар экан.— Мен бирров кириб чиқай деб келган эдим. Печни ташлаб келганман, уришиб беришади.— Искра пиллапоядан пастга тушиб кета бошлади.— Хайр.

Дмитрий билан учрашиш Искра учун сира оддий иш бўлмай қолди. Ростини айтганда, Дмитрий билан бирга бўлгиси, гаплашгиси, ҳатто ўша сафардагидек денгиз бўйида сайр этгуси ҳам келарди. Лекин Искра ўт билан ўйнашаётганини, бу ўтга эҳтиёт билан муносабатда бўлинмаса зўр аланга олиб кетиб, фожиа рўй беришини, Виталий билан бўлган ҳаёти ҳам. Дмитрий ҳам, унинг ўзи ҳам—ҳамма нарса ўтда куйиб кетиши мумкинлигини биларди. Бундай ўт билан ўйнашиб бўлмасди. Шундай бўлса ҳамки, биргина бармоғини бўлса-да, ўтга тегизгиси келарди. «Аммо иссиқ кунларда жўш урса меҳнат, илҳом, ёдда тутингки, ҳатто кичик соя ҳам ором!» Наҳотки Искрани шу нарса жалб этган бўлса? Йўқ, йўқ. У шунчаки альбом учун аталган шеърый эрмак эди. «Кўланка» ҳам эмас, «кичик кўланка» ҳам эмас, балки ёрқин ўт, Виталий билан шунча умр қилиб учратмаган бир олов эди бу. Бу туйғуга тушунмай бўладими? Қадимги замонлардан, тош асридан, ғорлар давридан буён одам ўтга интилмаганмиди, унинг олдида титраб-қақшаб жим қолмасмиди?

Уша огир кунларда Искра ўзига Виталий бу қадар оз эътибор берганидан жуда ўкинарди. Виталий унинг ёнида бўлиши, унинг ёлғиз қолишига йўл қўймаслиги, уни театрға, меҳмондорчиликка олиб бориши, ўзи меҳмон чақириши керак эди. У ўз хотинини унутмаганини, уни севишини билдирса экан. Бирорта гул харид қилса ҳам майлига эди... Нега бундайсан, Виталий? Виталий билан бирга кўриб келишган ўша янги квартирани зора тезроқ бериша қолса, ҳовли тўйи қилиб, бир ўйнаб-кулишарди.

Виталий эса шу кунларда ўз ишининг муваффақияти, яъни Дмитрий Ершов портретининг виставкада эришган муваффақияти таъсирида дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто Искрани ҳам унутиб юборган эди. Портрет тўғрисида шаҳар газетасигина эмас, марказий газеталардан бири ҳам ёзиб чиқди. Партия съездига бағишланиб очилган виставка тўғрисида ёзилган мақолада машҳур бир ёзувчи совет санъатининг муҳим темалари устида ишлаётган рассомлар қаторида Козаковни ҳам кўрсатиб ўтган эди.

Виталийдан ранжиб бўлмайди, дерди Искра ўзича. Ҳар нечук Виталийнинг ҳаётидаги энг муҳим нарса — унинг рассомлиги, унинг меҳнати, унинг санъатидир. Бунга ким қандай баҳо берса бераверсин. У жуда яхши кўрадиган Люськаси билан хотини Искра бўлмай қолса, ишини тўхтатармиди? Йўқ, сира тўхтатмасди. Барибир чизаверади, тирик экан, қўли мўйқаламни тута олар экан, ҳар қандай шароитда ҳам чизаверади. Йўқ, ундан ранжиб бўлмайди. Лекин бир жиҳатдан буларнинг ҳаммаси ўкинарли.

Булар устига ҳаёт Искрага сира кутилмаган бир кўнгилсизликни раво кўриб, янги уйдан унга квартира беришмади. Ҳаммаси ҳал бўлиб, ҳатто орден ҳам ёзилиб, кўчиб ўтишгина қолганда, қарорни ўзгартиришибди.

Бунини Искрага смена вақтида хабар қилишди. Аччиқланган цех касаба союз комитетининг раиси келганда Искра печь ёнида ишлаётган, горновойлар эса леткани кенгайтираётган эдилар. Раис дарҳол завод комитетига боришини, у ерда жанжал кўтаришини сўзларди. Лекин бу сўзлар Искранинг қулоғига кирмас, унинг кўзларидан ёш оқмоқда эди. Уйда бўлганида ўзини ёстиққа ташлаб роса йиғларди. У пирометрия хонасига кириб кетиб, яшил ва қизил лампочкаларни милтиллашиб, аллакимга ниманидир хабар қилаётган асбоблар орасида ўтирди, кейин юзидаги ёшларини бармоғи билан артди, унинг юзида қурум доғлари қолди. Шу орада Платон Тимофеевич, кейин цех бошлиғи келишди. Нима гап эканини билиб олишгач, икковлари аллақасерга ва аллакимга телефон қилгани кетишди. Лекин Искра ишни қўлдаи

кетган ҳисоблаб, ҳеч бир гапга ишонмасди. Искра бу квартирадан шу қадар умидвор эдики, асти қўяверинг! Бутун умиди пучга чиқди. Ҳаммаси бир дақиқада ўзгарди-кетди, бунга ҳеч ким жавобгар эмас, шунчалик дағал, бешафқат ўзгариш билан одамга озор етишини ҳеч ким хаёлига келтирмайди.

Искра уйга келиб, Виталийни топмади, уни излаб виставкага борди. Унга янги квартира бермасликларини айтди.

— Нега энди?— Виталийнинг гапидан Искра унинг унчалик хафа бўлмаганини кўрди.— Вой ярамаслар-э!

Бир минутдан сўнг Виталий аллаким билан расмдаги соя ва ёруғлик устида мулоҳаза юритмоқда эди. Искра ундан нари кетиб, диванчага ўтирди. Ўзи тиниб-тинчимеган одам бўлганидан ҳадеб қайғура беришга сабри чидамади. Унинг хаёлида дирекцияни ўз сўзи устидан чиқишга қандай мажбур этиш кераклиги тўғрисида бирин-кетин режалар туғиларди. Искра шаҳар партия комитетининг секретари Горбачев олдида бормоқчи бўлди: у шундай ёқимтойки ўзи раҳмдил киши бўлса керак, деб ўйлади. Лекин Капанинг яхши одамлар отаси ёнига келишга уялиши, банд одамга халақит беришни истамасликлари, унинг олдида асосан ўзигагина бирор нарса керак бўлиб қолган одамлар, ишқилиб ўз роҳатини кўзлаган одамлар суқилиб келавериши тўғрисидаги гапларини эслади-ю, бу режасидан воз кечди. Директорнинг кабинетига югириб кириб, унга бақириб берсаммикан, деб ўйлади. Тўғри, кимдир бир вақт эркаклар хотинларнинг ҳайқириғидан қўрқмаслигини, улар буни мазақ қилишини, йиғлаш кераклигини, ҳатто бирорта ўтакетган бюрократ ҳам аёл кўз ёши олдида чидаб туролмаслигини айтган эди. Ув тортиш бу сира тўғри келмайдиган гап эди. Агар йиғлаш билан икки хоналиккина эмас, ҳатто бутун тўрт хонали квартира олиш мумкин бўлганда ҳам, бу Искра тутадиган йўл эмас, бу йўл одамни номусга ўлдиради.

Искра Капанинг олдида бормоқчи бўлди. Лекин Искра шаҳар комитети секретарининг қизи олдида, у бориб дадасига айтади-ю, дадаси завод дирекциясининг танбеҳини беради, деб ўйлаб, кўз ёши қилиш ҳам ярамаслигини биларди. Шундай бўлса ҳам, Овражная кўчасига йўл олди.

Капа билан Андрей приёмник олдида ўтиришар ва партия съездининг кундалик ахборотини тинглашарди.

Қизиқиб тинглаб ўтирганларидан улар уйларига кутилмаган меҳмон кириб келганига ажабланишмади. Капа Искрага чой таклиф қилди: бир оз совиб қолган бўлса ҳам, дарров иситса бўлади, деди. Искра бош тортди. Ўзи шундай ажойиб келин-кўёв олдида хунук мақсад билан келганидан уялиб кетди. Ҳамма одамларнинг эътибори Кремлда бўлаётган

гапларга қаратилган шундай кунларда у, коммунист бўла туриб, квартира тўғрисида ҳиқиллаб, комсомолларга яхши ўрناق бўлса керак. Искра кутилмаганда хайрлашди, яқин орадан ўтиб бораётиб, бирпасгина, исиниб олиш учун кирганини айтди-ю, шошилганича жўнаб кетди. Шаҳар марказига иложи борича тезроқ чиқиб олиш учун ҳаракат қилиб, кўчадан қарийб югуриб борар эди. Менн Овражнаяда ёки ўша кўчага бораверишда кўриб қолсалар у ёққа нима учун борганимни албатта фаҳмлаб олишади, деб ўйларди. Кўришмаган тақдирда ҳам — барибир ёмон. Ахир Андрей эртага унга квартира беришмаганини билади-ку, унинг ўз уйларида исиниш учун кирмай, Қапага дардини айтгани келганини, Капанинг отасидан умидвор бўлиб келганини тушунади... Унда нима бўлади!..

Искранинг кетганига бир соат бўлгач, Капа тушунолмай:

— У нимага келган экан?— деб сўради.

— Исиниб олгани, деди-ку.

— Йўқ, у жуда хомуш эди. Эрини қидириб келган бўлса керак. Бундай вақтда маълум бўлган ҳамма жойларга борилади.

— Сен буни қаёқдан биласан?— деб кулди Андрей.— Сенда жуда катта оила турмуши тажрибаси бор, деб ўйлаш мумкин.

28

Бош мастер директор олдида келиб:

— Бу нима деган гап, Антон Егорович?— деди.

— Нима деяпсан ўзинг, Платон Тимофеевич?

— Мастеримиз инженер Козакованинг квартирасини олиб қўйибсизлар-ку. Бошлиқлардан бирортасига керак бўлиб қолдими дейман?

Одатда Чибисов ҳазил ёки латифа билан жавоб қиларди. Платон Тимофеевич буни яхши биларди. Чибисов, қувониб ишлаш керак, шундай қилишга ҳаракат қилиш керакки, иш коммунизм тўла қурилган вақтидагина эмас, ҳозирги куннинг ўзидаёқ роҳат бағишласин, деб юрадиган директор эди.

Бу сафар ҳазилга ҳам, латифага ҳам ўрин йўқ эди. Директор унчалик хотиржам ҳам эмасди.

— Мен нима қилай? Нима?— деб Чибисов креслодан турди-да, дераза ёнига бориб, форточкани очиб қўйди.— Эзғилашяпти балохўрлар, куйиб кетай дейсан киши.

Совуқ ҳаво ташқаридан ўзини кабинетга урди. Бунақа изғиринни нима қилади Чибисов, кабинети шундоқ ҳам совиб ётибди-ку, деб ҳайрон бўлди Платон Тимофеевич.

— Билиб қўй, Антон Егорович,— деб давом этди у,— билиб қўй, мен шикоят қиламан. Шаҳар комитетигача, область комитетигача бораман. Мана, съезд тугасин, бораман.

— Боравер!— деди Чиби́сов.— Боравер, азизим. Яхши иш қиласан.— У сейф ёнига бориб, унинг оғир эшигини шарақлатиб очди-да, ичидан аллақандай қоғозни олиб, столга Платон Тимофеевичнинг олдига ташлади.— Ўқиб кўр буни. Томоша қил.

Платон Тимофеевич кўзойнагини тақиб, министрликнинг буйруғини ўқишга киришди. У аллақандай буйруқларни бажармаганлиги учун Чиби́совга қаттиқ виговор берилганини ўқиди. Бош мастер Ершов бундан қарийб бир ой илгари ишларни аллакимга топшириб пенсияга чиқиб кетиши кераклигини, инженер К. Р. Орлеанцев завод бош инженерининг ўринбосари этиб тайинланганини ҳам ўқиди. Буйруқда Чиби́сов бу инженердан нотўғри фойдалангани, тажрибасига қараб раҳбарлик ишига қўймагани айтилган эди. Чиби́сов бир ҳафталик муддат ичида кадрлардан фойдаланишда тартиб ўрнатмаса, министрлик томонидан бўладиган буйруқ ва раҳбарликка муносабатини тузатмаса, унинг хизматга лаёқатсизлиги тўғрисида масала қўйишга қадар чора кўрилажани тўғрисида огоҳлантирилган эди.

Платон Тимофеевич буларнинг ҳаммасини ўқир ва аъзойи-баданига нотаниш кексалик ожизлиги оралаётганини сезарди.

— Кимга ва кимнинг устидан шикоят қилиб борасан?— деб сўради Чиби́сов, олдидаги одам қоғозни бир ёққа олиб қўйиб, кўзойнагини темир ғилофчасига яширгач.

— Демак, туёғингни шиқиллатиб қол, экан-да?— деди Платон Тимофеевич, лабларини пирпиратиб.— Мен бу заводни қурганман, ахир, Антон Егорович. Сен уларга нима динг? Уларнинг айтганига қандай рози бўлдинг?

Чиби́сов сейфдан яна бир қанча қоғоз олди. Булар Чиби́совнинг министрликка эътироз ва қатий норозилик билдириб юборган хатларининг копиялари эди. Платон Тимофеевич уларни ҳам ўқиди.

— Буларнинг ҳаммасини ким қияпти? Бу иш кимдан келяпти?

Чиби́сов қўлларини ёзиб:

— Ҳужжатлардан кўриб турибсанки, мен эмас. Ўша Козаковага бориб айт, квартирани ҳам менинг ёмон хоҳишим билан эмас... Бунга ҳам юқори ташкилотлардан оғзаки виговор олдим. Квартирани ўша кашфиётчи Крутиличга беришга тўғри келди. Мен туфайли номусга қолишибди, мен шунақа тўра эмишман. Козакова ҳали ёш, ҳар ҳолда унинг яхши комнатаси бор, сабр қилади. Яна уй қурамиз. Платон

Тимофеевич Чибисовнинг гапларини эшитмас, бу хабардан эсанкираган, эзилган эди. Тамом бўлибди — бош мастер Ершовнинг иши тугабди, пенсияга чиқариб юборишяпти, тажрибакорларга химия, физика, математика қонунларини билишни талаб қиладиган янги техникани ишониб бўлмас эмиш.

Платон Тимофеевич ўзини ҳимоя қилолмаслигини биларди. Бировнинг бошига бундай кулфат тушиб қолгудек бўлса унинг торкомга, обкомга, ЦКга бориши аниқ эди. Ўзи учун нолиб, шикоят қилиб умрида бирор марта ҳам бормаган эди. У ўзининг фойдали эканини, ишлаб чиқаришда зарур эканини оғиз очиб исбот қилган пайт бўлмаган эди. Бир кун унга бирдан керак эмаслигини айтадиган кун келишини хаёлига ҳам келтиролмасди. Ўн олти ёшидан буён, ўттиз тўққиз йил керак бўлган эди. Революциядан бир ярим йил илгарн отаси уни горновой бўлиши учун Юзнинг эски заводида олиб келган эди. Платон Тимофеевич ўшандан буён нималарни кўрмади, дейсиз. Ўша вақтда бунақа домналар бормиди! Улар ёнида шундай ишланармиди! Ўша вақтларда нима бўлганини билгуси келган одам ёзувчи Ляшконинг «Домна печи» деган китобини ўқисин. Платон Тимофеевич гоҳо шу китобни варақлаб қолади, айрим саҳифаларини қайталаб ўқийди, ўз ёшлигини хотирлайди. Қуйиш майдончаси — нима деган гап ўзи. Ҳозир экскурсиячилар келганда, уларга тушунтираётиб: «Қуйиш майдончаси шу бўлади» дейсан. — «Бу ерда нима қуйилади» деб сўрашади. «Ҳеч нарса қуйилмайди, шунчаки номи қолган» дейсан. Аввал қандай эди? Чўян печдан шу майдончага келарди, ариқчалар бўйлаб тарқалиб, уларда қотиб қоларди. Қуйиш майдончаси доим дуд бўларди. Ҳозир чўян печдан ариқчалар бўйлаб тўппа-тўғри чўян ташиғичларнинг ковшларига бориб қуйилади ва мартен цехларининг запас резервуари — миксерга қараб йўл олади. У вақтларда ҳеч қандай пирометрия хонаси ҳам, асбоблар ҳам, механизмлар ҳам бўлмаган. Ҳамма ишлар кўз билан ўлчаниб, қўлда қилинган, ҳатто летка ҳам қўлда очиларди...

Платон Тимофеевич Совет ҳокимияти учун домна печлари ёнидагина керак бўлибди дейсизми? Совет ҳокимияти учун кураш олиб борган чоқларда у ҳали Платон Тимофеевич эмас, Тошка эди, холос. У казаклар билан ҳам, немислар билан ҳам, врангелчилар билан ҳам жанг қилди. Ҳатто махночилар билан, аллақайси Муруся ва Санька деган аёл атаманлар билан ҳам жанг қилди. Оқ поляклар устига юриш қилди. Унинг партиявий ҳаёти дастлабки комсомол ячейкасидан бошланди.

Яйдоқ денгиз соҳилида металлургия заводи қуриш учун

бутун оиласи билан бу ёққа келган вақтга қадар кўп нарсаларни бошдан кечирган, кўп нарсалар қилган эди. Ушандан буён Платон Тимофеевич ўз заводини бошқа ишчилар ва уокуналар билан бирга Уралга эвакуация қилинган бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилда бир мартагина ташлаб кетган эди. Бу ерда узоқ умр кечирди: уйланди, болачақали бўлди, бош мастер бўлиб етишди, орденлар олди ва бошқа бир қанча ишлар ҳам бўлиб ўтди. Бу умр қандай тугаши устида ҳеч маҳал ўйламаган экан. Агар биров сўраса у: печь ёнида шундай қулаб тушаман, доктор келиб, юрагимни трубкаси билан эшитиб кўради-ю, худонинг бандаси Платон Тимофеевичнинг жони жаннатда бўлсин дейди-қўяди-да, деб жавоб берарди. Денгизчи тўшакда жон беришини тасаввур этмаганидек, Платон Тимофеевич ҳам ҳатто ўлим соатида ҳам печдан нарида бўлишини кўз ўнгига келтира олмасди.

Шундай соғлом, бақувват, сира кучдан қолмаган бир одамни, печдан, заводдан қандай ёвуз кучлар жудо қилиб, тириклайин тобутга солмоқчи?

Ҳа, у ўзи учун олишмоққа бормаслигини, уйига бориб инига кириб олган айиқдай ўтириб олишини; зерикиб, жуда соғиниб қолишини биларди.

— Қачон кўмасизлар?— деди у паст овоз билан.

— Кимни кўмамиз?— деди тушунолмай Чибисов.

— Мени қачон кўмасизлар, дейман?

— Ҳа, айтгандек бир ҳафта муддат ичида дейилган. Сен кўп ҳам чўзиб юрма, Платон Тимофеевич. Шартта қил, қўй.— Чибисов бир оз жим қолгач:— Эҳтимол, кетингдан мен ҳам жўнасам,— деб қўйди.— Далачи бўламизу, баркас топиб оламиз, балиқ тутиб, бозорда сотаверамиз. Фартуклар тутиб оламиз. Савдо қилишни биласанми Тимофеевич?

Чибисов ҳазиллашса ҳам, чеҳраси ғамгин, хаёли бошқа ёқда эди.

Завод директори ҳам худди шу: бор-йўқ нарсани куйдираётган ёвуз шамол қаёқдан эсди, деган жумбоқ устида бош қотирарди. Чибисов турмушда ҳеч бир нарса кўнглим шуни тусайди, деган тарзда бўлмаслигини, ачитиш учун фельетонларда шундай дейилишини биларди. Ҳамма нарса кўнгил тусаши билан эмас, киши хоҳиши билан бирор кимсанинг манфаати йўлида содир бўлади. Демак, бу ерда аллакимнинг нодуруст хоҳиши ишга кириб, Чибисовга нотаниш аллакимларнинг манфаати ўзаро туташган. Бундай ғалати ишларни министрликнинг ўзи қилмай, министрлик тугмаларини кимдир босган, кимдир министрликдаги тегишли тешикни топган, кабинетдаги министр олдида кимдир кира олган, тегишли папкаларга тегишли қоғозларни солиб

қўйиб, ишни тегишли тарзда «маълум қилган» ва тавсиф этган. Министр худо эмаски, улкан мамлакатнинг бу қадар улкан металлургия хўжалигини билса, ўша қоғозларни имзолаган ёки шунга розилик бергану, имзолайдиган одам дарҳол имзолаган қўйган.

Чибисов иш қулай келиб, Платон Тимофеевичга қизиқ устида ҳаммасини айтиб олганидан хурсанд эди. У бош мастерга адолатсиз зарба беришга жазм этолмай, министрлик буйруғини бажаришни галга солиб юраверар, бундан эса янги чигалликлар вужудга келиши аниқ эди. Ершов ўзи бировнинг иши билан келиб, ишни енгиллатди. Чибисов унинг ҳолатини жуда яхши англар эди. Лекин Платон Тимофеевич фойдаси учун яна нима қилиш мумкин? Бошқа бир участка, кичикроқ вазифа таклиф этсаммикан?—Бу ранжитади, холос. Пенсияга чиқиб кетаверсин. Бу айб эмаску, қонунда кўрсатилган, Конституция таъминлаб берган. Энди Чибисовнинг қўлидан ҳеч нарсаси келмайди. Министрлик мингларча километр масофада бўла туриб, ҳатто заводнинг кадрларига фармойиш қилиб ўтирса-я, шу ҳам иш бўлдимми. Ахир, у, заводнинг кадрларини яхшироқ биладику, уларни юзидан, кўзидан танийди, уларнинг меҳнатини, турмушини, юриш-туришини билади; министрликда эса уларни кўпроқ анкеталардан билишади, лекин заводдаги барча ишлар тақдирини ҳал этувчи юксак босқич ҳисобланадилар. Хўш, заводнинг ҳаёти учун бутун масъулиятни директорнинг зиммасига батамом юклаб бўлмайди (айтгандек, заводда ундан бошқа партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳам бўлиб, у ёлғиз ҳам, назоратсиз ҳам эмас), қизиқиб кетиб, бирор пачава иш қилиб қўймасин, одам боласи-да, деб бундай улкан хўжаликни ёлғиз ўзига топшириб қўйиб бўлмайди, деб фараз қилайлик,—ахир шаҳарда партия горкоми, областда партия обкоми бор, шаҳар совети, область совети бор-ку. У ерда ўтирганларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги ҳар ҳолда ақлли, билимдон, халққа содиқ одамлар-ку. Улар директор Чибисовнинг фаолиятини назорат қила олмайдиларми? Мана, балки, бу ўткир масалани съезд ҳал этиб берар. Делегатлар ўз нутқларида бумасалани ўртага қўймоқдалар. Ақлли ва тадбирли инженер Орлеанцевнинг буни тушунолмаганлиги қизиқ. Чибисов унинг «Инженернинг мактублари» деган мақоласини ўқиган эди. Мақоланинг хулосаларига қўшилмади. Мақолада кўп нарсалар тўғри, роса топиб ёзилган, Орлеанцев ўткир назари билан ажойиб фактлар топа олган. Лекин хулосаларни нотўғри, жуда нотўғри. Орлеанцевнинг фикрича, саноатни анча пухталаш учун министрликларни янада майдалаштириш, уларни икки ва уч ҳисса кўпайтирмоқ керак бўларди. Бу пух-

тароқ, ихчамроқ бўларди, албатта, лекин ғайри табиий марказлаштирув барибир қолаверар, барибир директорнинг оёқ-қўли боғланганича тураверарди.

У креслодан турган Платон Тимофеевичга яқин бориб, уни қучоқлади-да, шу ҳолда бир неча дақиқа туриб қолишди; бир-бирларига қарагилари келмасди, ўрталарида ножўяроқ нарса содир бўлаётганини, икковлари ҳам қарши чиқмай, аллақандай чучмал бир нарсага ён бераётганларини сезишар, шунинг учун бир-бирларидан уялишарди.

Платон Тимофеевич илгари ҳеч маҳал бошдан кечирмаган бир ҳолатда жўнаб кетди: у кексаларча оёқ босиб, пошналарини завод асфальтида судраб босаётганини, тиззалари оғриб, букчайиб бораётганини сезди.

Цехда у Искрани топиб, унга квартира нима бўлганини айтди. Крутиличга берадиган бўлишибди, чунки у — кашф-ётчи, қартайиб қолган, жафо тортган киши. Искра эса ҳали ёш — кутиб туриши мумкин, ҳали завод жуда кўп уй қуради. Ўйлаб, ўйлаб, ўзи тўғрисидаги гапни ҳам айтиб берди — пенсияга ҳайдашяпти, деди. Ёшим етибди — бошқа касбдагиларга қараганда домначилар учун озроқ ёш кўрсатилган-да. Не чора — қонун-да, кексаликни риоя қилишяпти.

— Сиз кексамисиз, ахир Платон Тимофеевич? — деб аччиғланди Искра.

— Оёқларимни судраб босаман-ку, тиззаларим бўлса қирсиллайди... — У оёғини йиғиб ёзган эди сира қирсилламади, лекин у: — худди тўппонча отилгандек қарсиллаяпти, эшитяпсизми? — деди.

Платон Тимофеевични кузатиб қўйгач, Чибисов Зоя Петровнадан Орлеанцевни чақиришни сўради.

— Ўртоқ Орлеанцев, — деб сўради у креслога ўтиришни таклиф этиб, — сиз завод бош инженерининг ўринбосарлиги вазифасини эгаллашга қандай қарайсиз?

— Бундай истаклар қаёқдан келяпти? — деди қизиқсиниб Орлеанцев, Чибисовни ҳорғин назар билан кўздан кечирар экан.

— Улар министрликдан келяпти, министрликдан, ўртоқ Орлеанцев, сиздан яширмайман.

— Афтидан, Николай Федорович бу ёққа жўнаб келаётганимда тажрибамга қараб ишга қўйилишимни ваъда қилганини эслаган бўлса керак.

— Эҳтимол, — деб қўйди Чибисов.

— Йўқса иш бир оз хунукроқ бўлувди, — деб давом этди Орлеанцев. — Эсингиздадир, сиз мени институтни эндигина тамомлаганларга ўхшатиб албатта участкага юбормоқчи бўлган эдингиз. Лекин мен сиздан домонгир эмасман, Антон

Егорович. Тўла келишиб ишлаймиз деган умиддаман. Мен жанжални ёқтирмайдиган одамман...

— Мен жанжални ёқтираман,— деди унинг гапини бўлиб Чибисов. Креслода ялпайиб, оёқларини ўйнатиб ўтирган Орлеанцевнинг ўзига ортиқ даражада ишонганлик ва босиқлик билан, ҳатто аллақандай такаббуруна хайрихоҳлик билан сўзлаши унга ёқмади.— Ҳа, уни ёқтираман,— деди у яна.— Жанжаллар тинчликни, аниқроғи, хотиржамликни бузади. Хотиржамлик эса— ҳар бир ишдаги энг қўрқинчли нарсадир.

— Мен бунга қўшиламан.— Орлеанцев жилмайди.— Хотиржамлик— ишлаб чиқаришда ҳам, жамият ҳаётида ҳам энг қўрқинчли ҳолат эканлигига тўла равишда қўшиламан. Лекин, кечирасиз, унга қарши жанжаллар ёрдамида курашиш кераклигига қўшилолмайман.

— Унга қарши барча чоралар билан курашиш керак!

— Айтгандек,— деди давом этиб Орлеанцев,— бундай хотиржамлик, Антон Егорович, бизнинг заводимизда ошиб-тошиб ётибди. Ишни уюштиришда, одамлар ўртасидаги, бошлиқлар билан қуйи ходимлар ўртасидаги муносабатда жуда кўп патриархалчилик бор.

— Сиз нимани назарда тутасиз?— деди Чибисов, сергакланиб.

— Аллақандай оилагарчилик ҳукм суриб, оқибати бебошлик бўляпти. Москвада, Антон Егорович, услуб бошқача. У ердаги услуб қаттиқ, амалий, аниқ.

— Ҳа, шу-да! Тап этиб буйруқ чиқади-ю, бажаравер! Қарасанг яна бири чиқиб— виговорлик ҳам бўлиб қолибсан! Бундай аниқлик ва эпчилликка қойилмиз.

— Бу сиздаги назарий тушунча, Антон Егорович,— деб Орлеанцев гердайиб жилмайди.— Сиз министрликнинг иш практикасига шўнғисангиз, бу тушунчангиз ўзгариб кетган бўларди.

— Мени бир оз шўнғитиб олишди. Раҳмат,— деди Чибисов қуруққина, у жиғига тегаётган суҳбатни тўхтатиш учун ўрнидан турди-да, қўл узатиб:— Ҳозирча, хайр. Ўз янги вазифангизни бажаришга киришаверсангиз бўлади. Сиз тайин этилганингизни бош инженер билади.

Яхши тикилган модалик шим кийган Орлеанцев оёқларини битта-битта босиб, оппоқ оқарган бошини юқори кўтариб эшик томон бораётганини Чибисов кузатиб турди. Бу одамнинг хипча, узун елкаси унга ёқмасди. Чибисовнинг назарида бу одамни хаспўшлаб турган латиф либослар олиб ташланса, либосларга яширинган кўкраги тор, ориқ, бўштоб мускуллик бир ҳашаки одам пайдо бўлаётгандек эди.

Орлеанцев эшикни очганида унинг модалик либослари охириги марта кўзга чалинди. Эшик ёпилди.

Чиби́сов кабинетни́нг ўртасига чиқди-да, рус рақсларини ижро этувчи раққосалар ўз юбкаларини ёзгани сингари, шимларини икки ёққа чўзиб, силкитди. Уни Орлеанцевнинг шимларига сира таққослаб бўлмасди. Ундан Орлеанцев учун икки жуфт шим тикиш мумкин эди. Ниҳоят, кабинет совуқ эканини сезиб, форточкани беркитди.

— Ҳар нечук жанжал керак нарса!— деди у ўзича.— Уларсиз еб қўйишади,— деди-ю, Бусиринга телефон қоқди.

Орлеанцев қабулхонага чиқиб, Зоя Петровнага энгашди.

— Зоенька, бугун кичикроқ бир қабулча уюштиргин. Олти, етти кишига. Мана сенга бир неча қоғоз. Нега сен бунча маъюссан? Ҳаётга дадилроқ қара. Ҳаёт маъюсликни ёқтирмайди.

29

Шарқ томондан совуқ шамол эсарди. Платон Тимофеевичнинг иссиқ квартираси одамлар билан лиқ тўлди. Кушеткани, барча стулларни ва ҳатто Устиновна ошхонадан келтирган табуреткаларни ҳам эгаллашди. Устиновна шунча одамни чойнакдан қондириб бўлмаслигига кўзи етиб, қўшниларидан аллакимнинг ярим челақ сув сиғадиган самоварини сўраб олди. Стол устида самовар жиғилларди; ўзига яна чой қўйиб олгани келганларнинг юзлари унинг сиртида гоҳ чўзиқ, гоҳ оғзи қулоғига етгудек, япасқи бўлиб, кулгили тарзда акс этарди; айримларнинг чеҳраси ўйчан, бошқаларники таъсирланган, учинчилариники эса хушчақчақ кўринарди.

Бир неча кундан буён заводда, цехларда яқингинада ўз ишини тугатган партия съездининг материаллари ўқилмоқда ва муҳокама қилинмоқда эди. Лекин бунинг учун цехда ажратилган вақт одамларга озлик қилиб, айрим кишилар стол ёнида, чой устида дўстона суҳбатлашмоқ учун шу тарзда уйларда ҳам йиғилишар эди. Қўшни квартиралардаги эркаклар Платон Тимофеевичникига тўпланишди. Булар орасида домначилардан бошқа— турли цехлардан одамлар ҳам бор бўлиб, кўпчилик Платон Тимофеевичнинг кекса ошналари эди.

— Одим ташлаяпмиз, кенг одим отяпмиз,— дерди мартенчи бригадир Уткин ўқилавериб уринган газеталарнинг саҳифасини стол устида текислар экан.— Биринчи беш йилликнинг дастлабки йили эсимда. Ушанда ҳам съезддан кейин... Уша қайси бир съезд эди?.. Ким айтиб беради?— деб кафтига йўталди у.— Уша съезддан сўнг, демак, ишлар роса илдамлаб кетган эди. Мен у маҳалда бақувват, соғлом бир ёш йигит эдим...

— Йўтал тинкангни қуритмасмиди?

— Йўталишим ёшим улғайганликдан эмас. Бу чекканимдан. Поликлиникамиздаги доктор опа менга: Уткин, агар чекишни ташламас экансан, яхшиси қатнамай қўя қол, билганингча даволанавер, дейди. Ундан нима кетди! Айтди-қўйди-да. Ташлаб кўр-чи!

— Шўхликдан бу!— деди бундай кенг эркаклар йиғинида аёллардан ёлғиз вакила бўлган Устиновна.— Сиз ҳамма эркакларнинг, тутун бурқситишингиз шўхликдан бошқа нарса эмас. Қайсарликдан бу, сизларга ҳамманинг: отахон, марҳаматингизни аяманг, чекманг, деб ялиниб-ёлворишдан бу! Отахоннинг димоғи эса, бу ёлворишлардан янада кўпроқ кўтарилади...

Уткин яна йўталди:

— Худди шундай, Момаҳаво ҳам Одаматони йўлдан урган экан: гап отиб, одамни йўлдан оздирган экан. Бизнинг гапимиз нима тўғрисида? Биз иш тўғрисида гаплашаётган эдик. Сен бўлсанг-чи?..— деди у.

Устиновна: нари боринглар, дегандек қилиб қўл силтади. Уткин бошини тебратиб қўйди-да, яна гапида давом этди:

— Мен ўшанда бетончи бўлиб ишлардим, биз Шарқда завод қураар эдик. Умуман олганда осон бўлмаганди. Овқат ҳам... уни санаторийдагига ўхшатиш қийин. Уй-жой бўлса... баракларда яшардик.

— Мен сенга шунақа ҳам бир гапни айтиб берайки,— деб гап бошламоқчи бўлган эди чоллардан бири кушеткада ўтирар экан.— Мен сенга бу ерда дастлабки домнани қандай қилиб қурганимизни сўзлаб берай...

— Бир сўз айтгани қўйишмайди!— деб ранжиди Уткин.— Одамларнинг ваъзхон бўлиб кетганини қаранг-э!

— Нега бўлмаса сен гапни еган емишингдану, турган жойингдан олиб кетдинг... Бу ишларга анча вақтлар бўлган-ку!

— Муҳим вазифалар устида бунда нима дейилган, улар нимадан иборат?— деди Уткин газетани силталаб.— Шундан иборатки, қулоқ сол,— у секин ва дона-дона қилиб ўқий бошлади,— оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техникани узлуксиз тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш негизда халқ хўжалиги барча тармоқларининг янада кучли суратда ўсишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қатъий равишда юксалтириш, ҳамда шу асосда совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини анча кўтаришга эришмоқ керак. Тушунарлими? Мен гапни шунга олиб келяпман. Шунинг учун ҳам овқат тўғрисида, уй-жой тўғрисида эслаб ўтдим. Асосий нарса бу, давлатимизда қилинаётган ҳамма ишлар шунинг учун-

дир, одам яхши, мўл-кўлчиликда яшасин, шод-хуррам бўлиб, маданий ҳаёт кечирсин, кўнгли истаганини есин, буржуазия яшагандан кўра яхшироқ яшасин, деб қилиняпти.

— Федя,— деди Устиновна,— мен бир куз куни бозорда балиқ сотиб олаётган эдим. Менга уни аллақайси бир қадимги журнал қоғозига ўраб беришди. Қоғозда расм бор экан: тўла ҳарбий формада сураатга тушган Николай иккинчи турибди, ўчинг ёнида эса автомобиль. Подшоҳники! Ўша подшоҳ автомобилени сенинг Дарья билан ўтган йили сотиб олганингиз ёнига қўйиб, уларни солиштириб қаралса — сеники олдида Николанинг шалоқ араваси уч пуллик гап бўлиб қолар экан.

Ҳамма кулиб юборди. Уткин ҳам кулди: ўзининг яшил «Победаси» эслатиб ўтилганидан мамнун эди.

— Сен гапни қаёққа бурыпсан?— деди Уткин.— Гапингда бирор яширин маъно борми дейман.

— Унчалик эмас,— деб жавоб берди Устиновна.— Худо ярлақаб, шундоқ ҳам яхши яшаймиз, сен бўлсанг сира тўймайсан. Очкўз бўлиб қолибсан, Федя.

— Бўлди, амма!— деди ҳамма вақт жим турган Платон Тимофеевич. У чойга қўл ҳам тегизмаган эди, дераза ёнида туриб, совуқ пайдо қилган нақшлар орқали кўчага, учқунланиб ёнаётган фонарь чироқларига қарарди.— Федянинг айтаётганлари тўғри. Ярим оч ҳолда ҳаёт бошлаганимиз рост. Бараклардагина эмас — ертўлаларда яшаганмиз. Ҳаммасини бошимиздан кечирдик, камаримизни сўнгги тешигига тортиб боғлаган эдик... сўнггисидан нариги томонига қаратиб яна янгиларини ҳам очган эдик. Нима учун? Шунинг учунки, рост, жуда рост айтдинг Федя!.. Меҳнаткаш инсоннинг тўқ ва усти бут бўлиши, сира муҳтожлик кўрмай, мўлкўлликда яшаши учун.

— Ҳай, ўйноқлаб кетдинг-а!— деди Устиновна ҳатто қўллари билан яниб.— Иккалови ёпишса-я. Гўё мен уларнинг бош рақибидек. Худди мен уларнинг планларига халақит бераётгандек. Уятингиз йўқ сизнинг, вассалом!

— Ҳа, дарвоқе,— деб бошлади, дастлабки домна печи қурилиши тўғрисида сўзлаб улгурмаган чол,— дарвоқе, қишлоқ хўжалиги устида... Уни қатъий юксалтириш кераклиги... Ёзда қишлоққа оғамникига меҳмондорчиликка борган эдим,— турмуш, сизларга айтсам, бундан икки йилча илгари бўлганидан ўзгача. У маҳалда қишлоқдан шаҳарга югуришарди. Мана энди қайтиб ҳам боришяпти.

— Федор гапини тугатолмади,— деб гапга аралашди слесарь Башликов, бўшатилган чашкани четга суриб, мўйлови-ни артар экан,— Федор эса бўладиган гапни сўзлади. Яна

яхшироқ яшашимиз ўзимизга боғлиқ... Бардамроқ ишламоқ керак... Ишчилар синфи доғда қўймади, деб ҳисоблайман. У партияни ҳеч вақт доғда қўйган эмас. Съездан сўнг кенг олим ташлаймиз, рост гап бу. Асосий гап шундаки, кимдан сўрамагин, ҳамманинг ҳам ишлашга шунчалик иштиёқи зўрки...— У келишимлик сўз тополмай, папирос чека бошлади.

— Ҳалигиндек хато, камчиликлар тўғриланиб кетади,— деди Уткин.— Партия билан биргаликда бир зўр берсак, ҳаммаси саранжом топади. Бизларни ҳеч қандай хатоликлар тўхтата олмайди. Бизни тўхтата оладиган куч дунёда йўқ.

— Уларнинг қанчадан қанчаси тўғриланиб ҳам кетди-ку,— деди Бошликов папиросини тутатар экан.— Қишлоқ хўжалигида ҳам... Бу ҳақда ҳозир айтиб ўтилди. Қонунчилик бобида ҳам. Умуман олганда. Зўр берсак — улардан ном-нишон ҳам қолмайди. Бугун бизда биттаси: ана, ундау бундай, кимга ишонин керак, деб қулоғимга пичирлаб қолди. Мен эсам унга: партияга ишон, янглишмайсан, дедим. Шов-шув кўтариб юрма. Бундан ўта ишларни ҳам ўринлатганмиз. Гитlernи тор-мор қилдик. Сен нима деб ўтирибсан? Тинчгина ишлайвер, планни бажар.

Платон Тимофеевич ҳамон дераза ёнида турар, мўйловининг учини чайнади. Кўнгли нотинч эди. Мана дўстлар съездда қилинган докладни, съезд қарорларини, ажойиб нутқларни муҳокама қилмоқда, бундан буён қандай яшаш ва ишлашларини режаламоқдалар. Ўзи, кекса домначи Платон Ершов-чи? Унинг режалари қандай? Партияга буюк вазифаларни ҳал этишда нима билан ёрдам беради у? Платон Тимофеевич цехга қатнаб турибди, ўзининг пенсияга чиқарилаётганини Искра Васильевнадан бошқа ҳеч кимга ҳали айтгани йўқ, унга ҳам жаҳл устида айтиб юборган эди. Лекин сўнгги кунлар қолган эди: яқин орада буйруқ эълон қилинади-ю, ўртоқлари ҳамма гапни билиб олишади. У кетиб, улар қолишади. Планларни усиз бажаришади, усиз металл қуйишади, янги ҳаёт барпо қилишади. Унинг ҳаёти-чи—наҳотки тугаган бўлса?

Гўё турткидан Платон Тимофеевич ўзига келди.

— Бу сенга тегишли гап, Платон Тимофеевич,— деди Уткин.— Тамоман ва бошдан-оёқ сенга тегишли. Эшитяпсанми, докладда нима дейилганини? Бундай дейилган, ўқийман: «Қора металлургия юқори суръатлар билан ривожланаётганига қарамай, бизда ҳамон металл етишмовчилиги сезилмоқда. Бунга ҳалқ хўжалигининг металлга бўлган эҳтиёжи тез ўсиб бораётганлиги, шунингдек»... Мана қулоқ сол, қулоқ сол!.. «Шунингдек бизнинг металлургияларимиз металлнинг ҳалқ хўжалиги учун энг тежамли зарур профиль

ва янги хилларини ишлаб чиқаришини сушт эгаллаётган-ликлари сабаб бўлмоқда». Тушундингми?

Платон Тимофеевич индамади.

— Ана, янги профиль ва хилларни эгалла,— деб қўшиб қўйди Уткин.

— Бун сен менсиз қилавер,— деди-ю, Платон Тимофеевичнинг овози титраб кетди.

Бу одам ҳазил қиляптими, деб ўйлаб ҳамма унга ўгирилди.

— Бу қанақаси сенсиз?— деб сўради Уткин.

— Шундай. Пенсияга чиқаришяпти.

— Вой ўлмасам!— деди Устиновна.— Нега энди сен индамай юрибсан? Укаларингга билдирмайсанми лоақал. Маслаҳат сўрасанг бўларди.

Дераза ортида шамол увиллар, фонарлар теварагида совуқ тўзон учқунланарди.

— Шундай вақтда!— деди ранжиб Башликов.— Шундай ишлар бўлиб турганда-я! Сенсиз қандай бўлди энди, Тимофеевич? Сенсиз мумкин эмас. Сен қўй бун!

Платон Тимофеевич стол ёнига келиб ўтирди, чашкасини самовар жўмраги тагига суриб, жўмракни бураган эди, сув тушмади—ичиб бўлишган эди.

— Уни қуйиб тўлдирса бўлади,— деди у хомуш жилмайиш билан.— Самоварни... одамничи... агар қайнаб битган бўлса? Одамни қуйиб тўлдириб бўлмайди.

И К К И Н Ч И Қ И С М

1

Март ойи бўлса ҳам қиш шаҳдидан қайтмаган, қуёш тушган жойда бўғотлардан чак-чак сув томчиласа ҳам соя жойда совуқ эди. Ҳар йили шу пайтда ғоз ва турналар денгиз устидан шимолга учар, новдалар баргак ёзар, чуғурчуқ ва чумчуқлар ин талашиб олишар, чўлда дастлабки тўрғай сайраши эшитилар, колхознинг балиқ овлаш қайиқлари эндигина муздан тозаланган тўлқинларни ёриб, синовига чиқар, МРС¹да ремонтдан чиқарилган кемаларнинг моторлари юргизиб кўрилар эди.

Бироқ, бу йил турналарнинг чуруқлаши ҳам, ғозларнинг ғағиллаши ҳам эшитилмас, қайиқлар ҳамон соҳилдаги бостирмалар остида турар, қорамоё ҳиди келар, болғалар тақилларди, совуқ бўлгани учун ремонт тўхтаб қолган эди.

Яшил тусдаги совуқ денгиз нотинч эди. Икки кун давом этган довул музни парчалаб, унинг бир қисминини очиқ денгизга суриб кетган, бир қисминини соҳилга улоқтириб таш-

¹ Машина ремонт станция.

лаган эди. Муз парчалари уюлиб ётар, баъзи жойларда уларнинг баландлиги уч қаватлик уйга тенг келарди. Леля, балиқчилар: «куфайка» деб атайдиган пахталик камзул, сирма шим, оёқларига бир неча қават қалин пайтава устидан резинка этик кийиб, ҳаво очиқ кунлари эрталаб муз уюмлари олдига чиқар, кўпикланиб турган денгиз устидан олисларга тикиларди; шамол юзга қаттиқ урилар, сиртига брезент қопланган мўйна қўлқоплар билан юзни тўсмоқ керак эди.

Леля ғамгин эди. Унинг ҳаётидаги бутун хушвақтлик узил-кесил барҳам топган эди. МРС директори ҳам, партия ташкилотининг секретари ҳам, бошқа одамлар ҳам унга хоҳлаганича ёрдам беришни бир неча йилдан бери таклиф этишар; мудом ётоқхонада яшаш сизга балки оғирлик қилгандир, алоҳида хона олиб беришимиз ҳам мумкин, нима бўлганда ҳам, қадрли, доимий кадримизсиз, балки ўқишга боргингиз келар, хоҳласангиз моторист бўлиб, ҳатто кема мастери бўлиб чиқишингиз мумкин, дейишарди.

Йўқ, у ўқишга бормайди, ўқишга бориш — янги одамлар орасига, янги шароитга тушиб қолиш деган гап, яна назар солишди, яна бошқатдан кўникиш, бошқаларни ўзига ўргатиши керак бўлади. Алоҳида хона-чи? Уни нима ҳам қилади? Ёлғизликда ҳаёлингга ҳар хил нарсалар келади. Одамлар орасида бўлган яхши... Унга ёрдам керак эмас. У ғамхўрликлардан жуда миннатдор. Энди унга ҳеч ким ёрдам беролмаса керак.

Леля Дмитрийнинг ёнига қатнаб юрган чоқларда Овражнаядан чиқиб кетадиган якшанба оқшомидан яна у ерга борадиган шанба оқшомигача бўлган вақт қанчалик тез ўтганини сезмай қоларди. Ҳозир эса бу вақт секинлик ва ғамгинлик билан ўтишидан ташқари, шундай жойида тўхтаб қолгандай эди. Вақт қўзғалмас, унинг борадиган жойи йўқ: олдинда йилт этган бирорта ҳам манзил йўқ эди.

Дмитрийнинг бошқага уйланишини, унинг: «тасодикий ва кераксиз дугонам, кечир энди, яхши қол, ёмонлаб тилга олма, дейишини Леля ҳар доим кутиб юрарди. Энди ўша айтгани келди-ю, гўё қалбига аллақандай бир совуқ ва оғир нарса урилгандек бўлди. Бундай фалокат қаёқдан келақолди — уни рассомнинг хотини инженер Козаковами, ёки Дмитрийнинг акаси — Степан бошлаб келдими? Тақдир Степанни қайтариб, аллақачон ўтиб кетган, алам-ситаб бериб бўлган, бошдан кечган ўтмишини эслатиб нима қилар экан? Ҳамма нарса ҳам қайтиб келавермай, қайтмаслари ҳам бўлади-ку. Степаннинг қайтмас бўлиб қўя қолгани дуруст эмасмиди. Леля Дмитриини учратгунча бу

одам учун қалбида озмунча ишқ-муҳаббат асрадим, унга бўлган ҳис-туйғуларини озмунча азоб-уқубатлардан олиб ўтдим... Яхши ҳам Дмитрийни учратган экан, шу алпозда Степанга керак бўлармиди? Степан чўчиб тушиб, кўчадаги айрим одамлар каби Леляга қўрқиб қаради. Тагин Лелянинг суратини чўнтагида сақлар экан. У тамомила бошқа Леляни, Леляни ҳам эмас, балки Оляни, Оленька Величкинани асраб юрибди. Оленька Величкина эса йўқ бўлиб кетган, немислар оёғи остида чил-парчин бўлган. Леля фарзандлик бўлганида ҳаётидаги ҳамма нарса анча ўзгариб кетган бўларди. Қизми, ўғилми ишқилиб фарзанд бўлгани дуруст бўларди, Леля унинг учун она, аввалгидек гўзал она бўларди, албатта. Жаллодлар ҳаммасидан, — ўтмишдан ҳам, ҳозиргисидан ҳам, келажакдан ҳам маҳрум қилдилар. Дмитрий бўлса: тақдир сен ишонган бир нарсадир, ишонган нарсанга эришасан, нимага интилсанг, ўшанга албатта эришасан, дейди. Йўқ, Дима, бундай эмас. Тақдир сенга боғлиқ эмас, Тақдир — ғоят мудҳиш бир нарса. У одамнинг устида, атрофида бўлса бордир, лекин унинг ихтиёрида эмас.

Леля кўзини юмиб хаёлида доим Овражнаядаги уйни, Дмитрийни кўрар, унинг қўли, ҳароратини ҳис этарди-да. ўзини қўярга жой тополмасди. Леля дўконга бориб, бир шиша ароқ сотиб олар, хонадаги қўшниларига билдирмай деярли ҳаммасини ичарди-ю, ўзини тўшакка ташларди; тагидаги тўшак баркас сингари чайқалар, Леля эса тўлқинлар оша сузиб борар, Дмитрий сари сузиб бораётгандек бўларди. Лекин сузиб етмай, ухлаб қоларди. Эрталаб боши оғриб, муз уюмлари томон, юзни чимдилайдиган муздек шамол сари рўпара чиқар, яшил олисларга тикиларди...

Шанба кунларининг бирида Леля шаҳарга тушиб, Овражная кўчасига борди. У эшик танбасини тақиллатмай секингина очишни биларди; у эшикни товушсизгина очди-да, тўр парда орқали қарашга тиришиб, дераза ёнига борди. Кулбада музика эшитилар — приёмник қўйилган бўлиб, чироқ равшан ёнар, шу ёрунда Андрей билан Капа хона ўртасида танца тушмоқда эди.

Дмитрий йўқ эди. У, Степаннинг гапига қараганда, яна катта акасиникида турган бўлса, кулбада бўлиши ҳам мумкин эмасди. У ҳозир, балки, Платонникида ҳам эмасдир?..

Леля рассом Козаков яшайдиган уйни қидириб нари бораверди. Унга Козаковнинг Пароходная кўчасида турishi маълум бўлса ҳам, лекин қайси уйда туриши номаълум эди. Қимсасиз кўчанинг ўртасидан борди, иккинчи ва учинчи қаватларнинг деразаларига қарашга (бу кўчада уч қа-

ватдан баланд уйлар йўқ эди) ва расмларни кўришга интилиб, уйларни бирин-кетин кўздан кечира борди,— рассомникида ҳамма деворлар, албатта расмлар билан тўла бўлади, деб ўйларди у. Бироқ ҳеч нарса кўрмади, ўша уйни ҳам тополмади. Кейин Платон Тимофеевичникига йўл олди. Платон Тимофеевич заводда эди. Устиновна чой қуйиб берди-да, Платон ҳозир ишсиз бўлиб, пенсияда эканини, лекин заводдаги партиявий ишларини битирмаганини, ҳозир цехда партия мажлисида ўтирганини — партия съезди қарорини қандай қилиб яхшироқ бажаришни муҳокама қилаётганларини сўзлаб бера бошлади. Иккинчи марта муҳокама қилишяпти, планга режа тузишяпти. Платон бу муҳокамалардан хуноб бўляпти, холос, муҳокама қилишга-ку қилипти-я, лекин иш қилишга келганда бошқалар, усиз қилишади. Тажангки, асти қўявер, гўё бирор урядникдек сўкингани сўкинган.

Лея Устиновнанинг гапларига бош ирғатиб, хонани кўздан кечирар, Дмитрийнинг бу ерда турган ёки турмаганини билишга ҳаракат қиларди. Устиновна унинг фикрини билгандай: «Яна мана бу ташвишни айтмайсанми,— деди,— Дмитрий бизникида турарди, Овражнаяга кўчиб кетди. Ҳарнечук ўз туғишгани бағрида бўлса, Платонга енгил кўчарди. Дмитрийнинг қандай портретини ясаганини қара». Устиновна этажерка устидаги портретлар галлереясини кўрсатди. Галлереяга Дмитрийнинг станда ишлаб турган чоғидаги рангли сурати қўшиб қўйилган эди. «Фото сурат деб ўйлайсанми?— деди Устинова.— Бу портретдан кўчириб босилган. Портретнинг ўзи каттакон. Уни виставкага қўйишган. Олдида халойиқ уймалашибди». «Виставка ҳали очиқми?» деб сўради Лея. «Ким билади дейсан уни, билмадим». Лея фото нусхани узоқ томоша қилди, гоҳ олислаб, гоҳ унга жуда яқин келиб туриб қоларди. Ҳа, бу Дмитрий эди, Лея доим кўриб юрган, севган, шўх, ўйноқи, денгизда сузганда тушига кирадиган ўша Дмитрий эди.

Лея Устиновна билан хайрлашди, совуқ шаҳарда яна бир оз кезиб юрди, рассомлар виставкасининг аллақачон ёпилганини билди-да, йўловчи машина учратгани шаҳар чеккасига чиқиб кетди.

Эртасига, якшанба куни Дмитрий кутилмаганда хоната кириб келганида Лея каравотга ўтириб олиб, ўзининг аллақайси кийим-бошини ямаётган эди. У қўлидаги ҳамма нарсаларни игна ва қайчи билан бирга ёстиқ остига тикди-ю, ўрнидан турмоқчи бўлиб, туролмади: оёқлари гўё жонсиз эди.

— Салом,— деди Дмитрий, қўлини узатар экан.

— Салом,— деб қўлини узатди Леля.— Утир. Бу ёққа, ёнимга.

Дмитрий теваратига қаради,— Лелянинг аллақандай ямоқ-яскоқлар билан банд бўлган қўшнилари афтидан ундан ийманарди.

— Юр,— деди Дмитрий,— денгиз томон бора қолайлик. Бир оз айланиб келамиз.

Бахтларига шамол тиниб, ҳатто бир оз илиқ сезилмоқда, муз уюмлари остидан ҳўл доғлар силқиб чиқмоқда эди. Дмитрий ғирчиллаётган қумга оёқ босар экан. Лелянинг турмушини, унга бирор нарса керак эмасми эканини сўради. Пул қарз бериб турайми, деди. Дмитрий паришонҳол бўлиб, унинг нима учун келганига ҳам тушуниб бўлмасди. Раҳми келдимикан? Хўш, раҳми келган бўлганда ҳам — бунинг ажабланидиган жойи бормиди? Унинг Леляга ҳаммавақт раҳми келиб юрган. Илгари ҳам ачинарди, мана энди ҳам ачинмаяпти — ҳеч бир ўзгариш йўқ. Ҳар қалай нечук кўнгил бунчалик сиқиларкин? Искра ундан жуда муҳим бир гапни билиб олиши керак эди. Ўзики келибди, албатта сўраш керак. Лекин бундай суриштиришларга Леля журъат этолмасди.

— Тўхтаб тур, Дим, мен ҳозир келаман,— деди Леля.— Шу ерда айланиб тур,— деди-да, бараклар томон югуриб кетди. У қайтиб келганда, Дмитрий ундан ароқ ҳиди келатганини сизди, унинг юзидаги чандиқлар қизариб кетганини, қуралай кўзлари чақнаётганини кўрди.

— Бу нимаси Леля?— деб сўради у таъна қилиб.

— Бори шу-да, Дима?— деди Леля.— Шу-да қолгани,— деди совуқдан елкаларини учуриб,— сен уни севасанми?

— Қимни экан?— Дмитрий тўхтаб қолди.

— Инженерни. Рассомнинг хотинини.

Дмитрий ҳайратда қолди. Бу савол унинг олдида биринчи марта пайдо бўлган эди. У бунинг ҳатто ўзидан ҳам бирор марта сўраб кўрмаган эди.

— Нима деяпсан?— деди у чўчиб.— Қимни дейсан? Нималар деяпсан ўзинг, Леля?

— Ҳа, шундай, у ўшани:— инженерни, рассомнинг хотинини, муъжазгина Искра Васильевнани севади, бу нарса унга шу жойда равшан бўлди.

Дмитрий бўйинини бўғиб турган шарфни бўшатди. У эсанкираб қолиб, бирорта ҳам сўз айтолмасди. Ўзига Искра Васильевна керак экан, нега энди Леля ёнига йўл олади, нега энди? Бунга тушуниб бўлмасди. «Лелька!— деб қичқиргуси келарди унинг.— Менга нима бўлаётганидан ақалли сен хабар олсанг-чи. Маслаҳатинг, маъноли сўзинг

билан кўмак берсан-чи». Дмитрий барча пинҳон орзуларини, сири асрорини кўп йиллардан буён Лелягагина ошкор этарди, шу одати унга азоб бераётган, унга жуда керак бўлса-да, лекин уни, афтидан сира орзуламайдиган ўша аёлдан шикоят қилиш учун яна Леля олдига бошлаб келган эди.

— Жим қолдингми?— деди Леля.— Жавоб бермасанг ҳам бўлади энди. Хайр, Дима, хайр!— У денгиз ёқалаб, муз уюмлари орқали, музлаган қум устидан туртиниб, тойиб югургилади. Дмитрий унга етиб олди-да, елкасидан тутиб тўхтатди. Леля огир нафас олар, энтикарди. Нима қилишларини билмай, шу ҳолда туриб қолишди.

— Бор уйга.— деди Дмитрий.— Совқотасан.

Леля ўзини четга олди, у ҳамон нафасини ростлаб ололмасди.

— Лель, синглим эмаслигингга жуда ачинаман,— деб қўйди Дмитрий.

Леля унинг олдида боши ва қўлларини қуйи туширган ҳолда турарди. Жавоб бермади.

Дмитрий уни елкасидан қучоқлади-да, посёлкага бошлаб кетди. Барак эшигигача кузатиб боргач:

— Яна келиб хабар оларман. Истасанг, ўзинг бор. Келин-куёв қолди. Борасанми?— деди.

Леля бораман, дегандек бош иргатди.

Йўловчи машиналар йўлиқмай, Дмитрий эриган асфальт йўлдан одимлаб борарди. Турмуш кўнгилсиз бошланмоқда, у коммунизм қурувчи бўлатуриб, ўз турмушини туза олмасди... Кўз ўнгида Искра Васильевнани кўрди, унинг съезд иши тугаганлигига бағишланган умумзавод митингидаги сўзларини яна эшитди. Инженер Козакова қизгин, соддагина сўзларди. Искранинг сўзларини эшитиб турди-ю, гўё буларнинг ҳаммасини у аёл эмас, ўзи сўзлаётгандек бўлиб туюлди. Агар сўзга чиққанида, бундай сўзларни топа олганида Дмитрий айнан шундай деган бўлар эди.

Искра Васильевна, съезд белгилаб берган коммунизмга бориш программаси тўғрисида, съезд қарорларидан кўтарилган халқ ташаббуси ҳақида, ишлаш, меҳнат қилиш иштиёқи тўғрисида, кишилар биздан сўнг қўшиқлар куйлаб, дostonлар ёзадиган ҳаёт қурилишида қатнашиш завқи ҳақида сўзларди. Искрани бош инженернинг янги ўринбосари Орлеанцевдан кўра кўпроқ олқишладилар. Лекин, ростини айтганда, Орлеанцевнинг нутқи Искра Васильевнанинг нутқидан кўра жиддийроқ, асослироқ эди.

Бош инженернинг бу ўринбосари тўғрисида сўнги вақтда заводда кўп гап-сўз юради. Раҳбарларга тинчлик бер-

маяпти, кўплаб турли хил такомиллашлар таклиф қилди, директор билан олишиб юрибди, дейишади. Орлеанцевга иши тушганлар эса: ҳар бир ишни ипидан-игнасиғача билади, тезда, эпчиллик билан ёрдам бера олади, ташаббусни қўллайди, деб уни мақташади. Лекин Платон уни нуқул қийийди. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси, яъни Орлеанцевнинг янгидан тайинланиши-ю, Платоннинг пенсияга чиқиши бир буйруқда бўлганлигидан қийийдигандир. Лекин Платоннинг жим қолавериши беҳуда. Ишлашни хоҳлаган одамга ҳеч ким халақит бермайди. Уйда ўтиравериб, зорланавермаслиги, ўзи учун курашмоғи керак. Ҳар учрашганларида айтишиб қолишарди. Платон: сен ёшсан, менинг ёшимга киргин ҳали, деб бақирса, Дмитрий, ҳар қандай ёшда ҳам қийинчиликлардан чўчиб ўтириш ярамайди, деб жавоб қиларди. Платон инженер Козакова партия шаҳар ва область комитетларига хатлар ёзмоқчи эканини, унга қилган муомалаларидан Искра ранжиб юрганини айтиб берди. «Сен-чи?—деб сўради Дмитрий,—Сен тегишли жойга ёздингми? Норозилик билдирдингми?»—«Менинг ёшимга киргин ҳали,—деб тўнғилларди яна Платон,—ёшсан, шунинг учун ҳам қизишасан».

«Искра Васильевна! Искра Васильевна!» дерди хаёлида Дмитрий, қадам ташлаб борар экан. Унинг исмини айтиш Дмитрийга ёқарди. Шу дақиқада Искра Васильевна бирдан унинг олдидан чиқиб қолса, у Искра Васильевнага яна нима дея оларди? Ушанда ҳам, афтидан, нуқул: Искра Васильевна, Искра Васильевна дейишдан бошқасини билмасди.

Икки соат ичида ўн икки километр юриб, шаҳарга етиб келгач, Пароходная кўчасига бурилди. Қуёш ботмаган, ҳали ёруғ бўлганидан Дмитрий ўзини танитиб қўйишни истамасди-да, шапкасини манглайига бостириб, денгизчи бушлатининг ёқасини кўтариб қўйди; буни у қишда ҳам, кузда ҳам, баҳорда ҳам, совуқ бўлганда, ёзда ҳам кияверарди.

Таниш подьезддан ўтиб, кўндаланг тушган кўчага бурилмоқчи бўлганда унга Искра Васильевна йўлиқди. Искра Васильевна эгнига кенг қизил пальто, бошига чипор капор кийинтирилган қизини етаклаб желарди. Қиз олти ёшларда бўлиб, юзи ҳам пальтоси рангида, равшан, лўппигина эди, кўзлари эса... Ҳа, кўзлари — нима деса бўларкин — кўзлари айнан Искра Васильевнаники, ўйноқи, қувноқ.

— Салом,— деди Дмитрий, шошиб қолганини яширишга тиришиб.— Қизингизми?

— Ҳа, келди, мана. Жуда хурсандман. Ниҳоятда соғинган эдим. Болалар боғчасига жойлаштирдим. Бу осон гап

эмас экан. Хоҳловчилар жуда кўп! Болалар жуда ҳам кўп туғилган, дейишади. Сизнинг ҳам айна фарзанд жўрадиган вақтингиз, Дмитрий Тимофеевич. Ахир, худо ҳақи, сиз нега уйланмайсиз?

— Сабабини биласиз,— деди совуққина қилиб Дмитрий.

— Э, бу беҳуда гапни қўйсангиз-чи! Бунақа гапни ўзингиз ўйлаб топгансиз. Муҳаббат учун бу тўсиқ эмас. Сиз аёлларга албатта кўркам кишилар керак. аёллар одамнинг қалбини жўра олмайдилар, улар қалбнинг нима эканини билмайдилар, деб ўйлайсиз. Сиз жуда, жуда ҳато қиласиз, Дмитрий Тимофеевич. Эркакларга, албатта гўзаллар керак. Аёлларга эса... Йўқ, ғоят қуруқ аёлгина гўзаллиги учун севади, яъни ўлгудек аҳмоқ бўлса-да, кўркам эркак бўлса бас, деб ўйлайли.

— Сиз-чи, Искра Васильевна, мени севишингиз мумкинмиди?—деб сўради кутилмаганда Дмитрий.

— Ахир... Ҳалиги...—Искра ўзини йўқотиб қўйди.—Ахир манави...—У жигар ранг иссиқ қўлқоплик қўлини ўз ёнида зерикиб турган қизининг капорига қўйди.—Ҳамда эрим бор... Виталий...

— Мен тушуниб турибман.—Дмитрий қаттиқ туриб олган эди.—Бунинг ҳаммаси тушунарлик. Агар улар бўлмаганда-чи. Айтайлик, улардан олдин-чи. Сева олармидингиз?

— Муҳаббат шундай бир туйғуки...—Дмитрийнинг хуружи Искрани роса эсанкиратиб қўйди. Энди ҳазил билан қутулиб бўлмасди. Жиддий жавоб қилмоқ керак эди.—Муҳаббатни олдиндан кўриб ҳам, дафъ этиб ҳам бўлмайди. Сиз муҳаббатга, катта муҳаббатга лойиқсиз, Дмитрий Тимофеевич. Сизни севишади. Сизни жуда севишади, бу маълумку менга, Леля...

— Бўлди,—деб гапни бўлди Дмитрий, жилмайишга тиришиб.—Тергов тугади. Сиз озодсиз. Сенинг исминг нима?—деб у қизчага энгашди.

— Люся.

— Демак, Людмила? Яхши, чиройли ном экан. Сен ўқишни биласанми?

— Ҳарфларни биламан, уларни қандай қўшиб ўқишни билмайман. Амаки, юзингиздаги нимадан бўлган?—Қиз бармоғи билан унинг юзидаги чандиқни кўрсатди.—Оғриганмиди?

— Бу жуда қаттиқ оғриган эди. Хўш—мен қўрқинчлиманми?

— Қўрқинчлисиз, амаки. Битта эртақдагидек, бувим менга ўқиб берган эди.

Искра қизариб кетди.

— Люся— деди у қизининг қўлини силтаб.— Бу нима деганинг...

— Сиз уни ёлгон гапиришга ўргатманг,— деди Дмитрий.— Ҳар маҳал рост гапираверсин. Яхши ўйнаб-кўлинглар!— У шапкасини кўтариб қўйганича муюлишга бурилди.

— Люська, сен нима қилиб қўйдинг!— деди Искра йиғлай ёзиб.— Шунчалик нодонсанки! Шунақа ҳам нодонсанки, қизгинам. Юр уйга, энди сайр қилмаймиз.

Дмитрий уй остонасидан ўтиши билан Капа:

— Хау ду ю ду?— деб сўради.

У Дмитрий Тимофеевич инглиз тили китобини ўқиб юришини биларди. Капа буни биринчи марта билганида: «Сиз Шолохов деган ёзувчини биласизми?» деган эди. «Бўлмаса-чи. Уни ким билмайди?». Унинг «Очилган қўриқ» китобини ўқиганмисиз» «Ўқиган эдим. Лекин кўп бўлган — урушдан аввал ўқиган эдим». «Унда ҳам бир қаҳрамон инглиз тилини мустақил ўрганарди. Ёдингиздами?» «Ёдимдан кўтарилибди. Ўқиганимга кўп бўлган, дедим-ку. Хўш, унинг иши юришганмиди?» «Унчалик юришмаган эди шекилли. Томоша қилгим бор, сизники қалай юришяпти?»

Капа ундан овоз чиқариб ўқишини сўради ва талаффузидан роса кулди: «Мен ҳам роса расво қилиб гапирсам керак,— деди у.— лекин сиз ҳам, Дмитрий Тимофеевич, рекорд қўяяпсиз». Дмитрий сира ранжимади: «Ўргатинг» деди.

Капа гоҳо у билан шуғулланарди; Дмитрий ўқир, у бўлса талаффузни тузатиб турарди. Айрим вақтларда улар ҳатто сўзлашиб ҳам кўришарди. Бу — «хау ду ю ду?» — «аҳвол қалай?»га Дмитрий одатда: «Вери уэлл» — жуда соз», деб жавоб берар эди. Лекин бу сафар русча қилиб:

— Ниҳоятда яхши,— деб жавоб берди.

— Институтимизда бўлган бир воқияни Андрей иккомимиз мулоҳаза қилиб ўтирибмиз. Комсомол мажлисида партия съезди материаллари муҳокама қилинаётган эди, бир студент чиқиб турли ютуқлар ва ҳар хил планлар асосий нарса бўлмай, асосий нарса социализм қуришда йўл қўйилган хатолар эканлигини аллакимдан эшитганини сўзлаб қолди. Асосий нарса — ҳамма нарсани бўғиб ётган ва бизни революция йўлидан четга бурган шахсга сизгинуш эмиш.

— Сизнинг ўша революционерингиз шу йўлда бирор маҳал турган эканми?— деб сўради Дмитрий нохушлик билан.— Хўш, у қандай хатоларни кўра қолибди?

— У, асосан съездда ҳам айтилган гапларни айтди. Лекин асосий нарса, дейди, революцион йўлдан четга чи-

қилгани. Мақсадлар қолмай, кун ўтса бўлди, деган принцип билан яшаймиз, эмиш.

— Сизлар нима дедингиз?

— Бўлар-бўлмас гапларни валақлагани учун уришиб бердик, албатта. Лекин у қадар қаттиқ уришмадик шекилли. Уришиб берганларнинг ўзи айрим ўринларда адашди.

Дмитрий стаканга Капа қуйиб берган чойни ичаркан:

— Сиз бундан отангизга айтиб беринг,— деди.— Бу жуда муҳим гап. Ахир, гап ютуқларда ва планларда эмас, балки хатоликларда, деб бақирадиганлар, биз революцион йўлдан четга бурилдик, деб даъво қиладиганлар яна топилиб қолса, унда одамларнинг боши гангиб қолади, Ишлаймизу ух тортиб юрамиз. Сиз айтмасангиз, мен бориб айтаман.

— Агар сиз борсангиз жуда яхши бўларди, Дмитрий Тимофеевич. Мен — бошқа гап, мен қизиман, сиз бўлсангиз ишчилар синфисиз. Дадам сизга тезроқ қулоқ солади.

— Борардим, лекин қандай қилай? Бу гаплар институтингизда бўлган. Мен гапирсам, чақимчиликка ўхшаб қолади. Ўзим эшитмай ўзгаларнинг сўзини гапираман. Мана, агар иш бизнинг заводимизда бўлса эди... Заводда бунақа бўлиши мумкин ҳам эмас, бизнинг одамлар мустаҳкам, унақанги...

— Сиз: унақанги интеллигенция эмас, демоқчидирсиз?

— Шунга ўхшаш.

— Интеллигенциянинг ҳар хили бор,— деди Капа.— Ҳаммасини бундай деб бўлмайди.

— Мен ҳам ҳаммаси деяганим йўқ, айримлари. Ҳаммаси съезд қарорларини тўғри тушунапти, хурсанд бўляпти-я. Лекин айримлари... Отангиз олдида боринг, умуман, албатта боринг.

2

Крутиличга янги квартирани Орлеанцев олиб берди. Орлеанцев энди Крутилич билан яқин қўшни эканини, бу уйдан унга ҳам жой берганларини, меҳмонхонадан кўчиб келганини айтди. У ошхонани, ваннахонани синчиклаб кўздан кечирди; бўш папирос қутисини ташлаб, ахлат қувири қандай ишлашини текшириб кўрди.

— Қишки сарой эмас, ҳатто ака-ука Морозовларнинг Москва яқинидан ўтадиган Рожайка дарёси ёқасидаги Востряковага тушган дачаси ҳам эмас, лекин яшаса бўлади,— деди у.

— Ёлғиз ўзим бу ерда нима қиламан?— деб сўрарди ҳайрон бўлиб Крутилич, Орлеанцевга эргашиб юрар экан.—

Бу ҳувиллаган бўшлиқни бир нав тўлдирмоқ учун менда мебель ҳам йўқ-ку.

— Мен сизнинг илгариги хонангизда кўрган ҳамма ме-
белни чиқариб ташлаш керак. Уни қўнғиз еб қўйибди...

— У меники ҳам эмас ўзи. Уй эгасиники. Меники сан-
диқнинг ўзи.

— Яна яхши. Демак, янги мебель, тамомила янги ме-
бель оласиз. Янги ёғоч ҳиди желиб турадиган, ҳали ҳеч
ким фойдаланмаган, фақат сизники бўлган янги мебелнинг
қандай эканини тасаввур ҳам этолмайсиз. Нима қилиш
керак? Уйланиш керак, уй-жой қилиш керак. Йўқса, янги
квартирада ҳам чанг, пўпанак босиб, ҳар хил шунақа...

— Уйлан, янги мебель ол, дейиш сизга осон,— деди
Крутилич.— Буларга пул керак. Қани пул? Менинг так-
лифимни босиб ётишибди-ку.

— Менга қаранг, Крутилич,— деди Орлеанцев, гумбур-
лаган хонада кезинар экан,— сиз бу таклифни қистайвер-
манг. Очигини айтганда, бу энди таклиф ҳам эмас, арзима-
ган бир ғийбат.

— Ахир ўзингиз!..— деди Крутилич.— Уни ўзингиз қув-
ватлаган эдингиз-ку.

— Қизиқ одам экансиз!— деди кулиб Орлеанцев.— мен
сизнинг таклифингиздан кўра ўзингизни кўпроқ қувватла-
дим. Принцип юзасидан қувватладим. Кашфиётчи сифати-
да, изловчи, бюрократизмга ва консерватизмга қарши ку-
рашувчи киши сифатида қувватладим. Тўғри, таклиф менга
ҳам арзигудек бўлиб кўринган эди. Лекин, ўйлаб боқиб,
ҳужжатларни қараб, ремонт ишларининг ҳозир заводда
қабул этилган усули марказлаштирилган усулдан сира ҳам
ёмон эмаслигини кўриб турибман. Эҳтимол, ҳозир ундаги
айрим жиҳатлар пухталанмагандир, лекин пухта бўлиб
кетади. Бу ерда унга ишонганликлари энг муҳим гап.
Ишонч — ғоят зўр фактор.

Крутилич қизишди, хоналарда безанглаб юрди, ҳамма
бошлиқлар ҳам шунақа бўлади, бошлиқ бўлиб олгач, Ор-
леанцевнинг ҳам пачаваси чиқди, деб қичқирди.

Орлеанцев бу гапларни такаббурона жилмайиш билан
тинглади.

— Сиз фожиавий монологингизни тугатдингизми?— деб
сўради Орлеанцев.— Менга ҳам сўз беринг. Хоҳ ишонинг,
хоҳ ишонманг, мен сизга чин дўстман. Дўстингиз бўлганим
учунгина айтаманки, жонга теккан бу ғоянгиздан қайтинг.
Пул ёки бошқа нарсга керак бўлса, буни ўйлаб кўрайлик.
Бирга ўйлаб кўрайлик. Сизга дурустгина маошли бўлиши
билан бирга, ҳеч нарсга алаҳсимай, кашфиётлар ва тако-

миллашлар устида ўйлашингизга имкон берадиган жой топиш тўғрисида директор йўл-йўриқ берган. Бу сизга маъқулми? Аразингиз беҳуда. Масалан, бош технолог бўлимидаги менинг вазифам бўшаган... Сиз техникумда қанча олар эдингиз?

— Ярим ставка.

— Ана кўрдингизми! Энди қарийб тўрт марта кўп olasиз. Кашфиётчилар ва рационализаторлар билан ишлаш кабинетида ҳам ўрин бор, унинг ҳам маоши шунга ўхшаш, ҳатто икки юз сўмча кўпроқ.

— Мана буниси дуруст!— деди шошилган ҳолда Крутилич.— Кабинет. Ихтирочилик. Бу менга яқинроқ.

— Яхши. Кабинетни гаплашамиз. Лекин сиз менга ишонинг, Крутилич. Сиз халақит бераётганларга қарши тўғри курашмоқдасиз, лекин рақиблар сафига ўз дўстларингизни ҳам қўшиб қўйманг. Бу хўжасизлик бўлади. Энди мебель тўғрисида... Мен имжониятини билиб кўраман, хўжалик ходимлари сизга қарзга тўғрилаб берса ажаб эмас.

Крутилич Орлеанцевга яқинлашиб, унинг қўлини ушлаб, қаттиқ қисди.

— Сиздан жуда-жуда миннатдорман! Сиз мен учун кўп нарсa қиялпсиз, ниҳоятда кўп. Лекин ҳарқалай менинг таклифим устидаги фикрингиз ноҳақ, йўқ, ноҳақ,— деб қўйди. Иккиланиб туриб.— Наҳотки сиз ҳам, шунчалик билимдон ва ўқимишли одам бўлатуриб эски усул тарафдори бўлсангиз? Бунга ишоналмай турибман.

Крутилич икки ҳафтадан сўнг Орлеанцевнинг маслаҳати билан ҳовли тўйи қилди. Қарзга мебель олиб беришга хўжалик ходимлари рози бўлишмади. Лекин Орлеанцев ўзаро ёрдам кассасидан Крутиличга кўп пул олиб берди. Ҳеч кимга ҳеч маҳал бунчалик қарз берилмаган эди, бироқ Орлеанцев бу ҳодиса одатдан ташқари, гап кашфиётчи, ноҳақ унутилган, истеъдодли ва ҳоказо одам устида бораётибди, сезгир бўлмоқ керак, зарур бўлганда бизда қоида ва қарорлардан четланилади. Совет ҳокимиятининг қудрати ҳам шунда, Совет ҳокимияти учун энг нодир нарсa— инсон деб, касаба союз ходимларини кўндирган эди, беришди. Орлеанцев Зоя Петровнадан Крутиличга арзон, лекин кўримликина мебель олишга ёрдамлашинини илтимос қилди. Зоя Петровна бутун якшанба куни магазинларни кезиб юрди. Бирорта тўғри келадиган нарсa тополмади: арзон бўлса — ёмон, яхши бўлса — пул етмасди. Эълонлар тахтасини излаб кетди, улар бир нечта бўлиб, шаҳарнинг турли жойларида эди. Улар мебелни бир эълон бўйича сотиб олишди. Аллаким шошилишча равишда кўчиб ке-

таётиб, ўз шкафлари, столлари ва стулларини анча арзонга сотди. Мебель охори тўкилмаган эди. Орлеанцевга маъқул тушди. «Қойилман, Зоенька! Яхши иш қилдинг. Мукофоти мендан» деб қўйди. Бу топшириқ Зоя Петровнага ёқмаган эди. Крутилич Зоя Петровнага, айниқса унинг тўғрисида Гуляев, битлиқи бўлса ҳам керак, дегандан сўнг сира ёқмасди. Лекин Зоя Петровна Орлеанцевнинг бирорта сўзидан бош тортолмасди. Орлеанцев унга буюрар, у бажарар эди. Тўғри, унинг буйруқлари ҳамма вақт дўстона илтимос шаклида бўлса ҳам барибир, буюруқ эди.

Ховли тўйига меҳмонларни Орлеанцевнинг маслаҳати билан чақирилди.

— Дўстларингиз борми?— деб сўради Орлеанцев Крутиличдан.

— Менда дўст нима қилади?— деди Крутилич нохушлик билан.— Мен умр бўйи қувғинда қолган одамман. Бунақа одамдан одамлар қочади, иши юришганлар билан дўстлашади.

— Демак, Крутилич, ҳамма вақт ишни юриштириш керак,— деди Орлеанцев.— Агар дўстлар йўқ бўлса иш осон экан. Гап бундай. Меҳмонлар икки хил бўлади:— дўстлар ва керакли кишилар. Уларни кўпинча бирга қўшиб бўлмайди. Айтайлик, сиз керакли кишиларни ва дўстларни меҳмонга таклиф этасиз. Дўстларингиз керакли кишиларни нега таклиф қилганингизни баъзан тушунмасликлари, маъқулламасликлари, бу керакли одамлар тўғрисида сизнинг фалон вақтда ва фалон жойда унчалик ёқимтой гап айтмаганингизни сизга эслатишлари, жанжал чиқаришлари мумкин. Керакли одамларсиз яшаб бўлармиди, Крутилич! Бу хонаси келганда айтиб қўяй, сизнинг турмушдаги асосий хатонингиз. Сиз ёлғизсиз. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донги чиқмайди. Пулинг бўлмаса ҳам, керакли одамнинг бўлсин, ўшанда сен энг кучли одам. Шундай қилиб, дўстларингизни ва сизга керакли одамларни бир столда ўтириши номатлуб, бошқа-бошқа таклиф этган яхши. Такрор айтаманки, дўстлар хавфли одамлар бўлади, улар сизни жуда ҳам керакли одамлар билан уриштириб қўйишга қодир. Демак, ишингиз осон экан.

Улар рўйхат тузишди. Рўйхатда, Орлеанцевга мухлис бир неча инженер, инженер Воробейний, режиссёр Томашук бор эди.

— Рассом Козаковни таклиф этсакмикан?— деди Крутилич.— Унинг хотини дўндиққина, дейишади.

— Козаковними?— Орлеанцев бир кўзини сузиб, ўйлаб турди.— Арзимади. Сиз олган квартира уларга, яъни Ко-

заковларга бериладиган эди. Мана, агар Томашук орқали худрукни олиб келинса, ажойиб иш бўлур эди. Бу катта зот. Бу ёққа пойтахтдан иқлим туфайли келган, унинг аллақандай ғалати дарди бор. Йўқса, сиз уни бу ерда кўрмас эдингиз. У кимнинг шогирди эканини биласизми?.. Ҳа, ҳа, буюк одамлар қўлида ўқиган! Сизнинг ким билан таниш бўлишингиз обрўйингиз учун муҳим гап-ку. Бунақа номни айтсангиз, сизга тамомила бошқача қарашади. Сиз шунчалик соддасизки, азизим Крутилич, гўдақнинг ўзгинаси! Ҳа, айтгандек, сиз қиладиган яна бир иш бор. Сиз ихтирочилик кабинетида мудир ўринбосарисиз, тупла-тузук маош ола бошлайсиз, энди уй ходимаси учун ҳам харажат қилиб, ойига икки юз сўмнинг баҳридан ўтсангиз бўлади.

— Икки юз сўм! Икки юз сўмингизни биламиз биз. Кийинтир, едир-ичир. Яхшиси уйланиб қўя қолиш!— деб безовта бўлди Крутилич. Яна бу ерда кечаю кундуз ивирсиб юради. Менга ҳеч ким халақит бермаслиги керак.

— Қатнайдинганини ёллаш мумкин. Москвада уй ходимлари масаласи қийин — жуда кам топилади. Қироллару уй-ходимлари — қадим замондан қолган касблар. Лекин бу ерда ҳали топса бўлади. Бунга ўйлаб кўринг.

Крутилич таклиф қилган одамларнинг ҳаммаси келди. Крутиличнинг ўзи таклиф қилганида, балки, кўплари келишмасди. Лекин Орлеанцев ҳам иш кўрастди. У Томашук билан шундай иш битирдики, Крутиличнинг квартирасини худрукнинг ўзи келиб мунаввар этди. Зоя Петровнага йўқ эди. У Орлеанцевни кўндирди: Зоя Петровна завод инженерларига кўринишни истамаганидан Орлеанцев кўниб, қистамади.

Анчагина кайфи чоғлик бўлди. Инженерлардан бирининг хотини куйлади, жўр бўлиш учун қўшнилариникидан гитара топиб келишди. Томашук жўр бўлди. У латифалар ҳам айтиб берарди. Худрук театр гуллаб-яшнаган замон йигирманчи йиллар эди, деб таърифлади. Танца тушишмоқчи бўлган эдилар рояль ҳам, пианино ҳам, лоақал патефон ҳам бўлмаганига ачинишди.

Орлеанцев ресторандан чақириб келтирган официант дастурхон ёзар ва таомлар келтириб қўярди. Ҳамма ундан ийманарди, Орлеанцев Крутилични бир четга чиқариб, унга:

— Мана, азизим, уйда аёл бўлмоғи кераклигини ўзингиз кўриб турибсиз,— деб яна бир марта эслатиб қўйди.— Агар сиз катта йўлга чиқмоқчи экансиз, уйингиз очиқ бўлмоғи керак. Яхши бека бўлмаса уни очиб бўлмайди. Бу ер Москва эмас, бу ерда кабинетлари бўлган «Арагва» йўқ. Уйда, ҳамма нарсани уйда ташкил қилмоқ керак. Одамлар-

ни стол ёнида бирлаштирмақ керак. Одамлар стол ёнида назокатли, кўнувчан, ёр-дўст бўлишади.

Анчагина ичкилик ичилди; Орлеанцев пиджагининг чўнтагидан сўнгги юзталикларни чиқариб, официантни винога юборди. Яқинда газетада йигирманчи съезд қарорларига бағишланган мақола учун олинган гонорар ҳам сарфланиб кетди.

Стол ёнида шовқин қилишлар, бақиришар, сўз беришни талаб қилишарди. Крутилич учун қадаҳ кўтаришлар аллақачон тугаган бўлиб, энди Томашук учун, Орлеанцев учун, худрук учун ичишарди.

— Раҳмат, дўстлар! Раҳмат, азизларим!— дерди кайфи ошиб қолган худрук.— Бир кексани ҳурмат қилибсизлар, эсга олибсизлар!

Уни ўпишгани ёпишишар, у ҳам ўпишар, кўнгли юмшаб, кўз ёшини тўхтата олмасди.

Инженерлардан бири партия съезди қарорларининг муваффақиятли бажарилиши учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

— Ажойиб қарорлар, одамларни қаноатлантирадиган янги перспективалар очиб берадиган, назарий жиҳатдан қуроллантирадиган қарорлар,— деди.

Уни қувватлашди.

Сўнгра Воробейний сўз олди:

— Мен ҳеч маҳал шахсга сиғинмаган эдим,— деди у.— Унга сиғинишганда, мен индамасдим, тишимни тишимга қўйиб ёғинардим. Ҳозир мен маънан роҳат қиляпман, чунки янглишмаган эканман.

— Мен бундай деёлмайман.— деди унга жавобан Томашук. Мен сиғинганлар орасида эдим. Хўш, нима ҳам қилиб бўларди? Акс гап айтиб кўр-чи... Ха-ха! Ҳа, бундан ташқари, биз ҳеч нарсани билмас эдик.

— Биз мамлакатнинг муваффақиятларини кўрар эдик, унинг ўсиб, мустаҳкамланаётганини кўрар эдик. Биз буюк ишларни кўрардик. Биз бу ишларда қатнашганмиз, биз герман фашизми гўрга тиқилган урушда қатнашганмиз,— деб қизғин сўзлай кетди инженерлардан бири.— Бу биз учун асосий нарса эди. Мен акс гап айтиб кўрган эмасман. Чунки фикри-ёдим ҳам акс бормас эди. Инженер Воробейнийнинг ҳаммасини кўрганлиги, ҳаммасини билганлиги, лекин индамаганлиги тўғрисидаги гапи менга ёқмайди.

— Ўртоқлар! Ўртоқлар!— деб ўрнидан турди Орлеанцев.— Биз мажлисда эмасмиз, биз яқин дўстона ўтришдамиз. Дўстлик учун ичишни таклиф этаман. Дўстлик учун, ўртоқлар!

Унинг қадаҳини қувватловчи бўлмади, чунки бошланган мунозара ҳаммани ҳаяжонга солган эди.

— Мен: «Ватан учун! Сталин учун!» деган ҳайқириқ билан ҳужумга кирганман,— деб давом этди инженер, тобора кўпроқ қизишиб.— Ҳа, ҳужумга кирганман. Ўқ ва миналарга рўпара бўлганман. Қўлимга милтиқ олиб, танкларга, гаубицаларга қарши борганман. Мен Сталин билан таниш эмасдим, мен унинг амакиваччаси ҳам эмасман. Мен унинг сиймосида партияни, Марказий Комитетимизни, халқни кўрардим — мен шунчайин бир шахсни эмас, ая шуларни кўрардим. Мен: «Сталин учун!» деб ҳайқириб, ким учун жанг қилдим? Партия учун, коммунизм учун, халқ учун... Сиз менга ўхшаганларга доғ солишга уринманг. Бу беҳуда, Воробейний!

Орлеанцев личоқ билан графинга шундай урдик, графин синиб, ароқ столга тўкилди, полга оқиб тушди; бундан баҳслашувчилар бирпас тўхтаб қолишди. Орлеанцев шу дақиқадан фойдаланди-да:

— Дўстларим,— деб сўзлаб кетди.— Қизишиш, койишиш, ҳақоратлар жиддий масалаларни ҳал этиш усули эмас. Мен бундай оҳанг ва терминларни йиғиштириб қўйишни илтимос қиламан. Ишонингизки, ҳозир сиз баҳслашган нарсаси катта гаплар мавзуи бўлажак. Афтидан, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш жамида келгуси ўн йил мобайнида партия шуғулланадиган асосий нарсаси бўлади. Бу бутун мамлакатимиз ҳаётида сезилиб туражак. Фақат шошилмаслик, шошилишча гап-сўзлар қилмаслик керак. Булар ишга ёрдам бермайди, балки уни чигаллаштиради. Шубҳа йўқки, ҳаммамиз ҳам ҳамфикр одамлармиз, орамызда принципаал қарама-қарши фикр юритадиганлар йўқ. Бирор масалада четга чиқиб бўлса-да, ҳарқалай бир мақсад, умум мақсад сари бормоқдамиз. Қадаҳларни кўтаришингизни сўрайман!

— Ҳа, кўп нарсаларни ўзгартиришга тўғри келади,— деди Томашук, ичиб бўлгандан сўнг.— Сиёсий ҳаётда ҳам, ҳўжалик ҳаётида ҳам, бизнинг санъатимизда ҳам. Санъатни бир шахсни, албатта мақташи каби кишилардан қутқаришга тўғри келади.

— Йигирманчи йиллар...— деди худрик.— Ҳа, кўп масалада ўша йилларга қайтиш керак бўлади. Ўша замонда юксалиш, парвоз этиш бор эди. Санъат, чинакам санъатнинг оёқлари бўлмайди. Унинг қанотлари бўлади. Ерда юрадиган нарсаси санъат эмас. Санъат биздек осий бандалар устида парвоз этади. Унинг қаноти бор, қаноти, дўстларим. Унинг қанотини ҳовузларда тутиладиган оқ қушлар сингари қирқиб қўйиб бўлмайди. У қўлга ўргатилган ва хонаки бўлмаслиги керак.

— Чинакам санъат кўзни ҳам ўйиб ола билади,— деди Томашук.

— Кимнинг кўзини?— деб сўради яна ўша қизгин баҳслашган инженер.

— Кимнинг кўзини дейсизми?— деб бирдан гапга аралашди уй эгаси Крутилич ҳам.— Бюрократизмнинг, амалдорликнинг, тўраликнинг, елкамизга миниб олган ҳамма нарсанинг.

— Сиз журъатли, жанговар одам экансиз,— деди инженер ўрнидан тураётиб.— Кета қолай. Кеч бўлиб қолди. соат икки бўляпти. Эртага ишлаш керак. Константин Романович келгуси ўн йилнинг асосий вазифаси шахсга сиғинишнинг оқибатларини тугатишдир, дегани билан барибир пўлат эритишга тўғри келади. Сизнингча бу, балки, асосий вазифа бўлмай, иккинчи даражали вазифадир, лекин эритишга тўғри келади, Константин Романович.

— Азизим,— деб унинг ёнига борди муғомбирлик билан Орлеанцев,— сиз нақадар мурасасиз экансиз-а. Сиз ажойиб одамсиз.— У иккала қўли билан инженернинг қўлини қисди; инженер кузда ўзи билан бирга сайрга борганлар орасида бўлиб, Орлеанцевнинг ишчанлигидан доим завқланарди.

Тарқала бошладилар. Худрук даҳлизда ўзининг оғир пўстинини узоқ уриниб кийди, бошига духоба сирилган—музей-черков буюмига ўхшаш бўрсик тери шапкасини бостириб кийди. У гоҳ Кирилин, гоҳ Крутилин деб, Крутиличнинг фамилиясини адаштирар, унга миннатдорлик билдирар, театрга таклиф этарди.

— Тўппа-тўғри менинг ёнимга, менинг ложамага киравринг, азизим. Фикри тез новтонларни бизда ким ҳурмат қилмайди? Севишади сизни, севишади, дўстим Крутилин!

Ҳамма тарқалиб, уйда фақат уй эгаси, Орлеанцев ва идишларни йиғиб олишга киришган официантгина қолганда, Орлеанцев Крутилични кабинет билан ётоқхона вазифасини ўтайдиган бошқа хонага олиб кирди-да, эшикни ёпиб, диванга ўтирди.

— Улгидек ҳоридим,— деди у, оёқларини чалиштирар экан.

— Ҳаммалари жанжаллашиб қолишди,— деди Крутилич хомуш бўлиб.

— Қўйсангиз-чи! Ҳеч ким жанжаллашгани йўқ. Шунчаки кўнгилдагини гаплашиб олишди. Ахир ўтмиш ҳар кимни бирор тарзда безовта қилди-да.

— У сизни ҳам безовта қилганми?— деб сўради Крутилич.

— Ўзимни айтмайман,— деди Орлеанцев, ўйланиб.— Мен доим яхши яшадим. Менга ҳеч ким халақит бермади.

Мени доим қадрлашган. Сизнинг заводингизга келгуним-гача.

— Сизни бу ерда ҳам қадрлашади.

— Энди. Бир неча ой илгари нима бўлган эди.

— Эски гапни эслашнинг нима кераги бор? Энди, Константин Романович, сиз юқорилаб бораверасиз. Бош инженер ҳам, директор ҳам бўласиз. У ёғига — яна юксалиб бораверасиз...

Орлеанцев бироз кўпчиган, винодан қизарган юзи жилмайиб, оёғини ликиллатарди.

— Ёмон солдат, Крутилич, ҳалиги...

— Ҳа, ҳа, маршал бўлишни орзу қилмайдиган солдат-да? Менда эса бу орзу йўқ. Йўқ деганим — буниси сира орзу қилмаслик маъносида эмас. Ишим юришиб, тузалапти, деб ўйлаб турганингда — лоп этиб, пачаванг чиқади-қўяди.

— Бошқалардан ақллироқ бўлинг-да, сизнинг эмас, уларнинг пачаваси чиқсин. Барча халақит берадиган, тўсқинлик қиладиган нарсалар битирилсин — ҳозир йўл-йўриқ шундай.

— Хўш, нима бўлади?

— Янги одамлар келади.

— Янгилари қаёқдан келарди? Ўшанақалари келади-да.

— Масалан, биз билан сиз, ўшанақалармизми? Сиз, Крутилич, ниҳоятда ноумид одамсиз.

Ниҳоят, Орлеанцев ҳам кетди. Идиш-товоқлар солинган корзинкаларни олиб официант ҳам жўнади. Крутилич тутунни чиқариб юбориш учун форточкаларни очди. Ботинкаларини ечиб, тапочкасини кийиб олди. Хоналарда, ўчоқ-вошида, коридорда кезди, ошхонага қайтар экан, қўлларини юқори кўтариб, керишди. Сўнгра яна ётоқхонага кирди. Бу ерда унинг темир қопланган эски қора сандиғи турар эди. Уни кигиз тапочка кийган оёғи билан туртиб кўрди. Орлеанцев буюк одам, буюк, лекин у ҳам худо эмас, инсон. Крутиличнинг сандиғида Орлеанцевнинг осий бандалигига шохид бўлган айрим ҳужжатлар бор. Ҳа, Орлеанцев Крутиличнинг зимистон уясига келиб, уни ўз ҳуқуқлари учун курашишга чақиргандан буён унинг сандиғида айрим нарсалар янгиланди. Албатта, ўшанда Крутилич хароб эди, ҳамма инкор этган беобрўй бир одам эди. Орлеанцев уни ожиз, хароб, пасткаш одам деб ўйлаб, афтидан мутлақо нотўғри фикрда бўлса керак. Лекин бу нотўғри, бу Орлеанцевнинг хатоси. Бир боксер ўзининг сўнгги, ҳал қилувчи курашини ютқизиб, рингдан чиқиб кетганлиги тўғрисидаги ҳикояни (уни Жек Лондон ёзган бўлса керак) эслаш кифоядир. У оч бўлиб, бир парча гўштни орзулаган эди. Агар шу бир парча гўшт

унинг қўлига тушиб қолганда ҳамма нарса ўзгариб кетарди. Ўша бир парча гўштни ўз вақтида олиш жуда муҳим гап! Хўп яхши, Орлеанцев ўз вақтида ёрдам берибди. Крутилич зарур бўлган гўшт парчасини олган экан, бунинг учун Орлеанцевдан миннатдор, албатта. Лекин, азиз ўртоқ Орлеанцев, сизнинг ҳам юқорилаб кетганингизга фақат министрликдаги керакли одамларингиз сабаб эмас. Керакли одамлар керакли хатлар олишган. Чибисов ва бошқа ҳар хил бюрократларни қақшатиб, Крутилич ҳурмат билан кимнинг номини тилга олган эди? Сизнинг номингизни, ўртоқ Орлеанцев, сизнинг номингизни тилга олган эди Константин Романович. Ютуқларингизни нуқул ўзингиздангина кўришингиз беҳуда. Худо ёр бўлсин, бу Орлеанцев худо ёр бўлсин, майли юпанаверсин. Ҳар ҳолда, унинг ибораси билан айтганда, у керакли одам. Унинг ёнида бўлмоқ керак. У тўғри маслаҳатлар беради. Уй бекаси тўғрисидаги гапга келсак... Оҳ, Соня, Соня! Ўз дўстингни енгилтаклик билан қийин пайтда ташлаб кетганингдан ўкинасан, бармоқларингни тишлайсан. Яна уйланишми? Яна ўз ҳаётингни қийинчиликда (бундай вақт кимнинг бошига тушмас экан!) сени дарров ташлаб кетадиган бир махлуққа боғлашми? Асти қўйинг, раҳмат. Агар уйда меҳмонхонадаги ўша жажжи, официанткага ўхшадини ёрдамчи қилиб олинса, хўп иш бўларди-да. Бу роса ажойиб маслаҳат. Лекин унга амал қилиб кўр-чи! Бу ишни қандай амалга оширса бўлади? Эълон ёзсамикан? Турли бадбашаралар келаверар. Ўғрисининг қўлига тушиб қолсанг, шип-шийдон қилиб кетади. Туҳматчисига йўлиқиб қолсанг борми, умринг судларда ўтади.

Крутилич деворига ойна ўрнатилган даҳлизга чиқди-да, чироқни ёқиб, ойнага қаради. У ўзгариб жетибди: янги бўлмаса ҳам, лекин яхши дазмолланган костюм, янги кўйлак кийган бўлиб, бўйнига Орлеанцев тақдим этган галстукни таққан эди. Париждан олиб келганман,— дейди. Тўғри, астарига аллақандай чет эл тамғаси тикиб қўйилган. Юзи ҳорғин бўлса ҳам лекин олижаноб; икки ҳафтадан буён ҳар куни соқол-мўйловини қиртишлайди, ҳатто бу кўнгилсиз юмушни ўрганиш қилаёзди. Мана бугун-эрта биринчи машини олади-ю, шляпа харид этади.

Кўкрагини чиқариб, ойна олдида узоқ турди...

Бу маҳалда Орлеанцев нариги подъезддаги тўртинчи қаватда, ўз хонасида, эрталаб бош инженер унга: сизнинг мулоҳазангизга, деб берган материалларни ўринда ётиб кўрмоқда эди. Бу инженер Козакованинг доклад хати бўлиб,

у каттагина, ўттиз бетлар чамаси келарди. Орлеанцев хатни тамоман беиштиёқ паришон ҳолда ўқишга киришар экан, кўз ўнгида домна цехидан ҳам, хатдан ҳам кўра кўпроқ хат авторини кўрар, бу хотинни ҳар томонлама хаёлидан кечирар ва баҳоларди. Умуман, бу ҳам қизиқ бир нусха, деган хаёлда бўлди-ю, алоҳа бир қарорга желиб, эътибор билан ўқий бошлади. Хат маъноли бўлиб чиқди, муҳим таклифлар қилинган эди. Буларнинг ҳаммаси амалга оширилса, Қозакова таклиф қилаётган комплекс тадбирлардан фойдаланилса, домна цехи саккиз, ўн процент кўпроқ металл бера оларди. Саккиз ёки ўн процент йилига кўп минг тонналарни ташкил қилади. Баракалла, Қозакова, баракалла! Орлеанцев ҳисобкитоб қилишга киришди. Ҳай, жуда ажойиб-ку, бу!

Сўнгра Орлеанцев қўлларини боши орқасига олиб, шипнинг олис жойидаги қоронғи бурчагига узоқ тикилди. Мияси зўр бериб ишларди. Қозакованинг хатида содда жойлари ҳам кўп эди, кўп нарсалар қўпол баён қилинган ёки дағал ифодаланган бўлиб, улар анча тажрибали, камол топган қўлдан ўтиши керак эди. Хатни жуда ишонтирадиган қилиб қайси тарзда ўзгартириш Орлеанцев учун равшан эди. У дарҳол туриб ишга ўтирмоқчи бўлган ҳам эди, лекин соатга қараб, дарҳол чироқни ўчирди, одеялни елкасига тортди, ўтхонанинг аллақайси жойи ҳали ҳам битмагани, алланарсаси ҳамон бузилаверганидан хона совуқроқ эди. «Эртага, эртага киришамиз» деди-ю, тезроқ ухлаш учун: бир, икки, уч... деб секингина санай бошлади.

3

Капа Андрей билан учрашишдан илгари муҳаббатни самовий ва ниҳоятда идеаллаштирилган, турмуш воқелигига тўқнашганда дарҳол оўниб қоладиган бир-наrsa деб тасаввур қилар ва шу тўғрида астойдил ўйлар эди. Ўшанда унинг гапларини эшитган одам, муҳаббат туйғуси учун инсонлар ўз теваракларидаги нарсалардан четланишар, ишқий соатда аллақандай қанотлар боғлаб, ер устида юксак парвоз этар, деб ўйлаши мумкин эди. Шунинг учун ҳам у никоҳни гўё муҳаббат хотимаси, муҳаббатнинг ўлим соати деб, уни қаттиқ қоралар, уни бутунлай бартараф этиб бўлмаганда ҳам, иложи борича узоққа чўзиш керак деб биларди.

«Мен муҳаббатни сира билмас эканман,— дерди у дугоналарига.— Бизнинг ўғил болалар билан бўлган барча мулозаматларимиз, ёзишмалар, кўзатиб қўйишлар, кечада бошқа билан ўтиргани, бошқага қарагани учун рашк қилишлар, тамомила бошқа наrsa».

Капа Андрей билан уч ой яшагач, хаёлдаги эмас, ҳаётдаги муҳаббатнинг қандай эканига тушуна бошлади, бу туйғу унга эндигина чинакам ошна бўла бошлади. Фалончи унинг кетидан худди соядек эргашиб юрибди, деган гап бор. Ҳамма нарса тўғрисида ўзича фикр юргизувчи мағрур, мустақил Капа, чиндан ҳам ўз Андрейни кетидан худди соядек эргашиб юришга тайёр эди. У институтни ташлагиси ва заводга, домна цехига қатнагиси, бир чекада ўтириб олиб, Андрейни, унинг ишини томоша қилгиси келарди.

Капа уйда худди шундай қилар эди. Андрей домна мастери кундалигини тўлдиришга ўтирса, Капа рўпара келиб ўтириб олар, тирсакларини столга қўйиб, энгагини кафтларига тирагани ҳолда ўз эрига тикилгани тикилган эди. Ҳа рост, бу унинг ўз эри, эргинаси эди. Бу тикилишдан Андрей ҳатто ийманарди. «Капочка,— дерди у.— Менга бундай қараганингдан мен ҳам... китобга қараяпману ҳеч нима кўрмаяман». — «Мен бўлсам ҳеч нимани кўраётганим йўқ» дерди Капа. У, Андрейнинг юзидаги бир аломатни кўздан кечирар, ўйлаганда пешонасини тириштиришини, қизларники сингари узун киприкларининг қимирлашини, юмшоқ сочларининг пешонасига секин сирғаниб тушишини кўриб турарди. Сочлар тушиб жетадиган бўлганда, Капа ўзини тиёлмас, уларни ўз бармоқлари орасидан ўтказиб яна кўтариб қўярди. Андрей кулар, унинг қўлини ўлар, юзини унинг кафтига босар: «Капа, жонгинам. Нега бунча ёқимтойсан-а?» дерди.

Бир вақтлар Анна Николаевна жуда ҳам сермуҳокама, совуқ ва яна алланима бўлгани учун Капага танбеҳ бериб юрарди. Лекин Капа бемулоҳаза бўлиб чиқди, у энгилтак, бетайин бўлиб чиқди — онаси уни ҳозир кўрса эди. Андрей ундан кўра анча сермулоҳаза эди. Андрей бўлмаганда улар балки, бор-йўқларидан маҳрум бўлардилар. Андрей, фақат Андрей Капани китоб ўқишга мажбур этар, фақат у Капани ҳар куни эрта билан институтга боришга мажбур этарди. «Хоҳламайман,— деб ҳархаша қиларди Капа, одеялга ўралиб,— у ерга боришни истамайман энди. Жонга тегди». Андрей бир илож қилиб уни турғизади. Капа хўмрайганича чала уйқу ҳолда ўринда ўтиради. «Йўқса мени ўзинг кийинтир» дейди. Андрей унга чой ичиради, қўлига портфелини тутқизиб, уйдан кузатиб қўяди. Капа: «Сени ўпишни унутибман», «Сени яхшилаб ўпмадим», «Сен мени яхшилаб ўпмадинг»... деб қайта-қайта кирарди.

Андрей кечки ёки тунги сменага борадиган бўлса шундай бўлади. Агар эрталабки сменага борадиган бўлиб, у Кападан илгари кетса, унда Капа ўзи вақтли турар, Андрейсиз совуқ ва ҳувиллаган уйда зерикарди. Ўтириб, чой ичар экан.

Андрейнинг суратини стол устига, қанддонга суяб қўйиб, у билан сўзлашарди. Гоҳо ўзидан: «Эҳтимол бу тентаклик-дир? Мен тентаклашиб қолгандирман?» деб сўрарди. Уйлаб тургач: «Нима қилади, марҳамат,— бошқачасига ақллик бўлгандан кўра, шунақасига тентак бўлганим дуруст» деб ўзи жавоб қиларди.

Гоҳо Дмитрий Тимофеевич билан бир вақтда туришар — бу заводдаги сменаларга боғлиқ эди. Дмитрий нохуш, кам-гап бўлса-да умуман яхши одам, лекин тамоман сирли одам эканлигини Капа биларди. Бир вақтда турадиган бўлсалар, Капа кечқурунданоқ тараддулланиб, тонг пайти туради, нонушта тайёрлайди, товушсиз, жимгина юради. У негадир Дмитрий Тимофеевичдан ҳайиқади. Бу қўрққанидан эмас, йўқ. Капа умрида ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан қўрққан эмас. У ўн яшарлигида болалар билан гаров ўйнамасдан, шунчаки, ўз-ўзича тунда мазордан ўтган эди. У денгизда бир неча километр жойга сузиб боради. У-я... Қўрқиш нима деган гап ўзи! Йўқ, қўрқув эмас ва журъатсизлик ҳам эмас. Бу ҳурмат, катта иззат-ҳурмат. Дмитрий Тимофеевич жуда ҳам ажойиб одам — ижтимоий чиқиши ҳам, иши ҳам ажойиб; бу ҳақда ҳатто Капанинг отаси: касблар бўйича ўтказилган бутуниттифоқ мусобақасида прокатчилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади, деган эди. Мана унинг портрети ҳам қандай бўлиб чиққанлигини қаранг — рост, ажойиб портрет; Дмитрий Тимофеевич билан учрашиб, рассом Козаковнинг омади келди. Мана бу Леляни, уларнинг муносабатини айтмайсизми... Ҳаммаси бундай пароканда бўлиб кетганига, Дмитрий Тимофеевичнинг Леля билан ажралишганига жуда ачинарди...

Капа нонуштини келтириб қўйиб, Дмитрий Тимофеевич чақирмагунча столга ҳам ўтирмайди: «Сизчи, Капитолина?... Бир ўзим емайман. «Сит даун, плиз». — «Сенк ю» дерди жавобан Капа ва Андрейга қилганидек, рўпара келиб ўтириб оларди. Дмитрий ер, ичар, яна қандайдир инглизча сўзлар айтишга ҳаракат қилар, унинг сўз ва қондаларни тез эслаб қолишига Капа ҳайрон бўларди. Дмитрий Тимофеевич умуман жуда қобилиятли одам. Яқинда у заводда бутуниттифоқ прокатчилар мактабида билганларини ўргатди, ҳар ёқдан йирик прокат станларининг операторлари йиғилишди. Икки ҳафта давом этган машғулотлар вақтида тажриба олмашилди, бошқа заводларга боришди. Дмитрий Тимофеевичнинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса сўзламасди; лекин бир маҳал Капа хонани йиғиштираётиб министр буйруғининг копиясини топиб олди; унда министр Дмитрий Тимофеевичга аъло даражали иши учун ташаккур билдирган эди. Дмитрий Ти-

мофеевич жуда кўп ўқирди! У институтнинг тўртинчи курс студенткаси бўлган Кападан кўра кўпроқ ўқирди. Унинг завод ва шаҳар кутубхоналарида қандай китоблар келтиришини бирор одам кўрса эди. Дмитрий Тимофеевич сўнгги вақтда Шекспир асарларини жуда кўп ўқияпти. Олти томинни олиб келиб, кетма-кет ўқимоқда.

Дмитрий Андрей билан Капага сира ҳалақит бермас, у ўз вақтида кетиб, уларни ёлғиз қолдирарди. Сезгир ва мулозаматли эди. «Агар сен бўлмаганингда,— дерди Капа Андрейга,— мен Дмитрий Тимофеевични севиб қолардим. Ишонмайсанми? Рост айтаяпман!»

Андрей ҳам ажойиб — вазмин, раҳмдил эди. Унинг ҳақида ҳам жуда яхши гаплар айтишарди Тўғри, у чинакам домначи бўлиш учун ҳали ёш, дейишарди; эндигина бундай болалар домналарни бошқара бошлади; илгари домналар доно кексаларгагина бўйсунарди. Ҳечқиси йўқ, вақти келиб, Андрей ҳам доно бўлиб қолади. Капа Андрейни оқ мўйловли бобо тасаввур этиб, куларди. Унинг бобо бўлишига жуда кўп замонлар бордек, у вақт сира келмайдигандек кўринарди. У билан Андрей узоқ йиллар ёш бўлади.

Чўзилиб кетган, қиш ниҳоят баҳорга юз тутди. Овражная кўчасидан ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолди,— сув ариқларни тизза бўйи тўлдириб, шовиллар, кўпикланарди, бутун кўчани тутиб, жарликка ғизиллаб оқиб борарди. Марказий кўчаларга бировларнинг ҳовли ва боғчалари орқали, девор ошиб ва деворлар орасидан ўтиб боришар, занжирбанд итлар ва уларнинг эгалари билан олишардилар. Андрей Капага резинка этик олиб берди. Бунақа этикни шаҳар атрофидан қатнайдиган сутчи қизларгина кийишади, деб куларди Капа. «Ҳечқиси йўқ,— дерди Андрей.— Этиб оласан, қуруқроқ жойга бориб, туфлингни кийиб оласан».— «Этикларни ёғочга илиб елкага ташлайманми?» Капа кулар, лекин кийиб оларди, чунки этиксиз юриб бўлмасди. Бир кун Капа шу этикни кийганича ота-онасининг олдига келди. «Дадам уйдаими?»— деб сўради у онасидан.— Унга кўринмоқчиман». Капа лойлик этик билан отаси кабинетигаги гиламга ҳатлади. «Мана, сиз бездек меҳнаткашлар тўғрисида қандай қайғурасиз, дадажон. Шаҳарда Овражнаяга ўхшаш кўчалар юзлаб бўлмаса ҳам, ўнлаб бор».— «Ахир баҳор-ку, баҳор чоғида доим лой бўлади, тентак» деди Горбачев.— «Баҳорда ҳам лой бўлмаслиги керак, баҳорда ҳамма нарса чиройли, жуда чиройли бўлмоғи керак. Ахир баҳор-ку!», дерди сўзини бермай Капа.

Капа бу гапни Андрейга айтганда, Андрей маъқулламади: «Нега бундай қиласан, Капочка?— деди у.— Ҳозир Иван

Яковлевичнинг ҳамма вақтидагидан ҳам иши бошидан ошиб ётибди. Сен одамларнинг жигига тегишни яхши кўрасан».— Ана!— деди Капа.— Танқидий гаплар чиқяпти-ку. Менинг идеал вужудимдан нуқсонлар топиляпти-ку. Ўзи шунақа бўлади, майда-чуйдалардан бошланади».—«Нима бошланади?»—«Нормал оилавий турмуш. Борган сари кўпаяверади. Қачонки биз, қўлларимизни белимизга тираб олиб, бир-биримизга бақира бошласак ёки, яна ҳам яхшироғи,— сен мени сочимдан тутиб полда судрасанг ўшанда: булар билан нима ишингиз бор? Эр-хотин-да, деса бўлади». Капа Андрейни қучоқлаб, унга ёпишиб олди. Ҳеч ким Капанинг ҳозирги ҳузурини билмасди, албатта.

Бўш соатларда Капа Андрейни боғчага тез эриб кетсин учун қорни сочгани бошлаб чиқарди. Қор эриб бўлгач, олчалар тагига стол ва скамейкачалар яшашарди. Капа тезроқ очилармикан деб ҳар куни дарахт куртакларини кўздан кечиради. Бир якшанба куни эрталаб, Андрейдан эрта турдида, уйга қичқириб кириб келди: «Тур ўрнингдан, ҳозироқ тур! Нима бўлаётганини қара, қарасанг-чи!» Андрей кийинар-кийинмас унинг орқасидан боғчага югуриб чиқди. Олча дарахтларининг ҳозиргина очилган оппоқ гул гунчалари бўртиб турарди. «Андрей, бу бизнинг биринчи баҳоримиз, ахир! Эшитяпсанми? Энг биринчи баҳоримиз». Улар ўпишардилар. Мокенч бобо уларга девордан қараб, ўз ёшлигини, жуда олисда қолиб кетган ёшлигини зўрға хотирлар эди. Унинг вақтида мана шундай ўпишганларни-ку, умуман эслай олмасди. Кўп замонлар ўтиб кетганидан, бизлар сипороқ эдик, деб хаёлидан ўтказади.

Капа каникулни сабрсизлик билан кутарди. Андрей отпускаи олади-ю, ўшанда, эй худойим, ҳеч қаёққа боришмайди, бир соат ҳам, бир минут ҳам ажралишмайди,— доим бирга бўлишади.

Улар кинога боришар, яхши-ёмонлигини суриштириб ўтирмай, ҳар бир янги картинага боришаверар, залда қўл ўшлашиб ўтиришарди. Экранда нималар бўлаётган бўлса ҳам, Капа ўз ёнида Андрей, Андрюшка, эргинаси ўтирганини бир дақиқа ҳам унутмасди. Театрга ҳам боришарди. Сўнгги марта ёш драматург Алексахиннинг пьесасини томоша қилишди. Пьеса «Тирик бева» деб аталарди.

— Ор, номус, уят!— дерди Капа уйга қайтишар экан.— Ҳаммаси барбод бўлди, шунча йиллик умр соврилди — ахир бу хотин ўз эрини жуда севган, ўз қалбидаги барча гўзалликни унга бағишлаган эди-ку, эри бўлса, бошқа ёшгинасининг ёнига кетиб қолди,— автор эса, журъат этиб, бизга: ҳечқиси йўқ, эри бўлмаса, коллектив, яхши касби бор-ку, дейди-я.

Бари яхши эмиш. Ҳеч бир яхши жойи йўқ бунинг! Бари ёмон. Бунинг шундай ёмон эканини, кўнгилсиз эканини, алам-ли эканини кўрсатиш керак эди. Шунда рост бўлади, тўғрими? Автор эса: бизда одам одамни эксплуатация қилмас экан, ҳокимият халқники экан, барча моддий бойликлар — халқ учун экан, ҳис-туйғулар ҳам, шахсий бахтиёрлик ёки бахтсизлик ҳам шу билангина белгиланади, шунгагина бўйсинади, деб ўйлайди. Эр хотинни ташлар, хотин эса эрини аллаким аллакимни севиб қолар, аллаким севмай қўяр экан, бунинг аҳамияти йўқ, барчаси арзимас, беҳуда гаплар, асосий нарсаси — одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишининг йўқлигидир, демоқчи бўлади. Хўш, йўқ бўлса йўқ-да. Йўқлиги жуда яхши. Мен ўзимизники бўлган шундай бир мамлакатда яшаётганимдан ғурурланаман, лекин буни баҳона қилиб, қалбаки ва бачкана бўлганларни ёқтирмайман. Сен-чи?

Бу май кечаси осмонда юлдузлар чақнаб турар, кўчаларда илиқ шабада эсарди, узоқлардан гармонь овози келиб, ундан ҳам нарироқда — итлар вовилларди. Улар шаҳар чеккасидаги ўз кўчаларидан борардилар.

— Бизнинг жойимиз худди қишлоқ жойга ўхшайди, тўғрими?— деди Капа.— Бу яхши: шаҳардамиз-у, айтилиш вақтда, қишлоқда ҳам тургандекмиз.

Ҳовлига киришгач, Капа:

— Скамейкачада бироз ўтирайлик,— деб таклиф қилди.— Шундай яхши оқшомки.

Андрейнинг пиджаги остида қучоқлашиб ўтиришди. Жимгина ўтириб, ширин-ширин хаёл суришарди.

— Ҳозир нимани ўйлаяпганимни биласанми?— деб сўради Капа.— Ўша пьеса туфайли ҳамон ўз фикримнинг давомини ўйлаяпман. Биласанми, бизда икки нарсани адаштиришади, бундан эса, кўпинча қалбакилик келиб чиқади. Гапимни эътибор билан эшит. Қишилиқ жамияти кўп минг йиллардан бери мавжуд, жамият шу кўп минг йиллар давомида одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишига асосланиб келган. Бир одам тортгану, бошқа одам унинг устида борган. Революция бундай тартибга барҳам берди. Инсон ўз тарихида биринчи марта бизда ўзи учун ўзи ишлайди. Бу ғоят буюк, ғоят улуғвордир. Мен бунинг таърифига сўз ҳам тополмайман. Бу — революция деган гапнинг ўзгинаси. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳал қилиниши масаласи жуда муҳим масалалардан бирининг ҳал қилинишидир. Ўзинг тортасан, гоҳи қийналиб тортасан, юксакликка тортасан. Лекин тепасида бораётган ҳам ўзинг. Гапимга тушунапсанми, чалкаш гапирмаяпманми?

— Тушунапман. Биз буни мактабдаёқ ўқиган эдик.

— Кулма. Бу ёғига тушуниш қийинроқ бўлади, чунки менинг ўзим буни роса чалкаштириб юраман. Бу ёғини эшит. Айтмоқчиманки, инсониятнинг қадимий ва жуда муҳим икки проблемаси бор. Биринчиси — мана шу ишлаб чиқариш муносабатлари, иккинчиси эса, — оилавий муносабатлар. Улар ўзаро боғланган, албатта. Капитализм дунёсида никоҳ — кўпинча савдо-сотиқ битимидир, бу ўз вақтида сулолага тегишли масала бўлган ва ҳоказо. Бизда инсон озод ва унинг ҳис-туйғулари ҳам озоддир. Лекин бундан, ишлаб чиқариш муносабатлари тубдан ўзгарган бўлса, одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши йўқ бўлса, ҳамма одамлар шахсий ҳаётда ҳам албатта бахтиёр бўлади. деган хулоса чиқади? Фараз этайлик, мен бўлмасам, Андрюша, домна цехининг коллективи менинг ўрнимни босадими?

— Сен нега бўлмас экансан?

— Мен буни шунчаки мисол учун айтаяпман. Мен доим ёнингда бўламан. Лекин мисол келтиряпман. Сенинг ўрнингни, масалан, ҳеч ким — коллектив ҳам, вақти келиб ўзим даволайдиган одамлар ҳам босолмайди. Сен мени ташлаб кетсанг, мен кечаю кундуз фарёд чекардим, мени бирорта қувноқ пьесага суқа олишмас эди. Мен қувноқ пьесада қаҳрамон бўлиш учун ярамасдим, чунки ҳақиқий қаҳрамон бўлардим. Бугун биз кўрган пьеса қалбакидир. Шунинг учун ҳам мен: ҳали шахсий бахт проблемаси ҳал этилмаган, дейман. Севгиси келмаганда ёки севмай қўйганда, нима қилиш кераклигини ҳали ҳеч ким билмайди. Бу проблемани келгуси одамлар, нон учун, яшаш учун унчалик қаттиқ курашишга мажбур бўлмайдиган одамлар ҳал қилади. Биз бўлсак китобларда ҳам, пьесаларда ҳам, кинода ҳам — буни нуқул тезлаштирамиз, шунинг учун бошқача бўлиб чиқади. Сенга роса жавраб бердим шекилли?

Андрей бир оз жим қолгач:

— Буларнинг ҳаммаси равшан. Лекин айрим нарсалар қилинган ҳам.

— Нима экан, нима қилинган!

— Яслилар, бола боғчалари, болалар уйлари бор. Буларнинг бўлиши ёлғиз қолган оналарга кўмак бўлади-да. Шунга ўхшаган нарсалар.

— Ана кўрдингми: шунга ўхшаган нарсалар-да, Андрюша. Ахир сен моддий жиҳатга, ҳаммаси моддий жиҳатга тегишли нарсаларни айтаяпсан. Моддий жиҳатни қандай ҳал этишни революция белгилаб берган, буни революция қўлга киритган, дедим-ку сенга. Яслилар, болалар боғчалари, нафақалар борлиги рост, онанинг бола ўстириши осонроқ бўлиб қолди. Лекин буларнинг ҳаммаси унинг учун сўнган муҳаббат

ўрнига, бошқа аёлни деб кетган севикли киши ўрнига ўтармиди? Сен ғалати ўйлайсан, Андрей.

— Кўп гапларнинг тўғри, Капа,— деди Андрей яна ўйлаб тургач.— Лекин ҳаммаси эмас. Сенинг айтганингча бўлса, ҳамма ўз-ўзига: биз бунда ҳеч бир нарсани ўзгартиролмаймиз, буларнинг ҳаммаси келажакнинг иши, деб, қўл қовуштириб ўтиравериши керак бўлади. Агар одамлар шундай деб ўйлаганда, революция ҳам бўлмасди, биз ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам ҳал этмаган бўлардик. Тўғрими?

— Ҳеч тўғри эмас! Маркс ва Ленин жамият тараққиёти қонунларини кашф этган, революция назариясини ва практикасини ишлаб чиққан. Ҳамма нарса пухта ўйлаб кўрилган, равшан программалар бўлган.

— Сен: Маркс ва Ленин, дейсан. Бунчалик илмий, бунчалик равшан ва аниқ бўлмаса ҳам, лекин уларга қадар ҳам инсоният тақдири устида ўйлаб кўрганлар бўлган-ку. Утопист-социалистлардан бошланган... Сен буларни мактабда ўқиганмисан?

— Бўлмаса-чи? Томас Мор. Кампанелла. Сен Симон...

— Ана, улар ҳам келажак тўғрисида ўйлаган, уни бирор тарзда ифода этишга ҳаракат қилган. Уларнинг хаёллари Маркс ва Ленинга керак бўлмаган, деб ўйлайсанми? Айтайлик, лоақал инкор этмоқ учун? Бу хаёллар инсониятнинг келажаги устида одамларни ўйлашга, уларни ҳам муҳокама қилишга жалб этмабдими? Мана ҳозир ҳам, бундай пьесалар ёзиш билан келажакнинг масаласини ҳал этишга — унда шахсий бахт қандай бўлишини билишга интиладилар.

— Нега шу кунгидай тасвирлашадилар! Яхшиси — хаёл қилпмиз, уриниб кўряпмиз, деб қўйиша қолса бўлмасмиди?

— Мен гапларингга унча қўшилиша олмайман, Капочка, хафа бўлма лекин. Пьесанинг ёмонлиги рост, айтганинг тўғри. Лекин ёзувчилар бундай масалалар устида ўйлаб, тўғри иш қиладилар.

— Келажак биносига қўйиладиган тошлар дегин,— деди киноя билан кулиб Капа.— Бирор одамга керак бўлиб қоладида, шундайми?

— Хўш, шундай.

— Бу ҳеч кимга керак бўлмайди. Шунчаки авторнинг ҳам, театрнинг ҳам, залда пиқ-пиқ йиғлаб ўтирганларнинг ҳам диди паст.

— Уларнинг пиқ-пиқ йиғлагани шундай масалалар устида ўйлаш кераклигини, бу масалалар одамларни ҳаяжонга келтираётганини улар турли ҳаётий зиддиятларни ҳал этиш йўллари кўрсатилишини истайдилар.

— Истаса истайверсин.— Капа араз қилиб, Андрейдан нари сурилмоқчи ҳам бўлди. Лекин унинг пинжига янада яқин

роқ кирди-ю, ўзининг ҳеч бир ҳаётӣ зиддияти йўқлигини, ўз Андрейни, бахти борлигини хаёлидан ўтказиб, секингина кулиб қўйди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўради Андрей.— Нимага кул-
япсан?

— Шунчаки.

Ҳақиқатан шу баҳор кечаси нима учун кулаётганини билмасди ҳам. У ҳаётдан мамнун, кўнгли янада яхшироқ бир нарсани олдиндан ҳис этар, қалби ором оларди.

Жар орқасидаги чўлда қуш чийиллаб қичқирарди. Шаҳарлик Капа бунинг қандай қуш эканини билмасди. Қоронғида, олчалар орасида қўнғизлар ғувиллашарди. Хушбўй ҳид аңқирди... Атрофга ажойиб ҳид таралган эди! Ҳамма боғларда бирор нарса гуллаган, ҳамма боғларда жўяклар тортилган эди. Гуллар, ёш гиёҳлар, тунги ҳаво билан ернинг ҳиди қўшилиб, ажойиб баҳор исини яратган эди. Баҳор илгари ҳам бўлган, ундан йигирматасини кўрган бўлса ҳам, лекин Капа уларнинг ҳозирги баҳордек бундай ҳид таратганини эслай олмайди. Капа негадир ўша баҳорларни хотирлаб қолмабди. Уларнинг бир-биридан ажралиб турадиган жойи йўқ эди. Келарди-ю, имтиҳонлар бошланар, ўтиб кетганда эса, имтиҳонлар тугаган бўларди. Шу тариқа бири иккинчисига, баҳору имтиҳон, имтиҳону баҳор, бўлиб туташиб кетаверарди. Ҳозир ҳам имтиҳонлар жуда яқин қолган. Лекин бу баҳор — имтиҳонлар баҳоримиди? Йўқ, бу бошқа баҳор, бу баҳор — Андрей Андрюша баҳоридир...

— Андрюша,— деди Капа,— наҳотки вақти келиб сен ҳам мени шундай ташлаб кетсанг?.. Менинг ёшим ўтиб қолган, сочларимга бир оз оқ оралаган бўлади, сен келасану, шартта, кечир мени, Капочка, ҳис-туйғуларим менга боғлиқ эмас, сен билан бахтли умр кўрдим, мана энди—янги муҳаббат уйғонди, бу муқаддас туйғуни ким ҳам қораларди? десангу, кетсанг-қолсанг. А? Наҳотки сен шундай қилсанг? Айт ҳозир! Мен унда яшамайман-ку, коллективга бормайман, денгизда оқаман, чўкаман. Тез бўл. Ҳаммасини ҳозироқ айтасан.

Андрей уни кўтариб олиб, тиззасига ўтқазди-да, гапиришга қўймай ўпа кетди. Бироқ Капа бирдан маъжус тортиди-ю, Андрейни бўйнидан тутган қўллари бўшашди.

— Секинроқ,— деди Капа аллақандай ғалати товуш билан.— Секинроқ, бундай қилма. Яхшиси уйга кирайлик. Совқотдим.

Дмитрий ҳали уйғоқ эди. Лекин у чой ичиб, овқатланиб бўлган ва иссиқ чойнакка сочиқ ёпиб қўйган эди. Капа ётоқхонага кириб кетди. Андрей стол ёнига ўтириб:

— Сизнинг прокаткангизда қандай янгиликлар бор?— деб сўради.

— Ким билади дейсан, Андрюшка,— деди жавобан Дмитрий.— Ҳеч нарсаса ақлим етмай қолди. Шундай ишларки, съезд шундай қарорлар қабул қилганки, нуқул ишлайдиган пайт. Ҳар хил унсурлар чиқиб, улар оғзига келганини гапириб юрибди.

— Бизнинг домна цехимизда унсурлар йўқ. Ишляпмиз.

— Унсурлар ёнингизга бормайди ҳам. У ер уларга иссиқлик қилади. Бизда салқинроқ. Бугун биттаси... Буни қара— ўзи мастер ёрдамчиси, мустақил бир одам бўлатуриб, кундалик сиёсий машғулот вақтида шов-шув кўтариб юрса бўлади-ми. «Нима учун журналдаги «Пўлат ва услуб» деган мақолани ишлаб чиқмаяпмиз?—деб бақиради.—Унда бор ҳақиқат ёзилган. Директор Чибисов ишдан чиқиб қолган, у демократ ниқобини кийиб олган бюрократ, бунақа раҳбарни янгилаш вақти келди» дейди. Буни қара, Чибисов шунақа одам эмиш-а... Платон бўлса: Чибисов билан кўп учрашганман, Чибисов яхши одам, дейди. Шахсан ўзим у билан кам учрашганман. Келганда гаплашардик, холос. Директор цехда яна нима қилсин? Мен чиқиб, сенинг шовқин кўтараётган нарсанг бу эмас амаки, дедим. Кел, цехдаги ишни қандай қилиб яхшилашни биргалашиб ўйлайлик. Ўзгартиш керак, ўзгартиш керак деган бунақа гаплар каллангга қаёқдан келиб қолди, нега ўзгартиш керак экан уни, завод ёмон ишляптими? дедим. «Бу ерда ёзиб қўйилган-ку!» деди-ю, журнални бурним тагига келтириб пеш қилди. Мен бу журнални қўлидан олдим, биз шуғулланаётган қизил бурчакнинг форточкаси очиқ эди, журнални форточкадан улоқтирдим. У буни кўриб, яна авж қилди. «Улоқтирдинг, нимани улоқтирдинг? Қоғозни улоқтирдинг. Ҳақиқатни улоқтириб ташлолмайсан» деди. Ана, кўрдингми, ёзиб чиқаришади-да, одамлар ўқигач, шунақа хулосалар чиқаришади, айрим одамлар бунга лақ этиб тушади. Ҳечқиси йўқ, бўладиган гап эмиш, ҳар ким ўз ўйлаганини очиқ-ойдин, астойдил сўзлаётган эмиш. Йўқ, Андрюшка, мен бақироқларни ёмон кўраман. Улар иш учун куюнмай, бирор гапни қойил қилиб айтиб, ўзларини кўрсатишнигина ўйлайдилар. Ўзингни ишда кўрсат, бу ерда сен ҳамманинг кўз ўнгидасан, бу ерда сен сира яширинолмайсан.

— Платон амаким ишда танилган эди-ку,— деди Андрей,— У ажойиб ходим, тўғрими? Уни нима қилишди? Ўша сенинг Чибисовинг.

— Платон менга айтиб берди,— деди Дмитрий.— Бунга Чибисов айбдор эмас экан. Чибисов унга ҳамма қоғозларни кўрсатибди. Буйруқни олдин бажармаганлиги учун Платон туфайли виговор ҳам олибди. Шундай. Платон бўлса ўзини нотўғри тутяпти. Хафа, ёмғирда уясидан чиқмайдиган кўп-пакдек, уйда ўтирибди. Ҳеч маҳал ўзим учун эмас, нуқул би-

ровлар учун олишиб келганман, ўзим учун кураша олмайман, деди. Бу воқиянинг тарихини биласанми? Менимча, бундай бўлган. Аллақерда бундай вазифаларда албатта инженерлик дипломи бор одам бўлиши керак деб нотўғри қарорга келишган. Шундай деб йўл-йўриқ ҳам чиқаришган. Лекин беҳуда. Ҳали ўйлаб қолишади.

Дмитрий ўз хужрасига кириб кетди. Андрей стол ёнида ўтирар ва хаёл суриб булка чайнади.

— Андрей.— Қапа ётоқхона эшигини очди.— Қаёқда қолдинг?

Капанинг овози аллақандай бўғиқроқ эшитиларди. «Шамоллаб қолдимикан,—деб ўйлади Андрей.—Скамейкада бекор шунча узоқ ўтириб қолдик».

Андрей ётоқхонага киргач, Қапа эшикни зичлаб ёпди-да, Андрейга ёпишди, унинг кўзларига қарамасди.

— Андрей, айт-чи, хурсанд бўласанми ёки койиб берасанми?

— Нима эканлигини билай.— Андрей фаҳмлаб қолди.— Сен-а?...—деди Андрей, юраги тез ура бошлаганини сезиб.

— Ҳа,—деди Қапа.—Ҳа, Андрей... Жонгинам. Бизнинг фарзандимиз бўлади. У ҳозир ҳам бор.

Капа калавлаб кетди, унинг ранги ўчган, чўчиган ва бахтиёр эди.

4

Баҳорги юмшоқ ерга бел осонгина ботарди: оёқ билан босилса, бор бўйи кирар, дастаси босилса, лўмбоз кўтарилар, ағдарилса, майда-майда бўлиб кетарди.

Платон Тимофеевич бир текисда, шошмасдан, деярли дам олмай ишларди; дам олишни унутган эди. У белни беихтиёр тутар экан, хаёли полизда ҳам, Устиновна бу ерга эсмоқчи бўлган картошка ва помидорида ҳам эмасди. Металлургия заводининг ишчи ва хизматчиларига шаҳар ташқарисидаги денгизга қараган тепалар ён бағирлигидан берилган коллектив полизнинг ершовлар участкасида ҳар йили ўстириладиган бодринг ва сабзи, карам ва лавлагилар ҳам ҳозир унинг хаёлига келмас, унинг хаёли бутунлай бошқа нарсда эди. Бу ер тепалик бўлганидан денгиз устида кенг ёстанган бутун шаҳар ҳам, орасидан металлургия заводи ўзининг паға-паға тутуни билан алоҳида ажралиб турган заводлар ҳам кўриниб турарди, порт ва заводлар ортида ярақлаб, кўзни қамаштирувчи денгиз ҳам рўпарада ёстаниб ётарди; қуёш унинг сиртида олтин ранг жимирилаб товланарди. У томонга қараш учун қўлни соябон қилмоқ керак, шунда ҳам узоқ қараб бўлмайди.

Платон Тимофеевич у ёққа ҳам, ўз атрофига ҳам қарамасди. У ерга, оёқларини остига қарарди. Атрофга кўз ташласа —

хафа бўлиб кетарди. Соппа-соғ, бақувват эркак бўлатуриб. кимларга ошна бўлиб қолди! Будка турган чап томондаги участкада (будка уриб туширилган «мессершмидт» парчаларидан ясалган бўлиб, унинг деворида қора-сариг крест ҳамон кўриниб турарди) жуда кексайиб қолган Сидорин бобо ғимирлаб юрарди, у урушдан сўнг икки-уч йил умрини заводда қоровул бўлиб ўтказган эди. Ушандан буён ишламайди, уйда ўтиради ҳамда мана шу ерда сабзавот экади. Учта асалари уяси қўйиб, ўтган йили ҳар биридан тўрт пуддан асал олди. Бобонинг участкасидан орқада Ватан уруши майиби, собиқ мартинчининг участкаси бор. Биргина сўл қўли қолган, лекин у ҳам бел ишлатишни ўрганиб олибди — қўли ва кўкраги билан ишлайди, яна оёғи билан ҳам моҳирлик билан иргитиб ташлайди. Унг томонда икки хотин — завод бошқармасида ишлайдиган инженернинг ўз онаси ва унинг хотинининг онаси сабзи-пиёз экишяпти; кампирлар тотув яшайди, иккаласи ҳам семиз, ёнма-ён турса, иккита бочкага ўхшайди; икки қулоқлик корзинани тўлдириб таом олиб келиб, куни билан егани-еган. Кундузи қаёққа қараманг, ҳамма участкаларда ё чол, ёки майиб, ё кампир кўринади. Яна мактабгача ёшдаги болалар кўринади. Улар орасида Платон Тимофеевич Ершовнинг юрганлиги шармандалик. Нима қилсин? Суйкалиб заводга борсинми? Борса ҳам бўлади, муддатсиз пропуск беришган. Хўш борганидан нима фойда? Бошқаларга ҳам халақит беради, ўзига ҳам нафъи йўқ, хафагарчилик холос.

Кечқурун цехдаги ишлардан бўшаб участкаларга эгалари келганда Платон Тимофеевич енгил тортарди. Ушанда ўтиришиб, фикрлашиш, янгиликлардан гаплашиш мумкин бўларди. Кундузи бўлса... Кундузи уйда ўтирган дуруст. Платон Тимофеевич тантанали нутқлар, президиумга чиқиб ўтиришлар билан пенсияга жўнатилгандан сўнгги дастлабки кунларни уйда ўтказди. Жуда зерикди. Кейин заводга қатнаб юрди. Цехга келар, печдан печга ўтиб сандироқлар, горновойлар билан сўзлашарди; жияни, инженер Қозакова ва бошқа мастерлар ҳам унинг юзига қарашмас, ҳамма хижолат эди. Заводга қатнамай қўйди. Китобларга юз тутди. Этажерка, жавон, токчаларда кўп китоб йиғилган эди. Китоб йиғишни катта ўғли — Володя бошлаган эди. У йиққан китоблар ҳам, Володянинг ўзи ҳам урушга ем бўлди. Ҳозиргилари эса ўртанча ўғли — Борисники ва кичик ўғли — Саньканики ҳамда Ленинграддаги музика ўқув юртида ўқиётган Любочканики эди.

Китоблар жуда кўплигидан, уларнинг уч-тўрттасинигина ўқиганидан ҳамда афтидан, ҳаммасини ҳеч маҳал ўқиб ҳам чиқолмаслигидан афсусланди, таъби хира бўлди. Токчалардан пўлат қуйишда ишлатиладиган конвертер ихтирочиси Бессемернинг ҳаёти тўғрисида ёзилган китобни топиб олди. Бессе-

мер оғир ҳаёт кечирган бўлиб, бу ҳақда аллаким ҳам оғир ёзган экан, шу қадар зерикарли қилиб ёзганки—икки-уч саҳифасини ўқишинг билан нах уйқу босади.

Бир неча марта болаларни гапга солиб кўрди. Улар билан қандай гаплашиб ҳам бўларди! Ҳаммаси банд, шошгани шошган. Бу йил Борис июлда ёки августда техникумни тамомлайди, Санька ҳунар мактабини тугатади. Уларнинг мустақил ҳаёти бошланади. Саньканинг тарбияси кўп қийин бўлди, онасиз ўсди, хотини ўлганида у бир яшаргина бола эди: Йигитчани одам қилиш оғир бўлди—бу гаплар уйда бўлмай, бошқа жойларда, эвакуацияда, Уролда бўлган эди...

Платон Тимофеевич ер чопиб, жўяк олар экан, ўзининг бутун умрини йилма-йил хаёлидан ўтказарди. Наҳотки унинг умри шу ерда жўяклар орасида тамом бўлса? Дмитрий қийинди,—бориб, ўзинг учун кураш,—дейди,—ўз ҳақлигингни, меҳнат қилиш ҳуқуқингни исбот эт, сени ўз ўрнингга қайтаришлари керак,—дейди. Яков эса, бошқача фикрда. Пенсияга жон-жон деб, хурсандлик билан чиқардим, дейди у, хоҳлаганингни ва керак деб билганингни қилолмайдиган бунақа ишдан безор бўлдим, дейди. Платон Тимофеевич эса, бунисига ҳам, унисига ҳам кўнмайди. Қатнаб, ўзи учун хиқиллаб сўраниб юришни ор билади, бундай ишни бошқалар қила қолсин, деб ўйлайди. Пенсияга ҳам хурсанд эмасди. У бошқача йўл тутади. Ўқув йили тамом бўлаётганидан ҳозир хонаси эмас, лекин кузга яқин, янги ўқув йили олдидан техникумга, ёки ҳунар мактабига, балки завод қошидаги кечки институтга боради-ю, студентларни домна ишига ўргатиш, амалий машғулотлар ўтказиш, ҳатто лекциялар ўқиш каби ўз қўлидан келган ишларни таклиф этади. У жуда ҳам чакана одам эмас-ку! У ҳар турли курсларда профессорларнинг ҳам, доцентларнинг ҳам лекцияларини эшитган... Бошида у, балки бунақа сўзларни билмас, лекин амалий материал ошиб-тошиб ётибди.

У, Дмитрийнинг айтганига юрмай, шундай қилади. Қариндошлари горкомга Горбачев ёнига бор, энди у ўз одамимиз ахир, заводга, Чибисовга ёпишсин, деган маслаҳатни ҳам беришарди. Бундай маслаҳатни эски ершовлар авлодидан бўлмаган, кекса Тимофей Игнатьевич Ершов мактабини ўтмаган, ишчи номуси тўғрисида чинакам тушунчаси бўлмаган куёвлар берарди. Танишишдан кейиноқ бориб сўраниб ўтирса, жуда ярашса керак!

Платон Тимофеевич белни ерга суқиб, қаддини ростлади. Ўтган ёздан буён—бир йил ичида бу ишдан чиқиб қолибди; бу белга зўр келишидан маълум. Қўйлагининг елка ва орқаси хўл бўлиб, ҳозиргина ювилганга ўхшарди. Ечиб, белнинг дастасига илиб қўйди. Қуёш елкаларига, кўкраги ва қўлларига ором берарди. Икки ғўла ерга кўмилиб тахта қоқиб ясал-

ган скамейкага бориб ўтирди-да, чекди. Теварак ям-яшил. Қиялик остидаги супурги ўт товланиб турган жойда, аллақачон қуриб қолган анҳорнинг нимжонгина қолдиғи илон изи бўлиб оқмоқда, супурги ўт остида икки юз, уч юз эчки дам оларди. Соқолигина оқ бир қоп-қора қари эчки тош устида қоровул бўлиб турар, чўпонлар — чол билан икки йигитча супурги ўт остида ухлаб ётарди. Платон Тимофеевич бурчаклари сийқа коленкор муқавасининг ўртасига крест туширилган инжилни эслади. Қирқ йилча илгари уни Платон Тимофеевичнинг бобоси ҳар якшанба кuni варақлар эди. Ўша китобда шундай дарахтлар остида эчкилар ва узун таёқлар тутган чўпонлар сурати бор эди.

— Тимофеич!— деган овозни эшитиб, ўгирилди. Иккинчи печда ишлайдиган горновойлардан бири унга қараб келарди. Соатга қараса: беш бўлибди. Смена аллақачон тугаган, ҳозир бел ва паншаҳалар кўтарган меҳнаткашлар кела бошлаб, гавжум бўлиб кетади,

— Папиросдан бер-чи, Тимофеич. Тамакидон сабилни уйда унутибман. Орқамга қайтмай....

Платон Тимофеевич чўнтагида эзилган пачкани горновойга узатди.

— Заводимиздаги ишларни айтмайсанми, Тимофеич,— деди у, папирос тутунини ичига тортиб.— Сенинг ўрнингга кеча кимни эълон қилишди дегин? Бунга ишонмайсан. Тупуриб юборасан.

— Хўш, хўш. кўп чўзмай, айта қол!

— Инженер Воробейнийни, Борис Калистратовични.

— Воробейнийни дейсанми?— Платон Тимофеевич скамейкадан турди.— Ҳазиллашяпсан шекилли.

— Истасанг, крестни ўпай? Лекин менда крест йўқ, Тимофеевич. Буйруқни эълон қилишди, дейман. Ҳаммаси тартиби билан. Ҳамма койнади, Воробейнийнинг Герман Герингга чўян эритиб берганини ҳамма билади-да, ахир. Йигитлар цех бошлиғи олдига ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиб боришди, унинг жони чиқиб: ундай бўлса, дўстларим, менинг ҳам аризамни қабул қилинглар. Мен ҳам бу ердан жўнаб қоламан, деди. Партия ташкилотининг раҳбарлари келишди, ундай бундай. деб сўҳбат ўтказиб, тушунтирган бўлишди. Ўртоқ Воробейний, албатта, гуноҳ иш қилган, доғи бор одам, лекин у тажрибали инженер, билафон мутахассис, цехда урушдан илгари ҳам ишлаган, дейишди. Одамлар эса, гўё нималар деяпсан ўзинг, ўша йприк мутахассиснингни устимиздан катта қилиб қўйиш эмас, боши билан чўян вагончага шўнғитиш керак, дегандек полга қараб ўтирар, бошини кўтармасди. Буниси юракдаги гап. Лекин иш манфаатидан қараганда... Хўш, Тимофеич, сен қарши бўлармидинг? Гитлерчилар одамни ги-

рибонидан тутиб, зўрлаб хизмат қилдирган. Одам Темир эмас-ку. Сенинг уканг Степанни ҳам шундай қўлга олиб, бети билан столга урушган-ку, хизмат қилган у ҳам, тўғрими?

— Лекин у ўз одамларига ўқ узмаган.— Платон Тимофеевич янги папирос олиб чека бошлади.

— Воробейиний ҳам ўз одамларига ўқ узмаган. Умуман Гитлер бизнинг печларимиздан шимилдириқни ҳам олгани йўқ.

— Бу Воробейиний айби билан эмас. Печни ишдан чиқарган бошқа одамлар бор эди.

— Уми, бошқами,— ҳозир билиш қийин: кўп вақт бўлди. Қўникаймиз, Тимофеевич. Унинг бошчилигида хизмат қиламиз.

Платон Тимофеевич қўлида ўйнаб турган папирос пачкасини ғижимлаб, ерга улоқтирди-да, ҳўл қўйлагини олиб, шифиллатиб кийди. Ўт устидаги пиджагини кўтариб, полизлардан нари кетди.

Горновой ғижимланган пачкани ердан олиб, уни авайлаб текислади-да, синган, эзилган папиросларни битта-битта чиқариб олди, уларни скамейкага териб қўйиб, ёпиштира бошлади. Бунинг учун у папирос найчалардан кўчириб олар ва юпқа қоғозларини ҳўллаб ёпиштирарди.

Платон Тимофеевич эса, инжилнамо эчкилар ёнидан ўтиб, шаҳарнинг чекка кўчаларига тушди. Автобус тўхташ жойига етиб бориб, жўнаётган автобусга чиқиб олди. Орадан йигирма минут ўтгач, у шаҳар партия комитети секретарининг қабулхонасида эди.

— Кириб айтинг,— деди у секретарь Симочкага,— Ершов келди денг, Платон Тимофеевич.

Горбачев қабулхонага чиқди, унинг қўлини қисиб, кабинетга таклиф қилди, кўриб жуда хурсанд бўлганини айтди, креслога ўтқазди-да, кабинетда чакилмайди, деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам столдан папиросли коробкани олиб, Платон Тимофеевичга тутди ва ўзи ҳам чекди. Платон Тимофеевич унинг олдида нимага келганини сўрамади.

— Ўзимни қўя турай,— деди Платон Тимофеевич ўзи.

— Менинг ҳаётимни бузишди — буниси майли...

— Нега бузишади? Пенсияга чиқаришибди, деб эшитдим. Бунинг қандай ёмон жойи бор? Ёши тўлган одам бизда дам олиши керак.

— Эҳ, Иван Яковлевич!— деди гапни бўлиб Платон Тимофеевич.— Пенсияга чиқаришгани йўқ, ҳайдашди. Бўйнимга уриб ҳайдашди. Фарқи бор-ку, ахир!

— Бутун бир мажлис чақирилиб, зўр тантана бўпти. Мен ҳатто газетада чиққан «Меҳнат ветеранини кузатиш» деган хабарни ҳам ўқидим.

— Ветеран эмиш! Мен ветеран ёшида эканманми? Бу расман шундай. Агар куч-қувватимга қаралса?... Мени кўр, наҳотки пенсионерга ўхшасам? Мен соғломман, ишлашни хоҳлайман. Нега мени ҳайлашади? Бу зараркунандалик.

— Бу нимаси, бу нимаси, Платон Тимофеевич, бунақа сўзлар нимага керак. Бунақа ҳаддан ошмаслик керак.

— Ҳар қандай ифлосни цехга қўйиш — бу ҳаддан ошиш эмасми?—Платон Тимофеевич чўнтақларини кавлаб, папирос тополмади-да, стол устидан Горбачевнинг коробкасига чўзилиб, қаламлар солинган мис стаканчани ағдариб юбориб, папирос олди.

— Қандай ифлосни?— деб сўради Горбачев.

— Фашистларга хизмат қилган ифлосни. Инженер Воробейнийни..

— Уни қаерга қўйишибди, қайси вазифага?

— Менинг вазифамга, бош мастерликка. Унинг учун фашистларга хизмат қилиш ҳам, Совет ҳокимиятига хизмат қилиш ҳам барибир.

— Бу гапинг чакки, Платон Тимофеевич, чакки,— дерди уни тинчителишга тиришиб Горбачев.— Ўша Воробейнийлар Ватан қаҳрамони эмас, албатта. Лекин мутахассис. У заводдаги домналарни қуришда қатнашган, босилиб чиққан асарлари бор.

— Шундай қилиб, Ершовни ҳайдаш, Воробейнийни тўрдаги икона ўрнига ўтқазиб қўйиб, унга икки букилиб таъзим қилиш: отахонимиз, шикаст берганинг ҳам майли, сенга тугал ҳурматимизни қабул этгайсан, дейиш, сенингча, тўғри экан-да?

— Бундай дабдаба нега керак? Чўян эритаверсин — вассалом.

— Ишчилар уни чўян вагончага шўнғитишса нима бўлади?

— Қўй сен бу гапингни, қўй! Ошириб юбординг, Платон Тимофеевич! Ҳиссиётга бериляпсан, азизим. Ўйда ўтиргинг келмаётган бўлса, иш топиб берсакмикан? Мен ҳолингга тушунаман, ўзим ҳам уй бекаси бўлиб ўтиролмайман. Хўш, нима, иш топиб берайликми? Енгилроқ, ёшингга тўғри келадиганини?

— Ўзим топиб оламан. Бунинг учун озор чекмасанг ҳам бўлади,— деди совуққина қилиб Платон Тимофеевич, яна папирос олар экан.— Билиб қўй, Иван Яковлевич, ҳаммангиз жонимга тегаверсангиз, Марказкомга бораман.

— Менга қара, Платон Тимофеевич,— деди мулойимлик билан Горбачев.— Мени нуқул шу гап билан чўчитишади: сен бу ерда ўтириб олиб, ишни бузаяпсан. Мана, Марказкомга борамизу, у сенга кўрсатиб қўйишади, дейишади. Не-

га энди сиз, дўстларим, мени албатта ҳамма нарсани бузди, ҳаммасини тескари қилади, ҳамма нарсани зарарига, ҳаммасини қаршисига қилади деб ўйлайсиз? Мен бўлсам сенга ўхшаган одамман, худди шундай коммунистман, сенинг юрагинг ачиган ишга меник ҳам ачийди. Мана мен ҳам Марказкомга борсаму, коммунист Ершов ноҳия иш тутяпти десам,— унда нима бўлади?

— Мен нима қилиб, ноҳия иш тутаятган эканман?

— Ўйламай гапиряпсан, азизим Платон Тимофеевич. Ўйлаб гапириш керак. Зараркунандалик. Ифлос. Жонимга тегаверсангиз. Арз қиламан...

— Мен шикоят қиламан, деганим йўқ. Мен шикоятчи эмасман, ўртоқ Горбачев.— Платон Тимофеевич ўрнидан турдида, қаддини ростлаб, думалоқ кўкрагини керди.— Мен ишчи одамман. Менинг шикоят қиладиган одамим йўқ. Ҳар хил қарам одамлар шикоят қилади. Мен қарам эмасман. Мен тартиб ўрнатилишини талаб қиламан, менинг қиладиганим шу. Қўлларимни кўряпсанми?— У иккала қўлини кафтларини юқори қаратиб столга қўйди. Қабарган кафтлари чандиқ ва доғ-дуғлар билан қопланган эди. Бармоқ бўғинлари туртиб чиққан, уларни энди ҳеч ким сира ювиб тозалай олмайди, қурум уларга кетмас бўёқ бўлиб абадий жойлашиб қолган эди.— Мен ўзим... ўзим... Леткани ҳам ўзим созлайман, фурумуларни ҳам ўзим ўзгартираман, керак бўлиб қолса, минг градуслик печга ҳам ўзим кириб-чиқаман. Энди бориб Воробейнийнинг сотқин қўлларини кўр. Хайр, Иван Яковлевич. Сен билан бир фикрга келолмадик.

— Сен қизишмагин, сабр қил.

У кетгач, Горбачев саноат бўлими мудирини чақирди, унга металлургия заводидан кадрларни тайинлашда нуқсонлар борлиги тўғрисида хабарлар келаяётганини айтди.

— Тўғри, Иван Яковлевич, бор.— Мен ҳам сизга шуни айтмоқчиман,— деб гапира кетди бўлим мудир.— Министрлик кетма-кет буйруқ чиқаряпти. Чибисов менга заводдан кетгудек бўлаяётганини айтди. У сиз билан бу тўғрида гаплашгани йўқми? Бундай бебошликка қарши қатъий курашмоқ керак, деб ҳисоблайди. У яна заводда сувни лойқатиб юрган одам бор, министрликда эса ўша фитначини қўллашяпти, дейди.

— Текшириб кўринг, марҳамат қилиб. Ишни асослироқ ўрганинг. Бош мастер Ершовни нега бунчалик шошилишча равишда пенсияга чиқариб юборишади, Воробейний қаердан чиқиб қолди? Партия комитети билан боғланиб, домна цехидаги ишчиларнинг фикри билан қизиқиб кўринг. Министрлик-министрлик-ку, лекин биз ҳам воқияларни рўйхат қилиб ўтирмаймиз.

Платон Тимофеевич қаттиқ ғазаб ичида заводга қараб борарди; у тикка прокатга ўтиб, станга, Дмитрий ёнига кўтарилди; улар цехдан чиқиб занг босиб, ўт-ўлан қоплаган темир-терсаклар орасида кезинишди;— ўтган йилги қуруқ ўт поячалар қаттиқ чўтка сингари чиқиб ётар, улар орасидан эса ёш кўкатлар бош кўтармоқда эди. Платон Тимофеевич Дмитрийга Горбачев билан бўлган гапни батафсил айтиб берди.

— Қандай содда одамлар-а!— Дмитрийнинг юзидаги чандиқ тиришди.— Бугун бош мастер Ершовни бошлашган бўлса, эртага Чибисовга ёпишишларини тушунишмаяпти. Маъмулотлар вақтида биттаси шу мазмунда гапирди ҳам... Бириси кун ўша нодон Горбачевга ҳам етиб боришади. Қурашмоқ керак, Платон. Мен сенга дарҳол: кураш, деган эдим. Сен бўлсанг сувга пишилган товуқдай шумшайиб ўтирдинг.

— Обкомга бораймиз?

— Бор. Аввал завод комитетида тўполон кўтар. Марказкомга бораман дебсан-ку, бу ерда иш чиқмаса,— у ерга бор. Биз шикоятчилар эмасмиз, биз шикоят қилмаймиз, сўрамаймиз, талаб қиламиз деб тўғри айтибсан.

— Бўпти. Ишингга бор. Ўйлаб кўраман.— Ўйга келиб чеккиси келган эди, папирос йўқ экан. Қўшниси артист Гуляевнинг эшигини тақиллатишга аҳд қилди.

Гуляев ўз хонасининг ўртасида қўлини кўтарган ҳолда туриб нутқ сўзламоқда эди.

— Айни муддао,— деди у қўлини тушириб, беихтиёр «киринг» деган овозига эшикдан Платон Тимофеевич кириб келар экан.— Айни муддао. Танишинглар. Бу ёш ёзувчи. Пьесалар ёзади. Ўртоқ Алексахин.

Платон Тимофеевич стол орқасидан туриб келган йнгитга қўл узатди:

— Ўтиринг,— деди Гуляев, Платон Тимофеевич стул бериб.

Платон Тимофеевич ўтиргач:

— Мен бирпасга, папирос учун кирувдим,— деди.

— Марҳамат,— деб портсигарини тутди Алексахин.— Меникидан ола қолинг. Александр Львович чекмайдилар.

— Мана пьеса ўқияпмиз, ўртоқ Ершов, азизим,— деб гапира кетди Гуляев хонада кезинар экан.— Мен заводдан ишчиларни, мутахассисларни чақириб, уларга пьесани ўқиб бермоқчи эдим. Сиз ҳам назаримда бор эдингиз. Энди ўзингизки келибсиз, балки бу ерда нималарни сўзлашимизни тингларсиз. Пьеса сизга тааллуқ, Платон Тимофеевич. Бу ерда сизнинг ҳам ҳикояларингиз, бошқа домначиларнинг ҳам айтиб берганлари бор. Ўртоқ Алексахиннинг ўйдирмалари ҳам бор. Мен ҳам айрим нарсалар қўшганман.

Қалай, ўртоқ Алексахин, ўртоқ Ершовга иккитагина кўри-
нишини ўқиб берамизми? Билиб қўйинг, бу киши бош қаҳ-
рамонингизнинг ўғли.

— Ҳали шундай дег!— Алексахин яна столдан турди.—
Сиз ҳам бу ерда борсиз!— У стол устида ёзилиб ётган са-
хифаларга қўл теккизди.— Келганингиз яхши бўлди. Биз
Александр Львович билан бирга ишляпмиз — қайта туз-
япмиз, тўлдиряпмиз, аниқляпмиз. Эшитишга вақтингиз
борми?

— Қани эштайлик — деди Платон Тимофеевич, стулга
қулайроқ ўтириб олар экан. Пьесага унчалик иштиёқи йўқ,
кўнглига ҳам сиғмасди. Лекин шундоқ бирдан бош тортиб,
чиқиб кетавериш одобдан эмас, ҳар ҳолда санъат ходимла-
ри, ижодий лаборатория...

Гуляев ўқий бошлади. Гуляев бу пьесани ўқимас, балки
ўйнарди. Ёш бўлиб ўқиса — Платон Тимофеевичнинг олди-
да ёш одам пайдо бўлар, кекса бўлиб ўқиса — кекса одам
кўринади. У аёл ҳам, ишчи ҳам, инженер ҳам бўла оларди.
Бунинг ҳаммаси Окуневлар оиласининг ҳаёти тўғрисида,
аллақердаги номаълум завод тўғрисида эди, Платон Ти-
мофеевич эса ўз заводини ва ўзининг қадрдон ершовлар
оиласини кўрарди. Ўхшаш жойлари кўп, ҳаммаси ҳам бў-
либ ўтган ва бор нарсаларнинг худди ўзи эди... Учиб қол-
ган папиросни бармоқлари орасида тутгани ҳолда унутган
эди. Кекса Окунев тўғрисидаги гапларни тинглаб ўтириб-
ди-ю, унинг учун кекса Окунев қандай қилиб марҳум Тимо-
фей Игнатьевичга, ўз отасига айланиб кетганини сезмай қо-
либди. Отаси гитлерчи жаллодларнинг калтаклари остида
бардам, мағрур туриб: «Отингиз, сиз, эртанги мурдалар!»
дерди. Бу сўзларни эшитганда Платон Тимофеевич кўзлари-
га ёш келганини сизди-да, ўзига келди, йўталиб, папиросини
яна тутатди.

Гуляев икки соат ўқиди; вақт қандай ўтганини, дераза-
лар ортида қош қорайганини, май осмонидаги мовий юл-
дузлар йилтирай бошлаганини ҳеч ким сезмай қолди. Пла-
тон Тимофеевич шу икки соат ичида хаёлидан кўп нарса-
ларни ўтказди.

— Раҳмат сизга ўртоқ ёзувчи.— деди у ўқиш тамом
бўлгач, Алексахинга бош иргатиб.

— Мен ёзувчимидим? Нима деганингиз бу, ўртоқ Ер-
шов!— Алексахин уялди.— Мен шунчаки — ҳаваскорман.
Қисқаси, бошловчи. Демак, маъқул тушибди-да?

— Лекин бир нарсани айтмоқчиман.— Платон Тимофе-
евич Алексахинга жавоб бермади.— Сизга бир гапни айтиб
берай. Сизда битта бўшроқ жой, ноаниқроқ ўрин бор. Дом-
наларни гитлерчилар учун ким тиклайди, кексаларни ким

айтиб беради ва ҳоказолар тушунарли эмас. Буларнинг ҳаммаси сизда гестапонинг иши бўлиб, дудмолроқ чиққан.

— Гапингиз тўғри,— деди Алексахин, эшитиб бўлгач.— мен заводда бўлиб айрим ишчилар билан суҳбатлашдим. Шаҳар газетасининг редактори ўртоқ Бусирин айтиб берган эди. Александр Львович ҳам... Мен ҳам ҳамманинг айтганини эшитиб, бўш жойи борлигини, бўлганда ҳам сиз айтгандай эканини сезиб турибман. Бундан драматизм сусайяпти.

— Драматизм бўлса — майли,— деб гапни бўлди Платон Тимофеевич бесабрлик билан.— Асосий гап, ҳақиқатга тўғри келишида. Воробейний тўғрисида эшитмаганмисиз?

— Шундай бир одам немисларга хизмат қилган, дейишган эди. Лекин мен унинг билан қизиқсинмаган эдим.

— Бекор қизиқсинмабсиз. Домналарни тиклаган ўша одам эди. Бунга кўнглим шоҳидки, отамни сотган ҳам ўшанинг ўзи. Чолларнинг муғомбирлигини бошқа ҳеч ким била олмас, бошқа ҳеч ким айтиб бермас эди. Буни душманга бошдан-оёқ сотилган одамгина қилиши мумкин эди. Бир бор сотилган одам, кейин арзон-гаровга сотилаверади. Ана ўшандай одамни тасвирлаш керак. Йўқса равшан бўлмайди.

— Менга қаранг, Александр Львович, бу ўйлаб кўришга арзийди — деди Алексахин.— Мен сизга айтган эдим-ку, эсингиздами?... Ҳаракат давомида гитлерчиларга хизмат қилган бир нусха, албатта бўлиши керак, деган эдим. Сиз бўлсангиз, бу унчалик муҳим эмас, менга чолни, бош қаҳрамонни беравер, деган эдингиз.

— Тушунсанг-чи, жонгинам, менга чиндан ҳам ўша чолгина керак,— деб кулди Гуляев.— Мен ҳаммани ўйнолмайман-ку. Ўзимни, ўз ролимни ўйлайман. Бутун пьеса — сенинг ишинг. Сенинг ўзинг қараб кўр нима бўлишини. Сен эгасисан, ўзинг биласан.

5

Чибисов олдидаги кенгаш ҳозиргина тамом бўлди. Кенгаш олти соатча давом этди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари билан чўян ва пўлат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконияти муҳокама қилинди. Цехларнинг бошлиқлари заводда металл ишлаб чиқаришни кам деганда ўн-ўн икки процент ошириш имконини берадиган кўпгина тадбирларни кўрсатиб ўтдилар. Тонналарга айлантирилганда бу жуда кўп миқдорни ҳосил қиларди.

Йигирманчи съезд қарорларида оғир индустрия тўғрисидаги, унинг мамлакат саноат тараққиётининг асоси, мамлакат хўжалик ва ҳарбий қудратининг асоси бўлиб келгани

ва шундай бўлиб қолаётгани тўғрисидаги сўзларни қувонч билан ўқиганликларини кенгашда кўп гапирдилар. Ахир, съезддан икки йилча илгари — енгил саноатга, ишлаб чиқариш воситаларини эмас, истеъмол воситаларини ишлаб чиқаришга биринчи даражали эътибор бериладиган вақт келди, деб вайсашган эди-да. Шу руҳдаги мақолалар гоҳо матбуотда ҳам кўриниб қоларди. Аллақандай одамлар халқнинг бошини айлантлар, ўзларининг хонаки фикр-хаёлларини назарий кашфиёт, партиянинг сиёсати деб атардилар. «Менинг ҳафсалам пир бўлай деган эди — деди бош металлург.— Оёқдан қоляпман, мутаассибга айланыпман, деб ўйлагандим. Истеъмол воситалари ишлаб чиқаришнинг биринчи даражали ўрни тўғрисидаги гапларга қўшилишмай: давлатни еб битирамиз, ўшанда бизни хиппа бўғиб олишади, деган эдим. Балки, бирор нарсага ақлим етмаёггандир? Бу — миямнинг ҳужайраларида оҳак кўпайиб кетганидан — склероздандир, доноларга йўл бўшатиб бермоқ керакдир, деб ўйлабман. Ўўқ, ҳали яроқли эканман...»

Кенгашда Орлеанцев яхши сўзлади. У домна цехи ишини яхшилашнинг бутун бир программасини баён қилди. Чибисов унинг гапига қулоқ солиб ўтирар ва: «Бу қандай одам экан ўзи? Аллақандай ёқимсизу, лекин бамаъни ходим» деб ўйларди. Қишда инженер Козакова билан Платон Тимофеевич ўз олдига келгани ёдида эди. Улар яхши таклифлар, жуда яхши таклифлар қилишган эди, бу таклифларни ўшанда бош инженер билан биргаликда муҳокама қилишган, жорий этиш плани тузишга кўрсатма оерилган эди. Лекин Козакованинг ҳатто тажрибакор Ершов томонидан тўлдирилган таклифларини Орлеанцевнинг таклифи билан таққосланса, Орлеанцев томони устун келади. У ҳаммасини умумлаштирган, сўнгги йилларда бизда ва чет эл домна ишлаб чиқаришида пайдо бўлган илғор усуллардан фойдаланишнинг кенг программаси қилиб бирлаштирган эди.

Цехнинг янги бош мастери, Платон Тимофеевичнинг ўрнига тайинланган инженер Воробейний Орлеанцевни қизгин қувватлаб чиқди, унинг программасидаги айрим ўринларни ривожлантирди, бу билан ҳам сира чекланмаслик керак, домна цехининг бошқа имкониятлари ҳам боо деди. Тўғри, цех ҳозир ташлаб қўйилган, анча қаровсиз қолган, кўп хонаки нарсалар бор. Лекин буларни тузатса бўлади ва тузатилади.

Баракалла, офарин Орлеанцев. Лекин шунда ҳам Чибисов: «Сиз нуқул ўз планингизга биқиниб қолманг,— деб қўйди.— Домначиларнинг ўзи буни кенгроқ муҳокама қи-

лишсин. Ишчилар синфининг шундай ажойиб бир гидроки борки, гоҳо академикнинг ҳам хаёлига келмаган нарсани таклиф этиб қолади. Инженер Қозаковани ҳам ўзингизга яқинроқ тутинг. Мен сиздан илгари Қозакова ҳам таклиф қилган кўп тadbирларни эшитган эдим. Бу яхши ташаббускор ходим. Ҳа, у билан ҳамкорликда ишлашингизни сўрайман. «Ёшларни ранжитманг». — «Албатта, — деди тушунгандек жилмайиб Орлеанцев. — Қозакова — бу ишлардаги асосий ташкилотчилардан бири. Борис Калистратович ҳам, менимча, шундай деб ўйласа керак». — «Албатта, — деди жавобан Воробейний. — Қобилиятли аёл. Қувватлаймиз».

Кабинетнинг деразалари ланг очик бўлганидан кенгашдан сўнгги тамаки тутуни тезда чиқиб кетди, унинг ўрнига домна ва мартен печларининг ўрганиш бўлиб қолган ачимсиқ ҳиди кириб келарди. Унинг фойдасиз, зарарли, танни заҳарлаши устида ҳар нарса дейишса дейишаверсин, лекин Чибисов бу ҳидни яхши кўрарди. Бирор-бир Кисловодскда ёки Қора денгиз соҳилида ўтказилган отпускасидан қайтар экан, бир ой, давомида тоза тоғ ёки денгиз ҳавосига ўрганган одам (айримлар бунга ажабланса ва ишонқирамаса ҳам майли), металлургия ишлаб чиқаришининг ҳидини ғоят ҳузур билан димоғига тортарди. Олтингугурт ҳиди келса бас, у ўзини уйда ҳисобларди. У металлург бўлмаган танишларига: «Ажабланасизларми? Ишонмасизларми? — дерди. — Шайтоннинг дўзахдаги олтингугурт ҳидини ёқтиришига нега шубҳа қилмасизлар? Бу шайтоннинг жони-дили-да! Бу менинг ҳам жони-дилим».

Чибисов кабинетда кезинди; оёқлари оғир тортган, кўпчиган эди; стол ёнида икки-уч соат ишлагач, бир неча минут енгилгина гимнастика қилишни маслаҳат берган врач эсига тушди. Эрталаб-ку, шундай қилади, қон тезроқ ҳаракат қилмоғи учун иш вақтида ҳам организмни жисмоний ишга солмоқ керак. Бир неча марта ўтириб-туради, қўлларини ёзади. Гимнастика қилишни қўятуриб, аввал ўз вақтида овқатланишни ўргансам-чи. Соатига қараса: тўрт бўпти, демак, саккиз соат овқат емабди. Ҳар куни соат учда, худди учда овқатланаман, деб ўз-ўзига сўз берган эди.

Қўнғироқ билан Зоя Петровнани чақирди.

— Мен ҳозир бориб, овқатлансам нима дейсиз? — деди унга. — Сиз унча қаттиқ қаршилиқ қилмайсизми? — Чибисов унинг юзига назар соларди. — Ўйўқ, менга қаранг, — деди у бошқача, жиддий оҳангда. — Сиз менга ёқинқирамай турибсиз. Сиз бадқовоқ бўлиб қолдингиз, Зоя. Ҳатто — ғамгин кўринасиз. Бошингизда бирор гап борми? Илгари менга ўз ишларингиздан гапириб турардингиз. Ҳозир эса, оғиз очмайсиз. Нима бўлди — Орлеанцевга тегдингизми?

Зоя Петровна аччиғланди.

— Буни сизга ким айтди?

— Буни кўп одам гапиряпти. Мен ҳайронман, нега мунча қаттиқ қизармасангиз? Эрга текканингиз чакки бўлибдими? Аксинча, бахтиёр бўлган экансиз, яхши-ку. У биринчи хотини билан ажралишдими? Унинг Москвада хотини бор эди.

— Билмайман,— деди Зоя Петровна, базўр овоз чиқариб.— Ҳеч нарса билмайман. Мен эрга ҳам текканим йўқ, Антон Егорович. Тегмоқчи ҳам эмасман. Марҳамат қилиб, мендан ҳеч нарса сўраманг. Керак эмас, Антон Егорович. Марҳамат қилиб.

Зоя Петровна полга қараганича лабини тишлаб турар, қўлидаги аллақандай бир қоғозни икки, тўрт, саккиз бўлаб, майда-майда қилиб йиртарди. Чибилов эсанкираб қолиб, бу манзарани кузатиб турарди. У ҳеч нарса англолмасди. Эрга тегди, ҳамма ерда у билан бирга, бахтиёр экан, ажойиб эрлик бўлиб олди, дейишган эди-ку. Муҳаббатдан дарак йўқ, эрга тегиш хаёлида ҳам йўқ, демак бу москвич унинг бошини айлантираётган экан-да? Оббо бемаза-э!

Бемазаликка бемаза-я, лекин ҳеч ким сўрамасдан туриб бу ишга четдан аралашиб қандай бўларкин? Сендан сўрашмаса, суриштиришингни иштасмаса, умуман суқилмаганинг дуруст. Бошқа иложи йўқ.

— Ҳмм...— деди Чибилов.— Демак, ишончга сазовор бўлмай қолибман-да. Мен бориб овқатланаман.

— Антон Егорович!— деди бирдан эслаб Зоя Петровна.— Мана...— У Чибиловга қоғоз парчаларини кўрсатди:— Бу ёзув эди. Қабулхонада инженер Козакова ўтирибди. Уни қабул қилишингизни сўраб ёзган эди. Муҳим масала дейди. Унга нима жавоб қилай?

Чибилов соатга қаради: тўрт ярим бўпти, қорни қулдирарди. Чуқур тин олди-да:

— Қани, майли. Қира қолсин,— деди.

Искра кириши биланоқ кечирим сўрай бошлади. У кўзларини шу қадар ёқимтой пирпиратар (Искра одамлар олида кўзойнак тутишни сира истамас, ҳатто Виталий ҳам уни кўзойнак тутган ҳолда тасодифан кўриб қолар эди), шу қадар астойдил уялардики, ҳатто оч қолиб, ҳориган Чибилов ўзини жилмайишдан тиёлмади.

— Марҳамат, ўтиринг, ўртоқ Козакова, ўтиринг. Сизнинг яхши исмингиз бор эди-а?

— Искра.

— Искра?..

— Васильевна.

— Ҳўш, хизмат, Искра Васильевна?

— Буни қаранг, Антон Егорович, мен топганга ўхшай-

ман. — У ўзининг портфель-сумкасини очиб, қоғозлар олди. — Сиз цехимизнинг инженерларига тароз-вагонлардаги агломератдан чиқаётган иссиқни йўқотиш учун бирор нарса ўйлаб кўришларини сўраб, мурожаат қилган эдингиз, эсингиздами?

— Эсимда.

— Сиз ўшанда ўйлаб кўришни кашфиётчи Крутиличга топширганингизни ҳам айтган эдингиз. Крутилич келиб, ҳамма нарсани кўздан кечирди. Бунга кўп бўлди. У, балки, бирор нарса қилгандир, лекин бу бизга маълум эмас. Мен бўлсам тароз-вагонларнинг машинистлари билан биргаликда биласизми, нимани таклиф қилмоқчиман? Лекин, марҳамат қилиб, кулмайсиз.

— Бунинг куладиган жойи бормиди. Ҳозир мени қитиқлашса ҳам ўша таш атлантлар сингари қотиб туравераман... Сиз Ленинградга борганмисиз? Ўша атлантлар Эрмитажнинг пештоқини тутиб туради. Баҳайбат эркаклар. Кечирим сўрайман, чалғидим.

— Биз тароз-вагонлар кабинасига... аниқроғи — бутун кабинани ўшанга... айлантиришни таклиф этамиз.

— Нимага айлантиришни?

— Электр холодильника. Ўшандай, магазиндагисини биларсиз? Сут-қатиқ магазинларида, колбаса бўлимларида бўлади. Ўзи жуда катта. Ҳар қандай ҳароратни бошқарса бўладиган.

— Менга қаранг!.. — Чибисов кулиб юборди. — Бу гениал йўл. Искра Васильевна! Энг оддий ва жуда гениал. Сиз Крутилични шарманда қилдингиз. Мен жуда хурсандман. Уни чақириш ва уялтириш керак.

— Нега? — деб қўлларини силтади Искра. — Кераги йўқ! Балки, ҳали ҳеч нарса чиқмас.

— Ажойиб бўлиб чиқади! Ҳозир конструктор ва электрикларга топшириқ берамиз. Бунинг ҳаммасини қандай ўрнатиш, қандай ускуналашни ўйлаб кўришсин. Ёзувларингизни менга қолдиринг. Эртага цехга мутахассислар билан бораман. Бугун қилсам ҳам бўларди. Лекин бугун очимдан ўладиган бўлиб турибман. Эрталабдан бери, билсангиз... Портфелингизда нонушта йўқми? Ҳалигидек, маззаликкина, мактабда ейдиган — иссиқ, юмшоқ, кўмирчаклик булка билан колбаса. Йўқми? Афсус. Мен, албатта, ўз нонуштамни эмас, болаларимнинг нонуштасини эсаяпман. Мен ўқиган вақтда бунақа нонушталар йўқ эди. Нон бор эди. Қора нон, пўсти билан пиширилган совуқ картошка билан туз бўларди, холас. Қисқаси, келганингиз жуда яхши бўлди. Бу ишни юргизамиз. Раҳмат. Хайр, хайр. Қўлингиз жуда кичкинагина! Шунақаси ҳам бўладими?

— Булар энди қўл эмас, Антон Егорович. Булар панша-
ха. Қабарганиги кўринг. Кир паншаҳалар, тозалаб бўл-
майди.

— Сиз пемза билан ювиб кўрдингизми?

— Ювиб кўрдим. Таъсири йўқ.

— Яна бир гап,— деди Чибисов, Искрани эшик олдида
тўхтатиб.— Бугун домна цехи бўйича тадбирлар планини
муҳокама қилдик. Асосан сиз билан Ершовнинг таклифлари.

— Антон Егорович!— деди Искра унга юз ўгириб ва
жиддий қараб.— Бугун чарчаганингиз учунгина сизга кўп-
дан айтмоқчи бўлиб юрган ҳамма гапларимни айтмадим.
Мен бунинг учун алоҳида келишим ҳам мумкин. Сизнинг
Платон Тимофеевичга қилган ҳамма ишингиз нотўғри. Сиз
нима қилсангиз қилинг, лекин мен бу ҳақда горкомга ёзиб
юбордим.

— Горком ҳеч нарса қилолмайди. Бу министрликнинг
иши, Искра Васильевна.

— Мен унда Марказкомга ёзаман. Шундай атоқли му-
тахассисни бўшатиб юбордингиз.

— Воробейний ёмонми?

— Платон Тимофеевичнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди.
Платон Тимофеевич печни беш бармоғидек билади. У печь
билан апоқ-чапоқ. Воробейний бўлса, ҳар ҳолда печь билан
унчалик иноқ эмас.

Искра кетгач, Чибисов батамом ҳолдан тойди. У крес-
лога ўтириб қолди.

— Энди овқатланиш қаёқда? Олтига яқинлашиб қол-
ди,— деди у Зоя Петровнага.— Энди уйга бориб, кечки ов-
қатни ейман. Бугун тушликни тежадим.

— Сиз бу тарзда бой бўлиб кетасиз,— деди Зоя Пет-
ровна.— Буниси нечанчиси, ахир.

— Уйингизга боринг,— деди Чибисов, кепкасини кия
туриб.

— Мен телефон буюрган эдим. Кетолмайман.

Зоя Петровна Чибисовни кузатгач, ўзининг секретарлик
столи ёнига ўтириб, ўйга толди. Мана, Антон Егоровичга
ҳам ёлғон гапиришга тўғри келяпти. У ҳеч бир телефон бу-
юрган эмас. Шунчаки ҳозир Крутилич келади-да, машинка-
ни тиқиллата бошлайди. Орлеанцев уни бир неча кун илгари
бошлаб келиб, кашфиётчи аллақандай бир кашфиёт учун
тушунтириш хати ёзяпти, ўша хатга ҳужжатлар тайёрлаяп-
ти, деди. Зоенька унга ёрдам бериши керак эмиш. Зоя Пет-
ровна: марҳамат деб, ҳаммасини ўзи кўчириб беришни так-
лиф қилди. Бироқ Крутилич, кўчириш керак эмас, ҳали қў-
лимда битказилган ҳеч нарса йўқ, машинкада ёзатуриб,
битказаман, ўшанда фикр қоғозга яхши тушади, деди. Мана

энди бу ерда Антон Егорович кетгандан кейин деярли ҳар кун худди қизиштириб қуш сингари бир бармоқлаб тикиллатиб ўтиради. Кўп копиркани нобуд қилади. Бутун секретарлик хўжалигини бегона киши ихтиёрига қолдириб бўлмаганидан уни кутиб ўтиришга тўғри келади.

Константин Романович. Константин Романович! Сизнинг заводда пайдо бўлишингиз билан Зоя Петровнанинг ҳаётида қанчадан-қанча ташвишлар ортди. Қанчадан-қанча кўнгилсизликлар содир бўлиб, бирорта ҳам шодлик бўлмади. Бирор нарса қилиш, бирор йўл топиш керак. Бу абадий давом этиши мумкин эмас. Зоя Петровна нима деган одам бўлди? Унга бир нарса бўлганми? Унга ўқрайиб қарашадиган бўлиб қолди. Ҳатто дугоналари ҳам Орлеанцевга эрга тегади, деб ўйлаб, бошида маъқуллашган эди. Энди бўлса нуқул елкаларини қисиб: «Хотин ҳам, қаллиқ ҳам бўлмай, бу кўйга тушиш наҳотки сенга маъқул бўлса, деб ажабланамиз?» дейишарди. Муҳаббат бўлса-ку, буларнинг ҳаммаси — хотин ҳам, қаллиқ ҳам эмаслиги арзимаган гап бўларди, албатта. Лекин муҳаббатдан асар ҳам йўқ. У, Орлеанцев учун қулай, унинг дастёри, унинг ҳар хил ташкилий ишларини бажарарди. Зоя Петровна уни кўпданоқ ёқтирмайди, ундан узоқ бўлгиси, ундан яширингиси келади.

Умр пала-партиш ўтиб, Зоя Петровна ҳеч нарсага улгуролмаяпти. Қизи билан шуғулланаётгани ва уни кўраётгани ҳам йўқ, уйда ҳам бирор иш қилаётгани йўқ. Орлеанцевга хона беришгандан буён у Зоя Петровнанинг уйида жуда кам бўлар, энди онаси билан қизни доим театрга ёки қариндошлариникига юбормаса ҳам бўлади. Лекин Зоя Петровна уникига қатнаши керак. Бу жуда ноқулай, жуда уятли эди, чунки бинода нуқул завод одамлари яшар, Зоя Петровна зинада тўқнаш келган одамни танимаса ҳам, лекин тўқнашувчи директор секретарини албатта танийди, директорни секретари кимникига бунчалик шошмаяпти, деб аланглайди. Директор секретари ҳақиқатан ҳам шошар, чунки кейин уйига ҳам унча кеч қолмасдан бориши керак. Бирнеча марта чиқиб кетолмади, Орлеанцев ўз ёнида олиб қолди. Эртаси кун Зоя Петровна уйда анча-мунча уҳ тортишлар ва қандай қарашларга дош берди. Онаси ҳеч бир сўз айтмас, лекин шу уҳ тортишнинг ўзи ҳам етиб ортарди. «Бечора қизим,— деди онаси унга бир кун.— Турмушинг оғир, қизгинам. Эрга тега қолсанг эди. Сергей Петрович ҳамон умидвор-а. Сенга шаҳзода топиладиганга ўхшамайдими». Бир неча йил илгари бева қолган инженер — Сергей Петрович унга уйланишни кўпдан таклиф этар, Зоя Петровна доғда қолмаслигини айтарди. Йўқ, Зоя Петровна севмасдан тегишни хоҳламайди. Бир кеманинг капитани уни

ёшгина эканида бошини айлантирган, унга эрга теккан эди. капитан камдан-кам келар, доим денгизда бўларди, бир неча йилдан кейин эса, унга бир қизча қолдириб, тамоман ғойиб бўлди. Ундан ҳеч бир нишон бўлмади. Зоя Петровна ҳар хил кемачиликларга ва министрликларга ёзиб юрмади, уялди. Бу одамни ҳаётидан ўчириб ташлади, ўзини унга тегишга қандай куч ундаганига ажабланарди. Капитан хотирадан тамомила кўтарилиб кетди, ҳатто унинг юзини ҳам эслай олмасди. Ундан сўнг ишқни кута-кута, йўлиққани энди шу бўлдимми?..

Соат етти бўлган эди. Крутилич негадир келмади. Зоя Петровнага нисбатан қилган муомалаларини қаранг — уни-си ҳам, буниси ҳам ҳатто огоҳлантирмади. Ўзининг ёлғизли-гидан, ожизлигидан, нодонлигидан афсусланди, лаблари титраётганини сизди, графиндан сув олиб ичди. Стаканга қуяр экан, графиннинг тумшуғи стаканнинг четига титраб уриларди. Сув билан юпанмади, кўзларидан беихтиёр ёш оқарди. Кўз ёшларини дастрўмоли билан обдон артди-да, де-разадан завод ҳовлисига қаради; у ерда гоҳо юк машинаси ғириллаб ўтар, гоҳо металл қолиплар ортилган платформа-ларни ёки чўян ташувчи вагончаларни ёки ковшларни судраб паровозча ўтарди. Бурнига упа сурди, столни, шкафларни беркитди-да уйга пиёда йўл олди: боши оғриб тургани учун автобус тикиличида уриниб юргиси келмади.

— Зоя Петровна! — деди унга аллаким, кўча муюлиш-ларидан бирида.— Салом! Сайр этияпсизми? Ажойиб оқшом. Бугун мен ҳам театрдан бўшман. Бир бўлмағур нарса қў-йиляпти, мен унда иштирок этишдан бош тортдим. Энди сайр этиб юрибман.

Зоя Петровна ҳаяжонга тушди. Унинг олдида Гуляев бо-шидан шляпасини олиб, жилмайиб турарди. Зоя Петровна Гуляев билан мана энди учинчи ёки тўртинчи марта учраш-япти, лекин ҳар сафар ҳаяжонга тушади. Бирдан унга қа-ёқдаги гапни айтиб қўйишдан, бирдан унга мароқсиз кўри-ниб қолишдан, унинг ўшанда ақлсиз хотин экан, деб ўйлашидан чўчийди. Ақлли бўлиб кўринишига уринса, албат-та, акси бўлиб чиқади. Тўғри, Гуляев шу бир неча марта учрашувда Зоя Петровна билан ўзини бошқа одамдек тут-ган бирор ҳолат бўлмади; у доим содда, у билан тенг. Лекин уни худо билади, балки бу ўйингина бўлиб, у шундай бў-либгина кўринар, ўзини тенг тутиб, ўйин кўрсатар.

— Қаёққа кетяпсиз, йўл бўлсин?— деб сўради у, Зоя Петровнанинг ҳайрон бўлиб жилмайиб турганини кўриб.

— Шундай... Уйга кетяпман. Ишдан.

— Кеч қолибсиз-ку. Бошлиқларингиз эксплуататор экан.

— Йўқ, ўзим кеч қолдим. Бошлиқлар менга аллақачон рухсат беришган эди.

— Рухсат этсангиз, сизга ҳамроҳ бўлардим.

— Марҳамат, марҳамат,— деди Зоя Петровна қизариб. Ёнма-ён боришди. Зоя Петровна биров қарамаяптими, деб теварагига назар ташлар, қарашаётганини биларди. Гуляевни шаҳарда яхши танишарди.

— Сиз нега у пьесада ўйнашдан бош тортдингиз?— деб сўради Зоя Петровна.

— Чунки бу ярамас, обиватель боп пьеса, бемаза, қалбаки пьеса. Мана тўхтаб туринг — янги пьеса ёзиляпти. Мен унда ажойиб бир ролни ўйнайман!...— Гуляев кекса Окунев тўғрисида сўзлаб бера бошлади. У йўлка ўртасида тўхтаб, Зоя Петровнанинг бўйнидаги қора духоба боғич учидан ушлар, гоҳо бу, гоҳо у кўриниш тўғрисида қизғин сўзларди.— Бу ҳақиқий одам! Мукаммал ва олижаниб характерни ўшанда кўрасиз!

— Александр Львович!— деб сўради пайт пойлаб, Зоя Петровна.— Мукаммал яхши одамлар йўқ, бўлмайди, дейишади-ку.

— Ким сизга бундай дейди, Зоя Петровна? Ким?

— Ҳа... ҳар хил одамлар... кўп одамлар.

— Ишонманг, Зоя Петровна, ишонманг! Ўзи ёмон одамлар, ўз нуқсонларини оқламокчи бўлган одамлар шундай дейди. Улар, ҳаммамиз ҳам ёмонмиз, қадимдан шундай, одам одамлигича қолади, деган гап билан хотиржам бўлишади. Ишонманг! Мен кўп яшадим ва умримда жуда кўп ажойиб одамларни кўрдим. Ҳар биримизнинг ўз кўзимиз бор. Биров ҳамма нарсанинг нуқул ёмон жиҳатини, бошқа биров — нуқул яхши жиҳатини кўради. Ундай қилиш ҳам, бундай қилиш ҳам яхши эмас, лекин танлаш керак бўлса, мен ҳар ҳолда иккинчисини танлаган бўлардим. Яхши нарсани кўриш нуқул ёмон нарсани кўришга қараганда анча дуруст. Энг яхшиси яхши нарсани ҳам, ёмон нарсани кўра олишдир. Ҳар ким ҳам шундай кўра олмайди. Лекин бу масаланинг бир жиҳати, Зоя Петровна. Яна яхшини ёмондан ажратишни ва ёмоннинг яхшини тўсиб қўйишига йўл қўймаслик ҳам керак. Айниқса санъатда. Асосий нарсани ўткинчи бир ҳолатдан ажрата олиш санъатда айниқса керак. Фараз этинг... Таъбирим, тўғри, қўполроқ бўлади, кечирасиз. Кўз олдингизга келтиринг: машҳур академик, кўнгли ноёб одам, фаннинг ифтихори, лекин унинг нуқсони бор — бурнини кавлайди. Ҳа, ҳа, Зоя Петровна, мен шундай арбобни кўрганман, у мажлисларда, турли президиумларда ўтирар ва ана шу ёқимсиз юмиш билан шуғулланарди. Мана сиз ва биз, ўша ажойиб одамини саҳнада кўрсата туриб — нима қилишимиз

керак?— Унинг характеридаги, айтайлик, ўша ўзига хос хусусиятини сақлашимиз керакми? Хўш?

— Билмадим, Александр Львович. Мен оддий томошабинман холос, мен буни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганман.

— Керак эмас! Бу хусусиятдан шу қадар қуппа-қурвк ва кўнгилсиз фойдаланиш, уни шундай тасвирлаш мумкин-ки, натижада ажойиб одам томошабинга ёқимсиз кўриниб қолади. Томошабин унинг илмий хизматларини, сезгир қалбини бир пулга олмай қўяди, томошабин бурун тешигига суқилган бармоқнигина кўради. Афв этинг. Яхши, ажойиб одамлар бор, Зоя Петровна. Уларда арзимас нуқсонлар бўлиши мумкин— мен уларни ҳисобга олмайман, уларни кўришни истамайман. Бошқача қилишга мени ҳеч ким ҳам мажбур қилолмайди. Сизни зериктириб қўймадимми?

— Йўғе, йўғе!

— Ҳа, шундай дейишади. Бу гапингиз тўғри,— деди давом этиб Гуляев.— Идеал қаҳрамон йўқ, дейишади. У зарарли бўлиб, одамни калтабин ва бепарво қилиб қўярмиш. Мен бўлсам, идеал қаҳрамон йўқ бўлса ҳам, лекин санъат уни ўйлаб чиқариши керак, деб биламан. Идеаллар бўлмаса, яшаш қийин. Санъат фотография эмас, унинг қўлидан ҳамма иш келади, у идеал қаҳрамонни яратиши керак эди. Бугун менга, идеал қаҳрамон йўқ, десалар, мен бу сўзлар тагидан бошқа гапларни эшитаман. Сиз ўттиз тўққиз йил халқни тарбиялаш билан машғул бўлдингиз, лекин одам қандай бўлган бўлса шундай бўлиб қолаверди, сиз, ўртоқ большевиклар, одамни ҳеч нарса қилолмадингиз-ку, деганларини эшитаман. Демак, бу назарияларнинг бош манбаи қаерда? У ёқда, денгизлар ортида! — Гуляев денгиз томонга қараб қўлини силтади.— Бизнинг айрим донишмандларимиз эса, ёшларнинг гапини такрорлайдилар. Одамлар учун идеал бўлиб хизмат қиладиган, одамлар ўхшагуси келадиган, тақлид қиладиган шундай бир қаҳрамон бўлмоғи керак. Бунинг устига шундай қаҳрамонлар орамизда минглаб ва миллионлаб мавжуд. Уларни кўриш керак, кўриш. Ўйлаб чиқариб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Мана, ўзингизни олиб қаранг, Зоя Петровна... Сиз, масалан, яхшимисиз?

— Билмадим, Александр Львович. Йўқ, мен унчалик яхши бўлмасам керак.

— Ўзингизки шундай деяпсиз, демак, унчалик ёмон эмассиз. Аллақандай нуқсончалар, ҳар хил гуноҳчалар бордир. Лекин гап шундами? Сиз бутун оилани ўзингиз тебратяпсиз, ҳаёт денгизи тўлқинларида мардона сузаяпсиз. Бундай деганим учун кечиринг. Ростда?

— Билмадим.

— Сиз пьесага ёзиб киритилган бўлсангиз, актриса ни-

мени ўйнаши керак, — сизнинг ўша гуноҳчаларингизни ёки мардлигингизни, матонатингизни ўйнаши керакми?

— Гапингизни қаранг — мени ўйнашармиш-а! Шундай оддий аёлни-я. Менинг нимами ўйнашади?

— Сизнингми? Сизнинг одам эканлигингизни. Сиздаги нарса ана шу. Бу сизнинг уйингиз шекилли? Бир вақт уни қоронғида кўрган эдим. Ҳозир, эҳтимол янглишаётгандирман?

— Ҳа, бу Зоя Петровнанинг уйи эди. Уйига ҳали етмай тургани ҳам дуруст эди. У суҳбатни бўлишни, Гуляев ёнидан кетишни унчалик истамасди. Унинг гаплари Орлеанцев доим айтадиган гапларга сира ўхшамас эди. Гуляевнинг айтганлари Зоя Петровнага яқинроқ эди. Орлеанцевнинг сўзларидан алам-ситам ортар, ҳаётнинг қувончи ортиб, кишининг, ўзига ишончи йўқоларди. Орлеанцевнинг сўзларига қараганда, киши арзимас, пасткаш махлуқ бўлиб чиқарди.

У, Александр Львовични ўз уйига жон деб таклиф этиши, унга чой қуйиб бериши, айвончада ширингина ўтиришлари мумкин эди. Лекин бирдан у ерда Орлеанцев бўлишидан, унинг бирор ёққа югур, деган хати бўлишидан чўчир эди. Бу разолат қачон тугайди, қачон? Ундан кейин — шундай бир одамни уйига таклиф этишга тили ҳам бормайди.

— Шундай, сиз билан кечирган дақиқаларим учун сиздан миннатдорман, — деди Гуляев, шляпасини бироз кўтариб. — Премьера бўлганда, марҳамат қилишингизни сўрайман.

— Албатта, албатта! — деди дарров Зоя Петровна ва уйга кираверишдаги пиллапоядан чиқа бошлади.

6

Яков Тимофеевич Москвага жўнаб кетди. Икки кун илгари театрда жуда катта жанжал бўлган эди. Ҳамма жанжаллашиб, икки лагерга ажралди; театрнинг бунга қадар ҳам унчалик нормаль бўлмаган ҳаёти узил-кесил издан чиқди.

Ўша куни Алексахиннинг янги пьесасини ўқишмоқда эди. Гуляевнинг гапига кириб, авторнинг ўзи ўқирди. Алексахин яхши ўқимаса ҳам, лекин пьеса кўпчилик актерларда таассурот қолдирди. Қизиқиб тинглашарди, кекса хотинларнинг лоғар эрларини олиб қочадиган қаҳрамонларни ижро этувчи ёш актриса гоҳо-гоҳо атайлаб тўнғиллаб қўйса, уни мазақ қилишар, у эшитмаса ҳам бўлади, унинг учун бу пьесада ўйнайдиган нарса йўқ, буфетга бораверсин, дейишарди. Бироқ мазақ қилиш фойда бермас, тинчлик барибир йўқ эди. Театрда Томашукнинг хотини бўлгани учунгина тутиб турилган актриса, уялмай-нетмай ҳамманинг қулоғига: катта эшикдан чиқаверишдаги дўконда янги бодринг сотишяпти — югуринглар. Йўқса кеч қоласиз, деб пичирлади. Томашук доим кириб чиқиб, ортиқча бесаранжомлик туғдиради.

Худрук ҳам бир пардасини эшитиб чиқиб кетганича энг охирида, актёрлар Алексахинни олқишлаётган вақтда қайтиб келди.

Биринчи бўлиб Гуляев гапирди. У пьесага жуда юксак баҳо берди; бу пьеса асосидаги спектакль театр ҳаётида янги босқич бўлади, театрни юқори жўтаради, унга янги куч-қувват бағишлайди, деди.

— Биз ниҳоят, кенг томошабинлар олдидаги, меҳнаткаш томошабин олдидаги ўз қарзимизни қисман бўлса-да, узиш имкониятига эга бўламиз. Биз унга ўзининг ҳозирги ҳаётидан олис бўлган ҳар хил бўлмағур нарсаларни тақдим этиб келдик. Энди бу чинакам халқ ҳаётини акс эттирадиган спектакль бўлади.

Бошқа артистлар ҳам чиқиб сўзлашди, пьесани қабул этиш ва унинг устида дарҳол иш бошлашни таклиф этишди. Жим ўтирганлар ҳам оз эмасди. Гуляев уларнинг юзига, четга олаётган кўзларига қараб, маъюс бош чайқарди. Буларнинг индамаслик сабабини у яхши биларди. Иштиёқ билан ижро этиладиган бу спектаклда ўйнашга уларнинг ҳам кўнгли бор эди, лекин улар Алексахиннинг янги пьесасига Томашукнинг қарши эканини эшитиб, шу сабабли ўз позицияларни белгилаш учун қулайроқ вақтни кутишни маъқул кўрардилар.

Лекин пьесага очиқдан-очиқ қарши бўлган бир неча киши ҳам бор эди. Улар, Алексахиннинг пьесасида бирорта ҳам янгилик йўқ, бунақа рус подпольечи чолларнинг ҳаммаси томошабинларнинг жонига теккан, гестапочиларнинг ваҳшийликлари ва милтиқ стволлари қаршисида айтилган серғоя монологлар, чўяну пўлат роса чайналган, худо ёрлақаб, сўнгги йилларда санъатни оғир саноатдан ажратиб олдилар, деб бақирешарди.

Томашук кўринишларни бирин-кетин танқид қилар ва масхараларди.

— Пьеса схематик,— деди у сўзининг охирида,—бўшгина. Мен ғоя устида сўзлаётганим йўқ... Ғоянинг камчиликлари устида бу ердаги айрим ўртоқлар беҳуда фикр билдиришди. Бу беҳуда гап ўртоқлар. Санъатда ишлаб чиқариш темаси яшайди. Бу тема муайян миқдорда ишлатиладиган бирорта кўмакчи тарзида яшамайди, албатта. Лекин бу сафар ўртоқ Алексахин унчалик пьесани боплай олмаган. Унинг истеъдоди бошқача — дилкашона, майин оҳанглик ва нозик. Биз бугун тинглаган материал учун санъаткорнинг қалами мустаҳкам тажрибакор қалам даркор.

Яков Тимофеевич Томашукнинг вайсашларига чидаб туролмади, ўзининг одатдаги босинқилигини унутиб, ғазаб билан қизғин сўзлади.

— Мен театрнинг директори сифатида бу пьеса учун курашаман!— деб юборди у.— Александр Львович ҳақ. Бу пьеса устида ишлаб, биз театримизнинг мешчанлашишидан иборат хунук процессга чек қўямиз, бизга доим шуҳрат келтирган революцион ғоявийлик позицияларига қайтамыз.

Томашук унинг гапини бўлар, луқма ташларди; Томашукнинг тарафдорлари ҳар бир луқмадан қаттиқ хохолаб кулишарди.

Яков Тимофеевич ўз коллективини таний олмасди: айрим ўртоқларнинг елкасига қандай шайтон миниб олди экан, уларнинг ўриндиғига ким, қандай жуволдиз тиқиб қўйди экан.

— Бошқа бир пьеса бор,— деди худрук, қорни устида бош бармоқларининг бирини иккинчиси атрофида айлантирган ҳолда.— Жуда актуал. Уни бизга бир машҳур автор тақдим этди. Сюжет канваси бундай. Бир одам ноҳақ ҳукм этилган, у маълум вақт мобайнида турмушдан четда қолган. Қайтиб келганида хотини аллақачон бировга тегиб кетган бўлади. Дўстларидан... бири ўлган, бири ғойиб бўлган, бири юз ўгирган. Автор бу одамнинг қайтиб келгандан сўнгги оғир, қийин ҳаётини кўздан кечиради. У атрофидагиларнинг ўзига нисбатан бўлган шубҳасини енгиши керак бўлади.

— Ҳаётий ситуация. Ўткир,— деб қўшимча қилди Томашук.— Буни табиий ҳолида металлургия заводида ҳам кўришингиз мумкин. Инженер, фамилияси Воробейний, Борис Калистратович.

— Ситуация ҳаётий ва ўткир,— деди Гуляев.— Бегуноҳ жабрланиш фожиа, албатта. Лекин фамилияси Воробейний, Борис Калистратович бўлган инженер бу ситуацияга тўғри келмайди! Темани қалбаки, суюқ талқин этиш бу!

— Воробейний фамилияли инженер немисларга астойдил хизмат қилган!— деб қўйди Яков Тимофеевич.

— Буни исботламоқ керак!— деб бақирди Томашук.

— Бу судда исбот қилинган. Уни очиқ суд қилганлар. Ишчилар гувоҳ бўлган. Ҳаммаси уларнинг ёдида.

— Дўстларим,— деди яна худрук.— Эътиборни бир ерга тўплашингизни сўрайман. Биз буни спектакль қўшиқ, спектакль поэма сифатида қўямиз. Оркестрни юқорига кўтарамиз. Карнайлар чалинади.

— Ана шу-да,— Исрофил сур тортади! Айтгандек, қиёмат қойим бўлар экан-да!— деди Гуляев.— Лекин ким сўроқ қилинади?

— Қаҳрамонимиз,— деб давом этди худрук, Гуляевнинг гапини эшитмаган бўлиб,— сўнгги: «Ҳаёт сари!, Абдий адолат сари!, Порлоқ келажак сари!» деган сўзлар билан чиқиб кетади... Биз кенг спираль шаклда директор ложасига

кўтариладиган пандус қурамыз... Қаҳрамон шу пандусдан юриб, юқорига чиқиб кетади...

— Уни кўкка кўтариб юборар эканмиз-да,— деди Гуляев.— Авлиёлар қаторига кўтарар эканмиз-да. Фақат унинг боши атрофидаги шуълаи муқаддаснинг ярқирашига эришмоқ керак.

— Сийқа гап,— деди худрук ўзини сиртдан осойишта тутиб, лекин юзи соқоли остида пирпирай бошлаган эди.— Азизим Александр Львович, сиз гўзаллик туйғусидан, янгилик ҳиссидан маҳрум бўлиб қоляпсиз. Сиз ўтакетган мутассиб бўлиб қоляпсиз. Сиз ўз келажагингизни ўйлаб кўришингиз керак.

— Бу шама-ку!— деб қичқирди бир кекса актриса.— Еқмаслар, кўнмаслар— ўзингизга бошқа жой ахтаринг, дейилганими бу? Ҳали ўзингни ос!— деб ипак чилвир ҳам юборарсиз?

— Янгилик ҳисси шунақа бўптими!— деди Гуляев хитоб қилиб.— Йигирманчи йиллардаги каллаварамларнинг ҳунарини такрорлаб, уларнинг барча қилиқларини енгиллик деб атаяпсиз. Сиз бу сафсаталар билан болаларнигина бошини айлантиришингиз мумкин. Бизнинг бошимизни айлантиролмайсиз.

Алексахин ҳайрат ичида, қўрқиб ўтирарди. У бу манзаранинг тугашини кутиб ўтирмай, қўлғезмаларини йиғиш-тирди-да, секингина жўнаб қолди; уни ҳеч ким тутиб турмади, ҳеч ким кузатиб қўймади, ҳеч ким орқасидан ҳам қарамади. Ҳатто жуда ҳаяжонлангани ва хафа бўлганлигидан Гуляев ҳам уни унутган эди.

Яков Тимофеевич эртасига горкомга, бу сафар пропаганда ишлари бўйича секретарь ёнига кирмай, Горбачев олдига кирди. Горбачев ранги ўчган, кўз остлари кўкариб кўпчиган ҳолда, томирини ушлаб ўтирарди.

— Ким билади,— деди у маъюс оҳангда.— Икки марта тепадию, жим бўлади, яна икки марта тепади-да, яна жим бўлади. Нима гап топиб келдинг, Яков Тимофеевич?

— Шундоқ кирдим,— деди Яков Тимофеевич.— Бу ердаги бир бўлимга келган эдим. Шундай хабар олгани кира қолдим. Демак, аҳвол ёмон, Иван Яковлевич? Даволаниш керак, даволаниш. Курортга жўнаш керак.

— Курорт қаёқда дейсан? Ҳазилакам замон эмас. Дунёда қандай тўполон бўлаётганини кўряпсанми. Ғоявий душман бизга ҳужум қилмоқда. Шахсга сиғиниш даврида қилинган хатоларни танқид этганимизга ёпишиб олишибди, ҳаммасини бошдан-оёқ ерга уришяпти.— У яна томир тепишини санай бошлади:— Мана кўрдингми, тепди-да, жим қолди.

Горбачевнинг аҳволи жуда ёмон эди. Яков Тимофеевичнинг унга раҳми келди, театрдаги оғир аҳвол тўғрисида сўзлаб ўтирмади. Москвага жўнашга, Маданият министрлигига боришга, танишларга йўлиқишга жазм қилди; уни Марказкомда ҳам қабул қилсалар ажаб эмасди. Ноаниқ бир аҳволда яшай олмас, театрнинг ўпирилишига ёки уни нокас Томашук тамомила эгаллаб олишига йўл қўёлмасди.

Москвага келиб, «Гранг — отель»га, офтобра номерга тушди. Июнь ойи, кун жуда қаттиқ қизиган. Меҳмонхона нафас қайтар даражада дим эди, лекин Яков Тимофеевич унда кўпинча бўлмас — вақти етишмасди. Бошқармаларга қатнади, танишлари ёнига борди. «Позицияларни қўлдан берма, Ершов. — дейишарди унга бошқармаларда. — Бардам бўл. Бақироқларга ёндошма». Позицияларни қўлдан бериб бўлмаслигини-ку, унинг ўзи ҳам биларди-я. Лекин суҳбат худрук устида, Томашук тўғрисида борганда яна: «Эпчил бўлмоқ керак, азизим, эпчил бўлинг» деганларини ҳам эшитарди. Яков Тимофеевичнинг бир вақтлар ёшлигида Донбассда троцкийчиларга қарши биргаликда курашган, ҳозир эса марказий газеталарнинг бирида ишловчи таниш унга: «Сен, Яков Тимофеевич, аҳвол оғир эканини тушуниб ол, — деди. — Орамиздаги айрим одамлар, зиёлилардан бўлган айрим бир гуруҳ халқаро реакциянинг ҳужумига бардош беролмади, тагидан зил кетди, оқсаб қолди. Бунинг ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Уддалаймиз. Сенинг учун бу ишни бошқа биров қилишини кута кўрма. Ўзинг олиш, коммунистга, большевикка муносиб суратда қатъий зарба бер. Сенинг ўз фронт участканг бор, бу участкани сақла, мудофаа қилибгина қолмай, ҳужум қил. Сен Томашуклардан қўрқма. Бақириш ва юзсизлик қилишдан бошқа иш қўлларидан келмайди. Ҳақиқат биз томонда-ку... «Бир неча ойдан сўнг бу увлашлардан асар ҳам қолмайди. Ўзлари ҳозир судралиб чиққан кавакка яна кириб кетишади. Лекин биз энди бу кавакда жуда расво ҳашарот борлигини биламиз». — «Менга қара, — деди Яков Тимофеевич. — Менга нуқул: эпчил бўл, эпчил, дейишади-ку». — «Хўш, сенга яна нима дея олардилар: тўқмоқ билан боши-кўзига қарамай, қақшатвер, дейишсинми? Шундайми? Яна бунинг сенга ким айтган — бошқармалардаги хизматчилар. Уларнинг ўзи: қандоқ қилсак, нима қилсак экан, деб бош қашиб ётишибди. Уларнинг бир хиллари курашиш учун кексалик қилишади: туртиб юборсанг — қўлаб тушади. Бошқалари — ёшлик қилади, ғоявий курашда чиникмаган. Лениннинг китобларини ўқишгану, лекин ўқилганини турмушга жорий қилишни унча яхши билишмайди, рост-да? Ундан кейин ўзини жанжалга уришни ҳар ким ҳам истайвермайди. Айримлари — уларни ҳам, буларни ҳам ко-

йитмасдан яшаб бўлмасмикан, деб ўйлайди. Бундай ҳолларда оғиз очмай, маънодор қилиб жим қолавериш керак. Болаларнинг шундай бир ўйини бор, эсингдадир: «Бекач устбош юбориб, юз сўм қўшиб берибди, билганингизни олингиз, ҳа ҳам, йўқ ҳам демангиз, қизил қора олмангиз... Лом-мим дея кўрмангиз».

Яков Тимофеевич билан бир хил 'фикр юритган, шароитга ҳам бир хил баҳо берган бу қадрдон ўртоқ катта ёрдам кўрсатди. Ҳатто унинг ҳаракати билан Яков Тимофеевич партия Марказий Комитети бўлимларидан бирининг мудирини ҳузурида ҳам бўлди. У ерда очиқ-ойдин, тўппат-тўғри ва дўстона суҳбат бўлди. Ҳа, бўш келиб бўлмайди, буқиб ўтириб ва ён бериб бўлмайди, зарба бермоқ, большевик бўлмоқ керак, Яков Тимофеевичнинг бунга шубҳа қилганлиги қизиқ.

У сира шубҳа қилмаган эди ҳам. Шунчаки, ички қаноатдан ташқари, ҳақ эканликка ишончдан бошқа яна ҳар бир ишда тегишли тактика ҳам керак, тактикада ҳам янглишиш ярамайди, ишни бошлаб қўйиб, нотўғри тактика туфайли уни бўзиб қўйиш ҳам мумкин. Яков Тимофеевич Москвага ишонч учун эмас, шу тактика учун келган эди. У ўз ишонч-эътиқодини дастлабки революцион йиллардан, гражданлар уруши давридан, комсомоллик чоғларидан буён сақлаб келар, уни сира ўзгартирмас, унга тўла содиқ эди. Бу эътиқод Яков Тимофеевични ҳали бирор марта ҳам доғда қўйган эмас.

Москвада экан, Яков Тимофеевич у ерда ҳам ўз толашуклари борлигини кўрди. У гастролга чиқишга отланаётган театр директори билан гаплашган эди. Директор нолиб қолди: «Ҳар хил эски нарсаларни олиб кетяпмиз. Янгиларига эса, ақл бовар қилмайди! Бизнинг бадий раҳбаримиз олди-қочдига ҳавас қўйиб қолган. Қотилликлар бўладиган икки пьеса, деярли зўрлаш бўладиган бир пьеса... Худди Бродвейда яшаётганга ўхшаймиз».

Бир сафар, Яков Тимофеевич ўз эски ўртоғининг редакциядаги кабинетига ўтирганида, у ерга бир неча ёзувчи келди. Ўртоғи Яков Тимофеевични уларга таништирди, унинг ўз театрида, Москвадаги турли бошқармаларда қандай қийинчиликларга учраганини сўзлаб берди. Яков Тимофеевич унинг гапига пьесалар тўғрисидаги шу гапни ҳам қўшимча қилди. «Азиз дўстим!— деди ёзувчилардан бири.— Шовқин-сурон кўтараётган зўр эмас, шовқин-сурондан чўчимайдиган зўрдир. Бировлар, шовқин-сурон кўтариб,— вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи. Айтгандек, улар илгари вақтларда ҳам унчалик мустаҳкам бўлмаганлар... Аллаклар эса аввалгидек ишлаяпти, ёзяпти. Халқ тўғрисида, халқ ҳаёти тўғрисида, партиянинг ишлари ҳақида ёзяпти, ўз-ўзига ҳам, ле-

нинизмга ҳам содиқ бўлиб қолмоқда. Ҳа, бўғилманг, сиз учун пьесалар топилади, пьесалар бўлганда ҳам яхши пьесалар. Лекин фурсат беринг». Бошқа бир ёзувчи Яков Тимофеевичга, томашукларнинг активлиги вақтинчалик бир гап, бунга шубҳаланманг, деди. Бир неча ой ўтиб улар халқ олида ниқоби йиртилиб, шумшайиб қолади.

Ёзувчилар бардам, хушчақчақ эдилар, ҳақ эканликларини яхши билишар, ҳар қандай бақироқлар ҳам партия йўлини сира бўшаштиролмаслигига ишончлари комил эди. Уларнинг бардамлигидан Яков Тимофеевичнинг ҳам кўнгли ёришди. Ҳа, мен ҳам бир қадар чиниққанман,— деб ўйлади у.— Партия мени шароитни тушуниб олишга ўргатган: у пойтахтдаги ўз ишларини тезда тугатди-да, театрдаги ишларни қатъий равишда ўзгартириш ниятида уйга жўнаб кетди.

«Ғалати-я,— деб ўйларди йўлда Яков Тимофеевич, поездда қайтаётиб,— одамлар ҳаётни атайлаб кўргилари келмаса. Шундай бир ўгирилсанг, бас, атрофдаги ҳамма нарса биз саҳнада тасвир қилаётганларга ўхшамаслигини кўради киши». Вагонда у билан Сибирдаги йирик ғалла совхозининг бош агрономи, Украинадаги қишлоқ райкомининг секретари Узоқ Шарқлик офицер бормоқда эди; Чехословакияга турист бўлиб бориб келган шахтер Кузбассга қайтмоқда; бир кампир Красноводска кетяпти, у ерда ўғли ишлар экан, хотини учинчи марта ўғил туғибди, кампирни ўз набирасини кўриб, меҳмон бўлиб кетгани таклиф қилишибди; кетяпти. Вагонда турли тоифадаги одамлар кўп бўлиб, улар ҳосил тўғрисида, ҳар хил ҳаётий ҳодисалар устида, турмуш яхшиланиб бораётгани, бизда ва чехларда кўмир қазиб чиқариш ҳақида суҳбатлашардилар. Оддий, қувноқ, шод-хуррам одамлар эди улар, ўзлари яшаётган мамлакатни ёқтирар, ўз халқларини ёқтирардилар. Яков Тимофеевичнинг хаёлига: ҳозир, худо кўрсатмасин, шундай бир иш бўлиб қолса... Уларга, қуроланинг, дўстлар,—анави яшиқларда милтиқлар бор, деб ҳайқирилса борми, деган фикр келди. Милтиқларни дарҳол олиб, ўйлаб ўтирмасдан жангга кириб кетаверадилар. Ҳатто кампир ҳам: қани кимнинг ярасини боғлаб қўяй, деб отланиб қолади. Фақат томашуклар: аҳа, ўргатилмаганларни ўлимга юборишди-ку! Аҳа, кўмондонликнинг мазаси йўқ-ку! Аҳа... деб вишиллайтиди. Ҳаётдаги ҳар қайси ҳолатда ҳам томашуклар тегишли «аҳа» ларини қўймайди.

Яков Тимофеевич уйга қайтгач, нима қилишини биларди. Алексахиннинг янги пьесаси тўғрисидаги масалани театр партия бюросига қўяди. Балки, партия мажлисида муҳокама қилиш тўғри бўлар. Пьесанинг қандай эканлигини коммунистлар ҳал қилсин. Театрни Томашук билан худрукнинг

мулкига айлантириб бўлмайди. Жамоатчилик бор, меҳнат-каш халқ бор, партия ташкилоти бор.

Яков Тимофеевич эса, Томашукнинг ҳам жим ётмаганини билмасди. Томашук худрук имзолаган командировка гувоҳномаси билан ўша куни поезддан Москва кўчаларига тушган эди. Москвада унинг ҳам кўпгина танишлари ва ошналари бўлиб, министрлик бошқармаларида ҳам аллақандай дўстлари бор эди. Ҳа, бундан ташқари, унга Орлеанцев ҳам ўз дўстларига хат ёзиб берган эди. Томашукни квартирама-квартира судраб кетишди, роса коньяк ичиришди, уни ўз йўлини ўтказаетгани ҳамда темир-бетондан ясалган директорга ва санъатга қўмондонлик қилишга уринаётган бошқа ҳар хил одамларга бўш келмаётгани учун мақташди, йўлини топиб, ўша директор Ершовнинг ўтин тайёрловга ёки бирорта «темир-терсак» артели раҳбарлигига дарров жўнатиб юборилишини ваъда қилишди.

Томашукни бир рассом аёлнинг уйига олиб киришди. Бу нохуш бир аёл бўлиб, кечаси билан бир марта ҳам жилмаймади. Уни, ростданми, ёки ҳазиллашибми, ҳарнечук аллақандай бир донишманд қилиб олишган эди. У хирилдоқ товуш билан каромат қилар, товуши эса худди икки тарашанинг ишқаланганидан ҳосил бўлганга ўхшарди, унинг юзи бир оз қийшиқроқ бўлиб, афтидан, шунинг учун шахсий ҳаёти ҳам қийшиқ бўлиб чиққану, тараша товуш ва от чехра бу донишмандни ғазабнок қилиб қўйган эди, унинг чехраси аъзойи-баданидан ҳаром мағиз суви силжиб чиқаётгандек заъфарон эди.

Томашук аёл рассомнинг фамилиясини қачонлардир эшитганини, лекин унинг асарларини сира кўрмаганини эслади. Шунга қарамай, Томашук гўё чинакам сураткашлик моҳиятини очиб берган донишманд аёлнинг полотноларини мақташдан ўзини тийиб ўтирмади. Томашук, бу полотнолардан, ҳунарманд ўша лаганбардор пардозчиларнинг беўхшов маҳсулотидан кўра кўпроқ ором олганини айтди. Рассом хотиннинг уйида ё нуқул унинг ўзи тўғрисида ёки бир-бирлари тўғрисида сўзлашардилар. Бу уй деворлари орқасида мавжуд бўлган нарсалардан ё узоқ ўтмиш, ёки чет эллик нарсалар эсга олинardi. Сураткашлик устида гап борса, импрессионистлар ва сюрреалистларнинг номлари айтилар, адабиёт тилга олинса, Зинаида Гиппиусни, Марина Цветаевани, Аркадий Аверченкони.. кўрсатишарди. Уларнинг шеърларини ўқишар ёки ҳикояларининг мазмунини эслашарди. Бу улфатлар ўртасида ўзгаришлар бўлар, партия ташкилотлари санъат ва адабиёт ишларига аралашмайдиган бўлади, деган тахминлар сезилиб турарди. Рассом хотин шу ҳақда гапириб, партия раҳбарлиги ҳам, халқнинг виждони ҳам ўзим,

деб даъво қиларди. «Довюрак хотин экан, деб ўйлади уни Томашук. Ажабланидиган жойи йўқ».

Суҳбат давомда Томашук Москвадан борган рассом Козаковнинг исмини эслатди. Ўзи Козаковни дуруст рассом деб билганини айтди. Ҳа, ҳа, дейишди жавобан Томашукка. дурустгина эди, лекин қатъий туролмади, пардозлашга ўтиб кетди. У билюмингларни катта-катта қилиб матога тушира бошлаганмиш, деган гап-сўз юрибди. Козаков ҳақиқатан, ўз асарлари учун асосий натура этиб билюмингларни эмас, ишчилар синфининг вакиллари танаб олди, портретлар иш-лаяпти, деди Томашук. Ҳа, рост, деди аллаким, Козаковнинг ана шундай асарларидан бирининг нусхасини кўрдим. Машиналар фонида улкан бир одам. Ўша одам бадбашара, юзлари чандиқ бўлганидан Козаков найранг ишлатибди. Худди қадимги латифага ўхшайди. Эшитмаганлар қулоқ солсин. Бор экан, йўқ экан, бир шарқ подшоси бор экан. Унинг ўнг кўзи ғилай бўлиб, ўнг оёғи сўл оёғидан кўра қисқароқ, яъни чўлоқ ҳам экан. Подшо ўз давлатининг энг машҳур уч рассомини чақиртирибди ва: «Менинг суратимни чизинглар. Шунини билиб қўйингизки, беамайсишлар, ҳақиқатнинг ўзи бўлсин! Ҳақиқат бўлса — мукофот оласиз, ҳақиқат бўлмаса — ўзингиздан кўринг, қатл этиласиз» дебди. Рассомлар ишга киришибди. «Бундай бедавоининг ҳақиқий суратини ишлаб бўлармиди? — деб ўйлабди рассомлардан бири. — У ҳақиқат тўғрисида олифтахарчилик учун гапиряпти. Ўзини безатилган ҳолда кўришни ҳар ким ҳам ёқтиради». Шундай дебди-ю, чиройли қилиб ишлабди — иккала кўз ҳам жойида, иккала оёқ ҳам туппа-тузук эмиш. Подшо портретни кўздан кечирибди-ю «Рассомнинг боши кесилсин» дебди. Пардозловчи экансан, аблаҳ, ҳақиқатни севмас экансан, дебди. Иккинчи рассом ўз ҳамкасбининг аччиқ тажрибасини ҳисобга олиб, ҳаммасини қандай бўлса, ўша ҳолида ишлабди. Подшо суратни кўриб, авзойи бузилибди ва бунинг ҳам «боши кесилсин» дебди-да, оғиз очиб сабабинини айтмабди. Ўзингиз билиб олинг, дегандек қилибди. Анча иш кўрган учинчи рассом эса, бошқача йўл тутибди. У подшони ов чоғида тасвирлабди: подшонинг ўнг оёғини тош устига қўйибди, — бу оёғининг бошқа оёғидан қисқа ёки узунлиги кўринмабди, унинг қўлига милтиқ берибди, подшо тирсагини тиззасига қўйган ҳолда милтиқ тутиб турибди ҳамда арслоннинг оғзини мўлжалга олиб, ўнг кўзини юмибди, бундан эса, унинг ғилайлиги кўринмабди. Ҳаммаси ҳақиқатнинг ўзи бўлиб чиқиб, фарибгар рассом талай мукофот олибди.

Бу эртак Томашукка ёқиб тушди — уни телефон ва адреслар дафтарчасига ёзиб олди. У, заъфарон юзли донишманд

хотиннинг яқин мулозимлари орасида юриб, ўзини жуда яхши сезарди, лекин унинг уйдан Москва кўчаларига чиқиши, бошқа доираларда бўлиши биланоқ кайфияти бузиларди. Одамлар ишлашар, қўриқ ерларга жўнаб кетишар, аллақандай ажойиб янги реактив самолётларда осмонга парвоз этишарди — ҳамманинг ташвиши, иши ошиб-тошиб ётар, бу ташвиш ва ишлар донишманд аёл ва унинг мулозимларининг ташвиш ва ишларига асло ўхшамасди. Қарама-қарши мулоҳаза ва фикрлар гирдобиде Томашук эсанкираб қолган эди. У кечалари меҳмонхонада узоқ вақтгача ухлаёлмас, кўнгли жуда бесаранжом эди.

Томашук донишманд хотиннинг тўғарагида рассомлар союзининг мақбул правлениеси рўйхати тузилганини кўргач, бесаранжомлиги яна ортди. Рассомларнинг съезди яқин орада, қишда йиғиладиган эди.

Томашук ҳаётда нимага интиларди? У театрда иккинчи ҳам, учинчи ҳам, ўртача ҳам эмас, биринчи бўлишни истарди. У ўзини кўрсатишни, ўзи тўғрисида гапиришларини истарди, кўпроқ мол-дунё орттиришни ўйларди. Ўзи догматик деб ҳисобланган Гуляев сингари одамларга қарши кураш бошлар экан, Томашук буни улар ўзига халақит берганлиги, бемалол яшашига йўл қўймаганлиги, ўзларининг тўғриликлари, соддаликлари, муросасизликлари билан унинг жиғига текканликлари учун қиларди. Томашук қўйган пьесалар уларга асти ёқмасди; бу пьесалар эса муваффақият қозонар — олқишларга ҳам сазовор бўлар, даромад ҳам келтирар, ўнинчи синф қизлари билан биринчи курс студенткаларига ҳам ёқиб тушарди. Бундай пьесаларсиз эса, умр ўтмасди. Демак, уларни сахнага қўйиш ҳуқуқи учун курашмоқ, уларни қўйишга тўсқинлик қилганларнинг ҳаммасини суриб ташламоқ керак. Томашук шундай ўйларди.

Рассомлар Союзининг донишманд хотин ва унинг дўстларига мақбул бўлган правлениеси рўйхати муҳокама қилинганда Томашук у одамлар ҳам ўзи сингари ўйлашини кўрди. Улар ҳам ҳамма жойда биринчи бўлишни, вазифа ва ўринларни эгаллаб олишни, правленнеда ўзларини ва ошналаринигина кўришни истардилар. Улар кўпроқ муваффақиятга, шухратга, мол-дунёга эга бўлмоқ учун шундай қилардилар; янги темалар, янги йўллар изламаслик учун, жуда кўп фикр юритишни, кенг улкан қалбни талаб этадиган турмушга чуқур кириб бориш ташвишидан халос бўлмоқ учун, топилиши осонроқ ва азоби камроқ нарсалар билан яшай бериш учун шундай қилардилар.

Рўйхатни тузатаётиб бу стратеглар шовқин кўтарар, жанжаллашар, уришардилар. Улар рақибларга, яъни ҳозирги вақтда муваффақият қозонганларга нисбатан муросасиз эди-

лар. Улар ўз гуруҳларига мансуб бўлмаган ҳамма одамларни ёмонлашарди. «Бирор гап бўлиб қолса, бундай одамлар сени ҳам поймол қилиб ташлайди,— деб ўйларди Томашук хомуш бўлиб.— Қоқилиб кетсанг, тирик гавдангни босиб ўтишади. Бу ерда доим олға югуриб ўтмай, орқада ҳам қолмай, улар билан барабар югургиламоқ керак, оқибат шайтон араванинг гилдирагидек бир ёққа отилиб чиқиб кетасан».

Томашук Яков Тимофеевичдан дарҳол қайтиб келиш тўғрисида телеграмма олгандан кейингина Москвадан жўнаб кетди. У икки кишилик юмшоқ купеда борарди. Ёши ўртадан бир оз ўтган, баркамол бир жувон унга ҳамроҳ бўлган эди. Жувон жанубдан эрта пишар қулупнай олиб келганлигини айтиб берди. Бу оғир, серташвиш иш, лекин москваликларга витаминлар керак бўлса, на чора? Шундай иш билан ҳам шуғулланишга тўғри келади. Шўрлик москваликлар — улар икки соат ичида унинг бутун молини сотиб олишди: шундай ёпишишди, шундай ёпишишдики, асти қўяверинг: Топган пулларига баркамол жувон ҳар хил буюмлар олибди. Бундай буюмларни Томашук Москва магазинларида негадир кўрмаган эди. «Сиз ҳаммасини шундоққина прилавкага ёзиб қўйишади, деб ўйлайсизми?— деди жувон.— Харид қилишни билмоқ керак, ҳа». У ўз пакетларини очар, диванларга кофталарни, юбкаларни, яна алланарсаларни ёзиб ташларди. Алланарсани кийиб кўриши керак бўлганидан гоҳо, Томашукнинг коридорга чиқиб туришини сўрарди. Томашук соатлаб тор йўлакда турар, вагон-ресторанга қатнаётганлар уни турткилашарди. Томашук улардан ғазабланар, бу бало-хўр чайқовчидан, ҳар бир килограмм қулупнайини эллик сўмдан пуллайдиган бир ҳаромхўрнинг санъат арбоби, режиссёр, артист билан бирга боришга йўл қўювчилардан ғазабланарди. Бу жувон ахлоқ тузатиш уйида ўтириши керак, у бўлса ўзига аро беради. Бу семиз чўчқа яна шунча молни ўзи учун харид қилмаган ҳамдир; уйига бориб, (қаерда турар экан?) ўша ерлик жувонларга уч барабар қимматига пуллайди бу ҳайвон.

Томашук аввало Яков Тимофеевичдан аччиғланарди: телеграмма берибди-я! Дарҳол, тез келинг эмиш. Нима бало, у, буни бола деб ўйлайдими?

7

Воробейний цехдаги техника ўқувига раҳбарлик қилишга киришди. Биринчи машғулотни ўзи ўтказишга жазм қилди. У сменадан бўшаган ҳамма ишчи ва мутахассисларни тўплаб, кириш сўзи сўзлар эди.

— Ўртоқлар, бизнинг давримиздаги металлургия заводларида,— дерди у,— домна печларининг иш даври тўрт-беш йилдан ошмайди, шундан сўнг уларни ремонтга қўйиш керак, ваҳоланки бу иш даври Урал ва Шарқдаги заводларда ўн-ўн икки йилни ташкил этади. Гап нимада, ўртоқлар? Негача фарқ бунчалик улкан? Биринчидан, ўтга чидамли материалларнинг сифати паст, печлар горннинг кам турғунлиги ҳам шундан. Иккинчидан, «Домномонтаж»даги меҳнат шундай ташкил қилинганки, одамлар ишнинг сифатидан эмас, фақат ишни тезроқ тугатишдан манфаатдордир. Лешчадь ва шахта кладкасига ғоят даражада кам эътибор берилмоқда, жуда катта штатлик назоратчи ходимлар бор бўлатуриб, кладка ва монтаж сифати ёмонлигича қолмоқда. Бундан ташқари, ўртоқлар, биз, эксплуатациячилар ҳам жуда яхши ишляпмиз, деёлмаймиз. Йўқ, ўртоқлар, бундай де-йишга ҳали кўп вақт бор. Учинчи печда фурманинг отилиб кетгани, бир йил илгари биринчи печда чўян леткаси қисмида горннинг ўпирилиб кетгани нимадан далолат беради? Бу чўян леткага ва горрни совутиш системасига яхши қарамаганликни, қаровсизликни, бепарволикни билдиради.

— Махсус комиссиялар бу аварияларнинг сабаби бошқа нарсада эканини аниқлаган,— деди машғулотда бўлган Андрей.— Улар худди сиз аввал сўзлаб ўтган нарсага —«Домномонтаж»нинг ёмон ишлашига боғлиқ.

— Новқирон дўстим,— деди жилмайиб Воробейний.— Аввало, гапимни бўлмасангиз. Кейин сўз олиб, ҳар қанча сўзлашингиз мумкин. Иккинчидан эса, ҳозирги масалада сиз унчалик холиссиз деб ўйламайман: ҳар ҳолда бу авариялар амакингизга ҳам тегишлидир.

— Уят эмасми бу!— деб қичқирди Искра ўрнидан турар экан.— Бу тарзда қарши чиқиш, инсофдан эмас! Сиз расман ҳам, амалда ҳам ноҳақсиз.

Бу луқмалардан сўнг қизил бурчакда йиғилганлар ғовур кўтаришди.

— Тинчланинг, ўртоқлар!— деди овозини кўтариб Воробейний.— Гапиришни истаганларнинг ҳаммасига сўз берилади. Ҳозир менга сўзни давом эттиришга рухсат этинг. Афсуслар бўлсинки, ҳозирги металлургия заводларида, шу жумладан бизнинг заводимизда ҳам, совутқич арматура ўз кучимиз ва ўз конструкциямиз асосида ясалади. Нима қилиш керак? Бу арматурани текшириб, синаб кўрилган стандартлар бўйича механизация ёрдамида сифатли қилиб тайёрлайдиган цех ташкил қилмоқ керак. Энди — электропушкаларга келайлик. Масалан, бизда уларнинг қуввати қониқарли эмас. Бу чўян леткаларнинг ёмон аҳволда қолишига, лешчаднинг кўп ўт олишига; леткалар тагидаги фурмаларнинг бекилиб

қолишига, чўян олинаётган вақтдаги шамол босимининг пайишига ва печларнинг бекор туриб қолишига олиб келади. Электропушкаларимизни реконструкция қилиш, поршинларга бўлган босимни икки юз тоннага етказиш, намуна қилиб Магнитогорск металлургия комбинатининг домна цехидаги етти ва саккиз рақамли печларнинг электропушкаларини олиш керак.

Воробейний янги летка массасини қўллашнинг зарурлиги ва унинг состави тўғрисида, чўян ва шлак желобларга кетадиган янги набойка ҳақида, летка массаси ва набойканинг бирикмали материалларини майдалаш учун керакли шарлик тегирмон тўғрисида гапирди.

Искра тинглар ва ажабланарди — Платон Тимофеевич икковлари буларнинг ҳаммасини ўз доклад хатларида жуда батафсил баён қилган эдилар. Улар Воробейний айтаётгандек силлиқ қилиб ёзмаган бўлсалар ажаб эмас. Нима учун Воробейний бунга айтмайди, у айтиб ўтган барча таклифлар цехда унга қадар ўйлаб кўрилганини, электропушкаларни қайта ускуналаш яқинда бошланишини, улар учун моторлар олинганини нима учун айтмайди.

— Энг оғир, кўп меҳнат талаб қиладиган ва айниқса иссиқ ишлардан бири марказий желобни тайёрлашдир,— деб давом этарди Воробейний.— Желобдаги ҳамма ишлар қўлда бажарилади. Желобдан эски набойка, шлак ва чўянни ажратиб берадиган ҳамда янги набойка ўрнатадиган машина зарур. Яна сўзимда давом этаман, ўртоқлар! Ҳозир қурилаётган печларнинг юқори унумдорлиги, суткасига чўян олиш миқдорининг кўпайиши, зарур механизациянинг йўқлиги, чўян леткани кузатиб туришнинг қийинлиги горнда ишлашни анча мураккаблаштирди. Натижада горновойларнинг қўнимсизлигини кўриб турибмиз. Процентларни кўрсатиб ўтирмайман, гап унда эмас. Гап горнда ишловчиларга тўланадиган ҳақни кўпайтириш керак. Биринчи горновой...

— Ўн иккинчи разрядли бўлиши керак!— деб қичқирди Искра.— Иккинчи горновой — ўн биринчи разряд, учинчиси — тўққизинчи разряд ва қолганлари — саккизинчи разряд. Сиз шуни айтмоқчи эдингиз шекилли, ўртоқ бош мастер?

— Ҳа, шуни, ўртоқ мастер. Машғулот вақтида озгина бўлса ҳам интизомга риоя қилмоқ керак.

— Менимча, озгина бўлса ҳам объективликка риоя қилмоқ керак!— Искра ҳаяжондан титраб кетганини сезди.— Буларнинг ҳаммасини Платон Тимофеевич Ершов аллақачон ўйлаб қўйганлигини айтиш керак эди.

— Инженер Козакова ҳам!— деб қичқирди горновойлардан бири.

— Аввало инженер Козакова,— деди Андрей.

— Бунақаси кетмайди!— деб қичқирдишди ўтирганлар орасидан.

— Ўртоқлар, анархиянинг кераги йўқ, асабийлашишнинг ҳожати йўқ!— деб яна зўр бериб бақирарди Воробейний.— Ҳеч ким ҳеч кимнинг шухратини тортиб олмоқчи эмас. Доим шундай қилинади — биров бошлаб беради, бошқа биров уни давом эттиради ва ривожлантиради. Бу ҳар қандай тараққиётнинг нормал йўлидир. Гап кимнинг биринчи бўлиб бошлаб берганини аниқлашда эмас-ку. Гап приоритетлардами? Приоритетлар кетидан югуриш — кибрланишга йўл қўйиш демакдир. Бизда кўпинча, радиони ким ихтиро қилган — рус Поповми ёки итальян Марконими, деб баҳслашадилар...

— Бизда бу ҳақда баҳслашмайдилар,— деди Андрей.— Бизда ҳамма, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам радиони Попов ихтиро қилганини билади. Маркони унга эргашиб борган.

— Дунёда бу ҳақда баҳс бормоқда,— деб қатъият билан такрорлади Воробейний.— Лекин бундай баҳсда нима маъно бор? Бизнинг радиого эга эканлигимиз муҳимроқ эмасми? Унинг хизматидан фойдаланаётганимиз...

— Демак, агар бизга Репин билан Суриков — Монако князлигининг рассомлари дейишса ҳам, барибир бўлаверар экан-да, ўртоқ Воробейний?— деди қичқириб Искра.— Уларни руслар, деб даъво қилишнинг ҳам маъноси йўқми? Асосий нарсa уларнинг асарлари-да? Шундайми?

— Гитлernи ким тор-мор қилганлиги ҳам барибирми?— деди иккинчи печда ишловчи горновой.— Бизми ёки инглизлар билан америкаликларми?

— Уни биргаликда тор-мор қилишган — бизлар ҳам, инглизлар ҳам, америкаликлар ҳам.

— Ва айниқса сен ҳам!— деб ҳайқирди ёшлардан аллаким сира кутилмаганда. Воробейний индамай, бир минут эсанкираб қолди, кўзойнагини олиб, уни замша парча билан арта бошлади.

— Хўш, биз нима устида тўхтаган эдик?— деб сўради у ҳамма тинчигач.

— Танаффус қилиш кераклиги устида,— деди кимдир.

— Марҳамат,— деб рози бўлди Воробейний.— Марҳамат.

Танаффусдан сўнг қизил бурчакка Воробейний тингловчиларининг ярмичаси қайтиб келди. Қолганлар ҳар ёққа тарқалиб кетди. Андрей билан Искра ўз печлари ёнига жўнашди. Бир ярим соатдан сўнг Искра сменани Андрейга топшириши керак эди. Воробейнийнинг машғулотида бўлиш учун Андрей атайлаб вақтли келган эди.

— Буни қаранг-а,— деди у, Искра билан ёнма-ён борар экан.

— Шунақа, Андрей Игнатьевич, расвогарчилик! Платон Тимофеевич ўрнига шундай одамни раво кўришди! Унинг аҳволи қалай? Бориб хабар олмоқчи бўламан, ўралашиб қолиб, қўлим тегмайди. Қизим келиб, ташвишим яна ортди. Бунчалик тиқилинч бир хона бўлмаганда онам шу ерда қоларди, ёрдам бўларди, ҳарнечук. Лекин ойим турадиган жой бўлмай жўнаб кетди.

— Квртирангизни кимга беришганини биласизми, Искра Васильевна?

— Бўлмаса-чи! Кашфиётчи Крутиличга-да. Эрим у билан таниш. Уни девона табиат, дейди.

— Буниси қанақа бўлди, Искра Васильевна?

— Унинг эси бутун бўлмай, девонага ўхшайди дегани.

— Йўғе, Искра Васильевна. Менинг амакиларим бошқача дейишади. Улар Крутилични эс-ҳуши бутун, муғомбир ва ифлос одам деб билишади.

— Шундай деб Дмитрий Тимофеевич айтса керак, албатта?—деб жилмайди Искра.

— Ҳа, ўша,— деди Андрей.— Платон амаким бўлса: «У кашфиётчи эмас, авантюрист!» дейди.

— Балки, авантюрист эмасдир, лекин унинг нимани кашф қилганини ҳеч ким билмайди. Директор унга тароз-вагонлар кабинасини совутиш устида ўйлаб кўришни топширган эди, ҳеч нарса ўйлаб тополмади. Ўзимиз ўйлаб топдик. Марказлашган ремонт масаласи тамоман беҳуда гап бўлиб чиқди.

— Йўқ, тамоман беҳуда бўлиб чиқмади, Искра Васильевна. Ҳар ҳолда, ўзининг шу хомхаёл иши юзасидан квартирангизга эга чиқиб олди. Шу иш юзасидан техника кабинетига кириб олди. Шу иш юзасидан жуда катта ссуда олибди, дейишади. Шу иш юзасидан умуман иш беш бўлиб кетди. Унинг туфайли Чибисовни қаттиқ хафа қилишди.

Искра қўлларини шлангдаги иссиқ сувда ювди-да, комбинезонини ечиб, ёзлик кийимини кийди.

— Капа доим сизни сўрайди,— деди унга Андрей.— Бизникига бир кирсангиз-чи. Қизингизни олиб. Боғчамиз бор. Чиройли гуллар экканмиз. Қишдагидек эмас... Бизникига борганингиз эсингиздами?

— Борамиз. Раҳмат. Албатта борамиз. Капокчага салом айтинг.

Искра темир зиналардан цех ҳовлисига тушиб борар экан, Орлеанцев билан Воробейнийга йўлиқди. Орлеанцев Искрани тўхтатди. Воробейний нари кетди. Унинг авзойи бузуқ эди, афтидан, машғулот танаффусдан кейин ҳам унинг кўнглидагидек ўтмаган эди.

— Азизим,— деди Орлеанцев жилмайиб,— нега сиз бундай куюнчасиз?

— Кечирасиз, Константин Романович,— деди қатъий ва қуруққина қилиб Искра.— Сиз мени «азизим» дейишингизни жуда истамас эдим. Иккимизнинг ўзаро муносабатимиз шундай бўлиб турганда «азизим» дейиш билан одам ўз суҳбатдошини ҳурмат қилмаганини, ўзини ундан юқори тутганини кўрсатади.

— Бизнинг сиз билан қандай муносабатимиз бор, ўртоқ Козакова?

— Ҳеч қандай муносабатимиз йўқ. Демак, «азизим» дейишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ.

— Яхши. Расмий равишда гаплашамиз — мен аёлларнинг инжиқлигини ҳурмат қиламан. Гап бунда эмас, гап шундаки, сиз беҳуда шов-шув қилмоқчи бўляпсиз, ўзингизнинг ва собиқ бош мастер Ершовнинг хизматларини кимдир гўё ўзиники қилиб олаётгандек кўрсатишга беҳуда урияпсиз. Аввало, унинг ҳам, сизнинг ҳам ҳеч қандай алоҳида бир хизматингиз бўлган эмас ва йўқ. Бунинг учун сиз жуда ёшлиқ қиласиз. У эса, кексалик қилади. Сиз у билан биргаликда цехни роса қаровсиз қолдиргансиз.

— Буни исботлаб беринг!

— Хўп, ҳаракат қиламан. Лекин биз юқорига чиқсак, ёки пастга тушсакмикан? Бу ерда роса шамол уряпти.

Улар юқорига чиқиб, диспетчерлик ёнидаги бўш хонага киришди. Орлеанцев стол ёнига ўтирди. Искра ўтирмай, дераза ёнига бориб турди, унинг ортида эса кранлар руда вагончанинг трюмосидан қизғиш рудани юкламоқда эди.

— Мана сизга исбот.— Орлеанцев печлардаги ҳамма камчиликларни, бир маҳал Платон Тимофеевич билан Искра сўзлашган ўша камчиликларнинг ўзини санай бошлади.

— Менга қаранг!— деди Искра Орлеанцевнинг гапини бўлиб.— Уялмайсизми? Сиз министрликда ишлагансиз-ку, бу камчиликлар бизнинг цехимизнинггина камчиликлари бўлмай, умумий камчиликлар эканини жуда яхши биласиз-ку. Бу жуда кўп заводларнинг камчилиги. Улар цехларнинг ходимларидан кўра кўпроқ министрликка боғлиқ-ку. Сиз ўша министрликда ўтириб, домна печларнинг электропушкалари ожиз эканини, канаваларни тозалаш ва набойкаланинг механизацияси кўнгилдагидек эмаслигини, чўян леткасини очиш учун яхши пармалаш машиналари йўқлигини билмасмидингиз? Сиз горновойларнинг қўнимсизлигини, уларнинг оғир меҳнатига ҳақ тўлаш масаласида бирор чора кўриш кераклигини билмасмидингиз? Сиз худди завод директорлари буларнинг ҳаммаси тўғрисида ёзиб турадиган участкада ўтирар эдингиз-ку. Нима учун Воробейний, ҳозир эса сиз ҳам ҳаммасини Платон Тимофеевичга тўнкаяпсизлар? Бу ноинсофлик-ку.

— Бундай ҳаяжонга тушиш ярамайди.— Орлеанцевнинг юзидан жилмайиш аримас, бу эса Искранинг ғазабини қўзғарди, у Орлеанцевга бирорта ўткир гапни айтишга тайёр эди. Лекин афсуски, эсига бирорта муносиб гап келмасди.

— Инсоф керак,— дерди Искра қатъият билан.— Нуқул ўзини ўйлаш ярамайди. Атрофингиздагилар ҳам одам.

— Сиз менинг тўғримда,— деди Орлеанцев,— сиз билан мен гўё эски танишлардек фикр юритяпмиз. Биз бўлсак Москвада министрлик зинасидагина учрашардик-ку, бу ерда ўн мартача шунчаки кўришганмиз. Ўртоқ Искра, инсоф, инсофсизлик, деб барала бақиравериш ярамайди. Ярамайди. Билиб қўйингки, ҳатто энг риоялик одамлар ҳам хафа бўлиши мумкин. Сиз аёл эканингизни, шу туфайли сизни кўп нарсадан афв этишларини суиистеъмол қилманг.

— Сиз афв этмай қўя қолинг. Сиз, ўзингиз айтгандек, шу туфайли сиқилмай қўя қолинг. Гапираверинг. Бемалол ҳаракат қилаверинг. Гапимиз тамом бўлди шекилли?

— Биз энди гапга киришяпмиз.

— Йўқ, мен уйга боришим керак. Сменам аллақачон ту-гаган. Мен болалар боғчасига қизимни олгани бораман. Кечирасиз.— Шундай деб Искра, Орлеанцевни стол ёнида қолдириб, чиқиб кетаверди.

У шаҳар марказигача автобусда борди, ўзининг Пароходная кўчасидан эса, деярли югуриб борарди. Уйи олдидагина қадамни секинлатди. У қаерга бунчалик шошиляпти? Бугунги ҳамма кўнгилсизликларни Виталийга айтиб бериш учунми? Унинг паришонлик билан: «Эҳ, лаънатилар!» дейишини эшитишу, кейин ўзининг аллақайси бир ишини давом эттираверишини кўриш учунми?

Искра тўхтади. Ўзининг оғир, серташвиш ишлари билан Виталийни ҳаяжонга солиб бўлмаслигини, бу нарсалар унинг учун аҳамиятсиз эканлигини билганидан Искранинг кўзларига ҳатто ёш келди. Искра дарвоза остонасига бенихтиёр оёқ қўйган ҳам эдики, кўчанинг бошида келаётган Виталийга кўзи тушди, у Люсяни боғчадан етаклаб келарди. Искра бармоғи билан тезда ёшини артди, қизининг қўнғироқдек товушига қулоқ солиб, жилмайди; сўзларини англаб бўлмаса ҳам, жаранглаган товуш эшитиларди. Ўз жонажонлари, ўз ёқимтойлари, меҳрибонлари сари ташлангиси келди. Бироқ алланима, қандайдир бир куч уни дарвоза тагида тутиб қолди, улар эшикка кириб кетгунларича кутиб туришга мажбур қилди, сўнгра уни орқага, шаҳар маркази орқали Овражная кўчасига бошлаб кетди.

— Искра Васильевна!— деб қичқириб юборди шодланиб Капа.— Келганингиздан шундай хурсандманки, сиз Андрейни йўқлаб келгандирсиз?

— Йўқ, Капочка, мен сизнинг олдингизга келдим. Андрей Игнатьевич билан биз бугун кўришдик, мен унга сменани топширдим. Энди сизни кўргани келдим.

— У сизга буни айтиб бердимиз?

— Нимани, Капочка? Мен тушунолмадим.

— Бу-чи...— Капа уялиб, Искранинг қулоғига пичирлади.

— Нима деяпсиз, Капочка, эркаклар буни ҳеч кимга айтишмайди? Улар бундан уялишади. Мен сизни табриклайман, Капочка, сиз учун қувонаман. Болалар — шундай бир қувончки... Гоҳо киши қийналиб кетади, оғир бўлади, уйга келиб, Люськани кўраману, дарҳол кўнглим ёришади. Атрофингдаги ҳамма нарса гўё ҳеч гап бўлмагандек тарқалиб, сендан чекиниб, нари кетади, фақат ўша билан юпанаман.

Улар боғчада олчалар тагига қўйилган думалоқ стол ёнидаги скамейкачага ўтиришди, Капа Искрадан она бўлишдек махфий ишларни суриштирарди.

— Биласизми,— дерди Капа,— дарсликлардан мен ҳаммасини биламан. Мен бошқа китоблар ҳам сотиб олдим. Лекин китобларда ҳаммаси айтилган дейсизми?

Искра ўз Люськасини, уни қандай парвариш қилганини мароқ билан сўзлаб берди. Лекин медицинадан хабардор бўлган Капа Искра билмаган нарсаларни сўрар, уни ажаблантирарди.

— Билмайман,— дерди Искра ажабланиб.— Эслай олмайман. Сизмадим. Йўқ.

Улар қош қорайгунча ўтиришди. Искра салқин тушиб қолганини айтди. Капа уйга киришни таклиф қилди. Уйда ҳеч ким йўқ, эски осма соатгина тиқилларди. Ремонт қилишганда Капа уни девордаги аввалги ўрнида қолдирган эди. Ушанда Андрейга, соат капкирининг тиқиллаши сенга ёқадигандир, бу девор соатга ўрганиб қолгандирсан, уни олиб қўйсам ачинарсан, деган эди. Андрей эса, чиқариб ташлай-веришини, ачинмаслигини айтди. Лекин шунда ҳам Капа уни олиб қўймади.

— Вақт югуриб ўтяпти,— деди Искра, Капа чироқни ёқганда.— Шунчалик тез югурыптики. Соат еттидан ўтибди-я. Кун тамом. Кунлар қувишиб ўтяпти — санаб улгуриб бўлмайди. Шундай қилиб, умр ҳам ўтиб кетади. Капочка. Мен бошимдан бир оқ тола ҳам топиб, юлиб ташладим.

— Сиз қизиқ нарсаларни ўйлайсиз, Искра Васильевна,— деди эҳтиёт бўлиб Капа.— Бошингизга кўнгилсиз гаплар тушганга ўхшайди. Ишда бир гап бўлдими?

— Ҳа, Капочка, шундай, ишда,— Искра Платон Тимофеевичнинг бўшатилиши ва инженер Воробейнийнинг цехда пайдо бўлиши билан боғлиқ бутун шу чалкаш воқеаларни

сўзлаб берди; Платон Тимофеевич билан бирга цехдаги ишларни яхшилаш планини тузиб чиққанларини, Воробейний бирдан бу план гўё ўзиникидек гапира бошлаганини, Орлеанцев эса, у билан атайлаб ранжитмоқчи бўлгандек сўзлашганини гапириб берди.

Капа тажанг бўлиб бу ишни шундай қолдириб бўлмайди, муттаҳамларнинг кўзини очиб қўйиш керак, деди.

Искранинг ҳолига тушуниб, унга тўла ҳамдард бўлди. Искранинг кўнгли кўтарилди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Искра ўзини қанчалик чалғитмасин, ҳар ҳолда ўзини Андрейнинг хотини ёнига келмаганини, унга дардини айтиб, ҳамдард бўлишини истаб келмаганини биларди.

Жўнаб кетатуриб, эшик орқасида Капа билан хайрлашар экан:

— Ҳа, ҳалиги!.. Дмитрий Тимофеевич уйда эмасми?— деб сўради.

— Бугун у кечки сменада.

— Шундайми? Яна бир марта хайр, Капочка, хайр. Яхши қолинг, соғ-саломат, бахтиёр бўлинг.— У Капани қучоқлаб ўпди.

Уйга келганида Люська парда орқасида ухлаб ётарди. Бу парда, Люськанинг каравотчаси ва ўйинчоқларидан қимирлашга жой қолмаган, юриб бўлмас, ҳар хил буюмлар орасидан сиқилиб ўтиш керак эди.

— Негадир бугун сен ўйнаб қолдинг, Искруха,— деди Виталий норози оҳангда.— Цехга ҳам телефон қилдим. Аллақачон кетган дейишди.

— Мени парткомда тутиб қолишди,— деб юборди бирдан негадир ёлғонлаб Искра ва ўзи бу ёлғондан чўчиб кетди, қизараётганини, жуда қизариб кетаётганини сезарди.

Лекин Виталий бунини сезмади.

— Энг ёмони хотининг жамоатчи бўлгани,— деди у тўнғиллаб.— Мен уй хизматчисига айланиб қолдим, Искруха. Овқатни ўзим пиширсам, идиш-товоқни ўзим ювсам, уйни ўзим йиғиштирсам, Люськани боғчага ўзим олиб бориб, олиб келсам.

— Ўзинг тушунсанг-чи, Виталий... Мен-ку, жоним билан, ўзинг биласан-ку...

— Мен ҳеч нарса деяганим ҳам йўқ. Мен бунини гинахонлик қилиб айтаётганим йўқ, бор гапни айтаяпман. Мана, кеч қолиб бўлса ҳам, келдинг, энди менга кетишга рухсат эт. Александр Львович мени йўқлаб келибди. Бир ёш драматург билан иккови менга бир пьесани ўқиб беришмоқчи, спектаклни безаш устида маслаҳатлашмоқчи. Спектаклни безаб кўрай-чи — бу мароқли иш. Пьеса ишчилар тўғрисида эмиш. Менинг қўлимдан келармиш. Ишчилар синфи темасини яхши

ҳис этармишман. Соғ бўл, ухла. Кутма, албатта ёт. Сен бу кутишинг билан ўзингни олдириб қўйяпсан.

— Уларни бизникига нега таклиф қила қолмадинг? Бизникида ўқисангиз бўлмасмиди? Мен ҳам жон деб эшитардим-ку.

— Ахир, Искруха!..— У қўли билан атрофга ишора қилди, пардани кўрсатди.— Ўзинг тушунасан,— деди-ю, Искранинг пешонасидан ўпди-да, чиқиб кетди.

Искра стол ёнига ўтирди, бошини қўллари орасига олди. Турмуш тобора оғирлашиб борарди.

У шу ҳолатда қанча ўтириб қолганини сезмади. Соатга қараса — заводда тез орада кечки смена тугайдиган вақт бўлибди. Ўрнидан туриб, кўзи тингани ҳолда дастурхонга қараб, бироз турди-да, жакетини кийди, ухлаб ётган иссиқ Люськани ўпди-ю, чироқни ўчириб чиқди. У ўз-ўзича сайр этгани, бош оғриғини ёзгани кетяпман, дерди-ю, лекин завод сари борарди. Одамлар автобус тўхташ жойларига завод дарвозаларидан югуришиб чиқаётганда, у кўприкка етиб борган эди. Ўтказиб юбормаслик... учун Искра ҳам илдамлади.

Кимни ўтказиб юбормаслик учун?

Искра тўхтади, уни ваҳима босди. Бу нима қилаётганшим? Нега бундай қилай? Даҳшат-ку бу. Шундай шармандаликки. Ҳозироқ қайтай, дарҳол уйга борай.

Ўша куни яна деярли югурар, бу сафар ўз-ўзидан, ўзининг девоналигидан қочарди. Искра уйга югуриб кириб, Люськанинг тўшагига ташланди, унинг ёнига тиз чўкиб ўтирди-ю, бошини боланинг илиқ елкасига қўйди. Нима қилишини билмай қолган эди.

8

Крутилич техника кабинетининг умумий хонасидан фанер деворлар билан ажратилган ўз жойида ўтирар эди. Крутилич шу ҳужрачага кириладиган қийшиқ фанер эшикка табличка осиб қўйишни сўради. «Мудир ўринбосари ўртоқ Крутилич» деган табличка осиб қўйишди. Бу кўнглидагидек бўлмай, ўзининг ва отасининг исмини ҳам ёзишларини ёки ақалли бош ҳарфларини кўрсатиб қўйишларини истарди. Бироқ, уни ҳеч ким исми ва отасининг исми билан атамас, бу исм ва отасининг исми ҳеч кимга ҳам маълум эмасди; табличкани ҳам «Ўрт. Крутилич» деб буюртишган эди.

Крутиличнинг столини папка ва қоғозлар босиб кетган, улар тўдалашиб ётарди. Бу столда ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг цехлардан тушган рационализаторлик таклифлари йиғилган эди. Айрим қоғозларга мудир резолюция қўйган бўлиб, уларни консултацияга бериш керак эди. Кўп-

чилигида ҳеч қандай резолюциялар бўлмай, уларнинг тақдирини Крутиличнинг ўзи ҳал этиши керак эди. Мақсади ноаниқ, техника жиҳатдан саводсиз, ёки муҳокамага ҳам арзимайдиган майда таклифларни кўрганда у хурсанд бўларди. Бундай таклифлар юзасидан муфассал хулосалар ёзиб, мундирга эҳборот берар, уларни латифа тарзида кабинет ходимларига сўзлаб берар, ёки: мана, қандай порлоқ ақллар, қандай буюк зотлар экан! деб, мазах қилиб айтиб бериш учун Орлеанцев ёнига борар эди. Фойдалиқ, мукаммал, қимматли таклифлар эса, унинг ғашини келтирар ва ғазабини кўзғатарди. Крутилич уларни бир четга олиб қўяр! «Ҳечқиси йўқ, жонгиналарим,— дерди ўз ичида авторларни назарда тутиб,— сабр қиласиз». У турмушда ўзи кечирган сарсонгарчиликларни эслар, бошқаларнинг ҳам сарсонгарчиликдан боши чиқмаслиги учун ҳамма ишни қилишга тайёр эди. У яхши ишлаган ва ўз иши учун яхши ҳақ олганларнинг ҳаммасини, ўз мақсадига эришганларнинг ҳаммасини, ўз вазифаси тақозо этганидан кўпроқ нарса қилишга эришганларнинг ҳаммасини бахтиёр ва омадли деб билар, бахтиёр ва омадли одамларни эса кўролмасди.

Булутли июль кунларидан бирида, Крутиличнинг олдида прокаткадан бўлган бир ёш нагривалчи ишчи ўтирарди; цехда бу касбни негандир бошқача қилиб, яъни сваркачи, деб аташади. Бу сваркачи ўз ақлига қиздирувчи қудуқлардаги қуюлмаларни қиздириш усулини ўзгартириш фикри келганини айтиб, қуюлмани электр катушка ўқи вазифасини ўтайдиган ва юқори частоталик электр қуввати таъсирида қизийдиган қилишни таклиф қиларди. Крутилич электротехникадан беҳабар бўлиб, таклифни мутахассисларга консультация учун бериши керак эди. У, физикадан баъзи бир нарсаларни билганидан бу таклиф тўғрисида умумий тарздагина фикр юртиши мумкин эди. Бу таклифни Крутилич назарий жиҳатдан амалга оширилса бўладиган таклиф деб биларди. Унинг амалда қанчалик қўллаб бўлиниши ва иқтисодий фойда келтириши маълум бўлмаса ҳам, лекин таклиф бамаъни эканлигининг ўзийёқ Крутиличнинг ғашини келтирарди.

— Бундай маълумотларни қаердан олгансиз?— деди Крутилич, амалдорлик креслосида ялпайиб ўтирар экан.— Мен сиздан назарияни ишлатишга имкон берган билимлар тўғрисида сўзлаяпман.

— Мактабда, ўртоқ Крутилич. Мен ўтган йили ўн йиллик мактабни тамомлаганман.

— Ўн йилликни тамомлаганмисиз? Нега ўқишни давом эттирмадингиз? Қизиқ бўпти-ку, йигитча.

— Институтга киролмадим. Икки бал етмай қолди.

— Ана шу-да, ялқовлик қилгансиз, демак. Осонгина яшашга, биз оталарингиз, сизлар учун ҳамма қийинчиликларни енгизишимизга, «бизда ёшлар учун ҳамма йўллар очиқ» деган нарсага ўрганиб қолгансизлар. Бўлмайди, азизим! Ўз истиқболингга ўзинг йўл очишинг мумкин. Ҳа!

— Мен институтга киролмаганимга ачинмайман,— деди сваркачи, Крутилич нега бундай насиҳат қилаётганига тушунмай.— Ишим ўзимга ёқади. Мен Дмитрий Тимофеевич Ершов учун қуюлмалар қиздириб бераман. Ундан қолишмасдан — чаққон ишлаб турмоқ керак.

— Чаққон ишлайверинг бўлмаса, йигитча. Таклифингизни ўрганиб, ўйлаб, муҳокама қилиб кўрамиз.

— Ўзоқ муҳокама қиласизларми?

— Жиддий иш. Уни томдан тараша тушгандек тез ҳал этиш қийин. Икки, уч ойча... Сизнинг шошадиган жойингиз йўқ, ҳали бутун умрингиз олдинда.

«Бу уддабуррони қаранг-а!— деди ўз ичида Крутилич, ёш сваркачи чиқиб кетгач.— Бирор бир ғоя туғилиб, юзага чиқармикан, деб бу ерда ўтириб олиб, бош қотирганинг қотирган-ку, у дарсликлардан ўқиб олиб—мана энди янги чиққан Эдисон бўпти. Бук белингни, бук азизим, ҳужрада яшаб кўр, очиқиб юр, хотининг ташлаб кетсин, ўшанда ихтиро қил, ўшанда, ўз таклифларингни кўтариб юр».

Чоштвоҳ пайтида унга Воробейний телефон қилди.

— Крутиличмисиз? Салом, азизим! Бизнинг домна цехимизга бир қадам ранжида қилмайсизми?

— Нима бўлиб қолибди у ерда?

— Сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, бир ишни муҳокама қилиш керак эди.

— Керак бўлса,— деди Крутилич бир оз катталиқ қилиб,— олдимга марҳамат. Иш жуда кўп, цехларда сайр этолмайман.

Гапирувчи жим қолди. Сўнгра Воробейний ҳар нечук рози бўлди:

— Хўп, бораман.

«Кел, кел» деди Крутилич кўнглида ичи қоралик билан. У, Воробейний Зоя Петровнанинг уйида бўлиб, Орлеанцев бу инженер учун қадаҳ кўтарган ва уни ноҳақ жабрланган жафокаш деб улуғлаган ўша ўтиришдан буён ёқтирмас, уни беҳуда юқори кўтаришяпти, деб биларди.

Воробейний келганда, Крутилич катта давлат ишларидан толиққан бир киши қиёфасига кирди. У ўзига ҳорғинлик, фикри толиққанлик ифодасини беришга тиришарди.

— Ўтиринг,— деди у.— Қулоғим сизда.

Воробейний ўтиришдан олдин, майда қадам билан Крутиличнинг ҳужрасида кезинди, ниҳоят ўтиргач:

— Бу ерда менга қулоқ солиб ўтирмай,—деди у,—бир-галикда бирорта дуруст ва зарур чора қилиш керак, ўртоқ Крутилич. Чибисов тароз-вагонларга тегишли бир топшириқ берган эди сизга, эсингиздами?

— Ҳа, шундай бир хом хаёл топшириқ бўлган эди, уни топшириқ дейиш ҳам қийин.

— У хом хаёл,—деди Воробейний.— У ҳаётий нарсa. У ер чиндан ҳам дўзах.

— Хўш, нима бўпти? Горн бундан ҳам бадтар-ку, у ерда ҳам ҳеч нарсa қилиб бўлмайди.

— Тароз-вагонларда эса бирорта чора қилса бўлади. Ҳамма гап шундаки, қилинган ҳам. Ким томонидан дейсизми? Учинчи печь мастери Козакова томонидан.

— Қизиқ, нима қилинибди унинг томонидан?— Крутилич янада ҳорғинроқ, ақллироқ ва салобатлироқ боқишга тиришарди.

Воробейний тароз-вагонлар кабинасига электр совутгич асбоб ўрнатиш тўғрисидаги Искра қилган таклифни сўзлаб берди.

— Нима бўлаётганини тушунапсизми, Крутилич? Мутахассис кашфиётчи бажара олмаган вазифани домна ишлаб чиқаришини эндигина кўрган бир қизалоқ муваффақият билан ҳал этиб ўтирса. Бу зарба-ку, жиддий зарба!

— Нимага?

— Нимага эмас, кимга. Биринчи галда сизга, Крутилич.

— Нега энди сиз менга бунчалик ғамхўр бўлиб қолдингиз? Сиз менга ғамхўр бўлмай қўя қолинг. Ўзим бир амаллаб омон қоламан.

— Сиз беҳуда бундай ортиқча гердаяпсиз. Биз жанжаллашмай, бирга ишлашимиз, ҳамкор бўлишимиз керак, Крутилич.

— Шуни тўппа-тўғри айтиб қўя қолинг, ўртоқ Воробейний,— Крутиличнинг юзида Орлеанцевнинг жилмайишига ўхшаш, ризо-риоялик ва бир оз такаббурона жилмайиш пайдо бўлди,— сизга ҳамкор кераклигини, яъни, қисқаси, менинг ёрдамим кераклигини айтиб қўя қолинг.

Воробейний ҳушёр тортиб: Крутилич, гапни бу ёққа буриб мени бирорта тузоққа тортаяпти, у одамлар ўйлагандан кўра, Орлеанцев ўйлаганидан ва гапирганидан кўра муғомбирроқ бўлса керак, деб ўйлади.

— Ёрдам деганингиз нимаси — деди у.— Мен шунчаки холодильник эмас, бирорта вентиляторлар системаси ўрнатиш керак, деб ҳисоблайман. Сиз бу билан шуғуллансангиз эди.

— Вентиляторлар билан шуғуллангунимизча,— деб ку-

либ қўйди Крутилич,—холодильник тўғрисидаги таклиф туратуради, шундайми?

— Буни энди мен билмайман... Ўзингиз биласиз, ўртоқ Крутилич. Афтидан, шундай. Тўғри, бир вақтда ишланса ҳам бўлади, албатта....

— Яхшиси — туратурсинми?— Крутилич ичи қоралигини яширолмасди. У оғзининг таноби қочиб илжайарди.— Сиз мени нимага ундаяпсиз, Воробейний? Сиз буни ўйлаб кўрсангиз-чи, совет инженер! Бу ўтакетган разиллик-ку, ростми? Сизга мени бундай ишда шерик бўлади, деб ўйлашга ким ҳуқуқ берди? Йўқ азизим, бўлмайди. Мен партиясизман, лекин бу ерга мени партия қўйганлигини биламан. Ҳа, партия! Мен совет рационализаторлари ва ихтирочилари манфаатини қўриқлаб келганман ва қўриқлайман. Бу менинг муқаддас бурчим ва мен бу бурчни адо этаман.

— Ўзингиз жойида эмас экан,— деди Воробейний.— Сиз билан қилган бутун суҳбатимни осонгина бузиб кўрсатдингиз. Ишни бундай айлантириш ифвогарлик-ку.

— Гап билан чўчитманг, азизим, чўчитманг. Мени ифво қилишга ундаган ўзингиз. Мен биргина шуни, яъни бизнинг суҳбатимизни ошкор қилмаслигим, мен билан ҳамкорлик қилиш деган нарсани қандай тушунганингизни ҳеч қаерга маълум қилмаслигим мумкин. Безовта бўлманг, мен хоин эмасман,— Крутилич сўнги сўзни Воробейнийнинг кўзларига тикилиб қарагани ҳолда, ачиниб айтди.

— Ўзингиз биласиз. ўзингиз биласиз,— деди Воробейний.— Лекин иш бирор жойда текшириладиган бўлса, билиб қўйингки, мен худди шу сўзни айтиб, сизни: ифвогар экан, ифвогар одам экан, дейман. Мен сиз тўғрингизда қаттиқ янглишган эканман. Мен сизни бошқа одам деб юрган эдим.—У ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Крутилич креслодан сапчиб турди ва у ҳам ўз хонасида кезина бошлади. У, Воробейнийнинг гапидан ҳазилакам безовта бўлмаган эди. Қозакованинг таклифи амалга ошса, унда ҳақиқатан катта жанжал бўлади, ахир. Мақталган кашфиётчи бўлатуриб, арзимаган ишни ҳал қилолмади, деб Крутилични изза қиладиганлар кўп топилади. Ахир у, жин уриб, бу ишни ҳал қилишга уриниб.кўрди-ку. У ерга ҳеч қандай вентиляторлар системаси қор қилмайди, шамол бўлади, шамоллаш бўлади-ю, иссиқ қолаверади. Электр совутгични ўйлаб кўрмаганини қаранг-а. Бу техникадаги икки карра икки демак-ку, Воробейнийнинг гапи тўғри, албатта,— бунда биринчи галда Крутиличнинг обрўси тушади. Воробейний ҳам омон бўлсин-да. Кел, Қозаковага қарши курашиш учун бандитлар шайкаси тузамиз, деб ўтирса. Кейин, бирор гап бўлиб қолса, сени секингина сотади. Йўқ, бунақаларга улфат

бўлмаган яхши. Орлеанцев бўлса, Крутилич, асосий хатонгиз сизнинг ёлғизлигингизда, сиз яккасиз, ёлғиз иш қиласиз, дейди. Нима қипти, бўлса бордир. Воробейний сингари нухалар билан шерик бўлиб қилинадиган хатодан кўра ўша хато ҳам дуруст.

У Қозакованинг таклифи амалга ошмаслиги учун нима қилиш мумкинлигини ўйлай бошлади. Ҳеч нарса ўйлаб тополмай, хафа бўлиб кетди.

Унинг уйига кечқурун Орлеанцев келди.

— Менга қаранг,— деди Орлеанцев, Крутиличнинг квартирасини кўздан кечирар экан.— Менга қаранг, сиз маслаҳатимга кирмабсиз-ку, сиз маслаҳатимни писанд қилмай, нима қилдингиз?...

Хоналардан ёмон ҳид келарди, ҳар ёқда аллақандай чиқиндилар тўзғитиб ташланган, ошхонада қуриб қолган картошка ва карамлик идиш-товоқлар турар, дивандаги ўрин йиғилмаган, деразалар тагини, мебелни чанг босган эди. Крутилич ботинкасининг резинка пошнаси паркетлик полни йўл-йўл қора кир чизикларга тўлдириб юборган, паркет ифлосланган, булганган эди.

— Уйингиз яна молхонага айланибди Крутилич. Очиқ гапирганим учун кечиринг. Бу ярамайди ахир, сиз инженер, етакчи инженерсиз. Ё уйланинг, ёки уй хизматчиси олинг. Бошқа иложи йўқ, бу йўл сизни яна тушкунликка олиб боради. Мен сизга бошқа ёрдам беролмайман.

Крутилич ҳўмрайган ҳолда жим турар эди. Орлеанцевнинг бу насиҳатлари унга ёқмасди. Янги квартирада ҳам, бироз одамларча тургач яна аввалгидай яшаётганини ўзи ҳам кўриб турарди. Хотин кишининг қўли тегмай туриб эркакнинг турмушида ҳеч бир нарса ўзгармайди. Ишонса бўладиган, ўғирламайдиган, алдамайдиган ва жосуслик қилмайдиган хотинни қайдан олсин у?

— Уйда хотин кишисиз туриб бўлмайди,— деди Орлеанцев.

— Мен уни қаердан олай?— деди Крутилич.

— Шундай деб қўя қолсангиз бўлмайдами, дўстим! Олдинроқ айтмайсизми.— Орлеанцев кулди.— Ўйлаб кўришни зиммамга оламан. Энди бундай. Ўтирсанг-чи?— У креслога ялпайиб ўтирди, оёқлар одатдаги тебранувчи ҳолатга келди.— Нега сиз бунчалик қовушмаган одамсиз! Сиз Воробейний билан нега жанжаллашдингиз?

— У ўзи аблаҳ бўлгани учун ҳаммани ҳам аблаҳ деб ўйлайди,— деди тез-тез сўзлаб Крутилич.— Хато қилади. Ў ўйлаган бошқа одам.

— Сиз унинг гапини бошқача тушунибсиз. Мен у билан ҳозир гаплашдим. У содир бўладиган кўнгилсизликдан сизни

огоҳлантиргани борган экан. Ахир сизга директор ҳақиқатан тароз-вагонлардаги ҳароратни пасайтириш йўлини топишни топширган экан. Мен ҳатто шундай бир ҳужжатни ҳам кўрдим.

— Қанақа ҳужжат?— Крутилич сергакланди.

— Сиз бу топшириқни қандай бажараётганингизни кузатишни сўраб директорнинг бош инженерга ёзган хати бор. Демак, топшириқ тўғрисида бош инженер ҳам билади. Ҳа, сиз бу ишга киришганингизни, лекин ҳеч нарса қилолмаганингизни бутун домна цехи билади. Шундай, азизим. Воробейний сизга яхшилик қилмоқчи бўлган.

— Ҳўш, демак, унинг қўлини олиш ва биргаликда Козаконинг таклифини гўрга тикиш керак экан-да?

— Нима деяпсиз, Крутилич! Гапингизни қаранг. Қараб турсам, сиз масхарабоз экансиз-ку. Қимматли таклифни гўрга тикиб бўладими?

— У шундай қилмоқчи эди. Келинг, вентиляторларни ўйлаб кўрайлик, дейди, Козаконинг таклифини эса — гумдон қилиш...

— Бу сизнинг асабларингиз бузилганидан Крутилич. Сиз отпусмага чиқишингиз, курортга боришингиз керак. Бирорта Сочи томонга. Сиз Сочида борганмисиз? Йўқми? Бориш керак, бориш. Пляжга борасиз... Ўша Сочи пляжида шундай ажойиб нозанинлар бўладик. Сухумига ҳам бориш мумкин. Сиз Сухумига борганмисиз?

— Мен ҳеч қаерга борганим йўқ, мен курортларга борган эмасман, билдингизми!?— деб қичқирди жаҳл билан Крутилич.— Сиз буларни сўраб, мени мазах қилаяпсан. Мен уч марта маҳаллий дам олиш уйларида бўлганман, ўн икки кундан. Шу, холос! Мен ҳеч маҳал юмшоқ вагонларда юрмаганман. Халқаро вагонларни қўяверинг. Мен... Қўйинг бу гапни!

— Нега гапирмайсиз энди? Булар ҳаммаси бўладиган гап. Фақат маънолироқ хатти-ҳаракат қилмоқ керак. Ваҳима қилмаслик, дўстларни бездирмаслик керак. Борис Калистратович сизга бутунлай бошқа нарсани таклиф қилмоқчи эканини менга айтди. У сизнинг Козакова билан биргаликда тароз-вагонларни совутиш устида ишлашингизни таклиф қилмоқчи экан.

— Буни қандай қилиб бўлади? Козакова рози бўлмайди-ку.

— Сиз розимисиз деяпман? Сиз?

— Ахир... Менга нима? Бу менга боғлиқми?

— Аниқроқ гапиринг, марҳамат қилиб.

— Мен аниқ айтаман—бу менга боғлиқ эмас.

— Рози бўлиш ёки бўлмаслик-а? Қим буни қилади сиз учун, Крутилич?

— Мен гапингизга, Константин Романович, сира тушунмай қолдим. Таклифни Козакова қилган экан, унинг автори ўзи, уни ўзи охирига етказди. Мен бу ерда нима қилиб юраман?

— Шунинг учунки, Козакова тажрибасиз. Шунинг учунки, сизнинг ақлингиз ва мутахассис — кашфиётчилик тажрибангиз бор. Шунинг учунки, Козаковага ёрдам бермоқ керак. Бунда сизнинг нима қилиб юрганлигингиз мана шунинг учун. Лекин асосий гап...— Орлеанцев креслодан турди, Крутиличга бошдан-оёқ одатдагича жилмаймасдан қарар эди, юз ифодаси жиддий бўлиб, ўзига гап қайтарилишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.— Асосий гап шундаки, Крутилич кўриб чиқиш учун бошлиғим менга берган қоғозлар орасида сизнинг директор номига юборган доклад хатингизнинг машинкада ёзилган нусхасини топиб олдим. Козаковадан илгари сиз ҳам электр совутгични таклиф қилган эдингиз. Хўш, бу ёдингиздан кўтарилдими?

Крутилич шошиб қолди. У ҳатто ағрайиб, улуғвор, қудратли Орлеанцевга зимдан қараб турарди.

— Мана,— деди Орлеанцев, пиджаги чўнтагидан тўрт букланган қоғозни чиқариб.— Ўқиб кўринг ва эсланг.

Крутилич қоғозни дарҳол олиб, очди. Унинг қўллари титрарди. Бу доклад хатнинг нусхаси бўлиб, унда аллаким тароз-вагонлардаги ҳароратни пасайтиришдан иборат қийин вазифани ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида директорга маълум қиларди. Бу аллаким, машина ёзувнинг кўрсатишича, Крутилич эди. Ҳужжатнинг вақти йигирма олтинчи январь дейилган бўлиб, унинг чап томонига скоросшивателга тикиб қўйиш учун иккита тешик ясалган бўлиб, Орлеанцев буни скоросшивателдан олган деса ҳам бўларди. Аллакимнинг сиёҳ билан: аслига тўғри, деган имзоси бор эди.

— Мана шундай, азиз дўстим,— деди Орлеанцев унинг қўлидан қоғозни олар экан.— Хотирангиз бўшроқ сизнинг. Нега жим қолдингиз? Бу ҳужжат сизникими ёки сизники эмасми? Кашфиётнинг пулини сиз оласизми ёки бошқа одамми? Бир неча ўн минг сўмни ростдан ҳам ўша ёшгина ёқимтой жувонга, ўртоқ Козаковага бериб қўя қолсак-микан?

— Бир неча ўн минг сўм?— дея пичирлаб сўради Крутилич.

— Сиз нима деб ўйлаган эдингиз? Патент бўлади. Ихтиро бошқа заводларга ҳам юборилади... Ҳа, катта пул бўлади.

Крутилич бошини чангаллади. Орлеанцев уни сувга олиб бориб, суғормай келди, бўйнидан хиппа бўғди. Бу Воробей-

ний каби аҳмоқ эмас. Бу ҳақиқий иблис. Крутилич бу ҳужжатнинг қандайлигини тушунарди, албатта эртага Орлеанцев уни бошқа қилишини, тўполон кўтаришини, биров Крутиличнинг аввалгидек яна бир таклифини яширган, деб эълон қилишини биларди: бу сафар бўғувчи айбдор Орлеанцев ёмон кўрадиган Чибисов бўлиб чиқса ҳам ажаб эмас; ҳамманинг алданган Крутилич томонида бўлишига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Козаковага (бечора, омади келмади) ихтиро қилиб қўйилганни ихтиро этибди, деб раҳмлари келади. Дастлаб ихтиро қилганлик шаъни-шухрати Крутиличники бўлади, албатта. Козакова билан жанжаллашиб қолган Воробейний бу жувонни ўғирликда, Крутиличнинг ғоясини тортиб олганликда айбласа ҳам ажаб эмас. Доклад хатнинг аслини қидириб қолишади. У тополмайди. Ҳужжатни йўқотганлиги учун Чибисов жазоланади.

Крутилич Орлеанцевга бош кўтариб қарашдан қўрқарди. Крутилич бу одамнинг ҳукми остида эди. Яқин қолган муваффақиятдан, яқин турган пулдан воз кечиб бўлмасди. Ниҳоят, у кўп йиллар бахт излаб, минглаб остонага бош урган савдойи эмас, чинакам кашфиётчи бўлади!

— Ҳа, ҳа, мен буни тамоман унутибман,— деди у эшитилар-эшитилмас.— Тамом унутибман. Миям... Мен даволанишим керак, ҳа, ҳа...

— Ана энди, азизим, мен ақлингиз жойига келганидан хурсандман,— деди енгил тортиб Орлеанцев— Шундай бўлса олдингизда уч вазифа турибди. Биринчиси—бу нарсани энди унутмаслик. Иккинчиси эртагача доклад хатнинг ҳамма хомаки текстини топиш. Улар сизда албатта сақланган. Хомаки қўл ёзмалар, ҳар хил ёзувлар. Балки, эскизлар ҳам бордир. Эскизлар борми?

— Бўлса керак,— деди талмовсираб Крутилич ҳамон бошини кўтармай.

— Жуда соз. Энди учинчиси, бу ҳам зарурий вазифа: эртага бориб, Воробейнийдан кечирим сўраш. Сиз уни беҳуда ранжитгансиз, беҳуда.

Крутилич мағлуб бўлган эди, ғолиб Орлеанцев унга истаган шартларини қабул эттириши, уни истаганича масхаралаши мумкин эди. Лекин Орлеанцев бундай қилмади. Унинг ҳамма шартлари керакли ва Воробейнийдан кечирим сўрашдан бошқаси хафа бўладиган эмасди; нима ҳам қилсин, чидаш мумкин, бир дақиқалик гап, расвои жаҳон бир одам олдида бир марта хўрланса хўрланар, олдинда қанчадан-қанча имконият, ҳузур-ҳаловат турибди, ахир. Ҳа, бирдан бир ёқимсиз нарса — шу шарт эди. Қолган масалаларда Орлеанцев риоялик ва олижаноб — бунга тан бермоқ керак. Мана у ҳатто ресторанга боришни, биров енгиллашиш-

ни тавсия қияпти; Крутиличнинг пули бўлмаса, ўзи тўлашини, Крутилич овора бўлмаслигини айтяпти.

Бироқ Крутилич чарчаган, ҳеч қаёққа боролмайди. Унинг асаблари чиндан ҳам издан чиқаёзган. Йўқ, у уйда қолади, ётиб ухлайди.

— Лекин ухлашдан аввал,— деди Орлеанцев жўнаётиб,— ўз хомаки ёзувларингизни топиб қўйгайсиз. Шундай бўлсин. Омадингиз келсин.

Крутилич эшикни ёпиб, Орлеанцев ўтирган креслонинг рўпарасидаги креслога ўтирди. Козакова ишини нима қилишни ўйлаб кўриш ва бир қарорга келиш керак эди. Учта қарор бор. Биринчиси—уни шерик авторликка қабул қилиш, бунда у эллик процентига куяди. Иккинчиси—ёш инженер ихтиро қилиб қўйилган нарсани ихтиро қилган, яъни Крутиличнинг қилганини такрорлаган, деб ҳисоблаш, ўзи дастлаб ихтиро қилган бўлиб чиқиш, буни ҳамма жойда сўзсиз эътироф қилишади,—доклад хатнинг нусхаси бор, эрталабгача хомаки ёзувлар ва хомаки чертёж ҳозир бўлади, сиёҳни тегиш-лича тайёрлаб, у билан ёзилганини ўтган йилги ёзувга ўтказиш мумкин бўлади. Буни қилиш мумкин, ҳаммаси бўлади. Шундай қилиб, Козакова бутун юз процентига куяди. Учинчи хил қарор ҳам бўлиши мумкин—Қазақовани ўғирликда, бировнинг таклифини ўзиники қилиб олганликда айблаш. Бунда жонон юз, ҳатто икки юз процентгагина эмас, минг процентнинг ҳаммасига куяди.

Қарорлардан қайси бирини танлаб олсин? Бўлғуси тактика шунга боғлиқ. Крутилич кўз ўнгида хаёлан Орлеанцевни кўрар, унинг юзига тикилар, унинг кўзларидан мушкул сўроққа жавоб изларди. У одамнинг бундай кўзларини ҳеч ким кўрмаган бўлса керак, уларни Крутиличгина кўрган, инженер Орлеанцевнинг ҳамма вақт ҳам жилмаявермаслигини, дўстлик учун қадаҳлар кўтаравермаслигини фақат Крутилич биларди. Крутилич бу одамга маҳлиё бўлиб қоларди. Агар бу одам чет элда, капиталистлар орасида яшаганида, у буюк мулкдор бўларди, улкан ишларни қилиши, миллионларни, назар-писанд қилмаслиги мумкин эди, унга президентлар ва гангстерлар эгилиб таъзим қилган бўларди. У буюкларнинг улкани бўлиб, ҳаммани қўлга оларди.

Орлеанцев яна ҳақ гапни айтди—бундай харобаликда, аллақаяқдан келаётган бу ифлосликда яшаб бўлармиди. Крутилич ошхонага кириб, супургини олмоқчи ва полни супурмоқчи бўлди. Лекин ўз хизматини ўтаб бўлган супурги бўлак-бўлак бўлиб, титилиб кетди.

Сандиқни очиб, керакли нарсаларни олди. Стол ёнига ўтирди-да, қоғозларни ёзиб, ишга киришди. Кўз ўнгида яна

Орлеанцевни кўрди, унга маҳлиё бўлди-ю, яна ундан қаҳр-ғазаби билан нафратланди.

Степан ётоқхонада яшар эди. Бўйдоқ одам учун бу жуда қулай эди. Урин-тўшак анжоми ташвишини қилмаса ҳам бўлади, керак бўлганда янгилаб қўйишади. Хонани супуриб, йиғиштириб, полни ювиб қўйишади. Барвақт туриш керак бўлса — уйғотишади. Бир хонада тўрт киши туришлари Степанга халақит бермайди. Аксинча, шу туфайли гавжум бўларди; кўпчиликка ўрганиб қолди. Тўғри, гоҳо кечаси ухлаб ётганда, коридордан шовқин-сурон, тарақ-туруқ, даҳанаки жанг эшитилиб қолади: аллаким ўтиришдан қайтган бўлади. Ушанда тўртовлари уйғониб кетишади-ю, кейин ухлаб бўлмайди: гаплашиб бир-бирларига халақит беришади. Лекин бу ҳар кеча бўлавермайди...

Степан яхши ҳақ оларди. Кийиниб олди: кўкиш қора тайёр шерсть костюм, кенг қора пальто, қора ботинка, тўқилган чипор шарф сотиб олди. Бошига: шляпа олишини ҳам, кепка олишини ҳам, фуражка олишини ҳам билмай, кўп ўйланиб юрди. Бир вақтлар «карам тусли» денгизчи фуражкасини яхши кўрарди. Ёшлик вақтлар ўтиб кетган, бунақа фуражкани энди кийиб ҳам бўлмайди, кенг пальтосига ёпишиб ҳам тушмайди. Магазинда шляпани кийиб кўрди, ойнага қараб, ўзини бундай кўришдан уялиб кетди-да, дарҳол бошидан олиб, сотувчи аёлга берди. У бўлса қаққайиб турарди; бирор маслаҳат ҳам бермас, оғиз очиб сўзламасди ҳам. Савдо ишига шунақаларни ҳам олишади-да... Улар дафн этиш бюросида ишлаши керак, у ерда гаплашадиган одам ҳам, гапиришга ҳожат ҳам бўлмайди...

Алоҳа эски кепка ўрнига янгисини олди, аввалгидек кепка кийиб юраверди. «Янги кепка сизни ёшартириб юборибди-я, Степан Тимофеевич,— деди унга ётоқхонанинг ёшгина ўйноқи уборшчицаси,— уни кийдингизу бирдан ўн ёш ёшариб кетдингиз».

Боғчада каша юқтирмаслик учун болаларнинг кўксига тутиб қўйиладиган шундай бир оппоқ суруп билан бўйни ўралган ҳолда сартарошхонада ўтирар экан, Степан бу сўзларни хотирлади ва юзини узоқ кўздан кечирди. Йўқ, ўн ёш ёшарганда ҳам Степанни шу қиёфасига қараб, ўттиз саккиз яшар дейиш қийин, роса қирқ беш, ҳатто элликда дейиш мумкин; Платонга ўхшаб қолган—ажин бошиб, соч-соқолига оқ оралаган, тепа сочи бармоқ билан санарли...

Степан ўзининг бундан буёнги ҳаёти устида ўйлаб кетди. У яхши, ҳатто жуда яхши ишляпти; уни мақташади, Сте-

паннинг номи илғорлар тахтасидан сира тушмайди; лекин маошини ҳам, мақтов сўзларни ҳам ойна тагидаги фахрий рўйхатда ўз исмини кўришдан олган роҳатини ҳам баҳам кўрадиган одам йўқ. Леля унинг ҳаётидан узил-кесил ғойиб бўлди. Унга нисбатан ҳамон аллақандай кўнгил мойиллигини ҳис этса ҳам, энди барибир учраша олмас эди. Улар қийин шароитларда ўзларини турлича тутдилар: Степан бақувват, ёш, барваста эркак бўлатуриб ундан анча паст бўлиб чиқди; бунинг учун уни бошқалар кечирса ҳам, ўзи асло кечира олмасди. Степанда унга нисбатан ҳеч қандай туйғулар қолмаган; узоқ йиллар ўйлаган Леляси бу эмасди; янгиси эса, нотаниш ва бегона бўлиб, Дмитрийнинг Леляси эди. Дмитрий Леля билан ўз муносабатини беҳуда бузди. Хўш, Степан уларга халақит берибдими? У бирор нарса қилиб Леляга аллақандай ҳақи борлигини айтибдими? Ёки укасига кўз олайтириб қарабдими? Йўқ, ахир. Аввалгидек яшайверсалар бўларди.

Степан Дмитрийнинг хатти-ҳаракатини маъқулламас, у билан гаплашиб, бир уялтираман, деб юрарди. Лекин гаплашишга шошилмасди. Дмитрий билан кўп тортишиб ҳам бўлмайди; ҳали унга кайфияти қандай чоғда тўғри келишинг ҳам номаълум, шундай узиб оладик, наҳ ўлимингга рози бўласан. Гарчи ҳозирги Леляга асло алоқадар бўлмаса-да, Степан: «Оҳ, Оленька, Оленька!..» деб гоҳо уҳ тортиб қўярди.

Бир вақтлар, ўша узоқ жойларда келажак тўғрисида ўйлаганда, албатта, Оленька Величкинани ҳам ўйларди. Энди фақат Оленькани эмас, умуман ҳеч кимни ўйламайди. Шунинг учун ичига чироқ ёқса ёримайди.

Гаражда мойловчи шприцовкачи бўлиб хотин-қизлар ишларди. Уринган қўпол комбинезонлар кийиб олган, юзларини мой ва доғлар қоплаган семиз хотин-қизларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшаш, аллақандай тенг ёшлик бўлиб кўринарди; уларнинг номларини билиш шарт эмасди, ҳаммаларини «Қизалоқлар» деб атаб: «Ҳай, қизалоқлар! Бу ёққа келинг!» деб чақиришарди. Қизалоқлар бунга ўрганиб қолишганидан хафа ҳам бўлишмас, ўз ишларини яхши адо этишарди.

Бир маҳал Степан якшанба куни завод маданият уйига борди; бу ерда концерт бўлишини, артистлар узоқ жойдан, афтидан, Киевдан, ёки ҳатто Ленинграддан келишини афишалардан ўқиган эди. Буфетдан бир шиша ситро билан бир жуфт бутерброд олиб, кўнғироқ чалинишини кутиб, еб ўтирарди, бирдан аллакимнинг:

— Салом, Степан Тимофеевич!—деганини эшитди.

Бошини кўтариб қараса, эгнига ҳаво ранг шерсть кўйлак кийган, сочларини силлиқ тараб, қўлида қора ялтироқ сум-

ка тутган ўттиз ёшлардаги бир жувон турибди. Юзи танишга ўхшаб кўринса ҳам, барибир ким эканини эслай олмади.

— Салом,— деди Степан стулдан туриб, тушунолмай қараб турди.

— Танимадингиз-ку,— деб кулди жувон.— Мен Раяман, ахир. Шприцовкачи.

— Ситро ичасизми?— деди Степан.— Ҳозир яна оламиз.

— Йўқ, ичмайман. Мен бир кириб қолган эдим. Дугонамни қидириб.

Қўнғироқ чалинди.

— Жойга бориб ўтириш керак,— деди шприцовкачи.

— Нега шошиласиз? Яна чалишади.

Иккинчи қўнғироқ чалингунча Степан: «Буни қаранг-а Рая экансиз-а. Бундай қарасам, юзингиз танишга ўхшайди-ю, эслолмайман...» деб такрорларди.— «Ажабланмаса ҳам бўлади,— дерди у.— Биз гаражда қандай бўлиб юрамизки?... Труба тозалайдиганларнинг ўзгинаси».

Жойлари залнинг турли чеккаларида бўлиб, улар ўша куни кечқурун учрашмадилар. Лекин Степан доим шприцовкачи Рая тўғрисида ўйлар, аланглар, қаторлардан уни излаб тополмасди.

Эртасига улар бошқа-бошқа сменага тушиб қолди, индинига ҳам шундай бўлиб, уч кундан кейингина учрашишди. Энди эски танишлардек учрашиб, ўша кунги концертнинг ёққан-ёқмаганини сўзлашди.

Навбатдаги якшанбада Рая Маданият уйига дугонаси билан эмас, Степан билан бирга борди; Степан уни таклиф қилган эди. Шу тарзда учрашиб юрдилар. Степан Раянинг аҳволини билиб олди. Эрга теккан экан, эри ёмон бўлганидан Рая уни ташлаб кетибди. Ҳозир у эридан урушда жудо бўлган опаси билан турар экан. «Ёмон эр» дегани нималигини Степан суриштириб кўрса, Рая: «Ёмон эди, вассалом. Қўпол эди. Нуқул ўзини ўйларди» деди. Степан ортиқ суриштирмади.

Рая вазмин, сермулоҳаза, афтидан, режаликкина аёл эди. У билан Степаннинг суҳбатлашгиси келаверарди, у Степанга ёқиб қолди. Степан уни ўйлар, ўйлабгина қолмай, бирмунча вақтдан буён келажак тўғрисидаги ўйларида у ҳам ўралишиб юрарди.

Ўша кезларда ҳамма шофёрларни кўнгилсиз бир воқна ҳаяжонга солди. Бир диспетчер билан бир неча шофер икки йилдан буён завод машиналарини ҳар хил хусусий ишларга, дачаларга ва дачалардан ҳар хил рўзғор буюмларини, полизлардан картошка ва сабзавотлар, хусусий ўйлар қурилиши учун гишт ва ёғочлар ташиганлари, буни қалбаки нарядлар

билан расмийлаштириб, топган пулларини ўзаро бўлиб олганлари маълум бўлиб қолди.

Гаражда жуда қизгин йиғилиш бўлиб ўтди. Ўша йиғилишда, умум кайфият таъсирида, Степан ҳам биринчи марта одамлар олдида чиқиб сўзлади. У, одамлар янги ҳаёт қураётган бир вақтда ўз чўнтақларини фирибгарлик билан топилган пулларга тўлдирган муттаҳамларни қизартирди.

Рая унга: «Сизнинг бундай ажойиб нотик эканингизни энди билганим!» деди.

Мажлисдан биргаликда чиқиб келар эдилар. Степан ҳаяжонда, ҳамон ўз нутқи таъсирида эди. Ҳовлида уларни мажлисда ҳозиргина гап бўлган шофёрлардан бири тўхтатди.

— Менга қара, Ершов,— деди у йўлини тўсиб.— Сен ўзинг кимсан? Яна янги ҳаёт қуриш тўғрисида вайсайсан-а. Сендақа янги ҳаёт қурувчини қара-я! Сен балки беҳабардирсан,— деди у Раяга қараб— сенинг дўстинг — власовчи эканлигини билмассан? У гитлерчиларга...

Степан сапчиб уни ёқасидан олди. Кийими йиртилиб, тугмалари учиб кетди... Ўртоқлари Степанни қўлидан тутиб: «Степ, Степ сен эсингни едингми? Шу пасткаш жатига қолмоқчимисан!» дейишади.— «Нимага қолар экан?—деб бақирарди шофёрлар бошқа томонга олиб кетаётган шофёр.— Жатига қоладиган жойи борми унинг! Биз шунчаки муттаҳамлармиз. У ўзи ким?» Степан энди унинг бу сўзларини эшитмас, тек туриб қолган кўзлари тинган, чакка томирлари худди бутун танини ларзага келтириб тепаётган эди; нафасини ростлаб ололмасди—кўкраги сиқиларди.

У ётоқхонага борар экан, ўзини бадном қилингандай сезарди. Барча эски, даҳшатли, унутилаёзган нарсалар ботқоқлик пуфагидек яна юзага чиқди, атрофга жуда сассиқ ҳид тарқатиб ёрилди. Ҳатто Рая ҳам унинг эсига келмасди.

Ювошгина шприцовкачи эса, унинг ёнида келаётган экан.

— Бу ростми, Степан Тимофеевич?—деб зўрға эшитиларли қилиб сўради у, ниҳоят Степан уни пайқагач.

— Рост,—деди Степан.—Рост! Хўш, нима бўлибди?

Рая тўхтаб қолди-да:

— Бу яхши эмас. Степан Тимофеевич,— деди у орқадан.— Олдин айтмаганингиз... Бекор умидвор қилган экансиз.

Степан ўгирилиб, қотиб қолди. Оғзини очди-ю, сўз тополмай, Рая нари кетиб, деярли югургилаб бораётганига узоқ қараб қолди.

Кечаси алла маҳалда беихтиёр Платоннинг уйига келгунча завод теварагида ва шаҳарда сандирақлаб юрди.

Платон Тимофеевич оловда тобланган мўйловини тутамлаган ҳолда Степаннинг сўзларини тинглар эди.



— Дмитрий билан маслаҳатлашиб кўриш керак,— деди у ўйлаб туриб.— Бундай қолдириб бўлмайди. Йўқса сенинг ўтмишингни эслашни одат қилиб олиб, тагин.... Сиртмоқдан бошқа илож бўлмай қолмасин. Дмитрий ёнига борайлик.

Ёшларни безовта қилмаслик учун, Дмитрийнинг ёнига боғчадан киришди. Платон Тимофеевич уни чақирди. Кечаси соат бир бўлганидан Дмитрий қаттиқ уйқуда бўлса керак, уйғонмади. Платон Тимофеевич уни қуруқ хипчин билан туртди. Дмитрий нима гап эканини дарҳол англаёлмади, кейин елкасига пиджагини ташлаб, боғчага чиқди, қоронғида стол атрэфига ўтиришди.

— Хўш, нима демоқчисан?— деди у, Степаннинг сўзларини тинглаб бўлгач.— Бунинг ажабланадиган жойи бор эканми?

— Мен ҳеч нарса демоқчи ҳам эмасман,— деди бепарволик билан Степан.— Платон бўлса: сиртмоқдан бошқа илож бўлмай қолмасин, дейди. Ўзим бирор олисроқ жойга жўнаб кетсаммикан, деб юрибман...

— Агар оила номусини бирор тарзда қадрлар экансан, ҳеч қаёққа жўнаб кетмайсан,— деди Дмитрий.— Бардош берасану, индамай ишлайверасан. Бу ҳамон ўша қўрқоқлигинг учун даkki.

— Қўй Дмитрий,— деди Платон Тимофеевич.— Утган гапга салавот...

— Хўш, икковингиз нима деб ўйлаган эдингиз,— овозидан Дмитрийнинг қизишаётгани сезилар эди,— бундай нарса изсиа қолади, деб ўйлаган эдингизми? Энди жабрини торт. Сени ҳар ким ўз билганича тилга олади. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.

Бир оз жим қолишди. Домна печларининг колошникларидан иссиқ ҳавонинг гоҳо-гоҳо вишиллаб отилиб чиқиши тунги сокин ҳавода бутун шаҳарга аниқ эшитилиб турарди. Бу овоз тўп ўқининг ерга тушиб ёрилишдан олдин вишиллашини эслатарди.

Степан ўзини шу ерга, марҳум отаси барпо қилган боғчага бошлаб келган бутун йўлини эслади. Дмитрий эса, Степаннинг бошига тушган воқиядан хабардор бўлганда отаси нима қилишини ўйларди.

— Менга қара, Степан,— деди у,— сен менинг ўрнимга ётиб, ухла. Биз Платон билан бир оз ўтирамыз. Унда менинг ишим бор.

Степан нега бундай деяётганини фаҳмлаб, уйқуси келмаса ҳам, Дмитрийнинг айтганига кирди-да, уйга кириб, укасининг ўрнига, одеял устига ётди.

— Платон, биз ўша ифлосни топишимиз керак,— деди Дмитрий, кулба эшиги ёпилгач.— Мен унга шундай бир лекция ўқиб қўяйки, иккинчи марта оғиз ҳам очмасин.

— Жанжал қилиб ўтирамизми, Дима?— деди Платон Тимофеевич.— Айтганинг рост: йигит ўз гуноҳи учун даkki еяпти.

— Унга ўзимиз даkki берамиз. Бунақа ишга ундай нусхаларнинг суқулиши керак эмас. Тушунасанми буни?— Дмитрий тобора қизишарди.— Юр, ўша шофёрни топамиз. Бормасанг, ўзим бораман.

Платон Тимофеевич кечаси бормасликка Дмитриини аранг кўндирди, эртага бирга берамиз, деди.

Дмитрийни кечаси билан шахтидан туширишга унчалик умидвор бўлмаса-да, ҳар нечук шундай деди.

Кулбадаги бор ўрин-кўрпани полга ёзиб, тунни бир амаллаб ўтказишди-да, эрта билан учовлари заводга йўл олишди.

— Бардам бўлиб, ишлайвер,— деб йўл-йўриқ кўрсатарди дарвоза ёнида Дмитрий Степанга.— Ўтмиш доғини фақат шундай қилиб ювиб ташлашинг мумкин. Тушундингми? Кечқурун бизникига кел. Қаламушга ўхшаб инингда ётаверма.

Платон Тимофеевич, энди иш битди, деб ўйлаган эди, лекин янглишди. Кечқурун уни Дмитрий шофёрни қидириб топишга бошлаб кетди — аллақадан исми, отасининг исми, фамилияси ва адресини билиб олибди.

Йўл-йўлакай Платон Тимофеевич: бирор бало бўлади-да, деб ўйларди. Дмитрий ножўя иш қилиб қўйиб, балого қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Лекин Платон Тимофеевич, нима бўлса бўлар, деб бораверди, шундай қилиш кераклигини, ишчи немуси шуни талаб қилишини биларди.

Унинг бахтига, шофёрни жиноят қидириш бўлими эрталаб қамоққа олган, унинг «чапақай» қатновларигина эмас, яна бошқа хунук ишлари ҳам топилибди, дейишарди. Платон Тимофеевич шодлигини Дмитрий олдида яшириб, хўмрайган ҳолда: «Лаънатино худо асради. Ҳечқиси йўқ, у ерда умрбод бўлмайди. Ҳали ҳисоблашамиз» деб қўйди.— «Унда кеч бўлади» деди жаҳл билан тупуриб Дмитрий.

Степан Дмитриининг гапига кириб, индамай ишларди. Лекин кечқурун оғалари ёнига бормаи, ўз дардини ёлғиз тортаверди. Шприцовкачи аёл унга кўриниш бермасди. Степан уни изламасди ҳам. Степан ўша оқшомда ўз олдида Леля турганини фаҳламай, чўчиб тисарилиш билан унга қандай зўр озор етказганини афтидан, ҳозиргина тўла тушунган эди...

Театрнинг партия бюроси ва партия активи Алексахиннинг Окуневлар тўғрисидаги пьесасини икки кун муҳокама қилди. Чиқиб сўзлаганларнинг қарийб ҳаммаси пьесани қабул қилишга, унинг асосида спектакль қўйишга, спектаклни Октябрь

байрамга чиқаришга тарафдор бўлди. Яков Тимофеевич ўз мақсадига эришди. Томашук билан худрукнинг театр коллективи ўзларидан кўра кучлироқ эканига иқдор бўлишдан ўзга чоралари қолмади.

«Майли, қўйинглар,— деди Томашук, лекин мен бу ишда сизга ўртоқ эмасман. Спектакль барбод бўлади, уни бўм-бўш залга кўрсатасиз».

Худрук ўзини бемор эълон қилиб, ўн кунча беном-нишон бўлиб кетди. Унинг ўйида ўша кунларда худрук ўзи бир вақт улкан муваффақият келтирадиган пьесасини театрга марҳамат қилиб тақдим этди, деб юрган йўловчи драматург меҳмон эди.

Йўловчи драматургнинг талантидан кўра пьесалар ёзиш тажрибаси кўп эди. Унинг бу пьесалар воситаси билан тарғиб этадиган ўз темаси, ўз ғоялари йўқ эди. У тема излаб ҳаётга кириб бормас, балки ижтимоий ситуация қандайлигини ҳамда бугун ана шу ситуацияда қандай нарсa муваффақият келтиришини билиб олишга тиришиб, ҳар турли доираларга суқилиб кирар, гап-сўзларни тингларди. Унинг қўлидан ҳамма иш келарди, чунки униси ҳам, буниси ҳам унинг учун беқадр, униси ҳам, буниси ҳам унинг учун жонажон шахсий нарсаси эмасди, буларнинг ҳаммаси унга бегона бўлиб, унисига ҳам, бунисига ҳам навбати билан хизмат қилаверарди, бугун нимага хизмат қилишни танлаб олиш у пайтда ўзи учун нима фойдали эканига боғлиқ эди.

Драматург, ўз ифодасича, «Москва сирлари»ни билар, мамлакат ижтимоий ҳаётини олдиндан оsonлик билан айтиб берар, уларни худрукка ҳар сафар: «Бу гап қатъиян ўз орамиздагина қолади, албатта. Бунинг фақат сиз учун эканини ўзингиз ҳам биласиз» деб, фақат яккама-якка, бетма-бет, қулоққагина айтиб берарди. Унинг қўлида худрук танимаган аллақайси ажнабий танқидчиларнинг совет адабиётини, совет санъатини, социалистик реализм методини ва ниҳоят социализмни қутуриб қоралаган мақолаларнинг таржимаси бор эди. Худрук бармоқларини қорни устида айлантирар, бошини гоҳ юқоридан пастга, гоҳ у ёндан, бу ёнга иргатар, бу ҳаракатидан эса, драматургнинг гапларига қандай муносабатда эканини билиб бўлмасди. Бирорта сўз айтганда ҳам: «Ўхў!» Ана холос!», «Бу ёғини улар ҳалиги...», «Келинг, яхшиси коньякдан ичайлик» дейишдан нари ўтмасди.

Театрда бу вақтда Окуневлар тўғрисидаги пьеса устида иш борарди. Томашукка ялиниб ўтиришмади, ёш режиссёр постановка қилишга киришиб, у режиссёрлик ишида Гуляевнинг ҳам иштирок этишини илтимос қилди. Пьеса биринчи марта ўқилган чоқда кўнгилсизликдан эсанкираб қолай деган Алексахин ҳам энди руҳланиб, театрга қатнай бошлади.

Репитициялардан бирида бирдан худрук кириб келган вақтда иш жуда қизғин давом этарди. Ҳаммани ҳайратда қўйиб, у репитиция хонасининг бурчагига бориб ўтрди-да, томоша қилди, тинглади, кейин бир неча мулоҳазалар айтди. Яков Тимофеевичнинг кабинетига кириб: «Сиз ҳалиги... Репитицияларни махфий тутмагайсиз. Мен ҳам пенсияга чиққан им йўқ» деди. У, шундай деди-ю, қизариб кетди ва жаҳл билан сўкннди.

Яков Тимофеевич осойишталик билан, худрукнинг янги пьеса устида ишлаш ниятидан жуда хурсанд эканини айтди. У кутилмаган ўзгаришдан чиндан ҳам хурсанд эди. Фақат бу ўзгаришга нима сабаб бўлганини тушунолмасди. Худрукнинг кўнглини билиш қийин.

Агар Яков Тимофеевич кўнглини овлаганда ҳам, у кўп нарсани кўролмасди, чунки худрук ҳатто ўзидан ҳам сир сақлар эди. Ақлли, муғомбир ҳамда катта умр кўриб, ёши ўтиб қолган талантли актёр ва режиссёр бўлган худрук эпчил драмабоздан эшитган ёлғон-яшиқ гапларнинг ҳақиқий маъносини тушуниб олди. У ўз кўз ўнгида олғир-ҳунармандни, ғоясиз одамни, муваффақиятлар овчисини, лойқа сувда балиқ оловчи овчини кўрган эди. «Вой сизлар-э,— деб ўйларди худрук унақа одамларни хуши ёқтирмай.— Иштаҳаларингиз катта-ю, мўлжалга олганингиз бошқа». У, драматургнинг жўнаб кетганидан, аллақандай бир ботқоқлик ёқасидаги даҳанаки жанг тугаганидан жуда мамнун эди. Лекин бу қоронғи гирдобни ўзидан ҳам сир тутди. У ўзига ҳам, Яков Тимофеевичга ҳам дудмол қилиб: «Унинг пьесасидан воз кечилгани дуруст. Биз бундай спектаклни эплай олмаймиз. театримиз кичик, чекка жой театри» деб қўя қолди.

Томашук ҳеч нарса тушунолмас, худрукка бунчалик таъсир қилган шамолнинг қаёқдан эсанлигини пайқай олмасди. Томашук худрукка: сизнинг Алексахин пьесаси асосидаги спектакль устида ишлашга қатнашувингизни маъқулламайман, бу бефойда иш муваффақиятсизликка учрайди, бу сизга шуҳрат келтирмайди, деди. «Эҳтимол, эҳтимол,— деди жавобан худрук.— Лекин мен ҳар ҳолда уриниб кўраман, ҳар ҳолда уриниб кўраман. Сиздан ўтиниб сўрайманки, Юрий Федорович, менга ҳалақит берманг... Шундай, яъни бошимда қағилламанг»—«Сиз ранжитяпсиз,— деди Томашук, худрукнинг бу оҳангда гаплашишга ўрганмаганидан.— Мен бунга сазовор бўлмасам керак...»—«Эҳтимол, бу ҳам эҳтимол, лекин шунга қарамай гап шу: қағиллаш ярамайди».

Томашукнинг дарда-дунёси қоронғи бўлди. У мададга, тадбирли дўстона кенгашга муҳтож эди. Унинг эсига Орлеанцев тушди; Томашук унинг уйида сўнгги марта Москвадан қайтаётиб, Москва саломларини етказганида бўлган

эди. Албатта, Орлеанцев санъатга бегона одам, у инженер, металлург, лекин, биринчидан, санъат оламида унинг ошналари кўп, Томашук унинг хатлари билан Москва квартираларига борганида бунга ишонч ҳосил қилган, иккинчидан, у юксак доираларда содир бўлаётган ишлардан доим яхши хабардор, учинчидан, у умуман ақлли, кўп нарса биладиган ва кўп иш қўлидан келадиган одам.

Орлеанцев Томашукни ҳар вақтдагидек дўстона қарши олди, елкасидан қучоқлаб, юмшоқ креслога ўтқазди, лимонлик коньяк билан зиёфат қилди; мени тамом унутиб юбордингиз шекилли, деб гина қилди.

— Нуқул кўнгилсиз гаплар, Константин Романович.

— Марҳамат қилиб, жаҳлингиз чиқмасин-у, Юрий Федорович, лекин факт шуки,— деди Орлеанцев мен буни сезиб ҳам олдим; провинцияликлар кўнгилли ишлардан жўра, кўнгилсиз ишларга кўпроқ аҳамият беришар экан. Бу ерда ким билан гаплашма, фақат кўнгилсиз гаплар эшитасан. Ўз ҳузурҳаловатингизни билмайсизлар, сизларнинг асосий нуқсонингиз шунда, Провинциядаги одам кўнгилсизликларни бошдан кечириш учунгина туғилар экан, деб ўйлаш мумкин.

— Кўнгилсизликлар ҳақиқатан ҳам зўр келаётган бўлса нима қилиб бўлади, Константин Романович?—Томашук театрда содир бўлаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Юрий Федорович,— бу... ҳалиги Ершовларнинг ҳамма ёқда негадир жуда кўп жой эгаллаганлиги кўзингизга ташланаётгани йўқми?— деб сўради Орлеанцев, унинг сўзларини эътибор бериб тинглагач,— мана энди: театрингизда Ершов туфайли кўнгилсизлик. Сиз уни Яков Тимофеевич, дедингизми?

— Ҳа, Яков Тимофеевич. У ёлғиз эмас, Константин Романович! Мен Гуляев яна ҳам хавфлироқ деб биламан.

— Эҳтимол эҳтимол. Лекин мен кўзга ташланаётган нарса тўғрисида гапиряпман. Битта Ершов, демак, сизнинг театрингизда. Заводимизнинг домна цехидаги ишларни иккинчи Ершов, Платон Тимофеевич деган бир зот ишдан чиқариб келган. У ерда жуда ёш, смена мастери бўлган яна бир Ершов қолган. Прокатда, блюмингда тўртинчиси ишлайди. Бу Ершовлар кўтараётган тўлқин доиралар ясаб, улар номуносиб бўлган манзилларга ҳам етиб бормоқда. Масалан, нафис санъат виставкасида шов-шув кўтарган нарса нима эди? Козаков ишлаган портрет, Нима учун? Чунки унда худди ўша прокаткада ишлайдиган Ершов тасвир этилган. Қайси пьеса харсанг тош бўлиб йўлингизни тўсди? Алексахиннинг пьесаси. Бу пьесанинг қаҳрамони ким? Окуневлар. Бу яна ўша Ершовларнинг тахаллуси. Пьесанинг бош қаҳрамони ким? Шу Ершовлар оиласининг бошлиғи Окунев — Ершовдир.

— Шундай бўлса нима бўлибди, Константин Романович?

— Ҳеч нарса. Шунчаки фактларни айтипман. Қисқаси, бундай. Мен театр ишларининг билағони эмасман, лекин ёрдам беришимни хоҳласангиз, сизга бир нарса билан ёрдам бера оламан... Дастлаб, шунга келишиб олайликки, сиз ўз ҳақ ишингиз учун мурасасиз кураш олиб борасиз.

— Албатта. Мен фаол одамман. Мени эсанкираб қолибди, деб ўйламанг. Шунчаки маслаҳатлашмоқчи эдим...

— Ҳа, тўғри, тўғри. Шундай, ҳаракат қилмоқ керак. Менинг ёрдамим шундан иборат бўладикки, ёнингизга ёқимтойгина бир ёш ўртоқ — област газетасининг мухбири келади. Ўзи ақлли, идрокли йигит. У билан орамиз жуда яқин. Айтгандек, азизим, бизда кўп одамлар матбуотнинг ролини етарли қадрлашмайди. Биз, инженерлар ўртасида ҳам, сиз, санъат арбоблари ўртасида ҳам матбуотга, унинг ходимларига менсимай қарайдиган нодонлар бор. Мухбир бир амаки ёнига борса, у амаки: бандман, бошқа сафар келинг, дейди ва ҳоказо. Лекин амаки бу билан кўп нарсани бой бериши мумкин. Масалан, мен мухбирга ишим тушса, ҳар қандай, энг муҳим ишни ҳам йиғиштириб қўяман. Ҳа, шундай. Агар йиғиштириб қўйиб бўлмаса, аниқ вақт тайин этиб, ўртоқни тегишлича қабул этаман. Мен матбуот билан сира жанжаллашган эмасман. Аксинча, у мени ҳамма вақт қувватлаб келган. Мен айтган ўша йигитча бир ажойиб мақола ёзиб чиқди. Крутиличнинг сарсонгарчиликлари тўғрисида, заводда кашфиётчига йўл бермаганликлари ҳақида, Чибисов тўғрисида бир мақола чиққани ёдингиздами?..

— Бўлмаса-чи, эсимда! Маънили, ўткир ёзилган эди.

— Унинг бошқача ёзилган бўлиши ҳам мумкин эди. Мен бу ўртоқни учратмасам, у бирорта туҳматчининг қўлига тушиб, туҳматчи унга қаёқдаги бўлмағур гапларни айтиб берган бўларди. Қулоққа кирган нарса, қайтиб чиқа қолмай, мияда ўрнашиб қолади-да. Ўша амакининг мухбирдан қочгани қандай оқибатга олиб келишини фаҳмлагандирсиз? У, мухбирни бировлар қўлига, эҳтимолки холис ва ҳалол бўлмаган одамлар қўлига бериб қўяди, натижада ўзи газета саҳифаларида саваланиши ҳам мумкин. Мухбирларни, айниқса ёшларини, тажрибасизларини ўзингиз хабардор қилиб туришингиз керак, Юрий Федорович, ўзингиз. Сиз ўшандагина газетанинг холис материал олиши ва холис ёзиб чиқишига ишончингиз комил бўлади. Мен сизга ана шуни ваъда қиламан: эрта-индин ёнингизга ўша ажойиб ёш ўртоқ боради. Сиз у билан театрдаги вазият устида гаплашинг... Сиз ҳали ҳатто матбуот қандай куч эканини хаёлингизга ҳам келтирмаётганга ўхшайсиз, ёшингиз қанчага борди?

— Ярим асрни тўлдирдим, Константин Романович,— деди жавобан хўрсиниб Томашук.— Эллик икки йил. Чарчай бошладим, бир вақтлардаги гайрат йўқ.

Икковлари креслоларда ёмғирли оқшомни ўтказиб, яна узоқ ўтиришди.

— Шундай қилиб, кутинг,— деди хайрлаша туриб Орлеанцев.— Матбуот билан дўст тутинишни билмайдиган калтабин амакига ўхшаб юрманг. У, матбуот ходимларига нисбатан димоғдорлик кўрсатиб, ўз нодонлигини, курка хўроздан бошқа нарса эмаслигини ошкор қилган бўлади, аҳмоқ бўлиб қолади.

Икки кун кейин театрға область газетасининг мухбири келди. Томашук унга театр ишлари тўғрисида, шахсга сўғинишнинг оғир оқибатлари театрда ҳали барҳам топмаганлиги ҳақида, бу ерда ҳамон пардозланган конфликтсиз пьесаларга интилаётганлари, кескин танқидий, актуал пьесаларни инкор қилаётганлари, натижада халқ олдидаги, партия олдидаги ўз бурчларини бажармаётганлари тўғрисида узоқ ва батафсил сўзлаб берди. Репертуар сиёсати билан эмас, хўжалик ва молия ишлари билан шуғулланиши керак бўлган директор театрда ҳаддан зиёд ҳукмрон бўлиб олди. У бир неча йил муқаддам завод оркестрида карнай чалиб юрган, бу одам, санъатнинг нимасига тушунади?

Мухбир тинглар, блокнотига ёзиб оларди.

— Ҳа, ҳа,— деб қўярди у гоҳо.— Константин Романович ҳам бу ердаги вазиятни тахминан шундай тасвирлаб берган эди. Сиз уни яхши танийсизми?

— Биз дўстмиз,— деди Томашук.— Унинг инженерлиги, менинг эса театр ходимлигим бизни бир-биримиздан айирмайди. Одамнинг ўз касби доирасидагина қолиб кетиши ярамайди. Киши албатта сўниб қолади, рост эмасми?

— Албатта. Бу гапингиз жуда тўғри. Шунинг учун ақлимга келган бир фикрни сизга айтайми? Мақолани мен эмас, сиз ёзишингиз керак, Юрий Федорович. Худди сиз. Биз ҳозир турли касбли одамларнинг мақолалари сериясини, айтгандек, мақола-мулоҳазаларини беряпмиз. Байрам арафаси, Октябрь олди фикр-мулоҳазаларини.

— Ана холос! Мен ёзишни билмайман-ку,— деди Томашук.— Мендан фикр-мулоҳазалар эмас, қуруқ докладной оласиз.

— Сиз бундан кўп безовта бўлманг. Истасангиз, асосий оғирликни ўз зиммамга олай. Мен сизнинг ҳамма фикрларингизни ёзиб олдим, энди уларни бир жойга тўплайман. Яъни бирлаштириб, тартибга соламан. Кейин сиз кўриб чиқасиз. Истаган ўринларингизни тузатасиз...

— Билмадим....— Томашук иккиланди. Лекин мухбир бўш келмасди. Ниҳоят, у уч кундан сўнг Томашукнинг мақоласи проектини олиб келадиган бўлиб, чиқиб кетди.

Уч кундан сўнг якшанба бўлганидан Томашук Орлеанцевнинг маслаҳатларини ёдида тутиб, мухбирни уйига таклиф этди.

— Соат иккиларда келинг, ишлаймиз бир оз вақт ўтмаёқ тушлик таом ҳам тайёр бўлади.

Томашук ишбилармон, пухта Орлеанцевни ҳузур билан хотирлади-да, Алексахиннинг пьесасини қандай репетиция қилаётганларига назар ташлаш учун жўнади. «Майли, майли,— деб хаёлидан ўтказарди у,— байрамга совға оласиз. Бундан буён одамлардан бунчалик осонгина юз ўгирмайдиган бўласиз» У, худрук устида ҳам хунук фикр юритарди; уни ҳам маълум, қатъий позицияда туришни билмайдиган одам сифатида, бор умрини стуллар ўртасида — унисига ҳам, бунисига ҳам ўтирмай ўтказадиган одам сифатида мақолага уриб чиқиш керак. «Умurtқасиз маҳлуқ. Амёба».

Томашукни репетиция хонасида кўриб, Гуляев аллақайси бир монологни тўхтатди-да:

— Ўртоқ Томашук чиқиб кетгунча тура тураман. У адашиб кириб қолди, чамаси,—деди.

— Киноянгишни қўйинг, Александр Львович,—деди жавобан Томашук стулга ўтирар экан.

— Кинояга бало борми! Ўзингиз, бу пьесани қўйишда мен сизларга ўртоқ эмасман, дедингиз-ку. Шундай дейилганмиди ёки дейилмаганмиди?

— Дейилган эди, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Бу ерга бирор нрсани қўйгани келганим йўқ. Театрнинг режиссёри сифатида ҳар бир ўртоғимнинг иши билан танишишга ҳақлиман.

Актёрлар Гуляевни қўраб олиб, унинг қўлоғига бир нарсани шивирлашди, у эса қўлини силтади. Репетиция давом этди. Томашук ғазабланарди. У яхши тил билан ёзилган пухта реплекларни эшитар, актёрларнинг зўр иштиёқ билан ишлайётганларини кўриб турарди. Чунки спектакль яхши спектакль бўлишини у жуда яхши биларди. Бунини аниқроқ тушунгани сари Гуляевни ҳам, директорни ҳам, тўғри позицияларда туролмаган бу латта худрукни ҳам, Томашукдан бунчалик енгил юз ўгирган барча актёрларни ҳам бадтарроқ ёмон кўрарди.

Томашук репетиция хонадан чиқиб, коридорлардан бирини Козаковга дуч келди. Бу расом билан уни бир неча марта таништиришган эди. Лекин расом ҳар гал ўзининг янги танишини унутиб қўяверарди. Ҳатто бир вақт Орлеанцев уюштирган зиёфат вақтида стол ёнида учрашганликлари ҳам унга қўйилмаган эди.

— Ўртоқ Козаков,—деди Томашук.—Шунақа ҳам бўлади-ми? Бизни таништиришди-ю, сиз танишликни тан олмайсиз.

— Ундай бўлса, кечирасиз,— деди Қозаков паришон ҳолда.— Доим хаёлим бирор нарсада бўлади, замон шунақа мураккаб, доим хаёл суради, киши...

— Қўнгилсизлик денг-а?

— Қўнгилсизликлар ҳам бор.

Томашук хохолаб кулиб:

— Бизнинг ошнаимиз — Константин Романович: қўнгилсизликлар провинцияликларнинг кўргилиги, дейди. Сиз провинциал бўлиб қолаётганингиз йўқми, ўртоқ рассом? Бу ҳазил, аччиғингиз келмасин, ҳазил. Яхшиси театрга нима учун келганингизни айтиб беринг, бизда қандай хизматингиз бор?— деди.

— Спектаклни безашга таклиф қилишган эди. Назар солиб, ўйлаб кўряпман. Пьеса маъқул, яхши пьеса. Кучли ўринлари бор. Томошабинни ҳаяжонга солади.

— Қанақа пьеса кечирасиз?— деб сўради Томашук ўзини базўр босиб, бу нодон Қозаковнинг энгагига муштлашини, ўзи билан тамомила ҳисоблашмай, маслаҳатлашмай қўйган директор, худрук олдига бориб сиёҳдонларни ва босмани отишини ҳис этарди у. Рассомни ҳам таклиф этишибди, ҳамма ишлари жойида.

— Окуневлар ҳақида. Еш драматург ёзган,— деди Қозаков Томашукнинг ҳолатини пайқамай.

— Демак, сиз, энди ишлаб чиқариш темалари бўйича мутахассиссиз-да?— Томашук яна хохолаб кулди.

— Қанақа ишлаб чиқариш темалари экан?— Томашукнинг гапларига Виталий ҳайрон қолди.

— Ўша, пўлат қуювчи портрети, балиқчи портрети... Прокатчи, доврўғи кетган ўша блюминг... Ҳозир — яна. Бунда, пьесадан билишимча, домна печлари, шихта ва ҳоказолар керак бўлади. Ажойиб!

Томашук ағрайиб қолган Қозаковни коридорда қолдириб директор кабинетига, Яков Тимофеевич олдига ўтиб кетди.

— Менинг ариза берадиган вақтим келгандир?— деб сўради, ўтираётиб.

— Қандай ариза, нима ҳақда?— деб Яков Тимофеевич ўрнидан турди.

— Одатдагича ариза. Эҳтимол, театр менинг хизматимга муҳтож бўлмай қолгандир?

— Биласизми, Юрий Федорович.— Яков Тимофеевич унинг мақсадини тушунган эди.— Биласизми,— деб такрорлади у,— бунисини ўзингиз биласиз. Агар сиз партия ташкилотининг ҳам, бутун коллективнинг ҳам фикридан шу қадар бошқача фикрда экансиз, ишингиз чатоқ. Лекин билиб қўйингки — ариза тўғрисида сизга мен ҳам, бошқа одам ҳам айтгани йўқ. Буни ўзингиз айтдингиз. Сиз, афтидан, яли-

ниб-ёлворишларини: Юрий Федорович, марҳаматингизни дариф тутманг, сиз билан ишлаш бахтини раво кўринг, дейишларини истасангиз керак. Мен сизга ялинмайман. Мен бу ерда хўжайин эмасман, сиз ҳам қарол эмассиз. Партия олдида биз тенгмиз. Майнавозлик қилмаслигингизни сўрайман. Ишлагингиз келмас экан, керак эмас. Иложини қиламиз.

Томашук Яков Тимофеевичнинг сўзларидан, ишнинг бу тариқа амал олишидан эсанкираб қолган эди. Яков Тимофеевичнинг ҳам ўзи айтиб юборган гаплардан эсанкирай ёзганини Томашук пайқамас эди. Яков Тимофеевичга ҳамма жойда зўр бериб: эпчил бўл, эпчил, ўз кадрларингга эҳтиёт бўл, улар нозик, жиззаки одамлар, хафа қилсанг сўниб қоладилар, мингаймас бўлиб, безиб кетадилар, дейишарди. У бўлса: хўп, хўп эпчил бўламан, эҳтиёт бўламан, деб ваъда берганди, мана энди, ўзини босолмай, ишни бузиб қўйди. Ҳозир Томашук шартта ўрнидан туради-ю, эшикни тақиллатиб ёпиб, чиқиб кетади. Ун беш минутдан сўнг Яков Тимофеевичнинг столида унинг аризаси пайдо бўлади-да, иш бўлганича бўлади... Бу одам ўзини ариза беришга мажбур қилишганини айтиб, директорнинг ўзи: бораверинг, ишлагингиз келмаса — керак эмас, ялинмаймиз, иложини қиламиз, деб бақирди, деган гапларни ҳар ерда тўқиб юради.

Томашук ҳақиқатан ҳам ўрнидан турди-да, бир сўз ҳам айтмай чиқиб кетди. Лекин у бир соатдан кейин ҳам, икки соатдан кейин ҳам қайтиб келмади, Яков Тимофеевичнинг столида ҳеч қандай ариза ҳам пайдо бўлмади.

Уша куни кечқурун Томашук яна Орлеанцевдан консултация олди.

— Сиз жуда қўпол хатога йўл қўйибсиз,— деб унга танбих берарди Орлеанцев.— Бу нима жиннилик: «Кетаман! Ариза бераман!» дейиш. Ершовга шуниси бўлса бас. Уша аризангизнинг бурчагига дарҳол: «Розиман. Ҳисоб-китоб қилинсин. Ершов» деган гапни ёзади қўяди. Унинг мушкуллини осон қиласиз, бошингизни эгиб, рақибингиз оғзига тикиб ҳам берасиз. Бизнинг классикларимиз Россия интеллигенциясининг жиззакилигини беҳуда мазах қилмаган. Сизнинг асабгинангиз бўш, Юрий Федорович, ожиз.

— Энди нима қилиш керак?

— Эндими? Эндиги қилинадигани: бундай гапни бўлмаган ҳисоблаб, кураш бошлаш. Мухбир келдими?

— Келди.

— Жуда соз. Ўз жойларимизни биз эмас, ўша железобетон нусхалар ташлаб кетиши керак. Уларнинг даври ўтиб кетган, умри тугаб, ўлиб боряпти. Бизга рўпара келаётган-

ларнинг ҳаммаси мурда. Айтгандек, ўлдириш кифоя эмас, қулатиш ҳам керак. Шундай, ҳаракат қилинг, қулатинг. Бунда, биласизми, ҳеч нарсанинг раъйини қилиб ўтириш ярамайди. Ғолибларни айбдор қилишмайди. Тушундингизми?

— Тушунгандайман.

— Директорни кекирдагидан олиш керак. Унинг сиздан ўз ихтиёрингиз билан кетишингизни сўраб ариза беришингизни талаб қилганини коммунистларга айтиб бериш керак. Ўша Ершовлар ўзларига номаъқул кадрлардан, фикри бошқа одамлардан ўч олиш учун ишлатадиган бутун бу ўтхонани кўрсатиш керак. Фақат жим қолмаслик, ҳеч нарсани кечирмаслик, ит акиллаганича қолверади, деган мақол билан юпанмаслик керак. Йўқ, Юрий Федорович акиллагани ҳам қўймаслик керак. Йўқса, жим турганингни кўриб, қўрқ-япти, деб ўйлайди. Қараб туриб, шартта тишлаб олади.

Орлеанцев Томашукни кузатиб келгани чиқди. Қоп-қора ва пастак осмон гумбази тагида кўчаларда юришди. Денгиз томондан ёпирилиб келаётган юмшоқ нам булутлардан ёқимсиз майда ёмғир севаламоқда эди. Орлеанцев жим туравериш ярамаслигини, курашиш кераклигини Томашукка кўчада ҳам тинмай уқтирарди. Томашук эса, курашиш қийинлигини, қувватлайдиганлар камлигини айтарди. Шунчалик умид боғлагани худрук ҳам тебраниб турибди, қайси ниятда эканини ҳам билиб бўлмайди. Ҳа, албатта, ҳаққоний ишни исбот этиш қийин, дастлаб сенга ўртоқ бўладиган кам топилади дерди, Орлеанцев. Лекин ноумид бўлиш ярамайди. Агар муваффақиятга эришсанг, омадинг келиб қолса, ҳамфикрлар кўпаяди, ўшанда ёлғиз курашган чоғингни, машаққатларга бардош бериб, ғалаба қилганингни ҳузур билан хотирлайсан. Ўз ғалабангни кўриш ва англаш — ажойиб бир туйғудир.

11

Леля Овражная кўчасига кўпдан буён — Степан уни танимай, Леля унинг кўзларида қўрқувга, жирканишга, ачинишга ўхшаш, балки, буларнинг бирдан ҳаммасига ўхшаш бир ифодани кўрган ўша оғир қишки оқшомдан буён келмаган эди. Шаҳар чеккасидаги бу кулба доим файзли, гавжум бўлар, юрак шу кулбага, Дмитрий ёнига ошиқарди. Бу кулбата Степан келиши билан Леля Дмитрийдан жудо бўлди. Леля кулбада ўзгалар бахтсизлигини сезмайдиган келин-куёв бахтиёр умр кечираётганини биларди. Дмитриининг кўнгли рассом Козаковнинг хотини, Искра исмлики кичик, пучуққина жувонда эканига Леля шубҳа қилмас, ишончи комил эди. Леля ўша баҳор вақтида Дмитрий барак

ёнида хайрлаша туриб: нега Овражнаяга бормай қўйдинг, кел, деб уни назокат юзасидангина таклиф қилганини билса ҳам, лекин ўша таклиф ёнида эди, у ўша таклифни жуда хотирлагиси келарди. Бу Леляни Дмитрий билан боғловчи сўнгги ожиз ип эди.

Шанбалик меҳнат кунни тугаган август кунларидан биринчида Леля қадоқли қўлларидан, яқин орада бўлиб ўтган довулда йиритилган, майда катакли тўрни ўтказиб бўлди-да, филдирак мойига ўхшаш ёпишқоқ, яшил совун билан умумий умивальникда ювинди, сўнгга аввалгидек, кўчалик узун юбкасини, икки йил илгари Дмитрий совға қилган чипор кофточкасини, яна Дмитрий совға қилган яшил туфлисини кийди-ю, пристанга йўл олди.

Леля оқшом тушиб келаётган шаҳар кўчаларидан шонилмай борар, магазинларнинг витриналарига кўз ташлар, кино ва театр афишаларини ўқир, фотография ойналаридаги суратларни томоша қиларди. Бу суратлар Лелянинг қалбига доим алам уйғотарди: уларда Леляга насиб бўлмаган ва сира насиб бўлмайдиган нарсаси тасвирланган эди. Куёв-келин, балки, эр-хотин бўлган бирорта жуфтга Леля узоқ-узоқ тикилиб турарди. Иккалови чўчиган ва бахтиёр ҳолда ўтиришар, йигит янги дазмолланган костюм кийган, қизнинг эғнида эса оппоқ ва албатта, ҳозиргина тикилган серҳашам кўйлак, улар қовушмаган, келишмаган эдилар, фотограф улардан чапга, унинг бармоғига қарашни сўраган бўлса ҳам, улар худди объективга қараб туришарди. Кейин улар тангликдан бир оз терлашган ҳолда стуллардан туриб, уйга жўнашади... Уйга... Леля уларнинг уйини, квартирасини ўзича тасаввур қилар, йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам касбинини билишга тиришарди. Нариги суратларда кўйлак кийган ва кўйлаксиз болалар тасвирланган эди. Бошқалари — кундалик дафтарларидаги баҳолар нуқул уч бўлса ҳам, лекин чехраларида Шарқ маликаларининг ифодаси бўлган мағрур қизалоқларнинг сурати эди. Леля ҳам бир вақтлар ана шундай суратга тушишни орзу қиларди, лекин негадир бу унга насиб бўлмасди, уни таниш ўғил болаларгина суратга олишар, ўхшатишолмас, Лелядан малика чиқаришга олмасди.

Леля Овражная кўчасидаги кулбага қош қорайганда етиб борди. Боғдаги олчалар ўртасида, ерга қоқиб ясалган юмалоқ стол устида порлаб ёниб турган лампа атрофида парвона ва капалаклар қуюни уймалашарди, уларнинг учиб турган соялари ер, уй девори, дарахтлар танасида тўқнашиб, кесишарди. Леля стол ёнида уриниб юрган Капани чақирди. Капа эшик ёнига келди ва:

— Сизми бу?— деди хурсанд бўлиб.— Киринг, тезроқ.

киринг! Келганингиздан жуда, жуда хурсандман!— У, Леляни қўлидан тутиб, стол ёнига бошлаб борди.— Ҳозир чой ичамиз. Андрей ҳам келиб қолади. Утиринг, марҳамат қилиб, ўтиринг.

Бундай қарши олишдан ҳаяжонланган Леля Капанинг қорни катта бўлиб қолганини дарҳол пайқамади. У, буни кўриб, вақт қандай тез ўтиб бораётганини ўйлади. Бу уйда янги ҳаёт ҳам пайдо бўлибди. Бу эскирган уй яна юз йил туриб берса ҳам ажаб эмас. Унга кексаларнинг ўрнига янгидан-янги одамлар келаверади. Янги одамлар кексаларни, бир вақтлар бу уйда яшаганларни, уларнинг шодлик ва аламларини, уларнинг ҳаяжонлари, орзулари ва кулфатларини ёдга олишмайди, буларни ўзлари кўриб — кечиришади.

— Нимани ўйлаяпсиз?— деди Капа.— Сиз нимага хаёл суриб қолдингиз?

Леля елкасини қисиб, жилмайиб қўйди.

— Биламан,— деди Капа. Сўнгра у: мен сизни қандай аташимни билмайман,— деди.— Сизни Леля деб айтолмайман, сиздан ёшман.

— Ундай бўлса мени Величкина деб атанг, Робацкда ҳамма шундай деб атайди. Болалар ҳам.

— Величкина?— деб ярим овоз билан такрорлади Капа.— Йўқ, бундай деб ҳам айтолмайман. Сизнинг отангизнинг оти, ўз отангиз бор-ку. Отингиз Ольга бўлса керак?

— Йўқ, керак эмас, йўқ!— деб қаршилиқ қилди Леля.— Бу шундай ғалати, шундай бегона бўладики, мен хоҳламайман.

— Сиз мени жуда оғир аҳволга қўясиз.— Капа уҳ тортди.

— Ҳечқиси йўқ, бу ўткинчи нарса. Ўрганиб кетасиз,— Леля овозини ўзгартириб, бутунлай бошқа оҳангда:— Демак, яқинда она бўлар экансиз-да? Тез орада бу ерда яна болалар овози эшитилар экан,— деди.

— Ҳа, ҳа, ҳа. Дмитрий Тимофеевич ҳам шундай дейди!— деди хурсандлик билан Капа.— Бу уйнинг иккинчи ҳаёти бошланади, дейди у. Биринчиси, дейди, тамомила тугади. Бу уйни ташлаб кетишимизга сал қолган эди, дейди.

— Ҳозир қаерда у, Дмитрий Тимофеевич?— деб сўради Леля, юраги тез-тез ура бошлаганини сезиб.

— Платон Тимофеевичникига кетди.

— Сиз мени кечирасиз, Капочка...— Леля ўрнидан туриб, кетиши кераклигини, йўлакай кирганини айтмоқчи бўлиб. турган эди ҳамки, эшик томондан кекса одамнинг йўталгани ва пиманинг қуруқ ерда шипиллагани эшитилди. Мокеич бобо келаётган эди.

— Нега кўринмай қолдинг?— деди у Леляга, скамейкага ўтирар экан.— Ўтирсанг-чи, ўтир, гаплашамиз. Қочишга

шошмасанг ҳам бўлади. Бу дунёнинг ишлари битмайди. Мен кўп иш қилдим, менсиз битмаса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳаммасини йиғиштириб қўйганман, лекин битяпти. Биноидек битяпти. Меникидан яхши. Ўтир, парво қилма, бардам бўл. Авзойинг бузуқ шекилли? Худди ҳозир бориб, ўзингни паровоз тагига ташлайдигандек...

— Қўйсангизчи-э, бобо!— деди Капа.— Топган гапингизни қаранг. Бошлаган гапингиз...

— Оддий гап,— деб туриб олди Мокеич.— Унинг авзойи бузуқ, дейман. Кўп умр кўрганман, ишларингизга ақлим етади. Ҳай, ўтир дейман, ўтирсанг-чи, борадиган ерингга улгурасан.— Мокеич Леляни қўлидан тутиб, ўз ёнига ўтқазди.— Сизларга бир ҳикоя айтиб берай. Юзовка яқинидаги бир заводда бўлган эди бу, шу кулбанинг марҳум эгаси Тимофей Игнатъевич билан бирга домна печида, горнда ишлар эдик. Бир маҳал у билан вагончага чўян оқиб тушадиган желоб ёнида чекиб туриб, чўяннинг қайнаб, шопирилишини, ўпқонга ўхшаб буралишини кузатиб турардик. Бирдан, лоп этиб, олдимизда аллақаердан бир қизалоқ пайдо бўлди. Шундай бир жажжи, бежирим, қушдаккина қизалоқ. «Игнатъич!— деб ошнамнинг биқинига туртаман.— Сен билан учрашгани учиб келмадими экан?»— «Эҳтимол, сенинг олдингга келгандир?»— дейди у.— Яширинча жонон ортдиргандирсан». Биз тилимизнинг қичиғини босиб туравердик. У бўлса қора камзулини ечиб у ёққа, рўмолини олиб бу ёққа улоқтирди-ю, Игнатъич билан мен унинг олдида бормасимиздан, темир панжаралардан ошиб сакради!— Ўша ёққа, ковшга, чўян гирдобига, жаҳаннам оташига ўзини отди. Мен бошқа ҳеч нарса кўрмадим, кўзимни энгим билан беркитган ҳолда турардим. Кейин Игнатъич менга: ковшдан бир лоп этиб, енгилгина буғ кўтарилди-ю, тамом бўлди, деди.

Мокеич чўнтакларини кавлаб, бир синган папирос топиб олди, уни тўғрилаб, ёпиштирди. Чол ўзи билан банд экан, Леля ҳам, Капа ҳам унинг ҳикоясидан ваҳимага тушиб жим қолишган эди. Папиросни тутатгач, Мокеич давом этди:

— Бизнинг томоғимиздан ўша кун и овқат ўтмади. Кейин яна бир неча кун қийналиб юрдик. Қийналганимиз шундаки, тишимизнинг оқини кўрсатиб тураверибмизу, қизнинг кўзларига дурустроқ қарамабмиз, унинг кўнглидагини билмабмиз, унга халақит бериб, фалокатнинг олдини ололмабмиз. Шундай қилсак мумкин эди, қила олардик, қизларим. Қўлимиздан келарди. Кейинчалик эслашиб: ахир унинг кўзлари ғамгин боқарди-ку, у биз билан учрашгани эмас, жонига теккан ҳаётидан худди таоло олдига шикоят қилиб келган эди дердик.

— Унга қандай алам ўтган экан, бобо? Нега бундай жондан тўйган экан?— деб сўради Қапа.

— Қизлар нимадан жонига ташна бўларди? Доим ўша бир нарсадан. Бирорта бўлмагур сўтакнинг дастидан бўлса керак-да.

— Хўш,— деб сўради Леля ҳаяжондан қотиб қолган лабларини аранг қимирлатиб,— омон олиб қолишнинг эпи бўлмадимми?

— Ундан ёлғиз буггина қолди, деяпман-ку сенга. Омон олиб қолиш-а! Нимани дафн этишни билмасдик-ку. Сен бўлсанг — омон олиб қолишни айтасан! Чўяни формаларга қўйиб, уч минг олти юз пуд металлни гўрга кўмдик, крест қўйдик, унинг исми ва фамилиясини ёзиб қўйдик. Бу крест ҳозир ҳам завод ҳовлиси ўртасида турибди, дейишади.

— Энди мен борай,— деди Леля, яна ўрнидан туриб.

— Ўтир.

— Йўқ, йўқ, борай.

— Сени ваҳимага солиб қўйдимми? Кел, кулгилигидан айтиб берай. Кунлардан бир кун, бир кекса танишимиз уйланди. Ўзи тенги кампирга уйландим, деб ўйлаган экан. У бўлса ёшгина бир қиз экан. Лекин, шум ўлгур, кексаларга ўхшаб кийиниб олган экан. Ана шундан бошланибди-ку машина...

— Керак эмас, керак эмас бобо!— Леля индамай Қапанинг қўлини қисди-ю эшикка йўналди.

Леля кечаси шаҳарни яна кесиб ўтарди. Энди у магазинларнинг витриналарига ҳам, фотографиянинг ойналарига ҳам қарамас эди. Кўз ўнгиди бобо айтиб берган даҳшатли манзара турар эди. Леля ҳаётдан ўлимига рози бўлар даражада безган ёшгина бир ишчи қизни рўй-рост кўрарди. Леля унинг кийилиб сийқаланган қора камзулини, офтобда оқарган пешонабоғини, умидсизлик тўла кўзларини кўрарди. У ковшга етмасданоқ, ҳавода ёниб кетган. Бу бир зумда бўлиб ўтган. Ковш устида ҳам бир онгина оқ тутун кўринган. Кейин одамлар ковшдаги чўяни нима қилишни ўйлашган,— чўянда одамнинг ҳаёти бўлиб, унинг орзу-умидлари, рўёбга чиқмаган ширин хаёллари, алам ва кўз ёши металл билан эриб қўшилган эди. Бундай қотишмадан темир излар ҳам, станоклар учун станиналар ҳам, машиналар ҳам, асбоблар ҳам ясаб бўлмасди. Бу металл бўлгани билан, айни вақтда инсон ҳам эди...

Лелянинг чалган қўнғироғига Устиновна эшикни чиқиб очди-да, киришга чорлади, уйда ёлғиз ўзи бўлганидан меҳмон келишига кўз тутиб турганини айтди.

— Дмитрий Тимофеевич сизникига киргани йўқми?— деб

сўради Леля.— Уни Платон Тимофеевичникига кетди, дейишган эди.

— Бўлса бордир,— деди Устиновна.— Тўппа-тўғри полизга кетгандир. Шанба-да. Эркаклар шанба куни доим полизда бўлишадди.

Леля шаҳардан ташқарига йўл олди.

Қоронғида тепалик бағрида гулханлар кўринарди. Лелянинг қулоғига рўпарадан қўшиқ, гитара ва мандолиналарнинг овози эшитиларди. У, Ершовларнинг участкаси қаердалигини сўраб, гоҳ, у гулхан ёнига, гоҳ бу гулхан ёнига борарди. Унга тушунтиришар, бармоқлари билан қоронғиликни кўрсатишарди. У нотаниш йўлдан қоқилиб-суқулиб борар эди.

Платон Тимофеевич гулхан ёнида чордана қуриб ўтирар, ўт ичидан пишган картошкалар оларди. Гулхан атрофида камида ўн беш чоғли одам бор эди. Биров тик турар, биров скамейкада ва аллақандай яшикларда ўтирар, биров сочиб солинган пичан устига чўзилган эди.

Леля қоронғида туриб, бу гуруҳ орасидан Дмитрийни ахтарар, лекин тополмасди. Ўзини мажбур этиб, яқинроқ борди. Суҳбатга қаттиқ берилганликларидан унга эътибор қилишмади.

— Мен уни биламан, танийман-ку, ахир. Бунақа бурунни бир кўриб қолсанг, умр бўйи ёдингдан кўтарилмайди,— дерди қандайдир бир чол.— У вақтда складлар ёнида вахтёр бўлиб турардим. Йигитлар шунақа бир чўзиқ қора машинани немислар отишма бошлагудек бўлса осколка тегиб ишдан чиқмасин деб склад девори орқасида қолдиришган эди. Ана шундай бўлган эди иш, дедим.

— Сен уни қаерда, қачон кўрган эдинг?— деб сўради Платон Тимофеевич,— симга картошка суқиб олган ҳолда.

— Бугун, шаҳарда, почтада. Пенсиямни олгани борган эдим. Қарасам, бир туйнукнинг олдида турибди... Кўзимга таниш кўринади. Бурнини кўриб, эсимга тушди. Ифлос, шунча ишларни қилиб қўйиб, ҳеч нарса кўрмагандек юраверадинми, дедим. «Кечирасиз, гражданин, дедим сиз металлургия заводидан эмасмисиз?»—«Ҳа, мен металлургия заводиданман, дейди.»—«Кечирасиз, қирқ биринчи йил кузда, немислар шаҳарни олганда, ўшанда ҳам, дедим. Металлургия заводида ишлармидингиз?»—«Ҳа, ишлардим, дейди.»—«Сиз, дедим, мана бундай бир ҳодисани эсламайсизми?...» Гапиряпман-у, бутун аъзойи баданим титраб, томоғим бўғилиб боряпти. «Мана, дедим, бундай бир ҳодисани... Легковой машина немисларга қолсин, бизнинг йигитларимиз унга тушиб жўнаб кетолмасин, деб, дедим, машинанинг моторидан шамларни бураб олган ким эди?»—«Сиз миянгизни еб қўйибсиз, амаки»

дейди. Шундай деди-ю елкамга қоқиб, чиқиб кетди. Мен унинг афти-ангорини роса билиб олганман. Унинг сурнай-даккина бурни бор!

— Буни Степанга айтиб бериш керак экан,— деди Платон Тимофеевич— Степан бу шамларни эсласа ҳам, уларни Воробейнийми ёки бошқа бировми бураб олганини ўзи кўрмаган. Фақат тахмин қилади. Сен бўлсанг, бобо жонли гувоҳсан.

— Ўша Воробейнийни немисларга хизмат қилгани — немисларга печларни тузатиб бергани ва бошқа ишлари учун суд қилишганда, у, илон, шамлар тўғрисида лом-мим ҳам демаган эди,— деди аллаким қоронғидан.

— Сен нима деб ўйлайсан, у: бу ишни ҳам қилганман, бунисини ҳам, яна унисини ҳам қилганман, деб ўз бошига бало ордирсинми,— дейишди унга жавобан.— Жиноятчининг бутун эс-ҳуши иложи борича камроқ айтиб, кўпроғини яшириб қолишда бўлади.

— Бу шамларингиз арзимаган нарса!— деди учинчи овоз.— Улар Воробейнийнинг катта қилмишлариданмиди? Асосий гап унинг немисларга кўнгилли равишда хизмат қилганида, ўз ихтиёри билан печларни тузатиб берганида, Қизил Армияга қарши ўз ихтиёри билан металл эритиб берганида.

— Бунинг учун у жазосини ҳам тортди. Амнистия бўлмаганида, ҳали ҳам қамоқда ўтирган бўларди.

— Шамларда гап бор,— деди Платон Тимофеевич.— Уни яна суд қилиш учун эмас бу. Домна цехидагилар ўз бошлиғи қандай одам эканини шунчаки бир билиб қўйиши учун.

— Биз шундоқ ҳам биламиз, Тимофеевич. Яхшиси бу ёққа картошкадан ташла. Қўяйлик энди ўша Воробейнийни. Шанба кунини ўшанинг жатига барбод бермайлик.

Платон Тимофеевич гулхан ёнидан турди, унинг Леляга кўзи тушди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?— деди ажабланиб.— Қаёқларда қолиб кетдинг? Юр, картошка кабобдан тотин. Янги картошка.

— Янгиси қўрда пиширилмайди,— деди Леля.— Унинг қайнатилгани дуруст.

— Тўғри. Қаймоқ билан,— деб қувватлади аллаким.

— Укроп ҳам бўлса.

— Ҳечқиси йўқ, унинг қўрда пишгани ҳам ейишлик бўлади,— деди қўшилишмай Платон Тимофеевич, Леляга картошка узатар экан.— Утирсангчи. Бу ёққа, пиджакка. Нимага келувдинг?

— Дмитрийни излаб юрибман. Боя сизникига кетган, дейишган эди.

— Мени уйда кутиб ўтиргандир?
— Уйга бордим, йўқ эди.
— Бўлмаса билмадим. Кўрмадим уни. Бир ҳафтадан берди кўрмадим. Мана оға-инилик бир-бирини ҳафталаб кўрмайди!

Платон Тимофеевич ҳазиллашар, Лелянинг эса, юраги орқасига тортарди. Йўқса қаерда экан бу Дмитрий? Уни жуда кўргиси, овозини эшитгиси, кўзларига қарагиси, бир минутгина бўлса-да, ёнида ўтиргиси келарди. Уришиб берса ҳам, тўнғиллаб, ҳатто қарамаса ҳам майли. Майли Лелянинг дунёда ундан кўра яқинроқ одами йўқ, ахир. У, Дмитрийдан абадий ажраб кетолмайди. У қаёққа боради, қаёққа қўяди ўзини?.. Фақат...

Гулханга ташланган қуруқ ўтин шу дақиқада бирдан ўтлиб, қоронғи осмонга ўтли учқун сочганиданми, бошқа нарсаданми, ҳар нечук Лелянинг кўз ўнгидан Мокеич айтиб берган манзара яна алангаланиб ўтди. Ҳатто Леля қўли билан юзини ҳам яширди.

— Қизиб кетдингми?— деди Сидорин бобо.— Нарироқ сурил. Йўқса, юбкангни куйдириб оласан. Нимани киясан унда? Александр учнинг хотини Мария Федоровнаники сингарини гордеробини йўқдир. Урушдан илгари уларнинг квартирасида, Ленинград яқинидаги саройда, Гатчинада бир бўлган эдим. Ун беш минг экан. Хоҳ санаб кўр, хоҳ шундай ишонавер. Қатор-қатор кўйлақлар осилган шкафларнинг ўзи саккиз комната...

— У ерда яна нималарни кўргансан, бобо?— деб сўради қоронғиликда бир ёш йигит.

— Яна нима дейсанми? Ўша подшонинг яна юқори қаватга чиқиладиган бурама пиллапояси бор экан. Ўша пиллапоядан юқорига чиқаверишда ҳам, ундан тушаверишда ҳам барча деворларга шунақанги бир нозанинларнинг сурати ясаб ташланганки, эсанкираб қолиб бошқа пояга оёқ босиб юборишинг, йиқилиб кетиб, бошингни ёриб олишинг ҳам ҳеч гап эмас.

— Ёлғонни қотирасан-да, Сидорин!— Подшоникида нозанин нима қилади, бунга малика йўл қўярмиди. У ерда турли тахтлар, давлат, скиптер...

— Билмасанг— гапирма!— деди жаҳли чиқиб Сидорин.— Давлат, скиптер... Улар омборхонада қулфлоглиқ. Унинг квартирасида яна сандон, омбир, ҳар хил асбоблар бор эди. Қалитларни тузатар, зажигалкалар ясар экан... Карнай чаларкан.

Баҳслашар, кулишарди, чолнинг гапини бўлиб, унга ҳазил қилишарди. Леля деярли ҳеч нарсани эшитмасди. У иссиқ картошкадан беихтиёр тишлаб олар, кўнгли шу қадар

ғаш эдики, наҳ ұша зим-зиё қалин ұтлар устига эмаклаб боргиси, сира уйғонмас бўлиб ухлаб қолгуси келарди.

— Мен борай,— деди у Платон Тимофеевичга, ўрнидан турар экан.

— Қаёққа борасан? Утира тур, кейин бирга кетамиз бизникига борасан. Тунаб қоласан.— Платон Тимофеевич Леля олдида бирор гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек сўзларди.

— Йўқ, кетаман,— деди такрор Леля, у юбкасини қоқди, рўмоли тагидаги сочини тўғрилади-да, ҳаммага «хайр» деганича сўқмоқ йўлдан шаҳар томон кетди.

— Бу ким?— деб сўрашди Платон Тимофеевичдан, Лелянинг одими эшитилмай қолгач.— Қариндошларингизданми?

— Ҳа,— деди у.— Қариндошлардан.

Леля узоқ йўл юрди, деразалардаги сўнгги чироқлар ўчадиган алла маҳалгача шаҳарда кезиб юрди, денгиз соҳилидаги пляжга чиқиб, скамейкага бориб ўтирди. Эрталабгача ўтириб, биринчи пароходни кутиш керак эди. Тўлқинлар қайиқлар тўхтайдиган жойда бир текис шовиллар, қирғоқ бўйлаб шағал тошлар устида сирпанарди. Салқин бўлса ҳам, лекин ёзги илиқ шабада эсарди. Тунги шабададан ором олган Леляни сувнинг ана шу шовиллаши остида мудроқ босди.

Лелянинг кўз олдида яна қайноқ, жазирама аланга лоп этиб кетди, яна бирдан даҳшатли манзара ҳосил бўлди. У сапчиб ўрнидан турди. Денгизда гуриллаб сузиб юрган соқчи катер прожекторнинг узун чўзилган нури билан қирғоқни текширарди.

12

Андрей билан Капа меҳмонлар келишини кутарди. Ёшлар учун зиёфат уюштириш — Кападан чиққан фикр эди. Яқинда ўқув йили бошланади, қизлар ҳам, йигитлар ҳам банд бўлади, ҳаммаси бўш эканлигида чақира қолайлик, деган эди Капа. Шу аҳволда бутун кеча елиб-югура оласанми, деб сўради Андрей. Капа кулиб ҳали хавотир оладиган тарзда эмаслигини, шундай аҳволда ҳам эринчоқлик қилиш фойдасиз, ҳатто зарарлигини айтди.

Зиёфатни жуда оддий чиндан ҳам студентча қилишга аҳд қилишди, бор идишлардангина фойдаланилиб, Капа ота-онасиникидан ҳеч нарса олиб келмайдиган, ҳеч қандай пурси-порс қилмайдиган бўлди.

Капанинг курсдошларидан бошқа яна Андрейнинг заводдаги бир неча ўртоқлари ҳам чақирилган эди. «Қизиқ бу қандай бўлар экан» дерди Капа.

Мартен цехида бригадир бўлиб ишловчи, ўрта бўйлик,

бақувват, очиқ чехрали бир йигит ҳаммадан олдин кириб келди.

— Капочка, таниш,— деди Андрей.— Мен у билан биринчи синфдан еттинчи синфгача бир партада ўтирганмиз. Коля Пузирев. Уни аввал Пузирь дебгина юрардик, ҳозиргидек аълочи ҳам эмасди. Газетадан унинг портретини кўрсатганим эсингдами? У шаҳар Советининг энг ёш депутаты.

— Бекам-кўст характеристика бўлди,— деб кулди Пузирев.— Сайлов вақтида чиройли сўзларни аямаган ишончли вакил ҳам мени бунчалик мақтамаган эди. Сайловчилар олдида ерга кириб кетгудай бўлиб ўтирардим.

Коля скамейка олиб келиш учун девор оша Мокеичникига кетди.

Коля кетганидан кейин Капанинг икки дугонаси келди. Андрей уларнинг фамилияларини унутиб қўйиб, қорачадан келган шахло кўз қизининг исми Маруся, қотмадан келган қўнғир соч, уйдаги ҳамма нарсасига синчковлик билан қаровчи қизининг исми Зина эканини эслаб қолди.

Меҳмонлар яна келавериб, йигирма чоғли одам йиғилди. Улар боғчадаги олчалар тагида уймалашар, шовқинлашарди. Андрейнинг ўртоқлари уч киши бўлиб, студент йигитлардан четда турар ва бу ерда ўзларини қандай тутиш кераклигини унча яхши билмасди; улар тинмай чекарди. Капа ҳаммани дарҳол уйга таклиф эта қолди — стол ёнида танишиш осонроқ бўлади. Капа ким қаерда ўтиришини олдинроқ мўлжаллаган эди. Коля Пузирев шахло кўз Марусянинг ёнида ўтирди, техник Махоткин синчков Зина ёнига ўтирди, Андрейнинг учинчи ўртоғи газчи Серегин ёнига лўппигина Аллочка ўтирди; Капа бу қизни хирург бўлади, унинг қўллари бақувват, деди.

Капа билан Андрей стол атрофида бирор киши маст бўлиб қолишини хоҳламасди. Капа олдинроқ Андрейдан унинг ўртоқларининг қайси бири ичишни яхши кўришини билиб олган эди. Андрей Серегин бир оз хавфли эканини, бошқалари сипо, ҳушёр йигитлар эканини айтди. «Бизнинг йигитларимиздан,— деди Капа,— Белобородькога ва Поповга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Мен уларнинг ёнига жиддийроқ қизлардан ўтқазиб қўяман. Лекин, ҳеч қандай ароқ бўлмасин, узум виноси бўлсин, холос».

Стол ёнига ўтириб, узум виносидан рюмкаларга қуйилгач, бир дақиқа жимлик чўккан эди, лўппигина Аллочка:

— Нутқ сўзлаш керак. Қадаҳ кўтариш керак. Ким биларди бунга?— деди.

— Бунинг биладиган жойи йўқ,— деди сочлари ҳурпайган ва рангсиз Белобородько.— Бу уйда биргина қадаҳ кўтарилиши мумкин.— У ўрнидан туриб, рюмкани кўтарди:—

Яқин кунда бу даргоҳда дунёга келадиган фарзанд соғлиғи учун.

— Тўғри!

— Қойил қилдинг, Саша!

Турли рюмка ва қадаҳлар жаранглади.

— Янги одам соғлиғи учун!

— Онасининг соғлиғи учун!

Бирпас ҳамма ўз қўшниси билан банд бўлди, бир-бирларига закуска таклиф қилишди, бир-бирларининг исмларини сўрашди, олағовурда исм ҳам, фамилия ҳам эслаб қолинмади. Кейин Белобородько Андрейнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди, дунёга келадиган фарзандга Андрейнинг ҳам дахли борлигини айтди. Андрей уялиб, қизариб кетди, рюмкани кўтарганда қўли титради; унга, айбдор сен экансан-да, энди ошкор бўлди, деб кулишди.

Аллочканинг қўшниси газчи Серегин навбатдаги қадаҳ кўтариш олдидан винони рюмкага эмас, стаканга қуйди. Журъатли Аллочка стаканнинг оғзини дўмбоқ қўли билан беркитиб:

— Бу ерда камида беш рюмка бор. Сизга бешта қадаҳ учун етади. Хўпми?— деди.

— Хўп,— деди Серегин.— Ҳали ўқияпсиз-ку, дарров докторлардек буйруқ қиласиз-а.— Аллочка Серегинга ёқиб тушган эди. Унинг бақувват гавдасининг иссиқ тафти уриб турар, уй иссиқ бўлса-да,— Серегин секингина унга яқинроқ ўтирди.— Буюрган нарсангизни бажараман, интизомлиман.

— Сизни ким бундай интизомли қилиб қўйди? Хотинингизми?

— Касаба союз. Менинг хотиним. йўқ.

— Нега энди. Айни вақти-ку.

— Уй-жойим йўқ. Ётоқхонада, койкада ётаман.

— Уйлансангиз, уй-жойни ҳам тезроқ беришади. Бундай ншда уйланганларга кўпроқ эътибор берилади.

— Қойкада ётувчига тегишни хоҳлашмайди. Эътиборсиз қолинишидан қўрқишади.

Столнинг нариги чеккасида эса, шўх Маруся Коля Пузиревга тамом бошқа нарсаларни сўзларди:

— Бу узум виносидан оғизда фақат нордон таъм қолади. Сиз нима дейсиз?

— Сиз қайси винони маъқул кўрасиз?— деб қизиқсинди Коля.

— Менинг отам фронтда ҳалок бўлган, у, ичкиликнинг яхшиси ароқ дерди. Мен унга қўшиламан. Мен ҳам ароқнигина маъқул дейман.

— Нима деб вайсаяпсан, Маруся? Сен сира ҳам ароқ ичмагансан-ку,— деб унинг қулоғига шивирлади дугоналаридан бири.

— Халақит берма,— деди зарда қилиб Маруся ҳамда Қоляга қараб:— Эркак киши эркакдек бўлиши керак, ростми?

— Рост,— деди кулиб Коля.— Лекин бу, йигит мардлигини ичган ароғи билан исбот этиши керак, деган гап эмас.

— Ана холос! Сиз — ишчимисиз?— деб сўради Маруся.

— Ҳа, ишчиман.

— Сиз заводда нима иш қиласиз?

— Мен пўлат эритаман. Пўлат қуювчиман.

— А!.. Ундай бўлса сизга ҳар хил бемаъни гапларни айтганим учун кечиринг. Биласизми, мен бундай ҳақиқий ишчилар билан учрашмаганман. Мен нуқул ўшанақа, ҳалиги, қулф тузатгани ёки хонага гул қоғоз ёпиштиргани келадиганларни кўрганман. Уларнинг ҳаммаси ўлгудек ароқхўр ва муттаҳам бўлади.

— Улар ишчи эмас,— деди Қоля.— Улар шаҳарлик миёна одамларнинг ожизлигидан фойдаланадилар. Улар қулфни ёмон тузатишади.

— Рост!— деди Маруся.— Бир кундан кейин яна тузатиш керак.

— Улар хоналарга гул қоғоз ёпиштиришни чўзади.

— Бу ҳам рост! Олдин аванс олиб, бир ҳафта йўқ бўлиб кетади. Мен бўлсам, марҳамат қилиб, кечиринг мени ишчиларга ўшаларга қараб баҳо берардим. Сизга ўхшаган бундай пўлат эритувчилар, ҳар хил темирчилар олисда, китобларда бўлса керак, деб ўйлардим. Улар бир маҳал революция қилиб, беш йилликларни барпо этиб, энди барча давлат ишларини инженерлар, зиёлилар қўлига топширган, деб ўйлардим.

— Ўзлари қаёққа кетган экан?

— Буни ўйламаган эканман. Марҳамат қилиб, мендан ранжиманг.

— Менимча, ҳаддан ташқари кўп кечирим сўраб қолдинг, Маруся,— деди стол орқасида ҳамма вақт жим ўтирган Попов.— Ҳозирги замон ишчисини идеаллаштиришга маҳлиё бўлиб кетма. Бугунги ишчи революция қилган ишчидан тамомила бошқа.

— Ҳа, бошқа,— деди Коля.— Бугунги ишчи — саводли, унинг етти йиллик, ҳатто ўн йиллик маълумоти бор.

— «Қуруқ саводхонликнинг ўзи-да! Ишчилар синфига хос бўлган революционлик қани?

— Революционлик қани, деганинг нимаси?— деди ажабланиб техник Махоткин.— Пландан ошириб маҳсулот бериб, нормаларни ошириб бажариш-чи?.. Тўртта домнанинг бештадек ишлаши-чи? Бу нима, революционлик эмасми? Бизнинг заводимизда бир йил ичида ишчилардан бир неча минг

рационализаторлик таклифи тушди ва бу саккиз миллион сўм тежаш имкониятини берди,— хўш бу ҳам ишчилар синфининг революционлиги эмасми?

— Мен бошқа нарсани айтяпман... Оммавий равишда, биргалашиб ҳаракат қилишлар қани?

— Тушуниб қолдим! Сиз балки, забастовкани кўргингиз келар. Кимга ва нимага қарши қаратилган.

— Камми бунақаси!— деб ҳайқирди Попов.— Бюрократизм, ҳар хил тартибсизликлар ошиб-тошиб ётибди! Тўралар кўпайиб кетди.

— Менга қаранг, гражданин,— деди Коля босинқилик билан.— Сиз ўша тўраларни, бюрократларни кўрдингизми, уларга тўқнашдингизми? Ёки уларни «Новий мир» журналичан ўқидингизми?

— Буни сир тутиб ўтирмайлик, ўртоқлар,— деди студентлардан бири,— ўртоқ Попов «Америка овози»ни ва ҳар қандай «эркин европалар» овозини эшитиб туради. Биз бу ҳақда унга айтган эдик. Унинг мияси ожизроқ, ярамас гапларга қарши туролмайди, дейилган эди.

— Ярамас гаплар ичидан ҳақиқат уруғи ҳам чиқиб қолади,— деди бўш келмай, Попов.

— Бу қанақа уруғ экан?

— Йигитлар, йигитлар! Бас қилишингизни ўтиниб сўрайман!— деб қичқирди Аллочка, ўрнидан туриб.— Бунақа бемаъни гапларни қўйинг.

— Бу бемаъни гаплар эмас!— деб қичқирди Попов.— Бу пишиб етилган гаплар. Бу ҳақда жим қолиб бўлмайди. Биз бўлсак индамаймиз, биз ҳамма нарсадан қўрқамиз, ҳаммасидан уяламиз. Касал оғирлашиб боряпти.

— Қанақа касал?

— Шунақа. Биз шахсга сиғиниш оқибатларини тугатадиган бўлсак, нега эски аппаратни тарқатиб юборишмаяпти?

— Қанақа аппаратни?— деб сўради Капа.

— Ҳар қанақа. Ҳар хил. Бюрократик аппаратни.

— Менинг отам — аппарат!— деди Капа ҳаяжон ичида ғурурланиб.— У эсини таниган дастлабки йиллардан бошлаб Совет ҳокимияти учун, партия учун, халқ учун курашиб келган. Бир соат ҳам дам олишни билмаган! Ҳеч қачон! Шу тўфайли унинг юраги жуда ногирон. У ўзини бутунлай одамларга, ватанга бағишлади...

Капанинг кўз остлари пирпирай бошлади. Коля Пузирев стаканга сув қўйиб, унинг ёнига югурди.

— Бу нима қилганингиз, бу нима қилганингиз?— дерди у.— Бунақа ҳояжонга тушманг, ярамайди. У аҳмоқ вассалом.

— Йўқ, у аҳмоқ эмас!— деди Капа бир хўплаб.— Бун

биринчи марта гапираётгани йўқ. Биз уни кечирган эдик. У гўё революцион йўлдан четга бурилганимизни гапирган эди. Биз уни беҳуда кечирган эканмиз. У чириган, чириган!

— Капочка, бу гапинг беҳуда,— деди Зина.— Уйлаб гапириш керак: чириган эмиш! Жора йигирма икки ёшда. У қаерда ва қачон чириб қолибди?

— Баъзан кўкармасдан ҳам чириydi,— деди Андрей.

— Ҳаво айниганда,— деб унинг гапини маъқуллади студентлардан бири.— Лойгарчилик ва ёғингарчиликда.

— Ўртоқ Попов,— деди Андрей.— Иккаламиз биринчи марта учрашдик, биз бир-биримизни танимаймиз, ҳозир айтмоқчи бўлаётган гапимни, ёки бу ерда сизнинг ўртоқларингиз ва менинг ўртоқларим айтиб ўтган гапларни, сиз, эшитишга мажбур ҳам эмасдирсиз. Лекин сизга айтсам, ишчилар тўғрисидаги сўзларингиздан қаттиқ ранжидим. Мана мен ишчиман. Менинг отам ҳам, бобом ҳам ишчи. Бобомнинг отаси ҳам ишчи бўлган.

— Лекциями бу?— деб сўради сурбетларча Попов, стулда ялпайиб ўтиргани ҳолда.

— Ҳа,— деди жавобан Андрей вазминлик билан.— Бу маълум ўзи, айрим одамларга ҳақ гап айтилса, улар: «Лекция-ку! Ҳаммага аён! Чайналган гаплар бу!» деб бақаришади. Масалан, БМТда ҳақиқатни умуман «большевистик пропаганда» деб аташади. Ҳа, шундай, лекция. Менинг катта бобом, яъни бобомнинг отаси печь ёрилганда ҳалок бўлган. Ишчилар уни дафн этишганда казаклар чақирилган экан. Улар бобомнинг ўртоқларини қамчи билан савалашибди, қилич билан чопишибди. Энди ҳеч маҳал шундай бўлмасин, деб менинг бобом Октябрь революциясини қилган эди. Халқ ўз тақдирига ўзи эгалик қилсин, деб бобом ҳам, отам ҳам жонажон Совет давлатини барпо қилган. Менинг бобом гитлерчиларнинг заводимиздаги печларни ишга солишга йўл қўймай, ўзининг ишчилик жанговар постида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Менинг отам фронтда жанг қилиб, биз билан сизнинг ҳаётингиз учун ўз ҳаётини қурбон қилди. Буларнинг ҳаммаси ўтмиш сира қайтиб келмасин деб, казакларнинг қамчилари ҳам, полицияларнинг қиличлари ҳам сира бўлмасин, деб қилинган. Худди ана шуни деб мен ҳам керак бўлганда ўз кичик ҳаётимни қурбон қиламан. Сиз айтгандек, кимга қарши оммавий ҳаракатлар уюштиришимизни истар эдингиз? Ўз ўзимизга қаршими? Боболаримиз, оталаримизнинг ишига қаршими? Ўзимизнинг ишимизга қаршими?

— Ота-боболар жуда сероб экан-ку!— деди мазах қилиб Попов.— Улар қандай бўлганини биз биламиз. Лекин сизнинг гапингиздан бизнинг ҳаётимиз жуда дудмол бўлиб чиқяпти.

— Попов!— деб қичқирди жаҳл билан Аллочка.— Унинг боболари,— у Андрейни кўрсатди,— оч ва яланғоч умр кечирган. Сен-чи? Костюмингни қара, қандай ажойиб матери-алдан тикилган. Сен уни «Америка овози»дан олдингми? Сен ойида лоақал бир кун оч ўтирасанми? Еганинг олдингда, емаганинг кетингда, уст-бошинг шай, уй-жойлик қилиб қўйиш-ган, стипендия бериб, сени ўқитишяпти. Вайсагани уялсанг-чи! Жўна, капиталистлар ёнига, аҳмоқ...

— Койимаслигингни сўрайман?— деди Попов.

— Йўқ, койийман. Ҳа, ҳа, сен аҳмоқсан, аҳмоқ, аҳмоқ! Сен ўша чет эл радиосидан бирорта нарсани эшитиб олган-сан-у, аҳмоқона китобларни роса ўқиб, бўлмағур гапларни вайсаганинг вайсаган. Мана, капиталистлар ёнига боргин-да, у ерда стипендия, олий маълумот олиб кўргин, сўнгра врач бўлиб иш топиб кўр, сенинг сафсаталарингни биз ўшанда эшитайлик.

Коля Пузирев бу гапни тўхтатишга қарор қилди.

— Менга қаранглар,— деди у.— Ўртоқлар! Биз бу одамни бугун барибир қайта тарбиялай олмаймиз. Жин ур-син уни! Қадаҳларни тўхтатиб, бир оз танца тушсакмикан дейман. Андрей яхши пластинкаларимиз бор, деб юрган эди.

— Тўғри!— деди Аллочка.— Коля, сиз гений экансиз-ку.

— У шаҳар Советининг депутаты.

— Бригадир ҳам! У бошқаришни билади!

— Бу ерда пўлат эритаётганимиз йўқ-ку.

— Афсус. Мен уни эритаётганлар соғлиғи учун қадаҳ кў-таришни таклиф қилардим.

— Чўян қайнатувчиларнинг соғлиғи учун ҳам.

— У қайнатилмайди, эритилади.

— Аҳамияти йўқ. Сизларнинг соғлигингиз учун, Андрей, Коля ўртоқлар, сизларнинг соғлигингиз учун ҳам, Махоткин ва Серегин ўртоқлар.

— Попов, албатта сизларнинг соғлигингиз учун уриштир-майди,— деди Белобородько,— шунинг учун мен қўшалоқ порция қабул этишга мажбурман.

— Йўқ, бўлмайди,— Аллочка бу сафар ҳам бўш келма-ди.— Қўшалоқ-пўшалоғи йўқ. Бу ерда ҳамма тенг.

— Боғчада, олчалар тагида ёзда қуриб қолган ерни пош-налари билан буйдалаб танца тушишди. Радиолани дераза тоқчасига қўйишди, унинг овози бутун Овражняга, ҳатто жарликдан нарёққа, олис чўлга ҳам барала эшитиларди. Аллочка фақат Коля Пузирев билан танца тушар, улар тин-май алланарсалар тўғрисида сўзлашарди.

— Колька яхши эмас,— деди унга Серегин пайт пойлаб.— Бу ўртоқчиликдан эмас.

Коля унинг гинахонлигига эътибор қилмади. Серегиннинг

жаҳли чиқди-да, ўтириб-ўтириб кейин сездирмай жўнаб кетди. Попов ҳам ҳеч кимга сездирмай жўнаб кетди.

Танца тушиб бўлгач, ҳамма боғчага тарқалиб кетди, боғча кичик бўлса ҳам, ҳар ким қулайгина жой топа олди. Ҳамма жойда суҳбат, баҳслашув бўлаётганига Қапанин ишончи комил эди...

— Андрей, бизникида аллаким ўпишяпти.

— Нима бўпти,— деди Андрей.— Сенга нима?

— Қизиқ, ким экан?

Сўнгра чой ичилди, қовушмаганроқ хор билан бир неча қўшиқлар айтишди-да, тарқалишди. Энг кейин, ҳаммадан кейин Коля Пузирев билан Аллочка кетди. Аллочка боғчанинг аллақаерида шарфини қолдириб, уни узоқ қидиргани, Коля ҳам бирга қидиргани учун шундай бўлди.

— Муғомбир Алка,— деди Капа, ниҳоят улар ҳам жўнаб кетгач.— Сенинг Колянг унга ёқиб қолганини кўриб ўтирдим. Коля уни уйига кузатиб қўйсин учун шундай йўл топди.

— Ундан сўнг — адрес... Бирорта телефон номери: икки, йигирма — икки нуль.

— Ҳа. Ундан кейин қайиқ сайрига таклиф этади,— деди Капа фаҳмлаб.— Кейин йигит ўз мартен цехи ёнида куйиб қолади. Аллочка уни даволайди.

Улар эшик олдида қучоқлашди.

— Сен уни нега айиқдек эзипсан?— деган Моекичнинг овози эшитилди.— Бу ҳолида уни бундай қилиб бўлмайди. Оғир оёқлик аёлни эҳтиёт қилмоқ керак, нодон.

— Кулиб уйга қочиб киришди.

— Бунча ғалати,— деди Капа.— Аёл-а! Дадам билан ойим қандай аёл ўстиришганини эшитса эди!

Алғоқ-далғоқ бўлиб ётган стол устиси йиғиштирмай, бу ишларни эртага қолдириб, тинчгина чой ича бошлашди.

— Ҳарқалай чарчадим — деди Капа.

— Поповингиз аҳмоқ бола экан,— деди Андрей.

— Сизлар унга боплаб жавоб бердингиз. Жуда хурсанд бўлдим. Унинг ўз фикрини айтгани, балки, яхши бўлди. Ҳамма дарҳол фикр ҳам, оўз ҳам, далил ҳам топа қолди.

— Ёқимсиз гап, умуман,— деди Андрей.— Демак, орамизда шундай фикрда юрганлар ҳам бор экан. Мен буни қолиб жетган гаплар деб ўйлардим. Печдан нари кетмай, ишлашнинг биласан киши, кўрганинг завод йигитлари бўлиб, ҳаёт шулардангина иборат, деб ўйлайсан. Ваҳоланки, ҳаётда бунақа нарсалар ҳам бўлар экан...

Улар бир-бирларининг ўйчан, безовта кўзларига тикилишиб, стол ёнида рўпарама-рўпара ўтиришарди. Ватан хавф остида қолгудек бўлса, улар нима қилишларини жуда яхши билишарди. Улар Павел Корчагинни севишар, ёш гвардия-

чиларни, Зояни, Чайкани, Матросовни севишар, чунки улар мушкул йилларда Капа билан Андрей Ершовлар ҳам тутажак йўлдан борган эдилар.

Орлеанцев партия комитетига келди.

— Бир маҳал,— деди у, «креслода оёғини лиқиллатиб ўтиргани ҳолда,— бу кабинетда инженер Крутиличнинг рационализаторлик таклифига директоримиз Чибисов қандай муносабатда бўлганлиги муҳокама қилингани ёдимда. Ушанда ўртоқ Чибисов бу ишга аҳамият бермаганлиги, тушуниб етмаганлиги, бандлиги, ўраллашиб қолганлиги ва ҳоказо сабаб бўлганини айтган эди. Афсуски, фактлар иш бундай эмаслигини кўрсатиб турибди. Мана, марҳамат қилиб, ҳужжатларни кўринг.— У портфелидан қоғозларни олиб, партия комитети секретарининг столига ёзиб қўя бошлади.

Партия комитетига аллақачон келиш, бу ҳужжатларни аллақачон ошкор қилиш мумкин эди. Лекин Орлеанцев бу ишни ўша дарғазаб бўлган Крутиличга қилдирмоқчи, унинг ифво тарқатиб, қалбаки ҳужжатлар билан идорама-идора қатнатмоқчи эди. Бироқ Орлеанцев бир нарсани эътиборга олмаган эди. Квартиралик бўлиб олиб, яхшигина маошга эришган ва завод ихтирочилари устидан ҳукмдор бўлиб олган ўша Крутилич шаҳиддан тушганини Орлеанцев ҳисобга олмаган эди. Орлеанцевнинг режаларига биноан, плагиатор бўлиб чиқадиган Казакова тўғрисида Крутилич ҳатто бундай деди: «Очиғини айтсам, Константин Романович, унинг бу кичкина гуноҳидан кечган ҳам бўлардим. Эҳтимол, биз у билан параллел борган бўлсак. У, умуман плагиатор ҳам эмасдир. Бу фикр менинг ҳам, унинг ҳам ақлига бир вақтда келгандир. Шундай ҳам бўлади-ку. Тарихдан маълум бундай мисоллар»—«Эҳ, Крутилич, Крутилич, сиз ғалати одамсиз» деди Орлеанцев, ўзини вазмин тутишга тиришиб. «Чакки одам эмасман,— деди Крутилич.— Асло, чакки эмасман, Константин Романович».

Крутиличдан бевосита мадад ололмаган Орлеанцев заводга «Пўлат ва услуб» деган мақола автори яна келмаганида балки, ўз қоғозларини ишга солишга журъат этмаган бўларди. Орлеанцев мақола автори билан уч кун бирга бўлди. Адабиётни ўз мақоласи юзасидан чора кўрилмаганидан ранжиди, шаҳар комитетига — Горбачев ёнига борди, редакцияга кирди. Чибисовгагина йўлиқмади, негадир у билан учрашишни истамади. «Ҳеч бир шубҳа йўқки,— дерди у Орлеанцевга,— барча эски, қоғоқ, догматик нарсалар супурилиб таш-

ланади. Сиз бу ерда янги шабадани сезмаяпсизми? У яна янги, янада кескинроқ ва қатъийроқ мақола билан чиқажагини ҳам айтди.

Текширилмаган, ўрганилмаган нарсаларга киришиш Орлеанцевнинг ҳаётий принципларига зид келарди, албатта, лекин адабиётчининг нутқлари унинг фаол ҳаракатлар қилиш зарурлиги тўғрисидаги ишончини мустаҳкамлади. Йўқса, вақтни ўтказиб, биринчи бўлмай қолади.

— Мана ўша ҳужжатлар,— деди Орлеанцев такрор, барча варақларни партком секретари олдига ёзиб қўйиб.— Булар ўртоқ Чибисовнинг ихтирочилар билан ишлаш методини ғалати тушунишини кўрсатади. Мана унинг бош инженерга ёзган хати, бунда у бош инженердан тароз-вагонлар кабиначини совитиш тўғрисидаги топшириқни ўртоқ Крутилич қандай бажараётганини кузатишни сўраган. Демак, шундай топшириқ бўлган, демак, директор бу ишдан манфаатдор бўлиб, бу ишга ихтирочи Крутилич жалб этилган. Шундан кейинчи? Кейин — мана Крутиличнинг иш бажарилганлиги тўғрисидаги доклад хати. Мана бу унинг шу ишга ёзган тушунтириш хати. Мана тароз-вагонларнинг электр совитигич схемаси. Мана хомаки ёзувлар, эскизлар. Вақтини қаранг — бу қачон бўлган? Аллақачон, январда Крутилич завод директорининг топшириғини боплаб бажарганини нега ҳеч ким билган эмас? Нима учун буларнинг ҳаммаси папкага тикиб қўйилиб, ҳаракатсиз қолдирилган? Бу, Чибисовнинг Крутиличга нисбатан нотўғри муносабатда бўлганини оғиздан олиб, зимдан адоват сақлаганидан эмасмикан, ўртоқ секретарь? Балки, топшириқни ҳам бажара олмаслигидан умидвор бўлиб, ихтирочининг обрўсини тўкиш учун бергандир? Бунга қарамай, Крутиличнинг қобилияти, таланти туфайли бу топшириқ бажарилганда эса, директор уни завод жамоатчилигидан яширган. Бундан кейинчи? Бундан кейин... Тароз-вагонлардаги ҳароратни бир илож қилиб тугатиш зарур бўлганидан Крутиличнинг таклифидан фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар. Бу таклифни Крутиличники эмас, ҳар жиҳатдан тузсиз инженер Козакованики, дегандек қилиб бажаришмоқчи бўлишган. Бунда қандай усул қўлланилганини билиш қийин. Ё барча ҳужжатларни Козаковага тўғридан-тўғри беришган, ёки яхшилаб айтиб беришиб, ҳал этиш йўлига ишора қилишган. Лекин бу жиҳатнинг аниқ эканлигига кафил бўлолмайман, тахминимни айтяпман. Буниси менинг тўқганим, афв этасиз.

Партия комитетининг секретари ҳаяжонда эди. Бир томонда — Орлеанцев желтириб берган қоғозлар. Иккинчи томондан — Чибисовнинг бундай найрангбозлик қилишига ишониб бўлмасди.

— Ҳа...— деди у гумонсираб.— Қани, қолдириб кетинг, ўртоқ Орлеанцев, текшириб кўрамиз.

Партия комитетига чақирилган Чибисов бу қоғозларни кўриб, ҳайратда қолди.

— Мен нима дердим?— деди у.— Тўғри, мана менинг бош инженерга ёзган хатим. Тўғри, Крутиличга топшириқ берганман. Лекин... Бу ҳужжатларни биринчи марта кўриб турибман.

— Козакова билан гаплашганмидингиз?

— Гаплашган эдим. У ўз таклифини сўзлаб берган эди. Ажойиб таклиф. Мен маъқулладим. Бош инженер ҳам маъқуллади. Конструкторларга, электрикларга топшириқ берган эдик. Ҳозир монтаж қилишяпти.

— Нега Козакованинг таклифини маъқулладингизу, Крутиличнинг аввал ишлаб чиқилган худди шундай таклифини ташлаб қўйдингиз?

— Билмайман. Худо ҳақи, билмайман.— Чибисов Крутилич билан барча учрашувларини, суҳбатларини эслашга зўр бериб тиришар, босиб-босиб папирос чекар, ниҳоятда гуноҳкор одамдек кўринарди.

— Чалкаш иш.— Партия комитетининг секретари узоқ жим қолиб, бир парча замша билан кўзойнагини артарди.

Бош инженерни, Орлеанцевни, тегишли бўлимларнинг инженерларини, домна цехининг бошлиғини ва бош мастер Воробейнийни чақиришди. Ҳаммаларини биргаликда парткомга йиғишди. Воробейний баҳорда Крутиличнинг шунга ўхшаш бир таклифини эшитганини айтиб, Крутилич бу таклифни ё қилган эди, ё қилмоқчи бўлиб юрган эди, деди. Лекин шундай гап бўлган, ҳа, бўлган, Крутилич бир йил илгариёқ окипа чуқурига тушиб юрган эди, бунини ишчилар тасдиқлашади. Бош инженер, директорнинг хати ёдимда, лекин айбимга иқрорманки, топшириқни бажармадим — Крутилич билан ўз вақтида гаплашмадим, ишнинг боришини контроль қилмадим, деди. У Орлеанцевдан Крутиличнинг ҳужжатларини қаердан топиб олганини сўради. Орлеанцев, директорнинг хати қўшиб тикилган ўша архив папкасидан топдим, деди. «У ерга қаердан келиб қолибди?— деб сўради Чибисов.— Қимдан?»—«Сиздан бўлса керак, ўртоқ Чибисов.— деди Орлеанцев.— У папкада сиздан бош инженерга юборилган материаллар бор, холос».—«Қўлимда бундай материаллар бўлган эмас!»— деб хитоб қилди Чибисов.— Бўлмаган! Бунда бирорта сеҳргарлик бор!»

Ниҳоят, бу чалкаш ишни текшириш учун комиссия тузишга қарор қилинди. Лекин бу иш тўғрисидаги миш-мишлар комиссиядан илгари тарқалиб кетди. Воробейний ўша кунгидеҳ Орлеанцев билан қисқагина учрашиб олгач, цехдаги мас-

терларга ва ишчиларга бундай деди: «Ҳаммаси учун Козакованингина айблаб бўлмайди, албатта. Козакова айбдор, айби бор. Ҳақиқатан васвасага берилган. Лекин дирекция ҳам уни васвасага солмаслиги — бировнинг таклифини тиктиртмаслиги керак эди». — «Дирекция нега бундай қилди? — деб сўрашди Воробейнидан. — Қимнинг таклифи — Крутиличникими ёки Козакованикими, нима фарқи бор? Гап — ишнинг битганида». — «фарқи бор, ўртоқлар, бўлганда ҳам каттагина фарқи бор. Биринчидан, директор Крутилич билан кўпдан буён желишолмасди. Крутилич туфайли жазо ҳам олганман, деб ўйлайди. Иккинчидан, биз ҳаммамиз одаммиз-ку, инсонлармиз-ку... Инженер Козакова — аёл, ўртоқ Чибисов — эркак одам... Мен ҳеч нарса даъво қилмайман, менинг фантазиям бу, лекин асоссиз бўлмаса керак, деб ўйлайман».

Бу миш-миш ва иғволар уюми шу тариқа ўсиб борди-ю, шитоб билан келиб, Искрага урилди.

— Крутиличникини шилиб олсин деб, сизни қайси шайтон васваса қилди! — деди унга цех бошлиғи ўзининг қўполроқ муомаласи билан. — Бошқа бировники бўлса ҳам майли эди, келиб-келиб бир девонаникини-я.

— Ахир бу ёлғон гап-ку, — деди Искра куйиниб. — Ёлғон, даҳшатли ёлғон. Наҳотки сиз бунга ишонсангиз?

— Мен сизга ҳам ишонишга тайёрман, албатта, Искра Васильевна. Лекин ҳужжатларга ҳам ишонмай бўлмайди. Ҳужжатлар-чи... уларни парткомга бориб ўқидим... Ишонарли ҳужжатлар.

— Майли, майли, Крутилич бўла қолсин!.. У таклиф қилган бўла қолсин, ҳаммасини ола қолсин. Лекин мен уникини эмас... Ўзим, ўзим...

— Балки, шундайдир, Искра Васильевна, эҳтимол. Мана комиссия текшириб юради.

— Виталий, Виталий, Виталий! — деб қичқирганича, Искра уйга югуриб кирди. — Даҳшатли фалокат, даҳшат!

Уйда Виталий йўқ эди. Стол устида, ҳар галгидек, хат ётарди, парда орқасида эса Люська ухларди. Виталий хатда Люськани овқатлантирганини, ҳатто Искрага ҳам таом ҳозирлаб одеялга ўраб қўйганини, ўзининг бекачлик бурчларини тамомлаб чиқиб кетганини, Искра уни кутиб ўтиртмаслигини айтган эди.

Искра хонада тўлғаниб кезинарди, ҳеч нарса еёлмади, кўчага югуриб чиқди — у бутун дардини айтиб беришга бирорта одам изларди.

Искра ўз хаёлига бу фикр қаердан келганига ҳайрон бўлдию, янги завод уйи томон югуриб кетди, у Орлеанцевни қидириб топмоқчи эди. Ахир, ҳужжатларни топган ва уларни

партия комитетига олиб борган ўша-да. Бош инженер бу ҳақда: «Парткомга бунчалик шошиб югурмаса ҳам бўларди. Олдин мени хабардор қилса, ёки директорга маълум қилса бўларди» деган эди. Искра Орлеанцевни кўпдан буён, унинг такаббурона муомала қилишга уринган ўша цехдаги тўқнашувдан буён ёқтирмай юрарди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ — ёқтирмаса ёқтирмас, лекин ишнинг барча тафсилотларини аниқламоқ керак.

Квартира эшигига Орлеанцевникига уч марта қўнғироқ чалиш кераклиги ёзилган эди. Искра қўнғироқни чалди. Орлеанцев уйда эди, эшикни очиб, Искра олдида иссиқ момик пижамада чиқди; унинг қўлида узун найча бўлиб, ундан хушбўй ҳид тарқаларди.

— Сизмидингиз?—деди ажабланиб Орлеанцев.—Марҳамат.

У, Искрани ўз хонасига бошлаб кирди. Бу ердаги ёзув столи устида очиқ блокнот ва унинг устида олтин пероли чиройли ручка ётарди. Орлеанцев Искра қўнғироқни чалганда, афтидан, бирор нарса ёзаётган бўлса керак, столда блокнот билан ручкадан бошқа нарса йўқ эди; у топ-тоза ва бўш—бирорта ҳам китоб, қоғоз қалам йўқ эди.

— Ўтиринг,—деди Орлеанцев креслони кўрсатиб.

Искра ўтирдию, шу ердагина бу одамнинг олдига келиб нодонлик қилганини сизди. У, Орлеанцевнинг олдига нега келди? Бу совуқ ва ўзига бино қўйган одам унинг устидан кулади, холос; Искранинг келганини у ўз ошналарига бир кулгили латифа тарзида сўзлаб беради. Искра индамай ўтирарди. Орлеанцев найчани тозалар ва унга янгидан олтин ранг тамаки жойларди. Бирдан Искранинг юзидан беихтиёр ёш оқиб туша бошлади.

— Бу нима қилганингиз?—деб сўради у.—Шундай жасур, шундай мустақил аёл бўла туриб...

Искра тезда кўзларини артди.

— Кечирасиз,—деди у,—Сизни беҳуда безовта қиялланман, албатта. Нима учун мени Крутиличдан бирорта нарса олган деб ўйлашингизни билмоқчиман. Ё сиз партия комитетига олиб борган қоғозлар ичида менинг тўғримда ҳам гап борми? Ёки сиз шунчаки шундай деб ўйлайсизми?

Орлеанцев кетма-кет гугурт чақиб, найчани тутатарди.

— Бу мен учун жуда муҳим гап, ахир,—деб давом этди Искра.—Агар унда ана шундай ўзлаштириб олганликни тасдиқловчи нарса бўлса, бу ҳужжатлар қалбаки бўлиб чиқади, чунки мен ҳеч кимдан ҳеч нарсани олиб ўзлаштирган эмасман. Мен билмоқчиманки...

— Йўқ,—деди Орлеанцев,—сиз сўраётган нарсанинг ёзма шохиди у қоғозлар орасида йўқ. Мен ҳам партия комитетида бўлганимда бундай деб даъво қилганим йўқ.

— Ахир, сиз бунн айтгансиз-ку. Айтганмисиз?

— Нукул тахмин, эҳтимол тарзида. Бу шундай эмас экан рад этинг. Айбимни жон деб бўйнимга оламан.

— Рад эт-а! Йўқ бунн сиз исбот қилинг! Иғвони сиз тарқатгансиз. Энди исбот қилиб беринг...— Искра ўрнидан сапчиб туриб, кинояли илжаяётган, оёғини ликиллатиб, уруғвор қиёфада ўтирган бу одамни муштлайдиган бир ҳолатда эди.

— Хотин киши бўлмағур гаплар айтаверишни ўзига раво кўриши мумкин.— Орлеанцев виқор билан таъзим қилди.— Эркаклар — бунн сўзсиз қабул қилишлари керак.

— Сиз беҳуда масхарабозлик қиляпсиз.

Орлеанцев яна таъзим қилди, лекин бу сафар илжаймади.

Орлеанцевнинг кўнглида қарама-қарши бир жараён содир бўлаётган эди. У, Искрани эшикда кўриб, ўнғайсизлик ҳис этди, юмшоқ қилиб айтганда, ўзи ёлгон гап тақатаётган одамнинг кўзига қарашни кўнгилсиз эди. Бир дақиқа ичида бу кўнгил ғашлиги ва ўнғайсизлик ғойиб бўлди-да, Искра креслога ўтириб, бунинг устига кўз ёшини ҳам арта бошлагач, Орлеанцев яна мулзам этувчи кинояли жилмайди. Орлеанцев бу жувонни қўлидан тутиб, ўзига тортгиси келган, жувоннинг эса ҳамма баҳсларни, ҳамма жанжалларни унутишини истаган минут ҳам бўлди. Ҳақиқатан ҳам, нима кераги бор бунинг? Энди хотин киши билан олишиши ва жанжаллашиши қолган эканми, унга яқинроқдан назар солиб кўрса, бинойидек истараси иссиққина хотин экан-ку ўзи. Лекин Искра тилга кириб, ҳужум бошлагач, у ҳушёр тортди. Масхарабозлик тўғрисидаги танбеҳ Орлеанцевни жуда аччиқлантирди. Жозибадор хотин жозибасиз бўлиб қолди.

— Яна нима дейсиз,— деди Орлеанцев қуруққина қилиб.

— Яна шуки,— деди Искра зўр қатъият билан,— шуларнинг ҳаммасидан кейин сиз виждонсиз, пасткаш одам экансиз, совет кишини эмас экансиз.

— Хўш, яна нима?

— Яна шуки, сизнинг олижаноб намунангизга риоя қилинадиган бўлса, сиз тўғрингизда министрликда юрган барча миш-мишларни ва иғволарни: саргузаштларингизни, хотиннингиз деярли барча ёш ходималар билан жанжаллашгани, машҳур Газюня воқеасини заводга ёйишим керак бўлади...

— Етар, деб ўйлайман,— деди Орлеанцев ўрнидан тураётиб.— Бу ширингина хотиралар оқшомни учун сиздан жуда миннатдорман.

— Марҳамат.— деди Искра, ўрнидан турар экан. У ожизлигидан, бу одамнинг жаҳлини чиқариб бўлмасликдан даргазаб эди.



Искра шу кўйи унга бошқа нарса демади ҳам, Орлеанцевнинг кузатишида зина айвончасигача чиқиб, жўнаб кетди. Искра бир қават пастга тушганда унинг орқасидан Орлеанцев:

— Тез-тез кириб туринг,— хурсанд бўламан. Бундай ёқимтой суҳбатдош ҳар кун ҳам келавермайдн,— дедн, эшикни ёпиб олди.

Искра уйга қайтиб келди. Эртага барвақт туриш кераклигидан — ётиш, ухлаш, мириқиб ухлаш керак эди. Лекин Искра ётолмасди, ухломасди. Унинг ҳаётида шу кунлардагидек фалокат ҳали содир бўлмаган эди. Искра китобларда виждонли, яхши одам устидан тухмат қилингани тўғрисида ўқиганда: бундай бўлиши мумкин эмас, тухматчиларга ким ишонарди, тухмат қилишга ким йўл қўярди, дерди. У турмушда содир бўладиган кўп ёмонликларга ишонмас, деярли ҳамма ёмонликлар ўлиб битган, ўтмишда қолиб кетган, деб ўйларди у. Энди бирдан... Бу нима деган гап? Наҳотки булар унинг бошига тушган бўлса? Эҳтимол, бу болалигида кўрадиган даҳшатли, қўрқинчли тушдир? Уйқудан уйғонсаю, улардан асар ҳам қолмаса?

Искра болалик чоғларини, отасини, унга опичиб олиб биргаликда ўрмонга, дарёга борганликларини эслаб кетди. Отасининг иссиққина орқасига ҳузур қилиб тармашиб оларди у. Отагинасининг паноҳи... Кичик Искра унинг паноҳида қанчадан-қанча фалокатлардан яшириниб қолмади... Болалар бир кун Коля — дровоколя деган девона сифат бир амакини майна қилишганда, дровоколя таёғини ўхталиб, негадир худди докторнинг саккиз яшар қизн Искра кетидан югурган эди. Искра ҳозир буни хотирлади. Искра қаттиқ қичқириб, қоқилиб йиқилиб, қишлоқ кўчасидан уйига югурарди. Бирдан ёрдамга чиқиб келган отаси бўлмаганида, Искра темир қоқилган катта таёқдан узоққа қочиб кетолмаган бўларди...

Отасининг орқасига яшириниб олиши биланоқ ҳамма қўрқув тарқалиб кетар, барча аламлар ариб, жами фалокатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетарди.

Ҳозир у ана шундай ҳимоячига жуда муҳтож эди! У ушбу дақиқада бирор кимсанинг ишончли, иссиққина орқасига жуда яширингиси келарди. Виталий-чи?.. Эҳ, Виталий... Ўзининг бундай ўқинганидан Искра, нега ўқиняпман, ўзимни бебахт ҳисоблаяпманми, деб ўйлади. Бу бемаъни фикрлар, деди ўз-ўзига. Мен бахтлиман. Мен жуда бахтлиман. Менинг Люськам бор, севадиган ва севишли, яхши, талантли эрим бор, бошқа хотинларга нисб бўлмаган жуда, жуда ажойиб касбим бор.

У, ўзининг бахтиёр эканлигини такрорласа ҳам, кўзлари ёшга тўлди. Виталий нега йўқ, Искра оғир аламлик дақиқа-

ларда қолганида нега у нуқул йўқ бўлади? У театр учун ишлайоти, янги спектаклни безаяпти. Унинг ишга берилиб кетганлиги рост. Лекин кундузи ишласа бўлмайдим, буни кечалари ва албатта кеч қолиб қилиши шарт эканми?

Искра юқоридаги чироқни ўчириб, Виталий икковларига тўшак хизматини ўтовчи сўри ёнига қўйилган тумбочкадаги тўнги чироқни ўчирмади, бироқ сўрига чиқиб ётмай, парда орқасига ўтди-ю, Люськанинг ёнига ғужанак бўлиб ўрнашди. Люська уйқу аралаш уни бўйнидан қучоқлаб олди ва қулоқларини тагида бир текисда иссиқ-иссиқ пишиллади. Искра қимирлашдан чўчиб, шу зайлда бир соатча, балки, икки-уч соатча, то Виталий келгунча ётди. Виталий Гуляев билан бирга келди, ўлгиндек маст эди. Гуляев эса тамомила ҳушёр эди.

Виталийни кушеткага ётқизишди.

— Қим билан бўлганини билмадим, Искра Васильевна,— деди Гуляев ҳўмрайиб савол назари билан қараб турган Искрага.— Шахсан менинг иштироким йўқ, унинг ҳам, сизнинг ҳам олдингизда айбдор эмасман. Икки ойдан буён оғзимга олмайман. Кекса Окуневнинг образи мени мафтун қилиб қўйди. Шундай юксакликдан ичкиликбозликдек продасизликка тушолмайман, образ йўл қўймайди.

— Сиз буни қаерда топдингиз?— деб сўради Искра алам-ли оҳангда.

— Образини?

— Виталийни.

— Барини тугади! Ҳаммаси соврилди!— деб ғўлдиради Виталий кушеткада ағанаб.

— У йўл-йўлакай қулоғимга шу гапни ғинғиллаб келди,— деди Гуляев.— Уни уйим ёнида, айвончада учратдим. Ухлаб ўтирган экан. Уйига келишни истамай, меникига келганини, шундай, ҳаммаси тамом бўлганини, валдирарди.

— Ҳа, тамом бўлди!— деди Виталий, кушеткага ўтириб. Сиз мени алдадингиз, мени боши берк кўчага, санъатнинг эски, ишдан чиққан паровозлари мурдадек совқотиб турган жойга олиб бориб қўйдингиз. Мен ўзимнинг ноёб йўлимни излар эдим. Сиз бўлсангиз... сен ҳам!— деди у бармоғини Искранинг юзига қилиб.— Ҳа, сен ҳам, сен ҳам! Мени ташланди йўлга олиб кирдингиз.

У ағдарилиб, ухлаб қолди, оғир нафас олар ва хирилларди. Гуляев Искранинг қўлидан ўпди-да, хизматингизга доим ҳозирман, дедию жўнаб кетди. Искра Виталий ухлаб ётган кушеткага ўтириб, унинг хира юзига қаради, негадир ҳўл ва ёпишқоқ сочларини ушлади, ўзи жуда, жуда бахтиёр эканлиги тўғрисида ўзига ортиқ ғанирмади.

Искра бу кеча даярли мижжа қоқмади. Тонгга яқин, турадиган вақт бўлиб қолиб, Виталий графидан сув олиб

ичиш учун ўрнидан турди-да, кофточка ва юбкаси мижиғла-
ниб кетган хотини ёнида ҳурпайган ҳолда, ўзига ҳорғин, из-
тиробли кўзлари билан қараб турганини кўрди.

— Сенга нима қилди?— деди Виталий, гандираклаб.—
Нега бунақасан?

— Виталий,— деди у, кушеткага ўтириб.— Виталька,
менинг бошимга фалокат тушди, жуда зўр фалокат.

Виталий унинг бошига қандай фалокат тушганини сўра-
мади. Хотини олдида бир дақиқа каловлаб турди-да, ўзининг
плашчи осиглиқ эшик томонга борди, қоронғида тимирскилан-
ди, алланарсани тополмай, сўкинди. Кейин хонада кезиниб,
пиджаги илиб қўйилган стулга тўқнаш келди, чўнтакларни
ни ковлаб, ғижимланган газетани олди.

— Сен доим ўзингни ўйлайсан!— деди у заҳарханда би-
лан.— Бошига фалокат тушганмиш! Қандай фалокат бўлсин
сенинг бошингда? Чўян кўпроқ қайнаб кетгандир-да... Мен
эса, тамоман хароб бўлдим. Тамоман! Ма, ҳузур қил!— Ви-
талий газетани унинг тиззасига улоқтирди.

Ғижимланган газетада ёзилганини ўқиш учун кўзойнак-
ни излаш керак эди. Бунга вақт ҳам қолмаган эди. Завод гу-
доги йўгон овоз билан бўкирарди. Роса қирқ минутдан сўнг
Искра сменани қабул қилиб олиши керак. Бироқ кечаги гап-
лардан сўнг заводга қандай борсин, одамларга қандай қа-
расин?

14

Андрей Искрага сменани топшираётиб:

— Искра Васильевна, хафа бўлманг,— деди. Ҳақ жойида
қарор топади.

— Сиз ким ҳақлигини биласизми, Андрей?

— Унчалик яхши билмасам ҳам, сизнинг устингизда бў-
лаётган бу гапларга ким ишонарди?

— Раҳмат.

Искра кундузи вақт топиб, эрта билан кўрткасининг чўн-
тагига солиб қўйган газетани кўриб чиқди. У пирометрия хо-
насига кириб, Виталий уринтириб юборган саҳифаларни оч-
ди. Унинг кўзлари дарҳол Козаков, деган фамилияга тушди.
Бу режиссёр Томашук имзоси билан чиққан бир ярим под-
валлик каттагина мақола эди. Мақола: «Санъатда қанотсиз
догматизм» деб аталарди.

Виталий билан шунча умр қилган, унинг рассом ва актёр
дўстлари ва танишлари билан учрашган Искра уларнинг
ижодий баҳсларидаги моҳиятни биларди албатта, улар ўрта-
сида социалистик реализмни белгилаш ва талқин этишда
зиддиятлар борлигини биларди. Искра ҳам бундай муноза-

раларда қатнашарди. Кунлардан бир кун Москвада эканларида бир рассом импрессионизмни ҳимоя қилиб, бу оқимга қарши беҳуда юриш қилляпти, аксинча, социалистик санъат бунн ўз қуроли қилиб олиши ва ўз социалистик импрессионизмни яратиши керак, деганида буларнинг ҳаммасини эшитиб турган Искра: «Хўш, агар социалистик импрессионизмни яратиш мумкин бўлса, унда нега социалистик сюрреализмни, социалистик абстракционизмни ва умуман — социалистик формализмни яратиб бўлмас экан?» деди. Унинг тўппа-тўғри, равшан мулоҳазаси «социалистик импрессионизм» ҳимоячиларини қуролсизлантириб қўйди; шундан кейин улар бирор эпақали гап айтолмадилар, бундай ибтидоий ўхшатишлар қилиб бўлмайди, деб қичқиришарди, холос.

Искра Томашукнинг мақоласини ўқир экан, автор танқидини нимага ва кимга қарши қаратганини жуда яхши тушунар эди. Шўрлик Виталий — ўз асарларининг ёмонлигидан эмас, Томашукнинг катта ҳаёт ҳақиқатига қарши, санъатдаги катта, гўзал ғояларга қарши чиқаётгани сабабли мақолага салбий намуна сифатида тушиб қолганига нега тушуна қолмади экан. Албатта, Томашукнинг бундай деб ёзгани разиликдир: «Рассом Козаковнинг воқеликни операция қилиши кимга керак? — деб ёзарди у. — Рассом ўзи модель сифатида танлаб олган. Металлургия заводи ишчисининг юзи урушда абжағ бўлганини (бундан уялмай, ҳатто фахрланса арзийди), унинг улкан прокат машиналари фонида улуғвор бўлиб кўриниш у ёқда турсин, ҳатто йўқ бўлиб кетганини (бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки машиналар ҳақиқатан улкан ва уларни бошқараётган инсоннинг меҳнати шунчалик муҳим) сезмасликка уринган. Козаков ҳақиқатдан очиқдан-очиқ юз ўгиради. У, ҳақиқатга қарши бориб, машиналар қудратини бўйсундирган аллақайси бир мутафаккир билан аллақандай бир гигантнинг тасвирини чизади. Шундай экан, Козаковнинг социалистик реализм билан ҳаёт ҳақиқатини санъатда акс эттиришнинг ўша шарқ подшоҳи истаган методлари ўртасида қандай тафовут бор? Газетхон мени афвэтсин, лекин мен бу ибратли воқияни баён этишта мажбурман. Подшонинг чап кўзи ғилай бўлиб, ўнг оёғи чап оёғидан қисқароқ эди...»

Искра москвалик «санъатшунос» донишманд аёлнинг салонида Томашук эшитиб олган латифанинг узоқ баёнини ўқир эди. «Виталий тушмагур шунга бунчалик хафа бўлиб юрса-я, — деб ўйлади у. — Сенга қарши латифалар далил келтирилгани рақиб қўлида бошқа нарса қолмаганини кўрсатади, демак, сен ғалаба қилиб, рақиб асабийлашяпти, ҳақиқат сенинг томонингда, ҳа шундай.

Искра аввал Виталийнинг асари тўғрисидаги ҳамма гапларни, унинг шаънига айтилган барча заҳарли таъналарни ўқиб чиқди-да, кейин мақолани бошидан тартиб билан ўқишга киришди. Мақолада ҳужум найзаси Виталийга қаратилган бўлмай, Окуневлар тўғрисидаги пьеса асосида спектакль тайёрлаётган театр коллективига қаратилган эди. Томашук бу ўринда рангдор ибораларга роса зўр берган эди. Томашук, ўз сўзи билан айтганда, чуқур, инсоний темалар устида бироз ишлаб кўриб, бу йўл чинакам санъаткорларгина бора оладиган қийин йўл эканини билгач, албатта, социалистик реализм шиори остида, бошқа йўлга — воқеликни бўяб кўрсатиш йўлига кириб олган ёш драматургни мазах қиларди. «Нима сабабдан ушбу методни худди хилватгоҳларни, жароҳатларни ва зиддиятларни очишдан чўчийдиган одам ғоят қизғин равишда, кўп шижоат билан ҳимоя қилаётганлиги устида ҳам ўйлаб кўриш керак!» деб хитоб қиларди Томашук.

Мақолада Алексахин кетидан «илгари талантли актёр бўлиб, лекин киши турмуши нормаларидан турлича чекинишлар билан ўз истеъдодини сарф қилган, кўп қиррали, сербўёқ характерларни ижро этиш қобилиятини йўқотган, биюбарин, кўп меҳнат қилишни талаб қилмайдиган плакатнамо, схематик, чайналган образларни изловчи актёр» Гуляевга навбат келарди. Духовой оркестрнинг собиқ карнайчиси, эндиликда санъат аҳлига билганини зўрлаб суқиштираётган театр директори Ершов тўғрисида мақоланинг бир неча жойида айтиб ўтилган эди. Ҳатто худрук ҳам бенасиб қолмаган эди. Машҳур театр санъаткорларининг машҳур шоғирди ва муҳлиси бўлган бу одам асло принципиал бўлмаган мулоҳазалар билан социалистик реализм байроғини пеш қилаётган ўша пардозчиларга ён берганлигини Томашук одоб сақлагани ҳолда тамомила аниқ қилиб ёзарди. Мақоланинг охирида Виталийга яна тил теккизилиб, бу сафар спектаклни безашга худди шу рассомнинг таклиф этилгани ҳам, унинг рози бўлгани ҳам бежиз эмаслиги айтилган эди. «Бу ерга уларнинг ҳаммасини санъат тўғрисидаги бир хил бузуқ назарлар, бир хил бузуқ методлар тўплади!» деб ёзарди Томашук. Автор мақолани социалистик реализм методини балоғардон қилмай, балки барча методларни, барча оқим ва йўналишларни ўз ичига оладиган социалистик давр санъатини биргаликда яратишга чақириш билан тамомларди.. «Биз метод туфайли найзаларимизни синдириб оламиз-да, чинакам санъатга эриша олмаймиз. Гўзал асарларга эга бўлганимиз, уларнинг қандай метод билан яратилганини ўрганишни эса авлодларимизга ҳавола қилганимиз дуруст эмасми?

Искра уйга дарҳол югургиси, Виталийга ташланиб, бу мақола тўғрисида, бу Томашук ҳақида ва Виталийнинг ирода-

сизлик қилгани тўғрисида ўйлаган ҳамма гапларини айтиб бергиси келди. Искра гоҳо ўз бошидаги фалокатни ҳам унутарди.

Бироқ фалокат ундан нари кетмай атрофида ўралашиб юрарди. Смена охирида цехга бир партком аъзоси, касаба союз ташкилотидан бир ўртоқ ҳамда завод бошқармасидан бир инженер кириб келди; улар комиссиянинг топшириғи билан келганларини айтиб, Искрадан тароз-вагонлар кабинасига электр совутгич ўрнатиш ғояси унинг хаёлига қандай келганини узоқ суриштирдилар. Искрага уларнинг дарҳол ишона қолмай, албатта қайталаб сўрашлари, албатта яна бир қанча ортнқча бўлиб кўринган қўшимча саволлар беришлари жуда алам қиларди. У ҳатто ўзини босолмай: «Худди милициядан келгандек гапирасизлар-а» деди. «Ўртоқ Козакова,— деди завод бошқармасидан бўлган инженер, унинг ҳорғин юзига назар ташлаб — нега бундай дейсиз? Сиздан бунчалик батафсил, бунчалик синчиклаб суриштираётганимизга сабаб шуки, бу ишдан ўзимиз ҳам чуқур ташвишдамиз шунинг учун ҳам ҳеч қандай ноаниқлик қўймай, охиригача текшириб кўрмоқчимиз». — «Лекин ноаниқ жойлари кўп, жуда кўп!» деди касаба союз ташкилотидан бўлган ўртоқ. «Бунинг нимаси ноаниқ, сизга нимаси ноаниқ?» — деди дадил Искра. «Бир фараз қилиб кўринг,— деб гап бошлади инженер,— биз нима десангиз тўла ишонаверсак, унда партия комитети қўлидаги ҳужжатларга қандай қараш керак бўлади?» — «Ўша ҳужжатларда инженер Козакова кашфиётчи Крутиличнинг материалларидан фойдаланганлигига, Козакова бу материалларни билганлигига, унга бу материалларни биров берганлигига, уларни айтиб берганлигига лоақал бирорта ишора борми?» Қаттиқ ҳаяжонланганидан Искранинг қўллари ҳам титрарди. «Йўқ, унда сира бундай гап йўқ» деди унга партия комитетининг аъзоси. «Ана шу, ана шу! — Искра қўллари мушт қиларди. — Ана шу!» — деб такрорларди.

Тўртовлари ҳам бошларини қуйи солиб ўтиришар, тўртовларининг ҳам кўнгиллари ғаш бўлиб, бош инженер ўринбосари ўртоқ Орлеанцев партия комитетига топшириб, изоҳлаб берган қоғозлар билан ўзлари кириб қолган лаънати боши берк кўчадан чиқиб олиш йўлини излардилар.

Искранинг сменаси тугаган бўлса-да, текширувчилар ҳамон цехда эдилар. Улар скипа чуқурига тушиб кўрдилар, цех бошлиғи олдида бордилар, ишчилар билан суҳбатлашдилар. Искра уларнинг кетишини кутиб ўтирмай, бошқа кийимларини кийиб, уйига жўнаб кетди. Автобус остановкасида турар экан, бу ерда Дмитрий Ершов уни кутмаганидан биринчи марта афсусланди. У, Искрага бирор тайинли гап айт-

тан, уни қувватлаган, юпатган бўларди. Искра ҳатто қўлларини Дмитрийнинг қаттиқ кафтлари орасига олишини тасаввур қиларди...

Искра Виталийнинг уйдалигига ажабланди. У Люськани кубиклардан «ойи» ва «дада» сўзлари ясашга ўргатарди. Бошини сочиқ билан боғлаб олган эди.

— Қаттиқ оғрияпти,— деди у.— Афтидан, қон босимим ошиб кетганга ўхшайди.

— Сен ҳамма вақт, ароқ қон томирларини кенгайтиради, деб юрар эдинг-ку,— деди Искра.

— Ароқ кенгайтирмайди, коньяк кенгайтиради.

— Кеча нима ичган эдинг — коньякми, ароқми?

— Ёдимда йўқ.

Искра стол ёнида бироз уринган бўлиб, кейин хонада кезинди.

— Виталий,— деди у.— Уят сенга! Мен мақолани ўқиб чиқдим. Нима учун унга бу қадар аҳамият берасан? Нега: ҳаммаси тугади, барбод бўлди, деб бақирасан? Сен ахир...

— Шунинг учунки!— деди бирдан қизишиб Виталий.— Шунинг учунки, бошимни айлантиришди, шу ботқоқликка тортишди, энди ёлғиз ташлаб, ҳаммалари қочиб қолишди. Мени нуқул: пардоз-чи, шахсиятпараст мадҳиячи, хушомадгўй деб, аташади. Қатта рассомларни ҳозир шу туфайли па-чақлашапти. Туяни шамол учирганда, мендайин эчкиларни осмонда кўр.

— Хўш, сен Томашукни ҳақ деб биласанми?

— Бўлмасамчи!.. Эҳтимол, ҳақдир! Мен қаёқдан билай!

— Ахир, сен доим социалистик реализм дердинг...

— Сира доим эмас. Айтган эдим, хўш, айта қолган эдим. Шундай ҳам бўлади. Сен буни қўй. Социалистик реализм-а! Чет элда уни нима қилишаётганини эшитсанг эдинг!

— Уни чет элда нима қилишаётган экан?— деб сўради Искра, ўзининг кичик жуссасини тўла ростлаган ва дона-дона сўзлагани ҳолда.

— Нимаси шуки, бу метод асосида санъат асарлари эмас, «фанер иншоотлар» яратилганини айтишяпти.

— Сен бунга қўшиласанми?

— Бунинг менга нима алоқаси бор? Бу гапни улар айтяпти. Венгрияда ҳам шундай. Аллақандай намоишлар бўлиб... Студентлар... Езувчилар...

— Кеча ким билан бирга эдинг?— деб сўради Искра.

— Ҳеч ким билан. Ўзим. Кундузи газета сотиб олдим... Ўзим...

— Бугун-чи?

— Бугун... Ҳозир шаҳарда бир йўловчи адабиётчи юриб-

ди... Кечаги газетани ўша олиб келган эди. Сиз, ўртоқ Козаков, янглиш йўлдасиз, дейди.

— Сенга Венгрия тўғрисида гапирган ҳам ўшами? Буларнинг ҳаммасини қаёқдан била қолибди у.

— Москвада сен билан биз ҳам ҳамма гапни бу ердагидан кўпроқ билардик. Қандай бўлиши ёдингдир. Мен сенга бу ёққа бекорга келаётганимизни айтган эдим. Ҳа, айтган эдим! Ботқоқликда ўтириб, турмушдан орқада қолиб кетяпмиз.

— Эсингни йиғсанг-чи, Виталий,— деди Искра, бош чайқаб.— Шунчалик талвасага тушадими одам, жонгинам, ўзингни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа уряпсан. Ботқоқликка олиб киришди, ташлаб кетишади, деганинг бўлмаган гап-ку. Мен ўша Венгрияда қандай эканлигини билмайман-у, совет кишиларимизга совет рассомларининг асарлари ҳам, совет ёзувчиларининг китоблари ҳам, сенинг асарларинг ҳам ёқади-ку. Бу фанер иншоотлар эмас, ахир нега разил гапни, заҳарли бегона разилликни гапирасан. Дмитрий Ершовнинг портрети катта муваффақият қозонди. Чинакам муваффақият қозонди, ахир. Сенинг Томашугинг, Ершовнинг портрети шарқ подшоши методи асосида ишланган, деб ёлғон айтяпти. Бу ҳақиқий, улуғвор асар. Сен нусха кўчирмай, инсон қалбини тушунгансан. Вой нодон-эй.

Шу гап устида Гуляев кириб келди.

— Хўш,— деди у,— борамизми?

— Қаёққа?— деб сўради Виталий нохушлик билан.— Тетраграми?..

— Албатта.

— Бормайман. Мен энди у ерга бормайман. Шартнома-ни йиртиб, ишни ташлайман. «Бу ерга уларнинг ҳаммасини санъат тўғрисидаги бир хил бузуқ назарлар, бир хил бузуқ методлар тўплади».

— Томашукдан цитата келтиряпсанми? Бўлмағур гаплар, Витя. Эътибор берма. Декорацияларни битказавер, репетицияларни тугатяпмиз, индинга катта репетиция бўлади, еттинчи ноябрда — премьер.

— Томашук-чи? Мақола нима бўлади?

— Спектакль битиб турганда мақола билан Томашукка бало борми? Ажойиб спектакль бўлади. Мақолага келсак, у аҳмоқона, зарарли, ёвуз мақола. Саводсиз ҳам. Автор билимдонлик қиламан деган, лекин ўзи... Шарқ подшоши ва уч рассом тўғрисидаги гаплар латифа бўлмай, ўн саккизинчи асрда яшаган машҳур грузин ёзувчиси Сулхан-Сабо Орбелианининг новелласи эканини билмас экан. Умуман, ўхшатишлар қилганда асрлар билан лўттибозлик қилиш ярамайди. Қисқаси, Витя, ишлаш керак, чий демай, ишлаш керак.

— Мен ҳам шундай дедим,— деди Искра.— Унинг эса, ҳафсаласи пир бўлиб ўтирибди.

— Сен ўз рафиқангдан ибрат ол,— деди Гуляев Виталийнинг елкасига қўлини қўйиб.— Яхши одамлар, унинг бошига тушган фалокатни менга маълум қилишди. Буни қаранг-а, Искра Васильевна.— деди у Искрага ўгирилиб ва қўлини олди,— орамизда ҳали шундай аблаҳлар бор экан. Мен бу пойтахтлик шерни ёқтирмай юрардим-а.

— Сиз қандай фалокатни айтяпсиз?— деб Гуляевнинг гапини бўлди Виталий ҳайрон бўлиб.

— Шундайки,— деди яна ҳаяжонга кела бошлаб Искра.— Мени ўғрилиқда, плагиатда, инженер Крутилицининг ғоясини ўғирлашда айблашди. Электр совутгич тўғрисида гапириб берганим эсингдами?

— Бўлгани шуми? Ҳамма фалокату бахтсизликлар шунинг ўзими?— Виталий жилмайди.— Сенинг йўлингни берсин менга ҳам.

— Виталий, уялсанг-чи,— деди Гуляев, Искранинг ҳаяжондан оқара бошлаб, Виталийга жавоб қилиш учун керакли сўзларни тополмаётганини кўриб.— Уял, азизим. Жиддий айб бу, катта фалокат. Ҳаққониятни исботлаш учун кўп куч сарфлаш керак.

— Эҳтимол,— деб елкасини қоқди Виталий.

— Ҳа, айтгандек,— деб Искрани гапга машғул этишга шошилди Гуляев,— айтгандек: ўша Орлеанцевни ёқтирмай юрардим. Аввал у мендан тортиниб юрди. Сабабини билолмадим. Бир ёки икки марта ўтиришдик. Кейин узоқлашдик. Устомон одам. Ҳамма вақт бирорта роль ўйнаётгандек. Менинг актёрлик назаримдан қочиб қутулолмайди у, азизим Искра Васильевна, менга ишонаверинг. Менимча, сизнинг завод жамоатчилигингиз бу ишни тўғри текшириб кўради. Бунчалик куйинманг. Йўқса, йиғидан кўзингизнинг нури қолмай, юзларингиз ғамдан сарғаяди, чиройли, пучуққина бурнингиз чўзилиб қолади.

Искра бу сўзларни эшитганда ўзини кулгидан тия олмади, албатта. У, кечадан буён йиғламай қўйганини, характерида темирдек матонат ҳосил бўлаётганини айтди.

Гуляевнинг ҳазили Виталийга кор қилмади.

— Бурун, бурун-ку... Мана буниси...— деди у, аллақандай ноаниқ қилиб ва буни кимга айтаётгани маълум бўлмади.

Искра ундан нима демоқчи бўлганини жуда билгиси келса-да, Гуляевдан андиша қиларди.

— Ҳай, оппоғим, интеллигентлик васвасасини бас қил энди,— деди Гуляев.— Макинтошингни кий, кепкагни ол, кетдик, азизим, кетдик. Ишни тугатганингдан кейин ҳар қандай норозилигингни, кимдан, нимадан аламзада бўлсанг намо-

йиш қилавер, менга эртагача декорацияларни топшир, арзи-
маган нш қолган.

Виталий қаршилиқ қилар, Гуляев кийдираётган макин-
тошдан четланиб, боши оғриётганини айтарди; лекин Гуляев
бўш келмай, ниҳоят Виталийни бошлаб чиқиб кетди.

Улар чиқиб кетгач, бутун шу фурсат давомида полда
жимгина кубиклар ўйнаб ўтирган Люська:

— Ойижон!— деди,— ўша амакининг электрохолодильни-
гини ўғирлаб олганинг ёлғон-а?

— Ёлғон, албатта!— деди қатъият билан Искра, лекин
суҳбатдошининг ким эканини фаҳмлаб, Люськани қўлига кў-
тарди.

Люська эса, турмушда кўрганларини баён қиларди:

— Ойижон, бизнинг ишимиз бошқаларникига ўхшамай-
ди-я. Бошқаларнинг ойилари ташвиш тортади, бақиради,
диққат бўлади, дадалари бўлса, юпатади. Бизнинг дадамиз
ташвиш тортади, бақиради, диққат бўлади, сен бўлсанг, дада
бўлмай ойи бўлсанг ҳам, уни юпатасан. Шундай қилиб, сен
бизнинг дадамиз, дадам бўлса, бизнинг ойимиз бўляпти. Ле-
кин даданинг ойи бўлганидан кўра, сенинг ойи бўлганинг
яхши. Гапимга тушундингми?

— Бўлмаса-чи! Яхши тушундим.

Люська яна алланималар дерди, лекин Виталийнинг:
«Бурун, бурун-ку... мана буниси...» деган гапи Искрага яна
алам қилди. «Мана буниси» нимаси? Бу билан нима демоқчи
бўлди? Ростдан ҳам бир вақтлар Виталий бу бурунни ҳеч қан-
дай «мана буниси» демасдан яхши кўрарди. «Мана буниси»
дегани бир тарзи «лекин» дегани бўлади. «Лекин» деганини
бу ўрнида: бурнингиз ўзингизга сийлов, деб тушуниш
мумкин.

Искра бундан жуда хафа бўлиб кетди. Бу хафагарчилик
устига Орлеанцев тақаётган айбга Виталийнинг бепарво қар-
шидан туғилган бошқа бир хафагарчилик келиб қўшилди.

Ичи ачиса-да, лекин ўйлаб кўриб, Искра: ўзим Виталий-
дан бундан бошқа гапни кутмаган ҳам эдим-ку, деган хуло-
сага келди. Искра эрининг ким эканини яхши биларди, за-
водда ўз бошига тушган машмаша Виталийни кам қизиқти-
ришини, унинг бунга сира аҳамият бермаслигини яхши би-
ларди-ку. Булар ҳаммаси маълум бўлса-да, лекин Искранинг
кўнглида ҳар қалай бир умид яшарди. Виталий бирдан за-
водга йўл олади, партия комитетига ёки Орлеанцев олдига
кирадию, столга мушт уриб, эркаклардек қатъият билан
дағдаға қилиб:— хотинимни ранжитишга қандай ҳақингиз
бор? Мен сизга кўрсатиб қўяман!..— дейди, деб ўйларди у.

Қўшнилар радио қўйишди.— Аёллар хори ўрдаклар би-
лан икки ғознинг парвози тўғрисида куйларди. Аёллар бун-

дан уҳ тортар ва оҳ чекарди. Қушлар жуда олис учиб, уҳ тортиш ва оҳ чекишлар ҳам кўп бўлди. Искра диққат бўлар, бориб приёмникни ўчириб қўйгиси келар, жимликни истарди. Лекин чидаш керак эди. Искра турмушда жуда кўп кўнгилсизликларга чидашга тўғри келишини ва бунга кўпинча одамларнинг ўзлари сабаб бўлишини, ўз дидлари, кайфиятларинигина ўйлаб, бировнинг озор чекиш-чекмаслигини ўйламай, ҳаётга бирор нарсани қўйиб юборишлари сабаб бўлишини ўйларди. Искранинг ўрнида бошқа одам бўлганда бу музыкага чидаб ҳам ўтирмасди, албатта, бориб симларни қирқиб ташлаган, пробкаларни бураб олган, бирорта ўчиргич ўйлаб чиқарган, ҳатто қўшнисининг приёмнигини бузиб ҳам қўйган бўларди. Лекин Искра бундай қилолмайди. Қўлидан келса ҳам, лекин қилмайди. «Ана шу «лекин» ёмон,— деди у ўз-ўзига,— қилмаганинг жуда ёмон. Айрим одамларнинг ҳаддан ташқари чидаши ва уялишидан бошқаларнинг сурбетлиги ортади, ўз яқинларини бадтарроқ эътиборга олмайдиган бўлади».

Шу музикани тўхтата қолса нима бўлади?

Искра кўп иккиланди, узоқ мулоҳаза қилди. Алоҳа бориб, қўшниси эшигининг қўнғироғини чалди.

— Кечирасиз,— деди Искра, ўзининг сурбетлигидан чўчиб.— Марҳамат қилиб, кечиринг. Сизнинг радионгиз шундай баланд бақиряптики, қизим ухлолмаяпти.

— Марҳамат,— деди соқолини олдирмаган, подтяжкали бир гражданин.— Барибир ҳеч қайсимиз эшитаётганимиз ҳам йўқ. Ўзи ёдимиздан кўтарилаверади, сиз тортинманг, кираверинг.

Искра ўз хонасига қайтганда девор орти жим бўлиб, ғозлар ҳам, ўрдақлар ҳам қолмаган эди. Мана, ҳаммаси осонгина бўладиган бир гап экан-ку. Фақат қўл қовуштириб ўтиравермаслик, бу маҳол иш, деб ўйламаслик, киришиш, ҳаракат қилиш керак, ўшанда маҳол иш ҳам осон кўчади.

Даҳлизда қўнғироқ чалиниб, Искра эшик очгани чиқди.

Эшик олдида турган бир бола хат узатди.

— Олиб бориб бер, дейишган эди,— деди у хатни берар экан, кейин зинадан пастга югуриб тушиб кетди.

Искра хатни қўлида айлантирди; қайтиб келиб кўзойнагини тақди-да, конвертни очиб, хатни олди; ёзув нотаниш эди. Искра ўқиди: «Сиз тўғрингиздаги ғийбатларга ҳеч ким ишонмайди. Бунинг ёлғон эканини ҳамма билади. Куйинманг, хафа бўлманг. Д. Ершов».

Искра Дмитрийдан бирорта хабар, бирорта ишора бўлишини кутганлигини шу дақиқадагина тушунди. У, Искранинг бошига тушган мушкулотга бефарқ қарай олмасди. Искра янглишмаган эди, Дмитрий ишора берди.

Искра хатни кафтларида тутгани ҳолда кушеткага ўтирди-ю, унга манглайини босди.

17

— Сиз нега йиғлайсиз? Нега йиғлайсиз, ахир Зоя Петровна?— деди Чибисов ўшқириб.— Ҳозир сиздан нимани сўралмасин, дарҳол йиғлайсиз. Ярамайди бу! Бунда иш бўлмайди-ку.

— Бўшатинг мени, бўшатинг!— деб қичқирди Зоя Петровна аллақандай бир изтироб билан.— Ўшанда ҳаммаси бира-тўла барҳам топар.

— Нима барҳам топади, нима ҳаммаси?— деб қизиқсиниб сўради Чибисов.— Сиз ғалати гапларни айтяпсиз.

Зоя Петровна жавоб бермади. Чибисов кутиб, бироз жин қолгач:

— Гапиргингиз келмаса, ўзингиз биласиз, лоақал йиғини бас қилинг... Иш қилайлик. Орлеанцев топиб олган бу ҳужжатлар тўғрисида бирор нарса биласизми, деб сўраяман. Уларни бирор маҳал кўрганмидингиз?

Ўша кунда бўлиб ўтган воқиадан сўнг Зоя Петровна бунга қандай жавоб ҳам берарди?

Кеча кечқурун Орлеанцев Зоя Петровнани уйига бошлаб келди, одатдан ташқари ширин сўз бўлиб, уни бир неча рюмка коньяк ичишга кўндирди (Орлеанцев бундай қилишни билади), приёмникни қўйиб, чет элдан аллақандай бир яхши музикани эшиттирди; танца тушишди. Зоя Петровна уни беҳуда ёмон кўриб юрган бўлсам ҳам ажаб эмас, балки бирор нарсани дуруст тушунолмай, беҳуда инжиқлик қилаётгандирман, вақт ўтиши билан ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб, яхшиланиб кетар, деб ўйларди.

Ярим кечага яқин Орлеанцев паришон ва ғамгин бўлиб қолди. Зоя Петровна нима бўлганини сўраганда Орлеанцев уни диванга ўтқазди-ю, юзини унинг тиззасига қўйиб, йиғлади. Қўрқиб кетган Зоя Петровна унинг бошини кўтаришга уринар, пешонасидан, кўзларидан ўпарди; унинг кўз ёшидан лаблари ҳўл бўлди, йирик-йирик ёш томчилари унинг кўйлагига тушарди. Зоя Петровна нима қилишини билмасди. Ишқилиб Орлеанцевни юпатиш учун қаёқдаги сўзларни пичирларди: «Мен хароб бўлдим. Зоенька, хароб бўлдим, жонгинам. Хароб бўлдим» дерди Орлеанцев. Зоя Петровна суриштириб билишга уринарди; Орлеанцев ё индамас, ёки: «Йўқ, йўқ, ҳаммаси тамом бўлди, ҳаммаси. Бу сен билан бизнинг сўнгги кечамиз бўлса керак» дерди.

Орлеанцевнинг бундай хатти-ҳаракати, гап-сўзларидан, аллақандай бир мавҳумликдан мудҳиш вазият вужудга кел-

ди. Зоя Петровна титроқ босиб, у ҳам йиғлади. Лекин Орлеанцев юпатмасди. «Мен ўзимни ўлдиришга мажбур бўламан,— дер эди Орлеанцев,— бундай шармандаликка чидолмайман!— «Қандай шармандалик, Костя? Айт, қанақа шармандалик ўзи?» Зоя Петровна ўша дақиқада Орлеанцев учун ҳар нарса қилишга, ишқилиб, уни қутқариб қолиш учун ҳар қандай шармандаликни ҳам ўз устига олишга тайёр эди. «Биласанми,— деди Орлеанцев кўзларини қўли билан яширган ҳолда.— Чибилов менга хуруж қияпти. Партия комитетига кўрсатган ҳужжатларимни қалбаки, деб даъво қияпти... У ҳужжатлар асл, албатта, асл ҳужжатлар, Зоенька. Бу Крутилицининг қўли, унинг ёзувлари, хомаки қоғозлари, эскизлари. Лекин Чибилов ўз айтганини қияпти. Амал учун ҳар қандай одамни ҳам чил-парчин қилиб ташлайди».— «Бундай бўлиши мумкин эмас, Костя. У бутунлай бошқача одам. Унинг кўнгли оқ...»— «Кўнгил оқлик нима қилиб юрибди? Иш ўз шахсига теккунча — кўнгли оқ. Шахсига тегадиди-да, чунки ҳаммасига айбдор. Ўзини қутқариб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади, ҳаммани бўғиб, янчиб ташлайди. Биргина сен, ёлғиз ўзинг аҳволни ўзгартишинг, ҳақиқатни ҳимоя қилишга кўмаклашининг, мени қутқаришинг мумкин».— «Агар ҳақ бўлсанг, нега энди қутқариш тўғрисида гапирасан, ҳақ экансан, қутқариш деганинг нимаси, Костя?»— «Нега тушуна қолмайсан, бу одамларнинг қўлидан ҳар иш келади; улар бирлашиб, бир-бирларини ҳимоя қилишади, уларнинг сафини ёриб ўтолмайсан. Наҳотки буни билмасанг?— Қанақа одамлар, Костя?». Шу онда приёмникдан эшитилаётган музика тинди-да, мулоим, қувноқ овозли эркак киши сўзларни ҳаддан ташқари тиришиб, аниқ талаффуз этгани ҳолда, рус тилида бундай деди: «Диққат қилинг! «озод Европа»дан гапирамиз. Махсус ахборот эшиттирамиз. Коммунистик режимдан жабрланган Венгрия халқи кўзғолон кўтарди ва зулм бўйинтуруғини улоқтириб ташлади. Бутун мамлакат бўйлаб озодлик жанглари давом этмоқда...»

Диктор шодликдан энтикарди, Зоя Петровна жим бўлиб, мушшайиб қолди, қўллари билан юзини яширди. «Жонгинам,— деди Орлеанцев, унинг қўлларини четга олар ва кўзларидан ўпар экан.— Жонгинам, сенинг аҳволингни билиб турибман... Мен у ерда эмаслигимга ачинаман. Мен ҳозир баррикадаларда туриб курашаётганлар, шаҳар партия комитетини қўриқлаётганлар, қутурган контрреволюцион бандитларга мардонавор қарши турганлар билан бирга бўлардим. Бу контрреволюция, албатта...»

Зоя Петровна бу даҳшатли тундан қутти учган, эзилган, ҳориган эди. У эрталабга яқин Орлеанцев айтиб ёздирган

тилхатни имзолади. Тилхатда металлургия заводи директорининг секретари Зоя Петровна директор учун инженер Крутиличдан фалонча бетлик доклад хати ва унга тегишли материалларни қабул қилиб олгани айтилган эди. Январь, деб ўтиб кетган муддат кўрсатилган эди. «Крутиличнинг қоғозлари ҳақиқий эканини ва унинг рационализаторлик таклифига бўлган ҳуқуқини шу йўл билангина исбот этиш, ор-номусли одамни сақлаб қолиш мумкин,— деди Орлеанцев.— Раҳмат, сен яхши, ажойиб хотинсан, одеял тагига кириб ёт, ухла. Мен сени қўриқлаб ўтираман. Ҳоридинг, чарчадинг».

Зоя Петровна бир соатгина ухлай олди. Орлеанцев ҳақиқатан шу бир соат давомида унинг ёнида қўлини ўз қўллари орасига олиб ўтирди; Зоя Петровна уйқусида ора-сира унинг ёқимли қўлларини сезарди. Чет эл радиосининг қувноқ овози, бу кеч ўзи қилиб қўйган бир ғаламус ишнинг шарпаси ва бу тилхат бўлмаганида Зоя Петровна балки ўз оғир турмушида биринчи марта ўзини жуда яхши ҳис этган бўларди.

Зоя Петровна Орлеанцев партия комитетида кўрсатган ҳужжатларини билиш-билмаслиги тўғрисида Чибиловнинг саволига нима ҳам дерди, Зоя Петровна уларни на кўрган ва на эшитган эди. Лекин бугун кечаси у, бундан ўн ой муқаддам инженер Крутиличдан директорга бериш учун олган нарсаси тўғрисида тилхат берди-ку. Демак, Зоя Петровна ўша қоғозларни директорга ўз вақтида бермаган экан-да, шундайми? Ҳа, худди шундай.

— Кечиринг, Антон Егорович,— деди ранги оқариб.— Бу қоғозлар ҳақиқатан бизда эди. Ёдимда бор. Инженер Крутилич уларни менга келтириб берган эди. Крутиличдан қабул қилиб олган эдим. Бунга анча бўлди, қишда эди. У, қанақаки, мендан тилхат ҳам талаб қилган эди. Тилхат берганман.

Чибилов ҳайрат ичида эсанкираб стулга ўтириб қолди.

— Тилхат бергансиз... Демак, олиб келган экан-да. Бўлган... Йўқса, уларни қаёққа қўйган эдингиз?!— деб бақирди Чибилов.— Бу лаънати қоғозларни сиз кўрган бўлсангиз, мен кўрган эмасман. Нима десангиз денг, кўрган эмасман!

— Сиз уларни кўрган ҳам эмассиз, Антон Егорович. Ҳаммасига мен айбдорман. Дарҳол бера қолган эмасман сизга. Улар столимда қолиб кетган эди. Кейин бош инженер бўлимга, булар эски қоғозлар, деб элтиб берганман. Уларни папкага тикиб қўйишган бўлса керак.

— Мен сизни бўшатиб юбораман, жин чалсин!— деб ҳайқирди Чибилов.— Сиз ходим эмассиз. Сиз бюрократсиз, бебош аёлсиз. Одамнинг меҳнати сизга бир пул. Сиз уни столга ташлаб қўйиб, хотиржам дийдор кўришгани сандирақлайверасиз, уйингизда тунамайсиз. Бошқа гап йўқ!.. Кадрлар бўлими бошлиғини дарҳол чақиринг менга.

У, Зоя Петровна сўзсизгина чақириб келган кадрлар бўлими бошлиғига дарҳол буйруқ ҳозирлашни, Зоя Петровна билан дарҳол ҳисоб-китоб қилишни, унинг ўрнига дарҳол бошқа ходим юборишни топширди.

Бир соатдан кейин директорнинг қабулхонасида Зоя Петровна ўрнида бош механик бўлимидан юборилган ёшгина бир жувон ўтирарди. У мулойимгина жилмаяр, Чибисовнинг эса, унга қарагиси ҳам келмасди.

Зоя Петровна оғир тортган оёқларини аранг босиб, уйига пиёда борарди. Бошига худди шиша майдаси солингандек уни қимирлатиб бўлмасди, қимирлатгудек бўлса — шиша парчалари қоришарди-ю, миясининг кўп жойларига тиглари ботарди.

Зоя Петровна скверга етиб бориб, совуқ скамейкага ўтирди, ботинкаларининг пошнасини қумга ботиргани ҳолда оғриётган оёқларини чўзди, совқотган бармоқларини пальтоси энгига тикди; боши ўз-ўзидан кўксига оғиб тушди. Ҳеч нарсани ўйламас, паришон эди. Уни мудроқ босди. Нотайин истиқбол унга кулиб боқмасди. Зоя Петровна учун бунинг фарқи ҳам йўқ. Унинг ҳаёти ҳеч маҳал порлоқ бўлган эмас. Аллақандай одамлар бу ҳаётга бирор нарсасиз кириб келар, кейин бирор нарсасиз жўнаб кетарди, лекин ҳаёт негадир тобора бўшаб борарди; демак, бирор нарсани олиб кетишадигандир-да.

Зоя Петровна бундай талон-торож бўлмасдан олдин бутунлай бошқача эди...

Мактабда ўзи бирга ўқиган Вовка ёдига тушди. Бу йигит Зоя Петровна чинакам севиб қолган биринчи ва, балки сўнгги киши эди. Вовка уруш бошланиши биланоқ фронтга юборишларини илтимос қилди. Уни фронтга эмас, учувчилар мактабига олишди. Зоя ҳам унга эргашиб, ўша мактабнинг ошхонасига официантка бўлиб кирди. Мактабни тамомлагач, Вовка қирувчилар қисмига юборилди. Зоя Вовка тайин этилган қисмга бориб, у ерда ҳам аввал официантка бўлиб ишлади, кейин уни канцелярияга ўтказишди; машинкани тақиллатиб ёза бошлади. Улар Вовканинг қисқа муддатли бўш соатларида яширинча учрашиб юрдилар, турли нарсалар тўғрисида, мактаб ҳаёти, таниш йигитлар ва қизлар тўғрисида, келажак тўғрисида суҳбатлашдилар. Кейин улар уйланишга, ўз муносабатларини ошкор қилишга ва яшириниб юрмасликка аҳд қилишди. Лекин бунга улгуриша олмади — Вовка ҳалок бўлди. Уни ҳарбий аэродром яқинида бўлган бир ҳаво жангида уриб туширишган эди. Зоя яқиндаги бутазорга кириб кетганича, у ердаги чайнр брусника билан қопланган пуштада куни билан ётди, ғам-ғуссадан наҳ ўлиб қоладиган бўлди. У Вовканинг тепалик яқинидаги қаб-

ри ёнида яна бир кунни кечирди; тепалик устига беш қирралик юлдуз ўрнатилган ва Вованинг сурати ўйиб туширилган қизил устун қўмиб қўйилган эди. Наҳотки шу тупроқ остида ётган чиройли, дилкаш Вова энди ҳеч маҳал кулмаса, болаларники сингари қуралай кўзлари унга боқмаса, Зояни энди сира ўпмаса... Буни асло тасаввур этиб бўлмасди.

Зоя Петровна ўтган даҳшатли тунни, ваҳимали ва қайтмас Орлеанцевни эслади. Унинг эркалашлари Зоя Петровна кўп ҳам чалғита олмади. Унинг уйидан чиқиб, ундан нари борар экан, Зоя Петровна бу одамнинг бераҳмлигини, ўз теварагидаги ҳамма нарсани эзиб-янчишини кўрарди. Жонгинам Вовочка, сенга жуда интизорман, менга жуда даркорсан, сендан бошқа ҳимоячим йўқ менинг, бу одамга, нари тур, жўнаб қол, деб... ҳеч ким айтолмайди.

Пальто тагидан секин-аста зирқиратиб совуқ кириб борарди. Зоя Петровна совқота бошлади. У скамейкадан туриб, совқотган оёқларини аранг ҳаракатга келтирди. Ҳеч қаёққа шошилиш керак бўлмаганидан ғалати бир туйғу пайдо бўлган эди. Ҳатто отпуска вақтида ҳам бундай бўлмас эди. Санаторийда ҳам нуқул қаергадир—нонуштага, даволанишга, кинога шошилишарди. Энди соатга сира қарамаса ҳам бўлади. Унинг қачон ва қаерга бориш-бормаслигининг сира аҳамияти йўқ, бу билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ эди.

Зоя Петровна уйга келиб ҳам исий олмади: совқотганича ўрнига ётдию, грелка келтиришни сўради. Тез орада Орлеанцев келди, у ўрин ёнида ўтириб, Зоя Петровнанинг қўлларини ўпарди. Лекин Зоя Петровна унинг гапларига қулоқ солгиси, уни кўргиси келмасди, у кўзини ҳам очмасди, Вовочканигина ўйлар ва кўрар эди. Зоя Петровна жуда олисда қўлиб кетган Вовочканигина кўрар, ундан бошқа ҳамма нарсани, Орлеанцевни ҳам, ҳужжатларни ҳам, тилхат воқиясини ҳам сира содир бўлмаган деб ҳис этарди. Орлеанцев хайрлашар экан, эртага яна келишини айтди.

Кечқурун ёши улғайиб қолган семиз аёл қўшниси эшикни қаттиқ тақиллатиб, қўлида газета ушлаб кириб келди. Бу аёл металлургия заводидан фронтга кетиб, у ерда ҳалок бўлган ишчининг хотини.

— Зоя Петровна, кечир жонгинам, касал кўринасан, лекин бу гапни ичимга сиғдирилмаяпман, кечир, сен партиялисан, бу қанақа ишлар бўляпти?— У газетани силтаб кўрсатди.— Аллақандай реакция, норозиликлар, чиқишлар. У ерда ўғлим танкист бўлиб хизмат қилади, Шурик-чи, сен уни танийсан. Тинчлик вақтда бирдан бир бало бўлиб ўтирса-я. Эрим етмагандек, яна ўғлим ҳам бирдан... Зоя Петровна! Бу қандай бўлди? Халқ демократияси, халқ ҳокимияти деб юрсагу, ким қарши иш бошляпти? Қанақа реакция? Кимлар у?

— Бу контрреволюция, Павла Федоровна. Бизда ҳам ўн еттинчи йилдан кейин шундай фитналар бўлган эди. Оқ гвардиячилар, эсерлар, анархистлар, ажнабий разведкалар...— Зоя Петровна қийналиб, зўрға сўзларди; кўзларини очгиси келмасди.

— Энди ўн еттинчи йил эмас-ку!— деб безовта бўларди танкистнинг онаси Павла Федоровна.— Улар кўпдан буён халқ ҳокимияти бўлиб яшашади-ю, уларнинг ҳукуматлари қаёқда экан? Нега бунақа контр чиқаришиб, унинг бош кўтаришига имкон беришади? Бу нима деган гап! Халқ қандай йўл қўя олади? Бундай гап бизнинг бошимизга тушгудек бўлса қўл қовуштириб ўтирармидик! Сен билан биз, хотинлар, аблаҳларни бўғиб ташлар эдик-ку. Нима дейсан?

— У ерда ҳам, Павла Федоровна, халқ контрреволюцияни бир ёқлик қилади.

— Илоё шундоқ бўлсин, Илоё,— деди қўшни аёл,— менинг Шуркам-чи, Шуркам нима бўлар экан?

— Нима дейсиз, Павла Федоровна!— Зоя Петровна ҳаяжонга тушган бу аёлнинг ўзидан қандай жавоб кутаётганига тушунди.— Унга ҳеч нарса бўлмайди. Уруш эмас-ку. Айрим тўқнашув, норозиликлардан бошқа гап йўқ.

Қўшни хотин эса Будапештдан олинган ахборотни сатрлар орасида худди аллақандай нарсани уқиб оладигандек яна овоз чиқариб ўқий бошлади. Ахборот ниҳоятда қисқа, ўғли Венгрияда солдат бўлиб хизмат қилаётган она учун ниҳоятда қисқа эди. У, Будапештни ҳам яққол кўрсатиб берадиган, халқ ҳокимиятини, социализмни мустаҳкам туриб ҳимоя қилаётганларни ҳам, унга қарши бўлаётганларни ҳам, уларни бу ишга кўндириб, қуроолантирганларни, ҳаммасидан ҳам ўғли Шурик қаердалигини, нима қилаётганини, унга нима бўлганини кўрсатадиган, яққол кўрсатиб берадиган бир нарсани ўқигиси келарди.

Кечаси алламаҳалда, радио орқали берилган ахборотни эшитиб, қўшни аёл яна кириб келди.

— Жанглар ҳамон давом этаётганмиш-ку. Қаршилиқ кўрсатишаётканмиш. Чет элдан аллақандай контр кириб келянганмиш. Коммунистларни ваҳшийларча ўлдиришяпганмиш. Бу нима ўзи, Зоя Петровна? Сен партиялисан, сен билишинг керак.

Зоя Петровна қандай жавоб беришини билмасди. У бемор, эзилган, чил-парчин бўлиб ётган бир аҳволда Венгрияда нималар бўлаётганини қаёқдан билсин? Зоя Петровна аллақандай кўнгилсиз, оғир воқиялар бўлаётганини биларди, холос. У партияли бўлгани билан бу ҳақда қўшни хотиндан кўра кўпроқ нарса билмасди. «Партияли эмиш» деб кулимсираб қўйди Зоя Петровна. Қалбаки тилхатлар ёзадиган пар-

тияли. Мен қандай партияли бўлай, мен бадбахт, ожиз, иродасиз бир махлуқман. Бу махлуқни чўчитиб, эркалатилса бас, бегоналарнинг истагини адо этишга тайёр.

Эртаси кун завод поликлиникасидан чақирилган врач Зоя Петровнанинг аҳволи жуда оғирлигини, аъзолари жуда заифлашганини, энг қатъий чоралар кўрилмаса оқибати фалокатли бўлишини айтди. «Қандай чорлар, доктор, қандай?» деб сўрарди онаси, бу гапни Зоя Петровна эшиттирмасликка тиришиб. Лекин Зоя Петровна ҳаммасини эшитиб ётарди. «Яхши дам олиши керак,— дерди врач.— Энг яхшиси санаторийда даволаниш, албатта. Ҳали кеч эмас — ноябрь, бирорта Гаграгами, Сочигами бориш керак. Чўмилиб-ку бўлмас, лекин қуёш, ҳаво, табиат, одатдаги шароитдан нари бўлиш... Қизингиз директорнинг секретари. Директор ҳаракат қилса, бу иш жуда зарур бўлганидан, путёвкани тезда топса бўлади». — «Айтганингиздек, мен Антон Егоровичнинг олдига бораман» дерди кампир.

— Ойижон,— деди Зоя Петровна врач чиқиб кетгач, кўзини очмай.— Ҳеч қаерга бормасанг ҳам бўлади. Мени заводдан бўшатишди.

— Вой худо! Нега энди Зоенька? Сени доим мақташар, мукофотлашарди-ку...

— Шундай, ойи, бўшатишди. Тўғри қилишди. Мен қаттиқ айбдорман. Сендан бир илтимосим бор. Сумкада пул бор, мен ҳисоб-китобни олдим. Ушани иложи борича кўпроқ вақтга етказ, сарф-харажатларни тежаб қил, ўзинг овқатлан, қизимга едир, менга ҳеч бир нарсаси керак эмас. Ҳамма пулимиз шу, яна қаердан олишимни билмайман.

16

— Бюро бўляпти, ўртоқ,— дерди Горбачевнинг секретари Симочка гап уқдиришга ҳаракат қилиб.— Яна камида икки соат, балки уч соат давом этади.

— Майли, мен кутиб тураман,— деди Дмитрий қабулхонадаги стулга ўтирар экан.

— Кейин Иван Яковлевич овқатланиши керак. У ҳам одам ахир!

— Кутаман, кутиб тураман,— деб такрорлади Дмитрий.

— Умуман, Иван Яковлевич ҳузурига қабул кунлари келингани дуруст. Эртага қабул кун. Кейин — жумада. Шошилмай, диққат бўлмай, олдиндан ёзилиб қўйиш ҳам мумкин-ку.

Дмитрий олиб келган китобини очди ва:

— Жума унинг қабул кун бўлса, менинг иш куним. Жадвал тўғри келмас экан,— деди-ю, ўқишга тутинди.

Симочка жим қолиб, ўз қоғозлари билан овора бўлди. Бу ерда уч йилдан бери у ҳар хил одамларни кўп кўрган эди. Столга муштлайдиган, бюрократизм ва халқдан ажралиб қолганлик тўғрисида бақириб, уни ҳам, Иван Яковлевични ҳам ҳақорат қиладиган тўполончилардан Симочка аввал жуда қўрқар эди. Бундай одамларни Симочка ҳаққоният ва адолат курашчилари деб ўйларди. Улар революция тўғрисида, биродарлар мазори тўғрисида алланималар деб, кўкракларига муштлаганда, Симочкани титроқ босарди. Лекин бора-бора Симочка бақироқ ҳақиқатпарастлар кўпинча пасткаш ифвогар ва ўлгудек юраксиз одамлар эканига ишонч ҳосил қилган эди телефон трубкасини олиб, сиз, гражданин тартибсизлиқни тўхтатмасангиз милицияни чақираман, дейиш билан улар ғойиб бўлиб қоларди. Милиция ҳам кор қилмаганда, уларни алоҳа Симочканинг ўзи чиқариб юборарди. Симочка уларнинг хусусияти ва ҳунарини билиб олган эди.

Ҳамма саволларга: «Майли, туратураман» деб жавоб берадиган вазмингина одамлар эса, хавфлироқ бўларди; улар қабулхонада соатлаб ўтириб, ўз мақсадларига эришарди. Иван Яковлевич қабул қиларди. Уларнинг баъзилари унчалик муҳим бўлмаган, гоҳо ҳатто арзимаган иш билан келарди. Лекин уларнинг қандай иш билан келганини билиш амри маҳол эди. Жуда муҳим масалаларни, Иван Яковлевич ҳатто бюрога қўядиган масалалар билан келадиган кишилар ҳам кўп учраб турарди.

— Сиз, балки, буфетга борарсиз, ўртоқ?— деди Симочка бироздан сўнг.— Чой-пой ичарсиз. Буфетимиз пастда, зинадан тушишингиз билан — чап қўлда.

— Раҳмат,— деди Дмитрий китобдан кўзини олмай.— Чойни уйда ичганман.

— Эрталаб ичкандирсиз?

— Тўпда.

Одамлар Горбачевнинг хонасидан чиқа бошлаган вақтгача Дмитрий анча саҳифа ўқиб қўйган эди. Улар, яна бир неча минут ўзаро суҳбатлашиб, эшик ёнида ва қабулхонада ўралашиб турди. Симочкадан алланарсаларни сўрашар, талаб қилишарди, кабинетга кириб, яна қайтиб чиқишарди. Дмитрий Горбачевни ўтказиб юбормаслик учун кўз қирини ташлаб туриб, ҳамон ўқир эди.

Ниҳоят, Горбачев ҳам чиқди. Дмитрий ўрнидан туриб, унга яқин борди.

— Салом, Иван Яковлевич.

— Салом, Дмитрий Тимофеевич, салом, азизим. Менинг ҳузуримга келганмидинг?

Горбачевнинг кўзларида, менинг олдимга келмай, бошқа одам олдига келганингда хурсанд бўлардим, деб тургандек

бир ифода бор эди. Унинг кўзлари ҳорғин, кирттайган эди. Лекин Дмитрий ўз ишини бир кун ҳам кечиктиролмас эди.

— Ҳа, сизнинг олдингизга,— деди у.

— Қани бўлмаса... Симочка,— деди Горбачев секретарига, қувноқ кўринишга тиришиб,— бизга чой билан бир жуфт бутерброд келтиришсин. Кириш, Дмитрий Тимофеевич.

Улар узун мажлис столи ёнига бир-бирларига рўпара ўтиришди. Ёзларини қўллари билан тутиб ўтирган Горбачевнинг кўзи Дмитрийда бўлса-да, бошқа нарсани кўраётгандай эди. Эҳтимол, ҳозир унинг фикрича бюрода қабул қилинган қарорлардан кўра ҳам тўғрироқ қарорлар келаётгандир. Дмитрий ҳам жим ўтирарди. Дмитрий бу ерга келишга отланганида, кейин йўлда келаётганида, қабулхонада кутиб ўтирганида унинг тилига келиб турган ўша оташин сўзлар, жуда асосли, ишонарли мисоллар ва далиллар, энди, бу ерга кириши билан қаёққа гойиб бўлди экан?

— Гап бундай,— деди у, дадилланиб.— Сиз нима дейсиз. билмайман, Иван Яковлевич, лекин заводимизда бўлаётган машмашалардан ичим ёниб юрибди.

— Қанақа машмашалардан?— деб сўради Горбачев.

— Мана бунақа! Ҳалол одамларни бадном қилишяпти. Менинг акам Платонни заводдан ҳайдашди, энди инженер Козакованинг пайига тушишган. Ёш, меҳнаткаш, ҳалол аёл. Уни нимада айблашяпти деган, ўтирликда, бировнинг кашфиётини ўзиники қилиб кўрсатишда.

— Гапинг пойма-пой бўляпти, Дмитрий Тимофеевич.— Горбачев портсигардан папирос олди.— Қизишиб кетдинг!.. Сен фактларни айт!

— Фактларними?.. Менинг акам Платонни нега цехдан ҳайдашди? Истаган одамга, ҳатто душманимизга ҳам хизмат қилаверадиган ўша ифлос Воробейнини олиш учун эмасмикан? Фактлардан кўз юмма, Иван Яковлевич! Инженер Козакова софдил одам, уни нима қилишяпти? Ҳамма ёққа шундай бўлмағур гап-сўз тарқатишганки, ҳали уни сиртмоқда кўришинг ҳам ажаб эмас. Чибиловни айтмайсанми... У менга амакивачча эмас. Директор, бошлиқ. Обивателча ўйлаганда, у билан манфаатларимиз турлича. Аслида бизнинг манфаатларимиз турлича эмас, умумий. Бу ҳақиқий инсон...

— Сен уни менга мақтамай қўя қол,— деди гапни бўлиб Горбачев.— Чибилов ихтирочилар ва ихтирочиликка нисбатан енгилтак, нотўғри нопартиявий муносабатда бўлганлиги учун жаззасини тортяпти. Мен буни биламан. Бунда мен ҳам айбдорман. Унга ўз вақтида жазо бериш керак эди. интизомли бўлиб, ўйлашга мажбур бўларди.

— Ахир уни ҳозир нима қияпканларини биласанми? Еб қўйишмоқчи. Иш чатоқ. Аллақандай нусхалар бу ишни қандай кўпиртиришаётганидан хабаринг борми, Иван Яковлевич? Пашшадан фил қилишяпти. Заводда бири-биридан бадтар миш-мишлар тарқатишяпти. Театрда бўлса!.. Акам Яковни чақириб, ундан театрда қандай ишлар бўлаётганини бир суриштириб кўрсанг бўларди. Режиссёр Томашукнинг яқинда бир мақоласи чиққан эди, ўқидингми? У ўша мақолада кимни қоралайди? Яковни, деб ўйлайсанми? Ёки артист Гуляевни? Ё рассом Козаковни? Бундай одамларни ўстирган ва қувватлаётган партияни қоралайди, билдингми! Партияни. Гўё социализмни муҳокама қилаётганга ўхшайдилару, ҳақиқатда эса... Бунга ортиқ чидаш, жим қолавериш ярамайди, Иван Яковлевич. Яна бир янги гапни эшит... Сен қизингни айрим студентлар ўртасида қандай гаплар бўлаётганини суриштириб қара. Ёшларнинг бошида қандай бўлмағур фикрлар ўйнапди. Ҳар хил чалкашликлар авж оляпти.

— Менга қара, Дмитрий Тимофеевич,— деди Горбачев.— Турмушда сен айтаётган нарсаларнинг элементи бордир, албатта. Лекин умуман лоп уриб юборяпсан.

— Хавфни озайтириб кўрсатиш ва унга тўла баҳо бермасликдан кўра, уни ошириб кўрсатган дуруст. Гугурт чўпидан шаҳар ёнади.

— Ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди. Бундан фақат ваҳима ортади.

— Озайтириб кўрсатилса — бепарволик ортиб, хотиржамлик келиб чиқади. Бепарво одамни қурол-яроғсиз ҳам қўлга олиб бўлишини биларсан?

— Биламан. Битта ваҳимачи бутун дивизияни ишдан чиқара олишини ҳам биламан.

— Демак, биргина ваҳимачига чоғи келмаса у бўлмағур дивизия экан. Умуман, Иван Яковлевич, мен сенинг олдинга оддий коммунист сифатида партия раҳбари ҳузурига тўппа-тўғри ва расмий суратда келиб: ўртоқ раҳбар, аҳволни ўрганиб, бир ёқлик қил, деяпман. Биз бирорта буюмимизни бепарво ташлаб, кейин тополмай юрсак, бизга отамиз: «Боримизни қадрламаймиз, йўғимизга куйинамиз!» дерди. Хотиржамлик, бепарволик билан шунча кўп нарсадан маҳрум бўлиб қолинадик, кейин кўз ёши қилиб, бармоқ тишлаш фойдасиз. Шундай, Иван Яковлевич!

— Қинғир кўрсатяпсан! — деди Горбачев таъна қилиб, бош чайқаб.— Ҳали ёшсан. Биз кўриб-кечирган нарсаларни билмайсан. Биз бўлсак мўл юриб, сув кечиб, ҳамма синовлардан ўтганмиз. Партия атрофида мустаҳкам бирлашган халқларимизнинг монолит оиласи бор. Ажойиб одамлари-

миз ўсиб етишди. Ҳали ҳам айрим одамлар гоҳо сиёсатда адашадилар, бирор нарсани тушунмайдилар — ҳамма ҳам бир турда онгли бўлмайди, савиясига қарайди. Лекин Умуман олганда, совет кишилари яхши кишилар. Ўз ақли етмаслигидан, ажнабий пропагандага қарши туриш беролмаганидан бизларни орқага судрашга интилувчи айрим шахсларнинг бўлиши мумкин. Лекин бу чивин чаққандек бир гап бўлади, холос.

— Яхши одамлар тўғрисидаги бу гапларнинг ҳаммаси тўғри, Иван Яковлевич. Лекин чивинларни ҳам менсимаслик ярамайди. Чивин чақишдан безгак тарқалиб, киши бир неча йил қалтираб юради.

Дмитрий қаноат ҳосил қилмай, ўшшайганича чиқиб кетди. Чиқиб кета туриб:

— Менга қаранг, буларнинг ҳаммаси тўғрисида мен Марказий Комитетга ёзаман,— деди.

— Ўзинг биласан,— деди Горбачев Дмитриини зина олди-гача кузатиб қўйиб, кейин у уйга отланди.

— Иван Яковлевич,— деди бирдан Симочка,— инженер Крутилич телефон қилган эди, аллақандай бир доклад хатини қайтариб беришни сўрайди, сизга аслини берган экан.

— Ҳа шундай бир гап бўлган эди. Бунга анча бўлди. У сизнинг шкафларингизда йўқми?

— Йўқ, Иван Яковлевич. Мен қидириб-қидириб, эслаб кўрсам: сиз уни ўшанда уйга олиб кетган экансиз. Тобингиз қочиб турганидан, уйда ётиб ўқийман, деган эдингиз...

Кечқурун уйда столнинг ҳамма яшиқларини, ҳамма китоб шкафларининг тоқчаларини алғоқ-далғоқ қилишди. Папкаси қурғур ҳеч ерда йўқ эди.

— Балки, ёқиб юборилгандир?— деди Анна Николаевна.— Ёзда, отпуска олди-дан кераксиз қоғозларни ажратаётган эдинг... Балки, ўша тўда ичига тиқиб юборгандирсан? Сенга доим, уйга қоғоз олиб келма, горкомда сақла, деб айтаман-ку.

— Сақлайвермай, ўқиш ҳам керак ахир уларни, тентак. У ерда ҳаммасини ўқиб бўлармиди? Горкомнинг ишлари қанақалигини ўзинг ҳам биласан-ку. Капа ўша кун Октябрь байрамини биргаликда кутишни маслаҳатлашиб олмоқ учун ота-онасиникига келди. Ота-онаси қандай ташвишда эканлигини кўриб:

— Оҳ, дада, бу қоғозларни чакки йўқотиб қўйибсан,— деди.— Сен Крутилич ким эканлигини билмайсан. Унинг дастидан заводда кўп фалокат рўй берапти. У ерда ҳам аллақандай қоғозлар йўқолибди. Ҳозир ҳамманинг жиғига тегишяпти.

— Гапингни қара-я, жонгинам!— деди Горбачев ҳатто ҳуштак чалиб.— У ерда Чибисов бемазагарчилик қилган...

— Дмитрий Тимофеевич айтадики...

— Сенинг Дмитрий Тимофеевичинг бугун олдимда бўлди,— деди гапни бўлиб Горбачев.— Уни лоақал Андрей икковингиз тарбияласангиз бўларди.

— Нима бўпти?

— Нима бўлгани шуки...— Горбачев Дмитрий Ершовнинг қинғир кўрувчи эканлиги, ижтимоий ҳодисаларга тор назар билан қарадини айтмоқчи эди. Лекин ўйлаб кўриб айтмади.

Горбачев бугун Дмитрий Ершов билан бахслашган бўлса ҳам, лекин унинг сўзларида ҳақиқат борлигини жуда яхши тушунарди. Йигирманчи съезддан сўнг ўтган ўн ой ичида, ўн йиллаб ғиқ этмай келган кишилар партиянинг шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш юзасидан олиб бораётган ишига ёпишиб олиб, дабдабали революцион сўзларни бақриб айтиб бош кўтариб чиққани тўғрисида партия ташкилотларидан бир қанча хабарлар келган эди. Бақироқлар орасида шунчаки адашиб қолганлар, воқиаларни яхши тушунмаганлар ҳам бор эди, албатта. Лекин олти оёқлик махлуқларга ухшаганлар ҳам бор эдики, улар кавакларда қишлаб, кунлар илиши биланоқ ҳамма оёқларини қимирлатиб, кимни чақиб олсам экан, деб пойлаб турардилар. Маҳмадоналар, хаёлатчилар пайдо бўлди. Аллақандай бир ғалати одамлар санъатни ҳар қандай масъулиятдан озод этиш тўғрисида айюҳаннос сола бошлади. Уларни ғалати одамлар, дейишдан бошқага тил ҳам келмайдди. Наҳотки улар партиянинг раҳбарлигидан «озод этилган» санъат ўз-ўзича яшай олади, деб ўйласалар? Буржуа идеологияси унинг пайдан бўлмайди деб ўйласалар? Буржуа идеологияси — ёпишқоқ ва маккордир, унинг тактикаси одамни усталик билан бузишдан, уни манфаатпараст, тамагир этиб тарбиялашдан иборат. Шу мақсадда ўз юртидаги ҳамма нарсани — адабиётни, театрни, кинони, рассомликни, барча хил сайр-томошаларни қўлга олган. «Санъатнинг озодлиги» тўғрисида хаёл сураётган ғалати одамларнинг буни тушунмаслигига ҳайрон бўлади киши. Уларнинг ялмоғиз кампир семиртириб боқиб, печкада қовириб емоқ учун гулдор тешик кулча билан ўрмонга алдаб олиб борган эртақдаги болаларга ўхшаб, шу «озодлик» ширин кулчаси ортидан оғизларини очиб боришлари қизиқ.

Буларнинг ҳаммаси рост, буларни Горбачев ҳам кўриб турибди. Лекин булар онда-сонда учрайдиган, бармоқ билан санарли ҳодисалар. Бу одамлар душманлар эмас, шунчаки адашяптилар. Шовқинлаб, шовқинлаб тиниб қолиша-

ди, адашганларини ҳаёт тақозоси билан ўзлари фаҳмлаб қолиб, кейин қизаришиб юришади.

Капа байрамни кутиб олиш тўғрисида Анна Николаевна билан аллақачон келишиб олган. Горбачев бўлса ўтириб, ҳамон хаёл сурарди.

— Эҳтиёт бўл, дада, Крутилич ўз қоғозлари учун сенинг доднингни беради,— деди кутилмаганда Капа.

Горбачев Капа нима деганини дарҳол англай олмади. Тушунгач жаҳли чиқди.

— Бир иложи бўлар, иложи бўлиб қолар,— деди ноҳушлик билан.— Билиб олармиз.

17

Гуляев еттинчи ноябрда жўчада қўшиқлар куйлаб, уйинкулги қилаётган одамлар орасида бўлишни яхши кўрса ҳам, лекин ўша куни намойишга чиқмади. У ўша одамлар орасида бўлганида яшарар, ўтган-кетганларни хотирлар, бардам тортарди.

Бормади, чунки кечқурун кўрсатиладиган спектакль премьерасига ҳозирлик кўрар, ҳаяжонланарди. Катта репетиция яхши ўтди, лекин унга таклиф этилганлар театр дўстлари бўлиб, улар сохта мулоҳазалар билан ҳақиқатни айтмаган бўлишлари, табриклаб, қўлларни қисиб ўпишиб, ҳақиқатни айтмай кетган бўлишлари мумкин. Санъат ходимларининг шундай бир қилиғи бор: ишқилиб сени ранжитмаслик учун нуқсонларинг тўғрисида жим қолаверади-лар. Ўтган куни жамоат кўриғи ҳам бўлиб ўтди. Бунда ҳам турли раҳбар ўртоқлар, маданият ва матбуот ходимлари ёки ўзлари бўлмаса, холалари, бувилари, уй хизматчилари тўпланган эди. Бугун эса премьера, бугун кассада ўз пулига билет сотиб олган театр ишқибозлари келади. Улар нутқлар сўзламайди, директор ёки худрукнинг кабинетидеги шишадаги лимонаддан қуйиб ича туриб, ноаниқ фикрлар айтмайди. Улар спектакль тутагач туриб олиб актёрларни саҳнага чақиради. ёки охиригача томоша қилишмайди, ё бўлмаса охирида одоб юзасидан сал-пал чапак чалиб қўйишади-да, кейин ёпирилиб калошларини олгани югуришади.

Актёр бўлгандан бери кўп спектаклларда қатнашган, кўп ролларни ижро қилган Гуляев энди янги постановка олтидан ҳаяжонга тушмаса ҳам бўларди. Йўқ, сира эви бўлмади, тажрибага асосланган совуққонлик кела қолмади; гўё бугун биринчи марта саҳнага чиқаётгандек ҳаяжонланарди. Дадил бўлиб олиш учун бир қадаҳгина коньяк ичиб олсам-микан, деган хаёлга ҳам борди, лекин бу воситадан дарҳол воз кечди. Ишнинг бузилишига, яъни кекса Окунев роҳини

ўйнашда бурунги халқдан чиққан театрбоп бобонинг ҳадеб хоҳолайвериши, ёки унинг хира мелодраматизми тарзидаги қалбаки оҳангнинг пайдо бўлишига аввало шу сабаб бўлади. Йўқ, ҳаммаси ҳақиқат бўлиши, юксак, гўзал, олижаноб ҳақиқат бўлиши керак деди Гуляев ўзи-ўзига.

Гуляев саҳнага чиқиши биланоқ шубҳалар, ҳаяжонлар ва иккиланишлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. У, зални деярли кўрмасди, фақат ҳаёлидан, зал лиқ тўлибди, қатор ёнларига ҳам стуллар қўйилибди деган фикр ўтди... Кейин залга парво қилмади, металлург Окуневлар оиласининг ҳаёти бошланди. Саҳнада совет халқининг урушдан аввалги ҳаёти тўғрисидаги катта проблемалар ҳал этилар, жуда яқин бўлиб кўриниб қолган коммунистик истиқбол тўғрисида режалар тузилар, орзулар баён қилинади. Бирлари уйланмоқчи, иккинчилари пенсияга чиқмоқчи, учинчилари эндигина туғилган эди. — Уруш бошланиб кетди... Тўй, пенсия, орзулар, режалар — ҳаммаси қолиб кетди. Лекин мамлакатнинг ҳаёти каби, онланинг ҳаёти ҳам тўхтаб қолмади. У шижоатли ва қатъий тус олди; одамларда душманни албатта янчиб ташлаш, унинг юрагига етиб бориш, қон ва кўз ёши оқизган душманга қон ва кўз ёши қадрини аёнлаштириш, буни ўз бошида синаб кўришга мажбур қилишдан иборат бошқача режалар, бошқача орзулар туғилади. Муқаррар ғалаба йўлида кўплари солдатлар бўлган металлург Окуневлар барча жудодонликларни, кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирадilar. Улардан баъзилари Уралда танк ва тўплар учун пўлат қуяди. Энг кекса ва энг ёшлари тақдир тақозоси билан вайрон кулбаларида, душман ишғол қилган ерда қоладilar.

Танаффус вақтида Гуляев ўз хонасига беркиниб оларди. У дўстлари ва танишларидан яширинади. Саҳнада дастлаб ўзида ҳосил бўлган қатъиятнинг дўстлари ва танишлари айтадиган фикрлар билан тарқалиб кетишини истамасди. Гуляев бу қатъият тобора ортиб бораётганини сезар, шу кайфиятга тамомила берилар эди. Кекса Окунев гитлерчиларнинг зарби остида ҳалок бўладиган, лекин бундан томошабин жаллодларнинг муқаррар ҳалокати ҳам яқин қолганини кўриб турадиган кўринишни Гуляев ғоят зўр маҳорат билан ижро этди. Саҳнада чироқ ўчиб, сўнгги парда олдидан айлантирувчи доира гулдураганида залдаги чапак ва қийқариқлардан кулоқ батанг бўлди.

Спектакль тамом бўлиши билан қизғин овация кўтарилди. Металлургия, порт ишчилари, денгизчилар, кемасозлар «офарин» деб қичқиришар, саҳнага режиссёр, автор чиқишини талаб қилишар, Гуляевни қайта-қайта чақиришарди. Алексахин эсанкираб қолганидан пардага ўралашиб қолиб, оркестрга йиқилиб тушаёзди. Гуляевнинг икки кўзи жиққа

ёш эди. У кўпдан буён бунчалик шодланмаган, бунчалик ҳузур қилмаган эди.

Ниҳоят, худрукни ҳам чақиришди. У жуда таъсирланган кўринарди. Худрук саҳнада тўдалашиб турган актёрларни айланиб чиқди, бирининг қўлини қисди, бирини оғаларча бағрига босди; у, Гуляев билан рус одатига кўра уч марта ўпишди, ҳаммага миннатдорлик билдириб, қўлларини кўксига босарди. Худрукни театр гўё ўзининг бу ажойиб спектаклини асосан унинг куч-ғайрати билан саҳнага қўйилгандек табриклашарди.

Ҳатто безаклар автори рассом Козаков ҳам саҳнага олиб чиқилди. Саҳнада фақат театр директори Яков Тимофеевич Ершовгина йўқ эди. Томошабинларнинг спектаклни табриклашидан ҳаяжонланиб, у дарҳол ўз кабинетига кирди-да, бир неча шиша шампан виносини очиб, актёрлар ва уларнинг дўстларини тўғри ўз олдига бошлаб келишни буюрди. Тез орада кенг кабинет одамлар билан тўла бошлади. Қучоқлашиб кўришар, бир-бирларини қутлашар, ҳаммалари ўзларини кўп ичиб қўйишгандек тутишарди. Театр катта байрам тусини олган, чинакам ва қувноқ байрам бошланган эди. Драматургия жиҳатидан Алексахиннинг пьесаси кўп жиҳатдан балки мукаммал эмасдир, пьеса драматургия жиҳатдан тажрибали, машқини етказган драматургларнинг пьесаларидан заифроқдир, пьесада бирорта ортиқчалик ҳам бордир, лекин томошабин саҳнада ўзини, ўз ҳаётини, ўз ҳис-туйғуларини, ўз фикр-орзуларини ва интилишларини кўриб, майда нуқсонларга эътибор бермади, шундай қилиб, театрдан миннатдор эди.

Гуляев директор кабинетига тўпланганларни секин-аста таниб ола бошлади. Уша куни ўзи сотиб олган ўн бешга яқин билетни тарқатган эди. У, асосий роль устида ишлаётган вақтида дўстлашиб қолган, ҳамда маслаҳат бериб кўмаклашган, ўзи ҳам, Алексахин ҳам билмайдиган сўзларни айтиб берган домначиларни таклиф қилган эди. Уша янги танишларидан айримлари директор кабинетига эди. «Офарин, Александр Львович! Жуда ажойиб! Бу бизга қилган байрам совғангиз бўлди-да!» дейишарди улар. Бироқ кўплари, афтидан, бу ёққа киришга уялишган ёки бундан беҳабар қолишган эди. Масалан, Зоя Петровна ҳам шундай бўлса керак; Гуляев ваъдаси устидан чиқиб, унга иккита билет юборган эди. Балки, Зоя Петровна театрга қолмаган ҳамдир, ўша пойтахтлик чиройли киши провинциал театрнинг провинциал драматург пьесаси асосида қўйилган спектаклига келгиси келмай, уни ҳам юбормагандир...

Искра Козакова Гуляев ёнига келиб унинг худди бировни йўқотиб қўйгандек доим аланглаётганини айтди.

— Сиз жуда зийраксиз, Искра Васильевна,— деди Гуляев.— Йўқотиб қўйганим йўқ, тополмаётирман. Мен бир дилбар аёлни бугунга таклиф қилган эдим. Сиз, балки, уни танирсиз: заводингиз директорининг секретари, Зоя Петровна.

— Зоя Петровна йўқ,— деди Искра.— Директор уни кўнглини оғритиб тўнглик билан бўшатиб юборди, худди бурунги хўжайинларга ўхшаб, ҳайдаб юборди. Ҳамма даргазаб.

Гуляевнинг таъби хира бўлиб:

— Нима деяпсиз, Искра Васильевна! Нима сабабдан экан?— деди.

— Мени ҳам комиссияма-комиссия саргардон қилишларига ўша сабаб. Крутилич... Орлеанцев. Аллақандай хатлар, тилхатлар. Умуман, жин урсин уларни? Шундай бир кун, шундай бир байрамда киши уларни ўйлагиси келмайди.

Бу воқеадан жуда ажабланганидан Гуляев Зоя Петровна тўғрисида Искрадан батафсилроқ суриштириб билмоқчи бўлиб турган эди, шу орада Горбачев келиб, қўлини қисди:

— Табриклайман, ўртоқ Гуляев. Ўзим ишчи ўтганман, лекин ишчини тасвир этишингизга жуда қойил қолдим. Зўр одоб, муҳаббат ва ҳурмат билан ижро этдингиз. Раҳмат, яна бир марта раҳмат.

— Меҳрибонлигингиз учун сизга раҳмат,— деди таъзим билан Гуляев.

Уларни халойиқ ўраб ола бошлади.

— Спектаклни тайёрлаш театрга осон бўлмади, Иван Яковлевич,— деди Яков Тимофеевич.— Қатта кураш бўлиб ўтди. Александр Львович бу спектакль ташаббускорларидан бири, тўғриси — энг асосий ташаббускор.

— Очиғини айтганда, Александр Львович пьеса авторидан кўра ҳам муҳимроқ иш қилди,— деди уялиб Александин.— Агар Александр Львович бўлмаганида пьеса ҳам бўлмасди. У, мени ёзишга мажбур қилди, ярмини эса, ўзи ёзди.

— Бас, жонгинам. бўлди, муболаға қиялпсан! — деб тўхтатди уни Гуляев.— Бунчалик ҳаддан ташқари камтарлик қилиш ярамайди.

— Санъатда ғоялар ғолиб чиқади, ғоялар,— деди худрук, бармоқларини қорни устида айлантириб.

— Лекин, масала, айрим одамлар санъатдаги асосий нарсa маҳоратдир, формадир, деб даъво қилади,— деди Гуляев ўзини босолмаган ҳолда худрукка яқингинада бўлиб ўтган гапларни эслатиб.— Ушанда ҳам маҳорат деб томошабинни ажаблантиришни, уни ҳайратда қолдиришни, эсанкиратишни тушунадилар.

— Маҳорат бўлмаса ҳам қийин, асло бўлмайди, айрим одамларгина эмас, мен ҳам шундай дейман,— деди худрук.

— Бунга ҳеч ким ҳам эътироз билдирмайди,— деб давом қилди Гуляев.— Маҳорат билан бирга гоя ҳам бўлсин, қуруқ маҳоратни тақдим қилиб бўлмайди.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, азизим.

Худрукни шошириб қўйиш қийин бўлиб, у кекса, ақлли ва тажрибали одам эди.

Гуляев Горбачевга рассом ҳам яхши ишлаб берганини, декорациялар ифодали, оригинал бўлиб чиққанини айтди. У Козаковни яқинроқ бошлаб келди.

— Рост айтасиз,— деди Горбачев.— Сиз ишчи темасини биласиз, ўртоқ Козаков. Мен прокатчининг портретини жуда яхши эслайман, кўзимни юмсам, шундай олдимга келиб туради. Зўр асар эди.

— Режиссёр Томашук сиз зўр асар деб ҳисоблаган ўша портретни роса дабдала қилганини ўқидингизми, ўртоқ Горбачев?— деб сўради Виталий.

— Ўқидим. Бунинг нимасига хафа бўласиз?— деди мурасасозлик оҳангида Горбачев.— Бу ижодий баҳслашув. Сиз, санъат ходимлари, ўртасида доим баҳслашув бўлиб туради. Баҳслашувлардан ҳақиқат англанади.

— Ҳақиқат дейсизми?..— деди бош чайқаб Виталий.— Мана сиз прокатчининг портретини зўр асар дедингиз, шундайми?

— Ҳа, шундай дедим.

— У бўлса, буни қалбаки, пардозбозлик, мослама, деб даъво қилади. Ҳақиқат қаерда? Ким бизни ажрим қилади? Кимнинг даъвоси тўғри?

— Меники тўғри бўлса керак деб ўйлайман. Чунки томошабинларнинг кўпчилиги шу фикрда. Виставкани кўрганларнинг фикрлари бор. Сиз бу мақоладан хафа бўлманг. Ишлайверинг, ўз йўлингизни янги асарлар билан исбот этинг. Янгилик турмушдан доим қийинлик билан ўрин олади. Ўртоқлар бу спектакль тўғрисида нималар дейишганини эшитдингизми? Жанг билан қўйилган. Шундайми?

— Шундай,— деб тасдиқлади Яков Тимофеевич.— Биз билан ким жанг қилди, дейсизми? Ҳозир номи зикр этилган режиссёримиз, ўша ўртоқ Томашук, ўзи бугун спектаклга ҳам келмабди. У, нима деганини биласизми? У, томошани бўм-бўш залга кўрсатасизлар, деган эди.

— Ана кўрдингизми?— деди Горбачев Виталийга.— Унинг бу башорати ҳам ўринламаган. У санъатнинг қадрига етмас экан.— Ҳа айтгандек, ўртоқ редактор!— деб Горбачев Бу-сиринга мурожаат қилди.— Театрни қувватлаб, спектакль тўғрисида мақола берса бўлади.

— Биз буни планлаштиряпмиз, Иван Яковлевич. Ўзим ёзаман.

Яна бироз сўзлашиб туришди, кўк мандаринларни еб бўлишди-да, тарқалишди.

Гуляев кўчада ёлғиз борарди. Бироз совуқ турган, сийрак қор ёғарди. Унинг кўнгли бирорта яхши, жиддий одамларга керакли иш қилгандек шод эди. Лекин кўнглининг аллақайси бир чуқур ерида ноаниқ бесаранжомлик шарпаси сезиларди. Гуляев спектаклни бошдан-оёқ яна хаёлидан кечирич, айрим сўзларни ичида такрорлар, уларни керак бўлганича айтган-айтмаганини текшириб кўрарди; чапакбозликни эшитар, юзидан ўпганларини сезарди; қўлини маҳкам шодиёна қисганларини эсларди; ҳаммаси ажойиб бўлди, лекин бесаранжомлик яна сезилиб қолди, ўзини маълум қилиб қўйди.

Нима гап? Бу нима? Гуляев тўхтади, ҳатто пешонасини ушлаб кўрди. Бирор нарсани йўқотдимми, ё унутдимми, ёки бошқа нарсамикан, деб ўйлади. Бирдан эсига Зоя Петровна тушди! Ҳа, ҳа, Зоя Петровна. Бу қандай бўлмағур гап бўлди? Ким ўзи бу зўравон Чибисов! У, Зоя Петровнани уйига-ча кузатиб қўйганини, унинг, дунёда яхши одамлар борми, деб сўраганини эслади. Шу саволнинг ўзини айтмайсизми! Яхши одамлар умуман бор-йўқлиги устида ўйланиб қолибди, демак, унинг ҳаёти оғир. Демак, бу одам кўп марта алданган, одамлардан кўп жабр кўрган.

Гуляев ҳозироқ йўлдан бурилишга ва Зоя Петровнанинг уйига бориладиган йўлга тушишга тайёр эди. Кечаси соат учлар бўлиб қолганига парво қилмасди. Ноҳақ ранжитилган одам дўстона ва самимий ҳамдард бўлиб келган одамдан ҳамма вақт хурсанд бўлаверади. Гуляев Зоя Петровнанинг ҳаётида, афтидан, жуда муҳим роль ўйнайдиган Орлеанцев тўғрисида ўйлаб кетди. Бу одамнинг қўли қанчалик узун. Бу ерда ҳам ҳозир-нозир. Шундай бир одамшаванда Платон Тимофеевични ҳам цехдан суриб чиқарган, Виталийнинг хотинига ҳам аллақандай бир туҳматни тўнкаган...

Йўқ, Гуляев ўз йўлидан бурилмади. Тунги муздек ҳавони шимиргани ҳолда секин-секин юриб, уйга етиб келди-да, эшикларни ўз калитлари билан очди; уй сукунат ичида, афтидан қўшнилари тинч уйқуда эди; лекин Гуляев Платон Тимофеевич билан Устиновнанинг театрга борганини билар, хаёлларини бир ерга тўплаб, икковлари ҳам улуғвор қиёфада ўтирганини кўрган эди. Гуляев юмшоқ туфлисини кийиб, хонада кезина бошлади. Жуда ҳаяжонланган, бесаранжом бўлганидан ухлай олмасди. Гуляев бугун ижро қилган родини кўп йиллардан буён орзу қилиб юрар, чунки бу роль ҳаётининг бир неча йиллик истиқболини белгилаб берарди. У энди ўзини яна дадил ва бардам ҳис этади. У бир маҳал

курортда бир ой бирга бўлган ёзувчига тан берар эди. Ёзувчи, ёзиб қўйган биргина китоби билан ўн, йигирма йил яшайдиган ўз ҳамкасбларидан ажабланишини сўзлаган эди. «Мен бунинг моддий жиҳатини айтаётганим йўқ,— дерди у изоҳ бериб.— Мен бошқа, маънавий жиҳатини айтаман. Масалан, уч, тўрт йил орасида янги китобим чиқмаса, ўзимни ноқулай аҳволда сезаман, ўқувчилар олдида, ўртоқларим олдида чиқиб сўзлашга ҳаққим йўқ, деб биламан, ёзувчилар союзининг бирорта раҳбар органига сайланиш ҳуқуқига эга эмасман деб биламан, ҳуллас — ўзимни мукаммал эмасдек ҳис этаман. Китоб ёзмайдиган, лекин шунга қарамай раҳбарлик қилаверадиган, насиҳат қиладиган, ўзининг аллақайси бадийи тажрибаси устида мулоҳаза юритадиган адабиётчилар ҳам бор». Гуляев ҳозир ўзини янги китоб ёзган, санъатдаги ўрнини ва бу ўринни эгаллаш ҳуқуқини исбот этган ёзувчидек ҳис этарди.

Гуляевнинг эшиги секингина тақиллади, Гуляев бориб очди. Коридорда Устиновна турар эди.

— Қачон кела қолган эдингиз, Александр Львович?— деди у.— Биз тиқ этса эшикка қараб ўтирибмиз!.. Ҳайриятки, остонада чироққа кўзим тушди. Йўқса кутиб ўтираверар эканмиз. Бу ёққа, бизникига киринг. Платон бўлса, хавотир ҳам олди.

Ершовлар оиласи ухламаган, дастурхон тузаб ўтирган экан.

— Қани азиз дўстим,— Платон Тимофеевич ўрнидан туриб, уни маҳкам бағрига босди.— Ўтир, бугунги ютуғингни нишонлайлик. Умр йўлдошим кўз ёши қилавериб ўлиб бўлди, мен ҳам кўз ёшимни тиёлмадим. Мафтун қилдинг, қаттиқ мафтун қилдинг.

Учовлари стол ёнида ўтиргач, Платон Тимофеевич бундай деди:

— Сен мени нима қилганингни биласанми? Сен менга бутун куч-қувватимни қайтариб бердинг, ҳа. Ён беришга, цехдан кетишга ҳаққим йўқлигини тушундим. Мен бўлсам, болаларни ўқитишга киришибман, ҳалиги, ўз тақдирим тўғрисида бўлмағур қарорга келибман. Мен чўян эритишим, чўян эритишим керак! Мен саломатман, бақувватман, эрита оламан уни. Менинг жойим цехда, бошқа ҳеч ерга бормайман, байрам ўтсин, масалани кўндаланг қўяман. Бунинг ҳаммасига сен сабаб, менга шундай ўрناق кўрсатдингки, Александр Львович, айтишга сўз тополмайман.

Улар санъат тўғрисида, чўян тўғирисда, домна печлари ва тақдирнинг ғалати ўйинлари тўғрисида узоқ гаплашиб ўтирдилар: заводда бўлиб турадиган нотўғри ишлар устида гап борганида Гуляев Зоя Петровнани ҳам тилга олди.

— Бу одамнинг ҳам,— деди унинг гапини маъқуллаб Платон Тимофеевич,— умрини ҳазон қилишди. Бемор ётибди. Қаттиқ касал. Бўшатиб юборганидан Чибисовнинг ўзи ҳам пушаймон.

— Бағри тош одам экан у.

— Йўқ, у бағри тош одам эмас. Унинг миясини айнитиб юборишди.

— Бу қанақаси ўзи, ҳайдаб юборса қўйса?

— Турмушда ҳар хил гаплар бўлади, Львович. Оҳ, турмуш шундай бир чалкаш нарсани, Львович! Уни осонгина — ундай эди, бундай эди! — деб ўйлаб бўлмайди. Ҳар биримиз шундай бўлмағур ишларни ҳам қилишга қодирмиз. Киши билмасдан, асабийлик билан қизишиб, ёрилгудек бўлади. Ҳар хил авждан. Асосий гап — шундан сўнг ўзини қандай тутишда. Масалан, бемаза иш қилиб қўйдингу, кейин айбингни фаҳмлаб қолдинг. Бунда, айрим одамлар бемаза иш қилиб қўйганини билиб қолиши биланоқ, ўз хатосини тузатишга киришади, уни бўйнига олишдан ҳамда шундай, ўртоқлар, ёмон иш қилиб қўйганим рост, ҳаммасини тузатаман, қўлингиздан келса ёрдам беринг, дейишдан тортинмайди. Бошқалари эса — йўқ деб туриб олади. Орамизда шундай одамлар ҳам бор, ахир. Худди кўрдек, тутганини қўймайди. Қилиб қўйган гуноҳи бошидан ошиб ётган бўлса ҳам, ишқилиб, ўз айбига иқрор бўлмаслик учун, бирини иккинчисига қалаштираверади. Худди ҳуснбузардек.

— Хўш, Чибисов олдингилариданми, ё кейингиларидан?

— Уни чалғитишди, Львович, чалғитиб қўйишди. Ҳали, эҳтимол, ўзи ҳам заводда туриб қололмас. Шундай бўрон босиб келяптики, қараб тур, уни илдизи билан қўпориб юборади ҳали. Лекин бақувват йигит, қўрқоқлардан эмас.

Гуляев эртасига ўрнидан кеч турди. Уни яна Ершовлар чой ичишга чақирдилар. Дастурхонга пироглар, Устиновна пишигран печеньелар қўйилган эди. Гуляев ўзини яхши ҳис этарди, бирор маҳал уйлик бўлиб, уй нима эканлигини билганида, у ҳатто, худди ўз уйимда ўтиргандекман, деган бўларди.

Гуляев кўчага чиқди, қуёш чарақлаб турган, шамолсиз ажойиб кун эди. Кўчада кезинди, халқ сайр этаётганини кўрди-да, йўл-йўлакай кино тўғри келиб қолиб, кўрмаган картина қўйилаётганидан унга кирмоқчи бўлди. Лекин кассада билет қолмабди. Ушандагина кўчага қуёшда ва сокин ҳавода ҳузур қилгани эмас, бориб Зоя Петровнадан хабар олгани чиққанини англади,— мана шунинг учун кўчага чиққан экан.

Ўзича шундай деди-ю енгил тортди, тўппа-тўғри Зоя Петровна яшайдиган кўча томон йўл олди.

Зоя Петровна ўринда ётар, қизи дераза ёнидаги стулда китоб ўқиб ўтирарди, Гуляев қўлини узатганда у исмини Нина деб атади. Зоя Петровнанинг онаси стол ёнида кўк жундан алланарса тўқиб ўтирар эди. Зоя Петровнанинг юзи ҳам деярли худди шу яшил жун сингари тусга кирган эди.

— Кечиринг,— деди Зоя Петровна,— марҳамат қилиб, кечиринг,— кеча боролмадим.— У ётгани ҳолда ўрин ёнидаги тумбочкани титкалаб, конвертни топди.— Мана, билетлар ҳам қуйиб қолди. Юборганингиз учун раҳмат. Мен тураман деб, туrolмадим. Бошим жуда қаттиқ оғрияпти.

— Сиз, марҳамат қилиб, гапирманг,— деди Гуляев.— Сиз бунда қийналасиз.

— Йўқ, мен гапиришни истайман. Мен кўпдан буён индамайман. Гапирмаслик жонимга тегди.

— Сиздан хабар олишмаяптими?

— Келишяпти, келишяпти. Дугоналарим, заводда бирга ишлаган аёллар келган эди. Кеча, намойишдан сўнг бўлса ҳам киришди.— Зоя Петровна унга нотаниш бир неча номни айтди. Улар ичида Орлеанцевнинг фамилияси йўқ эди. Гуляев унинг тўғрисида сўрагиси келса ҳам, лекин журъат қилмади.

— Мени қўяйлик энди, қизиғи йўқ,— деди Зоя Петровна.— Яхшиси премьерга қандай ўтганини сўзлаб беринг.

Гуляев спектакль тўғрисида, ундан кейинги гаплар, ўз хаяжони ва хаёллари ҳақида батафсил сўзлади.

— Сиз толиқмадингизми?— деб сўрарди Гуляев гоҳо.— Мен сизни зериктириб юбормадимми?

— Йўқ, йўқ, нима деяпсиз асти!

Гуляев бу ерга Зоя Петровнадан Чибисов уни қандай бўшатиб юборганини, бўшатиш сабабини суриштириш мақсадида келган эди, унинг айбини билгиси келарди. У, Зоя Петровна ишдан бўшатиб юборадиган даражада бирорта иш қила олишини тасаввур қилаолмасди. Лекин Гуляев буни Зоя Петровнадан сўраш ноқулайлигини кўриб турарди. Ўзи ҳар хил нарсаларни сўзлаб, узоқ ўтириб қолди-да, вақт тез ўтиб кетганини ва ташқарида қош қорайиб бораётганини сезмай қолди.

Зоя Петровнанинг онаси уни чой ичиш учун столга таклиф қилди.

— Лекин бизни кечиринг,— деди у.— Столга қўядиган ҳеч нарсамиз йўқ.

— Ойи...— деб қақирди уни Зоя Петровна ташвишланиб.

— Бу ерда «ойи» нимаси! Александр Львович бизнинг

капиталист эмаслигимизни ўзи ҳам билади. Сен ишламасанг, нимамиз бўларди.

— Ойи!...— деди янада кўпроқ ташвиш ва ҳаяжон ичида Зоя Петровна.— Мен ҳозироқ ўрнимдан тураман. Эшитяп-санми?

Онаси жим бўлди. Гуляев бу гаплардан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди. У ҳам жим бўлиб қолди. Гуляев стол ёнида Зоя Петровнанинг қизи билан бирга чой ичарди. Онаси чой қуйиб, Зоя Петровнага стаканни узатди. Гуляев кампирнинг гапи тўғри экани, бу оиланинг боқувчиси ишсиз ва бемор бўлганидан жуда оғир аҳволда қолганини ўйлади. Унга беморлик варақаси юзасидан ҳам ҳақ тўлаш-маса керак. Бўшатишган, ким ҳам тўларди?

Гуляев Зоя Петровнага кўмаклашиш йўлини ўйлагани ҳолда жўнаб кетди. Масалан, озиқ-овқатликлар харид этиб келтириб бериш мумкин эди. Лекин киши уй бекасига маъқул бўлмаган нарсаларни харид қилиб қўйиши мумкин. Ҳаммасидан ҳам пул берган дуруст эди. У, албатта, бадавлат эмас, чекка жой театрининг актёри оладиган маош маълум; у миллионер эмас, ҳа, миллионер эмас, шундай бўлса-да, бу оилга бир неча юз сўм беришга тайёр эди. Лекин олишармикан? Тўғри, бу масалада кампир анча иш билармон кўринади. Лекин Зоя Петровна билиб қолса, катта жанжал бўлади.

Гуляев яна Орлеанцевни ўйлади. Буларнинг аҳволига қараганда оқ сочли шервачча, афтидан, бу уйга қатнамай қўйган эди.

18

«Эсанкираб қолди, аблаҳ, гангиб қолди!— деб ўйларди Крутилич Орлеанцев ҳақида.— Ҳаммага насиҳат қилиб, яшашни ўргатарди, оёқларини ликиллашиб ўтирар, пулни назар-писанд қилмасди. Овозинг чиқмай қолди-ку, дўмбоғим! Шошмай тур ҳали, бундан ҳам мулойим бўлиб қоласан...»

Крутилични заводда бўлаётган воқеаларнинг ҳаммаси — бош мастер Ершовнинг домна цехидан кетгани ҳам, Зоя Петровнанинг бўшатиб юборилгани ҳам, Чибисовнинг жиддий партия виговори, эҳтимол, ундан ҳам қаттиқроқ жазо олиш таҳликасида қолгани ҳам, инженер Қозакова роса танбиҳини еб, айтишларича, энди эри билан аразлашиб қолгани ҳам, комиссиялар қатнаб, архивларни кўтараётгани, мажлислар қилишаётгани, якунлар, актлар, хулосалар ёзишаётгани ҳам қувонтирар эди. Энди буюк Орлеанцев ҳам таҳлика остида юрибди. Аллаким: Крутиличнинг ҳужжатлари шубҳали, бу ҳужжат-

лар бош инженер ўринбосарлигига ўртоқ Орлеанцев келгандан кейин папкада ўтиб кетган число билан пайдо бўлган эмасмикан, деди. Чинакам текширилиб, химия ва рентгеноскопия сингари ҳозирги замон воситаларига эга бўлган суд экспертизаси ишга солинса — унда Орлеанцевнинг қаллоблиги фош этилади. «Ифлос амалпараст! — деб ўйларди унинг тўғрисида Крутилич. — Тирсақлари билан ҳаммани суриб боради. Зўр бериб министр бўлмоқчи! У бундан озроғига қўнмайди».

Крутилич ўзи ҳақида кўп ҳам безовта бўлмасди. У жуда мушкул аҳволни назарда тутиб, пухта режа тузиб олган эди. Унинг бу қоғозларни, доклад ва ҳар хил тушунтириш хатларини кўтариб юрганини ҳеч ким ҳеч қаерда кўрган эмас, Крутилич уларни ҳеч қаёққа олиб борган эмас. Уларни кўтариб юрган Орлеанцев эди. Ундан, яъни Крутиличдан, бу кимнинг қоғозлари, деб сўрашди, албатта. У бўлса қоғозлар ўзиники эканини айтган, бошқа ҳеч нарса демаган. Ҳал қилувчи фурсат келганда бу қоғозларни Орлеанцев унинг уйидан топиб олганини ва бир маҳал ўзини ранжитган Чибисовга қарши қабиҳлик билан қўрашиш ниятида уларни партия комитетига олиб кетганини айтади; Крутилич бу қоғозлар — ўзининг кўп меҳнати натижаси эканини инкор қилмайди; лекин у шошилиб, юзаки иш қилмайдиган пухта инженер бўлганидан қилган ишини ҳали бўш, такомиллашмаган деб вақтинча ташлаб қўйган эди; у ўз таклифи билан ҳеч қаерга мурожаат қилмаган ва агар тўхматчи, амалпараст. Орлеанцев бўлмаганида битказмасдан мурожаат ҳам этмас ҳамда вақтидан аввал буни одамлар билмас ҳам эдилар. Айниқса, бунинг устига Қозакованинг таклифи ҳатто ўзининг таклифидан ҳам мукамалроқ эканлигини айтиб, бу ишдаги биринчилик шуҳратини Қозаковага иштиёқ билан топширишини билдирса, позиция олижаноб, гўзал бўлиб чиқади. Иш бу шуҳратни баҳам кўришга Қозакова билан Крутилични мажбур этишлари билан тугайди. Хўш, қалай бундан ўша буюк Орлеанцевнинг бир бачкана фитнагар бўлиб чиқишини эътиборга олганда, бу унчалик чакки эмас. Ҳа, ҳа, ажойиб иш бўлади, тароз-вагонлар кабинасига ўрнатиладиган электр совутгич схемасини ишлаб чиқишда Қозакова ўз йўли билан борган; шу пайтда Крутиличнинг қўлида илгари ишлаб чиқилган ўз схемаси бўлиб, буни ҳеч ким билмаган, чунки Крутилич уни мукамал деб билмаган. Иш ана шундай бўлиб чиқади.

Иши ўнгидан келган, ўзига ишонган ўша Орлеанцевга нисбатан Крутиличнинг кўкрагида йиғилиб зардобланиб юрган нафрати ниҳоят намоён бўладиган пайт келган эди. Тўлғаниб қолади бу такаббур, эмаклаб қолади ҳали, дерди у, қўлларини ишқаб. Бундай гигантни чалғита олганидан Крутилич ҳузур қиларди. Заводдаги барча машмашалар ҳа-

қиқатан ўзи туфайли бўлаётгани, лекин одамлар кўз ўнгига ўзи эмас, Орлеанцев чиқиб қолгандан хурсанд эди. «Ҳеч маҳал олдинга югурма,— деб насиҳат қиларди у ўзига.— Сенинг ишинг битса басми? Ёки бу ишни худди сен битирганлигингни албатта ҳамма билиши керакми? Шухратпараст бўлма. Кўп одамларга тааллуқли бўладиган, жиғига тегадиган воқеаларнинг махфий зўр пружинаси бўлишингни ҳис этиш жуда ҳузур бўлади».

Шундай фикр-мулоҳазаларга чўмган дақиқаларда Крутилич ўзини ойнага солишни яхши кўрарди. У ойнага яқин борди-да, ойна тоқчасида ётган кир пайпоқ билан унинг чангини артди. Орлеанцев бу мушуқулни осон қилишга сўз берган бўлса-да, Крутиличнинг уйида хотин киши пайдо бўлмади. Тўғри, Орлеанцевнинг тавсиясига биноан бир нечтаси келган ҳам эди. Биттаси ҳақида Орлеанцев, бу жуда яхши ошпаз, деб хат ёзган эди. Лекин у худди одамнинг бошини чўқиб оладигандек қирра бурун ва ғилай бўлиб, унга қараган одам икки кўзини бурнига қаратгиси келиб кетарди. Ваҳиманинг ўзи, Крутилич бош тортди. Ошпазлиги ўзига! Крутилич зиёфат берармиди? Бошқа бири Москвада генералу маршалларникида қандай яшаганини сўзлай кетди, у ҳаммани исми ва отасининг исмигача биларди; Крутилич ундан генераллик ҳаётининг жуда ғалати тафсилотларини эшитиб олди, у ҳатто: «Ҳай, сен холам тушмагур, уй ходимаси эмас, юбка кийган Лоуренснинг ўзи экансан-ку» деб ўйлаб қолди. Бунисини ҳам олмади. Учинчиси квартирани айланиб кўриб, бир сирлик жилмайиш қилди-ю, қайси бир хона меники бўлади деб сўради. Крутилич, ҳеч қайси деди, у ҳам жўнаб кетди. Крутилич тўртинчисини уйга ҳам киритмади— эшикни ярим очиб, аёл нима иш билан келганини билди-ю: «Кераги йўқ, кераги йўқ, ўзим нозик ойим эмасман!» деганича эшикни қулфлаб олди.

Бу чанг ҳам аёл кишининг йўқлигидан эди, албатта.

Нари-бери артилган ойнада у юзини кўрди. Жуда яхши юз. Кўзларида аввалги пирпираш ҳам, ёноқларининг салқиганлиги ҳам йўқ. Кўзларида хотиржамлик ифодаси. Бу омонат одам эмас.

Ҳали у айрим одамларнинг кўзини очиб қўяди, баъзилар уни ўз вақтида таниб олмаганлиги, ўз тенги ҳисобламай: унга ҳомийларча илтифот ила қараганлигидан пушаймон еб қоладди. Ҳеч кимнинг гуноҳини кечирмаслик керак. Кечирсанг, кўнглига бошқа гап келади. Сени ожиз экан деб ўйлайди. Кечирмасанг, кучлик эканлигингни дарҳол сезади, ҳурмат қилади. Ҳурмат қилишмаганда ҳам, ҳар нечук, қўрқишади. Буниси эса, яна дуруст. Горбачев унинг хати солинган папкани топа олмаётганини билгач, Крутилич уни ҳам кечирмас-

ликка аҳд қилди. Бу ҳақда область партия комитетига хат ёзиб юборди. Чақиришсин, «шаҳарнинг эгаси» билан бир гаплашиб қўйишсин, эзғиланиш қанақа бўлишини ўзи бошидан кечирсин. Ташвиш қанақа бўлишини билмай, мазза қилиб яшаётгандир.

Горбачев кеча Крутилични ўз олдига чақириб, ундан марҳамат қилиб кечирлишини, папкани йўқотиб қўйиб, топа олмаётганини, бетоб бўлиб эҳтиёт қилолмаганини билдирди. Қисқаси кечиринг, ўртоқ Крутилич, ҳаммамиз ҳам одам боласимиз, дейди-я.

Рост, одам боласи бўлишга-ку ҳаммамиз одам боласимиз. Лекин сен, оппоғим, «кечиринг» дединг-ку, қутулдинг, қўйдинг. Арзимас бир қоғозингни йўқотиб қўйгудек бўлсам, мен қандай кунга қолардим? Камида виговор ғириллаган бўларди. Ҳисоб-китоб варақаси бетимга уриларди-ю, ишдан учиб кетардим. Крутилич ўз умрида бунақасини кўрган, кўп мартабалаб кўрган эдим. Ҳаммамиз ҳам одам боласимиз, дегани ана шундай бўлган эди!

Крутилич секин-аста бир гапни иккинчисига қалаштирганича, Горбачевга қарши ўзини шундай тезладикки, бундан унинг қўли қоғоз ва сиеҳга беихтиёр чўзилди. Перо қитирлаб, ҳарфма-ҳарф, сатрма-сатр ёза кетди. Кеча кечирим сўрагани горком секретари Горбачев ўзига бу нимжон, ювуқсиз одам қандай насиба ҳозирлаётганидан беҳабар эди.

Қўнғироқни эшитиб, Крутилич ўз ёзув-чизувини столга яширди-да, эшик очгани борди. Орлеанцев келган эди.

— Ҳамон молхонада яшаяпсизми?— деди у, креслога ўтирар экан. Уйингиздан чиққач, кийим-бошни тозалатишга бериш керак бўлади.

Крутилич жавоб бермади, рўпара келиб ўтирди-ю, ўз хоҳишига қарши бориб, Орлеанцевга ғазаб билан қарарди. У ҳам аввалгидек жилмаймасди.

— Хўш, қалай?— деб сўради Орлеанцев ниҳоят.

— Нима эди?— деди Крутилич хотиржамлик билан.

— Турмуш қалай, деб сўраяпман.

— Чакки эмас, Константин Романович, чакки эмас.

— Турмушдан мамнунмисиз?

— Жуда мамнунман, Константин Романович.

— Яқин орада бу осойишталигингиз тугашини биласизми?

— Нима муносабат билан экан Константин Романович?

— Шу муносабат биланки, ўртоқ Крутилич, қоғозларингизни қалбаки, деб эълон қилмоқчи. Мен ўрнингизда бўлсам бундан қувонмасдим.

— Қизиқ, Константин Романович, қоғозларимнинг таш-

вишини мен қилмай, негадир сиз қияпсиз. Тақдирим тўғрисида мен ўйламай, сиз ўйлаяпсиз. Бундай манфаатдорлик, бундай меҳрибонлик қайдан келди экан?

Орлеанцев Крутиличнинг башарасига, қўлларига, янги бўлса-да, роса уринган лакланган замш туфли кийган оёқларига диққат билан назар солди. Унинг хаёлидан нохуш фикрлар кечди. Дастлаб танишганларида ночор, ғариб бўлган ва энди тобора сурбетлашаётган бу нусха билан муносабатда бўлганига афсусланди. Крутилич ўзини нега бундай тутяпти, унга номаълум қандай нарсани билади, ихтиёт қилган қандай қуроли бор экан, нега тиржаяди, фош бўлишдан чўчимайди. Бунақа одамларнинг қўлидан ҳамма нарса, ҳатто ота-онасини сотиб юбориш ҳам келади, бу ёқдаги... Орлеанцев ичида, бу ёқдаги ўртоқлари у ёқда турсин, деб юбораёзди. Наҳотки ўзи шундайин бир бетайин, шундайин бир пасткаш, қуруқ, иғвогар, таъмагир, умри муҳтожликда ўтиб кетадиган бир одамга ўртоқ бўлиб ўтирса, бу даҳшатку. Наҳотки шунчалик алданса, наҳотки воситалар танлашда шунчалик ўйлаб кўрмаса? Бундайин хароб, арзимас махлуқлар ёрдами билан бирор нарсага эришиб бўлармиди?

— Менга қаранг,— деди у.— Сизнинг гуллаш, яшнаш даврингиз қандай қилиб бошлангани балки ёдингиздан кўтарилгандир, лекин мен буни жуда яхши эслайман, Крутилич...

— Менинг ҳам эсимда, Константин Романович, мен ҳам жуда яхши эслайман, унутиб юборибди, деб ўйламанг тагин. Ҳамма иш менга олижаноблик билан кўрсатган ёрдмингиздан, мени расво кулбамдан топиб олиб, ёруғ дунёга олиб чиққанлигингиздан бошланди. Мени деб дирекция билан жанг қилдингиз, менинг ишим тўғрисида газета ва журналларда мақолалар уюштирддингиз, мени заводда яхши маошлик вазифа билан таъминладдингиз, менга бу кватирани олиб бердингиз, сиз...

— Ҳа, яхши эсингизда экан,— деди гапни бўлиб Орлеанцев.— Нега мен бундай қилдим, қандай мақсад ва режалар билан шундай қилдим, буни нима деб ўйлайсиз?

— Мана шунисини билмайман, Константин Романович. Билмаганимдан кейин билмайман. Таҳмин қилиб кўришим мумкин. Балки, олижаноб табнатингиздандир. Балки, фазилингизнинг бепоемлигидандир.

Орлеанцев унинг кўзларини, қўлларини кузатар, Крутилич бу гапларни жиддий тарзда сўзлаётганини ҳам, ёки уни роса сурбетлик билан ва уялмасдан мазах қилаётганини ҳам англай олмасди. Ҳайвон, пастарин махлуқ бўла туриб, ўзини арслондек тутадия.

— Сиз жуда чиройли сўзлар айтяпсиз, чиройли— деб гап бошлади Орлеанцев унчалик ишонқирамай.— Олижаноблик ва ҳоказоларнинг нима кераги бор? Мен шунчаки техникамиз, саноатимизнинг ривожланишидан манфаатдорман. Мен сизнинг қобилиятли одам, қобилиятли инженер эканлигингизни кўрдим, коммунистлик бурчим сизга ёрдам беришни тақозо этди. Шу холос. Мен сизга қўлимдан келганча ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам ўз бурчим деб биламан.

— Раҳмат, азизим Константин Романович, раҳмат.

— Бугун олдингизга келишимни ҳам шу маънода тушунишингизни сўрайман. Балки сиз юз берган аҳволнинг нақадар таҳликали эканини тушуна олмаётгандирсиз, буниси менга қоронғи, лекин сизни ишонтириб айтаманки, аҳвол хунук. Сизнинг ихтирочилик обрўйингиз хавф остида.

— Нима вайдан экан, ажаб?— Крутиличнинг юзи ташвишли қиёфага кирди.— Унча тушунолмадим.

— Истасалар, сизнинг қоғозларингизни қалбаки деб топишлари мумкин, шу вайдан, деяпман-ку.

— Улар ахир, қалбаки эмас-ку, Константин Романович!— деди Крутилич.— Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Улар ўз қўлим билан бажарилган, буни ҳар қанақа экспертиза ҳам тан олади.

— Лекин улар Қозакованинг таклифидан сўнг пайдо бўлган-да.

— Ҳа, кейин. Нима учун? Шунинг учунки, улар менинг мана бу сандиғимда ётган эди. Мен ишни тугаган деб ҳисобламай эълон қилмаган эдим. Демак, Қозакова билан мен бир йўлдан барабар борганмиз. У олдинроқ маълум қилган. Хўш, нима бўпти?

— Олдинроқ эълон қилган у эмас, сиз, ўртоқ Крутилич, гап шунда! Қоғозларингиз сизнинг сандиғингизда эмас, бош инженернинг папкасида шу йил январь ойидан буён сақланган. Улар сандиғингиздан қандай қилиб, у ёққа бориб қолади?

— Билмаганимдан кейин билмайман-да, Константин Романович. Тавба қилишга тайёрман: билмайман.

Крутилич жамтарлик билан сўзлар, тантана қиларди. У, Орлеанцевни исканжага олди. Ҳақиқатан ўз ҳужжатларини бош инженер папкасига тиқиштирган у эмас.

— Кофе ичсакмикан?— деб таклиф қилди Крутилич, қувончидан кулиб юборгудек бўлиб.— Қуюқ кофе бор. Қайнаган сувни иситаман... у, жавобни кутиб турмай, стол яшигидаги калитини буради-да, калитни чўнтагига солиб, ошхонага югурди. Йўл-йўлакай ойнага қараб, кулиб турган башарасини кўрди, бундай эпчиллиги ва айёрлиги учун ҳозир биров

унинг бўйнига туширадигандек бошини ичига тортди. Газ плитчасига ўт қўяр экан, ўз-ўзича: «Офарин!» деб қўйди.

Крутилич идиш-товоқ, чашкаларга урнаб гижимланган пачкаларда қолган печенье ва сухариларни тарелкаларга тўкар экан, шу орада ўтган ўн минутлик вақт мобайнида квартирада сукунат ҳукм сурди. Орлеанцев сингиб кетгандек бўлиб ўтирарди. Крутилич ҳатто безовта бўлиб, столимнинг қулфини бузаётгани йўқмикан, деган хаёлда йўл-йўлакай хонага кўз ташлаб ўтди. Орлеанцев ҳеч нарсани бузмай ҳамон ўша қиёфада креслода ўтирар ва оёғини ликиллатарди.

Крутилич уни столга таклиф қилди, Орлеанцев стулга ўтиб ўтиргач:

— Балки, коньяк истарсиз?— деб сўради.

— Ҳовли тўйдан олиб қолганмидингиз?

— Нега ҳовли тўйдан бўлсин? Кузги намгарчиликдан сақланиш учун ичиб тураман.

— Ёрдам берадими?

— Жуда яхши ёрдам беради.

— Қани, келтиринг. Лекин закускабоп нарсангиз ҳам йўқдир?

— Олма бор.

Стол устида бир шиша оғзи очиқ коньяк пайдо бўлди, у негадир серузум водийлардан жуда олис Донбассдаги Артемовск шахрининг вино заводи подвалларида тайёрланган эди.

— Бу арманларники эмас, албатта,— деди рюмкадан бир хўплаб Орлеанцев,— озарбайжонларники ҳам эмас, грузинларники ҳам эмас, ҳатто молдаванларники ҳам эмас...

— Бу худди металлургларики, горнякларники,— деб илова қилди Крутилич. Крутилич ҳазиллашиш, қизиқчилик қилишга тайёр эди, пол тагидаги кавакда бир неча кундан бери жиғига тегиб юрган сичқонни тутиб олган мушук ўзини қандай тутса, у ҳам ўзини шундай тутарди. Мушук сичқонни тутган, панжалари билан эзган, хона ўртасида қолдирган эди, сичқон ўзини озод деб ўйлаши, ҳатто қочиши мумкин. Лекин маълум жойгача қочиб бора олади, ундан бир қадам нари ўтди дегунча, пойлаб турган сезгир мушук панжалари таппа босади. Крутилич ҳатто латифа айта бошлади.

Бир шарқ подшолигида бўзагар пайдо бўлибди. Бундан аввал подшоликда бўза қайнатадиган одам бўлмаган экан. Бунинг дараги подшоҳнинг қулоғига етиб, бу ярамаслик-ку, дебди у, фаҳш иш ва бузуқликни тарқатмасиданоқ ўша ифлоснинг боши олинсин, дебди. Бўзагарни подшоҳнинг олдиغا чиқаришибди, албатта, бошингни оламиз, дейишибди. Бўзагар бўлса: бу асло фаҳш иш ҳам, бузуқлик ҳам эмас, жуда ажойиб таъсир этадиган бир шарбат. Бу кўр кўзни очади,

қўлсизга қўл беради, гадони миллионерга айлантиради, дебди, Айтганинг рост бўлса, сени кечирибгина қолмай, марҳаматим жўш уриб, ўзингни ҳам сарой бўзагари қилиб оламан, дебди подшоҳ. Ичсангиз-чи, Константин Романович, ичинг.

— Бирга ичайлик. Ёлғиз ўзим ичавераманми.

— Олайлик. Саломатлигингиз учун! Шундай қилиб, синов бошланибди. Деразасиз қоп-қоронғи бир залга кўрни, қўлсизни ва йўлдан тутиб келтирилган гадони ўтқазишибди. Ҳар бирининг олдига бир косадан бўза қўйишибди. Улар ичишар, бундай зиёфат қилган подшони мақташар экан. Кўр ичиб олгач: «Қандай равшан бўлиб кетди-я! Бу ернинг деразалари ажойиб экан!» дебди. Қўлсиз бўлса хуружга келиб: «Деразаларинг кўрсин! Ҳозир туриб стулни оламану, ҳамма деразаларингни уриб синдираман!» деб бақарибди. Гадо бўлса, стол остида чўзилиб ётган ҳолда: «Синдиравер, уялма. Ҳаммасининг пулини ўзим тўлайман» деб ғўлдирабди.

Орлеанцев кулди.

— Нима, кулгилик эканми?— деб сўради мамнун бўлиб Крутилич.

— Кулгиликдан ҳам кўра кўпроқ ачинарлик экан,— деди Орлеанцев.— Кўпчилигимиз ўзимизни ўша ошналарнинг ё униси ёки буниси каби тутамизу, бироқ буни ўзимизга ўхшатмай, уни бошқаларга ўхшатамиз. Сиз нима дейсиз, Крутилич? Сиз ўша кўр, ўша қўлсиз ёки ўша сандироқлаган бетайин ҳолатида бўлган эмасмисиз?

Крутилич елкасини қисди. Орлеанцевнинг бетайин тўғрисидаги гап оҳанги унга маъқул бўлмади. Орлеанцев буни жуда маънодор қилиб айтган эди.

— Хўш, суҳбатимизга қайтайлик,— деди Орлеанцев, Крутиличдан жавоб бўлмагач.— Сизнинг қоғозлар сандиқда сақланган эди, деган даъвоңгиз нотўғри. Улар бош инженернинг папакасига тикилган эди.

— Улар шу ҳолдагина қалбаки бўлиши мумкин!— деди дадил Крутилич.— Ҳар қандай экспертиза бу қоғозлар у ерга ким томонидандир кўрсатилган муддатдан анча кейин суқиб қўйилганини исботлаб беради. Менинг қоғозларим аслова ҳақиқий, сиз уларни мендан олиб, номаълум жойга олиб бормагунингизча сандиқда сақланар эди. Мен қоғозларни ҳеч қаерга олиб борган эмасман, бу ҳақда ҳеч нарса билмайман.

— Ўша доклад хатингизда: январь деган число турибди-ку, хат автори эканлигингизга комиссия олдида ўзингиз иқдор бўлгансиз. Қоғозлар худди ўша пайтда папкага тикилган.

— Январь бўлса бордир, лекин мен устига январь деб ёзиб қўйиб, ҳужжатларни директорга олиб бормасдан, сан-

диққа солиб қўйганман. Мен ишнинг битмаганини билардим, биз, айтгандек, хом мол билан савдо қилмаймиз, Константин Романович. Шундай.

— Хўш, сизнингча, бу қоғозларни кўтариб юрган, уларни директорга берган, қаёққадир тикиб қўйган мен эканман-да?

— Билмайман, Константин Романович, ҳеч нарса билмайман, мени кечирасиз.

Орлеанцевнинг нотинч ҳаётдан шишган ва солқиган юзига ташвиш ва эсанкираш ифодаси ярашмасди. Орлеанцев Крутилич ёнига шу қиёфада келган эди. Ҳозир унинг чеҳрасида, аввалгидек бўлмаса-да, ҳар нечук одатдаги такаббуруна-илтифотли жилмайиш бор эди. (Орлеанцевнинг ўз чеҳрасидаги бу ифодани сақлашга уринганлиги сезилиб турган бўлса ҳам эҳтимол).

— Сиз нега бунчалик эсламассиз, азизим?— деди Орлеанцев.— Хотирангизни ҳар сафар ниқташ, ишга солиб туриш керак. Склероз касалингиз борми дейман Крутилич? Ҳали эртароқ-ку. Гарчи бундай бетартиб умр... Гапнинг қисқаси, Крутилич, ушбу йил январда сиз ўз қоғозларингизни директор секретарига ўз қўлингиз билан топширгансиз ва бу ҳақда ундан ўз қўлингиз билан тилхат олгансиз. Мана томоша қилгайсиз.

Орлеанцев пиджаги чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди, эсанкираб қолган Крутилич унда қуйидаги сўзларни ўқиди: «Мен, Металлургия заводи директорининг секретари З. П. Ушакова, шу йил 26 январда инженер ўртоқ Крутиличдан тороз-вагонларни электрохолодильник асбоби билан ускуналаш тўғрисидаги доклад хати ва унинг 17 (ўн етти) саҳифалик иловасини дарҳол директор ўрт. Чибисовга топшириш учун қабул қилиб олдим. З. Ушакова».

Крутилич ҳушини йиғиб олмасданоқ, қоғоз яна Орлеанцевнинг чўнтагига тушди.

— Ахир, бу ёлғон-ку!— деди Крутилич.

— Ахир, тилхат ҳақиқий-ку. Сиздан қоғозларни қабул қилиб ола туриб, буни имзолаган аёл ҳам ҳужжатларни унга сиз келтириб берганингизни, шахсан сиздан, худди ўзингиздан қабул қилиб олганини истаган жойда тасдиқлайди.

Крутилич бир рюмка коньяк қуйиб ичди. Яна қуйиб ичди. Лаънати Орлеанцов уни яна аллақандай бир қопқонга тушириб олган эди.

— Хўш нима дейсиз энди?— деди у, зарда қилиб.

— Гап деган бундай бўпти.— деди Орлеанцев.— Айтганларидек, гўдакнинг гапи эмас, ўғил боланинг гапи бу. Астарапахтангиз афдариб ташланишини кутиб турмай, ўзингиз

учун курашишингизни, ўз ҳақиқатингиз учун курашишингизни истайман. Сиз бориб, ҳужжатларнинг қалбакилиги тўғрисидаги барча гап-сўзларга барҳам беришингиз керак.— Орлеанцев чўнтагидан тилхатни яна олди, уни Крутилич олдига столга ташлади.— Сандиқни кавлаб кўрилса, таклифингизга яна қўшимча материал чиқади. Қўлингизда, ниҳоят бу тилхат бор. Агар у,— деди Орлеанцев бармоғи билан қоғозни кўрсатиб,— бирор сабаб билан ғойиб бўлса, шунини ҳам эътиборга олганингиз яхшики, Крутилич, уни ёзган аёл ҳаёт ва ҳужжатни ҳар маҳал тиклаши мумкин. Гапимга тушундингизми? Шундай, азизим, ҳаракат қилинг, ҳаракат қилинг. Сиз кекса, тажрибали жангчисиз, сизга ўргатадиган гапим йўқ,— деб сўзини тамомлади Орлеанцев, ўрнидан турар экан.

У бу сафар ҳам ғойиб сифатида жўнаб кетди. Йўқ, ундан ўзиб кетиш у ёқда турсин, Крутилич унга ҳали тенглашмаган, тенглаша олмаган ҳам эди. Крутилич бугун ўзини ҳақиқатан кайфи ошиб қолиб бой фаҳмлаган ўша гадо сингари тутган эди.

19

Зоя Петровнанинг онаси унча ҳам нозиклик қилмади. Гуляевнинг бу тахмини янглиш чиқмади. Гуляев ўз ҳамёнидан олиб: «Ишлар юришиб кетгач, қайтариб берарсиз» деган сўзлар билан унинг қўлига қистирган бир неча юзталикини кампир шундай бўлиши керакдек қабул қилди. «Зоя Петровнага буни билдирмай қўя қолинг» деб қўйди Гуляев, кампир пулни фартуғи остидан эски мовут кўйлагининг чўнтагига тезгина яширганини кўзатган кўйи. «Бўлмасачи, бўлмасачи!— деди бу гапни маъқуллаб.— Ўртамизда қолади».

Гуляев Зоя Петровнанинг олдига тез-тез кириб турар, кундуз кунини ёки ҳатто эрта билан ҳам кирарди. Театр туйфайли бундан кеч киролмасди. Окуневлар оиласи тўғрисидаги спектакль зўр муваффақият билан давом этар, Гуляев унда деярли ҳар кун банд эди.

Зоя Петровна ҳамон ўрнидан туролмаслиги ҳамда шаҳарга довуғи кетган спектаклни кўролмаслигидан қайғурарди. «Мен тузукман, анча тузукман,— дерди у.— Тез орада кўчага чиқаман, ўшанда театрға бораман». Зоя Петровна шундай дерди-ку, лекин аҳволи аввалгидек эди, ўрнидан туришга мадори келмасди. Овқатланиш керак бўлганда онаси тайёрлаб берган таомни зўрға ерди. Заводдан бўшаганида олган пулини бунчалик тежаб-тергаб, бунчалик эҳтиёт қилиб сарфлаётган онасига ажабланарди. Қўп вақт ўтиб кетган бўлса-да, онаси ҳамон, безовта бўлма, болам ётавер, ҳали бир-икки

ойга ҳам етиб ортади,— деб юпатар, сен уй бекаси эмаслигинг, уй-рўзгор турмушидан чиқиб қолганинг дарҳол кўриниб турибди, бозорда озиқ-овқатликлар арзон бўлиб қолганини ҳам билмайсан. Энди жонгинам, аввал бир кунга етадиган йигирма сўмни ҳозир икки кунга, ҳатто уч кунга ҳам етказса бўлади.

Гуляевнинг келиб туришидан Зоя Петровна қувонар эди. У билан жуда яхши, жуда мароқли суҳбат қуриш, бемалол, жўнгина суҳбатлашиш мумкин. У кўп умр кўрган ва одамлар ҳаётидан олинган ўнлаб, юзлаб воқеаларни тинмай сўзлаб бераверарди; уларнинг бир хиллари кулгили, айримлари фожиаи бўлиб, ҳаммаси ҳам одамни ҳаяжонга соларди. Кекса актёр одамнинг кўнглини жуда яхши фаҳмлар, бегона кўнгил унинг учун нотаниш бўлмай, уни билиб оларди.

Орлеанцев ҳам Зоя Петровнанинг олдига бир неча марта кирди. Зоя Петровна у билан гаплашишни истамас, деворга ўгирилиб олиб, индамай ётаверарди. У мандарин, шоколад олиб келарди; бир кун бир шиша портвейн вино олиб келди. У кетгач, Зоя Петровна онасига «Марҳамат қилиб, бунини ҳаммасини чиқариб ташла» деди. Онаси бўлса: «Албатта, Зоенька, албатта» деди. Кампир ҳеч қаерда ҳеч нарсани чиқариб ташламаслигини, Ниночкага бериб туришини Зоя Петровна билганидан қистаб ўтирмади.

Зоя Петровна Орлеанцев ўзимни ўлдираман, деб ҳўнграб йиғлаган ўша фожиаи тун бошдан-оёқ бир спектакль бўлганини, ўзини мазах қилган комедия бўлганини энди тушунган эди. У: бунга қандай қилиб ишона қолди экан, қандай гафлатда қолди экан! Бахтдан четда қолган биз аёллар жуданодонмиз, ҳатто энг қўпол, энг қалбаки ишонтиришларга ҳам ишониб кетаверамиз; бизни кўндиришгани, бизга исбот этишгани, бизни ишонтиришгани учун эмас, ўзимиз ҳовлиқиб қизиқсиниб кетганимиздан кўр-кўрона ишонамиз.

Сўнгги марта келганида Орлеанцев отпускаи олиб, Москвага кетаётганини, хайрлашгани келганини айтди. «Бир шамоллаб келиш керак,— деди у.— Бу ернинг ҳавоси бироз гйнади. Венгрия воқеалари одамларга ғалати таъсир қилди: Одамлар шубҳаланадиган бўлиб қолди, улар билан ишлаш мушкулроқ бўлиб қолди». Зоя Петровна деворга ўгирилиб олганича индамасди. «Дарвоқе,— деб давом этди Орлеанцев.— Дарвоқе, Зоенька, бу ерда сени тилхат важдан кўп безовта қилишлари, суриштиришлари мумкин. Сендан жуда ўтиниб сўрайманки, жуда...»

Зоя Петровна ўзини тутолмади-ю, ўша тундан буён Орлеанцев билан биринчи марта сўзлашиб: «Сизни айтиб бермаслигимни сўрайсизми?» деди. Зоя Петровна ҳаяжонлан-

ган, оқарган, қалтираган ҳолда унга ўгирилди-да, ўринда ўтириб олди.— Шундайми? Шунн ўтиниб сўрайсизми?» У бақирарди. Орлеанцев уни юпатишга тутинди, унинг бошини ёстиққа қўймоқчи бўлди. Зоя Петровна ўзини тортди. «Уялмайсизми!— дерди у ҳамон.— Бир йил ким билан умр қилдингиз? Ҳар қандай разиллик қўлидан келадиган одам билан бўлдим, деб ўйлаганмидингиз? Сиз бу одамни нега таниб ола қолмадингиз!»— Зоя Петровна толиққан, энтиккан ҳолда ёстиққа ўзини ташлади. «Қўрқманг,— деди у, бироз жим қолгач.— Мен сизни, ўзингиз айтгандек, илгарироқ ҳам айтиб берсам бўларди». Орлеанцев унинг қўлини тутиб, ўпди. Зоя Петровна қаршилиқ кўрсатолмади. «Мен нега сезмаган эканман, ҳақиқатан мен нега танимаган эканман?— деб гўлдиради Орлеанцев.— Лекин сендан четланаётган мен эмас, сен ўзинг...»— «Бас қилинг,— деди Зоя Петровна.— Мен жуда чарчадим»— «Ундай бўлса кечир, кечир мени. Марҳамат қилиб, кечир».

У хайрлашиб, чиқиб кетди. Зоя Петровна Орлеанцевнинг бундай илтимос билан ўзига мурожаат қилишдан уялмаганини ҳамон ўйларди. Йўқ, Зоя Петровна бунчалик разилликка туша олмас эди, у ўзи қучоқлашган одам тўғрисида гап қилиб, бу одам мени фалон-пистон қилишга мажбур қилди, деб бориб айта олмасди. Бу жуда пасткашлик ва обивателча бўлмағур гапдир! Мажбур қилди, деган гапга ким ишонарди? У Зоя Петровнанинг қўлларини қайириб, тирноқларига ғаров югуртирибдими? Қамчи ёки пистолет билан қўрқитибдими? Йўқ, бунақа гаплар сира бўлгани йўқ, унинг ўзи ручкани қўлига олиб, Орлеанцев айтиб турганини ёзган. У ҳеч нарсани ёзмаслиги ҳам мумкин эди, буни қилишга уни ҳеч ким мажбур қилолмасди.

Зоя Петровна унинг одамлар венгер воқеаларидан сўнг бироз шубҳаланадиган бўлиб қолди, деган гапини эслади. Шундай бўласан ҳам,— деб ўйлади у. Яқинда қўшнисининг ўғли Шурик келди. У енгил яраланган бўлиб, икки ҳафтага уйига юборишган экан. У Будапештда мушкил воқеалар бўлганини айтиб берди. Контрреволюция роса ҳаддан ошибди. У узоқ вақт ва пухта ҳозирлик кўриб Ғарбдан келган экан. Лекин мамлакат ичида ҳам ёрдамчилари бўлган экан. Шурик контрреволюционерларнинг ваҳшийлиги тўғрисида, айрим кишиларнинг қолоқ кайфиятидан, ҳушёрлик кўрсатиши керак бўлган кишиларнинг бепарволигидан, уюшқоқлик ва сабот кўрсатиши керак бўлганларнинг эсанкираб қолганидан қандай фойдаланганини сўзлаб берди.

Орлеанцев чиқиб кетгач Гуляев ўз одатига риоя қилмай, кечаси алламаҳалда уйига кириб келганига қадар Зоя Петровна буларнинг ҳаммасини узоқ ўйлади.

— Бугун спектакль йўқ, театрда дам олиш куни, сиздан хабар олай дедим. Хафа бўлмайсизми?

— Нима деганингиз бу? Утиринг, марҳамат.

Об-ҳаво тўғрисида, газеталардаги сўнгги янгиликлар тўғрисида суҳбатлашишди.

— Александр Львович!— деди Зоя Петровна.— Венгер воқиаларидан сўнг одамлар бироз шубҳаланадиган бўлиб қолди, дейишади. Сиз нима дейсиз, ростми шу?

Гуляев Зоя Петровнани кўздан кечириб, бироз жим қолди. Зоя Петровна бу ҳақда бундай «дейишибди» деб шу билан бир неча марта савол берганини ўйлади. Гуляев бир вақт дунёда тамомила бенуқсон одам йўқ, ҳамманинг нуқсонли жойи бор «дейишганини» эслади.

— Биласизми Зоя Петровна, менга ким бундай деганини айтсангиз эди, сизга жавоб беришим осон бўларди. Лекин сиз айтмасангиз, бундай гаплар кимдан чиқаётганини ўзим тахминлаб кўраман. Сиздан илтимос, тўғри айтсам, тасдиқланг, янглиш айтсам, инкор этинг. Лекин жим қолиш йўқ. Хўпми?

— Хўп.

— Орлеанцев шундай дейди.

Зоя Петровна ҳайратдан кўзларини катта-катта очди.

— Сиз нега бундай деб ўйлайсиз, Александр Львович? Ҳа, бу гапни ўша айтади, гапингиз тўғри.

— Нега шундай деб ўйлайсиз, дейсизми? Чунки бу одам ҳаётимиздаги кўп нарсаларни сиз билан биз сингари тушуниб, талқин қилмайди. Мен, масалан, одамлар ҳушёрроқ бўлиб қолишди, улар майда, аҳамиятсиз, тарқоқ бўлиб кўринган фактларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини кўрадиган бўлиб қолишди, дейман. У бўлса, буни шубҳаланиш, деб атайди. Қандай кўрсак, қандай сезсак— шунга яраша сўз топиб атаймиз. Менинг ҳаётингизга суқилишга ҳаққим йўқ, азизим Зоя Петровна, Орлеанцевнинг ҳаётингизда қандай ўрни борлигини билмайман, лекин сиздан кўра тажрибалироқ, ҳаммасини сиздан кўра анча кўп кўрган-билган одам сифатида сизга шуни айтай... Марҳамат қилиб кечиринг, лекин мен албатта айтаман. Бу одам ўйин кўрсатаяпти, у ёлғончилик, қаллоблик қияпти. Сиз бўлсангиз! Сиз очиқ-ёруғ, номусли, яхши ва оқ кўнгил аёлсиз. Сизнинг дўстингиз ҳам шундай очиқ ва номусли, оқ кўнгил одам бўлиши керак.

«Вовочка,— деб ўйлади Зоя Петровна.— Фақат ўшагина очиқ-ёруғ номусли ва оқ кўнгил одам эди. Вовочка...»

Зоя Петровна Гуляевга эътироз билдирмади. Фақат бироз фурсат ўтказиб:

— У йўқ энди,— деди.

— Қим йўқ, кечирасиз?

Зоя Петровна чироқ ёқиб ширма орқасида алланарса тўқиётган онасининг қўл ҳаракатлари ола-чипор пардада акс этаётган, дарс тайёрлаб ўтирган Ниночканинг жингалак соч боши стол устида энгашган парда томонга кўз ташлади-да, овозини пасайтириб:

— Орлеанцев йўқ,— деди.— Энди унинг ҳеч қандай ўрни йўқ. Сизга ҳамма гапни нима сабабдан очиб айтаётганимни ҳам билмайман. Александр Львович.

— Менинг кексалигим ва санъат ходими эканлигимдан. Нафосат ходими бўлганимдан,— деди ҳазиллашиб Гуляев.— Сиз мени маънавий ота деб билдингиз.

— Йўқ, бундай эмас, ҳазил қилманг. Мен сизнинг ёшингизни ўйлаганим йўқ. Мен негадир сизга ғоят ишонаман. Афтидан, кўп нарсаларга сизга ўхшаб қараганимдан бўлса керак. Мана сиз айтиб ўтган ўша одам... У ва мен қарийб ҳамма нарсата турли тарздагина эмас, ҳатто ўзаро тамоман зид назар билан қарар эдик. Сизнинг эса, барча гапларингизга қўшиламан, шундоққинна қўшиламан...

— Зоя Петровна,— деди Гуляев ҳам парда томонга қараганича, овозини пасайтириб.— Менга бироз ишончингиз бўлса, очиқ гапни айтинг, кўнглимни хира қилиб ётган бир оғир андишадан мени халос этинг. Ўзингизнинг бўшаганлигингиз тўғрисида сўзлаб беринг. Мен бировнинг тақдирига бепарво қараганингизга, бир одамнинг катта тадқиқоти самараси бўлган муҳим қоғозларни яшириб ўтирганингизга ишонмайман. Мен бунга ишонмайман. Сиз бунақа эмассиз. Сиз бундай қилолмайсиз. Мендек одам танийдиган киши учун бу бўлмағур гап. Шу мени қийнаяпти. Эшитасизми?

Зоя Петровна индамади.

— Айтишни истамайсиз.— Гуляев чуқур тин олди.— Афсус. Жуда афсус.

— Мен айтолмайман.

— Нега энди?

— Бу менинг ўзимгагина тегишли эмас.

— Демак, бунда Орлеанцевнинг ҳам қўли бор экан-да. Бинобарин айтганим тўғри бўлиб чиқди—иш заводдаги гаплардан бошқача экан. Ҳаммаси ҳаддан зиёда мураккаб ва сирли экан. Сиз ўша одам туфайли жабр кўргансиз. шундайми, Зоя Петровна?

Зоя Петровна индамади.

— Лоақал бир нарсани айтиб беринг,— деб қистарди Гуляев.— Бу гапларнинг ҳаммаси ростми ёки бирорта қингир жиҳати ҳам борми?

Зоя Петровна яна жавоб бермади.

Гуляев ўрнидан турмоқчи бўлиб, стулдан қўзғалган эди, Зоя Петровна уни қўлидан тутиб, тўхтатди.

— Кетманг,—деди у.—Марҳамат қилиб, кетманг.

— Сиз менга очиқ-ойдин сўзламаётибсиз. Менга қийин бўлади...

— Бошқа сафар мен сизга ҳаммасини айтиб бераман. Бугун эмас. Қистаманг. Мен қийналаман. Бу менгагина тегишли гап бўлганда, сизга ҳаммасини сўзлаб берардим. Лекин сизга айтаяпман-ку, менгагина тегишли гап эмас, деб.

— Бўпти, яхши, майли. Керак эмас. Бошқа ҳеч нарсани сўрамайман. Сиз шундоқ ҳам толиқдингиз. Гапирманг. Яхшиси ўзим сизга бирор нарса айтиб бераман. Хоҳлайсизми?

Гуляев Зоя Петровнанинг салқиган қабоқлари остидан йирик ёш доналари бирин-кетин юмалаб тушаётганини кўрди.

Гуляев бу хотин тўғрисида, унинг ҳаёти, алам-ситамлари тўғрисида мингинчи марта фикр юритарди. У кучли одам бўлганидан бошқа шундай одамлар сингари у ҳам ўздан ожизроқ одамга ғамхўр бўлишга умр бўйи интилиб келди, лекин бунинг сира бирор натижаси бўлмасди. У, Виталий Козаковнинг отаси билан бирга гражданлар урушида жанг қилди. Улар фронтда найза-ю, граната билангина жанг қилиб қолмай, шунингдек жанговар ҳаваскорлик пьесаларида ўйнаб, поход театрларининг сахналарида ҳам курашардилар. Ҳарбийдан бирга қайтишиб, биргаликда театрга киришди-ю, Гуляевнинг бахтига қарши, икковлари ҳам бир қизни яхши кўриб қолишди. Қиз Виталийнинг отасига кўнгил берганини билдирди. Улар турмуш қурди. Гуляев уларнинг ёнида қолди. Гуляев бу хотин учун бор-йўғини беришга, керак бўлса, жонини ҳам фидо қилишга тайёр эди. Лекин унга ҳеч нарса керак эмасди, Гуляевнинг ҳаётини ҳам талаб этмасди. Кейин хотин вафот этди.

Ҳарбий бадий ансамблнинг солдати бўлган Гуляев Улуғ Ватан уруши йўлларида ўлим олдида турган ўн ёшар бир қизчани топиб олиб асради, тарбиялади, унга кўникиб қолганда, вақт ўтиб кетиб, қиз ўн саккизга кирди-ю, эр қилди, кейин Ўрта Осиёга жўнаб кетди, унга Гуляевнинг ғамхўрликлари ҳам, хатлари ҳам унчалик керакка ўхшамайди, чунки кам жавоб қайтаради.

Гуляевнинг қалби аввалгидек ҳис-туйғуларга тўла — уларни қабул қиладиган одам бўлса бас. Гуляев бемор, бахтсиз аёл Зоя Петровнага кечаю кундуз ғамхўрлик қилишга тайёр эди. Унинг туйғулари бу аёлга кераклигини билиб бўлармиди?

У, Зоя Петровнанинг ёнидан жуда маъюсланиб жўнаб кетди. Уйга келиб, алламаҳал бўлиб қолганлигига қарамай, Платон Тимофеевичнинг эшигини тақиллатди.

Платон Тимофеевич стол ёнида ўтириб, тилининг учини тишлагани ҳолда алланарса ёзмоқда эди.

— Обкомга қатъий бир ариза ёзпман,— деди у,— кўз ойнагини олиб.— Кекса, тажрибали кадрларни тўзғитиб юборавериш дуруст-нодурустлигини бир ўйлаб кўришсин.

— Цехга қайтиб бориш учун курашяпсиз шекилли?

— Бораман ҳам! Ҳокимиятимиз советлар ҳокимияти. Александр Львович! Муттаҳам бунда ҳам ютуққа эришиши мумкин, албатта. Лекин ҳамма гап ҳокимиятни алдаш асосида бўладиган бу ютуқнинг вақтинча, вақтинчагина бўлишида! Қалбакилик ожиз ва ўткинчи бир ҳолдир. Дипломдан бошқа ҳеч қанақа ҳуқуқи бўлмаган Воробейний бу ўриндан жўнаб қолгай.

— Заводингиз ишларидан гап бошлаган эканмиз, Платон Тимофеевич,— деди Гуляев стол ёнидаги стулга ўтириб,— ҳозир айтиб берган гапларингизга завод директорининг секретари қандай қилиб бўшатишгани тафсилотини ҳам қўшиб қўйишим керак. Бу ҳақда сиз билан бир суҳбатлашган эдик.

— Зоя Петровнаними?— деди Платон Тимофеевич гапни бўлиб.— У иш бунга тўғри келмайди, унинг иши равшан: қоғозларни йўқотиб қўйгани ҳазилакам гап эмас. Крутилич— пасткаш одам, унинг тўғрисида киши гапиргиси ҳам келмайди, лекин адолат бўлиши керак, Александр Львович. Сенинг меҳнатингни шундай совуришса, нималар демаган бўлардинг, а?

— Бу қоғозлар воқияси худди заводдаги гапларга монандлигига ишонасизми, Платон Тимофеевич?

— Унинг ўзи-ку, директорга ҳаммасини айтиб берган. Уни мажбур қилишмаган.

— Сиз мажбур қилишмаганига ишонасизми.

Платон Тимофеевич ҳайрон бўлди.

— У ёғи қоронғи,— деди у.— У ёғини жамоат ташкилотлари ҳал қилолмайди. У ёғига жиноят қидирувчиларнинг ақли етади.

— Балки, гапингиз тўғридир,— деди хаёлга чўмиб Гуляев.— Лекин гапимга эътибор билан қулоқ солишингизни сўрайман. Мен ҳозир ўша бемор ва жуда бахтсиз аёл олдида бўлдим. Бу гап менга тинчлик бермаётгани, қийнаётгани, у аёлни айбига ишонмаганимдан бу ишни суриштириб кўрдим.

— Ахир, ўзи бўйнига олган-а, Львович!

Юридик фаннинг бундай иқроор бўлишларга қандай қарашини биласизми, Платон Тимофеевич? Бундай иқроор бўлишларга жуда эҳтиёт бўлиб ёндошиш керак, дейди у, улар номаълум яширин кучлар томонидан зўрлаб айттирил-

ган бўлиши мумкин. Одамга бирор жойдан туриб тазйиқ қилишаётгандир, биз бўлсак буни кўрмаймиз. Ростми?

— Ким унга тазйиқ қиларди? Қаёқдаги ваҳимани қиляпсан. Мустақил аёл, қиз бола эмас, ўзининг қизи бор. Партияга кандидат.

— Ҳамма гап шундангина иборат эмас, Платон Тимофеевич. Сиз билан мен яхши англамай юрган кучлар бор. Ҳозир сизга айтиб бераётган фикрларимдан жуда эҳтиётлик ва усталик билан фойдаланишга сўз берсангиз, айрим кузатишларим ва мулоҳазаларимни айтиб бераман.

— Зағизғонмидимки, оғзимда олиб юрсам?

— Дарвоқе, бу мулоҳазаларни ишга ҳам солмоқ керак. Гап бундай. Билишимча, сиз доим салбий баҳо бериб келган бир одам шўрлик Зоя Петровнага тазйиқ ўтказган. Уша одам — Орлеанцев.

Платон Тимофеевичнинг қошлари чимирилди, у қўлларини столга олиб эътибор билан тинглади.

— Уша Орлеанцев,— деб давом қилди Гуляев,— Зоя Петровна ўзини шундай тутишидан манфаатдор эмасмикин? Мен заводдаги ишларнинг нозик жиҳатларини унча яхши билмайман. Сиз нима дейсиз?

— Нима десам экан,—деб дарҳол жавоб қилмади фикрга толган Платон Тимофеевич.— Бунақа ишга дарҳол ақл ета қолмайди. Умуман, Орлеанцев иш кўрган одам. Заводдаги одамларимиздан кўпи билан ҳали бир гаплашиб қўяди. Унинг юқоридаги иши пачава бўлгач, бизнинг бошимиздан юриб яна юқори ўтиб кетмоқчи бўлган эди. Биз буни билиб қолдик. Лекин бу ўринда Крутиличнинг ҳужжатлари масаласини билолмаяпман. Бунда аввало Крутиличнинг ўзи ҳийла ишлатган бўлиши эҳтимол. Бу ишнинг Орлеанцевга кераги ҳам бўлмаслиги мумкин. Билмадим, билмадим... Аксинча, Орлеанцев бу қоғозларни топиб олиб, партия комитетига келтириб кўрсатган. Йўқ, ақлим етмаётибди,—деб овоз чиқариб мулоҳаза қиларди Платон Тимофеевич.—Бизнинг Дмитрийга айтсак бўларди. Унинг олдига борсакмикин? Сен уни танийсан шекилли? Овражнаяда бирга учрашганингиз эсимда.

— Учрашганмиз. Унинг портретини жўрганман. Рассомнинг уйида ҳам, виставкада ҳам. Умуман, танийман. Лекин қачон борамиз?

— Эртагаёқ борамиз. Розимисан?

— Розиман, албатта. Ҳарҳолда директорга ҳам бир йўлиқилса чакки бўлмас деб ўйлайман. Сиз шундай қилсангиз эди, Платон Тимофеевич. Жуда яхши бўларди. Бориб, унга менинг мулоҳазаларимни ётиғи билан етказсангиз.

— Бу мумкин, бу мумкин. Ўзини бурунги хўжайинлар

сингари тутаётганини, одамни ҳайдаб юбориб, уни унутиб қўйганини ҳам айтаман. Ўша одам у билан уч йилдан кўп ёнма-ён туриб ишлаган, унинг қанчадан-қанча ишларини қилиб берган. Секретарлик лавозими қанақалигини биласан-ку! Зоя Петровна ҳатто директорнинг ўз хотини билан бўладиган маш-машаларини ҳам бартараф қилиб юборарди. Шунақаси ҳам бўлган.

— Инчунун. Ғамхўрлик қилиши керак. Унинг ўзи ўрнидан туриб кетолмайди. Уни даволаш керак. Уни курортга жўнатиш керак. Ҳозир эса, ҳатто, ейишга овқати йўқ.

Ўша кечаси Гуляев узоқ вақт ухлолмади, у Зоя Петровна билан қилган бутун суҳбатини қайта-қайта хаёлидан ўтказарди. Зоя Петровнанинг ишида Орлеанцев аллақандай муҳим бир роль ўйнагани устида мулоҳаза юритарди.

Орлеанцев шу пайтда Москвага бораётган скорий поезднинг юмшоқ вагонидида ухлаб ётарди. Бу ердагиларнинг арзимас жанжаллари станция симафорининг нариги ёғида орқада қолиб кетган эди. Москва кўламлари олдида — улар ҳеч гап эмас. Вақт ўтиб, у қайтиб ҳам келади, унгача заводдаги ҳамма гаплар тинади, ҳал бўлиб унutilади. Москвада унга ёрдам берадиган керакли одамлар кўп. Юзта дўстинг бўлмасин, тўртта керакли одамнинг бўлсин! — ҳаётнинг ажойиб қоидаси. Бу қоида Орлеанцевни ҳали ҳеч маҳал доғда қўймаган.

20

Ноаниқликлар билан тўла кунлар ўтиб борарди. У чалкаш ишга ҳеч кимнинг ақли тузуккина етмасди. Партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда завод дирекцияси томонидан тузилган комиссия ўз хулосаларини бир неча марта ўзгартирди. Крутилич тароз-вагонларга электр совиткич ўрнатиш схемасини ишлаб чиққан бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда уни заводда ҳеч ким кўрмаганини бир сафар исбот ҳам қилишди. Демак, Искра Козакова ўз мустақил йўлидан борган, плагиат ва кўчириб олиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Сўнгра директорнинг секретари Крутилич томонидан завод бошқармасига қоғозлар тақдим этилганига иқрор бўлди, бу қоғозларнинг амал олмаганига директор эмас, ўзи — ҳаммасига ўзи айбдор эканини айтди. Айбдор Зоя Петровнанинг ёлғиз ўзими, ёлғиз ўзи бўлса Крутиличнинг ғоясидан инженер Козакова қандай қилиб хабардор бўлди экан, деган тахминларни аниқлай бошладилар.

Инженерлардан бири ҳамма ишларда Орлеанцев жуда фаол қатнашпти, нега бунчалик серҳаракат бўлмаса? Деган

маънода фикр билдирди. Шунда Орлеанцев қўлини ювиб қўлтиққа уришини ва энди бу иш билан шуғулланмаслигини айтди, заводда директорнинг ўзбошимчалиги авж олаверсин, чаласавод одамлар таланти кашфиётчиларнинг техника гоёларини ўғирлайверсин, социалистик жамиятга бегона қилиқлар тарқатилаверсин, деди.

У ҳақиқатан барча машмашалардан ўзини четга тортди-да, бош мастер инженер Воробейний билан биргаликда бир маҳал Искра ва Платон Тимофеевич ишлаб чиққан план асосида домна цехининг ишини йўлга қўйишга киришди: Крутиличнинг қоғозлари билан боғлиқ бўлган иш бу пайтда тамомила боши берк кўчага кириб қолди.

Шунда партия комитетига Крутиличнинг ўзи келди. У Зоя Петровнанинг тилхатини пеш қилиб, бу машмашаларнинг ҳаммаси жонига текканини, камтаргина одам бўлиб, ифвони у бошламаганини, ифво бошланиб, унинг пок номи ҳамма ёқда тилга олинаётган экан, металлургия заводида ўзининг бу таклифи ҳам ташлаб қўйилганига ким айбдор эканини, таклифнинг автори уми ё Козаковыми эканини тўла аниқлашни талаб этди. Бу дарҳол қилинадиган ишнинг бир қисми эди, Крутилич шуни талаб қилди.

— Бунинг нимаси равшан эмас, сизлар нимани ўйлашиб ўтирибсизлар?—деб бўғиларди у.—Ўтган йил кузда завод директори менга тароз-вагонлар кабинасига ўрнатиладиган совиткич системасини ишлаб чиқишни топширди. Ўйигрма олтинчи январда мен директорга — мана тилхат!—топшириқнинг бажарилганлиги тўғрисидаги доклад хатни бердим, зарур схемаларни илова қилдим. Менинг ишим завод бошқармасида қолиб кетганига—директорнинг секретари айбдорми, ёки кўп қимматли таклифларни ташлаб қўйган директорнинг ўзи айбдорми—бунинг аҳамияти йўқ. Муҳим гап заводда номимни ҳадеб тилга олаверишни тўхтатиб, ниҳоят, тароз-вагонларга совиткич асбобларни ўрнатишни тугаллаш. Биз, бошлиқлар, ифво тарқатиб, ишчиларга жабр қиляпмиз.

Крутиличнинг талаби жуда ҳақли кўринарди. Комиссия янги одамлар билан тўлдирилиб, текшириш ва тергашлар яна бошланди. Заводни, унинг одамларини яхши кўриб қолган, ўз цехига, унинг сердуд, қайноқ, нордон ҳидли ҳавосига яқингинада зўр иштиёқ билан жириб келадиган Искра энди эртасига янги смена бошланиб, заводга бориш кераклигини ва унга ишонмайдиган, шубҳаландиган, унинг ҳар бир сўзига ўгирилиб қараб, елкасини қоқадиган одамлар билан яна учрашиш кераклигини ўйласа титрайдиган бўлиб қолган эди.

У бир неча марта Дмитрий Ершов билан учрашди. Дмитрий уни юпатар, иш жойида бўлади, одамлар эртами-кеч

ким ҳақ, ким ноҳақ эканини билиб олишади, дерди. Дмитрий шу қадар ишонч, шу қадар вазминлик билан гапирар эдики, бундан Искра тинчланарди. Бу воқиалардан ажабланмаса ҳам бўлади, деярди Дмитрий,— чунки икки дунё ўртасида, эскилик билан янгилик ўртасида кураш кетяпти, Искра Васильевна курашнинг олдинги сафига тушиб қолган, эскилик унга қарата ўт очяпти. Унинг акаси Платон, чеккадан очилган ўтга бардош беролмай, дастлабки қурбонлардан бири бўлиб қулади. Навбатда Искра Васильевна туради. Лекин у қурбон бўлмайди, бунга йўл қўйишмайди. У, одамлар менга ишонишмайди, гапимга шубҳа билан қараб, елкаларини қисишади, деб беҳуда ўйлайди. Агар одамлар унинг ва Чибисовнинг томонида бўлмаганида иш аллақачон Орлеанцев билан Крутилич ўйлагандек ҳал бўларди. Демак, Искра Васильевнанинг даъволаридан эмас, қарши томоннинг даъволаридан шубҳаланмоқдалар. Искра Васильевна наҳотки буни тушунмаса?

Дмитрий Ершов ўз ёнида бўлиб шундай деганда Искранинг барча ташвишлари тарқалиб кетарди. Дмитриининг гапи албатта тўғри, ҳаммаси унинг айтганидек бўлади, Искрани яна аллақандай шубҳа босиши қизиқ. Дмитрий Ершов билан бирга бўлса, Искра ўзини бир вақтлар отасининг кенг иссиқ орқасида бўлгандек ҳисэтарди. Бирор янги чигаллик чиқиб қолиши билан у дарҳол Дмитрий Тимофеевичнинг ёнига югурар эди. Искранинг ўз фикр-андишаларини ўртоқлашадиган, очиқ сўзлашадиган бошқа кишиси йўқ эди. Виталий нуқул ўзи, ўз ишлари билан банд эди. У гоҳ осмону фалакка чиқиб кетар, гоҳ у ерга пақиллаб йиқиларди. Ҳозир у яна осмонга кўтарилиб юрган пайт эди. Окуневлар тўғрисидаги спектакль премьерасида безаклар автори сифатида уни саҳнага таклиф қилишди. Чиндан ҳам у яхши меҳнат қилди, завод манзарасининг поэзияси, денгиз бўйидаги шаҳарнинг ўзига хос гўзаллиги, ишчи оиласи ҳаётининг камтарлиги ва улугворлигини акс эттирган декорациялар яратди. Виталийни бу безаклар учун жуда мақташди, унинг тўғрисида газеталарда ёзиб чиқишди, ҳатто театрлар тўғрисида ёзадиган, барча чинакам халқчил, чинакам партиявий ва бадий асарлар устида танқидбозлик ва нолишларни авж олдириш касалига мубтало бўлган журнал ҳам, ғижиниб бўлса-да, Виталийнинг ишини маъқуллаб ижобий фикр айтишга мажбур бўлди. Виталий журнални шодлик билан кўрсатарди. «Виталий, Виталий,— дерди Гуляев.— Берилиб кетма. Яна зарб беришлари, зўр зарба беришлари мумкин! Сенинг портретингни ҳам аввал мақташган эди, кейин Томашук чиқиб дўппослади» — «Энди вақт бошқа. Томашуклар писиб қолди» — «Ўз-ўзингни юпатма. Сен билан бизнинг

давримизда томашуклар етарли топилади. Биздан кейин ҳам умр кўришади. Болаларинг ҳам, балки набираларинг ҳам уларга қарши курашиб юради». Виталий ҳеч кимга қулоқ солмасди. Унинг ғайрат-иштиёқи гуркураган пайт эди. У бир неча ишни бирдан бошлади. «Партия менга кўп ёрдам берди,—дерди у Искрага.—Горбачевни айтмайсанми... Оғир дақиқаларда у мени қўллаб-қувватлади! У жуда ажойиб одам, ростми? Кекоа большевик, шаҳар ташвиши бошида. Унинг расмини ишласам, нима дейсан?» — «Уриниб кўр, лекин у доим банд, Виталий. Сенга қийин бўлади» — «Шу ҳам қийинчиликми! Ершов гавдасини кўрсатишга ҳам рози бўлмаган эди».

Искра Виталийдан жуда хурсанд эди. Искра кўп йиллардан буён унинг манфаатларини ўз манфаатидан ажратмас, унинг ютуқларини ўз ютуқларидек биларди. Лекин Искранинг бошига илгари ҳеч маҳал бундай катта кўнгилсизлик тушмаган эди. Бу кўнгилсизликгина бўлмай фалокатнинг ўзи. Ҳозир заводда унинг тўғрисида бўлаётган гаплар — фалокатнинг ўзи-ку. Виталий бунини тушуниши керак эди, тушуниши ва Искрага одатдагидан кўпроқ эътибор бериши керак эди.

Искра эри руҳий ҳолатини кўрмаслигидан қайғуриб, Дмитрий Ершов ёнига борар эди. Улар Дмитрий билан бўшаб қолган боғларда, қордан тозаланмаган йўлчаларда сайр этишар, совқотганларини ҳам сезишмасди. Вокзалда скамейкаларда ухлаётган кишилар билан ёнма-ён ўтиришарди. Бир кун кинога ҳам киришди. У ерда Дмитрий Искранинг қўлини ушлади, Искра эса қўлини ундан тортиб олмади. У сеанс охиригача Искранинг бармоқларини ўз бармоқлари орасида тутиб ўтирди. Искра қизиқ бир ҳолатда эди. Уни аллақандай бир оқим бошлаб борар, қаёққа бораётганини у аниқ билмасди, тўғриси бунини унчалик ўйлаб ҳам кўрмасди. Виталий бу ишларга чек қўйиши мумкин эди. Лекин у бунини ўйламасди ҳам.

Кейинроқ ёмон бўлди. Гуляевнинг гапи тўғри чиқди — Виталий жуда барвақт қувонган эди. Театр журналида «иждодий минбар» бўлимида Алексахиннинг пьесаси асосида қўйилган спектакль тўғрисида кичикроқ бўлса ҳам, лекин аччиқ, заҳарханда бир мақола босилиб чиқди. Мақола автори журналнинг ўтган сониде спектакль тўғрисида яхши фикр билдирган автор билан баҳслашиб, спектаклни ва унинг безакларини роса ерга урарди.

— Ортиқ чидолмайман,—деди Виталий.—Тамом. Мен бронзадан ҳам, диабаздан ҳам ясалган эмасман. Мен асаблари бўшроқ инсонман. Биз сен билан провинцияда ортиқ ўтиролмаймиз. Улар провинцияликларга нисбатан тамомила

менсимай қараб, пойтахтдагилар ҳақида ғоят одоб билан ёзишади. Тушунарли: пойтахтлик устида таъзим қилмай туриб ёзиб кўришсин-чи, у редакцияга келиб, редакторнинг қаршисига ўтириб олади-ю, унинг миясини қўлига қоқиб беради. Биз бўлсак-чи? Биз бу ерда ҳаммасига қулоқ солаверамиз. Биз Москвага қайтиб боришимиз керак. Эшитяпсанми?

— Демак, жўнаб кетамизу, ҳаммага қўрқоқлигимизни кўрсатар эканмиз-да?—деди Искра.— Ушанда менинг плагиатор, ўғри эканлигим ҳаммага аниқ равшан бўла қолади.

— Яна нуқул ўзинг ҳақингдагина ўйлаяпсанми? Нима бўпти? Нима бўпти? Нимани ўйлашса ўйлашаверишсин. Бу аҳмоқона металлургияни йиғиштирасан-қўясан. Сен бўлмасанг ҳам қилишаверади. Сенинг кетишинг билан Совет Иттифоқида чўян эритиш хавф остида қолмайди.

— Сенингча, мен нима иш қиламан?

— Бирор нарса ўйлаб топамиз. Бу шунчалик муҳим гапми?

— Албатта. Уйда чамбаракка кашта сириб ўтиролмайман-ку.

— Бошқалар негадир ўтиради-ку.

— Ўтиришса ўтиришаверишсин, Виталий. Мен уларни қораламайман. Лекин уларга ўхшаб ўтираверишни хоҳламайман. Мен ўз касбимни севаман. тушунсанг-чи!

— Лекин касбинг негадир сени унчалик ёқтирмаяпти.

— Йўқ, Виталий, йўқ, биз кетмаслигимиз керак. Бу ерда яна иккита домна қуришади...

— Ана энди, менинг учун янги сюжетлар тайёр бўлаётган эканда, демак.

— Қулавер. Лекин сен ўзингдан куляпсан. Сен рассомликда яратган энг йирик ва яхши нарсаларнинг ҳаммаси шу завод ҳаёти билан боғланган. Вақти келиб сен бунга ишонч ҳосил қиласан...

— Вақти келиб... Инсон бундан икки минг йилдан кўпроқ муқаддам мрамардан аёл ясаган, у Луврда турибди, унинг бадиий қиймати замонга боғлиқ эмас. Заводлар автоматлашиб, сен айтаётган, ўша вақти келиб, инсон меҳнати тубдан ўзгаргач, менинг «пўлат қуувчилар»им, «темирчилар»им ва «прокатчилар»имнинг ҳаммаси ҳар қандай қимматини йўқотади.

— Гапингга тушунолмадим. Улар ҳозиргидан ҳам қимматироқ бўлиб қолади, бизнинг авлодимиз ҳиссасига тушган ажойиб кунларнинг шохиди бўлиб қолади.

— Қўй, жонгинам! Сиёсий савод. Хотининг партияли бўлса шу-да. Менга Рассомлар союзида ҳам етарли таълим беришган.

— Сенинг гапингга қараганда, бу иш союзингизда дуруст йўлга қўйилмаганга ўхшайди.

— Қўй, Искра, менга гап қайтарма. Ишнинг ташкилий жиҳатини ўйлашиб кўрайлик. Биз чамадонларимизни йиғиб, бу ердан тезроқ жўнаб қолишимиз керак. Поезд қўзғалиши биланоқ эркин нафас оламиз. Сен нега тушунмайсан бунни?

— Миянгда қочоқнинг психологияси.

— Буниси ортиқча, жажжи хотин. Бунақа сўзларга ҳожат йўқ.

Виталий ҳовлиққан, асабийланган эди, жўнаб кетиш, Москвага қайтиш хаёли, афтидан, уни тобора кўпроқ чулғаб олмоқда эди.

— Биласанми,—деди у.—Мен барибир жўнаб кетаман. Сен қоларсан ҳам. Лекин бундан пушаймон бўласан. Шошмайтур ҳали, ҳамма комиссиялардан сўнг сени ишингни ишлаб чиқиш юзасидан ҳар хил кенгашлар бошланади. Иш судгача бориб етса ҳам ажаб эмас. Қоралашади, ҳукм этишади; плагиатор деб топишади. Балки, бу ҳақда газетага ҳам ёзишар, фельетонча ҳам чиқиб қолар... Тепасига мана бундай: «Бировнинг нонига кўз олайтирма» ёки «Бели оғримаганнинг нон ейишини қара» сингари қувноқ сарлавҳа қўйилади. Крутилич меҳнат қаҳрамони этиб тавсиф қилинади, сиз бўлсангиз Чибисовингиз ва бошқа ҳар хил арбобларингиз билан биргаликда ҳамма олдида таловчилар, муттаҳамлар бўлиб чиқасизлар. Перспективангиз ажойиб.

Искрага бир неча кундан буён шу гап алам қилиб юрар эди. Заводни, цехни ташлаб, Москвага жўнаб кетиш фикрига у жон-жаҳти билан қарши эди. Шу билан бирга аллақайси бир нарсга кўнглини ғаш қилиб турарди. Виталийнинг сўзларида ҳам ҳақиқат бор эди. Уни плагиаторликда айблаш билан боғлиқ бўлган гаплар қандай яқунланиши ҳақиқатан маълум эмасди. Дмитрий ишнинг тўла тантана билан Искра фойдасига ҳал бўлишига ишонтиради. Лекин бу тантана бўла қолгунча, айтганларидек, ўйчи ўйини ўйлаб бўлганича, таваккалчи ишини битиради. Иккинчидан, Виталий шунақаки, шартта отланиб, ёлғиз ўзи жўнаб ҳам кетаверади. Унда қандай яшайди? Нимани деб уларнинг оиласи бузилади, нимани деб Люська азоб чекади? Люськани ҳам бир ёққа қўйиб турайлик. Оилани бузишга, ажралишга уларнинг қандай эҳтиёжи бор?.. Бу аламлик, жуда аламлик, ғоят аламлик бир фикр эди. Шунча яшаб, шунча ҳар хил кўнгилсизликларни биргаликда кўриб ўтказиб, қанчадан-қанча шодликларни биргаликда тотиб, бир-бирларига ўрганиб қолган, қадрдонлашиб, жуда-жуда қадрдон бўлиб кетган эдиларки, уларнинг шундан кўра яқинроқ қадрдонлари

ҳам йўқ эди, чунки она бу ҳисобга жирмас, у бошқа гап эди,—шундай бўла туриб, ҳаммаси бирдан йўқ бўлиб кетса-а Виталий ўжарлик қилиб Москвага кетиб қолиши, ўзи эса ўжарлик қилиб заводда қолиши туфайлигина.

Искра бу масалани сира ҳал қилолмасди. Дмитрий билан ҳам маслаҳатлаша олмади — бу ҳақда у билан маслаҳатлашиб бўлмасди.

Сўнгги учрашганларида Дмитрий бундай деган эди:

— Бу Крутиличнинг иши, Искра Васильевна, мен ўйлагандек нопок иш бўлиб чиқди. Бу иш шунчаки чалкаш ишигина эмас. Одамлар директорнинг собиқ секретари Зоя Петровнанинг олдига боришибди. У очиқдан-очиқ айтмаган бўлса ҳам, лекин одамлар шунинглашибдики, Зоя Петровна айбни ўз устига беҳуда олган экан. У, Крутиличга ҳам ўтган число билан тилхат берган, деб ўйлаймиз.

— Ким бундай деб ўйлайди?

— Мен, акам Платон, артист Гуляев.

— Гуляев? У бу ерда нима қилиб юрибди?

— Бундай ишдан ҳар бир виждонли одам ранжийди. Мени ем қилдириб қўйишади булар, деб ўйлайсизми? Биз дунёда бемазагарчиликларни кўриш ва уларни тугатмаслик учун яшаётганимиз йўқ. Мана яна Чибисов ҳам,— деди Дмитрий.— Бош инженер ҳам бизнинг томонимизда. Партия комитетида, завод комитетида, ҳамма жойда...

Чибисов Искрани чақирди.

— Лекин сиз, марҳамат қилиб, менинг саволларимдан хафа бўлманг,— деди у.— Мен сизга ишонаман, лекин сўнгги вақтларда шундай бир бемаза ишлар бўляптики, киши ўзига ҳам ишонмай қўяди. Менинг секретаримни олинг... Мен уни энг тўғри одам деб билардим, ахир, ўша ҳам... Қисқаси, хафа бўлмайсиз, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Сиз, албатта, Крутиличнинг қоғозларини кўрмагансиз, бу факт. Лекин, эҳтимол, сизгадир, ёки бошқа одамгадир, гап асносида ким бунини сизга етказгандир.— Крутилич ўз иши ҳақида оғиз очганмиди? Бунақа ишлар кўп бўлган—бирорғоя лоп этиб пайдо бўлади-да, ўртада муаллақ қолади, бирор одам чиқиб, ўзи ҳам сезмагани ҳолда уни ўзиники қилиб олади... Ҳай, ҳай, ҳай, ўртоқ инженер, йиғини қўйинг лекин.

— Мен йиғламоқчи ҳам эмасман. Мен шунчайин жуда ачинаман. Мен олдингизга келиб, бу советкич тўғрисида ҳамма нарсани айтиб берганим ёдингизда бўлса керак.

— Бу рост, бу рост. Мен шубҳа ҳам қилмайман. Шунчаки, сиз билан бу гапни ўзимни тергаб кўриш учун бошладим. Сиз, хотинлар, шундай бир ғалати жондорсизки...

— Бу ерда хотинларни ўртага солманг,— деди тапни

шартта бўлиб Искра, —ҳамма иғвони эркаклар чиқариб, яна хотинлардан бадтар иш тутишяпти. Мени ҳам кечиринг.

Чибисов унинг қўлини қисди, яна қайта-қайта хафа бўлмаслигини илтимос қилди, эшиккача кузатиб қўйди.

Искра Дмитрий Ершовнинг айтганлари тўғри эканлигини, ўзи заводда учратаётган ҳамма одамлар уни қувватлай бошлаганини, ҳаммалари ҳақиқат учун курашишга тайёр эканликларини кўриб турарди. Шундай бўлгач заводни ташлаб, қандай қилиб Москвага жўнасин? Бу хунук, ғалати англашилмас иш бўлади. Агар Искра ҳамма ёқда, эрим шундай қарорга келган-да, деб юрса, майна бўлади-ку. Йўқ, йўқ, йўқ, Виталийни кўндириш, кетиб бўлмаслигини исбот қилиш керак.

— Виталий,—деди у кечқурун.—Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Биз кетмаслигимиз керак. Сен бир дақиқалик ўз оғизлигингни енгининг керак...

— Бир дақиқалик эмиш. Буни қачондан буён ўйлаб юрганимни билсанг эди. Бу сен билан бу ёққа жўнаш учун поездга ўтирганимдан буён ҳаёлимда. Мен бу ёққа вақтинча келган эдим. Сен абадий қоладиган бўлиб келганмидинг?

Виталий шовқинлар, койинар, уни ёмон уй бекаси эканликда айблар, уйлари молхонага ўхшаш бўлиб, бирор одамни бошлаб келиб бўлмаслигини; Искра унга квартира ваъда қилиб, алдаганини, бу квартира йўқлигини; Искра уни уй хизматчисига айлантириб қўйганини, ўйлашга, тема устида фикрни бир жойга тўплашга вақти йўқлигини; ўзи дуруст яшамай, бемаъни умр ўтказаётганини сўзларди. У, ўз турмуши бошқа кўп ўртоқлариники сингари бўлишини, хотини у билангина шуғулланиб, унга турмуш ҳаловатини таъминлаб беришини, ўзи ҳеч нарсадан хабар олмай, нуқул ўз ижодигагина берилишни истар эди. Хўш, у балки, ҳақдир. Балки, шундай бўлиши ҳам керакдир. Шундай экан, демак, Виталий хотин танлашда хато қилган, унда ҳақиқатан улар бирга яшолмайдилар, унда ҳақиқатан улар ажралишлари керак бўлади.

Искра буларнинг ҳаммасини овоз чиқариб айтарди. Унинг овози титраб, лаблари қийшайиб паст товуш билан сўзларди. Искра жуда ўкинди. Чатоқ бўлиб чиққанини қаранг: унинг ҳам, ўзининг ҳам умрига зомиң бўлибди.

Виталийнинг ҳам таъби хира бўлди. Искрани қучоқлаб, қўлларини ўпди, ўз-ўзига уни бунчалик хафа қилаётган экан нодон, бефаҳм, ярамас одам эканлигини, уни жуда яхши кўришини, уни энди ҳеч маҳал бунчалик хафа қилмаслигини айтарди. Лекин Искра ҳам унинг беҳуда асабий-лашаётганини, балки, бунга сабаб афтидан, бу ерда унинг учун темалар тугаганини, ҳозирча Москвага жўнаш керак-

лигини тушуниши керак-да, у ёқда яна нима қилиш кераклиги маълум бўлади, балки, кейин улар яна бирор жойга жўнаб кетишар.

— Ижодий одам, Искруха, кезиб юриши керак, тушуна-санми? Мен кўришим, кўп нарсани билишим керак. Кўп нарсани кўрган одамгина кўп нарсани айтиб бериши мумкин. Гапим нотўғрими?

Ҳа, унинг гапи тўғри эди. Лекин одамларга кўп нарса айтиб бермоқ учун кўп нарсаларни кўриши керак бўлган ижодий одам у, яъни Виталий бўлиб, нега энди у билан бирга Искра ҳам кўчиб юравериши керак экан?

Улар ўйчан, маъюс ҳолда сўрида қучоқлашиб ўтиришарди. Кейин Виталий янада қизгинроқ жўнаб кетиш учун аврай бошлади:

— Сен билан биз ҳали чинакам турмушни ҳам кўрганимиз йўқ. Сен ҳали чет элда, бирор бошқа мамлакатда бўлган эмассан. Бу ердан ҳеч қаерга ва ҳеч қачон чиқиб кетолмайсан. Москвада-чи... Ваъда қиламанки, командировка олиб, сени истасанг — Италияга, истасанг — Грецияга олиб бораман. Қаёққа боришни истайсан? Индамайсан-а, нодон. Чўян эритгинг келади, холос.

У, Искрадан четланиб, шкаф олдида борди, эшикларини бирин-кетин оча бошлади.

— Ароқ қидиряпман,— деди у.— Аллақаерда қолган эди. Алкоголик, хафа ҳол ичкиликбоз, нодон бўлиб қоляпман. Мен Москвада шундаймидим? Мени у ерда тез-тез маст кўрармидинг? Менга провинциялик бефаҳмлиги юқиб қол-япти, эрталабданоқ ноннинг кутирмачоғини ҳидлаб, бир-стакан ароқ билан бир кружка пивони отиб олиш ана шунинг энг характерли белгиларидан.

— Хўп,— деди Искра, соатга қараб.— Биз жўнаб кетамиз, Лекин Виталий, ўтиниб сўрайманки, шоширма. Ҳозир эмас бироз туриб. Хавфли дақиқада мен қочиб кетолмайман; ўзимни ҳурмат қилмай қоламан, Виталий, бу жуда ёмон нарса. Менга тухмат қилишганлиги, менинг ҳақ эканлигим исбот қилинсин.

— Қанча кутиш керак бўлади?

— Билмайман. Балки, бир ой. Балки, кўпроқ. Албатта ҳозир, шу дақиқадаёқ жўнаб кетавериш — енгилтаклик бўлади-ку. Биз бироз кейинроқ кетамиз. Лекин кетамиз. Хурсанд бўлавер, Виталий. Лекин билиб қўйки, янглиш иш қил-япсан, ҳаёт сенга бунга кўрсатиб қўяди.

— Ҳечқиси йўқ, майли, ҳаёт билан биз бир амаллаб тиллашамиз. Асосий гап сен билан тиллашиш эди. Мен жуда хурсандман. Офарин. Йўқ, мен ҳар ҳолда сени танлаб, хато

қилмаганман. Сен яхши хотинсан, ажойибсан. Агар ўша коксу ҳар хил колошникларинг бўлмаганда, сен умуман бебаҳо бўлардинг-а, Искруха.

21

Улар стол ёнида бир-бирларига рўпара ўтириб, адоват назари билан қарарди.

— Чибисов,— дерди Горбачев,— ихтирочилар ва рационализаторлар билан ишлаш — техника процессининг энг муҳим йўлларида бири эканлигини сенга юз марта ўқирган эдим. Бу катта партиявий иш. Сен, афтидан, яхшиликча айтилган сўзларга тушунмаганга ўхшайсан. Сен асабингни бузишаётганидан шикоят қиласан. Ким айбдор? Сен ўзинг айбдор. Биз энди сени кечирмоқчи эмасмиз. Бундай коммунистни бюрога чақириб, чинакам гаплашиб қўйишга тўғри келади. Пайшанба куни келасан, афтидан, виговор олишга тайёр бўлишинг керак.

— Нима учун?

— Мана шунинг учун... Ҳаммаси учун.

— Ҳаммаси учун, деган ифода йўқ. Айт-чи, нима учун? Аниқ ифода қил. Заводда бир йил ичида минглаб таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Миллионлаб сўм тежалда. Бориб кўр, ҳар бир цехда киритилиши мумкин бўлган таклифларнинг техминий темалари осиб қўйилган, ишчилар ишлаб чиқаришни уюштиришда, техникадан фойдаланишда бирор конструкциядаги нотакомил ўринлар устида ўйлаб кўриш кераклигини билади. Ихтирочи ва рационализаторлар кабинетлари, хоналари бор, улар учун консультациялар уюштирилади, мукофотларни ўз вақтида сарсон қилмай тўлаб турамыз. Агар булар бўлмаганда, биз планни бунчалик ошириб бажара олмас эдик-ку. Бизнинг заводимиз йилига бераётган металлни революциядан илгари Россия жанубидаги бутун металлургия корхоналари ҳам беролмасди, буни ўзинг ҳам биласан. Сен менга виговорни нима учун берасан? Орлеанцев билан Крутилич кўпиртирган иш—бўлмағур гап. Уни жиноят қидириш бўлими текшириб кўради-ган. Партия комитетимиз бу иш ҳақида сенга ҳали маълумот беради. У ерда текширув тугай деб қолди.

— Шу-да,— деди Горбачев жиддийлик билан,— айрим раҳбар кадрларимиз бирорта ҳам танқидни ёқтирмайди, деб тўғри айтишади.

— Сени қара-я, Иван Яковлевич! Сен айтаётган одамлар сен билан биз устимизда ҳали бошқа гапларни ҳам айтишадди. Сен уларга қўшиласанми, дейман? Улар сен билан бизни

партия йигирманчи съезд қарорларига қаршилик кўрсатаётган темир-бетон зотлар деб атамоқдалар. Съезд қарорларини уларнинг талқин қилишича, биз секин-аста буржуа-демократик тартибларни жорий қилаверишимиз керак бўлади. Коммунистик қурилишнинг жанговар программасиники оёғини осмондан қилиб қўйишга уринганларидан кейин мендайн Антон Чибисов деган бандани, бир минг тўққиз юз йигирма саккизинчи йилдан буён партия аъзоси бўлган бир одамни худди Бенкендорфга айлантириб юборишлари мумкин.

— Биласанми, Антон Егорович, ҳозир сенга ўхшаганлар жуда кўпайиб кетди.

— Қанақа бу менга ўхшаганлар?—деб сўради Чибисов.— Бир билиб қўяйлик.

— Ваҳимага берилмаётганлар. Аҳволнинг кескинлигини муболаға қилаётганлар.

— Сен уларнинг ҳаммасига биттадан виговор ваъда қилганмисан? Ахир улар безовта бўлаётган, ғоявий позицияларнинг тамомила равшан бўлишини талаб қилаётган, актив жангчи — коммунистларни ранжитишга қарши чоралар кўришни талаб қилаётган энг садоқатли партия кадрлари.

— Мен бунга шубҳаланмайман ҳам. Чора кўрамиз. Доим кўриб келганмиз. Доим курашганмиз. Лекин ҳаммасини бироз осойишталик билан қилмоқ керак.

— Бизни, Иван Яковлевич, ҳаёт ажрим қилади. Мен сенинг мулоҳазаларингни тушунаман. Сенинг мулоҳазанг қандай? Сен: реакция, оппортунизм, ревизионизм чегараларимиздан ташқарида қутуряпти. Биз бўлсак — мустаҳкам қоямиз, биз — монолитмиз, дейсан. Бунда мен сенга тўла қўшиламан: бизнинг партиямиз ҳам, бизнинг халқимиз ҳам чиндан ҳам — мустаҳкам қоя, монолит. Биз умримизда нималарга бардош берганлигимиздан, нималарни бошимиздан кечирганимиздан ҳайратда қолса бўлади. Лекин, азизим, пролетариат диктатурасининг ҳукмрон қўлини ҳали ҳамма ҳам дарҳол шодлик билан маъқуллаётгани йўқ-ку, имтиёзлироқ яшагилари келадиганлар ҳам бор-ку. Бунга қўшилишасанми ё йўқми? Борми шундайлар?

— Бўлмасам-чи!—деб қўшилди Горбачев.—Бор, албатта. Уларга: халққа хизмат қилиш, ишчи-деҳқонлар ишига хизмат қилиш, дейилса, улар: ўзимнинг шахсий ишимга қачон хизмат қиламан, халқ ишига, ишчи-деҳқонлар ишига роса хизмат қилдим-ку, дейди. Мана бу ерда бир буюк мутафаккир...—Горбачев полкадан босмахона бўёғининг ҳиди келиб турган янги қалин китобни олиб, саҳифаларни варақлади. Бу буюк мутафаккир ўз мақоласида нималар деб ёзганини

эшит: «Халқни илоҳийлантирмаслик ва унинг олдида ортиқча бош эгавермаслик керак, шахсга сиғиниш керак эмас, шунингдек халққа ҳам сиғиниш керак эмас». Қаёқни мўлжалга олаётганини қара, халққа мушт кўтаряпти-я.

— Мана биз келишиб ҳам олдик! — деди Чибисов. — Бадбўй ҳид тарқатадиганлар кўп бўлмаса ҳам, лекин қаттиқ сасимаётганлиги билан юпанишнинг нима кераги бор. Мен бизнинг ижтимоий атмосферамизнинг ҳамма жойларидан хушбўй ҳид келиб туришига тарафдорман. Бу ҳақда тўппатўғри гапириш керак, Иван Яковлевич, ўз позицияларимизни баланд овоз билан аниқлашимиз керак. Лекин хафа бўлмагину, сенинг горкомингда бу ҳақда индашмаяпти. Театр директори Яков Тимофеевич Ершов менга ёзда айтиб берган эди. Нима қилай, деб маслаҳатлашгани борсам, инструктор нуқул: эҳтиёт бўлинг, секинроқ ҳаракат қилинг, сертаъзим бўлинг, деган маслаҳатни беради, дейди. Мен, дейди, таъзим қилавериб штопорга ўхшаб кетдим. Мен энди шиша очишга ишлатишларига яроқли бўлиб қолдим, дейди...

— Штопор-а, штопор эмиш! — деди гапни бўлиб Горбачев. — Қандай ажойиб спектакль қўйганини айтмайсанми! Нуқул Томашукдан шикоят қилиб юрарди, ўша Томашук халақит беролмабди-ку унга.

— Агар Томашук бўлмаганида Ершов бундай ажойиб спектакллардан биттасини эмас, учтасини қўярди. Саҳнага ҳам ҳар хил бўлмағур нарсаларни чиқармаган бўларди, а? Гап томашуқлар бизни орқага суриб юборишида эмас. Бу энди ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, дунёда бундай куч йўқ. Гап секинроқ боришимизда, филдираклар остига доим томашуқлар қўяётган калтакларни олиб ташлашимизга тўғри келяпти. Биз мана шуни айтяпмиз. Қисқаси, демак пайшанбагача? Майли, Иван Яковлевич, шаҳар партия комитетининг бюроси олдида туриб бераман. Лекин билиб қўйки, ўзимни ҳимоя қиламан. Агар сен менга виговор ҳозирлаб қўйган бўлсанг, у ноҳақ виговор, мен уни тан ололмайман ва Марказий Комитетга ёзишга қадар норозилик билдираман. Билиб қўй.

Чибисов жўнаб кетди. У билан бўлган суҳбат Горбачевни хафа қилди, ҳаяжонга солди. У, сейф ёнига бориб, қандага волидолдан бир неча томчи томизди, оғзи муздек бўлгани ҳолда стол ёнида ўтирар, ўйлар эди. Ҳақиқатан уларнинг ҳаммаси, бу Чибисов ҳам, Дмитрий Ершов ҳам, илгари келган унинг акиси Платон ҳам, Ершовлар оиласидан бўлган учинчи оға — театр директори ҳам, Горбачевнинг ўзи премьерадан кейин суҳбатлашган партиясиз актёр — Гуляев ҳам, унинг ўз қизи Капитолина ҳам, унинг эри Андрей ҳам, шаҳар комитети ҳамда корхона ва муассасалардаги партия ко-

митетларининг кўпгина ходимлари чиндан ҳам ҳақли равишда ташвишланаётганлари ва ҳаяжонланаётганлари тўғрисида ўйлар эди. Чиндан ҳам бақироқ танқидбозлик ўзини кўрсата бошлади-ку, танқидбозлик эса — танқид бўлмай, у нигилистик руҳни туғдиради. Совет ҳокимияти шароитида ўтган ўттиз саккиз йил ичида партия ва халқ томонидан адо этилган ишларни ҳурмат қилишга путур етказди. Танқидбозлик ҳалол одамларнинг ишига ҳалақит беради. Чоралар кўриш керак, албатта кўриш керак. Улар шундоқ ҳам кўриляпти, албатта: сиёсий тўғараклар ишлаб, лекциялар ўқилиб турибди, йиғилишлар бўлиб, уларда мамлакатнинг муваффақият ва ютуқлари пропаганда қилинмоқда. Лекин, афтидан, яна бирорта янги, пухта, таъсирчан тадбир ўйлаб топмоқ керак эди. Қайси тадбирни?

Горбачев бошини қуйи солиб ўтирар, юраги зирқирарди: у ерда гоҳо электр учқунни сингари қўлга уриб аччиқ оғриқ пайдо бўлиб қоларди.

Горкомни обком билан бевосита боғловчи телефон аппаратидаги лампочка ёнди.

— Горбачевми?— деб сўради обком секретари.— Вақтинг борми? Олдимга кел. Бир ҳужжат бор... Бир кўриб қўй...

Горбачев кийинди, шаҳарнинг нариги чеккасида ноқулай эски бинода ўрнашган обкомга йўл олди. Денгиз устидаги тепаликда уч йилдан буён янги бино қуриляпти; биттач у ерга обкомгина эмас, шунингдек горком ҳам кўчиб ўтади, бир-бирига яқинроқ бўлиб, қулай бўлади.

Обком секретари Горбачевнинг саломатлигини суруштирди, ўзи иштирок қилиб, қарорлари юзасидан бир ярим ойча аввал область партия активида доклад қилган Марказий Комитет декабрь Пленуми тўғрисидаги тафсилотларни сўзлаб берди. Халқ хўжалигига ва айниқса, саноат ва қурилишга раҳбарлик қилишни яхшилаш учун Марказий Комитет таклиф қилган ажойиб таклифлар тўғрисида сўзлашдилар. Икковлари ҳам хўжаликка раҳбарлик қилишни децентрализациялашнинг афзаллигини кўрсатадиган кўпгина фактлар келтиришди.

— Бу ҳали ишнинг бошланиши,— деди таъкидлаб обком секретари.— Марказий Комитет конкрет таклифлар ишлаб чиқяпти.

Узоқ суҳбатлашдилар. Горбачев сўнгги вақтлардаги ташвишлар тўғрисида, Чибисов, Дмитрий Ершов ва ўзининг андишалари ҳақида гап очмоқчи бўлиб бир неча марта оғиз жуфтлади. Лекин ҳар сафар ўзини тутиб қолар — уни ҳам ваҳимачи деб ўйлашларини истамасди. «Наҳотки,— дерди ўзига,— биз ўз ишларимизни ўзимиз бир ёқлик қилолмасак? Наҳотки обкомни ҳам безовта қилиш керак бўлса?» У шу

ҳолда иккиланиб турар экан, обком секретари стол яшигидан яшил папкани олдн ва уни Горбачевга узатар экан:

— Ўқиб чиқ. Хабардор бўлиб қўй. Анави қулайроқ столга ўтиб ўтириб, ўқиб чиқ. Шошилма. Хат узун.

Горбачев ўқий бошлади. Ҳар бир саҳифани ўқиган сари юрагидаги алам ортиб борди, юраги тобора қаттиқроқ ва безовта тепа бошлади. Яноқлари, қулоқлари, бўйни ловиларди.

Бу ўзи устидан ёзилган ариза эди. Бунн ёзган Крутилич гапни Горбачев ўзининг энг муҳим техника ҳужжатини йўқотганлигидан бошлаган эди. Тўғри, горком секретари бунинг учун ундан, яъни Крутиличдан кечирим сўради, у Крутилич, соддадил бўлганлигидан айрим одамлар хира ихтирочидан қутулиш учун қўллайдиган бу усулга бирор бошқа маҳал балки индамай қўя қолган бўларди, лекин фактлар шундан шаҳодат берадики, бу йўқотиш — шаҳарда содир бўлаётган партияга қарши ҳаракатларнинг умумий занжиридаги бир ҳалқа экан. Область комитетига биринчи галда шу нарса етиб маълум бўлсинки, Горбачев ихтирочиларга ягона фронт бўлиб қарши чиқувчи, бир-бири билан оғизбурун ўпишган икки танқид бўғувчи, ароқхўр ва маишатпарастни, яъни завод директори Чибисов билан шаҳар газетасининг редактори Бусиринни қандайдир бепринцип мулоҳазалар билан виговордан қутқариб қолди. Горбачев уларни қутқариб қолганига сабаб — ўзининг ҳам оғзи қон, ўзи ҳам ихтирочиларнинг ишини назар-писанд қилмайди. Горбачевнинг маънавий қиёфасида жўп нуқсонлар бор. Унинг қариндошларидан бири—ўз қизининг эрига амаки бўлмиш одам гитлерчилар қўлидаги хоин Власов қўшинида хизмат қилганини, бинобарин, ўзи ҳам хоин бўлиб, бунинг учун ўз вақтида совет суди томонидан ҳукм этилганини область партия комитети билармикан? Биллурдек поқ большевик Горбачев бунн обкомга хабар қилганмикан? Горбачевнинг бошқа бир қариндоши Металлургия заводининг учинчи домна печида ўтган йили содир бўлган аварияда айбдор эканини обком биладимн? Горбачев қизини эрга берганида катта тўй қилиб бериб, тонг отгунча ўйин-кулги бўлганини, шаҳарнинг қор тозалайдиган машиналари бу тўй бўлаётган кўчани Горбачевнинг топшириғи билан кунн бўйи қордан тозалагани обкомга маълумми? Горбачев ўзининг учинчи қариндошининг лаганбардор пардозчи рассом Козаков томонидан ишланган сердабдаба портретини роса мақтагани партия область комитетига маълумми? Горбачевнинг яна бир қариндоши шаҳардаги драма театрини бошқаришини, у театрдаги энг талантли кадрларни қувғин қилаётганини ҳамда она сути оғзидан келиб турган Алексахиннинг Гор-

бачевга қариндош оилани юзсизлик билан мадҳ этувчи пьесасини саҳнага олиб чиққанини область комитети биладими? Область партия комитети яна...

— Аблаҳ!— деди Горбачев, папкани улоқтириб. Қайноқ темир қўл уни юрагидан тутиб, сиққандек бўлди; Горбачевнинг назарида юраги қирсиллагандай бўлди; чидаб бўлмас даражадаги бир оғриқ кураги остига қаттиқ санчилди, елкаси оша тирсагигача зирқиради, миясига қон югурди, қулоқлари шанғиллаб, у қарийб кўролмай қолди.— Кечир, мен ётаман,— деди-ю каловлаганича диван томонга кетди.

Обком секретари унга ташланди, тутиб ётишга кўмаклашди, врач чақиришни буюрди.

Бир соатдан сўнг Горбачев касалхонанинг алоҳида палатасида ётар эди. У билан бирга желган Анна Николаевна ва Капа ҳозиргина кетган эди. Уларнинг кўз ёшисидан Горбачевнинг юзи ҳамон ҳўл эди. Инфаркт миокард. Горбачев сингари кўп ишлайдиган, дурустгина дам олмайдиган, тўйиб ухламайдиган одамларга аямай хуруж этадиган бу даҳшатли фалокат уни ҳам ўз домига олди.

У ёнбошламоқчи бўлди.

— Мумкин эмас,— деган овозни эшитди.— Қимирламанг, Иван Яковлевич.

Ёнида ҳамшира ўтирарди.

— Марҳамат этиб энди сабр-тоқат қилинг,— деди у.— Узоқ вақт ётишга тўғри келади. Бўлмаса тузалмайсиз, Иван Яковлевич. Инфаркт шунақа касалки, унинг давоси врачлардан ҳам кўра кўпроқ беморнинг ўзига боғлиқ. Режимга жуда қаттиқ риоя қилиш керак, Иван Яковлевич.

Горбачев бунга ҳеч нарса демади, кўзини юмди. Уни ғам-ғусса босди. Юрагининг алам-ситами қолган эди. Баданига оғриқни қолдирадиган, томирларни жангайтирадиган дори укол қилишди. Оғриқ эсида қолган эди. Энди у ҳеч нарса эмас, бир буюм, ўшанда ҳам мутлақо кераксиз буюм эди. Бу ерда икки ё уч ой ҳаракатсиз ётади, юришни унутади, оёқ мушаклари ўлиб қолади. У инжиқ бўлиб, бу касалхона шароитида асабийланади,— то ўрганмагунча ҳамма вақт: бирор-та қалтис ҳаракат бўлса — тамом, ўлим, деган қўрқув бошидан нари кетмайди.

— Иш тўғрисида ўйламанг,— деди ҳамшира ўз билганидан қолмай.— Безовта бўлманг, иш тўхтаб қолмайди, сиз бўлмасангиз ҳам давом этаверади. Умуман оз ўйлашга тиришинг, ўйлайдиган бўлсангиз, бирорта кўнгил очар нарсани ўйланг.

Бирорта кўнгил очар нарса! Ўйлаб кўрган эди, лекин бундан бир нарса чиқмади. Кўнгил очар нарса эсига кел-

мади. Унинг ўрнига яшил муқовали жирканч папка лайдо бўлди. Крутиличдан қўрқиш керак, деган эди Қапа, ҳа сен унга беҳуда кам баҳо берясан, деган эди... Бу ярамас ўз папкасига йиққан ифлосликлар уни қаттиқ ранжитарди.

Чибисов, Дмитрий Ершов — ҳалол одамларни ранжитишяпти, горком бўлса жим турибди, аралашмаяпти, деб горкомга желганларнинг ҳаммаси ёдига тушиди. Ростгўй ва очик Дмитрий Ершов — Чибисов учун, инженер Қозакова учун, ўз акаси Платон учун у шунчалик олишдики... Унинг учун, яъни шаҳар партия комитетининг секретари учун жанг қиладиган шундай Дмитрий Ершов топилармикан? Балки, ҳақиқатан Горбачев одамларни юпатишга, улар муболага қилаётганини исботлашга ҳаракат қилиб, нотўғри иш қилгандир? Балки, ҳар бир чиркин ва носоғлом кўриниш устида баланд овоз билан, тўппа-тўғри, аниқ қилиб гапириш, бу мисоллар ёрдамида коммунистларга таълим бериш, уларда партиявий сезгирликни, партиявий принципиалликни тарбиялаш керак эди. Одамлар ортиқ даражада хотиржам бўлганидан кўра, безовта бўлгани дуруст.

Эркак врач қўлида хат билан келди-да:

— Биз бу хатни қабул қилмоқчи эмасдик, — деди. — Лекин у обком секретаридан келган. Ўқийсизми?

— Менга беринг, — деб илтимос қилди Горбачев.

— Йўқ, сиз, марҳамат қилиб қимирламанг, қўлларингизни қимирлатманг. Мен сизга кўзойнак тақиб қўяман... Шундай... бу сатрларни кўзингиз ўнгида тутиб тураман. Мана бундай. Сиз ўқинг. Саҳифани варақлаш керак бўлганда, айтинг, варақлайман.

Обком секретари бундай деб ёзган эди: «Азизим Иван Яковлевич! Ҳаммасига мен айбдорман. Бу аҳмоқона ифвони сенга бермаслик керак эди. Ўзимни кўярга жой тополмаётибман. Виждон азобидаман: катта ёшли, тажрибали одам бўла туриб мактаб боласининг ишини қилиб қўйдим. Мен нимани ўйлаган эдим? Сен яна бўладиган ифво олдида ҳабардор бўлиб қўйгин, деган эдим. Ифвогарнинг хавфли жойи нимада? Бир ёпишиб олса, ундан қутулиш қийин бўлади. У, чиққоннинг ўзи. Ҳаёт сени бундай бўлмағур гапларга эътибор бермайдиган қилиб чиниқтиргандир, деб ўйлаган эдим». Обком секретари қайта-қайта кечирим сўрар, якшанба куни, албатта келиб кўришини айтган эди.

«Турмуш сени чиниқтиргандир, деб ўйлаган эдим». Бу сўзларни қайтариб ўқиб, Горбачов ҳатто кулиб қўйди.

— Доктор, разилликка қарши қандай чиниққанлик бўлиши мумкин? Шунақа чиниққанлик бўлиши мумкинми?

Врач елкасини қисиб:

— Биласизми, Иван Яковлевич, — деди, — менимча шун-

дай чиниққанлик бўлса керак. Айтгандек, унинг иккита ўзаро қарама-қарши варианты бор. Биринчиси — ўзинг разил бўлишинг. Иккинчиси — разиллик душманнинг қуролларида бири эканини аниқ билиш ҳамда душманга дуч келганда, унинг ўз қуролини ишга солаётганидан ажабланмасликдир. Умуман, тинч ётишингизни ва ҳаяжонга тушмаслигингизни сўрайман.

Горбачев яна ётар ва ҳаяжонланмасликка тиришарди. У ўз оиласи тўғрисида, Анна Николаевна билан Қапа уйда қандай куйинаётганликлари ҳақида ўйларди. Уйга, улар ёнига ўзи ўрганиб қолган шаронгга қайтгиси келарди. У ҳақиқатан ўз яқинлари, қариндошлари билан кам бирга бўлар, жуда кам бирга бўлар эди. Ҳамма вақт қаёққадир шошилар, улар қочиб кетмайди, иш эса қочиб кетади, деб ўйлаб улардан нари югурарди. Улар бирга бўлишадиган вақт доим орқага сурилар, бирор бошқа фурсатга қолдирилар эди. Ўз оталари билан тузуккина бирга бўлолмай ўғиллар ҳам катта бўлди, улар ўз оталарининг ҳаётини дурустгина билмай, мустақил ҳаёт йўлига кирди. Катта ўғли — Уралда инженер, кичиги — шимолда кема капитанининг ёрдамчиси. Уни паркда ёки денгиз соҳилида сайр этишга таклиф этолмай, Қапа ҳам улғайди. Анна Николаевна ўз ёнида нуқул аллақандай яхши, оёқ-йишта замонлар келишини кутиб, уларга умид боғлаб, узоқ йиллар умр кўрди, нуқул кутавериб, қариб қолганини ҳам сезмай қолди.

Горбачев секин уйқуга кетди. Унинг тушига кузги офтоблик кун кирди. Ўша кун у қайиқда сузарди. Қайиқ қора бушлат ва бесоябон кепка кийган матрослар билан лиқ тўлган бошқа қайиқлар орасида бўлиб, қирғоққа яқинлаб борарди. Орқада канонерка тутун бурқситиб борарди. Рўпара тик жарлик, қирғоқдан оқ гвардиячиларнинг пулемётлари ўқ ёғдирарди, сув қайнаб, ўқлар қуйинидан сачрарди. Канонерка ғумбурлаган тўп зарблари билан жавоб қилар, бундан жарлик қирғоқлар кўкка кўтарилар ва емириларди.

Қумли қирғоққа етиб олинди. Горбачев кўкрагидаги пулемёт ленталарини тўғрилади, таранг бўғилган белидан тўп-пончасини суғуриб олиб, сувга сакради. Оёқлари тагида қуруқ шағал ғижирлаганида кўкрагига зарб урилганини сезди, оғриқдан бақириб юборди. «Яралашди, аблаҳлар!» деб ўйлади, йиқилаётди.

Кўзини очиб тепасида касалхона шипини, ёнида оқ халатли ҳамширани кўрди. «Шундай, яраланган эканман,—деб ўйлади, яна кўзларини юмиб.— Йигитлар қаерда экан? Госпиталда ётган бўлсам, демак шаҳарни олишибди. Демак, ҳамма иш жойида экан. Хужум қилияпмиз» деди-ю, тинчиб яна уйқуга кетди.

Пайшанба куни, одатдагидек, горком бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни иккинчи секретарь бошқарарди. У бюро аъзоларига Горбачевнинг касаллигини маълум қилди. Лекин бундан деярли ҳаммалари хабардор бўлиб, қаттиқ қайғурардилар.

— Билмадим,— деди иккинчи секретарь,— нима қилсак экан. Кун тартибимизда Иван Яковлевичнинг таклифи билан қўйилган бир масала бор. У бўлмаса ҳам кўраверсак бўлармикан?

— Бу қайси масала?— деб сўради порт бошлиғи соч-соқоли оқарган тўла ва бақувват бир одам, унинг эғнидаги денгизчи кителига олтин ранг нашивкалар қадалган эди.

— Мана буниси, Металлургия заводининг директори ўртоқ Чибилов тўғрисидаги, унинг рационализатор ва ихтирочи кадрлар билан қандай ишлаш тўғрисидаги масала.

— Чибилов чақирилганми?— деб сўради газета редактори, бюро аъзоси Бусирин.

— Чақирилган. Соат тўртга.

— Масала тайёрами?

— Тайёр. Саноат бўлими шуғулланган эди. Мудирнинг қўлида ҳамма материал тўпланган. Мен кўриб чиқдим.

— Муҳокама қилаверамиз,— деб таклиф қилди порт бошлиғи.— Кечиктиришга асос йўқ. Иван Яковлевич буни бизга ишонса керак деб ўйлайман. Кейин унга айтиб берамиз. Врачлар рухсат этганда.

Унинг гапига қўшилдилар.

— Соат тўртда Чибилов ва шунингдек таклиф этилган завод партия комитетининг секретари ва бош инженер етиб келди.

Чибилов заводда ихтирочилар билан олиб борилаётган иш тўғрисида, бу ишлаб чиқаришга қандай фойда келтираётгани ҳақида батафсил ахборот берди, келгусига мўлжалланган режаларни айтди. Бош инженер унинг нутқини бир неча қизиқ далиллар билан тўлдирди.

Сўнгра завод бошқармасидаги, цехлардаги ишларнинг аҳволи билан танишиб чиққан инструкторлар ўз материалларини доклад қилдилар, саноат бўлимининг мудир уларнинг хулосаларини якунлади.

— Кўриб турибмизки,— деди у.— Антон Егорович мавжуд аҳволни тўғри ёритиб берди. Ихтирочилар ва рационализаторлар билан ишлашда нуқсонлар бор. Лекин улар заводнинг бутун бир катта ижобий тажрибасини асло йўққа чиқара олмайди. Иван Яковлевич бизга бу масалани топшираётганида Антон Егоровичнинг ихтирочилардан бири ўртоқ

Крутиличга нисбатан катта гуноҳи борлигини айтган эди. Лекин, очигини айтганда, биз бу гуноҳини кўрмадик. Ҳатто аксинча, ихтирочи Крутилич ўзи учун завод яратиб берган шароитларга арзигулик одам эмас. Бу ихтирочи атрофида роса сув лойқалатилган. У ҳаммасини чалкаштириб юборган. Бош инженернинг ўринбосари ўртоқ Орлеанцев бу ишда унга фаол ёрдам бермоқда.

— Партия комитети нега жим туради?— деб сўради бюро аъзоларидан бири.

— Бизда муътабар комиссия тузилган,— деди жавобан партком секретари,— комиссия ишламоқда. Лекин иш чиндан ҳам жуда чалкашган. Биз Крутиличга нисбатан ҳам, Орлеанцевга нисбатан ҳам ширин хаёлда эмасмиз.

— Ўртоқлар,— деди Бусирин ҳаяжонланиб.— Менга рухсат этингиз. Мен бу воқеани, эҳтимол, бошқалардан кўра кўпроқ биларман. Иван Яковлевичнинг йўқлигига жуда ачинаман. Гўё гап-сўз унинг орқасидан бўлаётгандек. Лекин стенограмма бор, у соғайгач ҳаммасини ўқиб кўриши мумкин. Ундан ташқари мен буни унинг юзига ҳам айтганман. Гап шундаки, Иван Яковлевич ўртоқ Чибисов билан бирга мени ҳам бюрода эзғилашни ваъда қилган эди. Гап шундаки, Крутилич ва Орлеанцев билан боғлиқ бу ишда мен ҳам қотишганман. Умуман олганда бу иш бирмунча кенг бўлиб, фақат Крутилич, мен, Орлеанцев, Антон Егоровичга тааллуқли эмас. Бунда ҳозир домна цехида бош мастер бўлиб ишлаётган Воробейний ҳам, театр режиссёри Томашук ҳам, бизга, эҳтимол, номаълум яна аллакимлар ҳам бор. Заводда Крутиличга йўл берилмаётганлиги тўғрисида область газетасида мақола босилиб чиққанлиги ёдингизда бўлса керак? Бунчалик нотўғри, буқадар ғаразли мақоланинг совет, партия матбуотида қандай қилиб кириб қолганлиги мени қаттиқ қизиқтирган эди. Мен мақола автори бўлган анчагина ёқимтой ёш йигит билан учрашдим... Уни редакцияга суҳбатга таклиф қилдим. Университетнинг журналистика бўлимини тамомлаган экан. Ҳаққоният учун курашишга, ҳар қандай ёмонликни тугатишга тайёр. Лекин ниҳоятда тажрибасиз, ғўр. Нима бўлибди денг? Заводдаги айрим ўртоқлар ундан юз ўгиришган. Ўртоқ Орлеанцев бўлса бағрига олган, ўзига маҳлиё қилган, суҳбатлар учун вақтини аямаган, турли ҳужжатларни кўрсатган, инженер Крутиличнинг уйига олиб борган... Крутилич ўшанда бир ярамас кулбада яшар эди. Қисқаси, ёш йигитнинг миясига зўр таъсир ўтказган. Редакцияда эса материални унчалик пухта текширишмаган. Заводга телефон қилишиб: Крутилич деган одам борми? деб сўрашган. Бор, дейишган, қимматли рационализаторлик таклифи қилганми? Алланарса қилиб юрган эди, дейишган. Кўриб чиқишни чў-

зишяптими? Ҳа, баҳслашув ҳамон давом этмоқда, дейишган. Шундан кейин, бўпти, ҳаммаси жойида, материал текширилди, дейишган.

— Сизларнинг редакциянгизда бундай бўлиб турмайдими?— деб сўради порт бошлиғи.

— Эҳтимол, бизда ҳам бўлиб турар,— деди Бусирин.— Редакция, жонли одамлардан иборат. Одамлар эса ҳар хил бўлади. Бири кўпроқ ҳалоллик билан ишласа, бошқаси камроқ ҳалоллик билан ишлайди. Лекин, яна айтаманки, гап фақат Крутилич билан Орлеанцевларда эмас, кенгроқ доирада. Ўша университет значоги таққан ёш ўртоқнинг қўйнига қўл солиб кўрганимда ва уни нечоғлик алдаганларини англатганимда— у менга яна айрим гапларни айтиб берди. У менга режиссёр Томашукнинг мақоласи қандай қилиб бунёдга келганини айтиб берди; ўша мақолада шундай бир юксак тушунчалар устида фикр юритиш баҳонаси билан санъатнинг партияга садоқатли ходимлари— драматург Алексехин, рассом Козаков, артист Гуляев ва театримизнинг бошқа артистлари таҳқирланган эди. Маълум бўлишича, ёш йигитни яна Орлеанцев ўзиникига таклиф этган, уни яна пишитган, ўзига маҳлиё қилган, унга ҳозирги замоннинг жуда талантли режиссёрлари орасида жуда истеъдодлиси ўртоқ Томашук билан боғланишни тавсия қилган...

— Менга қаранг,— деди горкомнинг иккинчи секретари.— Қани ўша тинмай тилга олинаётган Орлеанцев? Нега у бугун таклиф қилинмаган?

— У Москвага жўнаб кетган,— деди Чибисов.— Отпус-кага.

— Афсус, яна афсус,— деди порт бошлиғи.— Менинг тушунишимча, биз бугунги мажлис билан бу ишни текширишни бошлаяпмиз холос, ўзига бу масалани бир мартагина эмас, бир неча марта қайталаб кўрмоғимиз керак. Бундан аллақандай расво бир нарсанинг ҳиди келиб турибди. Менимча, Чибисовнинг бу ерда айби йўқ, агар айби бўлганда ҳам ўз заводида бундай бемазагарчиликка узоқ вақт чек қўймагани учун айбдордир. Бутун завод, парткомнинг айби ҳам худди ана шунда: чўзяпсизлар, ўртоқлар, чўзяпсизлар. Қатъийлик етишмаяпти сизда. Театр масаласини ҳам ҳал этмоқ керак. Ҳоявий рақиб сопқон отмоқ учун туйнук ахтараётган бир пайтда, биз унга зарба бермаётирмиз.

— Масалан, театрда унга қаттиқ зарба берилди,— деди горком секретари.— У ерда соғлом, партиявий кучлар тўла ғалаба қилди.

— Ана ўша соғлом, партиявий кучларга ёрдам бермоқ керак. Ҳозир биз қилаётгандан кўра кўпроқ ёрдам кўрсатмоқ

керак. Партиянинг қўлидан, горкомнинг қўлидан кўп иш келади, жуда кўп иш келади.

Қарийб ҳамма бюро аъзолари чиқиб сўзлади. Порт бошлиғининг горком партия ташкилотларига кўпроқ ёрдам кўрсатиши, жойлардан келган хабарларга тезроқ эътибор бериши керак деган фикрига қўшилдилар. Ҳеч ким гап-сўз ўртасида Горбачевнинг номини тилга олмади, лекин ҳар ким ўз кўнглида Иван Яковлевич бундай мураккаб ва жиддий масалани бюрога анча илгари қўйиш керак эди деб ҳисобларди — буни айтилган гаплардан сезиб олиш мумкин эди.

Қарорда партия горкоми Чибисовнинг виждони пок эканлигига сира шубҳа қилмаслиги, лекин заводда Крутилич, Орлеанцев ва Воробейнийларнинг ишини текшириш ортқ даражада чўзилиб кетганлиги, текширувни тезлатиш ҳамда ишчилар билан инженерлар муҳокамасига қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари шаҳар партия активи чақиришга ва унда идеология масалаларини, буржуа таъсирларига қарши актив курашиш масалаларини муҳокама қилишга ҳам қарор қилдилар.

— Иван Яковлевич бу ўринда бироз либераллик қилган, — деди порт бошлиғи танаффус эълон қилишиб, чекиш учун коридорга чиқилганда. — Кўнгли ноёб, пок одам, лекин бу масалада кўз-қулоқ бўлмаган.

— Мана энди ўзи жабрланди, — деди Бусирин. — У ўша Крутиличларга одамгарчилик қилган эди, улар эса унга мана шундай «одамгарчилик» билан жавоб қайтаришди.

23

Орлеанцев Москвада бир ой эмас, кўпроқ туриб қолди. Министрликдаги «керакли одамлар» унга Марказкомнинг муҳим Пленуми бўлажagini махфий тарзда билдириб, икки ҳафтача туратуриш кераклигини айтди ва мартен ишлаб чиқаришига кислород юбориш усулини жорий қилиш юзасидан гўё инструктаж олишга уни чақиришган бўлди. Орлеанцевнинг танишлари ва ошналари ҳовлиққан, ҳаяжонга тушган бўлиб, миш-миш гапларга ишонар, бундай миш-мишлар эса ғоят хилма-хил эди.

Айрим одамлар, иш чатоқ, министрликларни тугатиш проекти бор эмиш, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш децентрализация қилинариш, республикаларда, областларда аллақандай координацияловчи — хўжалик органлари бўлармиш, деб зорланишарди. Демак, Москвада аллақачонлардан буён ўрнашиб олган, ўз кабинетларига, маълум турмуш шароитига ўрганиб қолган кўп одамлар Москвани ташлаб балки, ҳатто иссиққина ҳожатхоналари ҳам бўлмаган алла-



қайси ёқларга жўнаб кетиши керак бўлади. «Тезроқ бўлади,— дейишарди оптимистлар.

— Қуриб ташлайсизлар».

Бошқалар бўлса, бўлажак қайта қуриш ажойиб нарсадир, у қандай мислсиз натижалар беришини ҳозирча умумий тарздагина тасаввур қилиш мумкин, дерди. Децентрализация одамларга янада кенгроқ кўлам билан ишлаш имкониятини беради.

Ўзлари раҳбар доираларга жуда яқин ва яхши хабардор эканликларига ҳадеб шама қиладиганлар ҳам бўлиб, улар маъноли ва сирли қилиб «Ховлиқмангиз, ҳеч нарсга бўлмайди. У ерда,— деб юқорини бармоқ билан кўрсатарди, улар,— бу масалада келишув йўқ. У ердаги айрим одамлар алоҳида фикрда. Ҳаммаси эскича қолаверади» дерди.

Орлеанцевга жуда яқин турган иккита «керакли одам» худди шундай — тамомила қарама-қарши гапни айтишди. Улардан бири: «Костя, умид қилма. Заводда ҳали кўп туришга тўғри келади. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Кексалар йўл қўймайди. Улар — консерватив одамлар. Сабр-тоқат қилиб туратур» деди. Иккинчиси эса «Костя, менга ишонавер, кимнинг олдига кириб туришимни ўзинг биласан-ку, қайта қуриш бўлади. Катта бўлади. Жойларда керакли органлар тузилади. Кут сени эсдан чиқармаймиз, бирорта яхши жойга — масалан, Ленинградга, ёки Киевга, Харьковга юборамиз. У ердан Москвага етиб олиш ҳам қийин эмас» деб уқтирди.

Орлеанцев бу миш-мишларнинг тагига етиш учун Москвада кезиб юарди. Гапнинг тагига етиб олиш жуда зарур эди. Қишлоқ хўжалигида баҳорнинг бир кунини бир йил боқадди, дейишади, экиш учун қулай муддатларни ўтказиб юбормаслик шунчалик муҳим экан. Орлеанцевнинг қатъий қаноатига биноан, жамоат ҳаётида масала янада кескинроқ эди. Орлеанцевнинг фикрича, бунда биргина тўғри фойдаланилган фурсат, одам бир пайтдан фойдаланиб қолса, у одамнинг амалини узоқ вақтга белгилаб бериши мумкин эди; — билиб олсанг, кўкка кўтарилиб кетасан, янглишсанг, ўзингни жар ёқасида кўрасан, дерди у.

Учинчи йўлни ҳам танлаб олиш мумкин, албатта: ҳар ким ҳалол ишлаши, ўз ишини адо этиши керак, бунда, қандай нарсалар содир бўлмасин, шамол қаёқдан ва қаёққа эсаётганидан қатъи назар, одам ўз жойида қолаверади. Лекин Орлеанцевга бу йўл тўғри келмасди. Ўз ўрни деб аталган ўринларга ўртаҳолларгина қаноат қилиши мумкин. Умуман, рўй-рост айтганда, Орлеанцевнинг ўз жойи қаерда эканлигини ким билади дейсиз?

Ҳар ҳолда ҳақиқат қаерда, миш-мишларнинг қайси бири-

си тўғрироқ? Унинг адабиётчи ва рассомлардан иборат «керакли одамлари» доирасида ҳам бу масалада унга ҳеч ким ҳеч нарса айти олмади. Донишманд рассом аёл эса тамомила руҳий тушқунликда қолган эди. Бир қизгин мажлисда аллаким уни шаллақи, қаллоб шаллақи, деб атаганидан энди кечаю-кундуз адолат ва шафқат тилаб дод-вой қиларди. Ўтган ёзда шов-шув кўтарганлар эса, ўзларининг ижодий ташкилотларига бориб, ўзлари айтгандек, «айрим формулировкаларни аниқлаш» учун сўзлаган нутқларининг стенограммаларини талаб қиларди. Ёзувчилар томонидан танқид қилинган бир тухматдан иборат ҳикоянинг автори (Орлеанцев унинг номини эслаб қололмади) ўзини Чеховнинг ёвуз ниятли кишиси кўйига солишни афзал кўриб, ҳар ерда: «Худо ҳақи, бунақа бўлиб чиқишини билмаган эдим. Яхшилик қилишни, партияга кўмаклашини ўйлаган эдим. Мени мақташадди, деб ўйлаган эдим» — хуллас, тоққа чиқмай дўлана ейиш эбини ўйлаган эдим, деган гапни тинмай такрорларди. «Пўлат ва услуб» мақоласининг ёзган бадқовоқ ўз вақтида шов-шув кўтариб, довриқ қилганича Москвадан чиқиб, олс ўрмонли манзилларга равона бўлди — ундан ном-нишона йўқ эди. Ёзувчилар ўз правленнесининг пленумига ҳозирлик кўрмоқда эди, гапларига қараганда, улар аввал танқиддан пухта ҳимоя қилиниб келган бир кичик, лекин бақироқ адабий гуруҳ орасида фиска-фасод туғдирган сабабларни жиддий муҳокама қилмоқчи эди.

Орлеанцев таниган ёзувчилардан бири, уруш вақтида Орлеанцев хизмат қилаётган қисмга келиб, Орлеанцев тўғрисида очерклар ёзган киши иқрор бўлиб бундай деди: «Мен сизга ҳаммасини очиқ ва тўппа-тўғри айтиб бераман, Константин Романович. Мен ҳам ўзимни шу гуруҳ билан биргадек тутиб юрардим. Нега ўзимни шундай тутиб юрардим? Бунинг сабаби равшан. Мен катта адабиётчи эмасман, бун биламан. Мени эзиб ташлаш осон. Бу гуруҳга эса, бахтга қарши, унча зўр таланти бўлмаган, тўғриси айтганда — жуда ўртача бўлса-да, лекин номи роса мақталган ҳамда нашриётчиларимизга таъсир ўтказадиган одамлар йиғилган эди. Сиз гапимга тушунаётгандирсиз деб умид қиламан? Улардан бирортасига бирон бир нарса деб қўйса — менинг китобим тамом-да».

Орлеанцев бу одам уруш вақтида қандай бўлганини, олдинги траншеяларга қандай мардлик билан бориб юрганини, энг хавфли фронт участкасига қандай иштиёқ билан йўл олганини эслади-да: «Ҳамма қилганда ҳам, лекин сиз шундай қиларсиз — ўртоқлардан воз кечарсиз, деб ўйламаган эдим» деди. У адабиётчининг жаҳли чиқиб: «Сиз нима деб ўйлаган эдингиз, мен уларни ҳимоя қилиб, дотларининг

амбразураларига қалқон бўлайми? Йўқ, буниси кетмайди! Улар мен учун битта чўпни у ердан бу ерга олиб қўймас эди» деди.

Орлеанцев ниҳоят ўзларининг ижтимоий қимматларига юқори баҳо бериб юбориб, ўтган йили ортиқча бақироқлик қилган ўша қутурган ёлғиз зотларнинг ўз ўртоқлари олдида кечирим сўрашдан, ўзларининг сиёсий кўрларгина эмас, ҳатто хом одамлар эканларига иқрор бўлишдан бошқа иложлари қолмаганини тушунди. Орлеанцев, улар билан таниш бўлмай, авантюрага бош суқмай, турмушга яқинроқ юриш дуруст, деган хулосага келди.

Орлеанцев ўйлаб кўриб, саноатга раҳбарлик қилишда албатта ўзгариш бўлади, деган хулосага келди, воқеалар олдиндан айтиб бериладиган партия ва ҳукумат қарорларига ҳамнафас фикрлар баён қилинадиган катта, муфассал мақола ёзишга аҳд қилди. У ана шундай масалаларни ёритадиган махсус соҳа газета редакцияси билан келишиб, мақола ёзишга ўтирди. Тўғри, ўзи бир ярим йил илгари бошқа мақола билан, яъни «Инженернинг хатлари» билан чиққанлиги ва унда бошқаришни, марказлашни янада ҳар ёқлама мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, янада кўпроқ ихтисослаш йўлидан бориш кераклигини даъват қилганини эслатиб ўтиш ёки ўтмаслик устида андиша юритди. Ўз хатосига иқрор бўлиб, турмуш бу хатосини тузатганини айтиш — бир жиҳатдан яхши позиция бўлиб кўринарди. Олижаноб, сержозибага ўхшарди. Лекин айни вақтда бу ҳар ҳолда тавба қилишдек бўлади. Тавба қилиш одамни камдан-кам юксалтиради. Тавба қилиш гуноҳдан тавба қилишдир. Бу лирика, ҳиссиёт, бунинг ишга фойдаси тегмайди. Ўзини ҳеч қандай «Инженернинг хатлари» деган мақолани ёзмаганликка олишга аҳд қилди. Уни ким эсга оларди! Ким эски журналларни титиб юарди.

У қизиқиб, илҳом билан ёзди, эскиликка ёпишиб олганлари, қолоқ одамларни, сиёсий кўрларни ер парчин қилди, децентрализация қилиш, бошқарма тўсиқларини тугатиш жуда зарур эканини исбот қилиб, жойларда тузиладиган керакли органлар тўғрисида: «Балки, бу улуғ Ленин ҳаёт чоғида тузилган собиқ халқ хўжалик кенгашларига ўхшаган нарсга бўлар, балки бу эски, синалган, лекин янги, анча мукаммал мазмун касб этган формаларга қайтиш бўлар» деб ёзди.

Мақола Орлеанцев Москвадан жўнаб кетмасдан олдин босилиб чиқди. Бир неча кундан сўнг бўлиб ўтган Пленум қарорлари унинг тўғри ҳаракат қилганини тасдиқлади. Мақолага эътибор беришди, Орлеанцевни табриклашди.

Тўғри йўлни топиб олганлик туйғусига бир нарсга —

Крутиличга, тороз-вагонларга электр совиткич ўрнатиш билан боғлиқ бутун ишларга ёпишиб, заводда жуда катта нодонлик қилиб қўйганлиги доғ солиб турарди. Буларнинг ҳаммаси унга нима учун, нега керак бўлди? Арзимас, пасткаш, провинцияча бир иш. Аллақайси бир Чибисов билан курашиб юрса-я... Унинг олдида Чибисов нима деган гап ўзи? Уларнинг ҳаммасига ўзини тенг қилиб ўтириши керак эмасди. Улар олдидан барибир бирорта йирик Халқ хўжалиги кенгашига кетган, у ерда ўз қобилиятини роса намоён қилган, ўзини кўрсатган бўлур эди-ку. У барибир доим ҳар қандай шароитда ҳам улардан юқори турган бўларди-ку. Энди эса агар улар иғво ва машмашалардан воз кечиб, бу ишни тугатишмаган бўлса, гап чуваланиши мумкин. Ўша овсар Крутилич тўнғиз қўпақолса-чи! Орлеанцев бу жоҳил, разил девни хумдан озод қилиб, ўз бошига бало орттирди.

Орлеанцев заводга қайтиб келиб, «иғво ва машмашалар»дан ҳеч ким воз кечмаганига, ишни тугатиш учун уни кутиб туришганига, Крутилич соғ-саломат бўлиб, тўнғиз қўпишини хаёлига ҳам келтирмаётганига ишонч ҳосил қилди. Лекин у қайта қуриш тўғрисида мақола ёзгани донолик билан узоқни кўриб қилинган иш бўлганига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Инженерлар Орлеанцев бундай мақола ёзган экан, демак у жуда яхши хабардор бўлса керак, деб ўйлаб, ундан Марказком Пленуми тўғрисидаги гапларни суриштирди. Орлеанцев, ҳали ҳамманинг ҳам кўпгина янги ва қизиқ гапларни эшитишига шама қилиб, ноаниқ ва дудмал жавоб қиларди. Ўзини катта олар, инженерларнинг елкасига қоқиб қўярди. Ҳатто обкомнинг секретари ҳам унинг мақоласини маъқуллаб гапиргани Орлеанцевнинг қулоғига етди.

Орлеанцев обком секретаридан ўзини қабул қилишни сўради. Учрашув бирнеча марта кечиктирилди. Обком секретари ниҳоят уни қабул қилди. Орлеанцев унинг олдида боғлаб олинган ўнтача китоб билан келди. У, китобларни бундан аввал шаҳар кутубхонасидан олган эди. Улар орасида ислом тарихига оид асарлар, турк тили синтаксиси, Саҳара чўлининг потенциал имкониятлари тўғрисидаги очерклар, Бисмаркнинг немис тилида босилган биографияси, Петр замонидан аввалги Россияда темир ишлаб чиқариш тўғрисида Петр замонидан илгари босилган китоб, Беранже қўшиқлари... бор эди. Орлеанцев уларни ўз ёнидаги стулга қўйди.

Орлеанцев кийинишда ҳам тегишинча йўл тутиб, оддий ва одмигина кийиниб келди; у пиджак ўрнига ювилиб, дазмолланган кўк завод спецовкасини кийди, унга орден ленталари планкасини қадаб қўйди, улар жуда кўп эди.

Обком секретари, Орлеанцев ўйлаганидек, китобларга

дарҳол эътибор берди, уларни ечишни сўради, олиб кўра бошлади. Қизиқсинди.

— Биз диалектикани Гегель китобларидан ўрганган эмасмиз,— деди камтарлик билан Орлеанцев,— жанглар суронида ўқиганмиз.

— Ҳа, ҳа, жангларда бўлганингизни кўриб турибман,— деди обком секретари унинг ленталарига назар ташлаб.

— Билимларни тўлдиришга тўғри келяпти,— деди Орлеанцев.— Инсоният уларни шунчалик кўп тўплаганки, бу бойликларга лоақал бир сидра кўз югуртириб чиқишнинг ҳам сира имкони йўқлигини билиб, кишининг боши қотади.

— Ҳа, ҳа, мен ҳам гоҳо ўйлаб қоламан,— деб қувватлади уни обком секретари.— Бир асргина муқаддам ўртача маълумотли одам бадиий адабиётдан ҳам, ижтимоий фикр ва фан ютуқларини акс эттирувчи адабиётдан ҳам бемалол хабардор бўла оларди. Ҳозир-чи? Ҳозир ақли расо доно бўлса ҳам ҳаммасини ўқий олмайди, ҳа! Бугун инсоният йилига миллионлаб китоб яратмоқда. Миллионлаб! Статистиканинг кўрсатишича, бир одам бутун умри бўйи ўрта ҳисобда фақат икки минг том китоб ўқир экан, холос. Тўғри, айрим одамлар бундан анча кўпроғини ҳам ўқийди. Лекин барибир — бу ҳар йили чиқиб турган миллионлар олдида нима деган гап?

— Суткасига саккиз соат ухлаш — одам учун жуда кўплик қилади,— деди Орлеанцев мулойим жилмайиб.— Вақт беҳуда кетади. Медицина билан биология ҳаракат қилиб буни тўрт, уч соатгача камайтирса эди. Мустақил маълумот оширишга, мустақил такомиллашишга кўп вақт берилган бўларди.

Орлеанцев мавзудан-мавзуга ўтиб, барча соҳаларда анча билимдон эканини кўрсатди, областнинг ўз иқтисодий районини тузиш кераклиги тўғрисида гапириб, обком секретарини ўзига тамомила мойил қилиб олди. Обком секретари кейин Чибисовга телефон қилиб: «Менга қара, сизлар Орлеанцев ҳақида гапни кўпиртирмаганмисизлар? У ахир жанговар солдат ҳам бўлган экан, ҳам ташаббускор инженер. Сен у билан самимий суҳбатлашиб кўрсанг бўларди. Ғоят маълумотли одам, ҳаммасига ўзининг зўр меҳнати, матонати билан эришган. Сен унинг қандай китоблар ўқишига қизиқиб кўрсанг эдинг. Ташкилий чора кўришдан олдин ҳаммасини яна бир ўйлаб кўрингиз.»—«Бу одамлар ихтиёрида,— деди Чибисов.— Менинг унда хусуматим йўқ. Ўзи ҳар қандай одамни додини бериб қўяди. Мен нима қилардим! Одамлар ҳал этсин».

Орлеанцев секин-аста тинчланиб, одатдаги мағрур ва вазмин ҳолатига кира борди. Ҳатто у, бош инженерга, ди-

рекция Воробейнийни бош мастер қилиб тайинлаб, хато қилганга ўхшайди, деди. Инженер Воробейний бу ўринга тўғри келмайди, биринчи галда коллектив уни ўтмиши хира бўлгани учун ёқтирмаслиги туфайли тўғри келмайди деди. «Мен уни сизнинг қанотингиз остидаги одам, деб ҳисоблар эдим,— деди бош инженер.— Уни сиз қадрлаяпсиз, деб ўйлаган эдим».—«Шундай гуноҳ бўлган эди, ҳа. Лекин хато қилибман. Унинг инженерлик тажрибасига ортиқча баҳо бериб юборибман. Киши доим ишнинг яхши бўлишини ўйлайди-да»,

Орлеанцев Крутилични ҳам заводдан жўнатиб юбориш учун айрим тадбирлар кўришга киришди. У, ишчилардан тушган кўпгина ёзма шикоятларни тўплади: ишчилар Крутиличнинг бюрократлигидан, унинг бепарволиги ва мақтанчоқлигидан шикоят қилишарди. Шикоятларни Чибисовга берди. Чибисов бақириб деди: «Нега сиз буни менга кўрсатаяпсиз? Бу Леонардо да Винчини бу ўринга худди мен чиқариб қўйгандек! Бизга уни сиз суқиштиргансиз, энди ўзингиз шуғулланаверинг. Сиз менга иш қилдирмаётибсиз. Ишга ҳалақит беряпсизлар. Пўлат чиқаришим керак бўлгани ҳолда мен нуқул илғорлар билангина шуғулланиб кун ўтказаяпман. Мен ислом тарихини ўрганган эмасман ва турк тили синтаксисдан беҳабарман. Лекин мен Совет Иттифоқининг беш йиллик планини биламан, ўз заводининг планини биламан, бизнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг келажаги биз ишлаб чиқараётган пўлатга боғлиқ эканини биламан, агар сиз, ўртоқ Орлеанцев, ўз Крутиличингиз билан бошқача фикрда бўлсангиз ҳам, мен бу пўлатни ишлаб чиқаравераман!»—«Беҳуда шовқин қиляпсиз, ўртоқ Чибисов,— деди вазминлик билан Орлеанцев.— Ҳозир бақироқларнинг бозори эмас. Сизни қуруқ амалиётпарастлик, марксча-ленинча назарияни менсимаслик, ўша ишбилармонлик хароб қилаётганини ўйлаб кўринг, ўртоқ Чибисов». Чибисов қўлини силтади. Орлеанцев билан унинг бошқа гаплашиб ўтиргиси келмайди.

Орлеанцев унинг олдидан ғолибдай жилмайиб чиқиб кетди. Барибир, деб ўйларди у, сенинг директорлик иштирокинг биланми ё шундоқми, ишқилиб Крутилични йўқотиш керак, жўнатиш керак. Бир вақт Орлеанцевнинг ўзига илашмоқчи бўлган бу хас энди унинг оёқларига боғланган тош бўлаётган эди. Бу тошлардан халос бўлмоқ керак. Буни қандай қилиб бўлади? Ўзи лойқатган сувдан энди қандай қилиб чиқиб кетса бўлади?

Орлеанцев Зоя Петровнанинг олдига бориб, ундан ҳолаҳвол сўрамоқчи, ўша бемаъни тилхат тўғрисида унга тиқилинч қилган қилмаганларини суруштирмоқчи бўлди. Лекин Зоя Петровнанинг пухталаб қўйилган онаси Орлеанцевга Зоя Петровна ёнига кириб бўлмаслигини, у ҳамон оғир

касал бўлиб, врачлар рухсат бермаётганини айтди, ўзи ҳам ухляяпти, ишинг бундай чатоқ бўлган экан, энди йўлингдан қолма, боравер, азизим деди. «Афсус,—деди Орлеанцев даҳлизда турар экан.—Мен унга Москвадан янги атирлар келтирган эдим».—«Атирми, буни бера қол, элтиб бераман. Лекин кириш мумкин эмас, ярамайди, отахон».

Кейин Орлеанцев Зоя Петровнаникига Гуляев келиб юришини билиб қолди: демак, ўзини шунинг учун қабул қилишмаган, бунга Зоя Петровнанинг беморлиги эмас, ана шу сабаб бўлган. Қанча вақт бемор ётиши мумкин?—бир ярим ой бўлди. Ҳаволаси худога унинг, яхши бўлибди бу, йиғлоқи, кўпдан бошимга ташвиш эди деб қўл силтади.

У, ҳатто Искра Қозакова билан муносабат боғлашга уриниб кўрди. Орлеанцев у билан бирга бирорта иш бошлаш жуда яхши бўларди, аввалги англашилмовчиликлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетарди, деб биларди. Орлеанцев унинг олдига Искра билан Воробейний цехда янгиликларни жорий қилишни беҳуда тўхтатиб қўйишгани, бутун бир янгиликлар комплекси борлиги, Искра, бу комплекс авторларидан бири экани, қийинчиликлар олдига бундай дарров чекиниб ўтириш ярамаслиги тўғрисидаги гапни кўтариб келди.

Искра доим қатъий суҳбатлар вақтида қилганидек, қаддини ростлади,—бундан ўзини баландроқ, салобатлироқ, қўрқинчлироқ бўлгандай сезарди,—олисни илғамайдиган кўзларини қисгани ҳолда: «Мен ҳозир авторлардан бириман, эртага плагиатор бўламан, шундай эмасми?—деди совуқ: қина қилиб,—Йўқ, бундан мени озод қилгайсиз, озод қилгайсиз!» Искра жажжи қўлини уч марта чайқади.

Шундай қилиб, Орлеанцевнинг атрофида ҳеч ким қолмаган эди. Керакли одамлар кераксиз бўлиб чиқди. Умуман керакли одамлар ўзинг уларга керак бўлсанг, ўзинг ҳам кучқувватли бўлсанггина керакли бўлиб қолаверишлари мумкин. Орлеанцев бўлса, дўстларни кўргани ҳам йўқ, чунки уларни ўз керакли одамлари билан доим ўзидан бездирарди. Тез фурсатда яна иноқ улфатларни вужудга келтириш, тегишли одамларни ўз томонига ўтказиб олиш мумкин эди, албатта, лекин бунинг учун — коньяк, осетра икраси, карсча кабоб, «дўстлик учун» деб кўтариладиган қадаҳларга пул, кўп пул керак эди. Лекин бунақа пул йўқ, Орлеанцев ўз капиталини сарф қилиб бўлган эди, кўпдан буён бирорта йирик нарса босиб чиқармаган, кўпдан буён мукофотлар олмаган эди.

Уйга келганда креслода хомуш ўтириб, оёғини ликиллатганича, трубкасини тутатгани-тутатган эди. Ёки диванда шипга қараб ётарди. Гоҳо ўзини босолмай, арзимас бир респоранчага, ҳатто пивохонага қараб йўл оларди. У ерда ўзини

«қишлоқи йигит»га солиб, официанткаларга мулозамат қилар, қўшни столлар ёнида бўлаётган гап-сўзларга қулоқ солар, аҳил қувноқ улфатларга ҳаваси келарди. Ресторанча ва пивохона ёпилгунча кутиб ўтирар, толиққан официанткани уйигача кузатиб қўяр, йўлда гўё ўз ҳаётида бўлиб ўтгандай қилиб, бирорта таъсирли воқеани айтиб берарди; официантка эса унга шафқат қилиб, «Вой худойим-э! Бунни қаранг-а!» дерди.

Бир маҳал у кўчада шаҳар газетасининг редактори Бусирин билан учрашиб қолди. Орлеанцев ўзини одатдаги совлатли қиёфага солди, редакторнинг қўлини сиқиб, ундан марказий газетада босилган ўз мақоласини ўқиган-ўқимганини сўради. Бусирин, албатта ўқиганини, редакция уни ҳатто кўчириб босмоқчи бўлганда ўртоқлар Орлеанцевнинг «Хатлар»ини журналдан топиб олишганини, позициялар принципиал бошқача бўлиб, сабаби сира айтилмаганини билдирди.

Бусирин буни иш юзасидан, ҳатто бепарво оҳангда гапирган бўлса ҳам, лекин Орлеанцев редактор уни мазах қилаётгандай сездди. Учрашганларида ўшанга ўхшаш темада бир мақола ёзиб беришни таклиф этмоқчи эди, аввалги фикридан қайтди. У, Бусирин билан хайрлашди. Йўлда бора туриб, редакторнинг бундай хатти-ҳаракатидан ажабланмаслик кераклиги, чунки у Чибисовнинг оғиз-бурун ўпишган дўсти эканлигини хаёлидан ўтказди. Айрим одамларнинг шундай, бир-бирини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган дўстлари бор, деб ҳаваси келди. Унинг, яъни Орлеанцевнинг, чўнтагида пули бўлганда атрофига йиғиладиган сотқин пасткаш тўда уларга ўхшамайди.

Ёлғизлик ҳар қадамда сезилиб турарди. Москвадан кетгани, номаълум провинциал манзилга келиб қолгани ўз ҳаётидаги энг даҳшатли хатолардан бири бўлганини ўйларди. Партия билетидан маҳрум бўлишдан қўрқиб, хотинининг ёвуз ҳаракатларидан омон қолиб, нимани топди? Партбилет омон, лекин у қанчалик қимматга тушмади дейсиз? У, завод муваффақиятлар зинапоясидан яна кўтарилиш учун бир поғона бўлади, деб умид қилган эди. Бу нима бўляпти?... «Майли, ҳечқиси йўқ, бурунни тортиб ўтирмаслик керак,— деб ўзини юпата бошлади.— Ҳаммаси жойига тушиб тузалиб кетади». Қимнингдир, Сулаймон подшонинг бўлса керак, «Бу ҳам ўтиб кетади» деган сўзлар ёзилган узуги бўлган экан, бирор янги фалокат юз берадиган бўлганда, узукни айлантириб, калима келтирар экан-у, шу билан юпанар экан.

Чиндан ҳам, ҳамма нарса ўтиб кетади. Ҳатто ўта кетган даражадаги кўнгилсизлик ҳам — абадий эмас. Лекин, афсуски, умр ҳам ўтиб кетади.. Қайтиб келмайди.

Бусирин денгиздан юз эллик километр чамаси масофадаги чўлда жойлашган қадимий шаҳарчага бориш учун Чиби-совдан олган «пикап» машинасида қор босган текисликлардан бормоқда эди. Кеча Бусирин радиодан, халқ ҳаёти тўғрисида ёзилган кўпгина китобларнинг автори бўлган машҳур совет ёзувчиси педагогика институти студентларининг таклифи билан Москвадан ўша ерга келганлигини эшитган эди; ўша ёзувчи билан албатта учрашмоқчи, у билан сўзлашмоқчи, сўнгги вақтлардаги айрим қийин масалалар устида ундан жавоблар олоқчи эди.

Бусирин Окуневларнинг ишчи оиласи тўғрисидаги спектаклни таҳлил қилиб, унга баҳо бериб ёзган мақоласи эълон қилинган ўша Янги йил арафасида анча мушкул ишга қўл урганлигини фаҳмлаган эди. У, аввало, ҳақоратлаб ёзилган ўн бешга яқин имзосиз хат олди. Хатларнинг ном-нишонсиз авторлари Бусиринни догмачи, нодон деб атаб, унга ҳақоратлаб ёзилган мисралар бағишлар эди. Улар орасида имзо қўйилиб, хат ёзувчининг адреси конвертга ҳафсала билан ёзиб қўйилган хатлар ҳам бор эди. Лекин Бусирин хат авторлари билан учрашмоқчи бўлганда ҳар сафар «бу адресда бунақа одам йўқ» бўлиб чиқарди. Иккинчидан, бир бошқарма журнали унинг мақоласига ҳуруж қилди; «Сўнгги почтадан» деган бир хабарда Алексахиннинг пьесаси ҳам, спектакль ҳам, Бусириннинг мақоласи ва ўзи ҳам мазах қилинган эди.

Лекин ўз қалами билан Магиткани ва Кузнецкни қуришга кўмаклашган, редакция машинасида Сталинграддан Варшава ва Прагага қадар йўлни босиб ўтган, кўпни кўрган журналистни мустаҳкам партиявий позициясидан тойдириш осон эмасди. У турмушга фаол қотишадиган, кишиларнинг турмушга ва ижодига кўмаклашадиган санъат учун, улкан ҳис-туйғуларни тарбиялайдиган, революцион идеаллар сари чорлайдиган адабиёт учун ўз газетасида шижоат билан жанг қилди. Илгари шаҳар газетаси асосан шаҳардаги саноат корхоналарининг иши, порт, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатадиган муассасалар ишини ёритар эди, санъат ва адабиёт масалалари газета саҳифаларида камданкам, онда-сондагина ёритиларди. Бусирин бунинг ўз хатоси эканига тушунди, горком бюросида редакторнинг докладини эшитишни сўради, ўз-ўзини танқид қилди ҳамда бюро редакциянинг санъат ва адабиёт бўлимини кучайтириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида қарор чиқаришини таклиф қилди.

Область газетасининг Крутилични ҳимоя қилиб мақола ёзган ва Томашукка мақола тўқишда кўмаклашган ёш мух-

бири билан Бусирин худди ўша кезларда учрашди. Йигит Бусирин билан бўлган суҳбатдан жуда хафа бўлиб кетди. «Университетда бизга ҳамма нарсани ўргатган эдилару,— деди у қизишиб,— лекин турмушда жуда айёр, ғоят эпчиллик билан ниқобланиб оладиган амалпарастларга ҳам йўлиқишимизни ўргатмагандилар. Уларни номўсли одамлар орасида қандай таниб олса бўларди, ўртоқ Бусирин?» «Азиз дўстим,— деб уқдирарди унга Бусирин.— Бизнинг давримизда, ўттиз йилча илгари, иш жўнроқ эди. Жамиятдаги синфлар нисбати равшанроқ ва аниқроқ эди. Босқинчи кулакни билардик, зараркунандани танирдик, яшириниб юрган оқғвардиячи офицерлар борлигини билардик. Шолоховнинг «Очилган қўриқ»идаги Половцев ёдингиздами? Ҳозир улар барҳам топган, босқинчи кулак ҳам, овулнинг аллақаерига пулемёт ва граната тўлдирилган яшчик кўмиб қўйган оқғвардиячи ҳам йўқ... Халқ уларни бизнинг еримиз бетидан супуриб ташлади. Лекин ўтмишдан айрим: амалпараст, восита ва усулларнинг андишасига бормаيدиган юлғичлар қолган. Бунинг эвини қилиш қийинроқ, улар бошлаб революцион нутқлар сўзлашни ўрганиб олган. Шу сабабдан сизни кўп ҳам айбламайман, азиз дўстим, сиз айёр одамларнинг тузоғига илингансиз. Лекин бу сизга тажриба бўлди. Рост эмасми? Сиз одамларни шу йўл билангина таниб оласиз, амалда кўриб ўрганасиз. Бир-икки йил ўтгач, сизни алдаш қийин бўлади».

Бусирин ўз газетаси ҳузуридаги адабиётчилар тўғарагига ҳам кўпроқ эътибор бера бошлади. Бу тўғарак ёши, қобияти, назарий жиҳати турлича одамлардан ташкил топган эди. Улар орасида ўзига етгудек кажбаҳс одамлар бор эди. Икки ёки уч киши аллақайси неодекадансга ҳавас қўйиб, ғарбга тақлид қилиб, дудмол, ғалча шеърлар ёзиб юрарди. Уларнинг ҳаммасини тўғри йўлга солиш керак эди. Бусирин ўз кучидан умид қилмасди. Улар билан суҳбатлашиб, Бусирин бу суҳбатга улар бепарво қараётганини, улар учун ном чиқарган ёзувчигина инобатли бўлишини кўриб турарди. Лекин кичик газета ҳузуридаги тўғарак машғулотига бундай ёзувчини қандай жалб этиб бўлади?

Радиодан кеча эшитдирилган бу хабар... Бусирин шоферни қистар, ёзувчи учиб кетиб, кеч қолишдан чўчирди.

Ёзувчи учиб кетмаган эди. Унинг олдига бориш учун яна юриш керак эди. У кеча клубда студентлар билан ўтказилган кечадан сўнг чўлдаги колхозларга жўнаб кетган эди. Унга кеч кириб қолганда етиб олишди. Йўловчилар учун ажратилган уйда у билан бирга тунашга тўғри келди. Уй озода, иссиққина бўлиб, каттагина хонада тўртта темир каравот турарди. Бу қишлоқ меҳмонхонасининг бошлиғи аёл киши

экан, у ким келганини билиб, бу каравотлардан иккитасини қаёққадир олиб чиқишни буюрди, хонада кўкариб турган учта катта-катта фикус ёнига яна ҳам каттароқ тўртинчисини келтириб қўйди-да, оқсоқ майна солинган қафасни олиб келиб, қушчани гапга солиб ўтиринглар дегандек, ўзи доно, сўзамолгина қушча деди.

Ёзувчи термосдаги қайноқ сувга хитой кўк чойи дамлаб, Бусиринга чой қуйиб берар, редакциядаги ишлардан сўрарди.

— Бу ишларга қизиқишим бечиз эмас,— дерди ёзувчи,— менинг адабий ҳаётим ҳам тахминан ана шундай, сизникига ўхшаш, кичкина, балки бундан ҳам кичикроқ редакцияда бошланган. Бу бир минг тўққиз юз ўн саккизинчи йилда бир пастқам шаҳарчада бўлган эди. Газетани ҳар куни ҳар хил қоғозга босиб чиқарардик. Гоҳо ўров қоғозга, қанд ўраладиган кўк қоғозга ҳам, гул қоғозга ҳам босиб чиқарардик. Лекин иштиёқ билан ҳузур қилиб ишлардик.

Ёзувчи ўрта бўйли, ёш бўлмаса ҳам, бақувват эди. Мўйлови қисқа қилиб тарашланган, маънодор, ўткир кўзли одам эди. Кўзлари Платон Тимофеевич Ершовнинг кўзларини эслатарди. Унинг билан кишининг ҳадеб сўзлашавергиси келарди: кўнглингдагини билиб турарди.

— Мен сиз тарафга албатта бораман,— деди у Бусириннинг илтимосига жавобан.— Ёшлар билан, ҳаваскорлар билан учрашишни яхши кўраман. Улар билан баҳслашиш, гоҳо жанжаллашиш натижасида бу заминга аллақандай уруғлар тушади. Сўзлар беҳуда кетмайди.

Бусирин унга театрдаги ишларни, мақоласи учун анонимчилар уни ҳақорат қилганини сўзлаб берди.

— Баджаҳлроқ бўласиз,— деди маъноли жилмайиб ёзувчи.— Нуқул ҳар хил процентлар тўғрисида, бажарилган ва ортдириб бажарилган ишлар ҳақида инсоннинг, айтгандек, моддий ишлари устида ёзишнигина билиб, унинг қалбини унутиб ҳам юборгандирсиз. Бу доим хавфли нарса. Қалб масалаларини ташлаб қўйиб бўлмайди. Уларни доим ўткир тутмоқ керак. Улар учун асосий қайроқ тош — санъат билан адабиётдир. Инсон қалбига китоб, спектакль, рассомчилик асари кўрсатадиган таъсирни бошқа ҳеч бир восита ўтай олмайди. Бу қудратли воситалар ёрдамида қалбни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам буриш мумкин. Сиз билан бизнинг вазифамиз уни яхшилиқ сари буришдан ва ёмонлик сари бурулишлардан сақлашдан иборат. Бинобарин, бу воситалар ана шундай бўлмоғи керак.

Бусирин ёзувчи сўзининг маъносига тушунарди. Бутун ижоди билан, ҳатто энг дастлабки ғўр ҳикоялари ва қиссалари билан ёзувчи Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлари-

дан бошлабоқ капитализмнинг қора ва ёвуз иллатларидан озод бўлган янги инсон қалби учун курашиб келди.

— Айтинг-чи,— деди қизиқсиниб Бусирин.— Наҳотки сиз бу ерга студентлар таклиф этгани учунгина келган бўлсангиз?

— Ростини айтсам, шунинг учунгина келган эмасман. Мени ўнлаб шаҳарларга, юзлаб муассасаларга, институтларга, кутубхоналарга, заводларга, колхозларга таклиф қилишади. Мен ҳар қанча қилганим билан уларни сира айланиб чиқолмайман. Таклифларнинг ақалли ўндан бир қисмига розилик бермоқ учун ёзишни бутунлай йиғиштириб қўйиб, нуқул сафарда бўлиш керак бўлади. Ҳозир эса мен икки ишни уддалашга аҳд қилдим: студентлар олдида ҳам, колхозчилар олдида ҳам бўлмоқчиман. Ижодимда бирорта тиниш бўлиб, қийинчиликлар, ноаниқликлар, шубҳалар туғилганда мен одамлар ёнига, қаҳрамонларим яшаётган жойга боришим, йўлга чиқишим керак. Одамлар билан, халқ билан бўлиш — менинг ижодий саломатлигим масаласидир. Тушуняпсизми гапимга?

Бусирин айрим ёзувчиларнинг бузуқ фикрли асарлари эълон қилинган ва шов-шувга сабаб бўлган тўпламлар ҳақида, айрим повестлар ва ҳикоялар тўғрисида суриштирди.

— Э-э,— деди ёзувчи,— булар адабиётда қолмайди. Бу хашаки нарсаси. Ҳа, санъаткорни тарк этганда уни, одатда, ифода воситалари ҳам тарк этади. Ташвишланманг, биз бунни билиб оламиз. Эртами, кечми лекин билиб оламиз. Бу ҳикоя ёки повестларнинг авторлари уялиб қолишади. Жуда уялиб қолишади! Нега дейсизми? Шунинг учунки, халқ икки барабар, уч барабар куч-ғайрат сарфлаб коммунистик жамият қураётган, тинмай олға бораётган бир вақтда улар четга чиқиб турибди, четда турибгина қолмай, ҳатто оёқ остида ўралишиб, одимлашга халақит бермоқда. Сизга ростин айтсам, уларнинг иши афсусланарли. Халқ сира эътироф этмаса — бироз ваҳимали бўлса керак, а? Ёрдам бермай, халақит бераётган бўлса уларни ким ҳам эътироф этсин!

Бусирин ёзувчи билан чўлда икки кун юрди, учинчи кунни уни шаҳарга олиб келиб, редакциядаги ўз тўғарагига бошлаб борди. Сидқидилдан катта суҳбат бўлди. Ёзувчи ёш неодакадентларнинг назарий асосларини осонлик билан барбод қилди, бу назарий асосларга амал қилиб ёзган ғалча асарларини битта ҳам қўймай таҳлил қилди, бир ёш врачнинг ҳикоясини маъқуллади, кўп саволларга жавоб берди. Бу суҳбатдан сўнг ҳамма ўзини аллақандай енгил ҳис этди, кўп нарсалар равшан бўлди. Тўғарак аъзолари бундай учрашув учун Бусириндан миннатдор бўлдилар.

Ёзувчи эса шаҳарда яна бир неча кун меҳмон бўлди.

Окуневлар тўғрисидаги спектаклни бориб кўрди. Бир неча жиддий танқидий мулоҳазалар айтган бўлса ҳам, спектакль тўғрисида яхши фикр билдирди. Ёзувчи Гуляевдан «Окуневлар» Ершовларнинг таҳаллуси эканини эшитиб, Ершовлардан бири билан учрашиш истагини билдирди. Уни заводга бошлаб бориб, цехларда бошлаб юришди. Ёзувчи Дмитрий билан. Андрей билан сўзлашди. Платон Тимофеевичнинг уйида бўлди. У Дмитрийнинг кутубхонасини кўриб ҳайратда қолди. Ёзувчи Дмитрийнинг китобларини узоқ кўздан кечирди «Наҳотки сиз бунини ҳам ўқиган бўлсангиз?» деб сўрарди у, рус санъати тарихи бўйича ёзилган қалин асар саҳифаларини варақлар экан. «Ўқиганман» деб жавоб қилар эди Дмитрий. «Бунини ҳам ўқиганмисиз?» деб сўради ёзувчи қўлида Беранженинг қўшиқларини тутгани ҳолда. «Ўқиганман» деди жавобан Дмитрий. «Бунини-чи?» деди ёзувчи қўлида қалин «Рус достонлари»ни салмоқлар экан. «Бунини ҳам ўқиганман» деган жавоб бўлди.

Сўнгра, чой ичиб ўтиришганда ёзувчи бундай деди:

— Афсуски, ишчилар синфини самодержавиени қулатиш сари бошлаб борганлар ҳозирги ишчини кўрмайдилар. Масалан, Ильичнинг бизнинг кунларимизгача ҳаёт бўлмаганига афсус қиламан. Ҳамма нарса шунчалик ўзгариб, одамлар шу қадар ўсдики!.. Сизлар ҳам, дўстларим, шунчаки ишчиларгина бўлмай, ишчи-интеллигентларсиз!

Дмитрий шу сўзларни тинглай туриб, Леля тўғрисида ўйлади. Леля ҳам унинг ҳақида: «Ўйлаб кўрсам, сен ҳам, Дима интеллигентсан» деган эди. Дмитрийнинг кўнгли маъюс тортди. Ёзувчи яна алланарсалар тўғрисида сўзлар, Дмитрий эса унинг сўзларини эшитмасди.

25

— Йўқ, қўлимга ҳам олмайман, ўтинаман сиздан, менга кўрсатманг ҳам, уни,— деб қатъий бош тортди Горбачев.— Йўқ, йўқ, бўлмайди.

Ҳамшира уни тўрга ироқи тикишга кўндирмоқчи бўларди. У, чамбарак, ип, суратлар альбомини олиб келган эди. Ҳамшира бунинг жуда мароқли бўлишини, энг муҳими, фикрлардан чалғитишини, асабларни жуда тинчитишини айтарди.

— Москвада бир министр... Қасал бўлиши биланоқ чамбарак сўратган экан.

— Мен ҳам министр бўлай, ўшанда кўрамиз,— деб ҳазил қиларди Горбачев.

Горкомдаги бирорта иш ҳам касалхонада ётган Горбачевнинг қулоғига етиб келмасди. Келган одамлар у билан би-

рорта ҳам жиддий масала устида сўзлашмасди — бунга рухсат йўқ эди. Лекин у кўп ўқирди, буни манъ қилишга қанча уринсалар ҳам фойда бермасди. Китобларни кетма-кет ўқир, меҳнат, тўхтовсиз иш билан бўлиб ўз билимларини жуда бир ёқлама бойитганига, у жуда кўп ажойиб китобларни ўқий олмай қолганига кун сайин кўпроқ ишонч ҳосил қила берди. У, барча обуна нашрларига, барча танланган асарларга, уч томликлар ва икки томликларга обуна бўлганди; горкомдаги китоб киоскасининг сотувчиси унинг учун ҳамма янги китоблардан олиб қўярди; уйда юзлаб китоблар уюлиб ётарди: янги китоб олганда уни варақлаб кўрар, мундарижасига қарар, ўзича бу жуда қизиқ китоб, уни албатта ўқиш керак, дерди-ю, китобни тоқчага олиб қўяверарди. Шундай қилиб, узиб бўлмайдиган қарз йилдан-йилга ошиб борар эди.

Горбачев касалхона койкасида қимирламай ётиб, бу қарзни узишга киришди. У кўзларини жуда ҳам толиқтириб қўймасин деб, Анна Николаевна билан Капанинг келиб туришларига ва унга овоз чиқариб китоб ўқиб беришларига рухсат беришди.

У, Лениннинг асарларини берилиб ўқирди. У, ўқиб қўя қолмас, ҳар бир сатрни, ҳар бир сўзни чуқур ўйлаб кўрарди. У, ленинча оташин хулосаларни ҳозирги давр фактлари билан солиштирганда унга кўп нарсалар янгидан намоён бўларди. Горбачев, бугун ревизионизм деб атаётганлари Ленин томонидан аллақачон фош этиб ташланган оппортунизмнинг ўзгинаси эканини тушунди. Оппортунизм революцион ҳаракат учун доим қўрқинчли ва хавфли бўлиб келган. Оппортунизм буржуазияга хизмат қилади, чунки революцион гапонликни сақлаган, у билан ниқобланган ҳолда, марксизмнинг революцион моҳиятини ситиб чиқаришга интилади, халқлар, меҳнаткаш синфлар ва биринчи галда ишчилар синфи социализмга, революцион курашнинг буюк мақсадларига ишонмай қўйишга, умуман революциядан ва социализм учун курашишдан воз кечишга эришишга тиришади.

Горбачев касал бўлмасдан бир-икки ой олдинроқ чет эллик ревизионистларнинг Октябрь революцияси тарихий зарурат бўлмагани, тарихни зўрлаш бўлгани ҳақидаги, коммунистик партиялар, масалан, адабиёт ва санъатга раҳбарлик қилолмаслиги, адабиёт ва санъатга умуман раҳбарлик қилиб бўлмаслиги — улар ижодий жўшқинлик намоён бўладиган майдон бўлиб, санъаткорнинг тамомила эркин бўлишини талаб этиши ва ҳоказолар тўғрисидаги кўп мақолаларини ўқиб чиққан эди. Бу бемаъни мақолаларда пролетариат диктатураси ҳам шубҳа остига олинарди.

Бундай гапларни ўқиш ваҳшат эди, чунки Совет ҳокими-

яти ўттиз тўққиз йилдан буён яшаётган бўлиб, социализм мамлакатининг ғоят катта ютуқлари ўз-ўзидан Коммунистик партия раҳбарлигининг тўғрилигини кўрсатиб турар эди.

Чет элдан турли либослар остида кириб келган ва интеллигенция муҳитидаги аллақандай кишилардан нажот замини топган буржуа таъсирини етарли даражада зийраклик билан фарқ этмай хато қилганини, у энди аниқ тушуниб олмоқда эди: бу одамлар ажнабий бемаъни мақолаларни маъқуллардилар.

Тезроқ соғайиб, тезроқ ўриндан тура қолса эди. У шаҳар партия активини йиғиб, ёшлик ғайрати билан бир иш бошласин. У бир вақтлар Қизил Армия қисмларида ва завод митингларида жуда қизгин, алангали нутқлар сўзлаган эди... Революция давом этмоқда, Революционер бўлмоғинг керак, революцион ҳаракат қилмоғинг, яъни охиригача принципиал ҳаракат қилмоғинг, барча ҳаракатларингнинг ишчи-деҳқонлар иши учун фойдали ва зарур бўлишига эришмоғинг керак. Горбачев соғаядиган вақтгача қанча кун қолганини ҳисобларди. Ҳали кўп, жуда кўп кун бор эди.

Қитоб ўқиб бериш учун унинг олдига иш кунларида келган Анна Николаевна билан Капа: «Врачлар рухсат бермайди» деб, у билан сира сўзлашмасдилар. Горбачев уларни мазах қилар, қачондан бери бирдан бундай интизомли бўлиб қолганларини сўрарди. Лекин улар ҳазилга жавоб қайтаришмасди. Сўзлашиши учун якшанба кuni кечқурун соат бешдан олтигача — бир соат вақт ажратилган эди. Горбачев ўшанда уйдаги ишларни — (уйни жуда соғинган эди.) Капа билан Андрейнинг ишларини сўрарди. У. Капага: «Яқинми?» дерди. Капа унинг нимани сўраётганига тушуниб: «Яқин, дадажон. Жуда яқин» дерди. — «Қўрқяпсанми?» — «Қўрқмаётганга ўхшайман». Горбачев янги меҳмонни сабрсизлик билан кутарди. У, бу набирасининг ўғил бўлишини, албатта ўғил бўлишини истарди. Бир вақт келиб Горбачев истеъфога, пенсияга чиқади, ўшанда у шу дўмбоқ бола билан иккови бобо ва набира бирга боғларда сайр этишади. Бобоси истеъфога чиқадиган вақт бўлгунча набираси ҳам бола-чақали бўлиб қолади. Горбачевнинг коммунист ўртоқларидан ҳар бири йиқилиб қолмагунча уринаверади.

Касалхонага деярли ҳамма Ершовлар келишди. Дмитрий билан қизиқ суҳбат бўлди. Дмитрий ҳам Ленин асарларини зўр бериб ўқиётган экан.

— Гап шундаки, Иван Яковлевич, айрим кишилар Ленинни қинғир-қийшиқ талқин қилишадиган бўлиб қолди. Ҳатто журналларда ва газеталарда шундай нарсалар пайдо бўлдики, ўқиб кўриб, Ленин жуда мулойим одам — пашшага

ҳам озор бермайдиган, ёвузликка қаршилик қилмайдиган ва анархияга роса йўл қўйиб берадиган одам экан, деган хуло-сага келиш мумкин. Революцияга тааллуқли иш бўлганда Ильич темир одам эди, ахир. Тўғрими?

— Тўғри, Дмитрий Тимофеевич, жуда тўғри.

— Бу ишда унинг олдида шўхлик, тўполон қилиб бўлмайди. У сени деворга шундай парчинлаб қўядики, чурқ этолмай қоласан. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Барибир сенга қарши пичоғини қайраётганлар билан ҳазилкашлик қилиб нима қиламиз? Душман билан ҳазилкашлик қилсанг — ўз дўстларингни эсанкиратасан, холос. Ҳамма нарса равшан, пухта ва аниқ бўлмоғи керак.

— Тўғри,— деб қўшилди Горбачев.— Бизнинг улуғ масалчимиз Иван Андреевич Крилов айтганидек, дуға эгишни ҳам билмоқ керак.

— Биламан, мактабда ўқиган эдик,— деди Дмитрий ва ўша масални деярли хатосиз ёд ўқиб берди.

— Хотирангиз жуда яхши экан,— Дмитрий Тимофеевич.

— Нолимайман. Зарур нарсанинг ҳаммаси ёдимда.

Қиш бўлмағур келди, совуқ деярли бўлмасди, денгиз ёқдан туман босиб келарди, лойгарчилик, намгарчилик авжига чиққан, одамлар гриппга мубтало бўлиб, аксиришар, йўталишар ва баҳорни сабрсизлик билан кутишарди. Февраль ойининг булутли якшанба кунларидан бирида Горбачев Анна Николаевна билан Капани узоқ вақт кетказмай олиб ўтирди. Бўғимлари оғрир, юраги зирқирар, маънос тортган ва совқотган эди.

— Яна бироз ўтиринглар,— деб қистарди у.— Ўн минута. Ё беш минут. Уйга борарсизлар.— Горбачев уларга болалик чоғлари ҳақида, олма олиш учун девор ошгани ва боғ эгаси уни тутиб олиб, қичитқон билан савалаганини сўзлаб берарди.— Ўшандан буён бировнинг олмасига тегиб бўлмаслиги менинг ёдимда. Соғлом ахлоқни тарбиялаш учун қичитқон жуда яхши нарса.

Анна Николаевна ҳам, Капа ҳам унинг болалик чоғидаги бу саргузаштини кўп марта эшитган эди, албатта, лекин улар қичитқон воқиясидан чиндан ҳам астойдил кулдилар, Горбачевнинг яна бирпас ўтиришга қисташига қарамай улар жўнаб кетишди.

Ҳа, касал бўлиш — жуда бўлмағур нарса, дерди у. Ўрнидан туриб олса бўлгани, у ўзига тамоман бошқача яшаш тартибини белгилаб олади. Бунақа нарса асти такрорланмаслиги учун у соғлиғини чиниқтиради ва юрагини даволайди. Эрта билан зарядка қилади, кунига лоақал беш-олти километр пиёда юради, чўмилади, балиқ тутишга ва овга боради. Ҳаётда ажойиб нарсалар жуда кўп: ҳаммасини ке-

йинга қолдиравермай, улардан фойдаланиш керак. Бу «кейин» ҳеч вақт бўлмаслиги ҳам мумкин, ахир. Ўрнимдан туриб олсам бўлгани, бутун ҳаётимни бошқача қилиб тузаман, дерди у.

Унинг палатасига эшикни қия очиб ва: «Иван Яковлевич, уйғоқмисиз? Олдингизга кирсам майлими?» деганича қўшниси кирди. У илмий-текшириш институтининг директори, фан доктори, яқингинада иккинчи инфарктни кечирган, семиз, қувноқ бир одам эди. У бир неча кун илгари юра бошлаб, энди тинмай кезарди.

— Оёқларим энди оёққа ўхшаб келяпти,— деди у,— оғриқ камайди. Билсангиз, худди пичоқ билан кесгандек, ерга қадам босиб бўлмасди. Мушаклар жонсиз бўлиб қолган. Мушаклар эмас, тери халта эди. Горький: Одам деган сўз мағрур янграйди, деган. Мен бўлсам: соғлом одам, деган сўз мағрур янграйди деб қўшиб қўйган бўлардим. Қасал одам бўлсал.— У Горбачевнинг ўрни ёнидаги стулга ўтирар экан, қўлини силтади.— Қасал одам — ожиз бир махлуқ. Айниқса сиз билан менга ўхшаш инфаркт билан оғриганлар. Эмизукли болалардек энагага боқиммиз. Мен, биласизми, Иван Яковлевич, биринчи инфаркт билан ётганимда, ўрнимдан туриб олсам бўлгани, бутун ҳаётимни бошқача қилиб қураман, ўзимни чиниқтираман, гимнастика қиламан, пиёда юраман ва ҳоказолар, деб роса қасам ичган эдим. Наполеонча орзулар билсангиз. Ишга қайтиб бордим, яна ўша кундалик ишлар тегирмони чир айлана кетди. Дунёнинг ишини битказиб бўлар эканми? Ҳеч ким сени қистаётгани, савалаб ҳайдаётгани йўқ-ку, узангини узиб ўзинг югургилайсан.

Горбачев қўшнисининг айтган гаплари ўзи бундан бир минутгина илгари ўйлаб ётганларига батамом ўхшаганига ажабланарди. Қўшниси гапириб, гапириб, нари кетди, у ўтиролмас, мушакларини ёзишга шошиларди.

Қоронғу деразалар ортида шамол увуллар, ойналарни зириллатар ва тунука томларда гулдураб югурарди; сумалаклар томлардан йўлкаларга жаранглаб учиб тушарди. Денгиз гувилларди. Қоронғида ҳозир у ерда нима бўлаётганини Горбачев тасаввур этарди. Қирғоқ яқинидаги синган, майдаланган музлар совуқ тўлқинларнинг қистови билан қирғоққа сурилиб чиқмоқда эди.

— Барометр кўтариляпти,— деди кечаси ичиш учун дори келтирган ҳамшира.— Бундай об-ҳаво гипертония билан оғриганларни қийнайди. Ичинг Иван Яковлевич, шу билан сиз бугун бошқа дори ичмайсиз. Тинч ухланг, балки эртага қуёш чиқиб, ҳамма яйраб қолар. Довулдан сўнг ҳамма вақт офтоб чиқади. Хайрли кеч.

Бу оғир довуллик тунда уйқу келмасди. Ҳаётида соқир

бўлган барча кўнгилсизликлар яна қайтадан эсга туша бошлади. Крутиличнинг ёвуз ифлос аризаси ҳам эсига тушарди. Горбачев уни охиригача ҳам ўқиб чиқа олмади. Унда яна беш ёки олти саҳифача қолган бўлса керак. Ўша қолган саҳифаларда яна нималарни тўқиши мумкин бу даҳшатли одам, буни ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин. Бошқаларга озор етказиш — бундай одамларни қувонтиради. Уларни нима ҳам қилиб бўларди?..

Горбачев ўшанда Крутиличнинг хатида ўқиганларини бирма-бир эслай бошлади-ю, бирдан юрагида ўша сафар бўлганидек совуқ сиқикни ҳис этди; миясига қон югурди, қулоқлари шанғиллади. Тугмани босиб, ҳамшира ёки врачни чақирмоқчи бўлди-ю, тагин ўзини тутиб, балки, ҳеч гап йўқдир, шунчаки бир ҳаяжондир, деб ўйлади. Кейин бирдан унинг хаёлига, мана шундай қилиб, тунги дақиқалардан бирида, умрида ҳамма аччиқ-чучукни бирга тотган содиқ дўсти Аннушкани ҳам, Капитолинани ҳам, ўғилларини ҳам, умуман ҳеч кимни кўролмасдан ўлиб қолиш мумкин деган фикр келди... Эрталаб келишганда, у тамом бўлган бўлади.

Бу фикрга чидаб бўлмасди. Йўқ, у ўз жигарларини кўриши, дарҳол кўриши керак, бу тартибга сиғмаса ҳам майли. ҳамма тартибларни улоқтириб ташлайди, уларни кўришни истайди, уларнинг ўз ёнида бўлишини истайди, уларнинг қўлидан тутиб, ҳароратини ҳис этгиси келади.

Горбачев кўнғироқ тугмасини босди.

Энага келди, ундан кейин ҳамшира югуриб кирди, врач кўринди. Томир кўриш, юрак тепишини тинглаш бошланди. Укол қилинсамикан, деб кенгашишди. Дарҳол укол қилиш керак деган қарорга келишди.

— Сизлар менинг жигарларимни чақиринг! — деб қисталанг қилар эди Горбачев ҳаяжон ичида. — Менга сизнинг уколларингиз эмас, улар керак.

— Ҳаяжонланманг, Иван Яковлевич, ҳаяжонланманг, — деб юпатарди врач. — Балки, шошилмасак ҳам бўлар? Ҳозир кечаси, бу уларни чўчитиб юборади. Яна ўйлашиб, фикрлашиб кўрайлик. Балки, эрталабгача ҳам кўп вақт қолмагандир, нима дейсиз, Иван Яковлевич?

Кўз ўнгидаги ҳамма нарсани — одамларни ҳам, хона деворларини ҳам тўсган бир қайноқ туман мияни чулғаб олди: шипдаги электр лампочкагина оппоқ-ўтли кўз сингари худди юракка тикилиб турарди.

— Чироқни ўчиринг! — деди ҳарсиллаб Горбачев, бу қайноқ оқ игна нур юрагига санчилаётганини сезгани ҳолда. — Аннушка, Капитолина, болаларим!... Болагиналарим!..

Шаҳар кўчаларида шамол ўкирар, довул денгиз устида оғир тўплардан ўт очарди. Бир минг тўққиз юз ўн саккизин-



чи йилдан буён большевиклар партиясининг аъзоси Иван Горбачев ҳеч нарсани эшитмасди.

Бутун ер юзидаги одамлар битта камайди.

Лекин ўша даҳшатли тун охирида ерда янги одам туғилди. Қайғу ўз ишини қилган эди. Қапа фурсатидан икки ҳафта илгари туғди. Горбачев орзулаганидек, Қапа ўғил, яъни ўғил набира туғди.

26

Бу расмий равишда завкомнинг актив билан биргаликдаги кенгайтирилган кенгаши деб аталган бўлса ҳам, лекин клуб залига бир неча юз ишчи, инженер ва хизматчилар йиғилиб, катта умумзавад мажлисига айланган эди.

Завком раиси кенгашни оча туриб, кун тартибида одатдан ташқари бир масала, яъни заводда илгари сира кўрилмаган жанжалли чигал иш турганини айтди. Бу ишга икки томонлама қараш мумкин. Яъни биринчидан гўё кимдир пашшадан фил ясаб ишни кўпиртириб юбормоқчи-ю, кетидан арзимаган гап, икир-чикир нарса, одамлар ўртасида нималар бўлмайди, тиниб-тинчиб кетади ҳали, деб туриб, ҳамма гапни бости-бости қилиб юбормоқчи деб қараш ҳам мумкин. Иккинчидан эса, принципиал, большевистик нуқтаи назарда туриб, бу ишда бизга ёт бўлган, турмушимизга ҳалал берадиган, шафқатсиз равишда таги-туғи билан йўқ қилиниши керак бўлган буржуа ахлоқи, буржуа феъл-атворининг жирканч кўринишлари мавжуд эканлигини кўриш ҳам мумкин. Лекин, бу деди у давом этиб, ҳали фақат асосий нутқ сўзлашни шу иш юзасидан тафтиш олиб борган эътиборли комиссияга ҳавола қиламиз.

Комиссия раиси аллақачон пенсияга чиқиб кетиши керак бўлса ҳам, лекин бундан қатъиян бош тортиб юрган-гражданлар уруши қатнашчиси, ўзи будённичи бўлиб, ўтмишдан хотира сифатида оппоқ қалин мўйлов қўйиб юрган кекса мартенчи эди; у жило берилган ёғоч минбарга кўтарилди, йўталиб олди, стаканга графиндаги сувдан қўйиб бир қултим хўплади. Беғараз судья каби секин гап бошлади. У, комиссия узоқ вақт аниқроғи жуда ҳам узоқ вақт иш олиб борганини, лекин ўз фикрича, киши жиддий ишда шошма-шошар бўлса — эл олдида кулги бўлишини айтди. Текшира борганда секин-аста янгидан-янги тафсилотлар очилганлиги туфайли ҳам шошилишга ўрин йўқ эди, деди.

У, ишнинг моҳиятини ва унинг ривожланишидаги барча босқичларини батафсил баён қилди, ниҳоят:

— Булар умумлаштирилса, биз нимани кўрамиз?— деди, Биз бош инженер ўринбосари ўртоқ Орлеанцев, техника кабинетининг мудирини ўртоқ Крутилич, домна цехининг бош мастери ўртоқ Воробейнийларнинг принципсиз ҳамкорлигини кўрамиз...

— Бу нотўғри! — деган овоз қаторлар орасидан эшитилди.

Ҳамма ўша томонга қаради — ким қичқирганини билишолмади.

Завком раиси:

— Сизга сўз берилади, ўртоқ Орлеанцев. Сиз ҳамма гапингизни айтасиз. Сабр қилинг,— деди.

— Ҳақиқатни бир ёқлама бузиб кўрсатишнинг нима кераги бор! — деб яна қичқирди Орлеанцев.

Комиссия раиси қўли билан: халақит берманг, дегандек ишора қилди.

— Бу уч оғайни «ботирлар»га,— деб давом этди у,— заводнинг тўғри одамларини бадном қилиш нима учун керак бўлиб қолганига келсак, бу ўринда комиссиянинг вазифаси тугайди, лекин бадном қилиш факти муайян тураверади. Завод бошқармасида Крутиличнинг ҳужжатларини ҳеч ким кўрган эмас.

У турли қоғозлардан, протоколлардан парчалар ўқиб берар, бировни айблашдан ҳам кўра кўпроқ Орлеанцев билан Крутилич томонидан шаънига доғ туширилган инженер Козакова, директор Чибисов, домна цехининг собиқ бош мастери Платон Ершов, бош инженер ва бошқаларнинг бутунлай пок эканини исбот қилиб берарди.

Комиссиянинг ахбороти тамом бўлганда, бир минут жимлик чўкди. Кейин залнинг турли жойидан:

— Саволлар бор! — деб қичқиришди.

— Кимга?— деб сўради завком раиси.

— Орлеанцевга!

— Ихтирочи Крутиличга!

— Ундай бўлса, аввал уларнинг ўзига сўз берсакми-кан?— деб таклиф қилди завком раиси. Унга қўшилишди.— Ўртоқ Орлеанцев,— деди у.— сиз луқма ташлаётган эдингиз. Сўзга чиқиб, тушунтиришни истайсизми?

Орлеанцев ўрнидан турди, минбар томон бориб, унга кўтарилди, ҳеч кимга қарамай, залга ҳорғин назар ташлади.

— Бу тушунтириш эмас, албатта,— деб гап бошлади.— Мен судда эмасман, тушунтириб берадиган нарсам ҳам йўқ. Мен ноинсоф текширувчиларнинг бўҳтонларини қатъиян рад этаман. Ҳа, ҳа, комиссияда ноинсоф одамлар ҳам бор эди. Уларнинг таъсирига берилгани тўғри, лекин жуда соддадил ўртоқлар ҳам бор эди. Бу ишлар бутунлай бошқача бўлган.

Ҳеч қандай принцип деган нарсa, ҳамкорлик бўлган эмас. Бундай дейиш уят. Крутилич менинг қариндошим ҳам, ошнам ҳам эмас. Мен уни ижодкор, изловчи ихтирочи сифатида бизнинг умумдавлат манфаатларимизни кўзлаб ҳимоя қилган эдим, холос. Воробейнийга келсак, уни гапирмаса ҳам бўлади; мен уни деярли танимайман.

— Унинг Гитлерга хизмат қилганини ҳам билмайсанми?— деб қичқиришди залдагилар.

Раислик қилувчи қалам билан графинга уриб қўйди. Орлеанцев луқмани гўё эшитмагандек, давом этди:

— Крутиличнинг жуда муҳим техникавий тақомиллаштириш тўғрисидаги ҳужжатларини чанг босиб ётган архив папкасидан топиб олиб, ўз-ўзидан маълум, мен жуда аччиғланиб кетдим ва коммунист сифатида бу бемазагарчиликни бизнинг партия раҳбарлигимизга хабар қилмай туролмадим. Хўш, нотўғри иш қилибманми? Бу ҳужжатлар ўша папкага қандай қилиб тушиб қолганини билмайман. Бу менинг ишим эмас. Менинг учун уларнинг ўша папкада қолиб унутиб юборилгани муҳимдир. Мен ҳамма вақт техника прогресси учун, партиямизнинг сиёсати учун курашиб келганман. Бундан буён ҳам шу ишга содиқ бўлиб қоламан. Мени бу йўлдан ҳеч ким тойдиrolмайди.

Орлеанцев бошини ғурур билан кўтариб, минбардан тушиб кетди.

— Ўртоқ Крутилич! Сўз сизга берилади.

Крутилич гапирадиган гапи йўқлигини айтди. Минбарга чиқиб, бироз турди, қўлларини ёзди.

— Мен ихтирочиман. Менинг ишим иғволар устида эмас, техника проблемалари устида ўйлашдир. Мени қандай деб билсаларингиз, ўзингиз биласиз. Доим Ватан учун тиришганман. Яна тиришаман.

— Айтинг-чи,— деб сўради завком аъзоларидан бири.— Ушакованинг тилхати қандай қилиб қўлингизга тушиб қолди? Сиз унга ҳужжатларни ўзингиз келтириб берганмидингиз, ёки биров орқали юборганмидингиз? Бу тилхатнинг ёзилганини, кечроқ ёзилмай, худди январда ёзилганини шахсан ўзингиз кўрганмисиз?

— Нега сиз бундай деб сўраяпсиз?— деб тараддудланди Крутилич.— Балки, сиз мендан бирор шубҳа қилаётгандирсиз.

— Йўқ, мен ҳеч кимдан ҳеч шубҳаланаётганим йўқ, Шунчаки қизиқяпман. Бу тилхатни Ушакова шахсан сизга топширганми ёки бирор бошқа одамга топширганми?

Крутилич қандай жавоб қилишни билмади, чунки бу масалада Орлеанцев партия комитетида нималар деганидан беҳабар эди.

— Ҳа,— деди у, лекин буни «йўқ» дегандек оҳангдз айтди.

— Қандай— ҳа? Сизгами ёки бирор бошқа одамгами?

— Эсимда бор. Агар янглишмасам менга берган эди.

— Қачон? Тилхатда кўрсатилганидек, январдами? Ёки ҳар ҳолда кейинроқми?

— Вақтини аниқ айтолмайман. Менга бўҳтон қилишларини билмаган эдим. Ҳамма числоларни ёдлаган эмасман.

— Таҳминан, ҳўш таҳминан. Қишдами ёки ёзда?

— Қишда бўлса керак.

Кўп саволлар тушди, минбарга гоҳ Орлеанцевни, гоҳ Крутилични, гоҳ Воробейнийни чақиришарди. Завком аъзолари ўз фикрларини чиқиб сўзлашарди. Лекин иш юришмасди. Орлеанцев, Крутилич, Воробейний ҳамма нарсани инкор қилар, уларнинг айбини кўрсатадиган далиллар йўқ эди. Кеч соат ўндан ошиб қолганда завком раиси кенгашни эртага давом этдиришни таклиф қилди. Бу таклиф қабул қилинди.

Чибисов уй олдида ўзини кутиб турган машинага ўтириб, уйига эмас, Зоя Петровнаникига жўнади. Зоя Петровна ўрнидан турган бўлиб, врачлар унга хонада юришга, гоҳо кўчага ҳам чиқишга рухсат берган эди, лекин касаллик ҳамон сезилиб турарди: ҳадеб боши айланар ва энсасида чидаб бўлмайдиган оғриқ турарди. Чибисовни кўриб, Зоя Петровна эсанкираб қолди.

— Кечиринг,— деди Чибисов.— Мен сиз билан жуда муҳим бир нарса устида сўзлашмоқчиман. Сиз мендан хафа бўлишингиз, мендан нафратланишингиз ёки ҳазар қилишингиз мумкин. Лекин сиз билан келишмовчилигимиз ва жанжалларимиздан ҳам муҳимроқ бир нарса бор. Сиз билан бирор жойда юзма-юз гаплашиб олсак бўладими?

Зоя Петровнанинг уйида юзма-юз гаплашадиган жой йўқ экан. Тўғри, Гуляев уйига кетмоқчи бўлганини айтди. Лекин онаси билан қизи ҳам бор-ку, шу бемаҳалда уларни кўчага ҳайдаб қўйиб бўлмайди.

— Марҳамат қилиб, кийининг,— деди Чибисов,— машинага ўтирамин.

Улар машинада ўтиришар: шофер эса папирос чекар ва суҳбат тамом бўлишини кутиб, атрофда юрарди.

— Бу тилхатни ўз ихтиёрингиз билан ёзганмисиз? Сизни ҳеч ким мажбур қилмаганми? Ҳеч нарса билан қўрқитмаганми? Менга ростини айтинг.

— У қўрқитиши мумкин деб ўйласангиз, сиз унинг ҳақида нотўғри фикрда экансиз, Антон Егорович. Мен тилхатни бутунлай ўз ихтиёрим билан ёзганман, қогозлар менга топ-

ширилгандан кейин бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Зоя Петровна «у» деб, Крутилични назарда тутганига Чибисов шубҳаланмасди ҳам.

— Ундай бўлса коммунист сифатида... сиз партия аъзолигига кандидатсиз, Зоя Петровна... тилхат кейин эмас, худди январда ёзилганми? Менга рост айтинг,— деб қистади Чибисов.

— Антон Егорович!— Мана энди буниси мажбур этиш ва тазиқ қилиш бўляпти. Бу яхши эмас.

— Яхши эмасми? Аблахларни яшириш яхшими? Бу, сизнингча, яхшими? Бу аблахлардан бирининг бўхтон қилиб, энг ҳалол, кекса коммунист Горбачевни ўлдирганлиги, сизнингча, яхшими? Улар инженер Қозаковага бир неча ойдан буён бўхтон тақишаётгани, бош мастер Ершовни ишдан суриб ташлашгани, мени ҳам одам қаторидан чиқариб қўйишгани сизнингча, яхшими? Сиз мен билан ишлагансиз-ку, биласиз, кўргансиз-ку, мен разил, қабих, жиноятчи одамманми?..— Чибисов сўзлаётган бўлса ҳам, лекин у ғазабдан қалтираётганини, ич-ичидан куйиб кетаётганини, асаблари ғоят қўзиганини Зоя Петровна сезиб турарди.

— Оғир бўлинг,— деди у.— Сизга нима бўлди Антон Егорович!

— Ахир сиз аблахлар ҳалол одамлар устидан ғолиб келаётганига бепарво қараяпсиз, андишалик аёл бўламан деб, андишасизлик қияпсиз-ку, тилхат воқеаси ноинсофлик билан қилинган нопок иш эканлигини биламан, бунга имоним комил. Бунга айбдор ҳам сиз эмассиз. Сизга нима ҳам деб бўларди, аёл одамсиз.

Чибисов, шундай қилиб, Зоя Петровнадан ҳеч нарса би-ла олмади. Дарғазаб бўлиб жўнаб кетди. Зоя Петровна уйга қайтиб келди, ўрнига муккасидан тушиб ётди. У, жуда оғир, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатда бўлганидан Гуляевни ҳам кеткизмади. Гуляев ҳам уни бундай аҳволда қолдириб кетмоқчи эмасди. Қийноқда қолган Зоя Петровна ўз елкасидаги Орлеанцев ортган даҳшатли юкни ёлғиз ўзи кўтара олмас эди. У, Гуляевга Чибисов нима учун келганини айтди, бутун тилхат воқеасини сўзлаб берди.

— Нима қилай, нима қилсам экан, Александр Львович, нима? Сиз яхши одамсиз, мен сизга ўзимдан кўра ҳам кўпроқ ишонаман, нима қилай, нимага журъат этай?

— Зоя Петровна,— деди Гуляев.— Сиз менга чиндан ҳам ишонсангиз, менинг гапларимга эътибор билан қулоқ солинг. Сиз билан Орлеанцев ўртасида ўтган ҳодисани бунчалик ғир сақлашингиз шубҳасиз, ғоят олижанобликдир. Агар сиз шундай қилиб бир ифлс ишда яхши одамлар жабрла-

надиган фирибгарликларга шерик бўлмасангиз эди, унда бу олижаноблик бўларди, албатта. Бу ўринда сиз ўз янглиш позициянгиздан воз кечишингиз керак, шундай қилишга мажбурсиз. Ёки... тўғри, мен партиясизман, балки, бу ҳақда гапира олмасман, лекин менимча, шундай... ё сиз ариза бериб партиядан чиқишингиз ва шундан кейингина Орлеанцевнинг разилликларига ўз билганингизча шерик бўлишингиз керак. Лекин партиядо туриб, амалда партияга қарши позицияда бўлиш, менимча, сира тўғри эмас, Зоя Петровна.

Завком кенгаши яна ўз ишини бошлаган эртаси кунни залга кечагидан ҳам кўра кўпроқ одам йиғилган бўлиб, шу жумладан Зоя Петровна билан Гуляев ҳам шу ерда эдилар. Гуляев Зоя Петровнани қулайроқ жойга ўтказиб, унинг ҳолдан огоҳ бўлиб ўтирарди.

Яна саволлар ёғилди, тағин тортишув бошланди. Орлеанцев, Крутилич, Воробейний ўзларини оқлашга уринишар, революцион сўзларни айтишар, халқни севишлари, унга содиқ эканликлари тўғрисида қасамёд қилишарди. Уларни сира нозик жойидан тутиб бўлмасди.

— Чиқинг, Зоенька, чиқинг,— деди Гуляев.— Сиз бўлмасангиз, иш жойидан силжймайди.

Зоя Петровна ўрнидан туриб, залдан ўтиб бораётганда қаторлардан гуриллаган садо кўтарилди. Кейин ҳамма сув қуйгандек жим бўлиб қолди; пашша учса ҳам эшитиладиган жимлик чўкди.

— Менга айтишдики,— деди Зоя Петровна жуда паст овоз билан, лекин шундай бўлса ҳам сукунатда унинг гапини эшитишди,— менга айтишдики,— деб такрорлади у,— кеча ўртоқ Крутилич гўё мен бу тилхатни шахсан унга, унинг қўлига берганмишман, гўё мен ундан қоғозлар олганман... булар гўё январь ойида бўлганмиш. Ўртоқлар мен жуда, жуда ёмон иш қилиб қўйганга ўхшайман. Мен шундоқ ҳам қаттиқ жазоланган бўлсам-да, бунинг учун яна ҳар қандай жазо олишга тайёрман. Лекин барибир, мени ғоят шафқатсизлик билан суд қилингиз, мен расвои жаҳон иш қилиб қўйдим. Мен тилхатни Крутиличга берган эмасман.

— Унинг гапини эшитиб ўтирасизларми?— деб бақирди Орлеанцев. У жуда ҳаста. Иситмаси бор.

— Халақит берманг!— деб қичқиришди унга.— Биз гапингизни эшитдик.

— Иситмам йўқ,— деди Зоя Петровна.— Тўғри, саломат эмасман, лекин иситмам йўқ. Мен тилхатни, яна айтаман, Крутиличга эмас, ўртоқ Орлеанцевга берганман. Шунингдек, январда ҳам эмас, аллақайси бир куз ойида берганман. Крутиличнинг қоғозларини бўлса, умуман ҳеч қачон кўрган

эмасман. Мен бу ҳақда Антон Егоровичга ёлгон гапирган эдим ва шу ёлгонга ёпишиб олиб нодонлик қилдим.

Зоя Петровна бошини қуйи солиб турарди, шу фурсатда Орлеанцев минбар ёнига келди, Зоя Петровнани четга суриб, сўзга кирди:

— Биласизми, ўртоқлар, касал одамларни ўрнидан турғизиб, уларни гувоҳлар тариқасида бошлаб келиш шафқатсизликкина эмас, бу бошқа жиддийроқ нарсага ҳам бориб етади. Чибисов Зоя Петровнани заводдан ҳайдади, уни қоранонга зор қилди, энди бўлса,... ўзингиз кўриб турибсизки. бундай аҳволдан фойдаланиб, унинг иродасини ўз хоҳишига бўйсундирмоқда.

— Ўртоқ Орлеанцев! Жойингизга ўтиринг! — деди завком раиси, графинни жингиллатиб. — Сиз ўртоқ Ушаковнинг гапларини шубҳа остида қолдириш учун чиндан ҳам номуносиб усулни қўллаяпсиз. Унинг даъволари криминалистик текширув материалларига тамомила тўғри келади. У, экспертиза тилхат январда эмас, балки ҳозиргина Зоя Петровна маълум қилганидек, чиндан ҳам кузда пайдо бўлганини, Крутиличнинг ҳужжатлари ҳам Орлеанцев билан Крутилич ишонтирмоқчи бўлган вақтдан анча кейин юзага келганини аниқлаган ҳужжатни ўқий бошлади. — Ана шундай, ўртоқ Крутилич, — деди раис, Крутилични излаб. — Кеча дуруст эслай олмаганлигингиз бечиз эмас эди. Бўлмаган нарсани эслаш қийин, сизники тўғри.

Криминалистик текширувни эшитгач, кўпни кўрган Крутилич иш суд, жинойт қонунига яқин йўлга кириб кетаётганини фаҳмлаб, минбарга қараб югурди.

— Ўртоқлар! — деб қичқирди у. — Мен бор ҳақиқат гапни айтиб бераман. Мен камтар: ҳалол ихтирочиман. Менга ўз Ватанимнинг бахт-саодати йўлида ишлашдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бу одам эса, Орлеанцев, мени ярамас ишга тортди. Ўз хомаки ишларимни кўтариб олиб, уларни тайёр деб юришга мени ўша одам мажбур қилди. Ушаковага алоҳида таъсири борлигидан фойдаланиб, менга ундан қалбаки тилхат келтириб берган ҳам ўша одам. Тилхатни партия комитетига олиб боришга мени мажбур қилган ҳам ўша. Мен бўлсам, соддалигимдан бу ишларнинг ҳаммасига жиддий аҳамият бермаган эдим. Унга эса бу амалга миниш учун керак эди. У амалпараст. Мендан сўрайверинглар, ҳамма саволларга ҳалоллик билан жавоб бераман.

— Нима ихтиро қилгансиз? Ихтироларингиздан қайси бирлари турмушга жорий қилинган? — деб сўрашди залдагилар.

— Кўп нарса ихтиро қилганман. Лекин амалга ошмаган... Ҳозирча амалга ошгани йўқ!

— Нера?

— Негами?..— деб такрорлади Крутилич ва бирдан айниб, бақира кетди.— Мени қувғин қилишганидан! Чунки тўралар, бюрократлар, бўғмачилар, монополистлар... Ҳаммалари сенинг ғоянгни ўғирлаб олишга тайёр. Еки ўғирламаганда ҳам — бунга талантилари етишмайди — кўмиб ташлашга тайёр!— у ўзини тамомила тутолмай қолди, фақат бекорчи гапларни айтаётганини сезгани ҳолда, тинмай гапираверди.

Ҳамма бундай ярамас одам завод ихтирочилари ва рационализаторлари ишининг ташкилотчиси лавозимига қандай йўллар билан келиб қолганини ўйлаб, ажабланиб, ҳайратда қолиб ўтирар эди.

Ундан сўнг дарҳол Орлеанцев яна сўз олди:

— Крутиличнинг қандай одам эканлигини менга танитган унинг ҳозирги гапи бўлмаганда мен уни, эҳтимол, яна ҳимоя қилаверган ва унга нисбатан муносабатимда хато қилаверган бўлардим. Унинг гапларидан антисовет бадбўй ҳид анқиб кетди.

— Ўзингиз антисовет нусхасиз! — деб бақирди Крутилич.— Сиз менга нималар деган эдингиз? Сиз деган эдингизки...

— Сиз-чи, менга сиз нималар деган эдингиз?— деб қичқирди Орлеанцев минбардан.— Кўряпсизларми, ўртоқлар, мен ҳимоя қилган, ихтиролари учун курашиб, ўзимга душман орттирган одамни!

— Икковингиз ҳам қолишмайсиз! — деб қичқиришди залдан.

— Бирини олиб бирига урадиган!

Крутилич яна минбарга чиқди.

— Амалпараст амалпарастлигича қолаверади!— деб қичқирди у.— Орлеанцев ўзининг куя еган шер терисини омон сақлаб, ҳаммани ғарқ қиляпти. Анτισовет кайфиятлар эмиш! Сизнинг кайфиятингиз қанақа, гражданин Орлеанцев? Ахлоқ жиҳатдан қандай одамсиз ўзингиз? Қўлимда айрим ҳужжатлар бор, ўртоқлар. Мана унинг хотинидан келган икки хат...— у чўнтақларидан конвертларни ола бошлади.— Мана, Орлеанцевдан фарзанд кўрган ва фарзанди тарбияси учун ундан бир чақа ҳам ололмаётган Газюня деган аёлнинг хати. Мана, Зоя Петровнанинг бу ифлос одамга ёзган хати...

— Бас! — деб қичқирди завком аъзоларидан бири.— Тўхтатинг!

Зоя Петровна Крутилич унинг хати тўғрисида гапирганда қизариб кетганини Гуляев кўриб турарди. Ҳа, Зоя Петровна бир маҳал шундай бир хат ёзган ва Орлеанцевдан уникига энди келмасликни сўраган, чунки ўзи Орлеанцевнинг севгисини сезмаётганини, муҳаббатсиз эса, бундай ёқим-

сиз муносабатнинг ортиқча эканлигини кўрсатган эди. Лекин Зоя Петровна у хатни юбормаган, у ўзининг секретарлик қозғоғлари орасида қолиб кетган эди.

— Ўғирлаб олган! Биласизми, ўғирлаган,— деди Гуляевга шошиб қолган Зоя Петровна.— Машинада ёзиш учун келиб юрарди, ўшанда менинг ландавурлигимдан фойдаланиб...

Гуляев ўрнидан туриб, минбар томон борди. У ерда: «Бас!», «Шармандалик», «Уни ҳайдаб юборинглар!» деган ҳайқириқлар остида Крутилич ҳамон турар эди. Гуляев яқин бориб, ўзининг йўғон, ваҳимали овози билан:

— Дарҳол Зоя Петровнанинг хатини беринг,— деди.— Бўлинг тезроқ!

Крутилич унга конвертни берди. Залдагилар қарсак чалиб юборди. Гуляев жойига бориб ўтирди. Зоя Петровна дарҳол хатни олиб, уни майда-майда қилиб йирта бошлади.

Ҳамма нарса равшан бўлган эди. Орлеанцевга ҳам, Крутиличга ҳам бошқа сўз беришмади. Сўзга чиққан ишчилар, инженерлар заводда шундай бемазагарчиликлар бўла туриб, завод раҳбарлари буларнинг ҳаммасига тоқат қилиб келганидан, ўз вақтида чоралар кўрмаганидан ранжиб гапирдилар, Крутиличнинг ҳам, Орлеанцевнинг ҳам раҳбарликка арзигудек одамлар эмаслиги, раҳбарлик қилишдан кўра улар қайта тарбияланиш учун бир неча йил станокларда ишлашлари кераклигини айтишди.

Илгари йиғилишларда деярли ҳеч маҳал гапирмай юрган Дмитрий Ершов ҳам чиқиб сўзлади.

— Ўртоқлар — деди у.— Гирибонларидан олинганда бу одамлар қандай тўлганиб, қандай ўлиб бўлганини ҳаммамиз кўрдик. Қойилман сафдошлар-э! Ўз жонлари ачиши биланоқ, бир-бирларини арзон гаров пуллай бошладилар. Крутилич албатта тубан бир махлуқ. Зарарли, заҳарли бўлса ҳам, лекин тубан. Тубан бўлса ҳам унинг дастидан одамлар ҳалок бўляпти. Гражданин Орлеанцев-чи, бу йирикроқ, бу чапдаст. Уларга пролетариат диктатураси эмас, кучли шахслар диктатураси мақбул бўлади! Бу ерда Крутилич уларнинг ўзаро суҳбатларидан нималарни вайсаб ошкор қилганини эшитдингиз: инженер ва техниклар асри эмиш! Ишчи ва деҳқонлар асри эмасу, инженер ва техниклар асри эмиш, гўё бизнинг инженер ва техникларимиз кечагина ишчи ва деҳқонлар бўлмагандек. Сизнинг чиркин назарияларингиз ўтмайди, ўртоқ Орлеанцев. Сизни букиб ташлаймиз. Рост айтаман — букиб ташлаймиз!

Залда гурра қарсакбозлик кўтарилди.

— Ишчилар синфини ўз тақимига бостириб оладиган куч дунёда бўлган эмас, йўқ ва бўлмайди ҳам,— деб давом эт-

ди Дмитрий.— Биз ишчи одамлар, тигиз саф тортиб, туриб-миз, агар биз билан бирга бўлишни истасангиз, сафимизга туринг, сотмаймиз, қадрлаймиз, ташлаб кетмаймиз, деб чорлаймиз. Бизнинг ишимиз ҳалол, иш кўп қон эвазига келган иш. Сизлар бўлсангиз совет интеллигенциясига доғ туши-расизлар, холос. Сизларга, сизга ўхшаганларга қараб, гоҳо бутун интеллигенцияга баҳо беришади. Иқрор бўлишдан чўчимайман, мен ҳам шундай гуноҳ қилгандим. Энди эсим кирди, гап нимада эканини билиб олдим. Сизлар интелли-генция эмас, шунчайин бир... унинг ёнидаги умбирвоқилар. Совет интеллигенцияси — бунақа эмас. Сизлар у билан бир-га эмас, унга қарши боряпсизлар. Сизлар мана инженер Ко-заковани ёки яна мана бу директоримиз ўртоқ Чибисовни ерга қозиқ қилиб қоқиб юбормоқчи эдингиз... Бунинг учун, айтгандек, ҳар қандай воситаларни ишга солдингиз. Балки, бирор бошқа — коллектив бўшроқ бўлган жойда уларни қозиқ қилиб қоқиб юборган ҳам бўлардингиз. Лекин бизда бундай қилишингизга ким йўл қўйиб берарди?

Дмитрий минбардан ранги ўчган, ҳаяжонланган ҳолда тушиб кетди. У халойиқ олдида умрида биринчи марта бундай катта нутқ сўзлаши эди.

Орлеанцев маълумот учун сўз сўради:

— Ўртоқлар,— деди у.— Бу ерда анча ортиқча гаплар айтилди. Айрим нотиклар мени антисовет унсурлар сафига қўшиб қўя бошладилар. Афтидан, менинг хатоларим бўлса керак, албатта. Лекин, мен уларни бирдан, дарҳол тушуниб ололмайман. Бунинг учун фурсат керак. Хатоларни бор ҳам деяйлик. Лекин антисовет шахс дейиш ярамайди. Мен буни улоқтириб ташлайман. Мен пионер бўлганман, комсомол бўлганман... Мен Ватан уруши фронтларида ўз қонимни тўкканман...

Шунда заводнинг собиқ вахтери — кекса пенсионер Си-дорин ҳам маълумот учун сўз олди.

— Улар доим мана шундай: пионер, комсомол, деб ну-қул ўз ёшликларини пеш қилади,—деди чол.—Биз бўлсак, раҳмдил одамлармиз: гўё олдимизда чиндан ҳам ақли тўл-маган болалар тургандек, эриб кетамиз.

— Эриб кетмаймиз, бобо, эриб кетмаймиз!—деб қичқир-ди залдагилар.

Қарор қабул қилинди. Унда Орлеанцев, Крутилич ва Во-робейнийнинг виждонсизлик билан қилган хатти-ҳаракатла-рини қораладилар, маъмуриятдан бу одамларнинг раҳбар-лик ўринларида қолиш-қолмаслигини ўйлаб кўришни сўра-дилар. Орлеанцевнинг партиялилиги масаласини муҳокама қилишни, шунингдек партия аъзолигига кандидат қалбаки тилхат берган Ушакованинг катта хатога йўл қўйганига

эътибор беришни сўраб партия комитетига мурожаат қилдилар.

Одамлар тарқала бошлади. Степан Ершов Воробейнийнинг ёнига келди.

— Сиз мени танимаяпсизми?— деб сўради Степан — менинг қиёфамдан таниш белгилар эсингизга тушмаяптими?

— Негадир тушмаяпти,— деди Воробейний, унинг юзига тикилиб қарагани ҳолда.

— Бирор жойга кирайлиқ,— деди Степан.— Сизда гапим бор, кичкинагина, қисқагина.

— Марҳамат.

Клуб ашёлари уюб ташланган бир бўш хонага киришди. Степан эшикни зичлаб ёпди.

— Гражданин Воробейний,— деди у.— Мен домна печлари портлатилгандан сўнг машинани ҳайдаб кетиши керак бўлган ўша шофер бўламан. Лекин сиз ёндирувчи шамларни чиқариб олиб, немисларга хизмат қилиш учун қолган эдингиз. Марҳум мастер Василенко билан биз жўнаб кетган эдик. Энди танидингизми?

Воробейний эсанкираган ҳолда кўзларини пирпиратиб сўз тополмай турар эди.

— Менинг сиздан нима сўрашимни билгингиз келса керак, албатта?— деб сўради Степан, секин-секин унга яқин бориб.— Мен сиздан. Сиз фақат...

Степан қўлларини чўнтагига солиб ҳамон яқинлашиб борарди. У қўлларини чиқарса ёмон бўлишини биларди. Степан ҳаётда букилганлиги, синганлиги туфайли йиғилиб қолган бутун аламини, шундай қилган одамларга нафратини тўкиб, зарб билан урадиган эди. Унинг кўз ўнгидеда ожиз, зараркунанда Воробейний эмас, бутунлай бошқа одам турарди. Степан ўзи учун, Олечка Величкина учун, Дмитрий учун, отаси ва онаси учун, Игнат учун — барча кўргиликлар, барча азоб-уқубатлар учун ундан аламини олаётган эди.

Воробейний бўйнини қисган ҳолда тисарила бориб пошнаси билан алланарсага қоқилиб кетди ва чанг босиб тўда бўлиб ётган клуб ашёларига чалқанча тушди.

Степан ўгирилмай ва унинг койинишларига қулоқ солмай чиқиб кетди.

Қарийб бир йилча ишламаган бош мастер Платон Тимофеевич бугун яна ўз домна цехи сари кетиб бормоқда эди. Бардам, мустаҳкам одим ташлар, тиззалари қирсилламас, яқингинадаги дармонсизликдан асар ҳам қолмаган эди.

У, цехда биринчи бўлиб Искрани учратди. Искра севинганидан қоқилиб, желобга йиқилиб тушишига сал қолди. Платон Тимофеевич уни тутиб қолди. Платон Тимофеевич ишчилар билан кўришар. Печни кўздан кечирар, мураккаб домна хўжалигини текширар экан, Искра унга эргашиб юрди.

— Ҳеч нарса қилишмабди-да. Бечора ходимлар!—деди Платон Тимофеевич.—Сиз билан Искра Васильевна, қанча нарсаларни планлаштирган эдик.

— Нега ҳеч нарса қилишмабди дейсиз! Баъзи ишларни қилишди,—деди Искра. Ҳамма печларга янги электропуш-калар қўйилди. Пирометрия хонада янги асбоблар бор. Шар-лик тегирмонлар келтирилди...

— Майли энди ишга чинакамига киришамиз. Цехни Совет Иттифоқи бўйича илғор цехлар қаторига олиб чиқамиз. Ишсиз ўтириш қанчалик машаққат эканини сиз, Искра Васильевна, тушуна олмайсиз ҳам. Соғлом, бақувват бўла туриб ўз ихтиёри билан пенсияга чиқиб кетадиганларга ажабланаман. Кекса бобога айланиб қолаётганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан киши.

Улар ёнига ишчилар келиб, чекишди, пенсионерлар ва истеъфога чиққанлар тўғрисида латифалар айтишди—уларнинг ҳаётини ҳавас қилишмади. Искра қулоқ солар, кўнгли маъюс тортарди. Оғир, ўт ичида меҳнат қиладиган кишилар эртадан-кечгача ҳеч бир нарса қилмайдиган ёки куни бўйи сув бўйида қармоқ солиб ўтирадиган, жўяк чопиб, сабзавот ёки гул етиштирадиган, тўйиб-тўйиб ухлайдиган ва истаганларича ўқишлари мумкин бўлган одамларга раҳмилари келарди.

— Бу ерда олти кун айланишиб юрганингдан кейин, етинчи куни кўприк ёнида қармоқларни тортиб қўйиб, ўтирсанг — чакки бўлмайди. Лекин кунлар кетма-кет келиб тургандан кейин тортиб кўр-чи уларни. Бундай умрни кўргилик қилмасин!

Наҳотки мени ҳам шундай умр кутаётган бўлса, деб ўйларди куюниб Искра, Виталий кеча жўнаб кетиш тўғрисидаги гапни яна бошлади. Искра ўзининг плагиатчиликда айбланиш воқеаси тугаши биланоқ жўнаб кетишга сўз берган экан, энди бу ерда уларни ҳеч бир нарса тутиб турмаслигини билдирди: воқеа яхшилиқ билан тугади, бундай яхшилиқ билан тугамайдиган навбатдагисини кутиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, отланиш лозим, деди.

Қандай бемаънилик! Энди жўнаб кетиш керак эмас. Платон Тимофеевич қайтиб келди, Воробейнийни аллақайси бошқа цехга мастер ёрдамчиси қилиб юборишпти, мана энди яна аввалгидек бор куч билан, шод хуррам ишлаш

мумкин. Улар Платон Тимофеевич билан биргаликда цехни реконструкция қилишга киришадилар, ҳозир домна ишида жуда кўп янгиликлар бор; тажриба олиш учун бирор ёққа—Магнитогорск ёки Кузнецкга бориб келишар. Ахир, у ўзидан Виталий талаб қиладиган ўша маза-матрасиз боршчни ёмон пиширади-ку. У мазаси йўқ уй бекаси, уйда ўтирганидан фойда йўқ. Нима қилсин, нима қилса бўлади? Наҳотки жўнаб кетиш керак бўлади? Наҳотки Виталийни бундан қайтариб бўлмайди?

Искра Гуляев тўғрисида ўйлаб қолди. У, ўз марҳум дўстининг ўғлига таъсир ўтказа олмасмикан; нима деганда ҳам, Виталий Александр Львовичнинг айтганини қилади.

Искра ишдан кейин албатта Гуляевникига боришга аҳд қилди, сменани топширди-ю, унинг уйига жўнаб кетди. Устиновна эшикни очди ва унинг йўқлиги, эрталабдан буён йўқлиги, қачон бўлиши ҳам маълум эмаслигини айтди. Искра яна келишга аҳд қилди.

Искра ўша куни Гуляевникига ҳар қанча келгани билан уни барибир топа олмаган бўларди. У, ўша куни Зоя Петровнани йўлга отлантираётган эди.

Завком кенгашидан сўнг Чибисов Зоя Петровнанинг олдига келган ва Зоя Петровна хоҳласа, уни ўзига яна ишга олишини, кўнгли юмшоқлигини, кексайгани сари қалби но-зиклашиб қолганини, бундан ташқари, кадрлар бўлими унинг учун секретарликка ҳафта сайин топиб келаётган пардоз-андозли аживалар билан у ишлай олмаслигини айтди.

— Қисқаси, сиз рози бўлинг ё бўлманг,— деди у,— сизни қайтадан ишга олиш тўғрисида буйруқ бор. Жиддий виговор эълон қилиб, қайта ишга олаяпман.

— Мен касалман-ку.

— Бир ойлик отпускаи берамиз. Қасаба союз санаторийга путёвка топиб беряпти.

Чибисов тўнғиллар, жаврар эди. Зоя Петровна эса унинг сунъий қўполлиги тагида бошқа нарсани кўриб турарди. Зоя Петровна унга қарши қилиб қўйган ишлари учун ундан жуда-жуда уяларди.

— Сиз тўғри иш қилгансиз, Антон Егорович,— деди у, Чибисовнинг кўзларига қарамай,— сиз мени тўғри бўшатган эдингиз. Бу айб ишгина эмас, ҳатто жиноят эди.

— Менимча, бунинг учун сизни партия йўли билан ҳам жазолашади. Шифоланинг, дам олинг, ҳали партия комитетида сиз билан сўзлашишади. Шахсан мен сизнинг кандидатлик муддатингизни бир йилга сурган бўлардим. Ҳар қандай муттаҳамларга ўйинчоқ бўлаверманг.

Ҳаммаси Чибисов айтгандек бўлди,— путёвка олинди, Зоя Петровна кечки поезд билан Сочига жўнаётган эди. У

ерда баҳор. ҳамма нарса яшнаган; Зоя Петровна ҳам яшнаб кетади, дейишарди.

Искра, Устиновнанинг: «Йўқ, келмади, келгани йўқ, қаердалигини билмадим» деганини иккинчи марта эшитган худди ўша соатда Гуляев Зоя Петровнага қараб қўл силкиб турарди, Зоя Петровна эса жўнаб кетаётган поезд деразаси ойнаси орқасидан аллақандай ишоралар қилар эди.

Поезд қоронғиликда кўздан йўқолиб, унинг охириги вагонадаги қизил чироқлар ҳам кўринмай кетгач, Гуляев Зоя Петровнанинг онасига:

— Соғлом ва шод қайтиб келади, деб умид қиламан,— деди.— Кутамиз.

Улар перрон йўлкаларидан чиқиш жойига қараб юришди.

— Александр Львович,— деди кампир.— Сиз унга уйланасизми ёки шундай?

— Саволингизни англай ололмадим,— деб ажабланди Гуляев.

— Балки, дейман, Зоенькага уйланарсиз?

— Мен унга нега уйланишим керак экан, қандай мулоҳаза билан, билсам бўладими?

— Ёлғиз, ахир. Шўр пешона. Йўқса ҳали ёш, чиройли. Сизни севади, ҳурмат қилади.

— Унинг менга тегишига ишонасизми?

— Ўзимга ишонгандек ишонаман. У сизни жон-дилидан яхши кўради. Унинг сиздан яқинроқ кишиси ҳам йўқ, Александр Львович. Мени, албатта, яна мана бу Ниночкани ҳисобга олмаганда.— Кампир нуқул аланглаётган, нуқул ойиси жўнаб кетган қоронғиликка қараб, кўз ёшини чипор қўлқопи билан артаётган қизни кўрсатди.

— Биласизми, ҳурматли онажон,— деди Гуляев,— вокзал олдидаги майдонга чиқишганда,—қизингизнинг тақдирини унинг ўрнига ўзингиз ҳал қилишга уринманг, ҳатто рози бўлганда ҳам, унинг менга тегишининг ҳожати йўқ. У ҳозир шундай аҳволдаки, ҳар қандай ширин сўзга, ҳар қандай мададга муҳтож. Ундан сўнг нима бўлади? Ундан сўнг—ёши ўзидан роса икки марта улуг одам билан умр қилиш. Мен сизга уйлансам бўлади,— деди кулиб Гуляев.— Ёшингиз мендан икки, уч ёш камроқ бўлса керак. Тегасизми? Зоя Петровна ўз бахтини излайверсин. Айримлар унга осонгина эришади. Бошқалар сира эришолмайди. Бошқа бировлар унга қаттиқ кураш билан боради, ниҳоят эришади ҳамда ўшанда уни кўз қорачиғидек асрайди. Ноумид бўлмаслик керак. бахт учун курашмоқ, унга умид боғламоқ, ўз сўнгги соатларигача кутмоқ керак. Шундай, мен бўлсам, Зоя Петровнага ота бўладиган ёшдаги одамман, даркор бўлиб қолса, унга шу мақомимда ҳам жон-дилим билан мададкор бўламан.

Шундай қилиб, сиз билан хайрлашишга рухсат этгайсиз. Кириб, сиз билан Ниночкадан хабар олиб тураман. Хайр.

У кўчада, ўз-ўзига пичирлаб борарди. Хотираси ўзининг аллақайси бурчакларидан топиб олган сўзларни мароқ билан тингларди:

...Шундан бери одатим эрур.
Яқин юрмоқ, гар кўринса нур,
Бермаса-да, суюклим садо.
Йўқлаб, чорлаб турмасалар ҳам
Уша одат яшайди ҳар дам,

Бу нима, қаёқдан келди, деб ўйлаб қолди. Бу Искранинг шеъри эканини эслади. «Чироқни ёқиб юринг, кўриб турай албатта».

Уша эски дўстларникига бориш керак. Уларни бутунлай унутиб қўяй деди. Бир неча ҳафтадан буён ҳамма бўш вақтини бемор Зоя Петровнага бағишлади. Ҳатто театр ҳаётидан ҳам бироз беҳабар қолди. Алексахин билан учрашмаганига қанча вақт бўлди асли. Учрашиш, албатта учрашиш керак. Янги пьеса учун қизиқ бир ғоя бор—яхши, номусли одамларга озор берадиган одамини кўрсатиш керак. У одам революцион гап сотадиган, умум иши учун гўё жон куйдиради-ю, лекин ўзи ўлгудек шахсиятпараст. Халқнинг ҳаётида оғир кунлар, мураккаб ҳодисалар бўлмаганида (юлғич-шахсиятпараст, уларнинг сабабини билолмай янглишган эди) балки у ўзининг иккинчи пилчироқ ҳаётини кечираверар эди. Етишиб келаётган кучларнинг намоён бўлганини у ожизлик деб билди, пайтдан фойдаланишга уринди-ю, қаттиқ янглишди.

Алексахин руҳлантирилса эди. Унинг учун типаж ҳам бор, қидириб юришнинг ҳожати йўқ. Соч-соқолига оқ кирган бундай олифтани Гуляев танийди. Йигит янги пьеса устида ўйлайверсин. Театрда аҳвол ўзгарган, ёш драматург театрда бундан бир-бир ярим йил аввалгидек тўсиқларга учрамайдиган бўлиб қолган, бадий раҳбар ҳам ўзгача бўлиб, Томашукнинг обрўи тушган, театрда бўлган катта таъсирдан маҳрум эди. Бу ҳолат узоқ давом этадими, тез тугайдими—буни ким билади? Одатдаги ижодий меҳнат билан тўлган кундалик ҳаёт жараёнида киши болта ушлаб ишлаётганларни, шахтёр чироқлари таққанларни, қураётган, барпо этаётганларни, сахнада туриб томошабинлар билан катта ғоялар тўғрисида сўзлашаётганларнигина кўради ва эшитади. Йўлда қийинчилик, тўсқинлик пайдо бўлиши биланоқ—кўз илғамас ва эшитилмас томашуклар рўпарангдан чиқиб қолади. Ҳатто сочлари тўзиган, ранглари ўчган, айтгандек, муқаддас ўт бўлиб алангаланган ҳолда минбардан туриб нутқлар ҳам сўзлайдилар. Шуниси яхшики, улар худди:

яшиқдан лип этиб чиққан пружиналик шайтонга ўхшаб, лна шундай тез ғойиб ҳам бўладилар.

У, хаёл билан бўлиб уйига етиб келганини ҳам сезмади. Устиновна уни инженер Козакова икки марта йўқлаб келганини айтди. Гуляев соатга қараса, кеч бўлиб қолибди, ухлаб қолишгандир,— Искра меҳнаткаш аёл, барвақт, завод гудогни чалиниши биланоқ туради, уни безовта қилиш ярамайди, деб ўйлади.

Эртага боришга аҳд қилди.

Эртасига уйда ёлғиз Люськани кўрди. У, тинчгина ўйнаб ўтирарди, уйда ҳеч бир жиддий ҳодиса бўлганидан нишона йўқ эди: хотиржам бўлди, бир варақ картон қоғозга ўзи келганини ёзди-да, театрга жўнаб кетди.

Искра бу ёзувни кечқурун кўрди, картонни улоқтирди: Гуляев билан суҳбатлашишга эҳтиёж қолмаган эди. У Виталий билан жанжаллашиб қолди, Искра ундан кўчиб кетиш муддатини яна кечиктиришни сўради, у бўлса, йўқ бўлмайди, дарҳол, эртагаёқ, индингаёқ жўнаш керак, деди. Ниҳоят, Искра умуман кетмаслигини айтди. Виталий бўлса жуда яхши, деди ўз азоб-уқубатлари тугаб, эркин нафас олажagini айтди.

— Шунақами?— деди Искра, бадани музлаб.— Мен билан жони дилинг билан ажраласанми?

— Шунақа жони-дилим билан.

— Яна бир марта шундай деб айт-чи, айт!

— Юз марта, минг марта десанг ҳам айтаман!... Сен асабларимни еб ташладинг. Мен яшаш деган нарсани билмадим ва ростини айтганда, хотиним ҳам бўлмади. Мендан: масалан, кечаю кундуз керосин ёки хом нефть ҳиди келиб турса сенга ёқармиди? Мен нефть тозалаш заводида ишлайдиган бўлсам, худди шундай бўларди. Сендан кокс ҳиди анқиб турибди... Буни ўйлаб кўрсанг-чи, сен хотин кишисан, аёлсан, ахир!

— Мен аввало одамман!— деб қичқирди Искра.— Сенга уят эмасми! Сен мешчанларнинг ярамас гапини айтаяпсан. Ўзингни ожиз, пасткаш обивателга ўхшатапсан.

— Жуда соз,— деди Виталий.— Самовий, юксак ғоялик бўлиб, қолавер. Менинг кўкка парвоз қилаверишим етар.

Эртаси кун кечқурун Виталий чамадонга кўйлақларини, ич кийимларини, соқол оладиган асбобини, галстукларини жойлай бошлади. Искра нега бундай қиялпсан деб сўрамади.

Соат тўққизга яқинлашиб, Искра Люськани ухлагани ётқизганда Виталий соатига қаради-да: «Хайр, бўлмаса. Бундай бўлганига мен айбдор эмасман» деди-ю, чамадонни олиб эшик томонга юрди. Искранинг бирор нарса дейишини кутиб бўлса керак, эшик олдида бироз турди. Лекин Искра ўзи

Люськанинг ғалати митти киймларини дазмоллаётган столдан ўгирилмади ҳам. Турмушларининг шундай тугаётгани, йиллар мобайнида барпо қилинган ҳамма муносабатини Виталий осонгина бузиб ташлагани алам қиларди. Демак, Виталий ўз турмушларидаги ҳеч бир нарсани қадр ҳам қилмаган экан-да.

Искранинг орқасида эшикнинг тақ этиб ёпилгани эшитилди. У ўгирилиб қаради. Лекин Виталий йўқ эди. Искра дазмолни қўйиб, вешалкага ташланди, пальтосини олди. Уни бағрига босиб, бироз турди, яна қозикқа илиб қўйди. Бу нима бўлади? Искра кўчада Виталийнинг орқасидан югургани, унинг қўлига осилгани, уйга қайтишга қистагани, вокзалда йиғлаб-сиқтаб уна қанча ялиниб ёлворгани билан барибир Виталий бадтарроқ ўжар бўлаверади, ниҳоят уни нари итариб ташлайди-ю, ўзи эса жўнаб кетади. Йўқ, бу иш эмас, бўлмайди..

Искра хонада зир югурар, қўлларини қаттиқ қисганидан бармоқ бўғинлари қирсилларди, яна пальтосига ёпишди, кийиниб кўчага югуриб чиқди. У қаерга ва нима учун югурётганини ўйламасди, лекин такси тўхташ жойига келиб, вокзалга терзоқ олиб боришни сўради.

Шофер машинани беҳуда тез ҳайдаган эди, чунки поезд бир неча минут илгари жўнаб кетган эди. Демак, Виталий ҳали олисда эмас, шаҳар четидаги жойлардан бирида. Таксида етиб олиш, навбатдаги станциягача физиллаб бориш мумкин. Виталий жўнашга журъат этолган, уни ҳеч нарса тутиб қололмаган экан, бундай қилишнинг нима кераги бор? Кетмоқчи бўлган одамни ҳеч нарса тутиб қололмайди; у эртами-кеч барибир кетиб қолади.

Искра яна таксига ўтирди. «Қаёққа?» деб сўради шофер; машинани ўрнидан қўзғатиб.

Қаёққа? Ростдан ҳам — қаёққа? Бўшаб қолган, абадий хувилаб қолган хонани кўриш учунми?..

Шофер жавоб кутар, ма чина секунд силжиб борарди.

— Овражная кўчасини биласизми?— деб сўради Искра.— Ўша ёққа, марҳамат. Энг охирига.

Йўл олисроқ бўлганда, балки Искра фикридан қайтган ва шофердан машинани орқага буришни илтимос қилган бўларди. Лекин шофер аллақайси айланма кўчалардан бориб, бир неча минутдан сўнг машинани Искра кўрсатган уй қаршисида тўхтатди.

Искранинг эшик ёнида туришга вақти бўлганида, балки у ўйлаб кўриб, бу эшикка кирмас эди. Бироқ, Дмитрий такси эшигининг тақиллаганини эшитиб чиқиб, Искранинг ўйлаб ўтиришига вақти қолмай, эшикка кирди.

— Бирор нарса содир бўлдимми?— деб сўради Дмитрий,

Искрани столга таклиф этган ва унинг юзига назар солгани ҳолда.

— Содир бўлди?...— деди Искра, қаёқдандир бирдан пайдо бўлган бепарволик билан.— Ҳа... бирор нарса содир бўлди...— У паришон ҳолда атрофга кўз югуртирди.— Уйда ҳеч ким йўқми?

— Ҳеч ким. Капитолина ҳали ҳам касалхонада. Энди тузалиб қолди. Андрей бўлса цехда.

— Ҳа, ҳа, мен эрталаб ундан сменани қабул қилиб олишим керак.— Искра бирдан юзини қўллари билан яшириб олди.— Дмитрий Тимофеевич,— деганини эшитди Дмитрий,— сиз менинг қандай бахтсиз эканлигимни тасаввур қилолмайсиз, асло тасаввур қилолмайсиз!

Дмитрий Искранинг қўлларини ушлади, уларни юзидан нари қилиб, унинг умидсизлик тўла кўзларини кўрди.

— Бу нимаси, Искра Васильевна?— дерди Дмитрий шошиб қолиб.— Ўзингизни босинг. Нима қилганингиз бу?— Дмитрий секин-секин унинг елкасини, орқасини силади.

Искра унга энгашди.

— Бундай яшолмайман, Дмитрий Тимофеевич, сира яшолмайман. Улиб қолсам керак. Сабри тоқатим қолмади.

Дмитрий нима қиларини билмасди, у Искрани секин елкасидан қучоқлади, секингина бағрига тортди, Искра четланмади, унинг асло домна цехи ҳиди эмас, хушбўй ҳид анқиб турган сочларига билинар-билинимас лабини теккизди.

28

Леля таниш эшикка бориб, деразага қаради ва орқага ташланди. У, рассом Козаковнинг хотинини қучоқлаётган Дмитрийни тўр парда орқали аниқ кўрди. Ўзларини, яъни Леля билан Дмитрийни бир амаллаб боғлаб турган сўнгги ингичка ип ҳам узул-кесил узилиб кетган эди. Узоқ сўзсиз курашда, у: яъни Леля, мағлуб бўлган эди. Бошқа — соғлом, чиройли ва серомад жувон қолиб келган эди. Унга, яъни рассам Козаковнинг хотинидек бир жувонга Дмитрий нега керак бўлиб қолди экан? У хотиннинг тўла бахтиёр бўлиши учун ҳамма нарса муҳайё, бу орада Дмитрий нима қилиб юрибди? Буниси ноз-карашма, оҳанжомга бўлиб, ҳаммаси тўқлиққа шўхлик эди.

Леля пардаси яхши тутилмаган дераза орқасидаги манзарани энди кўргиси келмади, у Овражная кўчасидан орқасига қайтиб кетди. Леля Дмитрий билан сўнгги учрашувини эслади. Бу уч ҳафта илгари бўлган эди, Леля бу уйга келган эди. «Бир вақт мени чақирган эдинг, ёдингдами деди Леля — Мана келдим». «Яхши келибсан» деди Дмитрий. «Сен нега

бундай баджаҳл кўринасан? Мен кета қолайми?»— «Тунда Горбачев ўлди... Қапа ой-кунидан бурун туғиб қўйди. Касалхонада ётибди. Аҳволи оғир».

Леля Дмитрийнинг ёнида бироз ўтирди, унинг тароққа сўз бермай, турадиган қаттиқ ва Лелянинг ўзи атаганидек. баджаҳл сочини силади. Дмитрий ўзини четга олмади. Леля ярим соатча ўтирди, кетаман, боришим керак, деди. Леля уникида қолгиси келарди, албатта, кетаман деганида Дмитрийнинг: «Ўтиравер, кеч бўлиб қолди» дейишидан умидвор эди. Дмитрий бундай демади. Леля оилада бирдан шунчалик ташвиш, шунчалик бахтсизлик бўлибди, деб Дмитрийни оқлади.

Эшик ёнида ҳайрлаша туриб Дмитрий: «Лельк,— деди худди илгаригидек оҳангда.— Лельк, келиб тургин. Йўлинг тушиб турсин. Эшитдингми?»— «Бунинг нима кераги бор сенга, Дима?» «Кераги бўлмаганда айтмасдим» деди Дмитрий.

Демак, у алдаган, ёлғон айтган экан-да. Унинг учун Лелянинг келиб туриши даркор эмас. У ўзига бошқа аёл топиб олган... Бу аламли фикр эди. Леля ўз-ўзига мени ҳаёт билан боғлаб турган бутун нарса шу Дмитрий эди, дерди. Леля Дмитрий бор бўлгани учунгина яшар эди. Энди эса, Дмитрийдан айрилиб, яшашининг маъниси ҳам қолмаган эди, Дмитрийни ўйламаса Лелянинг ҳаёти нима бўларди? Қўлларини яра-чақа қилиб юборган тўрларми? Ётоқхонадаги қойками? Шишадаги ароқми? Леляни бундай ҳаётга яна чидашга ким мажбур қиларди?

Леля англаб ололмаган бир даҳшатли манзара хотирасида бир лаҳза пайдо бўлди-да, яна ғойиб бўлди. Леля: бу нима ўзи, деб ҳаяжонга тушди. Уни нима безовта қиляпти? У нимани эслашга зўр беряпти? Бирдан Лелянинг эсига кўзларига зўр ғам-аламни Мокеич бобо ўз вақтида билиб ололмаган қиз тўғрисидаги ҳикоя тушди.

Леля аллақайси бир магазиннинг қоронғи витринаси олди-дан ўтиб борарди. У, витринада ўз юз аксини кўрмоқчи бўлди. Ясси бир доғнигина кўрди. «Мен ҳам зўр ғам-аламга тўлиб юрибман-ку,— деб ўйлади у.— Мен уни қаерга олиб бораман?..»

Леля уни қаерга олиб боришини биларди. Леля уни Мокеичнинг ҳикоясидаги қиз элтган жойга олиб бормоқда эди. «Лоп этиб тутун чиқиб, оппоқ буғ кўтарилди-ю, тамом бўлди қўйди» деган сўзлар эсига тушди.

Леля заводга девордаги туйнукдан кирди. Домна цехини топиб олишдан ҳам оснроқ нарса йўқ эди. Унинг томи тагида гувиллаётган ва алангаланаётган гулханлардан атрофдаги завод ҳовлилари ёришиб, қизғиш тусга кирган эди. Уни

ҳеч ким тўхтатмади, нима кераклигини ҳеч ким сўрамади. Эгнига калта уринган мўйна ит тери камзул кийиб олган Леля ўша кечки пайтда ҳам завод ҳовлисида юрган ишчи аёлларга ўхшарди.

Леля қуйиш ҳовлисига етиб борди. Бу ерда эндигина чўян олинган бўлиб, ариқчалар ҳамон хира учқунланиб турар, горновойлар уни тозаларди. Эстакада остида чўян вагончалар турар, уларнинг ковшлари кўзни қамаштирадиган металл билан тўла эди. «Лоп этиб тутун чиқди». Ўша ердан, шунақа ковшдан, лоп этиб тутун чиққан. Леля оташгоҳдан кўз узмай туриб қолган эди. Йўқ, Леля буни қилолмас эди. Йўқ, кечир мени, нотаниш, бахти қаро қиз, мен сенга эргашиб боролмайман. Балки, сен мендан ҳам бахтсизроқ бўлгандирсан. У вақтда сенинг бахти қаролигинг қандай бўлган эди...

— Леля!— деган овозни эшитди у. Бу шу қадар кутилмаганда содир бўлдики Леля нақ тутқичлардан ошиб пастга, ловиллаб турган чўян жаҳаннамга сакрагудек бўлиб кетди. Унинг юраги жон-жаҳди билан тепарди ва у ўзига қараб келаётгани Андрейни дарҳол таний олмади.— Леля!— деди яна Андрей, тушунолмай,— сен қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?

— Андрюша!— деди Леля ва унга ташланди, елкасидан қучоқлаб олди, кўкрагига бош қўйди,— Жонгинам! Азизим! Ҳаёт одамларни қай қўйга соляпти, ахир?..

Андрей билан Капанинг бошларига тушган мусибатга Леянинг ҳамдардлик билан айтган сўзларига ажабланган ва таъсирланган ҳолда Андрей жим турарди. Леля, эса, афтидан, ўз бошига келган мусибатдан эмас, ўзгалар бошига келган мусибатдан кўз ёши қилаётганига чиндан ҳам ишониб, йиғлар эди.

— Буни ҳаёт қилаётгани йўқ. Одамлар қияпти,— деди Андрей.

— Ёвуз улар, ёвуз!— деб йиғлар эди Леля ва кўз унгида рассомнинг серомад, соғлом, бахтиёр хотинини, яъни бекорчиликдан ўзгаларнинг ўша азоб-уқубатли кичик бир бахтини ҳам тортиб оладиган Искра Козаковани кўрар эди.

Шу дақиқада рассом Козаковнинг хотини ҳам эсанкираган Дмитрийнинг кўкрагига юзини қўйиб юм-юм йиғлар эди. Дмитрий, кўп ойлар орзу қилгани рўёбга чиқиб, бу кичик жувонни ўз қучоғига олиб турар, унинг ҳароратини ҳис этарди, унинг нотаниш қўл ва елкалари ўз қўли остида эди. У нега сусткашлик қияпти, нима учун? Ўзи шу фурсатни кутган, кўп кутган эди-ку.

Лекин Дмитрий сусткашлик қилар, фурсат эса, ўтиб борарди.

— Сиз нега йиғлайсиз?— деб сўради у.

Искра унга бегона жойда ухлаб қолиб, уйқусираб қараган одамдек ажабланиб қаради.

— Вой,— деди Искра,— юрагим қаттиқ ҳовлиқиб кетяпти, Люськадан хавотир оляпман. Уйда у ёлғиз эди-я.

Дмитрий Искранинг кўзларига тикилиб қараб, уни ўзига тортди.

— Йўқ, йўқ, йўқ,— деб бир неча марта такрорлади Искра, уни четлатишга уриниб.

Дмитрий унинг лабларидан ўпди.

— Керак эмас, керак эмас,— Искра уни ҳамон нари итарарди.— Дмитрий Тимофеевич, жонгинам, керак эмас. Мен сизни жуда севиб қоламан. Жуда. Лекин бундай қилманг.

Искра шундай дерди-ку, лекин тамомила бошқа нарса тўғрисида ўйлар эди. Дмитрий Искра Васильевнанинг нақадар ҳаяжонга тушганини, дард-дунёси қоронғи бўлиб, эзилганини кўриб турарди. Унинг хаёлини банд этаётган нарса нима эди десангиз денг, ким эди десангиз денг, лекин Дмитрий эмасди. Дмитрий ўзининг вазминлигидан ажабланиб, уни қўйиб юборди.

— Нега сиз бундай дейсиз, Искра Васильевна?— деб кулди у.— Сиз мени ҳеч маҳал севмайсиз.

Искра полга тикилгани ҳолда индамади.

— Мен сизни кузатиб қўяман,— деди Дмитрий, унга пальтосини узататуриб.

— Сиз мендан хафа бўлмадингизми?— деди Искра эшитилар-эшитилмас, пальтосининг енгини топиб киёлмай.

— Нега энди, Искра Васильевна?— Бирор кўнгилсизликдан менинг олдимга икки оғиз дўстона сўз, мадад излаб келгансиз, шундайми ахир, а? Мана сизга менинг қўлим, ушланг. Бу қўл қодир бўлган ҳамма ишни сиз учун қилишга тайёр. Сиз айтган севги бўлса, сиз буни, яна айтаман, янглиш айтяпсиз. Сиз мени севолмайсиз.

— Нега?— деб сўради Искра кичик муштларини сиқиб,— Нега?

— Чунки эрингизни севасиз.

— Йўқ, менинг эрим йўқ!— деб қичқирди Искра.— У жўнаб кетди. Тушунапсизми, қўлига чамаданни олди-ю, жўнаб кетди. Пасткашларча, уятсизларча қочди, қочиб кетди!

Дмитрий чуқур тин олди. Искранинг ҳаяжонланиши ва бесаранжом бўлишининг сири шу эди. Дмитрий бу кеча ўзи катта фалокатдан омон қолганини англади. У ушбу жажжи жувоннинг сўзларига ишониши, ўз қалбини тамомила бағишлаши мумкин эди. У бўлса, эрталаб, кўз ёши қилиб ва

куюниб бўлгач, вокзалга борарди-ю, эрига етиб олгани йўлга равона бўларди.

Улар кўчада индамай боришди, Искранинг уйи олдида бироз тўхтаб тургач, Дмитрий:

— Қани, бўлмаса хайр, алвидо, Искра Васильевна,— деди.

— Йўқ, йўқ, лекин, алвидо деманг!— деди у шошилганича.— Биз эртага кўришамиз, албатта кўришамиз. Хўпми?

— Хўп,— деди Дмитрий ва яна кулиб қўйди; унинг бу кулгиси муғомбирлик қилиб, ёлгон гап айтаётган бола билан сўзлашаётган катта одамнинг кулгисига ўхшарди.

Искра эшикни ўз калити билан секингина очиб, оёқ учидан хонага кириб келганида кечаси соат бир бўлган эди.

— Виталий!— деб қичқирди у, калитларни полга тушириб юбориб.— Виталий!

Стол ёнида пальто ва кепкасини ечмай, Виталий ўтирар эди. У, афтидан, Искрани кутиб, бошини қўлига қўйиб ухлаб қолган, унинг юзига тўрт тешиклик йирик енг тугмасининг изи тушиб қолган эди.

— Искруха,— деди у айбдордай.— Сенсиз мен яшай олмайман. Рост. Ажралиб кетиш деган аҳмоқона хаёл кимнинг миясига келди! Сен қаерда бунча узоқ юриб қолдинг? Мен дарҳол қайтдим-ку, ҳатто вагонга ҳам кирмадим.

Искра унга маъюс кўзлари билан боқарди. Виталий бугун содир бўлай деган нарсани тўғрисида гумонсирамасди, ҳа, гумонсирамасди. У, ҳамма вақтдагидек, ҳеч нарсани сезмас ва гумонсирамасди.

— Қайтиб келганинг жуда яхши бўлди,— деди Искра, унга яқин бориб,— жуда соз бўлди!

Виталий уни қучоқлади, Искра унинг елкасига ёпишганича туриб қолди, баданига аллақандай енгиллик оралади, мисли жўрилмаган оғир юкдан халос бўлди; у ўзини катта фалокатдан қутулгандай, бир вақтлар отасининг панонида тургандай сезар эди.

29

Дераза орқасидан совуқ денгизнинг узоқ жойлари кўринарди. Капа дераза олдида жойлашиб, митти чақалоғини эмизар, чақалоқнинг жаҳли чиқса юзи қизариб-бўзариб кетар, ана ўшанда у тиши бўлмаса ҳам, милкини босиб оғри тарди. Унга Ваня деб исм қўйишди. Капага шу исм маъқул эди. Капа касалхонада ётган вақтидаёқ Андрейга бундай деб ёзган эди: «Андрюша, биз унга отамнинг исмини қўйсак қарши бўлмайсанми? Исми, балки, бунчалик янги эмасдир, лекин сен рози бўла қол, Андрюша». Капа Андрей рози бўл-

мас деб қўрққан эди. Лекин Андрюша рози бўлди. Унинг назарида Андрюша бу дунёда энг ажойиб йигит эди, албатта.

Чақалоқнинг жаҳли чиқиб, қизариб-бўзариши инжиқлигидан эмасди. Чақалоқ асабий бўлиб, у фурсатидан аввал мусибат пайтида дунёга келган ва ҳеч кимни асло қувонтирмаган эди, чунки у туғилган пайтда ҳамма қариндош уруғлари ҳам қайғу ичида эди. Шундан кейингилари ҳам кўнгилдагидек бўла қолмади. Ойиснинг сути бир қанча кун жуда оз бўлиб, мазали ҳам эмасди. Милкини қаттиқ босмай иложи йўқ эди. Тўғри, унинг онаси бақувват ва соғлом эди, бироз вақт ўтиб, иш ўнғарилиб кетди. Лекин, фожиали довулли тунда туғилган миттигина чақалоқ салгина тақиллаган овоздан ҳам чўчиб тушар, тез-тез ва сабабсиз йиғларди.

Капа уни жони-дили билан яхши кўрар ва уни ҳадеб ўпавермагани учун Андрейдан хафа бўларди. «Капа, оталар ўз ўғилларини қачон чинакам яхши кўришларини биласанми?— дерди Андрей.— Ўғил болалар ўзларининг болалик хусусиятларини кўрсатганларида». «Қандайин бўлмагур назария бу, уят-а» деб аччиғланарди Капа.

Икки ҳафтадан буён янги уйдан берилган янги квартирада яшамоқда эдилар. Анна Николаевна эри ўлгандан кейин бошқа уйга кўчиб чиқиши керак эди. Ёлғизликдан қўрққан Анна Николаевна Капа билан Андрейдан ўзи билан яшашни иташ-истамасликларини сўради. Болага қарайдиган одам бўлгач, Капага ҳам енгил бўлади-ку. Капа рози бўлди. Отасининг ўлиmidан кейин Капа онасига меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан қарарди. Капа қанчалик қайғурмасин, ўзининг севиқли, жонажон, азиз Андрейи борлигини биларди, ойисининг-чи? Энди онасининг ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқ, фарзандлари ҳам, набиралари ҳам ўттиз йилдан кўпроқ бирга умр қилган турмуш йўлдошининг ўрнини боса олмасди.

Ҳа, улар бир маҳал Капа орзу қилганидек, уч хоналик янги квартирада яшамоқдалар. Учинчи қават, зинапояда қўшнилари бор, улар билан об-ҳаво тўғрисида ва яна ҳар тўғрида гаплашиш мумкин, улар очиқ чеҳра билан саломлашадилар, эшик олдида милиционер йўқ. Лекин энди Капа эшигимизда милиционер туради деб таъна қилган одам ҳам йўқ. Уни тўп лафетига қўйиб юракларни пора-пора қиладиган мотам музикаси садолари остида мозорга элтдилар. Капа бу музикани касалхонада ётиб эшитган эди.

Оила бошига мусибат тушган кунлардагина Капа отасининг қанча дўстлари борлигини кўрди. Улар илгари ҳеч маҳал келмаган, бирор оқшом бирга ўтирмаган, хордиқ чиқаришга, донимий, сира тугамайдиган ишлардан ҳоли бўлишга

ҳаммаларининг вақтлари бўлмас, ншдан қўллари бўшамас эди. Улар, афтидан, бу учрашувларни бошқа бўшроқ вақтга, кейинга қолдирар эдилар. Улар бу вақтни ўз дўстларининг тобути ортидан лой кечиб мазорга бориш ва Анна Николаевна ёнида биров ўтириш керак бўлгандагина топган эдилар.

Андрей ўзи заводда эшитган бир гапни Капага айтиб берган эди; ихтирочи Крутилич Горбачевнинг вафотини эшитиб: «Нимасига ачинади бунинг? Битта бюрократ камайибди. Унинг тобути орқасидан лой кечиб борадиганлар топилмаса керак» дебди. Андрей бу гапни Капанинг отасини кўмиш учун шаҳарнинг ҳамма заводларидан, портдан, олий ўқув юртларидан, мактаблар ва муассасалардан неча минглаб одам борганини сўзлаб туриб, айтиб берган эди.

Янги квартирага Анна Николаевнанинг иштирокисиз кўчиб киришди. Кўчиш вақтида уни Овражнаяда Устиновнанинг олдида қолдиришди. Анна Николаевна буюмларга, айниқса Иван Яковлевичнинг кабинетигаги буюмларга қўл уришганига, уларни қўзғатишганига, хоналар бўшаб, ҳувиллаб қолаётганига қараб туролмасди. Капа Иван Яковлевичнинг кабинетигаги бир қанча қоғозлар орасида қолиб кетган Крутиличнинг машъум тушунтириш хатини топиб олди. Қўлёманинг устида отасининг қўли билан ёзилган ёзувлар бор эди. Охирида Капа шундай сўзларни ўқиди: «Ўртоқни қўлласа бўлади, деб ўйлайман. Безовта одам. Безовта одамлар бировларни ҳам хотиржам қўймасликлари билан қадрлидирлар».

Капа шу ҳафта ичи бошидан кўп нарса кечирди. Уша кунлари у институтда бўлиб ўтган комсомол мажлисида чиқиб сўзлади. «Ўртоқлар,—деди у, қизғин сўзлаб.—Кўп йил ўтмай сиз билан бизнинг зиммамизга оталаримизнинг ишини охирига етказишдек масъулият тушади. Оталаримиз бизга ғоят улкан бойликни қолдирмоқдалар, ўзлари қўлга киритган социализмни қолдирмоқдалар. Социализм қирқ йилдан озроқ вақт ичида қурилган! Келгуси қирқ йил ичида, балки бундан вақтлроқ, биз коммунизм қуришимиз керак. Ота ва боболаримизнинг қони билан қўлга киритилган нарсаларга бепарво қарашга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бу йўлдан салгина қайтгани учун ҳам биз ҳеч кимни, ҳатто энг яхши дўстимизни ҳам кечиришга ҳаққимиз йўқ. Мен журналдан бир танқидчининг йўл четидан, йўл ёқасидаги зовурлардан бормай, тўппа-тўғри катта йўлдан бораётган одамларни мазах қилганини ўқидим. Биз бўтакўз излаб зовурларга туша олмаймиз. Бу ҳаракатимизни мушкуллаштиради, секинлаштиради. Йигитлар, қизлар! Бу балки биз истаганимиздан кўра оғирроқдир. Лекин дунёда кураш боряпти, боряптиги-

на эмас, кескинлашяпти ҳам. Оталаримиз баррикадаларда жанг қилишган экан, биз ҳам ҳали жанг майдонини ташлаб кетмаслигимиз керак. Кураш бўлар экан, жанг бўлар экан, демак, қийинчиликлар ҳам бўлади».

«Капа, сен большевичкасан!» деди унга семиз Аллочка мажлисдан кейин. «Ростданми,—деб сўради Капа.—Сен шундай деб ўйлайсанми? Жуда кўнглимдаги гап. Бу сўз менга жуда зўр маъно англатади».

Капа деразага боқар, кичик Иван Андреевични эмизарди, у жуда кўп фикрга чулғонган эди. Денгизда кема сузиб бормоқда. У қаёққа боряпти? Қайси мамлакатга кетяпти экан? Трюмларига нималар ортган экан? Капа отасининг уйида ёки Овражнаяда яшаганида буларни кўрмасди, бу ерда эса қаёқларгадир жўнаб кетаётган ва аллақаёқлардан келаётган кемалар ҳар кун деразадан кўриниб туради. Дунё портларидаги мачталарда қизил байроқлар тобора кўпайиб бормоқда. Капанинг мамлакати тобора қудратлироқ бўлиб, жаҳонда таъсири тобора ортиб бормоқда. Порлоқ ва шоднён кунлар яқинлашиб келаётганини, чегаралар ва чегара соқчилиги қолмайдиган, дунёда одамнинг қандай ажойиб ҳаёт кечираганини ўйларди у. Балки, ўзи ҳам бу кунларга етишар, мурғаккина Иван Андреевич бўлса, ўша кунларни сўзсиз, албатта кўради. Капа илгари уруш бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида унча ўйламасди. Бу нарса уни ташвишга солмасди. Энди у қўлида Иван Андреевични кўтариб турар экан, уруш бўлмаслигини истар, уни бошламоқчи бўлган одамлардан нафратланарди.

Туфлисини судраб босиб Анна Николаевна келди, Капанинг қўлидан ўғлини олиб, ўрнига ётқизгани олиб кетди. Капа дарсликларни варақлашга ўтирди, қош қорайиб келаётганидан столдаги чироқни ёқди. Кўп ўтмай Андрей билан бирга унинг ҳамма амакилари келди. Улар бу ерни, янги квартирани кўргани келишган эди. Платон Тимофеевич айтганидек, асосан валиаҳд домначини — Иван Андреевични кўргани келишган эди.

— Валиаҳд шахзода, дейишади. Бизнинг бундан ҳам улуғроқ валиаҳд металлург, валиаҳд домначи, деган унвонимиз бор. Биз йўлда шампанское олмоқчи бўлган эдик. Тағин бош оғриғи қилиб юрмасин, деган андишага бордик. Бизнинг фарҳезчимиз Дмитрий бўлса, ароққа қаршилик қилди. Шундай қилиб, ҳеч нарса олиб келмадик.

— Лекин Дмитриининг ишлари учун ҳам қадаҳ кўтарсак бўлади,— деди Яков Тимофеевич.

— Жуда тўғри гап,— деб қўшилди Платон Тимофеевич.— Заводнинг партия комитетига сайлашди. Тўғри ва тайинликкина, дейишади...

— Тўғри бўлганда қандай,— деб кулди Яков Тимофеевич.— Тўнка ёрар болтанинг ўзи, ўнг-сўлини кўрмайди.

— Айланма кўчалардан бориш беҳавотирроқ-да,— деди Дмитрий, Яков Тимофеевичга афсуслангандай қараб.

— Бунимга қаратиб айтяпсан?— деб сўради Яков Тимофеевич.

— Умуман айтяпман, турмушда учраган фактлардан — деди Дмитрий.

— Бўпти, ўзаро жанжални бас қилайлик!— деди Платон Тимофеевич.— Степан сен Воробейний билан қандай гаплашганингни айтиб бер йигитларга, улар ҳали беҳабар.

— Бунимасини айтиб берай? Тумшугига туширдим. Мен унга айрим тафсилотларни эслатган эдим, у бўлса бирдан оёғини осмонга қилди-ю, чўзилиб олди.

— Кўйсанг-чи!— деди қувноқлик билан Яков Тимофеевич.— Демак, тик туролмас экан-да.

Чибисов Воробейнийни ҳайдаб юбормай, ҳар ҳолда заводда қолдиргани тўғри ё нотўғри эканлиги устида баҳс-лашдилар. Қапа Дмитрийни бошқа хонага чақириб:

— Лелянинг қаердалиги маълумми?— деб сўради.

— Йўқ,— деди жавобан Дмитрий, қоронғи деразага қараб.— Номалум.— Унинг юзи сира ўзгармади, кўзларигина бироз қисилди, гўё у дераза орқасидаги зим-зиё олисликларда ўзгалар билмаслиги керак бўлган аллақандай бир нарсани кўрмоқчи эди.

Меҳмонлар жўнаб кетишгач, Қапа:

— Тўғри ва тайин бўлса, албатта тўнка ёрар болтага ўхшаган бўладими, Андрей? Сен қандай ўйлайсан?— деб сўради.

— Менимча, ўзи шунақа — тўғри ва тайин бўлолмаган одамлар шундай бўла олган одамларни мазах қилиб, ана шунга ўхшаш ҳар хил гапларни ўйлаб чиқаришади.

— Бу, балки, нуқсондир ҳар ҳолда?

— Билмадим, Капочка. Масалан, Владимир Ильич Ленин жуда тўғри одам бўлган.

— Мен нега бундай деб сўраяпман? Чунки менга ҳам гоҳо, сен жуда ҳам тўғрисан, дейишади. Балки, бу ёмондир? Бу сенга менинг ёмон аломатим бўлиб кўринмайдими? Сен бундан қийналмаяпсанми?

Андрей кулиб юбориб, уни қучоқлади:

— Менинг ажиб гўзалим! Сенинг салбий аломатларинг йўқ, бенуқсонсан...

— Бас қил, мен ростдан гапиряпман.

— Мен ҳам рост гапиряпман. Қизиқмисан. Мен сени севаман-ку. Мен сенинг салбий белгиларингни кўриб нима

қилай, мен яхшисинигина кўргим келади ва кўряпман, бошқасини кўришга мажбур қилма.

Кундуз, кечқурун тугаб, серташвиш оналик юмушлари битгач, шаҳарга тун оралаган чоғда Капа қоронғида кўзларини очиб ётиб, отаси вафот этган тунда кечирганларини эсламоқда эди. Бу ҳеч маҳал унутилмаसा керак. Кўнгил алами жисмоний алам билан туташган, Капа ўзи ўлиб кетаётганига ишонган эди. Лекин ўшанда ўлим даҳшатини отадан жудолик туйғуси кўмиб юборган эди. Отаси энди ҳеч маҳал унга кулиб туриб қарамаслигини, унинг бошини силамаслигини, унинг ўғил болаларники сиигари қўйилган сочини тўзғитиб ўйнамаслигини асло тасаввур қилолмас, бунга сира ишониб бўлмасди. Ўшанда у онаси билан палатага югуриб кириб, унинг ўрнига ўзларини ташлашди, уларни турғизиша олмади, олиб чиқиша олмади. Андрей Капани кўтариб олди ва ҳеч нарсани кўрмай қўйган, ҳеч нарсани сезмай қўйган хотинини санитар ва ҳамшираларнинг замбилига солди, улар эса Капани тўппа-тўғри туғуруқхона бўлинмасига олиб кетишди.

Капа кўз ўнгида отасини кўрарди. Капа алланарса тўғрисида шундай секин шивирлардики, бунга ҳеч ким, ҳатто Андрей ҳам эшита олмади. Капанинг товушсиз айтган сўзлари институтни тезроқ тамомлай қолиши, ўзи тезроқ врач, мустақил одам бўла қолишни истагини англатарди. Ўшанда кекса коммунист Горбачевнинг қизи қандай яшаб, қандай ишлашини одамлар кўриб қўйишади, билишади. У Андрей билан ҳаётда кўп нарса қилади, уларнинг оталаригина эмас, шунингдек ўзлари ҳам большевиклар эканликларини исбот қиладилар.

30

Қуйилмалар оппоқ ўт бўлиб, рольганглар орқали биринкетин стан валкалари остига физиллар эди. Дмитрий равон ҳаракатлар қилиб, уларни бу ёнидан у ёнига ағдарар, валкалар остига сурар ва қайтариб чиқарарди, қуйилмалар тобора чўзилар ва ингичка тортар, тобора хира нурланарди; кейин узун хариларга айланиб батамом сўнарди, Дмитрий уларни бошқа пресс ва агрегатлар остига жўнатар, қуйилмалар у ерда темир йўл рельсларига айланарди.

Дмитрий улкан ва оғир стан кабинасидаги шу ишни яхши кўрар эди. У, металл устида, пўлат устида ўз кучини синашни яхши кўрарди. Мана у тутқични босса — қуйилма худди жўва билан эзилган хамирдек валлар орасида қисилиб эзилади. Кейин Дмитрий уни бошқа ёни билан қўяди, у бошқа ёққа қараб эзилиб, узаяди. Аниқ ҳаракат қилиб, аниқ

мўлжалга олади, натижасини бевосита сезиб туради. Бир сменада Дмитрийнинг қўлидан шундай қилиб бир неча юз тонна металл ўтиб, ундан ниҳоят қанчалаб километр рельс тайёр бўлади?

Бундан ташқари, ўрганиб қолган тажрибали қўллар автоматик равишда ишлаганидан мулоҳаза қилиш, ўйлаш учун ҳам вақт бўлади.

Дмитрий янги партия комитетининг яқингинада бўлиб ўтган ва коммунист Орлеанцевнинг шахсий ишини муҳокама қилган мажлиси тўғрисида ўйлар эди. Мажлис оғир ва кўнгилсиз бўлди. Орлеанцев завком кенгашида бўлганидек, яна пионер комсомол бўлганини, Ватан уруши даврида икки марта ярадор бўлганини айтарди. Лекин гап ўз айбига иқдор бўлиш устига келганда; «Мен бундан айтиб ўтганман, устимда бўлар-бўлмас гап бўлишини сира истамайман» деб очиқ жавоб беришдан яна ўзини олиб қочарди.

Дмитрий бу одамга диққат билан қараб турди, унинг ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир ишорасини кузатди, ҳар бир сўзига қулоқ солди. Бу тагин коммунист-а, деб ўйлади. Унинг қандай коммунистлиги, қандай партиявийлиги бор? У ҳаммасини ўз фойдасига мўлжаллаб қўйган. У ҳозир, партия аъзоси учун оғир бўлган шу дақиқада ҳам манфаатпарастлигини қўймаётир. У жазодан ҳоли қолиш учун курашмоқда, айтиш вақтида эса, иш қилиб айбига иқдор бўлмаслик учун барча воситаларни ишлатяпти, у вақти келиб, яна иш бошида бўлиш учун олисларга кўз тиккан.

Партия бюросининг аъзолари кескин ва аниқ қилиб сўзладилар — Орлеанцевнинг партияда қолиши мумкин эмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

— Ўзи мансуб бўлган ташкилотни ҳурматламайдиган, шу ташкилотдаги ўртоқларини эътиборга олмайдиган одам ташкилотдан ўчириб юборилиши керак,— дерди маънодор қилиб мартен цехининг инженери.— У зарарли дейилмаганда ҳам, партия учун ортиқча юк.

— Йўқ, у ортиқча юк эмас,— деб қарши чиқди паровоз машинисти бўлган кекса коммунист.— У партияга фаол суратда ҳалақит беряпти, унга фаол суратда зарар келтиряпти. Унинг учун бошқача интизом бор экан, ўша билан истаган томонига жўнайверсин.

Ўзининг завод партия комитетининг аъзолигидек янги ҳолатидан ийманган ва бутун мажлис давомида индамай ўтирган Дмитрий бу ҳолатини ниҳоят унутди, сабри тугади:

— Орлеанцевга партияда ўрин йўқ. У бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлди. Балки, бирор маҳал унда бундай ҳуқуқ бўлгандир. Лекин энди маҳрум бўлди. Ўтган йил — партия учун енгил фурсат бўлмади. Дунёдаги коммунистик ҳаракат учун

енгил фурсат бўлмади. Мустаҳкамлик синовидан ўтдик. Бу синов чоғида Орлеанцев қаерда эди? У партия ишини, ишчилар синфи ишини, халқ ишини ҳимоя қилдими? У ревизионистлар кўтарган лойқа тўлқин устида раҳбар ўринларга чиқиб олмоқчи бўлди. Мен ҳам бу гражданинни партия сифидан чиқарилишига тарафдорман, бу қарорни хоҳлаган жойда ёқлаб чиқаман.

Орлеанцевни партиядан ўчиришга якдиллик билан қарор қилинди. Ушандагина у, афтидан, умрида биринчи марта ўзининг темирдек мустаҳкам вазминлигини йўқотди. У юзига такаббурона жилмайиш чиқара олмади, тор, узун елкасини ростлай олмади, оппоқ оқарган бошини ғурур билан кўтара олмади, у эшик олдиғача ҳаммани ўзига эътибор, ҳасад, ҳавас, ҳурмат билан қаратган ҳолда боролмади. Юзи чўзилган ва янада салқиган ҳолда сездирмай, букчайиб секин чиқиб кетди.

Крутилич буюк Орлеанцевнинг қулаганлигидан жуда қувонган бўларди. Лекин Крутилич шу вақтда аллақайси бир янги жойда — қўриқ ердаги совхоздами, Олтойдаги заводдами, ёки хаёлимизга ҳам келмайдиган бир жойдами — ўзига керак бўлиб қоладиган, яна бировларни зор йиғлатадиган ва жабрлайдиган аллақандай қоғозларни балки ўз сандиғига жойлар эди...

Дмитрий валлар остидан рўпарасидаги қалин, ойнага сачраётган учқунлар оқимиға қарар, сўнгги кунларда шу кўзни қамаштирадиган оқимда Леляни тез-тез кўрар эди.

Леля... у йўқ эди. Андрей унга Леля негадир домна цехига келганини айтган куннинг эртасига Дмитрий Рибакка қараб жўнади. У ерда Леля ҳали шаҳардан қайтиб келмаганини айтишди. Кечгача кутди. Муздек шамол эсиб турган қирғоқда кезинди, тўнтарилган баркасларда ўтирди. Совқотарди. Кутарди. Лекин Леля келмади.

Дмитрий орадан бир неча кун ўтказиб яна келди. Бу сафар унга Леля келганини ва ҳисоб-китоб олганини, конторага бориб сўраш кераклигини, у ердагилар Лелянинг қаёққа кетганлигини билишини айтишди. Лекин конторага боришдан аввал Дмитрий Леля билан бир хонада яшаган хотинлардан унинг нима учун ва қаёққа кетганини билиш-билмасликларини узоқ суруштирди. «Ким биларди уни,— дейишди унга.— У ўз билганини ҳеч кимга айтмади-ку. У фақат: йиғлаб сиқтаганим ва аллақайси бир нарсани кутганим бўлар, қанақа бўлганда ҳам умр-да, у ўтиб боряпти, яшаш керак, деди. Кута-кута энди кутмай қўйдим, кутадиغان нарсам йўқлиғига ишондим, деди. Сен эмасмидинг кутгани, жонгинам?» Конторада унга Лелянинг қаёққа кетганини тахминангина айта олишларини билдирдилар. Леляга

Ўқишга киришни бир неча марта таклиф қилишган эди. МРС директори унга мотористликка, механикликка, штурманликка — хоҳлаганига ўқишни таклиф қилган эди. Бошқа ўртоқлар балиқ кўпайтириш касбини мақташди. Леля ҳаммасига ҳам кўнмасди. Лекин нима ҳам бўлди-ю, бирдан — ўқийман, деб қолди. Бизнинг томонларда ҳозир бундай курсларга қабул йўқ. Ушаларни қидирганича кетди. Балки, Мурманскга, ёки Ростовга кетгандир. Одессага бўлса ҳам ажаб эмас... Ленинград, Болтиқ бўйи томонга ҳам кетган бўлиши мумкин...

Дмитрийга ўша кунлар оғир, жуда оғир бўлди. Дмитрий, чамаси, ўз абжағ, чандиқ юзини биринчи марта ойнада кўргандан буён бунақа юраги сиқилмаган эди. Уй ҳувиллаб қолган: Капа ҳали касалхонада бўлиб, Андрей ишда бўлмаган вақтида ё Анна Николаевнанинг олдида ўтирар ёки касалхона қабулхонасида бўларди. Дмитрий уйда ёлғиз азобланар, куйинарди. Бир вақт у ўйлаган, интилган Искра Васильевна — дала ва сойликлар орқали олис йўл билан бораётган йўловчини қуршайдиган туман сингари бир гап эканлигини Дмитрий тушунган эди. Қуршаб олиб, йўлдан адаштиради-да, бошни айлантириб, кейин тарқалиб ғойиб бўлиб кетади. Унга керак бўлган одам рассом Козаковнинг хотини, яъни шу Искра Васильевна эмаслигини, ўзини унга Леляда бўлмаган ва бўлмайдиган бир нарсасига жалб этганини тушунди. Дмитрий уларни ёнма-ён қўйиб кўрганда, Леля рассом Козаковнинг жажжигина, жозибадор хотинидан ўзининг кўнгли, муҳаббати, инсоний ҳарорати билан юқори турар эди. Агар у, яъни Дмитрий лозим топса Леля ҳеч нарсадан қайтмас, унинг учун бор-йўғини, ҳатто жонини ҳам берарди. Леля ҳар ким учун ҳам ҳаётда учрайверадиган дўстлардан эмасди. Дмитрий отаси айтиб юрадиган, ўзи бир маҳал Иван Яковлевич Горбачевга ҳам айтган: «Боримизни асрамаймиз» деган сўзларини эслаб кулиб қўйди. Насиҳат қилганини қаранг. Ўзи нима иш қилиб қўйди? Кимдан айрилди! Қандай дўст, қандай одамдан айрилди. Дмитрий Искра Васильевнани бирор нарса деб айбламасди. Лекин уни кўргиси келмасди. Дмитрий ўшанда Искранинг: «Эртага кўришгунча. Эртага албатта учрашамизми?» деган сўзларидан қалбаки оҳангни сезган эди. Искра Васильевнанинг турмуши бундан буён қандай бўлиши номаълум, балки у алоҳа рассом Козаков билан ўтказаётган умридан абадий мамнун бўлиб қолавермас, лекин Дмитрий қаттиқ сабоқ олганлигини, ўзи Леляни топмагунча тинчий олмаслигини биларди...

Аллаким унинг елкасига қўлини қўйди. Ўгирилиб қараса Чибисов экан. Директор билан бирга стан кабинасига бош

инженер, яна завод бошқармаси ва цехдан бўлган инженерлар ҳамда уч нотаниш, кўринишдан чет эллик кишилар кўтарилган эди. Улар гап бошлади ва Дмитрий уларнинг инглизлар эканини тушунди. Улар Дмитрийга мурожаат қилди. Дмитрий станни ёрдамчисига топширди. Станнинг иш унуми, қўйилмаларнинг оғирлиги, иш ҳақи, оила состави тўғрисидаги саволларга таржимон орқали жавоб бера бошладди.

Кейин меҳмонлар пастга тушди. Дмитрий ҳам улар билан бирга тушди. Чет элликлар совет металлургияси ютуқларидан ҳайратда қолганларини сўзладилар. Улар ўзларни бўлган дастлабки заводдагина эмас, ҳамма ёқда ҳам аъло сифатли ускуналарни, юксак ишлаб чиқариш маданиятини, ўзинга хос технологияни кўрганларини айтардилар. Таржимон батафсил таржима қиларди. Лекин Дмитрий ўз меҳнатлари зое кетмаганини ҳузур қилиб кўриб турарди: у таржимонсиз ҳам уларнинг кўп гапини тушунаётган эди. Текис ва тўғри қилиб очилган фарқи остидан пушти ранг териси кўриниб турган баланд бўйли қотма чол гапирганда айниқса тушунарли эди: у секин ва аниқ сўзлар, ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида талаффуз этарди.

— Ҳа,— деди чол,— ютуқлар бор. Жиддий ютуқлар. Қўлам катта. Интилиш. Сифат... Лекин Қўшма Штатларда йилига юз миллион тоннадан кўпроқ пўлат эритилмоқда. Сизларда эса жаноблар, фақат олтмиш миллионга яқин.

— Бизда ҳам юз ва ундан кўп бўлади,— деди Дмитрий инглизча сўзларни дона-дона қилиб айтиб.— Дмитрий бирдан ўзининг гапига тушунмасликлари ёки кулиб юборишларидан жуда ҳаяжонланган эди. Лекин унинг гапига жуда яхши тушунишди ва учала инглиз унга қизиқиб қаради.

— Ҳа, албатта,— деди чол жилмайиб,— шубҳам йўқ. Лекин сизда юз бўлганида, уларники икки юзга етган бўлади.

— Бизники юз бўлганида,— деди Дмитрий,— уларники, эҳтимол бир юз йигирма бўлса. Эҳтимол. Билмадим. Бунга шубҳам бор. Лекин уларда бир юз эллик бўлганида, бизники икки юзга етган бўлади.

— Сиз ишчимисиз?— деб сўради бошқа инглиз.

— Ҳа, ишчиман. Шу станнинг бош операториман.

— Сиз инглиз тилини қаерда ўргандингиз?

— Уйда. Лекин мен уни ҳали жуда ёмон биламан.

— Жуда яхши биласиз. Сизда йилига икки юз эллик миллион тонна пўлат эритиладиган бўлганда, сиз бутунлай ажойиб гапирадиган бўлиб қоласиз.

Дмитрий бу гап қандай истеҳзо билан айтилганини сезди.

— Бизда йилига икки юз эллик миллион тонна пўлат

эритиладиган бўлганда, балки сиз ҳам, сэр, рус тили дарслигини қўлингизга олиб қоларсиз»,— деб жавоб берди.

Бош инженер унинг спецовкасидан секингина тортди.

— Нега энди, мен тўғри гапиряпман,— деди Дмитрий.

Инглизлар жилмайишиб, унинг қўлини сиқди ва бутун аламон нари кетди. Дмитрий уларни цех дарвозасигача кўзатиб қўйди. Дарвозадан ташқарида офтоб чарақлаб турар эди. Денгиз сатҳи қуёш нуридан тилладек йилтиллади; ҳаво қиздирар, цех деворлари остида дастлабки кўмкўк майса кўтарилиб келмоқда эди. Эрувгарчилик, ёгингарчилик, тумов ва грипп билан тўла йил орқада қолиб, баҳор мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзиб келмоқда эди. Денгиз ёқдан салқин ва зарбли шамол эсмоқда, спецовка барглари эса ўша шамол сари очилиб кетмоқда эди. Қанчадан-қанча масофалар босилди, қанча синовлардан ўтилни ва қанча тўсиқлар енгилди...

Дмитрий стан кабинасига қайтиб келди. Валлар тагида қуйилмалар югургилай кетди, ойнага учқунлар сачради...

Унинг олдида, ўтли учқунлар орасида яна Леля пайдо бўлди. Ҳа, Дмитрий уни топмай қўймайди. Уни топади. Албатта топади. Дмитрий отпуска олади-ю, ўша ҳамма шаҳарларни — Мурманскни ҳам, Одессани ҳам, Ростовни ҳам, Болтиқ бўйини ҳам айланиб чиқади... Топади ҳам. У Лелясиз яшай олмайди. Дмитрий кўз ўнгиди очиладиган бу катта йўллардан Леля билан, унинг билангина бориши керак. Дмитрий Леляни топмагунича, уни Овражная кўчасидаги уйга, бир умр яшаш учун бошлаб келмагунича тинчимайди.

1956 — 1957 йиллар.

